

МИРЗО САЛИМБЕК

**КАШКУЛИ САЛИМИЙ
ТАВОРИХИ МУТТАҚАДИМИН ВА
МУТТААХИРИН**

**(Форе-тожик тилидан ўзбекчага доцент
Нарзулло Йўдошев ўтирган)**

Ушбу китоб А. Гиждувоний таваллудининг 900 йиллиги муносабати билан Бухоро вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги “Бухорои шариф” жамғармаси ҳомийлигида чоп этилди.

*Форс-тожик тилидан таржима, кириш сўз, изоҳ ва кўрсаткичлар-тарих фанлари номзоди, доцент
Йўлдошев Нарзуллоники*

Масъул муҳаррир: Ҳожи Садриддин Салим Бухорий

Мутаржим ушбу асарни чоп этишда беғараз ёрдам берган Бухоро вилояти ҳокими С.Қ.Хусеновга, инчунин, “Бухорои шариф” жамғармасига ва қимматли маслаҳатлар берган профессор Ф.Х.Қосимов, доцентлар Ҳ.Тўраев, У.Рашидов, Мударрис Ҳожи Абдуғафур Раззок ўрлига ўзининг самимий миннатдорчилигини изҳор қилади.

“БУХОРО” - НАШРИЁТИ 2003 йил

МЕЪРОСИМИЗ ДУРДОНАСИ

Тарихчи, олим, шоир, фозил зот Салимбек Салимийнинг “Кашкўли Салимбек” асарлари маънавий меросимизнинг дурдоналаридан биридир.

Муаллиф унда пайғамбарлар, шоҳлар тарихини, шунингдек ўзи гувоҳ бўлган Бухоро манғит амирлари тарихини киритган. Таъбир жоиз бўлса “Кашкўли Салимбек” қомусий асарлар сирасига киради, десак хато қилмаган бўламыз.

Бу китобнинг яна маърифий қиммати шундаки, унда пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг, шунингдек, тариқат пирларининг ривоят, ҳикоятлари бор. Мазкур ҳикоят ривоятлар ёшларга одоб-ахлоқни ўргатишда, улар онгида миллий мафқурани шакллантиришга бениҳоя катта хизмат қилади.

Салимбек Салимий ўзи гувоҳ бўлган ҳар бир воқеа, ҳодисадан ибратли хулосалар чиқаради. “Кашкўли Салимбек”да муаллифнинг ўзи гувоҳ бўлган тарихий воқеалар анча. Хусусан Бухоройи шарифга европаликларнинг муносабати, Бухоройи шарифнинг қанақалигини улардан бирини сўраши ва Салимбекнинг унга берган муносиб жавоби-шуларнинг ҳаммаси муаллифнинг ақли, фаросати, эътиқоди-маънавий оламининг бутунлигидан далолат бериб турибти.

Муаллиф жуда кўп китоб, қўлёзмалардан фойдаланиб ушбу асарини яратган.

1996 йилнинг 14 сентябрида Бухоро вилоят халқ депутатлари кенгашида президентимиз Ислоҳ Абдуғаниевич Каримов: “Бухоро нафақат Ўзбекистонни, балки бутун Марказий Осиё минтақасини дунёга машҳур этган. Унга Бухоройи шариф деган ном бежиз берилмаган” дегандилар. Дарҳақиқат Бухорони Бухоройи шариф этганлардан бири Салимбек Салимийдир.

Тарихчи олим Нарзулло Йўлдошев “Кашкўли Салимбек” ни форс-тожик тилидан ўзбекчага таржима қилди. Таржимон тарихий, маърифий асарни китобхонларга тушунарли-соғда, равон ўгирган. Айрим мураккаб жумлалар шарҳланган. Тарихий шахслар,

воқеалар изоҳланган.

Шуни таъкидлашни истардикки, ушбу асар чет элларда маълум ва машҳурдир. Лекин, Собик Иттифок сиёсати туфайли биз ундан бебаҳра эдик. Мустақиллик шарофатидан асар тўлиқ таржима қилинди. Энди у халқимиз мулкига айланиши муқаррар.

Садриддин Салим Бухорий

БИСМИЛЛОХИР РАХМОНИР РОХИЙМ

Мирзо Салимийнинг “Кашқўли Салимий” ва “Тарихи муттақадимин ва муттаахирин” асарлари ҳақида айрим мулоҳазалар.

XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида Бухорода ўнлаб донишманд ва олимлар жамият тарихи соҳасида бир қанча асарлар ёзган эдилар. Улар орасида шоир, тарихчи, ёзувчи, муҳандис, мусаввир, маърифатпарвар олимлардан Аҳмад ибн Мир Носир Юсуф ал Ханафий ал Сидиқий ал Бухорий яъни Аҳмад Донишнинг “Наводирул вақое” /Нодир воқеалар/, “Манғит амирлари хонадонининг қисқача тарихи ҳақида рисола”, “Шиалар ва сунийлар орасидаги муносабатларнинг ислохи ва икки мазҳаб орасидаги муҳолифат ва душманлик ҳақида рисола” қабилар.

Мирза Аҳмад Абдал Азимий Сомъе Бўстонийнинг “Тухфайи шоҳи” /1902-1903/, “Тарихи Салотини Манғития” /1906-1907 йилда ёзилган/ ва бошқалар. Мирзо Муҳаммад Садр ибн Домулло Абдушукур Садр Зиё яъни Шарифжон Маҳдумнинг “Тарих”, “Тарихдан лавҳалар”, /“Мунтахабат ат таворих”/, “Мирза Муҳаммад Алихон сўзидан Эрон ва унинг давлатини аҳволининг баёни ҳақида қисқача тарих”/ “Тарихи мухтасари Эрон ва баёни аҳволи салотини он, аз гуфтайи Мирза Муҳаммад Алихон”/, “турк тарихчиси Аббос Ширвоний сўзидан Туркиядаги Усмон ҳукумдорлари силсиласи /генеологияси”/, “Дунё истелочиси Чингизхон ва подшолик қилган унинг авлодлари силсиласи /генеологияси”/, Бухоро шаҳрининг пайдо бўлиши зикри”, “Қабила ва уруғлар, уларнинг тақсимооти баёни”, “Чингизиялар давлатидан то унинг инқирози давригача Ўзбекия Салотинидаги мансаб ва амаллар зикри”/, /“ Зикри мансаб ва амалҳои салотини Ўзбекия, ки аз аҳди Чингизия то инқирози он маъмул буд”/ ва биографик характердаги рўзнома/бунда 1888 йилдан 1920-1924 йилдаги воқеалар баён қилинган/. “Бухорои Шарифда бўлган қадимги осори атиқа ва бинолар тарихи” ва шунга ўхшаган

кўпгина кўлёзма асарлар турли кутубхоналарда сақланмоқда.

1958 йилда Бухоро музейида назоратчи бўлиб ишлаган Мирзо Салимийнинг кизлари Худо раҳмат қилгур Салимова бу китобни менга тақдим қилган эдилар. Бу воқеанинг тафсилоти шундай бўлган эди: Мен ҳам ўша йилларда Бухоро музейида илмий ходим бўлиб ишлар эдим. Хафтада бир ёки икки кун бозорга бориб, эски китоб сотувчилардан тарих, адабиёт ва бошқа масалаларга доир кўлёзма китобларни ўз шахсий кутубхонамга сотиб олар эдим. Бир куни уч тўртга кўлёзма китобларни бозордан ишхонамга олиб келдим. Салимова кўлимдаги китобларни кўриб, сиз бу китобларни ўқиб биласизми? деб сўрадилар. Мен айтдимки, ёшлигимда Худо раҳмати волидайи меҳрибоним ўргатганлар. У киши айтдиларки, отамдан қолган бир китоб бор, уни ўзлари ёзганлар, қанча қийинчиликлар билан у китобни сақлаб қолганман. Сиз ўша китобни ҳозирги хатга ўгириб таржима қилсангиз, деб эртаси ўша китобни менга келтириб бердилар. Ўша китоб чиройли насталиқ хати билан ёзилган Мирзо Салимбекнинг “Кашкўли салимий” ва Таворихи муттақадимин ва муттаахирийн” экан. Яъни иккита унинг ёзган асари бир китобда ўз дасхати билан кўчирган экан.

Китоб тожик-форс тилида бўлиб, олдин бир варағи ва охири 3-4 бети тушиб кетган, бошқа бетлари тугал/318 бет/. Советлар даврида бундай китобни нашр қилиш амри маҳол эди. Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин бу китобни ўзбекчага мазмунан таржима қилишга киришдим.

Таржимада айрим хатолар бўлса ўқувчилардан узр сўрайман. Яна шуни олдинроқ айтишим керакки, араб тилидаги жумлалар ва Куръон оятларини Салимий томонидан таржима қилинмагани учун, биз ҳам уларни таржимасини киритмадик. Уларнинг ҳаммаси 3-4 бетдан ошмайди.

◁ Мирзо Салимбек 1267/1850 йилда Бухоро шахрининг Жўйбор мавзеидаги Чақор гузарида амалдор оиласида туғилади. Унинг авлодлари Бухоро амирлигининг юқори мансабларида ишлаган илмли мутафаккир кишилар бўлганлар. 1287 хижрий, 1870-1871 исовий йилда яъни 20

ёшида амакиси Абдулазиз бий ибн Олимбек додхо ёрдами билан Нарпай ва Зиёуддин беклигига бориб, Остонакулбекнинг Мирзохонасида мирзолик вазифасида ишлайди. Шу китобда Мирза Салимий Зиёуддинга боришдаги йўл тафсилотларини, Ҳазрат Хожа Хизир алайҳис салом билан учрашганини, у киши билан бутун йўл давомида қилган мулоқотлари, Карманагача бориб Хожа Хизир Зиёуддинга борадиган йўлни кўрсатиб кўздан ғойиб бўлганликлари, шундагина у одам Хожа Хизр эканлигини билиб, кўп афсус-надоматлар чекканлиги ҳақида ҳикоя қилади.

Мирза Салимбек Зиёуддинга ўзининг билимдонлиги, қобилиятлиги билан тезгина танилиб қолади ва олти ойдан кейин амир Музаффархон уни Тошкентга юборади.

Мирза Салимбек Хитой чойи билан савдо қилувчи савдогар ниқоби билан Тошкентда 12 йил яшайди.

Унинг вазифаси рус амалдорларининг ишларини кузатишдан иборат эди, бир қанча рус амалдорлари билан яқин алоқада оулиб, ҳар олти ойда Бухоро амирига келиб ахборот бериб турар эди.

1299/1881-1882/ йилда амир Музаффархон уни Тошкентдан чақириб олади ва у бир неча вақт саройда хизмат қилади. Икки йилдан кейин Туркистон генерал губернаторлиги мансабига Розенбах /1884-1889 йиллар/ тайинланади.

Амир Музаффар Розенбахни Тошкентдан Самарқандга келгани муносабати билан элчи вакиллари гуруҳини юборади. Улар орасида мирза Салимбек ҳам бор эди. Туркистон генерал губернатори Розенбах Чариковни Бухорога доимий вакил қилиб юборади. Унга жавобан амир Музаффар Салимбекни Тошкентга Бухоро амирининг доимий вакили қилиб жўнатади.

Амир Музаффар, агар Тошкентдаги вакилимни чақириб олсам, Россия ҳам ўзининг Бухородаги вакилини чақириб олади, деган фикрга бориб Мирза Салимбекни Тошкентдан чақириб олади. Лекин амирнинг бу режаларини акси бўлиб чиқди.

Россия Бухоро амирлиги устидан назоратни янада кучайтириш мақсадида 1885 йилда императорликни Бухородаги сиёсий агентлиги идорасини ташкил қилади.

Энди Бухоро амири сиёсий агентлик ходимларига тамомила тобеъ бўлиб, ҳатто уларнинг розилигисиз ташқи давлатлар билан алоқа олиб бориш ман қилинади, Бухоро давлат чегараларида рус гарнизонлари жойлаштирилади. Бухоро амирлиги ўзининг мустақиллигини тамомила йўқотган вассал-ярим мустамлака давлатга айланиб қолган эди. Мирза Салимбек бу воқеани ўзининг китобида қисман ёзган эди. 1303/1885 йилда Музаффархон Мирза Салимбекни Хитфар ва Сомжин туманларига амалдорлик мансабига тайинлайди. Бу мансабда амир Абдул Аҳадхон тахтга ўтирган йилгача ишлайди. Ундан сўнгра элчилар қаторида Петербургга боради. Унинг Петербург сафари ҳақидаги тафсилотлар маъжур китобнинг 273-274 бетларида баён қилинган.

1306/1888-1889/ йилда Салимбек Бухоро миршаби лавозимида беш йил хизмат қилади. Ундан кейин Яқкабоғ вилоятига беш йил, Нурато вилоятига тўрт йил, Бойсун беклигига икки йил хизмат қилиб, Бухорога келиб додхолик унвони берилади ва Шеробод вилоятига ҳокимлик мансабига тайинланади.

Амир Аҳадхоннинг умрининг охириги йилларида Шаҳрисабзда ҳокимлик вазифасида ишлайди. Булар ва кейинги фаолияти ҳақида/1914 йилгача/ ўзининг юқоридаги асарида баён этган.

Мирза Салимбек иноқ 1920 йилдаги “Бухоро инқилоби”ни бош закотчи мансабига кутиб олди. “Инқилоб” даврида йирик амир амалдори сифатида қамоққа олинади. Бутун мол-мулки мусодара қилинади. Бухоро ҳукумати қарори билан неча амалдорлар қатори Мирза Салимбек ҳам ҳибсдан озод қилинади. Совет идораларида кичик лавозимларда ишлайди. Ниҳоят Бухоро давлат кутубхонасининг Шарқ қўлёзмалари бўлимида ишлайди.

Рус шарқшунослари В.В. Бартольд, А. А. Семеновлар Бухорога келганларида Мирза Салимбек ва Шарифжон маҳдумлар билан Шарқ қўлёзмалари бўйича бир неча кун улар билан мулоқотда бўлиб, уларнинг шарқшунослик соҳасидаги билимдонликларига юқори баҳо берган эдилар.

1921 йилда Бухорода “Анжумани тарих” деб аталган Бухоро тарихини ўрганиш жамияти ташкил қилинади. Бу

анжом ясашни кашф қилади. Тулкининг терисидан пўстин тўқишни биринчи бўлиб жорий қилади.

Қирк йил подшолик қилиб тожу тахтни ўғли Тахомарс девбандга топширади. Ундан кейин Жамшид ибн Тахомарс зикрига кўпроқ ўрин берилган. Унинг даврида ҳатто ўлим ва касаллик барҳам ейди. Жамшид умрини охирида шайтоннинг гапига кириб, тўғри йўлдан адашади. Парвардигорнинг хоҳиши билан Заҳоки Този Жамшед билан урушлар олиб боргани, Жамшед ундан қочиб номунишонсиз ройиб бўлгани ҳақида ҳикоя қилинади.

Заҳоки Този подшолиги зикрига ҳам китобда анчагина ўрин берилган бўлиб у Жамшеднинг хоҳарзадаси/синглисининг ўғли-жияни/ деб ёзилган. У зулмпарвар, золим бўлгани учун унинг икки кифтидан икки илон ўсиб чиқиб, шайтон-табиб қиёфасига келиб, бу илонларни ҳар куни икки одамнинг юраги билан боқилади, дейди.

Заҳок жуда кўп одамларни нобуд қилади. Ҳатто ўзининг икки ўғлини ўлдиртириб, уларнинг юрагини илонларга едиради. Ниҳоят навбат учинчи ўғлига келганда халқ Кова Оҳангар бошчилигида исён кўтариб, Заҳоки Тозини ўлдириб, унинг ўғлини ўлимдан сақлаб қоладилар.

Шу бобда Фаридун, Манучехр, Навзур бошқа подшоларнинг қилган ишлари ҳақида гапириб, Турон подшоси Афросиёбнинг Эрон шоҳлари билан олиб борган урушлари Эронни Афросиёб ўз тасарруфига олганлиги, ўз биродарини Эрон ҳокими қилиб, Эроннинг собик амалдорларини бир қисмини ўлдириб бошқаларни зиндон қилганлиги, Забистон подшоси Зол Зарин Афросиёб билан кўп йиллар уруш олиб бориб, ниҳоят сулҳ тузилиб, Эрон амалдорларини Афросиёб зиндонидан озод қилганлиги тафсилотлари баён этилган. Таҳоасб бин Манучехр подшолиги билан пешдодиёндар сулоласи тугаганлиги, уларнинг салтанат муддати икки минг тўрт юз йил бўлиб уларнинг табақасидан ўн нафар подшо бўлган.

Ундан кейин подшолик Кайёний/Кайхоний/ лар сулоласига ўтади. Уларнинг биринчи подшоси Кайкобут бўлиб, Афросиёб билан кўп урушлар олиб борган, ниҳоят сулҳ тузишга мажбур бўлган. Ундан сўнг Кайковус бини Кайкобут подшо бўлиб, Мозандаронга бориб уруш қилгани, шикаст еб асирга тушгани, Рустами зол бориб уни

асирликдан кутқаргани, Яман подшосининг қизи Судобага сиртдан ошиқ бўлганлиги, у ерга лашкар тортиб бориб, мағлубиятга учраб, асир тушгани, яна Рустам бориб уни асирликдан озод қилиб, Судобани уни ақдига ўтказиб, уларни Эронга олиб келгани, Судоба эса Кайковусни вояга етган ўғли Сиёвушни кўриб, унга ошиқ бўлгани, Сиёвуш унинг севгисини рад этгани учун унга тухмат қилгани, Кайковус ўғли Сиёвушни катта олов гулхани ичидан ўтишга буюргани, Сиёвуш ундай синовдан омон-эсон ўтгани, Афросиёб яна Эронга уруш қилганлиги, Кайковус ўз ўғли Сиёвушни Афросиёбга қарши қўшинларга бош қилиб юборгани отасининг ноҳўя ҳаракатларидан аччиқланган Сиёвуш Афросиёб томонига ўтиб кетганлиги ҳикоя қилинади. Сиёвушга Афросиёб ўзини қизи Фарангисни никоҳлаб берганлиги, Афросиёбнинг бародари Қаршюз Сиёвушни Бухорода, ҳозирги Аркка ўлдиргани ҳақида қизиқ маълумотлар келтиради.

Рустам келиб Сиёвушнинг хотини ва унинг чақалок ўғли Кайхисравни Эронга олиб боради. Сиёвушнинг ўғли Кайхисрав вояга етгач бобоси Кайковус ўзининг тожтахтини унга беради. Кайхисрав Афросиёб билан олиб борган урушлар ва Афросиёбни ўлдиргани ҳақида ҳикоя қилинади. Шу бобда Искандар Руми ҳақида гапириб, у Эрон подшоси Доронинг ўғли эканлиги Доро ўлимидан кейин Эрон подшоси Дороб билан олиб борган урушлари, Доробнинг ўз хизматкорларидан икки киши ўлдиргани, Дороб ўлимидан кейин Искандарнинг турон заминига юриш тафсилотлари баён этилган.

Бошқа бир боб “Дар баёни табақайи савум аз мулки Ажам ки, онҳоро ашқониён гўянд” / Учинчи табақа Ажам мулки ҳукмронлари бўлиб, уларни ашқониёнлар деб атаганлар”/ деб номланган. Искандар Эронни забт этгач Ашқониёнлардан бир нечасини турли вилоятларда ҳоким қилиб тайинланган эди. Уларнинг аввали Ашқ ибн Дороб бўлиб, ўн икки йил подшолик қилади. Муаллиф бутун подшоларнинг номлари ва ҳукмронлик қилган йиллари ва уларнинг фаолиятлари ҳақида қисқа маълумот берган. Улар орасида энг кўп фаолият кўрсатганлари Шопур бин Ашқ, Баҳром бин Шопур ва бошқалар. Ашқониёнларнинг охириги подшоси Давон бини Нарси бўлиб, 30 йил подшолик

килиб, Сосонийлар сулоласининг подшоси Ардашер кўлида ҳалок бўлади.

Тўртинчи табақа Ажам мулкининг ҳукмдорлари уларни Сосонийлар деб атар эдилар. Биринчи подшоси Ардашер, уни Эрон шохон шоҳи деб атаганлар. Ардашер Бобак бин Сосон бутун Эрон мамлакатини забт этиб, Мисрни ҳам ўз тасарруфига киритган. Китобда айниқса, Нуширвон Одил ҳақида ажойиб ҳикоялар келтирилади. Охирги подшоси Яздҳард бин Шахриёр даврида Ҳазрат Умар разияллоху анху халифалиги даврида Саъди Ваққос розияллоху анху лашкар тортиб Эронга келиб, Ислом лашкарлари Эронни эгаллайдилар ва Эрон халқлари Ислом динини қабул қиладилар.

Бошқа бобда “Зикри Ҳазрат Хотам Набий Саллоллоху алайҳи васаллам ва Халифоти Рошиддин”/Ҳазрат пайғамбаримиз Набий Саллоллоху алайҳи васаллам ва Рошиддин халифаларини зикри”/. Муаллифнинг ёзишича бу боб “Подшолар зикри бўлгани учун бу бобда уларни зикр қилишни муносиб кўрмадик” деиди. Уммовийлар халифалигини қисқача баён қилиб улар 14 киши эдилар. Улардан аввалгиси Ҳазрат Муовия Розияллоху анху ва охиргиси Марвон Ҳаммар эди. Уммовийлар 91 йилу 4 ой ҳукмронлик қиладилар.

“Аббос Розияллоху анху авлодларидаги халифалар зикри” бобида уларнинг 37 киши эканлиги кўрсатилган. Уларнинг пойтахти Бағдод шаҳри бўлиб, аббосийларнинг охиргиси Мўхтасим бўлиб. Ҳалакухон бин Тулихон бини Чингизхон уни ҳалок қилади.

Ундан кейин алоҳида боб “Зикри халифаҳойи Исмоилидир. Улар 14 нафар бўлиб 296 йилдан/ҳижрий/ Мағриб ва Миср вилоятларида ҳукмронлик қилганлар. Уларнинг ҳукмронлик муддати 268 йил бўлган эди. Уларнинг аввали Маъди Ибн Исмоил бини Имом жаъфар Содик Розияллоху анху, охирги ҳукмрони Мухтазид бўлиб, 564 ҳижрий йилда,² уларнинг давлати инқирозга юз тутди.

1. 296 йил ҳижрий-исовий йилида 30 сентябрь 908 йил (жума кундан бошланиб, 19 сентябрь 909 йил (чоршанба) кунигача

2. 504 ҳижрий йили 1168/1169 исовий йилга тўғри келади.

Натижада бу сулоладан асар ҳам қолмади. Китобда Сомонийлар ва Ғазнавийлар подшоликлари ҳақида муаллиф жуда қисқа баён этади. / Ҳаммаси бўлиб бир бетдан сал ортиқроқ/, аксинча салжукийлар ҳақида китобнинг 218-221 саҳифалари бағишланади. Чингизхон подшолиги ва унинг авлодлари ҳақида кенгрок маълумот бор. “Амир Темур Соҳибқирон бин Тарағай достони” ҳақидаги бобда унинг вафоти ҳақида бир қанча шоирларнинг ёзган тарихларидан тўртта намуна келтиради. Темур авлодлари ҳақида қисқача, аммо муҳим маълумотлар келтиради. /223-238 бетлар/.

Ўзбек подшолари /Шайбонийхонлар Н.И./ зикри, /238-244 бетлар/, Аштархонийлар сулоласи подшолари зикри/244-256 бетлар/, Манғит подшолари зикри /267-278 бетлар/, уларнинг охирги амири Сайид Олимхон 1331 / 1913-1914/ йилгача бўлган фаолиятига қисқача тўхтаб ўтади. Россия давлати подшолари Қадимги Киев-русидан то Николай II гача бўлган воқеалар қисқача баён қилинади. Ундан кейин муаллиф ўзи кўрган, кечирганларини алоҳида сарлавҳа билан баён этади.

Кейинги бобда “Муаллифи тарихи ҳукамо аз Шамсиддин Муҳаммад шаҳрзови раҳматуллоҳи алайҳи” асари асосида қадимги Юнон ва шарқ файласуф, табиб ва олимлари ҳақида қисқача маълумот беради. Айниқса, Фишоғур ҳаким, Жолинус ҳаким, Афлотун ҳаким, Аристотилус ҳаким, Букрот табиб ва бошқалар ҳақида қисқа маълумотлар, уларнинг айрим ҳикматли сўзлари ҳақида ёзилган /290-301 бетлар/.

Китобнинг охирги боби, “Туфтор дар баёни таворихи Турк Усманий”/“Усманий турк давлатининг тарихи ҳақида сўз”/ҳисобланади. Бу бобда Усманий турклар қандай қилиб Мовароуннаҳрдан Анатолия ярим оролига келиб жойлашганликлари, уларнинг Туркиядаги салтанатлари ва курашлари натижасида Усманий турклар бир қанча жойларни эгаллаб кучли давлатга айланганлиги ҳақида баён қилади. Китобнинг охирги 3-4 бети йиртилиб кетгани учун кейинги воқеаларни билолмадик.

Мирза Салимийнинг бу китоби фақат тарихий воқеаларни баён қилибгина қолмай, Пайғамбар ва машойихлар, ҳукамоларнинг қилган ривоятлари,

насихатомуз сўзлари, уларнинг қилган ишлари, ажойиб-фаройиб ҳикоялар баён қилади. Уларнинг ривоятлари ва айтган гаплари инсоният оламини яхшиликка, подшоларни адолатга, инсонлар ўртасидаги самимият ва дўстликни мустаҳкамлашга, ёшларни яхши хулқу-ахлоққа, имонли бўлишга ундайдиган воқеалар, ривоятлар, ҳикоялар келтирадики, бу китобни ўқиган ҳар бир киши улардан хулоса чиқармасдан иложи йўқ.

Қўлёмани тарихчи олимларимиз ва дин уламоларига ўқитиб уларнинг қимматли фикр ва мулоҳазаларини ҳам эътиборга олдик. Албатта инсон ожиз. Агар бу камтарона хизматлар элга манзур бўлса, Аллоҳнинг марҳаматидандир. Камчилик ва хатолар бўлса ўқиган азизлар авф этсинлар.

Машойхлардан бири айтганидек:

Кардам сияҳ қоғоз чандин барин умед,
Шояд сияҳи варақи ман шавад сафед

Мазмуни:

Мен катта умидлар билан қора қилган варақлар, шояд(Аллоҳ таоло) менинг номаи аъмолим варақларидаги қораликларини (яъни гуноҳларни) оқартирса (яъни афву этса).

Н.Йўлдошев

БИРИНЧИ БОБ¹

“Аъзу биллоҳи минаш шайтонир рожим” нинг фазилати хакила²

... Имом Хасан розиёллоҳ анҳудан келтирдиларки, ҳар ким “Аъзу биллоҳ” ни батамом айтса, Аллоҳ таоло у банда билан шайтон орасида уч юз ҳижоб / парда/ пайдо қилсинки, бир ҳижоб билан иккинчи ҳижоб ораси беш юз йиллик йўлдир.

Анас ибн Малик розиёллоҳ анҳудан ривоят қиладиларки, банда шиддатли касал/ранж/ га гирифтордир. Аввал, ҳасаддирки, жамий тоатни барбод қилади, иккинчи - нифоқдирки, мунофиқ кофирдан ҳам баттардир, учинчи - мўъмин бандаларнинг ўзаро душманчилиги бегоналикка олиб боради, тўртинчи - шайтондирки, иблис бундай мўъминларга ҳамиша фасод келтиради, бешинчи - нафсдирки ёмон кирдикорларга гирифтор қилади. Бундай мўъминлар кўпроқ доим таъвияни³ айтишлари керакдирки, бундай шиддатли ранжлардан халос бўладилар.

Келтирадиларки, мўъмин банда бу дунёда мисли ғарибдек, яъни мусофират бўлган ғариб киши сифатида бир шахснинг дарвозасига келиб, у ердаги итлар у ғарибга ҳамла қиладилар. У бечора танг аҳволда қолиб/музтарина/ ховлини эгасини чақиради. Ит шаклида кўринган шайтондир. Ҳар бир муслим бандани тишлаб олишга қасд қилади. Мўъмин банда “Аъзу биллоҳи” ни пок юракдан айтсин. Аллоҳ таоло у бандани шайтон дастидан халос қилади.

Келтирадиларки, Худойи таолонинг душмани бўлган шайтон айтсинки, Муҳаммад Салаллоҳу алайҳи васаллам умматлари айтадиларки, Худойи таолони дўст тутамиз. Шайтон бизларга Худонинг амрини қилмасликка ундайди. Улар орасидаги осийларга мен амр қилсам итоат

1. Қўлёманинг 1-2 бетлари (бир вираги) тушиб қолгани учун 3-бетдан бошладик.

2. Аъзу биллоҳи минашшайтонир рожим-қувилган лаънати шайтон ёмонлигидан Аллоҳ паноҳида сўрайман.

3. Таъвия - дуолар

4. Осий - гуноҳкор, итоатсиз бандалар

килиб, ўша ишни қиладилар.

Аллоҳ Таоло айтгайки, Худонинг душмани бўлган шайтони лайин хоҳлайдики, мен ўз бандаларимга газаб қилай, ҳатто осий бандалар агар чин юракдан тавба қилсалар, уларни авф қилиб, мағфират қиламан, сенинг ифвойингга ҳеч қачон амал қилмайман.

Имом Ҳасан розиёллоҳ анҳудан нақл қиладиларки, Иблис етти юз етмиш беш минг йил ер юзида Аллоҳ Таолога ибодат қилди. Ер юзида ҳеч жой қолмадики, у сажда қилмаган бўлсин. Ундан кейин осмонга чиқиб минг йил ибодат қилди. Унинг ибодати касридан осмон аҳли уни аввал Ибод¹ деб билдилар. У ердан чиқиб иккинчи осмонга минг йил ибодат қилди. Иккинчи осмон фаришталари уни Сожид² деб билдилар. У ердан учинчи осмонга чиқиб минг йил ибодат қилди. У ернинг фаришталари уни Хошье³ деб атадилар. У ердан тўртинчи осмонга чиқиб минг йил ибодат қилди. У ернинг фаришталари уни Хоши⁴ деб атадилар. У ердан бешинчи осмонга чиқиб минг йил ибодат қилди. У ернинг фаришталари уни Қаноат⁵ деб атадилар. У ердан олтинчи осмонга чиқди. У ерда ҳам минг йил ибодат қилди. У ернинг фаришталари уни Мужтаҳид⁶ деб атадилар. У ердан еттинчи осмонга чиқиб, минг йил ибодат қилди. У ернинг фаришталари Зоҳид⁷ деб атадилар. Аллоҳ таоло етмиш минг фариштани Иблисга тобъе қилиб уни биҳишт хазинадори қилди. Иблис жаннатга кириб, минг йил ризвон(биҳиштдош) лар ҳамроҳлигида ибодатга машғул бўлди. Лавҳал маҳфузга⁸ кўзи тушди, кўрдики хат ёзилган. Унда, бандалардан бир банда Аллоҳ Таолонинг фармонини бажармаса, Аллоҳ Таоло даргоҳидан қувилади, абадий лаънатга гирифтор бўлади. Унинг ҳамма тоат ибодатлари ботил бўлади, деб ёзилган эди. Иблис хатни кўриши билан Аллоҳ таолога маълун бандаларга лаънат юбориш ишини менга топшир, деб мўножот қилади.

1. Ибод - ибодат қилувчи

2. Сожид - сажда қилувчи

3. Хошье - мутъе, фармонбардор

4. Хоши - Худонинг газабидан қўрқувчи

5. Қаноат - розиманд, хушнудлик

6. Мужтаҳид - жидду-жаҳд қилувчи, қўпини қилувчи

7. Зоҳид - тарки дунё қилувчи парҳезгар

8. Лавҳал Маҳфуз- инсонларнинг яхши ва ёмон амаллари азалдан ёзилган хат/лавҳ/

Аллоҳ Таолодан фармон келдики Иблис минг йил жаннатда ибодат қилиш ўрнига ўзининг нафсига лаънат юборди.

Келтирилди Исрофил алайҳис салом бу хатни Лавҳал махфузда кўриб, йиғлаб фаришталарга хабар бердилар, ҳамма фаришталар ҳам йиғлашга тушдилар. Тавба ва истиғфорга машғул бўлдилар. Иблис олдига бориб ундан дуо сўрадилар. Иблис уларга дилдорлик бериб, кўлини дуога кўтариб айтди, Илоҳий жамийй фаришталарни Худонинг ғазабидан сақла . У малъуннинг ўзига тегишли бўлган дуони фаромуш қилганлигидан ҳеч гумони йўқ эди ва абадий малъунга айланди.

Анас ибн Малик розиёллоҳ анҳудан ривоят қиладиларки, Иблис ҳайдалгандан кейин Аллоҳ таолога муножот қилдики, одам авлодига масжидни жой қилдинг, мусулмонлар у ерда сенинг зикрингни қиладилар. Менинг жойим қаерда? Аллоҳ Таоло айтди, сенинг жойинг ҳаммомдир. Одам авлодига мажлисни бердингки ижтимоъ (бир жойга тўпланиш) қиладилар: менинг мажлисим қаерда? Худойи Таоло айтди, бозорни сенинг мажлисинг қилдим. Яна айтди, одам авлодига Куръон ато қилдинг, менинг Куръоним қайсидир. Худойи Таоло айтди, сенинг куръонинг фиску-фасоддир. Яна айтди, Ё Раб одам авлодига сухан ато қилдинг. Менинг суханим қайсидир? Сенинг суханинг ёлғон гапиришдан иборатдир. Ё Раб Муҳаммад Алайҳис салом умматларига азон ато қилдинг, менинг азоним қайсидир? Аллоҳ таоло айтди, сенинг азонинг мазомир (найनावоз) яъни найнинг овозидир. Яна айтди, Ё Раб одам авлодига расул ато қилдинг, менинг расулим кимдир? Аллоҳ таоло айтди сенинг расулинг қоҳинлардир¹ Яна айтди, одам авлодига китоб бердинг, менинг китобим қайсидир? Аллоҳ Таоло айтди, сенинг китобинг аёлларнинг нилдан юзига суртадиган хату-холи бўлиб ҳисобланади. Яна сўради одам авлодига ҳамсуҳбат бердинг, менинг ҳамсуҳбатим қайсидир? Худойи Таоло

1. Қоҳин - қадимги мисрлар, иеронийлар ва яҳудийларнинг руҳонийлари.
Соҳир, шўхунар, жодгар

Айтди, сенинг хамсухбатинг фожира(бад ахлоқ, фосиқ) аёллардир. Яна айтди, Ё Раб одам авлодига таом бердинг, менинг таомим қайсидир? Худойи таоло айтдиким “бисмилло” айтмаса сенинг таоминг шудур. Яна айтди, Ё Раб одам авлодига сув бердинг менинг сувим нима: Аллоҳ Таоло айтди, сенинг сувинг маст қилувчи шароблардир.

Ҳикоят

Возеъ¹ масжидда айтдики, мўъмин бандалар бирор нарса садақа қилмоқчи бўлсалар, иблис етмиш минг шайтонга амр қиладики садақа бергувчиларни қўл оёғига ёпишинглар, уни хайр ишидан ман қилинглар. Масжидда бир шахс ҳам ўтирган эди. Хайр-эхсон зикрини эшитиб, ўз уйига бориб ўзининг этагини буғдойдан тўлдириб, садақа қилиш учун уйдан чиқаётганда хотини унинг этагидаги буғдойни олиб, айтдики рўзгорнинг эҳтиёжини ўзинг биласан, яна садақа қилишни хоҳлайсан. Бечора эркак ноилож масжидга борди. Возеъ сўрадики, сен масжидга нима садақа қилдинг?

У эркак айтди:— “Садақа қилиш” ниятида етмиш шайтонни ҳайдадим, шайтоннинг онаси келиб, садақани этагимдан олиб мени ҳайдади, мен қочиб бу ерга келдим”.

Иброҳим ибн Адҳам раҳматуллоҳ алайҳи нақл қиладиларки. Шайтон учун илми ҳалимдан қаттиқроқ ҳеч нарса йўқдир. Бошқа биров суҳан қилганда мулоимлик билан сукут сақламоқ яхши одатдир. Шайтон айтдики, илми ҳалимнинг сукути менинг учун шиддатлидир. Илоҳи Аъзу биллоҳий минаш шайтонир рожийм ҳурмати учун мўъминин ва мўъминот ва бутун бандаларнинг мардуди Лайин шайтон васвасасидан муҳофазат қилсун, Аллоҳ таоло ҳидоят қилиб ўз раҳмати билан фазл ва қарамига восил қилсин. Омин.

1. Возеъ - ваз қилувчи, диний масалалардан паңду - насиҳат берувчи

ИККИНЧИ БОБ

“Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим” нинг фазилати хақида

Пайгамбар саллоллоҳу алайҳи васалламдан ривоят киладиларки:

Худойи таоло қаламни яратди. У қаламнинг юз ақидаси бўлиб, яъни қаламни юз бўғимлари бўлиб, Аллоҳ таоло унга яхши махлуқотлар хақида ёз деб фармон берди. Қалам айтди: қайси нарсадан ибтидо/ёзишни бошлай/ қилай. Худойи таоло айтди: Бисмиллоҳир раҳмонир раҳимдан ибтидо қил. Қалам Аллоҳ Таоло фармони билан Бисмиллоҳир раҳмонир раҳимни етти юз йилда ёзиб тамом қилди. Аллоҳ таолодан фармон бўлдики, эй қалам! Қудратли Худовандман Ҳабибим Муҳаммад Мустафо Саллоллоҳу алайҳи васаллам умматларидан ҳар ким бир марта бисмиллоҳир раҳмонир раҳим деб айтса етти юз хисса савоб унга ёзгин.

Хабар берилдики. Қиёмат куни Муҳаммад алайҳис саломнинг умматларининг бир ракаат намози бани Исроилнинг минг ракаат намози билан баробардир. Маъшар куни бани Исроил айтсинки Илоҳи, нима сабабдан Муҳаммад алайҳиссаломнинг умматларининг бир ракаат намози бизларнинг минг ракаат намозимиз билан баробар?

Ҳазрати Аллоҳдан фармон келсинки, Муҳаммад алайҳис салом умматларининг намозида Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим борки, шу калом сизларнинг намозларингизнинг минг ракаатига баробардир.

Келтирадиларки Аллоҳ фармони билан Нуҳ алайҳис саломнинг киштиларига/кемаларига/ “бисмиллоҳ” деган сўз ёзилган эди. Шунинг учун кишти саломат қолган эди. Бошқалари ҳалок /азок/ бўлдилар. Агар раҳмонир раҳим тилларига келганда кофирлар ҳам ҳалок бўлмас эдилар. Зероки раҳмонир раҳим Аллоҳ таолонинг раҳм шафқат мақоми/мақоми тараҳҳум/ дир. Бандаларга қўйларни /умуман инсон учун яратилган ҳалол

1. Маҳал/маҳол/-жой, макон

2. Муҳофиқ, Жоиз, мавқеъ, маврид

5. Тараҳҳум - раҳм, шафқат, дилсўзлик.

3. Мақом, эътибор, қадр-қиймат

4. замон, воқъа

хайвонларни Н.И./ сўйганда “Бисмиллохир раҳмонир раҳим. Аллоҳу акбар” деб айтадилар. Зероки хайвонлар инсонлар учун яратилгани учун Аллоҳга раҳматлар айтиб сўйиш жоиздир. Мушрик¹ ларни жанглarda қитол /ўлдириш/ пайти “бисмиллохир раҳмонир раҳим” дейилмайди.

Худ-худ /сасиқ попишак/ ўзининг тамом умрида бир марта Ҳазрат Сулаймон алайҳис саломнинг номаларини олиб борган эди. Унда бисмиллохир раҳмонир раҳим деб ёзилгани сабабидан Сулаймон алайҳис саломнинг ғазабидан халос бўлиб, унинг бошига тож ато қилиб, тайёралар/паррандалар/ нинг подшоси бўлиб, жаннатга доҳил бўлган эди.

Ривоят қиладиларки, Расул Акрам саллаллоху алайҳи васалламданки, Мисрож кечаси биҳишда тўрт ариқни кўрдимки, бир ариқда сув, яна бирисидан сут, бир ариқдан ҳамр ва бир ариқдан асал оқиб, жаннатнинг ҳамма қасрларига жорий бўлар экан. Жаброил алайҳис саломдан сўрадимким, бу ариқлар қаердан чиқиб, қаерга боради? Жаброил алайҳис салом жавоб бердиларки, бу ариқлар ҳавзи кавсарга кетади, аммо уларнинг қаердан бошланишини билмайман. Бу масалани Аллоҳ таолодан сўрасангиз сизга маълум қилади. Пайғамбар алайҳис салом дуо қилдилар; дарҳол фаришта етиб келиб, салом бериб айтди: Ё Расуллуллоҳ кўзингизни юминг! Расул саллаллоху алайҳи васаллам кўзларини юмдилар, яна фаришта айтди, ё Расуллуллоҳ кўзингизни очинг, ҳазрат Расуллуллоҳ ўзларининг кўзларини очдилар, кўрдиларки бир дарахт ва дарахт ёнида қубба яъни гумбаз турибди. Унинг дарвозаси аҳмар/қизил/ олтиндан. У гумбазнинг дарвозасига қулф осифлик бўлиб, қулф ҳам қизил зардан. Дунёдаги жамеи махлуқотлар қубба яъне гумбазнинг теппасида турибдилар, худди тоғ теппасида қушлар тургандек. Кўрдиларки, жаннатнинг тўрт ариғи гумбазнинг остидан чиқиб жорий бўлади. Ҳазрат Расул алайҳис салом хоҳладиларки у ердан қайтсинлар. Фаришта айтди, ё Расуллуллоҳ нима учун гумбазни ичкарасига кирмаяпсиз. Расул акрам саллаллоху алайҳи васаллам айтдилар.

1. Мушрик - худонинг ягоналиги ишонмайдиган киши, бутпараст

куббанинг дарвозаси кулф бўлса, куббага қаердан дохил бўламан.

Фаришта айтди, бу гумбазнинг кулфини калити бисмиллохир раҳмонир раҳим айтишдан иборатдир. Расул алайҳис салом бисмиллони ўз муборақ тиллари билан айтдилар. Гумбаз дарвозаси очилиб, Ҳазрат саллаллоху алайҳи васаллам унинг ичига кириб кўрдиларки, гумбазнинг ичида бисмиллохир раҳмонир раҳим деган мактуб ёзилган, сув оқадиган ариғда бисмиллонинг “Мим”, сут ариғида “Ҳои Аллоҳ”, ва ҳамр ариғида, “Мим раҳмон” ва асал ариғида “Мим раҳим” дан чиқиб, мазкур тўрт ариғ бисмиллохир раҳмонир раҳим шарофати билан Ҳавзи Кавсар тарафига жорий бўлгандир.

Ҳазрат вожиб таоллодан фармон келдики, ё Муҳаммад саллаллоху алайҳи васаллам сизнинг умматларингиздан ҳар ким сидқидил билан ихлос ва холис ният билан бисмиллохир раҳмонир раҳим деб айтса Кавсар ҳавзига дохил бўладиган тўрт ариқдан сероб бўлсин ва ўрни жаннатда бўлсин. Хабарда келтирадиларки, Асҳоб розиёллоху анхумо ҳазрат Расул акрам саллаллоху алайҳи васалламдан сўрадиларки, ё Расулуллох шайтоннинг маъкули(хўрак таоми) нима? Расул алайҳис салом буюрадиларки, қайси шахсни, таом ейиши вақтида бисмиллохир раҳмонир раҳим деб айтмаса шайтон унинг таомига шерик бўлади. Расул алайҳис салом буюрадиларки, ҳар ким ўз уйига кирган вақтида бисмиллохир раҳмонир раҳим деб айтса шайтон у ердан қочиб узоқлашади. Ётиш олдидан тасмия¹ айтса, шайтон унинг хобгоҳига киролмайди. Ҳар бир киши мужомаат /эр-хотин яқинлашуви/ қилган вақтида, ўзининг жуфт шериги билан бисмиллохир раҳмонир раҳим деб айтмаса, шайтон билан мужомаатда ҳамро бўлади. Таом еган вақтда, ётиш пайтида, мужомаат қилишда бисмиллохир раҳмонир раҳим демаса фарзандлари маойиб, маслуб-ул ақл/нуксонлик, кам ақл/ бўлади, бу ҳолат шайтон шерокатидандир, яъни шериклигидандир. Ҳикоят келтирадиларки, бир куни семиз шайтон орриқ шайтонга дуч келади. Семиз шайтон

1. Тасмия-худонинг номини ёдлаш, бисмиллох деб айтиш

оррик шайтондан сўрайдики, эй бародар, нима учун мунчалик заиф ва лоғар бўлдинг? Оррик шайтон жавоб берадики, катта шайтон мени бир кишига мусаллат ва муваккал/назорат қилиш учун тайинланган вакил/ қилиш учун юборди. У шахс уйга кириш вақтида, ва таом ва ичимликлар ейиш ва ичиш вақтида, ва мужомаат қилиш вақтида, умуман ҳар бир ишида бисмиллоҳир раҳмонир раҳим деб айтарди. Шу боисдан менга ҳеч бир насиба тегмади, бинобарин орриқланиб, ўлар ҳолатига келиб қолдим ва сени бу қадар семириб кетганингни боиси нима? Семиз шайтон айтди, мени шайтонларнинг каттаси бир гофил бандага муваккал қилиб тайинланган эди. У шахс уйига кирганда тасмия айтмайди. Мен унинг бўйнига миниб олиб, уйига кириб, унинг таомига ва шароб ва жимоъ (эр-хотиннинг жинсий алоқаси) шерикчилик қилиб семириб кетдим.

Хабар қиладиларки, Аллоҳ таолло ўз бандаларига ҳамиша осон ирода яъни неклик қилади, унда бандалар билан суҳан қилмайди, аммо тасмия шарифда бу фазилатлар ифода этилган. Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим деб айтиш мушқдан хушбўйроқ аносирдир. Осмон таронаси офтоб ва қамар/ой/ каби нурлидир ва жаҳаннам оташидан нажот берувчидир ва Аллоҳнинг дийдорини кўргандай бўлади, нафсни шахватдан, кўнглини хатардан сақлайди. Аллоҳ таолонинг исми Раҳмон ва Роҳимдир, бисмиллоҳир раҳмонир раҳим айтмоқ бандаларга раҳмат ва маърифатни жорий қилади.

Келтирадиларки, - бир гадоё катта ва ҳашаматли бир дарвозага келиб хайр-садақа сўрайди. Уй эгаси унга озгина ноннинг ушук/майда/ларини чиқариб беради. Бошқа куни гадоё кетмон ва болтани ўзи билан олиб келиб, у дарвозани бузиш ҳаракатига тушади. Уй эгаси чиқиб айтадики, нима учун менинг дарвозамни бузаяпсан. Гадоё айтадики дарвозангни садақангга лойиқ қилиб ўтказ ва сенинг ато қилганинг / садақанг/ дарвозангга лойиқ эмас. Сенинг дарвозанг жуда ҳашаматли ва бузург/катта/, сенинг шуҳрат ва шонинг азимдир. Сенинг номинг пок, рафғурдир, мартабанг ал вужуди ал икромдир сенинг назарингда дунё дарёлари бир қатра сувдир. Сенга ўхшаган

шухратпарастларни худойи таолло кечирсин, деб гадой кетмон ва болталарини олиб кетади.

Келтирадиларки. - Иброҳим ибн Аҳмад раҳматуллоҳи алайҳи ҳикоя қиладики, бир кун ўз уйимда ўтирган эдим, бародарим Муҳаммад ибн Аҳмад менинг ҳузуримга кириб келди. Кўрдимки, маст қиладиган бир нарсани ичиб маст бўлган. Ўзимнинг ўрнимдан туриб унинг юзига бир шапалоқ урдим. Мени уйимдан йиғлаб чиқиб кетди. Бирор соат ўтгач бародаримнинг ҳовлисида хотинларнинг йиғи овозини эшитдим, чиқиб нима воқеа содир бўлди, деб сўрадим. Бародаринг Муҳаммад ибн Аҳмад фусл қиламан деб ҳавзга кириб, сувдан чиқолмай ҳалок бўлди дедилар. Мен у ерга бориб ҳавздан бародаримни чиқариб ювиб, кафан қилиб, жаноза ўқитиб дафн қилдик. Кечқурун уни тушимда кўрдимки, ўн тўрт кунлик ойдек равшан бўлиб, жаннатда сайр қилар эди. Ундан сўрадимки мастлик ғалабасидан вафот этдинг. Бу Аллоҳнинг кароматини қаердан топдинг?

Айтди: Ўша куни сенинг олдингдан йиғлаб чиқдим. Қасд қилдимки, фусл қилиб Аллоҳ таолога маст қилувчи нарсаларни ичмайман ва тавба қиламан деб бораётган эдимки, ерда бир қоғозни кўрдим, уни очиб ўқидим, у мактубда бисмиллоҳир раҳмонир раҳим деб ёзилган экан. Дарҳол оғзимга солиб у мактубни ютиб юбордим. Фусл қилиш учун ҳавзга маст кириб, мастлик шиддати билан у ердан чиқолмай, ҳалок бўлдим. Дафн қилинганимдан сўнг Мункар ва Накир келдилар. Савол қилдилар. Мен айтдим Аллоҳ таолонинг номи қорнимдадир. Уларга “қайтинглар, бисмиллоҳир раҳмонир раҳим барокатидан уни мағфират қилдим” деган нидо келди. Билдимки у Аллоҳ таолонинг нидоси эди.

Ривоят қиладиларки.- Расуллуллоҳ Саллаллоҳу алайҳи васаллам буюрдиларки, ё Абу Ҳурайра ҳар вақтки мужомаат вақтинг бисмиллоҳир раҳмонир раҳимни такрор қил фаришталар фусл вақтигача сени шайтоннинг фасодидан/зарари, ёмонлигидан/ муҳофаза қилсинлар. Мужомаат вақтида фарзанд бўлса нафс миқдорини сенинг фарзандинг миқдорига ёзсинлар. Фарзандингдан фарзанд туғилса нафснинг миқдорини ҳисоби сенинг амал девонингга ёзадилар. Ё Абу Ҳурайра агар марқабни /ҳачир, от, туя ва ҳоказо/ минмоқчи бўлсанг бисмиллоҳ ва

алхамдулиллох деб айт. Ўша суворининг ҳар бир қадамини Аллох таоло ҳасанот/яхшилиқ, зебо/ қилсин.

Ривоят қиладиларки.- Анас ибн Молик¹ розиёллоху анхудан: Расул акрам саллаллоху алайҳи васаллам буюрадиларки, мўмин бандалар кўйлақ, иштон ва чопон/тўн/ кийган вақтида бараҳна/луч, модарзод/ бўлмасин, жин ва шайтон мунтазир бўлиб унинг авратига назар қилмағай, либос кийган вақтда бисмиллоҳир раҳмонир раҳим деб айтсун. Шайтон ва инсон орасида хижоб/парда/ бўлсинки, шайтон асло назар қилиб билмасин, бу дунёда ва охиратда бисмиллоҳир раҳмонир раҳим парда бўлсин.

Ривоят қиладиларки, - халифа ҳазрат Умар розиёллоху анху даврида Рум қайсари, мен бош оғрик касалига дучор бўлганман, давосининг ҳеч бир иложи бўлмапти, шу касални даволайдиган бирорта табиб юборсангиз, деб илтимос қилиб, ҳазрат Умар розиёллоху, анхуга вакил билан мактуб юборади. Амирул мўминининг ҳазрат Умар розиёллоху анху келган вакил билан ўзларининг тақия/бош кийим/ ларини юбордилар. Рум қайсари бу тақияни кийгач дархол бош оғриғи таскин топади. Чунки тақияга бисмиллоҳир раҳмонир раҳим деган калима бор эди. Рум қайсари ихлос билан тақияни бошига кийиб юриб, бош оғриғ касалидан тамоман фориғ бўлади.

Келтирадиларки, Исо алайҳис салом гўристон олдидан ўтаётганларида, кўрадиларки фаришталар бир мурдани азоб бермоқда эдилар, бир неча вақтдан кейин Исо алайҳис салом яна ўша гўристондан ўтаётганларида кўрадиларки, ўша қабрада ётган ўликни фаришталар раҳмат қилганлар ва унинг қабрига нур ёғилмоқда. Аллох таолодан ваҳий келдики, ё Исо бу гўристоннинг соҳиби кўп гуноҳлари учун ғазабга гирифтор бўлган эди. Ундан ёшгина ўғли қолган эди. Ҳозир шу бола мактабга борди. Муаллим унга бисмиллоҳир раҳмонир раҳим таълимини берди. Унинг ўғли бисмиллоҳир раҳмонир раҳимни ихлос билан ўргангани учун қолган азобларнинг миқдори бу

1. Анас Ибн Молик Абу Ҳамза - табиъий муҳаддис. Муҳаммад алайҳис саломнинг сўдиғ хизматқиларти.

2. Амирул Мўминини - Мўминларнинг амири. Биринчи Марта бу ушунинг халифа ҳазрат Умар Ибн Хаттоб / 634-644/ розиёллоху анху олганлар

шахсдан кўтарилиб бутун гуноҳларидан халос бўлди, ўзимнинг раҳматига дохил қилдим.

Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим ўн тўққиз харфдан иборат, ҳар ким сидқидилдан бир марта айтса, дўзахнинг ўн тўққиз моликларининг азобидан халос бўлади.

Ривоят қиладиларки, - Абу Малик розиёллоҳу анҳудан, бир шахс Расул алайҳис салом ҳузурларига келиб айтдики, ё Расуллуллоҳ шайтонни нима билан ҳалок қилсам бўлади? Пайғамбар алайҳис салом буюрдиларки, шайтонни ҳалок қиламан десанг, бисмиллоҳир раҳмонир раҳим деб айтсанг шайтон чивиндек/магасдек/ кичик бир махлуққа айланиб қолади. Илоҳи бисмиллоҳир раҳмонир раҳим ҳурмати учун ҳамма мўъминларни Мардуди лайин ҳисобланган шайтоннинг васвасаларидан сақлаб, фазлу каромат билан ўзингни раҳматингга дохил қилгайсан. Омин.

УЧИНЧИ БОБ

Имон вал Ислом ҳақида

Мусабех китобидан Ҳазрат амирул мўъминин Умар розиёллоҳу анҳу келтирадиларки, бир куни ҳазрат Расуллуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам асҳоблари билан бирга Мадинаи Мунаввара масҷидида ўтирган эдикки, бир шахс масҷидга кирди. Ҳусни суратдек, соқоли қора, либослари опшок. Расул акрам саллаллоҳу алайҳи васалламга салом бериб, Расул алайҳис саломнинг рўпаларига келиб ўтириб, ўзининг икки тизасини Расул алайҳис саломнинг муборақ тизаларига тегизиб, икки қўлини тиззасига қўйиб айтди, ё Расуллуллоҳ менга хабар берингки, имон нима? ҳазрат Расул акрам саллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар, Имон шудирки, Аллоҳ таолонинг ягоналиги ва унинг малоикалари ва унинг китобларининг пайғамбарларга нозил қилинган ва унинг расулларига имонни даъват қилиш учун халқ томонига юборганини, қиёмат куни албатта бир кун келишига ишониш ва шулар қабиларга иқроп бўлиш имон деб аталади. Келган шахс айтди, ё Расуллуллоҳ тўғри. Яна айтди: хабар берингки, Ислом нима? Расул алайҳис салом айтдилар, Ислом будирки, ўз тили билан иқроп ва

тасдиқлаб айтсинки, Ло илоҳа иллаллоху маҳаммадун расулуллох. Ашҳаду анло илоҳа иллаллоху ва ашҳаду анна муҳаммадан Абдуху ва расулуху. Беш вақт фарз намозини айтсин, ўз вақтида закот шартларини адо қилсун, ҳар йили Моҳи шарифи рамазонда бир ой рўза тутсин. Байтуллони тавоф қилсин, агар шароити бўлса. Буларнинг ҳаммасини Ислом шартлари деб атайдилар. У шахс айтди, ё расулуллох тўғри. Яна айтди: Ё Расулуллох менга хабар берингки эҳсон/Лутфу-марҳамат, карам, ато, бахшиш/ нима? Расул саллоллоху алайҳи васаллам айтдилар, эҳсон шудирки, Аллох таоло ибодатига шундай машғул бўлингки, гўё уни ўз ҳузурингизда кўриб ибодат қилаяпсиз. Агар сен Аллох таолони кўрмасанг ҳазрат Худованди олам сени кўради. У шахс айтди, ё Расулуллох тўғри. Яна у шахс савол бериб сўрадики, менга хабар берингки, қиёмат кунни қайси вақтда бўлади? Ҳазрат Расул алайҳис салом айтдилар, қиёмат кунидан савол қилмаки, унинг келиш вақтини Аллох таоло яхшироқ билади. Қиёматнинг келиш вақтини худованди оламдан ташқари ҳеч ким билмайди. Айтди ё Расулуллох тўғри. Яна айтди, менга хабар берингчи, аморат нима? Ҳазрат Расул саллоллоху алайҳи васаллам айтдиларки аморат маъниси аломат ва нишонлар бўлиб, бирор шахс жориясига/ўз канизакига/ талабгор бўлиб, у билан яқинлик қилса жориядан фарзанд тувилса, фарзанд тувилиши сабабидан у жория озод бўлсин. У марднинг муроди зиёда бўлсин. У шахс ё Расулуллох тўғри деб айтиб, бир анча вақт ўтгач чиқиб кетди.

Расул акрам саллоллоху алайҳи васаллам айтдиларки, ё Умар билдингми бу шахс қаердан келган эди? Айтдимки, ё Расулуллох отам ва онам сизнинг фидойингиз бўлсин худо ва унинг расули донодир. Расул алайҳис салом айтдилар: У Жабраил алайҳис салом эди, ки сизларнинг дин ва имон таълимларингизни билиш учун келган эди. Шунинг учун дин, имон ва эҳсон ва қиёмат, нишонларидан сўраб кетди.

Абу Бакр Барақ раҳмагуллоҳи алайҳидан шундай нақл борки, имон мўъмин баъдаларнинг дилидаги шундай дарахтки, унинг етти шохаси бор, унинг бир шохаси қалбда бўлиб, самари /меваси, ҳосили/ иродат /эътиқод/ дир,

унинг бир шохаси тилда бўлиб, самараси/тақводорлик, ростгўйлик/дир, унинг бир шохаси кўзда бўлиб унинг самари ибратдир; ва унинг бир шохаси кўлда бўлиб у хайри саховатдир ва бир шохаси ҳалққа/томоққа/ бўлиб унинг самари ҳалол емоқдир, яна унинг бир шохаси нафсда бўлиб, унинг самари шаҳват/лаззат ва манфаатларга етиш учун нафснинг орзу ва шавқи Н.И./ ни тарк этишдир, яна бир шохи аёққа бўлиб, унинг шарти жамоатга боришдир.

ТҮРТИНЧИ БОБ

Ло илоҳа иллаллоҳ кавли.

Ҳазрат расулот паноҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам ҳадиси шарифларида келтирилганки, бузурқвор худованд айтадики ЛО ИЛОҲА ИЛЛАЛЛОҲ менинг жисмим бўлиб, ҳар ким жисмимга доҳил бўлса менинг назабимдан омон сақлангай.

Хабар берадиларки, расул акрам саллаллоҳу алайҳи васаллам буюрадиларки, мўъмин бандалар Ло илоҳа иллаллоҳ деб айтсалар Аллоҳ таоло айтдики, Эй фаришталар мўъмин бандалар биладиларки, мендан бошқа парвардигорлари йўқ, сизлар билдингларки, мен уларни мағфират қилдим. Хабар берадиларки Ҳазрат расул акрам саллаллоҳи алайҳи васаллам буюрадиларки ҳар ким тамоми таъзим ва сидқий дил билан Ло илоҳа иллаллоҳу Муҳаммадун расулуллоҳ. Ашҳаду анло илоҳа иллаллоҳу ва ашҳаду анна Муҳаммадан Абдуҳу ва Расулуҳу деб айтса тўрт минг катта гуноҳларидан маҳв/холи/ бўлур ва агар тўрт минг гуноҳи бўлмаса хеш акрабо ва қўшнилар аҳлининг гуноҳлари мағфират қилинади.

Хабар берадиларки.- Расул акрам саллаллоҳу алайҳи васаллам буюрадиларки ЛО ИЛОҲА ИЛЛАЛЛОҲ калимасини зикр қилиш афзаллиги шундаки, Худойи олам пайғамбар жамоасига Ло илоҳа иллаллоҳ айтишга амр қилган, ва ўз умматларининг ҳам Ло илоҳа иллаллоҳни зикр қилишга таълим ва даъват қилсунларки, Ло илоҳа иллаллоҳ осмон ва ерга қарор топганки, ундан кейин шариф калимаси, тойиба калимаси, нур калимаси ва раҳмат келади, ҳар ким бир марта Ло илоҳа иллаллоҳ деб айтса, унинг гуноҳлари тоғ ва дарёдек бўлса ҳам,

мағфират бўлмай.

Ибн Аббос розиёллоху анху хабар берадики, Аллох таоло ўзининг тойиба калимаси қудрати билан аршни халқ қилди. Арш ҳамма мавжудодлардан азимдир. Арши азим йигирма тўрт минг йил ҳаракат ва ларзада эди. Аллох таолло тойиба /тавба/ калимаси Ло илоҳа иллаллоху муҳаммадун русулаллохни аршга возеъ¹ қилдики йигирма тўрт ҳарфдан иборатдир. Арш ҳаракат ва ларзадан яна тўхтаб қолди. Йигирма тўрт минг йил арш сокин эди. Ҳазрат худованди таоло қачонки инсонни халқ қилган эди, Одам алайҳи салом Ло илоҳа иллаллоху муҳаммадун расулаллох калимасини ўқидилар. Яна Арш ларза ва ҳаракатга кирди. Олий ҳазратдан фармон келдики, ё Арш сокин бўл, ҳаракатдан яна тўхта. Арш айтди, ё Аллох сен Ло илоҳа иллаллоху Муҳаммадун расулаллох айтгувчини мағфират қилмасанг қиёматгача ҳаракатдан тўхтамайман. Аллох таолодан фармон келдики, ё Арш сени яратганимдан минг йил илгари ўзимни нафасим билан айтган эдимки, тойиба калимаси - Ло илоҳа иллаллоху Муҳаммадун Расулаллохни менинг бандаларимдан ҳар бир банда ўз тилига жорий қилса мағфират қиламан.

Калимаи тойиба /тавба килувчи калимаси/-Ло илоҳа иллаллоху Муҳаммадун расулаллох йигирма тўрт ҳарфдан иборат. Ҳар ким сидқи дил ва ихлос билан тойиба калимасини бир кеча кундузда бир маротиба айтса, кеча ва кундуз кунлари қилган унинг гуноҳларини, хоҳ бу гуноҳлар катта бўлсин, хоҳи кичик бўлсин ҳаммасини Ло илоҳа иллаллоху Муҳаммадун расулаллох калимасининг хурмати учун мағфират қиламан.

Ҳазрат Абу Бакр Сиддиқ разиёллоху анхудан хабар қилинадики, Ҳазрат расул акрам саллаллоху алайҳивасаллам Аллох таолодан араб қавмининг подшоши Дахья Қаблини мусулмон бўлишини сўрайдилар. Бир куни фажр намозидан кейин ваҳи келдики, ё Муҳаммад Расулаллох башорат бўлсинки, Дахья Қаблини дилига Ислом мағрифатини солдим. Дахья ўз асҳоблари билан

1. Возеъ - таъсис қилувчи, асос қилувчи, авъз қилувчи

Мадина дарвозасига яқинлашади, бир замон эдики, Дахья етти юз нафар ўз ахли байти билан Мадинайи Мунавварага дохил бўлди. Ўша вақтда Ҳазрат расул акрам саллаллоху алайҳи васаллам ўз асхоблари билан масжидда ўтирган эдиларки, Дахья Қабли масҷид эшигидан кирди. Ҳазрат Расул алайҳис салом хурсандчиликларидан ўзларининг муборак ридоларини шариф кифтларидан олиб, фўтани ерга ёйиб ишорат қилдиларки, ридоъ устига ўтирсин. Дахья расулулоҳнинг бундай карамларини кўриб, йиғлаб ридони ердан кўтариб ўшиб, кўзларига суртиб, ридони бошини устига қўйиб деди: Ло илоҳа иллаллоху Муҳаммадун расулуллоҳ, ундан сўнг йиғлашга тушди. Ҳазрат расул саллаллоху алайҳи васаллам сўрадиларки йиғлашингни боиси нима? Дахья Қабли айтди: Ё расулуллоҳ мен катта гуноҳларни қилганман. Аллоҳ таолодан сўрангки, менинг гуноҳларимни кафорати ўлдириш бўлса, мен ўзимни ўзим қатл қиламан, агар садака бўлса, ўзимнинг бутун молларимни Аллоҳ йўлига садака қиламан. Пайғамбар саллаллоху васаллам сўрадилар, сенинг кабир/катта/ гуноҳларинг қайсилардир.

Дахья Қабли айтди, ё расулуллоҳ араб қавмидан бир подшо менинг қизимни хотинликка олиш учун совчи юборди. Ўша вақтда етмиш нафар қизим бор эди, қизларимни бирор кишига хотинликка беришдан ор қилиб етмиш нафар қизларимни ўз қўлим билан қатл қилдирдим.

Ҳазрат Расул саллаллоху алайҳи васаллам унинг бу суҳанидан ўйлаб қолдилар. Шу вақтда Жабраил алайҳи салом худойи таоло олдидан нозил бўлиб айтди, Дахья Қаблига айтингки, ўша хангомда тойиба калимаси Ло илоҳа иллаллоху Муҳаммадун расулулоҳни ўз тилинг билан айтиб мусулмон бўлдинг. Шу онда Сенинг олтмиш йиллик гуноҳларингни афву этиб, мағфират қилдим. Мен ўзимни раҳм ва шафқатим билан етмиш нафар қизларингни қатл этганингни мағфират қилдим.

Аллоҳ таоло айтдики, бошинга оғир иш тушганда мени ёд эт, менга қилган тоатинг билан сени ёд этаман, савоб учун менинг тасбеҳимни ёд этсанг, мен сени мағфират билан ёд этаман. Агар дуо билан ёд этсанг, мен сени Ҳожатинг чиқсин деб ёд этаман.

атайдилар. Унинг шохи битта бўлса ҳам бирор қаср йўкки у дарахт ўша қасрда бўлмаса, мен бунга ишонмайман, сен бу дунёдан худди шунга ўхшаш мисолни келтира оласанми?

Холид розиёллох анху айтди, дунёда унинг мисоли қуёш бўлиб, унинг шуласидан бирор уй ва макон холи эмас.

Роҳиб айтди, сенга офаринлар бўлсин, рост айтдинг яна савол бердики, мен эшитдимки Муҳаммад алайҳи салом айтганки, беҳиштда тўрт ариқ бўлиб, уларнинг ҳар биридан сув, сут, хамр ва асал ҳамиша қасрлар остидан оқади, уларнинг ҳаммаси бир жойдан бошланиб, бир-бирига қўшилмайди, мен бунга ишонмайман, шу хилдаги мисолни бу дунёдан келтирсанг? Холид розиёллоху анху айтдилар, унинг мисоли инсоннинг димоғи бўлиб, димордан, яъни инсон миясидан тўрт сув оқади. Кулоқдан келадиган сув аччик, кўздан ва бурундан оқадиган сув ёмон хидли/бадбўй/ оғиздан оқадиган сув хуш таъм бўлиб, уларнинг ҳаммаси инсон жасаидан бўлиб, унинг манбаи димоғ бўлиб улар бир-бирига қўшилмайди.

Роҳиб айтди, офарин сенга. Яна айтдики, эшитдимки, Муҳаммад алайҳи салом айтадики, Биҳиштда бир тахт бор, унинг баландлиги тўққиз юз йиллик йўл бўлиб, агар ўша тахтнинг соҳиби бўлган шахс тахтнинг устига ўтирмоқчи бўлса, у тахт йигирма мисра паст бўлиб, у тахт соҳиби ўтириши билан тахт яна баланд кўтарилади. Мен бунга ишонмайман. Шунга ўхшаш дунёда нима бўлиши мумкин? Холид розиёллох анху айтадиларки, унга бу дунёда туя мисол бўла олади. ҳар вақт бирор киши унинг устига минмоқчи бўлса, туя тўрт оёғида чўқади, минилгандан кейин туя ўз ўрнидан туради ва баланд бўлади. Роҳиб айтди, офарин сенга. Яна савол сўрадики, Муҳаммад алайҳи салом айтадики, Жаннат аҳли ейди, ичади, бирортаси бавл ва ғалат қилишга муҳтож бўлмайди. Бу дунёда унга мисол нима бўла олади? Холид розиёллоху анху айтадиларки, бу дунёда унга мисол шундан иборатки, бола она қорнида тўққиз ой истиқомат қилади, ана шу давр ичида она турли таомлар ейди ва ичади. Ўша таомдан қориндаги бола ҳам ейди ва ичади, аммо бавл ва ғалат қилмайди, биҳиштдагиларнинг аҳволи шундайдир.

Роҳиб офарин деб айтиб, яна масала сўрашга оғиз

Хабар берадиларки. Ҳазрат Расул акрам саллаллоху алайҳи васаллам Ҳазодан /жангдан/ қайтиб, бир манзилгоҳга ўз лашкарлари билан келдилар. Холид ибн Валид розиёллоху анху ўз хизматлари учун лашкаргоҳдан ташқари чиқдилар. Кўп халқ тоғга қараб борар эдилар. Бир шахсдан сўрадиларки, қаерга бораяпсизлар? У шахс жавоб бердики, бу тоғда бир роҳиб борки ҳар йил бир марта, муайян кунда ўзининг мағоротидан /ер тўласидан/ чиқиб, минбарга ўтириб халққа ваъз айтадики, унинг мажлисига етмиш минг халқ тўпланади. Бу кун ваъз айтадиган кундир. Холид розиёллоху анху бу сўзни эшитиб, улар билан бирга тоғга чиқади. Кўрдикки, жамий одамлар қор олдида жамъ бўлиб у ердаги қўйилган минбар тепасига роҳиб чиқиб сукут қилар эди. Бутун халойиқ унинг сўзини тинглашга мунтазир бўлиб турмоқда эди. Холид ибн Валид розиёллох тўпланганлар орасида кириб ўтирган эдики, Роҳиб айтди: Бу кун сизларга ваъз айтолмайман. Ҳамма бирдан қичқириб, баробарига сўрадиларки, бугун нима учун ваъз айтолмайсан?

Роҳиб айтди, сизларнинг ораларингизда Муҳаммад Мустафо саллоллоху алайҳи васалламнинг уммати ўтирибди. Одамлар ҳар чанд қидирдилар, бегона шахсни тополмадилар. Роҳиб айтди, сизлар энди қидирманглар, мен уни топишга ҳаракат қиламан. Роҳиб айтди, Эй Муҳаммад алайҳиссаломнинг уммати, Ислом дини ва инояти ҳаққи ўрнингдан тур! Холид розиёллоху анху ўз жойларидан турдилар. Одамлар уни ўлдириш учун унга ташланмоқчи бўлдилар. Роҳиб айтди, узоқлашинглар! Етмиш минг йиғилганларнинг меҳмонга азоб бериши мурувватдан эмас. Шундан сўнг роҳиб, Эй жувон мард олдимга кел, деб айтди. Холид розиёллоху анху унинг минбари ёнига келди. Роҳиб сўрадики, сен Муҳаммад алайҳи саломни Кабир уммати бўласанми, ёки Холид розиёллоху анхуга тегишлимисан? Холид розиёллоху анху айтди: Оре. Роҳиб айтди, сендан савол сўрасам жавоб бера оласанми? Холид розиёллоху анху айтди, билсам жавоб бераман, аммо бирор нарса жавоб бера олмасам айбга буюрмайсан. Роҳиб айтди, эшитдимки Муҳаммад алайҳи салом айтганки жаннатда бир дарахт борки уни тубй¹ деб

1. Тубй(Тубо) Жаннатдаги серсоя дарахт бўлиб, унинг биргина шохаси бўлиб, бутун жаннатни соя қилади, унинг чуқурчи мевалари ўзининг хушбўлиғи билан бутун жаннатни музттар қилади.

жуфтлагандики, Холид розиёлоху анху айтадиларки, инсоф қил, тўрт масала сўрадинг, ҳаммасига жавоб бердим, энди мен сендан масала сўрашга ижозат бер. Роҳиб айтди, Саволингни бер! Холид розиёллоху анху айтадиларки, жаннатнинг калити нима? Роҳиб айтди, мен Исо алайҳи саломнинг диниданман. Холид розиёллоху анху айтадилар Исо алайҳи саломнинг ҳаққи ки, жаннат калити тўғрисида менга хабар бера оласанми? Роҳиб қавмга юзини қаратиб айтдики, мардум, билингки мени бу шахс ҳазрат Исо алайҳи саломдан қасам бердики, мен унинг савганди/қасами/ дан кўрқдим. Энди лозимки мени қавмим унинг рост жавобларини мен бир китобда ўқиган эдимки, жаннатнинг калити Ло илоҳа иллаллоху Мухаммадун расулуллоҳ демакдир. Ҳамма қавм, улар етмиш минг киши эдилар. Ло илоҳа иллаллоху мухаммадун расулуллоҳ деган калимани айтиб мусулмон бўлдилар. Холид розиёллоху анху ва Роҳиб қўлларини ўпиб имон келтирдилар.

Хабар берадиларки. - ҳазрат Умар розиёллоху анхудан ҳар ким, бозорга борса бу калимайи шариф - тавҳид¹ ни ўқиса Аллоҳ таоло минг- минг ҳасанотни² ато қилиб, минг-минг фаровонлик унинг амал девонига ёзиб қўяди.

Хабар берадиларки, ҳазрат Расул алайҳи салом буюрдиларки, ҳар ким Ло илоҳа иллаллоҳ калимасини минг марта айтса, аллоҳ таоло уни жаннатга дохил қилгай, агарчи дўзахга мустаҳақ³ бўлса, боядки ҳар кун беш мингтадан кам айтмасин, ўн тўрт кунда етмиш минг бўладики, унинг хатми бўлади.

Ривоят қиладиларки, Кааб ул Ахбор⁴разиёллоху анхудан, ҳазрат Мўсо алайҳис салом Аллоҳдан сўрадиларки, аввал нимани халқ қилдинг? Аллоҳ таоло айтди, ё Мусо

1. Тавҳид - худонинг ягоналигига эътиқод, ваҳдад

2. Ҳасанот - /хисонат/ - устиворлик, мустаҳкам.

3. Мустаҳақ - лойиқ

4. Кааб ул Ахбор - Абу исҳоқ Кааб ибн Моте - 652 йида Ҳиммас шаҳрида вафот этган. Асли яҳудий, машҳур роҳиб бўлган. Кейин мусулмонликни қабул қилган

Аввал олти юз минг оқ шаҳарни яратдим. Ҳар бир шаҳарнинг катталиги шу дунёчалик эди. Ҳар бир шаҳарнинг ҳаммасини ҳардал¹ донагидан ва исирик данакларидан яратдим, ундан сўнг оқ қуш яратдим, ўша қушга амр қилдимки, олти юз минг ҳардал доналаридан бўлган шаҳарни еб тамом қилсин. Сўнгра сенинг руҳингни Қабз қиламан.. У қуш ўлим хавотирида минг кун бир донадан ер эди. Ундан сўнг ҳеч нарсани халқ қилмадим. Ўша қуш шаҳарнинг олти юз минг доналарини тамом еб битирмагунча, еб битиргандан кейин оқ қуш ҳам ўлим шарбатини чекди/чашид/ ундан сўнг у шаҳарларга етмиш минг эркакни халқ қилдим. Уларнинг ҳар бирига минг йилдан умр бердим. Сўнгра умрлари охирида уларнинг бир неча нафари исён кўтардилар. Шунинг учун шаҳарларни ва уларда яшовчиларни яксон қилиб ташладимки, губордек хароб ва нобуд бўлдилар. Ундан сўнг дарвозаларни халқ қилдим. У дарвозадан аршни яратдим. Ундан сўнгра етмиш минг йил ўтгач Каломни яратдим. Яна етмиш минг йил ўтгандан кейин фаришталарнинг ва осмоннинг етти табақасини, ернинг етти табақасини ва биҳишт ва дўзахни яратдим. Ундан сўнгра минг нафар одамни халқ қилдим. Уларнинг ҳар бирига минг йил умр бердим. Ундан кейин сенинг отани Одам алайҳис саломни яратдим.

Мусо алайҳис салом тавба қилиб, яна савол бердики, илоҳи сен ухлайсанми ё ухламайсанми? Ваҳи келдики, ё Мусо иккита шишага сув тўлдириб икки қўлингга ушлаб тургин, ундан кейин сенинг саволингга жавоб бераман. Мусо алайҳис салом икки шишани сувдан тўлдириб икки қўли билан ушлаб турди. Аллоҳ таоло Мусо алайҳис саломни уйқусини келтирди. Икки шиша бир-бирига тегиб синди. Аллоҳ таоло айтди, ё Мусо агар менга уйқу бўлса осмон ва ер бир-бирига тегиб ҳамма махлуқотлар нобуд бўлиб, йўқ бўлиб кетади.

1. Хардал - сариг рангдаги жуда кичик данак бўлиб, мазаси жуда аччиқдир, буни таомларда ва тиббиётда ишлатадилар

БЕШИНЧИ БОБ

Тобез¹ ва Тамжид² ва ал дуо баёни хакида

Абу Хурайра розиёллоху анху ривоят қиладиларки, Расул алайҳис салом буюрдиларки, ҳар ким менинг умматларимдан намоз орқасида ўттиз уч маротаба субҳон аллоҳ таоло, ўттиз уч марта валҳамдулиллоҳ, ўттиз уч марта Аллоҳу акбар ва бир марта Ло илоҳа иллаллоҳу ваҳдаҳуло шарийкалаҳу, лаҳул мулку ва лаҳул ҳамд деб айтса Аллоҳ таоло мағфират қилвай ва унинг жамии гуноҳларини, гарчи унинг гуноҳлари дарёдек бўлса ҳам. Ибн Аббос розиёллоху анху ривоят келтирадиларки, Расул акрам саллаллоҳу алайҳи васаллам буюрадиларки мерож кечаси аршни кўрдим. Жаброил алайҳис саломдан аршнинг кайфиятини сўрадим. Жаброил алайҳис салом айтди, ё Расулуллоҳ худованди олам аршни тўрт юз рукн/устун,стун/ дан яратган: ҳар бир рукн ораси тўрт юз минг йиллик йўлдир. Курси ва осмоннинг етти табақаси ва ернинг етти табақасини муайян қилиб яратгандир. Курси, осмон ва ер орасида арш халқадек уларни ушлаб туради.

Келтирадиларки.- арш айтди, 'Илоҳи мёндан азимроқ нима яратгансан? Аллоҳ таоло айтди, Офтоб, сув ва хуроб ал арш азимни яратдим. Арши Азим бу нидони эшитиб ўзига фахр қилди. Аллоҳ таоло бир нарсани яратдики олти юз минг боши бор эди, ва унинг ҳар бир юзининг катталиги етти юз етмиш минг осмон билан баробар эди. Ундан сўнг Аллоҳ таоло амр қилдики: "Эй Ҳайдур аршни халқасини тут" Аллоҳ таоло амри билан у ҳайдур аршни тўрт минг халқа давини олиб кўтарди, унинг боши ўн аршдан минг йиллик йўл баланда эди. Ўзининг думини минг йиллик йўл масофасида аршнинг остида бўлиб, аршни ихота қилди. Арши азим бу тариқа ҳодисани кўриб қўрқув ва ҳарос билан минг марта истиффор қилиб

1. Тобез - мутеъ, фармонбардор, пайрав, хизматкор

2. Тамжид - бузург деб билнш, мадҳу санам, таҳсин, ташаккур деб айтнш.

Аллоҳ таолодан паноҳ сўради. У, бу Хайдур бирданига мени ютиб юбориши мумкин деб ўйлади. Шу кеча бир буюк алломат юз берган эди. Мержо кечаси Арш Ҳазрат расул акрам саллолуҳу алайҳи васалламга салом бериб айтдики ё Расулуллоҳ менга шафоат қилинг Расул алайҳис салом уни шафоат қилдилар. Ундан сўнгра Аллоҳ таоло бир фариштани халқ қилди. Аллоҳ таоло айтди: мен сени аршни кўтариш учун халқ қилдим, мендан қувват талаб қилки, шу қувват билан аршни кўтаришга кучинг етсин. У фаришта айтди, Аллоҳ шундай қувват ато қилгинки, ернинг етти табақасини бирта бармоғим билан кўтара олай. Аллоҳ таоло айтди, шу талабинг бўлса талабингни бажардим. Аллоҳ таоло яна бир фариштани халқ қилди. Аллоҳ таоло айтди, ё фаришта мен сени Аршни кўтариш учун яратдим. Фаришта айтди, менга шундай қувват ато қилгинки жамии бод/шамол/ларни бир бармоғим билан кўтариш кучига эга бўлай. Аллоҳ таоло унинг айтганини ато қилди.

Ҳудойи таоло яна бир фариштани халқ қилди. Бу фариштага фармон қилдики сени Аршни кўтариш учун халқ қилдим, мендан қувват талаб қил. У фаришта айтди, Илоҳи шундай қувват ато қилгинки жамийий сувларни бир бармоғим билан кўтара олай. Аллоҳ таоло шундай қувват ато қилди. Кейин ҳар тўртала фариштага:- Аршни кўтаринглар, -деб амр қилди. У фаришталар Аллоҳ таолонинг амри билан аршнинг ёнига келиб, етмиш минг йил уриндилар, аммо Аршни жойидан кўзгата олмадилар. Тўрт фаришта Аршни кўтаришга уринганларида шунчалик кўп тер оқдики, уларнинг теридан ер юзи сувга тўлди. Улар Аллоҳга муножот қилдиларки биз Аршни кўтаришга тоқатимиз йўқдир. Аллоҳ таоло уларга аввалгидан икки карра кўп қувват берди, яна фаришталар ҳар чанд урнадилар Аршга ҳаракат бера олмадилар. Яна Аллоҳга муножот қилиб аҳволларидан арз қилдилар. Аллоҳ таоло уларга раҳмат назари билан айтдики “Субҳоналлоҳ” деб айтгинлар. Ҳар тўрт фаришта баробар “Субҳоналлоҳ” деб айтдилар. Арш ҳаракатга кирди. Доим фаришталар зикри “Субҳоналлоҳ” бўлди. Вақтеки, Одам алайҳис саломни халқ қилиб, Одам алайҳис саломни руҳи ато

қилинди, у айтди, валҳамдулиллоҳ. Оламнинг худованди айтди, ё раҳматика, рабика фаришталарга бужурдики алҳамдулиллоҳни Субҳоналлоҳга зам қилинг. Фаришталар Субҳоналлоҳ алҳамдулиллоҳ деб айтган эдиларки, яна Арш уларга енгилроқ бўлди ва Аллоҳ таоло Нуҳ алайҳис саломга амр қилдики, ўз қавмингга Ло илоҳа иллаллоҳни даъват қил. У фаришталар Аллоҳ таоло амри билан ўз тасбеҳларига зам қилдилар, яна Арш уларга енгилроқ бўлди.

Қачонки, Иброҳим алайҳис салом қурбонлик қилиш учун Исмоил алайҳис салом ўрнига қўй келган эди, қўйни сўйганда “Аллоҳу акбар”, деб айтган эдилар. Фаришталар Аллоҳ таоло амри билан ўз тасбеҳларига бу калимани ҳам зам қилган эдилар. Субҳоналлоҳ ва алҳамдулиллоҳи Ло илоҳа иллаллоҳу валлоҳу акбар деб айтиб аршни кўтармоқчи бўлдилар. Лекин Арш қанчалик енгиллашмасин, уни кўтариб билмадилар.

Ҳазрат расул акрам Саллаллоҳу алайҳи васаллам таажуб юзасидан айтдилар, Ло ҳавла вало қуввата иллоҳ биллоҳил алийил азийм. Ҳазрат Жаброил алайҳис салом айтдилар Аллоҳ таоло амри билан бу калимани ҳомили Арш ўз тасбеҳларига зам қилсинлар. У фаришталар Субҳоналлоҳу алҳамдулиллоҳи. Ло илоҳа иллаллоҳу валлоҳу акбар Ло ҳавла вало қуввата илло биллоҳил алийил азийм, айтиш ҳамиша машғул бўлиб, улар учун Аршни кўтариш малол бўлмади.

Хабар берадиларки. - бир шахс Расул Акрам Саллаллоҳу Алайҳи васаллам хизматларига келиб айтдики, ё расулulloҳ дунё мендан юз ўгирган, ҳеч нарсам йўқ. Расул алайҳис салом айтдилар, Субҳ таомидан кейин то бомдод намози вақтигача юз бор Субҳоналлоҳу ва бихамдиҳи деб айтсанг дунё сени наздингда нуробод бўлиб зоил бўлиб келади. Маълум қиладиларки, Шом вилоятида бир подшо бўлиб у қурайш қавмидан эди. Шавкат ва ҳашамати ҳаддан зиёд эди. Аммо будпараст кофир эди. У подшонинг исми Райҳон ибн Молик бўлиб, қачонки Муҳаммад алайҳис саломнинг пайғамбарлик нурлари пайдо бўлди, Қурайш кофирлари ғам ва ғуссага мубтало бўлиб, уларнинг душманчилиги намоён бўлиб, хусусан Абу Жаҳл/асли Абул Ҳакам амир ибн Хишом, Муҳаммад алайҳис саломнинг тарфиботларига қарши турган Макка

зодагонларидан бири, 624 йилда Бадр жангида халок бўлган.Н.И./ Тухмат ва зарар бериш мақсадида ҳар томонлама тараддуд кўра бошлайди. Лекин шунга қарамай Ислом кундан-кунга ривож топиб, бутларга қилинадиган ибодатлар сарнагун бўла бошлайди. Қурайш киборлари бир ерга тўпланиб, маслаҳат қилдилар ва Райҳон ибн Моликка хат ёзиб ундан ёрдам сўрадилар. Мактубда ёзган эдиларки, Маккайи Мукаррамага бир шахси каззоб бизларни орамизга кутку солиб, янги динни тарғиб қилмоқда, Айтадики Худо яккаю -ягонадир, бизларнинг худоларимизни-бут/санам/ ларни йўқотишни кўймоқда. Бугун бизларнинг ота-боболаримиз ва аждодларимизнинг дини заиф бўлиб бормоқда. Сен бизларга хешу-ақрабодирсан, бу ҳақоратлар сенга ҳам тегишлидир. Бизларнинг доду-фарёдимишга етиб, бу шахсдан бизларни озод қил.

Райҳон ибн Молик бу хабарни эшитиб қаҳру-ғазаб билан ўн икки минг кўшин тўплаб, уларни қурол ва аслаҳа билан қуроллантириб йўлга чиқиб, Маккага равона бўлади. Макканинг ёнига келганда Абу Жаҳл хушвақт бўлиб, Макканинг жуда кўп Қурайш зодагонлари ҳамроҳлигида беҳисоб туя, кўй ва қул, қавизак ва ғалла хирворларини олиб Райҳон ибн Молик ҳузурига келиб, уни кўриб додхоҳлик қилдилар.

Райҳон ибн Молик Муҳаммад алайҳис саломни аҳволдан сўради. Ҳамма Маккадан келганлар айтдилар, Муҳаммад алайҳис салом ёшлигидан то ҳозиргача ростгўй ва омонатдор ва хушфел, хушхуқликка машҳур бўлган. Ҳозир қирқ ёшида пайғамбарлик даъвосини қилмоқда. Бизларнинг худоларимизни ҳақорат қилиб янги динни тарғиб қилиб, бизларнинг динимиздагиларни бутпарастлик динидан бегона қилиб турубди. Райҳон ибн Молик айтди, Муҳаммад алайҳис саломни ҳозир қилинғлар, агар яхшилик билан келса хўп, ва агар келишдан бош тортса, ундан кейин бошқача йўл тутаман деб, ўзининг одамларини унга юборди. Ҳазрат Расул ақрам саллаллоху алайҳи васаллам буни эшитиб Ҳазрат Абу Бақр Сидиқ розиёллоху анху ҳамроҳлигида бормоқчи бўлиб, қизил чопон кийиб, қора аммома/салла/ ни бошларига боғлаб йўлга тушдилар. Ҳазрат Хадича Кубаро/Муҳаммад алайҳис саломнинг биринчи хотинлари/ /556-621/. Розиёллоху анху

йиғлаб Расул алайҳис саломни орқаларидан келиб, айтдиларки, мен бу кофирнинг важоҳат ва ғазабидан мабодо сиз зоти шарифга бирор зарар етказмаса деб кўркаман. Ҳазрат Саллолоҳу алайҳи васаллам дедилар. Ташвишланманг, Аллоҳ таоло амри нима бўлса шу бўлади.

Алқисса, Райҳон ибн Молик олдига келдиларки, Курайш даста-даста бўлиб Райҳоннинг атрофига ўлтирибдилар. Ҳамма лашкарлар қуролланиб унинг атрофини ўраб олганлар. Райҳоннинг кўзи Ҳазрат Расул саллолоҳу алайҳи васалламга тушиши билан ихтиёрсиз ўз жойидан туриб икром билан пайғамбар алайҳис саломни тилла курсисига ўтказди, эъзоз қилди, Расул алайҳис салом ҳайбатларидан бутун мажлис аҳлини тили лол бўлиб, бир неча вақт сукутга кетдилар. Райҳон кўрдикки Расул алайҳис саломнинг муборак юзларидан нур ёйилмоқда

Райҳон айтди, ё Муҳаммад алайҳис салом сиз биласизки жамий ўтган пайғамбарлар бирор мўъжиза кўрсатиб ўтганлар, сиз ҳам пайғамбарлик даъвосини қилаяпсиз, сизда қандай мўъжиза бор? Пайғамбар саллаллоҳи алайҳи васаллам айтдиларки, сен нимани хоҳлайсан? Райҳон айтди: ойни осмондан тушириб иккига бўласиз, ярми сизнинг этагингизга кириб ўн қўлингизни енгидан чиқсин, қолган ярми чап этагингиздан кириб чап қўл енгингиздан чиқсин, яна бирлашиб сизнинг бошингиз устида бир қанча муддат тўхтасин ва пайғамбарлигингизга шаҳодат бериб, яна осмонга чиқиб, ҳамма жойни равшан қилсин, ундан кейин ой ғойиб бўлганидан сўнг яна офтоб чиқиб оламни равшан ва мунаввар қилсин.

Ҳазрат Расул саллаллоҳу алайҳи васаллам айтдиларки, сенинг айтганларинг воқъе бўлса, мени пайғамбарлигимга имон келтириб, мусулмон бўласанми? Райҳон айтди: “Оре имон келтираман”. Абу Жаҳл Лайин хурсандликдан жойидан туриб айтди. Бу иш албатта қўлидан келмайди. Шундан сўнг Ҳазрат Муҳаммад Мустафо алайҳи васаллам Райҳон ёнидан туриб Абу Қибис тоғи устига чиқиб, икки ракаат намоз ўқигандан сўнг қўл кўтариб дуо қилдилар, шу вақт Жаброил алайҳис салом икки минг малойкалар ҳамроҳлигида саф тортиб келдилар ҳамманинг қўлида найза бор эди.

Жаброил алайҳис салом айтдики: Ё Расулulloҳ Худованди олам сизга салом айтиб, ваҳи келдики Ҳабибим

хавф ва харосни дилга йўл бериб, ғамгин бўлмасинки, ман ҳамроҳидурман. У ерда Райҳон савол қилди, қудрат қаламим билан рўзи азалдин муқаррар қилган эдим. Бу кун пайғамбарликни хожати возъе ва равшан қилдики, офтоб ва маҳтоб ва кеча кундузни ҳабибимни фармонига мусахар/тобъе/ қилдим. Бошқа яна Райҳоннинг қизи бўлиб, унинг кўзи сўқир, икки қўл оёғи шал бўлган ҳабибим Райҳонга хабар берсунки унинг қизини сиҳат қилдик.

Ҳазрат Расул саллаллоҳу алайҳи васаллам бу башоратни эшитиб хурсанд ва масрур бўлиб, Абу Қиббис тоғнинг тепасидан пастга тушдилар. Жаброил алайҳис салом фаришталар ҳамроҳлигида ҳазрат Расул акрам саллаллоҳи алайҳи васаллам Иброҳим алайҳи салом мақомида туриб, муборак кўрсатғич бармоқлари билан офтобга ишора қилдилар.

Офтоб тез суръат билан ғойиб бўлиб, тамоми оламни қоронғилик босиб кечаси кирди, Ой чиқиб жаҳонни мунаввар қилди.

Ҳазрат Расул саллаллоҳу алайҳи васаллам кўрсатғич бармоқлари /сабоба/ билан ойга ишорат қилдилар, ой суръат билан ерга туша бошлаб, пайғамбар алайҳис салом олдиларига келиб, симобдек ларзага келиб, сўнгра шак этиб, иккига баробар тақсим бўлиб, пайғамбарнинг қуйи этақларига кириб унинг ярмиси ўн қўлнинг енгидан, қолган ярмиси эса чап енгларидан чиқиб, яна бир бутун бўлиб, яна ҳазрат Муҳаммад Мустафо саллаллоҳи алайҳи васаллам устларига туриб айтдики, Ашҳаду анло иллоҳа иллаллоҳу ва ашҳаду анна Муҳаммадан абдуҳу ва расулуҳ, ҳар ким сизнинг пайғамбарлигингизга иқрор бўлса тўғрилиқ йўлини топа олади, ҳар ким муҳалифат қилса/Хисрони абади бошад/ абадиёт зиёнига дучор бўлғай, деб ой осмонга чиқиб, аввалги ҳолатга келди, ҳамма жой равшан бўлди. Райҳон айтди: яна кўнглимда шартим бор. ҳазрат Расул акрам саллаллоҳу алайҳи васаллам айтдиларки, қизинг бор экан кўзи кўрмас экан, қўл ва оёғи шал экан. Аллоҳ таоло қизингни ҳамма хоҳишларини ато қилиб, сиҳат ва саломат бўлди. Райҳон ибн Молик ўз жойидан туриб айтди, Эй макканинг аҳли куфрни ихтиёр қилдингиз, имон келтиринг, Ширкни дилингизга йўл берманг ва огоҳ бўлинг, юрагим билан айтаман: Ло илоҳа иллаллоҳу Муҳаммадун расулуллоҳ ва ашҳаду анна

мухаммадан абдуху ва расулух. Унинг ўн икки минг лашкари ҳам мусулмон бўдилар. Расул акрам саллаллоҳи алайҳи васаллам унинг номини Ҳабиб ибн Молик деб атадилар. Абу Жаҳл айтди, ё Саид, сен бир марта унинг сеҳрини кўриб имон келтирдинг.

Байт:

Гар замин аз мушки анбар пур шуд то осмон,
Чун набошад одамиро чашми бинойи суд нест.

Мазмуни: Ер юзи мушки анбардан тўлиб, осмонгача етган бўлса ҳам, агар одамнинг кўрадиган кўзи сукур бўлса, ундан афсусланманг/чунки Абу жаҳл бу мўъжизаларни ўзи кўрса ҳам ўзини сукурдек кўрмасликка олгани ҳақида киноядир/.

Равойи айтадиларки, Ҳабиб ибн Молик Мусулмон бўлиб, ўз вилояти Шомга кетди. Қизи соғу - саломат ўзининг истиқболига чиқиб айтди, Ло илоҳа иллаллоху Муҳаммадур Расулуллоҳ ва ашҳаду анна Муҳаммадан Абдуху ва расулуху. Ҳабиб ибн Молик айтди, эй қизим бу калимани сен кимдан ўргандинг? Қизи айтдики тушимда бир нуроний шахс келиб айтди, отанг мусулмон бўлди, сен ҳам бу муборак калимани айтсанг, мусулмон бўлиб, бутун ранжларинг офият топади. Мен бу калимайи шарифни такрор қилиб, мусулмон бўлдим. Тонгда жойимдан туриб бутун аъзоларим сиҳат ва саломат топти.

Ҳабиб ибн Молик саждаи шукри/шукур саждасини/ қилиб, имони мустаҳкам бўлди ва мамлакатда мусулмонлар кўпайди.

Назм: Эй Хисрави Хубон¹ ду олам бо ҳақиқий²
Вай мўри миён баста, даҳон шоҳи шафиқи³
Гар лаъли лабат Лаъли бадахшон ба хижолат

1. Хубон - оқил, чиройли
2. Ҳақиқи - сазовор, лойиқ
3. Шафиқ - меҳрибон, дилсӯз

Аз хандайи ту мулки Яман ёфт ақиқи⁴
Гар сари Хубон ҳукм дуойи хуби⁵
Хубон ҳамма гўянд ҳамма гўянд туро сидқи фикҳи⁶

Мазмуни:

Эй оқил подшо икки оламга ҳам лойиксан,
У миён баста чумолидек ўнларча шоҳлардан
шафиксан
Сенинг Лаъли Лабингдан ҳатто Бадахшон
Лаъли хижолатдадир
Сенинг кулишингдан ҳатто Яман мулки
топди ақиқи
Сен ақлар сардори яхши дуо қилгинки,
Ҳамма донолар сени сидқи фикҳ
/ Ислом қонуншунослигининг росткори/
деб айтсинлар.

Равоийлар айтадиларки.-Ҳабиб ибн Молик беш тую тилла ва нуқра ва бошқа моллар юклаб ўз қўллари билан Рисолат паноҳ саллаллоҳу алайҳи васалламга ҳадя қилиб юборди. Ҳабиб бини Молик қуллари Маккаю муқаррамага яқинлашган эдиларки, Абу Жаҳл уларнинг олдидан чиқиб, сўрадики, қаердан келаяпсизлар, улар айтдиларки, бизлар Шом вилоятидан Ҳабиб ибн Молик нарсаларини Муҳаммад алайҳис саломга ҳадя қилиб олиб бораяпмиз. Бизлар унинг қуллари бўламизки, Расул алайҳис салом хизматига шу молларни келтиряпмиз.

Абу Жаҳл айтди, сизларнинг подшоларингиз бу молларни менга юборган деб уларнинг қўлларидан молларини юлиб олмоқчи бўлади. Аммо қуллар бермадилар. Абу Жаҳл уларни урмоқчи бўлди, қуллар жанг қилдилар. Макка аҳли ва пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васалламни амакилари бу жанжлнинг устига келадилар. Ҳазрат саллаллоҳу алайҳи васаллам бу хабарни эшитиб,

4. Ақиқи мулки Яман - Яманда ҳосил бўладиган машҳур ақиқ./ Ақиқ қимматбаҳо сарин ва қизил рангдаги тош/.

5. Сидқи - ростлик билан, росткорлик

6. Фикҳ - Ислом шариятидаги қонуншунослик

чикиб кўрдиларки, катта муноқаша улар ўртасида бўлмоқда. Айтдилар, Эй макка аҳли шу туялар кимга гапирса, шу нарсалар ўша кишиники бўлади, шунга розими сизлар. Ҳамма бу ҳукмга рози бўлдилар. Абу Жаҳл айтди, бугун бу муқфни/можарони/ қўйиб, эртага туяларга савол қиламан. Расул алайҳис салом қабул қилиб ҳамма уй-уйларига кетдилар. Абу Жаҳл бутхонага келиб, санамларга атаб қўйни сўйиб кечаси то тонг отгунча ўзининг юзини бутларга силаб, ибодат қила бошлади ва санамларга мурожаат қилиб айтдики, мени Муҳаммад алайҳис салом олдида шарманда қилманглар, туялар менга гапирадиган бўлсинлар, тонг отгач Макка аҳли ўша жойга келдилар.

Ҳазрат расул алайҳис салом Фажр намозини ўқиб бу ерга хозир бўлдилар. Абу Жаҳли Лайин туяларнинг олдига бориб Лат ва манот¹ ҳаққи билан эй туялар гапиринглар, деб ҳар қанча уринса ҳам туялардан ҳеч садо чиқмади. Макка аҳли айтдилар, Эй абу Жаҳл бас қил, энди Муҳаммад алайҳис салом савол қилсин. ҳазрат Муҳаммад Мустафо саллаллоҳи алайҳи васаллам туяларнинг олдига келиб айтдилар: Ё айюҳал ал махлуқ машхур бўлган Аллоҳ таоло амри билан гапиринглар. Туялар бошларини кўтариб баланд овоз билан айтдилар, ё “макканинг қавми билингларики Ҳабиб ибн Молик бу молларни Муҳаммад Мустафо саллаллоҳи алайҳи васалламга юборди. Бутун макканинг аҳли айтдиларки, туялардан эшитдик, демак ҳамма моллар Муҳаммад алайҳис саломники экан. Расул алайҳис салом ҳамма туяларни олиб Абу Қибис тоғига чиқиб, бутун тилла ва нуқралар ва бошқа молларни туялардан тушириб айтадилар: Тамоми бу нарсалар менинг олдимда тупроқдай қадри йўқ, энди бу моллардан шу мавзуга яъни Абу Қибис масжиди бино қилинг, шу нарсалар эвазига бино қилдилар.

1. Лат ва манот - иски бут /санам/ ларнинг номлари бўлиб, араблар Ислом динигача шундай бутларга эъқинлар эдилар.

1

ТЎҚҚИЗИНЧИ БОБ

Дуруди шариф/Муқаддас ибодат/
баёни ҳақида

Абу Талха²розиёллоҳу анҳу ривоят қиладиларки, Расул акрам саллаллоҳу алайҳи васаллам буюрдиларки, Жаброил алайҳис салом мени олдимга келиб айтди, ё Расулуллоҳ оламнинг Худованди сизга салом айтди. Ҳабибим Муҳаммад алайҳис салом рози бўлсинким, ҳар ким Ҳабибнинг умматларидан бир маротиба салавот айтса, мен у бандага ўн марта салавот айтаман, ва ҳар ким бир марта менга салом айтса, мен у бандага ўн марта салом деб айтаман.

Келтирадиларки.- Волид Мағира алайҳи лаъна ҳар қандай ҳақоратки бор эди, Расул саллаллоҳи алайҳи васаллам ҳақида раво кўрган эди. Аллоҳ таоло бу лайин шанига ўн айбни нозил қилиб, аввал қасамхўр/хилофи савгандҳои дурўғ/, иккинчи хору беқадр яъни сустрохлик, учинчи ҳаммадан кейинда бўлмоқ /дар ақиби мардум/, тўртинчи беҳуда ишларни қилувчи, бешинчи кишиларнинг хайр ишлардан манъ қилувчи, олтинчи хабаркаш/суханчи/, еттинчи зулми ситам қилишни одат қилувчи /мўътади зулм ва ситам/, саккизинчи қўп гуноҳ қилувчи, тўққичинчи ёмон муомала қилувчи /дурушт хў/, Волид ибн Мағира ўзи ҳақида тўққиз айб мавжуд эканини билиб айтди. Менинг отам Мағирадирки, қурайш шарафидир. Муҳаммад алайҳис салом мени зино авлоди /яъни ҳароми/ деб атадилар, албатта Муҳаммад алайҳис салом ёлғон гапирса керак деб, шамширни қўлига олиб ўзининг онасининг олдига борди ва айтди: Эй она бугун Муҳаммад алайҳис салом менга ал зино авлоди деб айтди.

1. Китобда VI-VII-VIII боблар тушиб қолган. Еки муаллиф 6-8 боблар рақамларини ёзмадан тўппа тўтри бешинчи бобдан 9-бобни ёзишга киришган бўлиши мумкин.

Китобнинг бетидан рақамлар (28-29 бетлар) кетма-кет, ҳеч узгармаган

2. Абу Талха (ибн Убайдуллоҳ)- Муҳаммад алайҳис саломнинг яқин сафдошларидан бири.

Сен ростини гапир, менинг отам ким, агар тўғриси
айтмасанг шу қилич билан бошинга ураман.

Онаси айтди, сени рост сўздан хабардор қилайки,
сенинг отанг Мағирага тегдим, лекин ундан фарзанд
бўлмаслигига кўзим етиб, агар Мағира вафот этса,
фарзандсизлик жихатидан унинг молу давлати укаларига
мерос бўлиб ўтади деб ўйлаб ноилож кўп тилло ваъда
қилиб бир чўпонни ўзимга тортдим, ўшандан сенга ҳомила
бўлдим, сен туғилгандан сўнг Мағира ўз обрўйини
тўкилишидан кўрқиб фарзанд туғилганини хабарини
мардумга маълум қилди. Сенинг номингни Волидин
Мағийра қўйдилар. Вало сенинг отанг ўша чўпон бўлиб,
Мухаммад алайҳис салом ёлгон айтмаганлар. Ибн Масъуд
розиёллоху анхудан хабар берадиларки Расул алайҳис
салом буюрадиларки ҳар ким ҳар куни юз марта менга
салавот юборса, унинг юз ҳожати раво бўлсин. Ростлик
билан/сидки дил билан/ Расул алайҳис саломга салавот
юбориш салавот ва ассалом ибодат бошини таъбиридир.

Нақл қиладиларки: - Сўфиён Саври раҳматуллоҳи
алайҳидан: Мен Каъбани тавофида эдимки бир шахсни
кўрдим. Байт/Каъба хонаси/ни тавоф қилгандан қўйган ҳар
бир қадамда Расул алайҳис саломга салавот айтар эди.
Айтдим: Эй азиз йўлдош! Нима учун Худонинг хонасида
бўлиб тасбеҳ ва таҳлилни тарк қилиб салавотга қадам
қўймоқдасан. У айтдики менинг отам бор эди. У билан
ҳажга кетаётган эдим. Отам йўлда касал бўлиб вафот этди.
Дарҳол оқ соқоли қора бўлди. Ғарибликда уни ўша куни
дафн этолмадим. Кечаси туш кўрдим. Тушимда бир
нуроний шахс ҳозир бўлди, коронғи уй унинг муборак
юзидан равшан бўлиб кетди. Уй мушки анбар хидидан
тўлди. Отамнинг олдига келиб, ўзининг муборак қўли
билан унинг юзидан пардани кўтариб отамни масҳ қилди.
Отамнинг юзи аввалгидек зиёда бўлиб оқарди ва нурга
айланди. Мен у шахснинг муборак этагидан ушлаб
айтдимки, сиз кимсиз бу ғариб хонага келиб отам учун
шунчалик марҳамат кўрсатдингиз. Айтдиларки, мен

1. Тасбеҳ - Ло илоҳа илладлоҳ деб айтиш

2. Тасбеҳ - худони ёд қилиш. Худонинг энгери субҳониллоҳ, Субҳониллоҳ деб айтиш

Мухаммад Расулуллоҳ саллаллоҳи алайҳи васаллам бўламан. Сенинг отанг ўз нафсига масруҳ /нафсга берилган киши/, аммо менга жуда кўп салавот айтарди ва салавот муакали /салавот фариштасининг вакили/ менга хабар берди, мен келиб уни бу ҳолатдан халос этдим.

Ҳар ким менга ўттиз марта салавот айтса унинг фарёдига етиб, иноят қилажакман. Уйқудан уйғониб қарадимки, биз ётган уй хушбўй, отамнинг юзи нуроний эди, отамни дафн қилиб Расул саллаллоҳу алайҳи васалламга бағишланган, салавотдан бошқа нарса билан машғул бўлмайман деб ўзимга аҳд қилганман.

Анас ибн Молик розиёллоҳу анҳудан ривоят қиладиларки, Расул саллаллоҳу алайҳи васаллам буюрадиларки, ҳар ким одоб ва таъзим бирла менга салавот юборса Аллоҳ таоло ундан /салавотдан/ фариштани халқ қилсинки, унинг бир қаноти мағрибда ва бошқа қаноти машрикка бўлсин, ва у фариштанинг бўйни Аршда, оёғлари ернинг еттинчи табақасида бўлсин. Аллоҳ таоло фариштага амр қилсинки, менинг бандаларимга салавот айт, чунончи менинг ҳабибимга салавот айтгин. У фаришта қиёмат кунигача салавот юборсин. Ҳар ким жума куни расулуллоҳга саксон марта салавот юборса Аллоҳ таоло саксон йил унинг гуноҳларини мағфират қилғай ва ҳар ким бир кунда расул алайҳис саломга беш юз марта салавот юборса, умрида бирор кишига мухтож бўлмагай.

Хикоят келтирадиларки, бир аёл Шайх Ҳасан Басри раҳматуллоҳи алайҳи олдига келиб айтди, ё валиюллоҳ менинг қизим бор эди, вафот этди. Мени дуо қилинган мен қизимни тушимда кўрсам. Шайх у аёлга салавотни ўргатдилар. У аёл ўз уйига бориб салавот ўқиб ухлаб тушида ўзининг қизини азобда кўрди, унинг эғнида қора қатрондан/қозон ва идишларни ювадиган дасмолдан/, либос, бўйнида оловдан занжир, азоб чекмоқда. У аёл уйқудан туриб, йиғлаб, Шайх ҳузурларига келади ва тушидаги воқеаларни баён қилади. У ердан ўтирган ёронлар чидаялмай йиғлаб юборадилар.

Бир неча кун ўтгандан кейин шайх тушида кўрадики, қиз бихиштда тахтнинг устига ўтирган, бошида тожи бор, унинг юзининг нури жаннатни равшан қилиб турибди.

Қиз айтди, ё Шайх мени танимадингизми? Шайх: йўқ! деб жавоб бердилар. Қиз айтди, мен ўша аёлнинг қизи бўламанки, менинг ахволим жуда ёмон эди. Шайх айтдилар, бу мартабага сен қандай қилиб эришдинг? Қиз айтдики, мен ётган гўристонда элик беш нафар азобга гирифтор эдик. Бир Шайх гўристондан ўтиб, бир марта салавот ўқиб, унинг савобини ўша гўристонда ётганларга бақишлади. Нидо келдики салавоти Расул алайҳис салом баракатидан азобни гўристондан кўтарингки ҳаммани мағфират қилдим.

Расул алайҳис салом буюрадиларки уч гуруҳ мени дийдоримдан махрумдирлар. Аввал динга итоат қилмаганлар, ҳақшунослик/худошунослик/ни эсдан чиқарганлар /уқуқалдин/, иккинчи, менинг суннатларимни тарк қилувчилар. Учинчи менинг номимни бирор жойда зикр қилганда салавот айтмаганлар.

Хабар берадиларки, Меърож кечаси фариштани кўрадиларки, унинг сурати мутавайир/ўзгарган сурат/ бўлиб ва унинг қанотлари тўкилиб хароб ҳолга тушиб қолибди. Жаброил алайҳис саломдан сўрадилар. Айтди: Ё Расулуллоҳ бу фаришта Аллоҳ даргоҳига, яқин эди. /Муқарраби даргоҳи аллоҳ буд/. Аллоҳ таоло бир қавмни азоб беришга амр қилган эди. Бу фаришта у қавмга шафқат қилган эди. Аллоҳ таоло унга ғазаб қилди. Тўрт минг юз йилдирки бу балога гирифтор бўлган. Расул акрам саллаллоҳи алайҳи васаллам айтдилар, унинг тавбасининг сабаби нима? Аллоҳ таолодан ваҳи келдики, сизга ўн марта салавот айтса унинг тавбасини қабул қиламан. У фариштага буюрдилар ўн марта салавот айтди. Аллоҳ таоло салавот баракати билан унинг суратини аввалги ҳолига қиритди, мартабасини ато қилди.

Расул акрам саллаллоҳи алайҳи васаллам кўрадиларки бу фариштанинг етмиш минг юзи бор бўлиб, ва ҳар бир юзида етмиш минг орзи ва унинг ҳар бир орзида етмиш минг тили ва унинг ҳар бир тилида етмиш минг тасбеҳ бор ва ҳар бир тасбеҳидан Аллоҳ таоло фариштани халқ қиладики, саллаллоҳи алайҳи васалламга салавот айтиш фаришталарнинг мағфират ва матлабидар .

Ҳазрат Умар розиёллоху анху бу сўзни расул акрам саллаллоху алайҳи васалламдан эшитиб айтдилар, ё

Расуллуллоҳ отам ва онам сизнинг фидойингиз бўлсинларки, бизлар ўзимизнинг ибодатимизни сизнинг салавотингизга сарфлаймиз. Пайғамбар саллаллоҳи алайҳи васаллам айтдилар, агар зиёдрок қилсанг яхшироқ. Умар розиёллоҳу анҳу айтдилар, ўзимнинг ибодатимни икки ҳиссасини салавотга сарфлайман. Айтдилар: яна зиёдрок қилсанг яхшироқ. Ҳазрат Умар розиёллоҳу анҳу айтдилар, бутун умримни бағишлайман. Ҳазрат Муҳаммад Мустафо саллаллоҳи алайҳи васаллам буюрдиларки, Аллоҳ таоло бу дунё ва охирада сенинг ишингни кифоят қилсин.

ЎНИНЧИ БОБ

Қуръон ўқишнинг фазилати

Келтирадиларки. Аллоҳ таоло Тавротни Ҳазрати Мусо алайҳис саломга нозил қилди. Таврот минг сурадан иборат эди. Ҳар бир сураси минг оят. Ҳазрат Мусо алайҳис салом арз қилдиларки, ё Аллоҳ, Таврот китобини ўқишга кимнинг тоқати борки ёдлаб билсин. Ваҳи келдики, ё Мусо Тавротдан улўғроқ китобни нозил қиламан. Ҳазрат Мусо алайҳис салом айтдиларки, ё Аллоҳ бу китобни қайси пайғамбарга ато қиласан. Аллоҳ таоло айтди, Муҳаммад Мустафо саллаллоҳу алайҳи васаллам хотам ал Набийнга. Ҳазрат Мусо алайҳис салом айтдилар, Муҳаммад Мустафо алайҳис саломнинг умматлари қисқа умрлари билан қандай қилиб бу қатта китобни ўқий оладилар. Аллоҳ дедикки, мен уларга ўқишни осон қиламан, ҳатто уларнинг болалари ҳам бу китобни ўқийдиган бўладилар. Мусо алайҳис салом айтди, Хотам ал Набийин саллаллоҳу алайҳи васаллам умматларига қандай қилиб осон қиласан. ¹

Ваҳи келдики, ё Мусо бир юз тўрт / 104 / китоб инзол / бирор нарсани юқоридан пастга юбориш, осмондан ерга юбориш, нозил қилмоқ / қилдим. Элик саҳифа Шис² алайҳис саломга, ўттиз саҳифа Идрис алайҳис саломга ва йигирма саҳифа Иброҳим алайҳис саломга, Инжилни Исо алайҳис саломга, Фурқонни Муҳаммад Мустафо саллаллоҳу алайҳи

1. Инзол - бирор нарсани юқоридан пастга юбормоқ, осмондан ерга юбориш, нозил қилмоқ

2. Шис алайҳис салом Одам атонинг ўғилларидан бири, пайғамбар

Васалламга инзол килдим. Фурқонни бир юз ўн тўртта/114/
сура қилиб, бир юз уч /103/ китобнинг маъниларини
Қуръонга мундариж килдим ва фурқоннинг /хуруф/
Бисмиллоҳни дохил килдим, ундан сўнг жам қилинган
маънода ҳамма китобларнинг маънисини жамлаб, уларни
аввал алиф билан Фурқонга мундариж¹ килдим.

Назм:

Аллоҳ бас аст ошиқонро,
Қуръон бас аст олимонро
Олим чи кунад ҳадиси бисёр
Як харф бас аст орифонро.

Мазмуни:

Ошиқларга Аллоҳнинг ўзи басдир
Олим учун Қуръоннинг ўзи басдир
Кўп ҳадисларни олим на қилсун
Орифларга биргина харф басдир

Хабар берадиларки, ҳазрат Расул саллаллоху
алайҳи васаллам буюрдиларки, Аллоҳ таоло ҳузурда
қиёмат кунида энг яхши шафоат қилувчи Қуръон
фазилатидирки, ҳеч қандай қавм ва фаришталарга йўқдир.
Қуръони шарифнинг бир харфи дунёдаги бор нарсалардан
афзалдир. Менинг умматларимнинг ибодатлари Қуръонни
тиловат қилишдир.

Аллоҳ таоло инсонни халқ қилгандан минг йил
аввал Қуръонни тиловат қилган, фаришталар Қуръонни
тиловатини Аллоҳ таолодан эшитдилар ва айтдиларки
яхши бамаъни Қуръон кимга нозил бўларкан. Қуръон ўша
умматлар тилида бўлса яхшироқ бўлар эди. Расул алайҳис
салом буюдиларки, Қуръон ўқиш кўнглига сайқал беради,
кўзни равшан қилади.

Ривоят қиладиларки Ҳазрат Али Карамулло
важҳаҳудан ҳар ким Қуръон оятидан намоз вақтида ўқиса,
унинг ҳар бир харфи учун Аллоҳ таоло юз хасанот унинг
аъмол номасига ёзиб қўйган ва ҳар ким намоздан ташқари
тахорат қилиб Қуръонни тиловат қилса, унинг

1. Мундариж - дохил қилиш, дараж қилиш

хар бир харфига йигирма беш савобни тошгай ва хар ким вузуъдан кейин тиловат қилса ўн савобни топади, хоҳки унинг маънисини билса, хоҳ билмаса, бу хасанотлар унинг номаи аъмолига ёзилади. Қуръоннинг хар бир харфи Қоф тоғидек /қўхи қофдек/ азим бўлиб, фаришталар жам бўлиб, Қуръонни бир харфини ҳам ўз жойидан кўзгата олмаганлар.

Келтирадиларки. бир шахс Расул саллаллоҳи алайҳи васаллам хизматларига келиб айтди, ё Расулуллоҳ киши ўз фарзандига Қуръонни ўргатса унинг савоби миқдори қанча бўлур? Буюрадиларки, Қуръон Аллоҳ таолонинг каломидир, унинг савоби миқдори қанча эканлигини мен билмайман. Шу вақт Жаброил алайҳис салом келдилар. Пайгамбар саллаллоҳи алайҳи васаллам Жаброилдан сўрадилар. Жаброил Мекоил алайҳис саломдан сўрадилар. Мекоил алайҳис салом Ҳазрат Исрофил алайҳис саломдан сўрадилар. Уларнинг ҳеч бирлари унинг савобидан жавоб беролмадилар. Исрофил алайҳис салом Худованди Каримдан савол қилдилар. Аллоҳ таолодан ваҳи келдики, ё Мухаммад алайҳис салом хар ким ўз фарзандига Қуръондан таълим берса, Қуръоннинг хар бир харфи учун ота онасига беҳиштдан шахар ато қиламан, у шахарнинг бир минг қасри бўлиб ва хар қасрининг бир минг хонаси бўлсин.

УН БИРИНЧИ БОБ

Илм фазилати баёни

Келтирадиларки. бир шахс имом Абу Юсуф Раҳматулло алайҳи ҳузурига келиб масала сўради. Имом айтдиларки, билмайман. У шахс айтди, сизнинг ўтирган жойингиз жоҳиллик макони эмас. Масалани билмайсиз нима учун бу маконда ўтирибсиз. Имом айтдилар: бутун нарсаларни агар билсам ҳам ишнинг охирини билмайман, агар ҳамма хабарни билганимда бу макон мени жойим эмас эди. Ҳазрат Али Карам Аллоҳу важҳаху айтдиларки: илм дарёдир, ҳикмат денгизидир, олимлар дарё лабига туриб, дарё атрофида айланадилар, ҳукамо денгиз ичида гаввослик қиладилар, орифлар нажот кемасига ўтириб денгиз ва дарёларни сайр қиладилар.

Аллоҳ таоло айтди мен олимдирман олимларни/дўст медорам/ дўст тутаман. Хабар берадиларки, Расулаллоҳи саллаллоҳу алайҳи васаллам буюрдиларки, олим юз йил ўқиса минглаб китоблар жамласа унга амал қилмаса манфаат йўқдир.

Келтирадиларки. Абу Хурайра розиёллоҳу анҳу бозорга бориб, унинг аҳлига айтдилар: - ҳазрат Расул саллаллоҳуи алайҳи васалламни меросларини масжидда тақсим қилиб турибдилар. Сизлар нима учун бу меросдан олмаяпсизлар. Бозор аҳли буни эшитиб, ҳамма дўконларни ташлаб масжидга қараб югурдилар, кўрдиларки масжидда ҳеч қандай мол йўқ, ҳамма қайтиб келиб, айтдиларки масжидда ҳеч нарса кўрмадик, Абу Хурайра розиёллоҳу анҳу сўрадиларки масжидда нима кўрдингизлар? Мардумлар айтдиларки, масжидда бир неча кишини кўрдикки, Қуръон ўқияптилар, баъзилар зикр айтар эдилар. Абу Хурайра розиёллоҳу анҳу айтдилар Ҳазрат Расул саллаллоҳу васалламнинг мерослари шу эди. Сизларга хабар берган эдим.

Хабар берадиларки. ҳазрат Расул саллаллоҳи алайҳи васаллам буюрдиларки Имон аринаст /урмондир/, имоннинг либоси тақводорлик, имоннинг зийнати ҳаёдир ва имоннинг самари илмдир.

Хабар берадиларки ҳазрат Расул саллаллоҳи алайҳи васаллам буюрадиларки Аллоҳ таоло Арш тахтида шаҳр яратганки, ундан ўн баробар катта бўлиб ва у шаҳарда минг дарахт дуру ва ёқуту ва забаржад ва маржондан яратилган бўлиб, қиёмат куни Аллоҳ таоло нидо қилсинки мўъминлар беш вақт намозни жамоат билан адо этган бўлсалар қиёмат офтобидан жаннатнинг шу дарахларини соясига келиб ўтирсинлар, ундан кейин уларнинг олдига дастурхонларга нурдан бўлган таомлар келтирарлар ва айтгайларки, қанча иштахангиз кўтарса енглар. Ҳамма қиёмат аҳли Аллоҳни меҳрибонликларини кўриб, вояйлато деб ҳасрат қилсинларки, бизлар нима учун жамоа намозини тарк қилиб, илм мажлисига бормаган эдик.

Хабар берадиларки. Расул алайҳис салом буюрдиларки, илми бор олимлар амри маъруф / шариатда буюрилган раво бўлган шоиста ишлар/ наҳи мункар/ёмон

ишлардан сақланиш/ ҳақидаги масалалар бўйича одамларга айтмаса, ундай олимлар қиёмат куни қаттиқрок азобга дучор бўладилар.

Хикоят қиладиларки, Бани исроилда бир олим бўлган эди. Ҳаким саксон сандуқ китобларни тўплаган эди. Сандиқларнинг ҳар бирининг қатталиги саксон газ бўлган. Аллоҳ таолодан ўша замондаги пайғамбарига ваҳи келдики, у олим агар етти осмон ва етти замин табақасидек китоблар жамласа ҳам, сенга ҳеч нафи / фойдаси/ тегмайди деб айтиб қўйгин, токи уч ишни ихтиёр қилмасун: аввал дунёни, бойликни дўст тутмасин, агар дунёни дўст тутса охиратда бенаиб бўлади, иккинчи, шайтонни дўст тутса-ю мўминлардан рафиқ(дўст) топмаса, учинчи, мўминларга ҳеч озор бермасин, мўминларга озор бериш Каъбани ўн марта вайрон қилиш билан баробардир.

Хабар берадиларки Расул алайҳис салом буюрадиларки уломанинг вазифаси будирки, умаро² ва ҳокимларни кўришга борсин, умаро вазифаси шундаки уламоларни кўришга борсинлар, ёмон уламо/уламои бад/ дажолдан бадтариндир.

Хабар берадиларки, Расул алайҳис саломдан, буюрадиларки, имом Али розиёллоҳу анҳу илмнинг дарвозаси йўқ. Бу хабарни мунофиқлар эшитиб айтганларки, бизлардан ўн нафаримиздан ҳар биримиз танҳо-танҳо бориб, Муртазо розиёллоҳу анҳудан масала сўрайликчи бизларнинг ҳар қайсимизга нима деб жавоб берар экан. Мунофиқларнинг қатталари/қабирлари/ дан ўн нафар якка-якка ҳазрат Али розиёллоҳу анҳу олдиларига боришга қарор бердилар. Улардан биринчиси деди: Ё Али илм яхшими ёки мол? Ҳазрат Али айтдилар, илм молдан яхшироқдир. Айтди, қайси далилга асосланасиз? Ҳазрат Али жавоб бердиларки илм пайғамбар мероси, мол қорун⁴ ва фиръавн⁵ меросларидир. Яна бошқаси келиб айтди, ё Али илм яхшими ёки мол? Муртазо Али

1. Газ - заушлик ўлчови бўлиб, 91,5 см.га тенгдир

2. Умаро - амир

3. Мол - бойлик, мол-мулк

4. Қорун - Қуръон/28 сурат, 76 оят, 29 сурат, 38 оят/да зикр қилинган гонг бадавлат киши

5. Фиръавн - қадимги Миср подполари лақоби, зулм ва ситамгарликка машғур бўлиб, кўп бойликка булганлар

дедилар, илм яхшидур. Айтди: қайси боисдан? Ҳазрат Али айтдилар, илм сохиби ўзини нигоҳбонлик қилади, мол сохиби кеча кундуз молини посбонлик қилади. Яна бири келиб сўради, ё Али илм яхшими ёки мол? Ҳазрат айтдилар, илм яхшидир. Нимага асосланасиз? деб сўради ҳалиги киши. Али розиёллоху анху айтдилар, молнинг эгасининг душмани кўпдир, илм эгасига дўст кўпдир. Яна бири келиб ё Али илм яхшими ёки мол? Ҳазрат Али айтдилар. Илм яхшидир. Қайси далилга асосланасиз? Жавоб бердиларки, молни сарф қилса тамом бўлади. Илмни қачон қанчалик сарф қилсанг зиёда бўлади. Яна бири келиб айтди, ё Али илм яхшими ёки мол? Муртазо Али илм деб жавоб бердилар. Қайси далилга асосланасиз? Деб сўради. Ҳазрат Али айтдилар, молнинг эгасини бахиллик билан ёдга олсалар, илм эгасини неклик номи билан ёдэтадилар. Яна бири келиб айтди, илм яхшими ёки мол? Ҳазрат Али илм деб жавоб бердилар. Қайси далилга асосланасиз? деб савол берди. Ҳазрат Али айтдилар молни ҳамиша ўғрилардан эҳтиёт қиладилар, илмни ўғрилардан муҳофизат қилмайдилар. Яна бошқаси келиб, айтди, ё Али илм яхшими ёки мол? Ҳазрат Али айтдилар илм яхшидир. Қайси далил асосида? деб сўради. Ҳазрат Али айтдилар мол узоқ турса чириб ёки эскириб кетади, илм эса узоқ тургани сабабли тоза ва зиёда бўлади. Яна бошқаси келиб айтди. Илм яхшими ёки мол? Ҳазрат Али илм деб жавоб бердилар. Қайси далилга асосланасиз? деб сўради. Ҳазрат Али айтдиларки мол кўнгилни қаттиқ қилади, илм юракни нарм /юмшок/ ва ҳам мунаввар қилади. Яна бошқаси келиб, ё Али илм яхшими ёки мол? деб сўради. Ҳазрат Али айтдиларки илм яхши. Айтди қайси далилга асосланасиз? Ҳазрат Али жавоб бердиларки, кўпчилик мол сохиблари улуғлик даволарини қиладилар, унинг хилофи сифатида илм сохибларидан ҳеч ким ўз ҳадиға тажовуз қилмайди. Яна бошқаси келиб, ё Али илм яхшими ёки мол? Илм деб жавоб бердилар. У далил келтиришни сўрайди. Ҳазрат Али айтадиларки, мол азоблик сабабидир, илм Аллоҳнинг раҳмати сабабидир. Шундан сўнг ўн нафар мунофиқ жам бўлиб Ҳазрат Али розиёллоху анху хизматларига келиб, ўз нифоқларидан тўба/тавба/ қилдилар.

ҲАҚИҚАТЧИ БОБ

Фаришталарнинг сифатлари баёни

Келтирадиларки, Ҳазрат Жаброил алайҳис салом пайғамбаримизнинг йигирма уч йиллик пайғамбарлик муддатларида йигирма етти минг мартаба Ҳазрат Расул саллаллоҳи алайҳи васалламнинг ҳузурларига бориб, Аллоҳ таолодан ваҳи келтирганлар. Бундан илгари пайғамбарларнинг ҳеч бирига уч минг мартадан кўп ваҳи келтирмаганлар. Ҳар бир фаришта Аллоҳнинг амри билан ер юзига келиб кетса, кўндан ергача масофа минг йиллик осмон йўлидир.

Ҳазрат Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам Жаброил алайҳи саломдан сўрадиларки ё биродар Жаброил, келиб кетган вақтингда бирор марта танг аҳволга қолганингни мушоҳада қила оласанми? Жаброил алайҳи салом айтдилар, ё Расулуллоҳ уч вақтда бундан анча олдин шундай бўлган. Намруд алайҳи Лаъна Ҳазрат Иброҳим алайҳис саломни манжаникқа солиб оловга отган пайтида Аллоҳ таоло нидоси етдики, ё Жаброил менинг Ҳалилимни гулханга ташлашдан олдинроқ дарҳол топиб халос этгин. Мен ўз маконимдан тез суръат билан ўша вақтда Иброҳим алайҳис саломни манжаникдан отиб гулханган яқин келган эдики, халос этдим ва ўз ҳолимга машаққат чекдим.

Иккинчиси, Ҳазрат Юсуф алайҳис саломни биродарлари қудуққа ташладилар. Қудуқнинг ярмига борган эдики ипни кесдилар, шу вақт Аллоҳ таолони фармони етиб келдики, менинг бандам Юсуфни халос эт деб, ман юз йиллик осмон йўлидан парвоз қилиб, Юсуф алайҳис саломни қудуқни тубига етай-етай деб турганда тутдим. Ўша вақтда машаққат кўрдим.

Учинчи Аҳз тоғида бўлган жангда Қурайш кофирлари ғалаба қилиб сизнинг тарафингизга тош отдилар. Ўша тош сизнинг муборак жойингизга теги. Қон қатраси ерга тушмоқчи бўлди. Шу вақтда Аллоҳнинг нидоси етиб келдики, ё Жаброил дарҳол югур, ҳабибимни қони ерга тўқилмасин, агар ҳабибимни қатра қони ерга гўшса, қиёматгача ердан гиё унмайди.

Аллоҳ таолонинг амрини эшитиб, юз йиллик осмон йўлидан келиб сизнинг муборак қатра қонингизни қанотим устига олдим. Мана шунда учинчи марта машаққат чекганман.

Келтирадиларки,- Идрис алайҳис салом замонида осмон фаришталари бани одам гуноҳларидан машфарат қилдилар ва айтдиларки, одам туғилади, ҳамиша гуноҳга мубталодир. Агар бизларга ерга борсак, бизлардан ҳеч қандай гуноҳ содир бўлмас эди. Аллоҳ таоло фаришталарга амр қилдики, ўз ораларингиздан энг яхшилардан икки кишини ихтиёр қилинг ман уларга инсондек нафс ва шаҳват бериб ерга юборгумдир. Уларнинг ҳар бири инсонларга ҳукумат бўлсин. Фаришталар ўз ораларидан Ҳазрат Жаброил ва Ҳазрат Мекоилни интиҳоб қилдилар. Ўлар Аллоҳ таолога газарру/илтимос/ қилдилар ва улар афв қилиндилар. Шундан кейин Ҳорут ва Морут деб аталган икки фариштани ихтиёр қилдилар. Фаришталар орасида улардан Муттақи/тақводор/ роқ малоика иўк эди. Оллоҳ таоло Ҳорут ва Морутга нафс ва шаҳват ато қилиб дунёга юборди. Амр қилдики сизларни ҳоким ва қозига айлантираман. Одамларга ростлик ва адолат қилинглр ва фахшдан ва гуноҳлардан ўзингизни сақланглр. Ҳорут ва Морут ерга келиб инсон суратига кириб ҳукумат ва қозийлик лавозимини эгаллаб шариат бўйича ҳукмронлик қила бошладилар ва Идрис алайҳис саломни ҳукм қилган қонунларини халқ орасида амалга ошириб кечкурун осмонга учиб бориб ўз маконларида ибодат қилар эдилар. Бир неча вақт ўтгач Зухро номли бир аёл ўзининг эри билан бирга ҳукуматхонага улар олдига келиб муурофаа/муурофаа-даъво, ҳоким/қози/ олдига шикоят қилиб бориш/ қилди.

Зухро хусни жамолда комил эди. Зухрони кўриб фаришталар ошиқ бўлиб уни фойдасига масалани ҳал қилдилар. Зухро будпараст эди. Унинг уйига бориб хамр/май/ ичиб маст бўлдилар. Мастлик ҳолатида унинг эрини ўлдирдилар ва унинг бутига сажда қилдилар ва бу ҳолатда Аллоҳ таоло хижобларни осмон фаришталари назаридан кўтардики, етти осмон малойикалари уларнинг кирдикорларини мушоҳада қилиб, Аллоҳ таолодан паноҳ талаб қилдилар. Ал қисса Ҳорут ва Морут Зухрога Исми аъзамни таълим берган эдилар. Зухро исми аъзам

шарофатидан осмонга кўтарилиб осмон кавкаб /юлдузлари каторидан жой олди ва сабъа/етти/ Сайёра каторида турди.

Хорут ва Морут исми аъзамни ўқиб осмонга чиқмоқни, хоҳладилар, аммо исми аъзам уларнинг ёдларидан/эсларидан/ чиқиб, уларнинг қанотлари тўкилиб, беқанот бўлиб қолдилар. Идрис алайҳис салом хизматларига келиб, ўзларининг ходисаларидан огоҳ қилдилар. Идрис алайҳис салом улар учун Аллоҳ таолодан мағфират талаб қилдилар. Аллоҳ таолодан ваҳи келдики, Хорут ва Морутга айтингки ўзларининг қилган ишларига бу дунёни азобини ихтиёр қиладиларми, ёки охират азобини? Ҳазрат Идрис алайҳис салом Аллоҳнинг амрини уларга етказдилар. Хорут ва Морут айтдиларки бу дунёнинг азоби охират азобидан енгилроқдир. Хорут ва Морут бўлган шаҳар Бобил бўлиб Ироқ вилоятларидандир. У шаҳарнинг водисида шундай қудуқ бўлиб, ўша қудуққа занжир ва рўл билан боғлаб муаллақ осиб қўйилган. Мужоҳид Раҳматулло алайҳи айтадиларки у қудуқ оловдан тўла эди.

Ривоят қиладиларки, бир шахс Бобил қудуғини олдига бориб у ерга назар қилди Хорут ва Морут уни кўриб, сўрадиларки сен қайси пайғамбарнинг уммутидирсан. У одам айтдики Муҳаммад Мустафо саллаллоҳи алайҳи васалламнинг умматидирман. Улар айтдилар, Муҳаммад алайҳис салом соғ саломат юрибдиларми? У шахс айтди, Оре/ха/. Хорут ва Морут хурсанд бўлиб шукрона қилдилар ва айтдилар: ё Муҳаммадулло бизларнинг азобларимизнинг қозиси, бизларнинг азобларимиз поёнига қариб етай деб қолди.

Ривоят қилдиларки Расул саллаллоҳи алайҳи васаллам буюрдиларки, Аллоҳ таоло Аршнинг тахтига фариштани халқ қилдики, фариштанинг боши одамнинг бошидек рост томонидан етмиш минг қанот ва чап тарафидан етмиш мин бол/қанот/и бор ва унинг ҳар бир қанотида ўн икки минг соқоли бўлиб, ҳар бир соқолида саф-саф малойкалар туриб ва унинг пешонасида фотиҳа сураси ёзилгандир, унинг рост чеккасида ихлос сураси, чап чеккасида Қулхуаллоҳ, шаҳидаллоҳу аннаҳу Ло илоҳа иллаҳу ва вал малоикату ва увулўзилми қоимам бил қисти. Ло илоҳа илла ҳувал азизул Ҳаким, ўша

фариштанинг олдига етмиш минг малоика саф тортиб, у фариштанинг юзига қараб, фотиҳа сурасини қироат қиладилар ва ҳамма саждага тушадилар /меафтанд/ Аллоҳ таолодан нидо келсинки, Эй фаришталар бош кўтарингларки, ман сизларнинг ҳаммаларингизни раҳмат қилдим. Фаришталар айтгайларки, Аллоҳ Мухаммад Мустафо саллаллоҳу алайҳи васаллам умматларидан қай бирлари фотиҳа сурасини ўқисалар, улардан ҳам рози бўлгин. Аллоҳ таолодан нидо келдики эй фаришталар сиз гувоҳ бўлингларки улардан розидирман.

Ривоят. Каъб ул Ахбор розиёллоҳу анҳу ҳикоя қиладиларки Жабраил алайҳис салом фаришталарнинг афзали бўлиб ҳисобланадилар. Олти дона қанотлари/боллари/ бор, яъни у қанотларини очмас эдилар. Лут алайҳис саломнинг қавми азобга қолган вақтида очиб эрдилар. Расул алайҳис салом Аут алайҳис салом қавмини азоблари ҳақида сўраган эдилар. Жаброил алайҳис салом айтдиларки ё Расулуллоҳ бу қавм бадқирдор, беш шаҳарда истиқомат қилар эдиларки, мен ўзимнинг бор қанотим билан беш шаҳарни осмонга кўтардим кўрдимки, қавмда 80 минг эркак ва аёл таҳажжуд намозини ўқир эдилар ва ўттиз уч/33/ минг киши бутни сажда қилиш билан машғул эдилар, айтдим: Ё Аллоҳ бу саксон минг эркак-у аёл сенинг ибодатинг билан машғулдирлар. Уларни қандай қилиб ҳалок қиламан. Аллоҳ таолодан нидо келдики, ё Жаброил уларнинг тоати менинг даргоҳимга мақбул эмас. Улар ҳеч қандай амри маъруф этмадилар бошқалар амри маъруфга итоат қилмай ёмон ишлардан воз кечмадилар, қилган гуноҳларидан тавба қилмадилар. Шунинг учун Аллоҳнинг амри билан бутун қавми ҳалок қилдим.

Келтирадиларки. Фиръавн алайҳи лаъна ўзининг вазирига буюрдики, бир қаср бино қилгинки жуда ҳам баланд бўлсин, унинг устига чиқиб Мусо алайҳис салом Худоси билан мунозара қиламан. Лайиннинг фармони билан меъмор усталар тўпланиб, Рафъе бино қилдилар. Унинг буйруғи билан қаср атрофида 50 минг бошқа иморат қурдилар. У қасрни 5/беш/ минг газ юқори кўтариб, ўша иморатнинг орази/айланаси/ 3/уч/ минг газ эди. Иморат тамом бўлгандан кейин у фиръавн қасрнинг устига чиқиб,

осмонга бокиб ўқ юборди. Аллоҳ таоло балиқни амр қилдики бўйнингни у Лайиннинг ўқиға тутгин. У малъуннинг ўқи балиқнинг томовиға тегиб қонға бўялди. Қонға бўялган ўқ Фиръавн олдига келиб тушди. Фиръавн Мусонинг худосини қатл қилдим, деди. Аллоҳ таоло Жаброил алайҳис саломға амр қилдики, ўз қанотинг билан у қасрни ур. Қаноти билан қасрни урди, у қасрдаги ҳамма иморатлар уч бўлакка бўлиниб бир бўлаги унинг лашкарлари устиға йқиқилиб, минг-минг лашкар ҳалок бўлди ва бошқа бўлаги мағриб заминға бориб, яна бир бўлаги денгизға тушиб кетди. Фиръавн абади хусрон/зиён, зарар/ га гирифторм бўлиб Мусо алайҳис салом билан душманликни яна оширди.

Айтдиларки у балиқ ҳазрат Илоҳиға арз қилдики нима учун мени душманнинг ўқиға рўшара қилиб, захмдор этдинг. Ниҳо келдики, эй балиқ бунинг эвазига қиёматғача одамлар ранжидан сенға нажот бердим."/“Тафсири Кабир” китобидан/.

Келтирадиларки, қачонки Аллоҳ таоло ерни яратди, фариштани халқ қилиб, унга амр бўлдики ернинг тахтиға/остиға/ кириб, ернинг етти табақасини бўйнингға кўтариб, бир қўлингни Машрикқа, бошқа қўлингни Мағриб тарафиға узотиб, ернинг қўлинг устиға сақлаб тур. Фариштанинг оёғлари бунға дош бермади. Аллоҳ таоло амри билан Фирдавс /беҳишт/ дан ҳўкизни олиб келдиларки, қирқ минг шоҳи ва қирқ минг оёғи бор эди. У ҳўкизни оёғлари остиға қўйинглар, деб амр қилди. Фаришта оёқлари қарор топди, аммо ҳўкизнинг оёқлари қарор топмади. Аллоҳ таоло бир оқ ёқутни халқ қилдики, ўша ёқутнинг ҳар тарафи беш минг йиллик йўл эди. Ҳўкизнинг оёғи остиға қўйдилар, унинг оёғи қарор топди, аммо ёқут қарор топа олмади. Аллоҳ таоло тошни яратдики бу тошнинг эни етти осмон, етти заминнинг табақаси билан баробар эди. Ёқутнинг остиға шу тошни қўйди. Ёқут қарор топди.

ҮН УЧИНЧИ БОБ

Одам алайҳис салом хилқати¹ ҳақида

Расул саллаллоҳи алайҳи васалламнинг қудси² ҳадисидан ривоят қиладиларки, Аллоҳ таоло қирқ кун мобайнида Одам алайҳис саломни муборак жасадларини яратди. Айтадиларки, ўша замоннинг ҳар бир куни дунё кунларининг минг йилига тенг бўлган.

Одам алайҳис саломнинг жасадлари қирқ минг йил ўша жойда қолиб, қуриб сафолга айланди. Фаришталар келиб, бундан олдин бундай суратни кўрмаганликларидан таажжубга тушар эдилар. Бир куни Иблис алайҳи лаъна бу ерга келиб айтди, агар менга бу тупроқли сафолни берса хуб, ва Аллоҳ агар уни мендан афзал билса уни ҳалок қиламан, деб палид³ ўзининг оғзини сувини Одам алайҳис саломнинг жасади томонига пурқади. Унинг оғзидаги нопок сув одам алайҳис саломнинг киндиклари жойига тушди. Аллоҳ таоло Жаброил алайҳис саломга палитнинг харом оғиз сувини Одам алайҳис салом жасаидан олгин деб амр қилди.

Аллоҳ таоло ундан итни яратди. Итга уч хислат бор: Биринчиси, одамлар орасида яшайди. Бу Одам алайҳис саломнинг тупровини хосиятидир. Иккинчиси, кечалари бедор туради, бу ҳазрат Жаброил алайҳис саломнинг қўлини хосиятидир. Учинчи, ит газанда бўлиб, ҳатто гуноҳсиз кишиларни тишлайди, бу шайтони Лайин оғзининг асоратидан бўлган.

Хабар берадиларки. Аллоҳ таоло Одам алайҳис саломга руҳ киритиб, жаннати қилди. Руҳ Одам алайҳис саломни димовига тегиши билан аксириб алҳамдулиллоҳи раббиал оламин, деб айтди.

-
1. Хилқат - пайдо бўлиш, вужудга келиш
 2. Қудси - покиза, пок, гуноҳлардан пок бўлган
 3. Палид - нобакор, бадқирдор, мурдор

Аллоҳ: эй Одам сени ҳамд айтиш учун яратдим, рух сени думофингга тегиши билан менинг ҳамдимни адо этдинг, шу сабабли ақлни сени думофингга юбордим, деди. Шундан сўнг Мекоил Одам алайҳис саломни дуру ва ёқутдан бўлган тахтга ўтказиб ва ҳарир либосларни кийгизиб ва унинг бошига виқор тожини кийгизди/ниҳода/ ва у тожни тўрт аркони бор эди ва унинг бошидаги аркон дурдан қилинган эдики, унинг нури офтоб ва махтобдек то Аршгача равшан қилардики, ҳамма фаришталар у зиё нурини ва ҳазрат Одам алайҳис салом суратларини кўриб мушоҳада қилиб, мутаҳайир бўлганлар. Ва айтдиларки, Аллоҳ ҳеч махлуқни ундан яхшироқ яратмаган эди. Нидо келдики, Одам алайҳис саломни қудрат диди билан яратдим, унга ҳусни жамол ато қилиб, бундай яхшироқ махлуқ халқ қилмадим. Шундан сўнг амр қилдики, эй фаришталар Одам алайҳис саломга сажда қилинлар. Аллоҳ таоло амри билан ҳамма фаришталар Одам алайҳис саломга сажда қилдилар.

Айтадиларки. фаришталар ўн йил сажда қилдилар, баъзи солиҳлар айтдиларки, беш юз йил фаришталар саждага эдилар. Иблис Одам алайҳис саломга сажда бажо келтирмади. Қоим¹ тўхтаб қолган эди. Фаришталар кўрдиларки Иблис ҳамон қоим барқарор турибди. Жаброил алайҳис салом келиб иккинчи маротаба сажда қилдилар. Аллоҳ таоло айтди, ё Жаброил нима учун икки маротиба сажда қилдинг. Жаброил алайҳис салом, ё Аллоҳ сенинг амринг билан бу ер саждагоҳ эди, Иблиснинг сажда қиладиган жойи бўш қолди, чунки у сажда бажо келтирмади. Бинобарин икки марта сажда қилдим. Аллоҳ таоло айтди, ё Жаброил, сенинг мана шу одобинг учун Одам алайҳис саломнинг наслидан вужудга келадиган пайғамбарнинг ҳаммасига элчи қилдим. Уша дамда менинг ваҳиларимни мурсал² пайғамбарларга етказасан, ундан сўнг менинг фармонимни бажармаганинг учун Иблиснинг

1. Қоим - муттасил, қимирламай тик турган

2. Мурсал - китоб соҳиби бўлган пайғамбарлар.

устигаги малоикалар либосини ечиб олиб, унга мардудлик¹ ва шайтонлик либосини кийгизасан, Аллоҳ таоло шайтонни ўз даргоҳидан ҳайдаб ибодатдан маҳрум қилди. Айтдиларки, Аллоҳ таоло Одам алайҳис саломга уйқуни жорий/илқо/ қилди. Одам алайҳис салом уйқуга кетганда чап қовурғаларидан ҳазрат Хавони халқ қилди. Одам атонинг устухонидан бўлгани учун аёлларнинг ақли ноқис² бўлди, бинобарин хотин устига хотин олмоқ жорий бўлди.

Айтадиларки/гўяндаке/, ҳазрат Довуд алайҳис салом юз хотин ва уч юз жориялари бор эди ва Сулаймон алайҳис саломнинг уч юз хотин ва еттиюзта жориялари бор эди. Ҳазрат Набий салаллоҳу алайҳи васалламнинг тўққизта никоҳлик хотинлари ва тўрт нафар жориялари бўлган. Фикҳ китобидан масала келтирганларки, бир эракни уч никоҳлик хотини, ва юзта чорияси бор, яна хотин олишни хоҳласа, бирор шахс айтсаки сендаги буларнинг ҳаммаси кифоядир, бу шахсга куфр хавфи жории бўлади.

Келтирадиларки. хотин шайтон лашкарларидандир. Хотинининг нафси шаҳватдир, унинг лавзи ғазабдир, энг буюк шаҳват аёллар шаҳватидир.

Хабар берадиларки, ҳазрат Расул саллаллоҳи алайҳи васаллам буюрдиларки, ҳар бир аёл беш вақт намоз ўқиса ва моҳи шарифи рамазонда рўза тутса, ўзини номаҳрам зиносидан сақласа, ўз эрига фармонбардор бўлса, биҳиштнинг қайси эшигидан хоҳласа, биҳиштга кирсин. Ва қайси аёл эрининг фармонидан чиқса, қайси аёл ўз эрининг фарошидан ташқари/хобжойидан, ётар жойидан/ ўзини канорага тортса малойикалар лаънатига гирифторм бўлсин, токи тавба қилмаса.

Келтирадиларки, Ҳазрат Усмон розиёллоҳу анҳуга уч юз жория бор эди. Бир куни ҳазрат Руқия³ бинти саллаллоҳу алайҳис васаллам кўрдиларки Усмон розиёллоҳу анҳу жорияга ҳазил қилаяптилар. Руқия

1. Мардуд - худонинг даргоҳидан ҳайдалган

2. Ноқис - нотамом, нуқсонли

3. Руқия - Ҳазрат пайғамбарнинг иккинчи қизлари

Розиёллоху анхунинг ғайратлари келиб, дарғазаб бўлиб, Расул алайҳис салом олдиларига бориб, шикоят қилдилар. Расул алайҳис салом айтдиларки, “ё Руқия агар худо ва унинг Расулининг ризосини хоҳласанг Усмон розиёллоху анху қадамига юзингни суртгин ва унинг ризолигини талаб қил, саловот ахли мен билан фахрланадилар, мен эса Усмон билан фахр қиламан. Ҳазрат Руқия мутаххир/ғазабидан тушиб/ бўлиб Расул алайҳис саломни хузурларидан чиқиб ўзининг хонасига кириб кўрдик, Ҳазрат Усмон розиёллоху анху саждага йиқилиб, йиғлаб муножот қилар эдиларки, Аллоҳ Расул алайҳис саломни мендан ғазаб олуд қилма, Руқия розиёллоху анху бу ҳолни кўриб ғазабдан таскин топиб, Усмон розиёллоху анхунинг қадамларини ўзининг юзига суртиб, айтдиларки, Расул алайҳис салом менга насихат қилдилар. Ҳазрат Усмон розиёллоху анхунинг йиғлаб Расул алайҳис саломнинг меҳрибонлик башоратлари учун ўзларининг уч юз канизини озода қилдилар. Дарҳол Жаброил алайҳис салом ваҳи келтирдилар ва айтдиларки, ё Расулуллоҳ Усмон сизнинг розилигингиз ва фарзандингизнинг розилиги учун уч юз ўзининг канизагини озода қилди. Башорат берингки, Аллоҳ таоло Усмон розиёллоху анхудан рози бўлди, қиёмат куни унинг мизон ва ҳисолдан маъфув қилиб, мағфират қилди. Халойиқ билсинларки, сизнинг кадр ва қимматингиз Аллоҳ таоло олдида шу қадар азиздир.

Анас ибн Молик розиёллоху анху хабар берадиларки, Расул алайҳис саломдан сўрадимки битта нонни садақа қилиш яхшими, ёки юз ракаат намоз нофила/нафл-яъни қўшимча намоз/ ўқишми? Расул алайҳис салом буюрдиларки, бир нонни садақа қилиш яхшироқдир. Яна сўрадим, ё Расулуллоҳ мусулмоннинг ҳожатини чиқариш афзалми ё икки юз ракаат татаввуъ намозини/хоқиш намози/ ўқиш афзалми? Расул алайҳис салом буюрдиларки, мусулмоннинг ҳожатини чиқариш афзалдир. Яна сўрадимки, ё Расулуллоҳ лужмайи харомни тарк қилиш афзалми ёки минг ракаат намози нофила/авлодларга бағишланган намоз/ ўқиш афзалми? Буюрдиларки харом лужмани тарк қилиш афзалдир.

1. Маъфув - афв қилиш, бағишлаш

2. Татаввуъ - Ўз хоҳиши билан бирор ишнинг ёки намозини ижро қилмоқ

ЎН ТЎРТИНЧИ БОБ

Нух алайҳи салом ҳақида

Нух алайҳи салом Кўфа ерига истиқомат қилар эдилар. Ундан кейин Макка ерига бориб, бир дарахтзор/ўрмон/ тагида истиқомат қилиб, Аллоҳ таоло амри билан қавмга динни даъват этар эдилар. У қавм кофир ҳамма равшанпараст¹ эди. Тўққиз юз эллик йил у қавмни имонга даъват қилдилар. У қавмни азим пайгамбарнинг сўзларига кулоқ солмадилар. Ҳақорат масқара қилиб у кишининг муборак сочларидан тортиб, мажнун деб урар эдилар. Хушдан кетиб ўликдай йиқилиб қолар эдилар. У қавм ўзларини ёмон ниятларини амалга ошириш учун пайгамбарни турли йўллар билан азоб берар эдилар. Яна ўзларига келиб қавмни Аллоҳ таоло амри билан яна даъват қилар эдилар. Аксар вақт Нух алайҳи саломни ерга ётқизиб, у кишининг муборак қоринлари устига катта тош қўяр эдиларки, оғирлигидан бурун ва кулоқларидан қон равона бўлар эди. Ё Нух сенинг жазонг шудир, деб айтардилар. Нух алайҳис салом муножот қилиб, ё Аллоҳ менинг аҳволимни кўрдинг ва бу қавмнинг сўзларини эшитаяпсан. Ваҳи келдики, ё Нух бу қадар доду-фарёд қилма, сабр қил, уларни мўъмин халқ қиламанки, менга ибодат қиладилар. Нух алайҳи салом муножот қилдиларки, Илоҳи бу бадкирдкор қавм сенинг раҳминг билан сенинг ерингга яшамоқдалар ва сен ато қилган ризқни емоқдалар, ғайрга ибодат қиладилар. Менинг фарёдимга етгин.

Келтирадиларки бир куни ўша қавмдан бир мўйсафид ўзининг ўғлини олиб келиб васият қилдики, эй ўғлим Нух жодугар каззобдир,²зинҳор бунинг гапларига кулоқ солма, юзига қарама, оталаримиз умрининг охирида бизга шундай **васият** қилар эдилар. Сен ҳам ўз ўғилларингга васият қил. Бу кофир бача айтди: эй ота

1. Равшанпараст - қадимги дин формаларидан бири бўлиб, ёруғликка энгга/қуён, ой ва юлдузларга/супернатуралар топфаси

2. Каззоб - блғончи

●Ўзингни асонгни менга бер. Асони берди, у ҳаромзода отасининг асоси билан, Нуҳ алайҳис саломнинг муборак бошларига урди, муборак бошлари ёрилди, қон оқа бошлади. Бошнинг суяги намоён бўлди. Нуҳ алайҳис салом Аллоҳ таолога муножот қилдиларки: Рабби ла тазар аълал арзи минал кофирина даййаро /эй парвардигорим, ер юзида бирорта кофирни қолдирмагин/. Нуҳ алайҳис саломнинг бу муножотида осмоннинг ҳамма эшиклари очилиб, бутун фаришталар “омин” деб айтиб, Нуҳ алайҳи салом учун у қавмнинг азобини Аллоҳнинг даргоҳидан талаб қилдилар. Аллоҳ таолодан ваҳи келдики, ё Нуҳ булар тўғрисида ҳам ема, булар мени қазабим қаторидан жой олган, ер ва унинг остида бўлган эркак-у аёлларнинг фарзандларидан интиқомим бор, сен кишти тайёр қилки, уларни сув азобига гирифтор қилиб, ҳалок этаман. Нуҳ алайҳи салом айтдилар: Аллоҳ кишти нима? Ваҳи келдики, ёғочдан қилинган хонага ўхшасин, сув юзига сайр қилсин. Нуҳ алайҳис салом айтдилар: Аллоҳ ёғочни қаердан топаман? Фармон келдики, Ҳиндустон еридан соч¹, ниҳолини келтириб ўтқазасан, яъни улар обнус дарахти бўлади. Нуҳ алайҳис салом билдиларки қавмнинг ҳалокати яқинлашиб қолган. Даъват қилишдан қўл тортиб, соч ниҳолини келтириб Шом ерига ўтқаздилар. У бадфеъл қавм истехзо қилиб айтар эдиларки, энди даъватни қолдириб ва тарк қилиб, ўзингни дарахт ўтқазишга машғул қиласанми? Алқисса, у дарахтлар йигирма йилда камолга етди. Аллоҳ таоло амри билан дарахтларни йиқитиб, муножот қилдиларки, Илоҳий кемани қандай қилиб ўхшатаман. Аллоҳнинг амри билан Ҳазрат Жаброил алайҳис салом келиб, таълим бердиларки, ёғочларни тахта қилиб, кемани бошини товус бошидек, унинг сийнасини қарчиғай синасидек, унинг думини хўроз думидек ясайсан, уч қават қилиб, темир миҳлар билан мустаҳкамладилар. Кема уч қават эди. Ҳар бир хонасига бир эшик ўтқазиб, икки мўъмин ҳамролари билан, киштини ясаб бўлдилар. 40 киши имон келтирган эди. У кофир қавм келиб кемани кўриб айтар эдилар, бу мажнун кишти ясаб сувга

1. Соч - баланд ва тик ўсадиган дарахт бўлиб, Ҳиндистонда ўсади. Уни кемастабилска ишлатадилар

сузмокчи, лекин сув қаерда? Киштини ясаб бўлганларидан сўнг у кофир қавм жуда кўп ўтин жамлаб кечаси кишти орқа ва олдига олов ёқдилар. Канода Розийллоху анху айтадики Аллоҳ таоло амри билан 40 кеча-кундуз ер юзининг бутун жойларидан ғалвир/ғалбол/ дек баробар сув чиқа бошлади, ва осмондан тез сув тўкилди, дунёнинг баланд тоғларидан сув қирқ газ кўтарилди.

Ибн Аббос розийллоху анху ривоят қиладиларки, аввал кемага чумоли ҳаммадан охирида эса эшак дохил бўлди. Ўша вақтда иблис эшакни думини маҳкам тутиб олгани учун эшак ҳарчанд киштига дохил бўламан деб ҳаракат қилса ҳам, аммо ўзининг орқа оёғини киштига қўя олмас эди.

Нух алайҳис салом айтдилар, эй эшак агар шайтон сенинг ҳамроҳинг бўлса ҳам тезроқ кир!. Бу гапни эшитиб шайтон эшакка ҳамроҳ бўлиб киштига чиқишга ҳозирланди. Нух алайҳис салом Иблисни кўриб айтдиларки, эй малъун сени ким дохил қилди. Шайтон айтди сизнинг фармонингиз билан дохил бўлдим.

Ровийлар айтганларки. Авж Ибн Унуқ¹келиб айтди, ё Аллоҳнинг набийи мени киштига дохил қилинг. Нух алайҳис салом айтдилар, кет бу ердан, сенинг учун Худодан амр бўлмаган. Ривойлар айтганларки, азоб суви дунёнинг тоғларидан баланд қирқ газ юқори бўлган эди, Авж ибн Унуқнинг тиззасидан келар эди. Осмон булутлари унинг бели билан баробар эди. Денгиз тагидан катта наҳангларни тутиб олиб, уни офтобга пишириб ер эди. Ваҳб ибн Мунаббих² розийлоху анху айтадиларки, Авжнинг онаси Ҳазрат Одам алайҳис саломнинг қизлари эди. Авж Одам алайҳис салом ҳаётлиги вақтида Абу ал Башир уйида таваллуд топиб, ўша жойда катта бўлган эди. Айтадиларки, Авж ибн Унуқнинг умри уч минг олти юз йил эди. Ҳазрат Мусо алайҳис салом замониғача ҳаёт эди. Одиён қавми

1. Авж Ибн Унуқ - одам атоининг невараси

2. Ваҳб ибн Мунаббих - 732 йилда вафот этган. Асанда форс мислатидан бўлиб, тобешлардан эди. "Ат Тийжон фирмулуку Химир" номан асарин бор.

илтижо қилдиларки, Мусо алайҳис салом лашкарларини ҳалок қилсин. Авж узоқдан назар қилдики Бани исроил лашкари икки фарсах жойни олган, бехисобдир. Бориб тоғдан Бани исроил лашкарлари жойлашган майдонга баробар бўлган бир тошни кесиб, Бани исроил лашкари устига ёпиш мақсадида ўзининг боши устига кўтариб келди. Аллоҳ таоло амри билан ҳуд-худ тошнинг устига ўлтириб шу нозик тумшуғи билан Осиё тошидек унинг ўртасини катта қилиб тешиди. Тош то Исроил лашкарига етиб келгунча ўртаси тешилиб бу катта тош Авжнинг бўйнига кириб қолди. Оёқ остини кўра олмади. Аллоҳ таоло унинг келишидан Ҳазрат Мусо алайҳис саломга хабар берди. Мусо алайҳис салом ўзининг асоси билан уни ҳалок қилди. Унинг тўпиғидан юқори то тиззасигача узунликдаги бир оёғи Нил дарёсига Хорун ар Рашид замониғача кўпрук эдики, унинг ичидан/тунелга ўхшаган Н.И./ қарвонларнинг туялари ўтар эди. Хорун ар Рашид уни одам алайҳис салом наслидан деб олиб тупрокқа пинҳон қилди.

Ровийлар айтадиларки, Тўфон сабабидан Авж ибн Унукни ҳалок бўлмагани шунда эдики, у киштини ясаш вақтида Нух алайҳис саломга иноят қилиб, киштнинг ёғочларини Шом заминидан кифтига кўтариб келган эди. Чунки одамлар бу ёғочларни хатто ўрнидан кимирлата олмас эдилар.

Айтадиларки, илон ва чаён Нух алайҳис салом олдиларига келиб, бизларга киштира жой беринг, дедилар. Нух алайҳис салом инсон фарзандларига зарар етказасизлар, деб айтдилар. Илон ва чаён бизлар аҳд қиламизким, ҳар бани одам агар-Саламун ала Нухин фи ал-аламина инна казаликка ал мухсинина иннаҳу мин Ибадина ал мўъминина/таржимаси-салом бўлсин Нух пайғамбарга, аҳли олам ичида. Албатта биз яхши амал қилувчиларни ана шундоқ мукофотлаймиз. Ҳақиқатда сизнинг мўмин бандаларингиз шу дуони ўқиса бизлар унга мазрат/зарар/ текирмаймиз. Ҳазрат Нух алайҳис салом илон ва чаёнлардан олиб киштира дохил қилдилар.

Ровийлар айтурларки, киштидаги ҳайвонлар тезагини ҳидидан кемадаги одамлар чидаёлмай, Нух алайҳис саломга шикоят қилдилар. Аллоҳ таолодан ваҳи

келдики, филнинг думини кимирлатинг. Нух алайҳис салом филнинг думини қимирлатдилар, унинг бурнидан иккита чўчка тушиб, киштидаги нажосатларни покиза еди, ва ундан сўнгра сичқон кўпайиб, киштини тешдилар. Аллоҳ таолодан ваҳи келдики шер/арслон/ нинг пешонасини силанг, шернинг думоғидан икки мушук тушиб сичқонларни ҳалок қилади. Худди шундай қилдилар.

Ҳазрат Нух алайҳис салом бутун хайвонларга буюрдиларки бир-бирларингиз билан қовушманглар, ҳамма вақт покиза бўлинглар. Мушук кўрдики, ит ўзининг жуфти билан жимоъ қилмоқда. Нух алайҳис саломга мушук хабар берди. Нух алайҳис салом келиб, уларни жуфт бўлганини ажратди ва дуо бад қилдилар. Ҳозир ҳам итнинг жуфти йўқ ва қайси урғочи домга келса, итлар унинг орқасидан юрадилар, ва агар жимоъ қилсалар, одамлар олдида ҳам чаққиш тушиб фазихат/шарманда ва расво/ бўладилар.

Мушук эса итга хижолат бергани сабабли унинг ҳам жуфти йўқ ва жимоъ вақтида/жинсий яқинлик вақтида/ фарёд қилдиларки, ҳамма унинг аҳволини кўриб нафратлансинлар ва бошқа мушуклар ҳар тарафдан келиб унинг бошига жам бўладилар. Келтирадиларки, ҳазрат Нух алайҳис салом киштига ўнинчи ражаб ойига кириб, ашур ойининг бошланиши билан кишtidан чиққан эдилар. Олти ой сувда сайр қилдилар.

Ривоят қиладиларки, Нух алайҳис салом киштига кирган вақтларида ўзларининг катта ўвиллари Канъонни киштига таклиф қилдилар. Канъон айтди: Менинг киштингга ҳожатим йўқ. **Қола са`ави ила жабален йаъсимунни мин ал-ма`и.** /У деди: "Мен бир тоғ томониغا паноҳ оламан, у мени сувдан сақлайди"/. Нух алайҳис салом дедилар: Қола лаосима ал йавма мин амриллоҳи ман раҳима./"бугун Худонинг азобидан қутқарадурган ҳеч бир зот йўқдир, магар Худонинг раҳматиға сазовор бўлган одамгина омон қолади"/

Буни ўз падари бузуркворидан эшитиб, кофирлигича қолиб, Аллоҳ таолога имон келтирмади. Тоғ теппасида бир суфадек бир қубба/гумбаз/ ясаб, уни ичида озик-овқат ва сув заҳира қилиб, қир тўкиб, оғзини маҳкам бекитди. Ташқарига чиқа олмаслиги сабабли уни ичи

нажосатдан тўлиб кетди. Ҳамма кофирлар сувда, Канъон эса ўзининг нажосотида фарқ бўлдилар.

Равоийлар айтадиларки, олти ойдан кейин Аллоҳ таоло амри билан ер ва осмон шу муддат ичида қанча сув берган бўлса, улар ўз сувларини қайтариб олдилар. Кишти Жуддий тоғининг устига қарор топди. Жуддий тоғи Мусул/Мосул/ вилоятида эди. Нух алайҳис салом ердаги сувдан хабар олиш учун ғуроб/қора қарға/ ни юборди. Ғуроб жиға /ўлик, сасиган махлуқлар/ ни кўриб, уларни ейишга машғул бўлди. Нух алайҳис салом дуо бад қилдиларки, умрингни охиригача кўркувда яшагин, одамлар сенга дўст бўлмагай. Ундан кейин кабутарга амр қилдилар кабутар бориб зайтуннинг баргини тумшугига олиб, ерни ўз оёғи билан нишона қилиб келди. Нух алайҳис салом уни дуо қилдиларки одамлар сенга ҳамма вақт дўст бўлсинлар деб, ўша кунлар ашуро эдики, ўша куни рўза тутиб, кишtidан нажот топиб чиқдилар. Кишти аҳли мўминлардан саксон киши бўлиб, ҳамма ўша куни рўза тутган эдилар. Ашуро рўзаси фарз эди, кейин моҳи рамазонда рўза тутиш фарз бўлиб қолади.

Ибн Аббос розиёлоху анху ривоят қиладиларки, Расул алайҳис салом буюрдиларки, ҳар ким ашуро кунида рўза тутса, у бандага Аллоҳ таоло ўн минг фариштани савобини ва ўн минг ҳаж ва умрани савобини, ўн минг шаҳид савобини ато қилсин, Аллоҳ таоло ўша куни умматларнинг бошини силасин, у бандани даражасини беҳишда баланд қилсин.

Келтирадиларки Нух алайҳис салом рихлат вақтларида/умри охир бўлиш вақтида/ фарзандлари сўрадиларки, Эй бузурқвор ота 1450 йил яшадингиз, дунёнинг аччиқ ва ширин ва чучуқини/шўрини/ татидингиз, жуда кўп тажрибалар ҳосил қилдингиз, дунёни қандай кўрдингиз. Нух алайҳис салом саловот ва таълимот айтдилар, дунёни бир уй мисолида кўрдимки, икки эшиги бор. Таваллуд бўлдинг кирасан вафот этсанг чиқиб кетасан, дунёнинг ҳеч қандай субути йўқ, дунёга кўнгил кўйиш ҳам мумкин эмас экан.

ҲҲ БЕШИНЧИ БОБ

Ҳазрат Иброҳим алайҳис салом киссаси ва Намруд алайҳи лаъна воқеаси ҳақида ҳикоят

Келтирадиларки, Аллоҳ таоло бутун ер юзини тўрт кишига берган эди. Улардан иккиси мусулмон ва икки нафари кофир эди. Мусулмонлардан Сулаймон алайҳис салом ва Искандар Зулқарнайн ва кофирлардан Намруд ва Шаддоод алайҳи лаъна эдилар.

Ҳикоя қилурлар-Намруд ибн Канъон Сухриб ибн Намруд ибн Гўш ибн Сом бини Нух алайҳис салом эди. Унинг насли арабий форсидан эди. Аввал тождор подшолардан бўлиб, ер юзини подшоси бўлишига интилди. Унинг вақтида Иброҳим алайҳис салом бутпараст оиласидан таваллуд бўлди.

Келтирадиларки, Умар Насафи раҳматулло алайҳи “Тамсир тафсири” деган китобида Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий фикциясидан ҳазрат Али Акрам ал Важҳаҳудан ривоят қиладиларки, Аллоҳ таоло Бобил мамлакатини Намрудга ато қилди. У ерда етти шаҳар дарвозаси бор эдики, замон ажуботларидан ажойиб амрлари бор эдики, Аллоҳ таоло ундан сўнг бирор кишига ато қилмади.

Биринчи шаҳар дарвозасининг устига мисдан ясалган ўрдак бўлиб, ҳар ким ўша шаҳар дарвозасидан кирса, ўша ўрдак қичқириб уни қаердан келганини ва қаерга кетишини хабар берар эди. Намруд у шаҳарга қандай одам дохил бўлганини биларди ва яна иккинчи шаҳарнинг дарвозаси олдида тавл бор эди, ҳар ким бирор нарсани йўқотса тавлни олдига келиб, тавлни чўб билан чаларди. Тавлнинг ичидан овоз чиқардики сени нарсангни фалон киши ўғирлаган, фалон жойга қўмган, молингни бориб ўша жойдан олгин. У шахс бориб ўз молини соҳиби бўлар эди. Учинчи шаҳарнинг дарвозасига ойна /кўзгу/ бор эди. Бобил аҳлидан ва уларнинг ашёсидан бирор нарса ғойиб бўлса, топар эди. Агар бирор шахс ғойиб бўлса, ўша нарса қайси жойда ва қандай топиш йўлини кўрсатар эди.

Тўртинчи шаҳарнинг дарвозасида хавз бор эди. Ҳар

йили бир маротаба Намруд ўзининг мамлакатини фуқаросини жамлаб, зиёфат берар эди. Ҳар ким ўз уйидан машрабаларга май, сув келтириб у ҳавзга солар эдилар. Ундан кейин Намруд буюрар эдики, ҳамма мамлакат аҳлига таом сузиб берар эдилар, ҳамма еб тўйгандан кейин, ҳар кимга атир мушк каби хушбўй нарсаларни ўша ҳавздан олар эдилар. Ҳар кимнинг кўнгли нимани хоҳласа ўша ҳавзда мавжуд эди. Биров май хоҳлайдими, бошқаси шароб ёки ширинлик ва бошқаси аччиқ-чучук умуман ҳар нарса хоҳласа ҳавздан ҳосил бўлур эди.

Бешинчи шаҳарнинг дарвозаси олдида дарёча бор эди, икки нафар қози дарё соҳилига келиб ўтирар эдилар. Даъвогар ва жавобгар қозилар олдига келиб, ўз даъволарини айтар эдилар. Ҳар иккаласига қози буюрар эдики, даъвогар ва жавобгар ўз оёқларини сувга қўйиб ювсинлар ёлғон даъво қилувчи сув тагига кетар эди. Ҳақ бўлган киши сувнинг юзида бемалол юрар эди, ҳатто оёғи ҳам ҳўл бўлмас эди.

Олтинчи шаҳарнинг дарвозасида кўл бор эди. Сувдан тўла бўлиб Намруд тасарруфидан дунёдаги жамий вилоятларнинг сурати шу кўлнинг ичида мавжуд эди. Ҳар ким мамлакат аҳлидан Намруд фармонидан бўйин товласа, Намруд ғазаб қилиб у вилоятни шу кўлга ғарқ қилар эди.

Еттинчи шаҳар дарвозасида дарахт бор эди, агар бир нафар сувора у дархтни тагида турса унга соя қилар эди, агар минг сувора у дарахтнинг тагида турса, уларнинг ҳаммасига соя қилар эди. Агар бир минг сувора офтобни хоҳласа у дарахт соя қилмай ҳамма офтобда турар эдилар. Намруд ўша жойда бир уй қурган эдики, уйнинг ҳар тарафи саксон газ бўлиб, хонанинг деворлари қизил олтин ва сакф/хонанинг шифти/ нуқрадан ва у хонада тахт бор эдики унинг тули/узунлиги/ саксон газ, арзи/эни/ қирқ газ эди. Бу тахт тилло, жавоҳир ва ёқутдан эди, у хонага пашша, чивин, ари ва бошқа ҳашаротлар дохил бўлмас эди. Буларнинг ҳаммаси кофирлар жойи бўлиб, Намруд Худолик давосини қилар эди, у кофирларнинг кофири хоҳладики, осмонга чиқиб Худойи таолони кўриш учун сандуқ ўхшатади. Унинг тўрт гўшасида тўрт каргасни боғлади. Яъни мурғи носур, турк тилида уни аждаб деб

атайдилар. Хар бир каргасдан юкорирокда гўшт боғлади. Намруд сандикқа ўтириб юкори чиқиш қасдида каргаслар учишга киришдилар. Каргаслар улардан узоқроққа осилган гўштни олиш қасдида тобора осмонга юкори уча бошладилар. Намруд, дастдаги одамлар назаридан бойиб бўлгунча анча муддат ҳавога учеди. Бошқа юкори кўтарилишга каргасларнинг мадори қолмади, гўштарни юкоридан пастга ота бошлади, каргаслар пастга қараб уча бошладилар. Қарийб тахтгоҳига етган эдики Аллоҳ таоло пашшани амр қилди. Намруднинг қулоғига кириб овоз чиқара бошлади. Намруд қўли ва енглари билан пашшани қанчалик ҳайдамасин уни ўз қулоғидан узоқлаштириб билмади ва вазирлар, ходимлар ҳар қанча уринсалар ҳам пашшани ушлай олмадилар, асло уни узоқлаштиришни иложини қила олмадилар.

Ал қисса, пашша Намруднинг қулоғига кириб унинг диморига жойлашди ва унинг диморини ея бошлади. Намруд унинг чақишидан бетоқат бўлиб буюрдики, уни бошига урсинлар. Хар ким Намрудни кўришга келар эди унинг ҳадиясига Намруднинг бошига уришдан иборат эди.

Бир дақиқа ҳам Намруд роҳат қила олмади, унинг бетоқатлиги кундан кунга зиёда бўлиб, бошини боғлаб, ўзининг қасрида кўп азоблар билан жони қолибдан ташқарига чиқди. Уни муолажа қилишдан очиз бўлган ҳақимлар билиш учун уни бошини косахонасидан очдилар. Ўша пашша унинг димоғидан учиб кетдики, алар ҳаммаси пашшага ҳеч қандай зарар етказа олмадилар. Унинг ходимлари пашшани қўлга тушириш учун қанчалик тарадду қилдилар, пашшани қўлга тушира олмадилар.

Гивоят қиладиларки, ҳазрат Иброҳим алайҳис салом 16 ёшда эдиларки, Намруд алайҳи лаъна билан мунозара қилиб эрдилар. Намруд айтди, сенинг Худонг ким? Иброҳим алайҳис салом айтдилар, мени Худойим якка ва ягона ҳамма мавжудотнинг холиқидир. Тирикни ўликка, ўликни тирикка айлантиради. Намруд айтди, мен ҳам шу ишни қиламан, буюрдики икки кишини зиндондан келтириб бирисини ўлдирди, бошқа бировини озод қилди. Иброҳим алайҳис салом айтдилар менинг Худойим ҳар кун офтобни машриқдан чиқариб, мағрибга ботиради. Сен Худолик даъвосини қилаяпсан, офтобни мағрибдан чиқариб машриққа ботир/ғурубгардон/. Намруд

муттахир/мулзам/ бўлиб, сукутга кетди.

Кофирларнинг ҳайити кунида кофирлар ҳар йиллик одатлари бўйича таомлар пишириб бутхонага келтириб қўйиб кофирларнинг жами аҳли, шаҳар ташқарисида идгоҳга бордилар. Ҳазрат Иброҳим алайҳис саломга айтдилар, сен бизлар билан ҳамроҳ бўлиб идгоҳга бориб тамошо қил. Халил алайҳис салом айтдилар, ман бугун хастаман, сизлар билан қўшилиб бора олмайман. Ҳамма эр ва аёллар кетганидан сўнг танҳо шаҳарда қолиб, болтани қўлларига олиб бутхонага бориб кўрдиларки, саксон бут тилло ва нукра, мис ва тошдан, чўбдан ясалган турибди. Тўрда эса, бир катта бут бўлиб, жавоҳирдан қилинган эди.

Бутларнинг ҳаммасини табар/болта/ билан уриб, синдириб, табарни катта бут бўйнига осиб бутхонани эшигини маҳкамлаб чиқиб кетдилар.

Кофир аҳли идгоҳдан тайёрлаган таомларни емок ниятида бутхонага келиб, ҳамма бутларнинг синдирилганини ва катта бут бўйнида табар осилганини кўриб, бу хабарни Намрудга етказдилар. Намруд айтди бу тариқа хурматсизлик кимдан содир бўлган? Ҳамма айтдилар: бу киши Иброҳим Озарнинг ўғли қилган. Намруд айтди, ё Иброҳим нега бу беодобликни қилдинг. Иброҳим алайҳис салом айтдилар: бу гапларни сардор бўлган Кабир бутдан сўранг, гапириб билса сизларга хабар берсин. Кофирлар айтдилар бутлар гапириб билмайдилар. Ҳазрат Халиллоҳ айтдилар, гапириб билмаса зарарни ўзидан дафъ қилиб билмаса, нима учун уни Худо деб атайсизлар. Бу гапдан ҳамма кофирлар ва Намруд мулзам ва хижолат тортдилар. Намурд айтди, Иброҳимни хибсга олиб, ўтин жамлаб унинг ҳамма жиноятлари учун гулханга куйдирамизки, ҳеч азоб оловдек азоб бўлмасин.

Равоийлар айтдиларки. Ҳазрат Иброҳим алайҳис саломни маҳбус қилиб, ҳамма ўтин жамлаш тараддудида бўлдилар. Бир ой муддатида ўтин жамладилар.

Хабар берадиларки. ўтинни тошиб келтиришни ҳеч бир ҳайвон ўз бўйнига олмади. Хачир ўтинларни ташиб келтиришни қабул қилди. Хачир дуо бад олди, шунинг учун хачирдан насл бўлмайди. Кофирларнинг аёллари “савоб” учун чарх қилиб, ип ва калова қилиб бозорга элтиб

сотар, унинг эвазига ўтин сотиб олиб келиб, гарам қилинган ўтинларга ташлар эдилар. Бир ой давомида бир фарсах ўтин хозирладилар. Намруд фармони билан ўтинни ёндирдиларки, унинг шуласи булутларга тегар эди. Аланга зарбидан бир фарсах йўлгача оловга одамлар яқинлаша олмас эди. Иброҳим алайҳис саломни оловга ташлаш иложини топа олмадилар. Шу вақтда шайтон одам суратига кириб манжаниқ ихтиро қилди. Манжаниқ тайёр бўлганидан кейин кофирлар Халиллоҳни манжаниқ ичига ўтқазиб, оловга отмоқчи бўлдилар. Етти осмон фаришталари нолага кирдилар. Муножот қилдиларки, Ё Аллоҳ ер юзида уни Халилим деб атайсан яна уни душман қўлига тошширасанми? Аллоҳ таолодан нидо келдики, Эй фаришталар Иброҳим алайҳис салом менинг халилим, уни мендан ташқари дўсти йўқдир. Унинг мендан бошқа худоси йўқдир. Иброҳим алайҳис саломга мендан бошқа унинг ҳожатини чиқарадиган йўқ. Шу боис унинг аҳволдан мен огоҳроқдирман. Фаришалар келиб манжаниқни босиб турдилар. Манжаниқни ердан кўтариб бўлмади. Иблис таълими бўйича лўли номли киши ўз синглисини манжаниқ устида зино қилди, фаришталар бу шумликни кўриб, манжаниқ олдидан қочдилар. Манжаниқни ердан ҳавога кўтардилар. Ҳазрат Жаброил ва катта фаришталар/фариштаи азим/, Иброҳим олдига келдилар. Сув муттасадиси бўлган малоика айтди, Ё Иброҳим ижозат бер сувни олов ичига қўйиб бутун оловларни ўчирай. Шамол малоикаси айтди, ёИброҳим ижозат берсанг шамол билан бу оловни барбод қилай. Иброҳим алайҳис салом айтдилар, менга сизларнинг хизматларингизнинг ҳеч ҳожати йўқ. Жаброил алайҳис салом айтдилар, Ё Иброҳим алайҳис салом Аллоҳ таоло бизларни сенинг олдинга юбордики, ҳар нима амр қилсанг сенинг фармонингдამиз. Иброҳим алайҳис салом айтдилар, мени сенга ҳеч қандай ҳожатим йўқ, менга хайр мадади керак эмас. Ҳазрат Иброҳим алайҳис салом оловга яқинлашиб қолган эдилар, яна Жаброил алайҳис салом келиб айтдиларки ё Иброҳим агар мендан ёрдам сўрамасанг, Аллоҳ таолодан ҳожат сўра. Иброҳим алайҳис салом айтдилар, Аллоҳ таоло мени аҳволимни билади ва мени арзимни эшитади. Фаришталарга мунчалик зулм

қилишни хоҳламайман. Иброҳим алайҳис саломнинг ихлос қалби Аллоҳ таолога зоҳир бўлдики, Иброҳимнинг руҳи Аллоҳ таолога таслим бўлгани маълум бўлди. Аллоҳ таолодан нидо келдики “Иа нару куни бардан ва саламан ала Иброҳима” /Эй олов, Иброҳим учун совуқ ва саломат бўл/. Аллоҳ таолонинг фармони билан олов ҳарорати йўқолди унинг шуъласи ўз ҳолатида турди. Кофирлар назарида у олов шуъласи шундай юқори кўтарилган эдики, унинг яқинига бориб билмас эдилар. Уламолар айтдиларки, раҳимаҳумуллоҳ “бардан” деб “саламан” демаса ўт Иброҳимни совуқи бирла ҳалок қилар эди.

Аллоҳ таоло амри билан Жаброил алайҳис салом ўзининг қаноти билан/бо пари худ/ оловнинг ўртасидан совуқ сув чашмаси чиқарди. Аллоҳ унинг атрофида яшил соядор дарахтлар ва райҳон ва бинафша, наргис гуллар яратиб Аллоҳ таоло фаришталардан Золни юбориб, Иброҳим алайҳис саломни чашма ёнига олиб бориб, бир ҳафта муддатида таом ва шароб муҳайё қилар эди.

Айтурларки /оварданки/, Иброҳим алайҳис саломни манжаниқдан оловга ҳавола қилдилар. Уч кундан кейин Намруд эшитдики, Иброҳим алайҳис салом саломат оловнинг ўртасида чашма лабида, кўкаламзор ва райҳон соясида ўлтирибдилар. Таажжубга тушиб ўзининг вазири ҳамролигида бир баланд жойга чиқиб, назар қилдики, Иброҳим алайҳис салом бир шахс ҳамролигида чашма бўйида сабззорда ўтирибдилар. Намруд ўз ишларидан пушаймон бўлди.

Равоийлар айтадилар. Иброҳим алайҳис салом Аллоҳнинг амри билан бир ҳафтадан кейин оловдан чиқдилар. Намруд айтди, ё Иброҳим сенинг ёнингдаги киши ким эди? Иброҳим алайҳис салом айтдилар, фаришта эди, Аллоҳ таоло менинг учун юборган эди. Намруд айтди, сенинг Худо наздида қурб ва манзалатинг бор экан. Сенинг Худойини ни қудратини кўрдим, сенинг қадринг худойини олдида қандай эканини билдим. Сен учун тўрт юз минг бақар/ҳўкиз/ ни қурбонлик қиламан. Иброҳим алайҳис салом айтадилар, сенинг қурбонлигинг Аллоҳ таоло наздида мақбул эмас, қачонки, унинг динини қабул қилсанг, Аллоҳ таоло фармонларини бекамукўст бажарсанг, ўша даврда қилган қурбонлигинг қабул бўлади.

Намруд айтди, сени ўзимнинг динимга кир деб тарғиб қилмайман ва сенга ишим йўқдир, энди менинг вилоятларимдан кетгин.

Лут алайҳис салом ва Сора розиёллоху анҳоки, булар иккаласи Намруднинг Ҳозар деган вазирини фарзандлари эдилар. Ҳозар Иброҳим алайҳис саломнинг отасининг қариндоши, Лут алайҳис салом ва Сора Иброҳимнинг жиянлари эдилар. Ҳозарнинг фарзандлари Лут алайҳис салом ва Сора розиёллоху анҳо Иброҳим алайҳис саломга имон келтирган эдилар.

Ривоят қиладиларки. Иброҳим алайҳис салом ўзининг икки қариндоши Лут алайҳис салом ва Сора розиёллоху анҳо ҳамролигида Бобил шаҳридан чиқиб Шом вилоятига бордилар. У вилоятнинг подшоси кофир Жаббор деган киши эди. Ҳазрат Сора розиёллоху анҳони кўриб, унга ошиқ бўлиб зўрлик ва ғазаб қилиб, Иброҳим алайҳис салом қўлларидан тортиб олиб, ўз саройига олиб борди ва хоҳладики қўлини узатсин. Иккала қўли ҳам чангак/шол/ бўлиб айтди: Эй мастура дуо қилки қўлим яхши бўлсин сени озод қиламан. Ҳазрат Сора розиёллоху анҳо дуо қиладилар, қўллари яхши бўлди. Яна хоҳладики, қўл узатсин, яна ҳар икки қўли чангак бўлиб, яна дуо илтимос қилди. Дуо қилдилар яна яхши бўлди. Яна шайтон васваса қилди, у золим қасд қилди, ҳар икки кўзи кўр бўлиб ва қўллари қотиб қолди. Ундан сўнг сидқидилдан тавба қилиб, илтимос қилдики дуо қилсинлар ва ҳазрат Сора розиёллоху анҳо дуо қилдилар, шифо топди. Аллоҳ таоло Иброҳим алайҳис салом назаридан хижоб/ниқоб/ни кўтарган эди, ҳамма воқъе бўлган кирдорлар ва воқеаларни кўриб турган эдилар.

Ривоят қиладиларки. у подшо ҳазрат Сора розиёллоху анҳога эъзозлар қилиб, жуда кўп ҳадиялар келтирди. Ундан кейин Иброҳим алайҳис салом кирдилар, подшо имон келтирди.

Хабар берадиларки. Зиёфат қилиш Иброҳим алайҳис салом учун фахр ҳисобланиб, бирор таомни меҳмонсиз еманглар, шунинг учун ҳазрат Халилulloҳни Абу ал Зайф/меҳмон, мусофир/ яъни меҳмонлар отаси деб атаганлар.

Ҳадисда келтирадиларки. Расул алайҳис салом

буюрдиларки ҳар ким Худованди таолога ва қиёмат кунини келишига имон келтирса, меҳмонни эъзоз қилса, уч кун ўтган меҳмонни хонадон аҳли деб ҳисоб қилса бундай кишиларни Аллоҳ таоло ҳам эъзоз қилади.

Хикоят: Ҳотам Исом раҳматуллоҳу алайҳи айтган эдиларки, ҳар ишни таъжил қилиш /шитобкорлик, бир ишни ўйламасдан тез қилиш/ шайтондандир. Беш ишни ҳазрат Расул акрам саллаллоҳу алайҳи васаллам суннат қилганлар. Аввал таомни меҳмонга биринчи ва тезроқ келтириш, иккинчи, маитга оройиш/тажҳиз/ бериш, учинчи бакорлик, тўртинчи қарзни адо қилиш /адои қарз/, бешинчи, гуноҳдан тавба қилиш/тавба аз гуноҳ/.

Хабар берадиларки, Абу Суфиён Саври раҳматуллоҳи алайҳидан ўн иш борки, ҳар ким қилмаса жафода бўлмай.

Аввал хоҳ эркак, хоҳи аёл ўз таоми ва либосидан ўзининг ота-онасига бермаса;

Иккинчи- Қуръонни ёд қилсаю ҳар куни ундан икки юз оят ўқимаса;

Учинчи - Масжидга дохил бўлиб икки ракаат намоз ўқимасдан чиқса;

Тўртинчи- Гўристондан ўтсаю, дуойи фотиҳа қилмаса;

Бешинчи- Жума куни шаҳарга дохил бўлса-ю, жума намозини ўқимасдан шаҳардан чиқиб кетса;

Олтинчи- Олим бўлса, қарияга/қишлоққа/ дохил бўлиб амри маъруф/шариатдаги буюрилган шоиства раво ишлар/ қилмасдан кетса;

Еттинчи - Икки киши бирор жойда мулоқотда бўлса, бир-бирларини номларини билмаса.

Саккизинчи- Меҳмонликка хабар қилса, бормаса;

Тўққизинчи - Ёш жувон бўлса-ю, ўз умрини зино билан ўтқазиб, мусулмонликни заруриятдан билмаса;

Ўнинчи - Ўзи тўқ бўлиб, унинг ҳамсояси оч бўлса.

ЎН ОЛТИНЧИ БОБ

Айюб алайҳис салом киссаси

/Қиссайи Айюб алайҳис салом, ибн Омвос, ибн Аввал бини Ҳазрат Исоқ алайҳис ал салавот васаллам/. Унинг онаси Аут алайҳис саломнинг қизи эди. Айюб Алайҳис салом ақлли, покиза ва Ҳалим ва ҳаким шахс эди. Айюб алайҳис саломнинг отасининг ҳисобсиз туялар, моллар, қўйлар, от ва хачирлари бор эди. Шом вилоятида Айюб отасидан ганирок/давлатмандрок/ киши йўқ эди. Айюбнинг отасининг вафотидан кейин бутун моллари унга мерос қолади. Раҳима бинти Иброҳим ибни Юсуф алайҳис саломга уйланадилар. Аллоҳ таоло ўн икки батн-қориндан/бўйида бўлишдан/ йигирма тўртта фарзанд, 12 ўғил ва 12 қиз ато қилди. Ундан кейин пайғамбарликни берди. Дамашқ яқинидаги Хурон қавмига раҳнамо бўлдилар ва ҳусн камолида ягона эдиларки, у қавмдан ҳеч ким Айюб алайҳис саломга муҳолиф ва қарши бўлмади. Ҳамма Айюб алайҳис саломга тобеъ ва фармонбардор эдилар. Бу ернинг ободлиги ва фаравонлиги унинг шарофати деб билар эдилар. Айюб алайҳис салом уларга шаръи диндан таълим берар эди ва масжид бино қилиб, ўзлари доимо ибодатга машғул бўлар эдилар. Кеча кундуз фақир ва мискинларга таом берар, уларни эъзозлар эдилар. Мискин ва фақирлар у кишини ўз оталаридек, у киши эса уларни ўз фарзандларидек кўрар эдилар.

Бева аёлларга ва заифаларга биродардек мушфиқ ва меҳрибон эдилар. Хизматкор ва қулларга айтган эдиларки менинг мазраим/ерим/ дан мева, дон, сабзавот хоҳлаганларича /кўтариб билганларича/ олсинлар, ҳеч ким манъ қилмасин. Айюб алайҳис саломнинг моллари ҳар йили иккитадан/бир қориндан/ туғар эди. Улардан фахр қилмас эдилар ва айтар эдиларки, буларнинг ҳаммаси Аллоҳ таолонинг атоси деб билиб, Худога ҳамма вақт сажда қилиб, сен бу дунёга буларни ато қилдинг, охиратда

жаннатда дийдорингни кўришни насиб қилдирсанг бўлгани, деб кеча кундуз ибодат қилар эдилар.

Ваҳб ибн Мунаббих розиёллоху анхудан манқулдурки/нақл қиладиларки/, ҳазрат Айюб алайҳис саломнинг минг от, минг байтал, минг хачир ва уч минг мода уштур/урғочи туя/, беш юз нор туя, бир минг сигир ва бир минг ҳўкуз,/гави нар/, ўн минг қўй ва беш юз жуфт қўшга қўшадиган ҳўкизлари бор эди. Улар дехқончилик зироати билан машғул эдилар ва ҳар бир эллик бошга бир қул қарар эди. Бу давлатлар унга ҳеч нарсасиздек кўринмас эди, кўнгли ва тили Аллоҳ таоло мадҳияси билан машғул эди. Худованди оламнинг таъминларига ҳамма вақт шукрона қилар эди. Иблис алайҳи лаъна унинг молу давлати ва авлодининг кўплигидан ва Аллоҳ таолога ибодат қилишдан ҳасад қилар эди. У замонда иблиснинг еттинчи осмонга қадар бориши ман қилинмаган эди. Субҳи самовотгача сайр қилар эди. Исо алайҳис салом замонда Аллоҳ таоло иблисга учинчи осмон қаватидан юқорига чиқишни манъ қилган эди. Ҳазрат Муҳаммад мустафо саллаллоҳи алайҳи васаллам иблисни осмонга чиқишдан маҳрум этдилар.

Ривоят қиладиларки. Иблис еттинчи осмонга сайр қилиб юрганида Худойи таолодан нидо келдики, ё лаъин кўрдингми менинг бандам Айюб менга қандай ибодат қилмоқда. Иблис айтди, илоҳи, Айюбга ҳамма мол ва давлат ва авлод бердинг шу сабабдан сенга ибодат қилади, агар мол ва авлод ва саломатлиги бўлмасайди сенга ибодат қилмас эди.

Аллоҳ таоло айтди, эй лаъин ёлғон айтасан, мен унинг аҳволининг олимидирманки, агар мол ва авлод ва саломатлиги бўлмаса ҳам шукрона қилиб менга ибодат қилади. Иблис айтди, “Илоҳи , мени Айюбга назорат қилувчи қилиб тайинла/мусаллат¹ гардон/, ундан кейин кўрасан у сени фаромуш қилади”.

Аллоҳ таоло айтди, эй лаъин сени унинг ҳамма моллари, авлодларию саломатлигина мусаллат қилдим, аммо унинг юраги ва тили ва руҳи менинг хифзимдадир.

1. Мусаллат - бирор киши устидан назорат қилиш учун таъинланган шахс

Иблис бу сўзни эшитиб хурсанд бўлиб шодмонлик билан ерга тушди. Денгиз соҳилига келиб фарёд урди/қичқирди/ ва сих урди/узун бир таёкқа ўхшаган нарсани олиб, денгизни чайқалтириш/. Унинг овозини эшитиб ҳамма деу, жинлар ва шайтонлар иблис олдига тўпланиб айтдилар, эй бизларнинг сайдимиз нима мусибат тушдики мунчалик баланд қичқирдинг? Иблис айтди, Одам алайҳис саломни фурсат¹ топиб, жаннатдан ҳайдалишга сабаб бўлган эдим. Бу кун сизлар менга керак бўлиб қолдиларингиз. Чунки Иллоҳ Айюб алайҳис саломни ишини менга тонширдик, ундан интиқом олиш вақти келди. Сизларнинг ҳаммаларингиз бориб, Айюб алайҳис саломнинг мол мулкани ва зироатини куйдириб ташланглар ва молларини ҳалок қилинглар. Ҳамма деу, жин ва шайтонлар ҳар тарафдан зироат ва молу-ашёларини куйдира бошладилар, унинг молларини ҳалок қилдилар.

Иблис Айюб алайҳис салом олдига борди. Пайгамбар масжидда намоз ўқиётган эдилар. Иблис айтди “ё Айюб! Сен ҳамма вақт ибодат қилсан, осмондаги олов келиб ҳамма молу-мулкнингни ёндирди, уларнинг ҳаммаси кулга/хокистарга/ айланди. Ҳазрат Айюб алайҳи салом намозни ўқиб тугатганларидан сўнг айтдиларки “Алҳамдулиллоҳки, Аллоҳ таоло ато қилган эди. Яна уни мендан олибди. Яна ирода қилса ато қилади, деб жавоб бериб яна ибодат билан машғул бўлдилар. Иблис Хоиб¹, Хосир² ва Нодим³ бўлиб/ноумед, маюс, зиён кўриб, ҳасрат ва надомат билан/ чиқиб кетди.

Ривоят қиладиларки, Айюб алайҳис саломнинг ўн икки ўғил ва ўн икки қизлари бор эди. Ҳар куни таом ейиш вақтида катта ўғил Хормил уйда тўпланиб таом ер эдилар. Иблис шайтон ва жинга буюрдик улар емоққа йиғилган вақтида уйнинг тўрт томонидан улар устига йиқитинглар, Айюбнинг ҳамма фарзандлари уйнинг тагида қолиб, вафот этсинлар. Иблис Айюб хузурларига келиб кўрдик, у муборак зот намоз ўқиб турган эдилар, айтди: ё

1. Хоиб - Ноумед, маюс, бенасиб

2. Хосир - шикаст топиш, зиён кўрмоқ

3. Нодим - пушаймон, ҳасрат, афсусланиш.

4

Айюб! Сенинг бу ҳамма ибодатларингни ўз парвардигорингга қилаяпсан, сенинг фарзандларинг уйнинг тагида қолиб ўлдилар. Намоздан фориф бўлганларидан сўнг айтдилар, эй Лаъин, уларни Аллоҳ таоло менга ато қилган эди. Яна олди. Мол, фарзанд ва хотин ҳаммаси фитнадир. Алҳамдулиллоҳ у ҳамма фитналарни мендан олгандир деб намозга машғул бўлдилар. Иблис ноумид, маюс бўлиб, жаҳли чиқиб, ҳасрат ва надомат билан чиқиб кетди. Иблис ер остидан чиқиб, ҳазрат Айюб алайҳис салом саждага борган вақтларида у кишининг оғизлари ва бурунларига ифлос ҳавони пуфлади. Айюб алайҳис саломнинг муборак баданлари нофх/ҳавони пуфлаш/ оқибатида шишиб тер остида қолдилар. Муборак баданларига яралар чиқа бошлади. Раҳима розиёллоҳу анҳоки, Айюб алайҳис саломнинг муҳтарама завжалари/хотинлари/ айтдилар. Эй худонинг пайғамбари баданингиздаги бу дардлар молингиздан маҳрум бўлганингиз ва фарзандларингизнинг мусибатидир. Сиз кечасию кундузи ибодат билан машғулсиз, истироҳатингиз йўқдир, андак роҳат қилинг. Айюб алайҳис салом шу ҳолда ҳам ибодат қилар эдилар, ундан сўнг Айюб алайҳис салом баданларига шунчалик кўп яралар пайдо бўлдики, улардан чирк, фасод оқа бошлади. Қурт тушиб, бадбўй хид пайдо қилди. Ҳамма хеш ва ақраболар ва дўстлар ва хизматкорлар нафратланиб қочдилар ва у кишининг учта хотинларидан иккаласи ҳам талоқ талаб қилиб мутлоқ чиқиб кетдилар.

Раҳима розиёллоҳу анҳо Айюб алайҳис саломнинг хизматларига қолдилар.

Кеча-кундуз эрларининг хизматларини қилар эдилар ва кўшнилари айтдилар, ё Раҳима, касал Айюбни бизларнинг фарзандларимизга асорати тегади, бу ердан Айюбни олиб бошқа жойга кетгин. Агар олиб кетмасанг зўрлик билан чиқариб ташлаймиз.

Раҳима ноилож бўлиб Айюб алайҳис саломни чопонга ўраб орқаларига кўтариб баланд овоз билан йиғлаб, фарёду-нола қилар эдилар. Во ғурбато бизларни ўз ватанимиздан хориж/жудо/ қилдилар, ўз диёримиздан қувдилар, деб йиғлаб ватандан чиқиб, бир харобага бориб Айюб алайҳис саломни саргинлар/қуриган моллар тезаги/ устига ётқизиб қўйдилар. У кишлок аҳли келиб бу

ахволни кўриб, айтдилар, Эй заифа, бу балони кўтар, бўлмаса, итларимизга буюрамизки келиб, сенларни тилка пора қилсин. Раҳима йиғлаб ва нола қилиб бу ердан Айюб алайҳи саломни кўтариб қария /қишлоқ/ лардан узок бўлган бир йўл бўйида коза/чайла/ қуриб ўша жойга қўйиб, хокистар/кул/ келтириб Айюб алайҳис саломнинг тағларига тўқди. Раҳима хоҳлардиларки, қария/қишлоқ/ га бориб Айюб алайҳис салом учун таом келтирсалар. Айюб алайҳис салом айтдилар, ё Раҳима гадойлик қилишни хоҳлайсанми? Раҳима айтди: “Ё Саидо мадомеки баданимга жоним бор экан гадойлик қилмайман. Хар куни қарияга/қишлоққа/ бориб уларнинг нонларини ёпаман, унинг эвазига таом/хўрокворлик/ олиб келаман.

Бир неча кун ўтгач қария аҳли билдиларки, у аёл Айюб алайҳис саломнинг завжаси экан. Иш буюрмадилар ва хайр ҳам бермадилар. Қоч бу ердан валло сенга азоб берамиз, дедилар. Раҳима йиғлаб айтди, Илоҳи, бизларнинг ахволимизни кўраяпсанки ер юзи бизлар учун тор бўлиб қолди. Шундай оғир дамлар ва ҳамма оғирликларга чидайман, Илоҳи охиратда хор қилмагайсан, бизларни ватандан ҳайдадилар, қиёмат куни жаҳнатдан ҳайдамагил.

Ровийлар айтадиларки, бир аёл Раҳиманинг бу фарёдини эшитиб айтди. Ё заифа, сочингдан кесиб берсанг, хар биттасига битта нон бераман. Раҳима розиёллоху анҳонинг ўн икки адад сочи бор эдики, улар ерга тушар эди. Хусн жамоли ўзининг бобоси Юсуф алайҳис салом хуснидек гўзал, чиройли эди. Айюб алайҳис салом унинг сочларини жуда яхши кўрар эди. Раҳима ўз сочларидан 4 донасини кесиб нонвой хотинга бериб тўртта нонни олиб, айтди, Илоҳи сен биласанки бу сочларимни сенинг пайғамбаринг таоми учун кесиб бердим. Нонларни Айюб алайҳис салом олдига қўйди. Айюб алайҳис салом унинг сочини кесилганига кўзлари тушиб, уни шаръи хилофи учун кесгандир, деб гумон қилдилар. Агар бу касалдан шифо топсам Раҳимани юз дурра ураман деб қасам ичдилар. Шундан сўнг Айюб алайҳис салом йиғлаб айтдиларки, “Илоҳи, Раҳима пайғамбарзодадир, унинг сочини қирққанлар. Раҳима айтади, ё Саидим кўп ғам чекманг менинг сочим яна ўсади, мен бу сочларимни таомингиз учун бердим.

Айтурларки. Муборак баданларидан тушган ҳар бир қуртни яна ўз жойига қўйиб, айтар эдилар: Егинки Аллоҳ таоло менинг баданимни сизлар учун озиқа қилган. Ўша қуртлар Айюб алайҳис саломнинг баданларини шунчалик едиларки, валийнинг муборак суюқлари-ю, рағу-пайдан бошқа гўшт қолмаган эди. Фақат Айюб алайҳис саломнинг юраги ва тили омон қолиб, Аллоҳ таолога ҳар дақиқа шукрона ва ибодатни қанда қилмас эдилар.

Хабар берадиларки. Айюб алайҳис салом ўн саккиз йил шу касалга мубтало эдилар. Бир куни Раҳима айтди, “ё бандаи Аллоҳ сиз Каримнинг пайғамбарисиз, дуо қилинги Аллоҳ таоло сизга шифо ато қилсин”. Айюб алайҳис салом айтдилар, менинг касал бўлган вақтимни биласанми, неча йил ўтди. Раҳима айтдиларки, ўн саккиз йил бўлди.

Айтдиларки. Қуртлар Айюб алайҳис саломнинг баданидаги гўштларни еб бошқа ейдиган нарса топа олмадилар. Кейин, Айюб алайҳис саломнинг юрак ва тилини ейиш учун ёпишдилар. Айюб алайҳис салом муножот қилдиларки, юрак ва тилим бор эдики сенинг зикрингни айтар эдим, сенинг шукрингни тилимга келтирар эдим, сен яна яхшироқ биласан. Ваҳи келдики: Ё Айюб сенинг тилинг ва юрагинг меникидир ва сенинг илминг ва кариминг ҳам менмандир. Нима учун чазаб/бесабрлик, бетоқатлик/ қиласаң, етмиш пайғамбар мендан бу балони талаб қилган эди, бермадим. Сенинг фазлинг учун сенга раво кўрдим.

Хабар берадиларки Айюб алайҳис саломнинг баданида икки қурт бор эдики баданидаги тамом гўштларни еган эди. Аллоҳ таоло фармони билан ўша икки қуртлардан бири сувга тушди ва Зуллук бўлдики, ғоят шифобахш, бошқаси қуруқликка тушиб замбури асал/асал орусии/ га айланди. Жаброил алайҳис салом икки дона анорни беҳишдан келтириб, айтдилар: Худойи таоло сизга салом етказиб айтдики, агар бу анорларни Айюб алайҳис салом еса, менинг қудратимни мушоҳада қилсин. Айюб алайҳис салом айтдилар: Худойи таоло мени ҳақимда нима буюради.

Жаброил алайҳис салом айтдилар: Худойи таоло айтдики, менинг бандам Айюб алайҳис саломни ўз даргоҳимда собир деб ҳисобладим. Айюб алайҳис

салом/фарохманд/ хурсанд бўлиб шукрона қилдилар, анорларни едилар. Дарҳол ба қудрати Аллоҳ таоло Айюб алайҳис салом баданларидаги маразлар тушиб, офият топдилар. Ундан сўнг Жаброил алайҳис салом айтдилар: ё Айюб Худонинг фармони билан ўз жойингиздан туриб, ўз оёғингизни ерга уринг. Айюб алайҳис салом Аллоҳ таоло фармони билан ўринларидан туриб, ҳар икки оёқларини ерга урдилар. Ўнг оёқлари остидан иссиқ сув чашмаси, чап оёқлари остидан совуқ сув чашмаи пайдо бўлди. Жаброил алайҳис салом айтдилар, иссиқ сувли чашмага кириб гусл қилиб, совуқ сувли чашмадан сув ичинг, баданингизни захри тамоман икки оламда дафъ бўлсин, сиҳат топасиз. Айюб алайҳис салом кўрсатмаларга амал қилдилар, аввалдагидан зиёдарок семиз ва тоза бўлдилар. Хусн ва муборак юзлари мисли ўн тўрт кунлик ойга айланиб, ва Ҳаврон вилоятидаги жамийи мол-мавошлари яна ато бўлиб, йигирма тўрт ўғил ва қизлари яна тирилдилар, ва асли ҳолларига келдилар, ҳамда бутун марзалар бирдан яшил бўлиб яшнаб кетиб, мева, сабзавоту, донларнинг ҳосили кўпайди.

Ровийлар айтадиларки. Айюб алайҳис салом шифо топганларида Раҳима розиёллоҳу анҳо эрлари учун таом топиб келиш учун кетиб эдилар, таом топиб келсалар Айюб алайҳис салом ўз жойларида йўқ. Фарёду-фиғон, вовайло кўтариб ҳар тарафга чопар эдилар, Айюб алайҳис салом эса бир тепаликка чиқиб ўтирган эдилар. Раҳимани шу ҳолда кўриб айтдилар: Эй заифа нима учун бунчалик фарёд чекиб кимни ахтарасан. Раҳима айтди, аё шайх бир нуроний беморим бор эдики, 18 йилдан бери бемор бўлиб унинг хизматини қилар эдим. Ҳеч лаҳза унинг хизматидан фориг эмасдим. Унинг учун таом келтириш учун кетган эдим, ҳоло келиб унинг ўз жойида топа олмадим, билмадимки, бўрилар еб кетдим, бошқа нарса бўлдим, менинг меҳнат ва машаққатларим зое кетди. Айюб алайҳис салом табассум қилдилар. Раҳима таниб келиб, шавҳарининг оёғи остига ўзини ташлаб Аллоҳ таоллога шукрона қилиб, меҳнатлар роҳатга айланди. Шу вақт Жаброил алайҳис салом нозил бўлиб, айтдиларки, ўз вилоятингиз яъни Ҳавронга азм қилинглар. Айюб алайҳис салом айтдилар: Ё Жаброил беморликдан шифо топсам

Рахимани юз чўп ураман деб қасам ичган эдим. Аллоҳ таолодан ваҳи келдики, буғдой поясини юз донасини қўлингга олиб Рахимани бир марта зарб қил, қасамнинг жойига тушади. Шундай сўнг Айюб алайҳис салом ўз вилоятлари Ҳавронга азм қилдилар. Ҳаврон қавми ва фарзандлари Айюб алайҳис саломни истиқболларига чиқиб, у кишини қадамларига ташладилар. У пайғамбарнинг дийдорларининг кўрганлар зару гавҳарга мушарраф бўлдилар.

Айтадиларки, Илоҳи фармони билан уч кун ҳазрат Айюб алайҳис саломнинг ҳовлиларига малаҳи тиллоий/олтин чигиртка/ ёрилган эдики, Айюб алайҳис салом ўзларининг этакларига териб олар эдилар. Ваҳи келдики, ё Айюб бу олтин чигирткалар сенга кифоя қиладими ё яна ато қилайми? Айюб алайҳис салом айтдилар ё раб сенинг фазилатинг менга шу олтинлардан аълодир.

Келтирадиларки, Бир шахс хиёр /бодринг/ олиб, уни емоққа бошласа, хиёр аччиқ эди. Қулини олдига қўйиб, унга ташқарига чиқариб ташла деб амр қилди, у қул аччиқ хиёрни танавул қилди. Хўжаси айтди, нега аччиқ хиёрни единг? Қул айтди, йиллар давомида сенинг қўлингдан ширин таом еганман, агар бир марта аччиқ нарсани бердинг, нега емагайман. Хўжаси ўз қулининг эътиқод ҳуснидан қойил қолиб, уни дарҳол озод қилди. Ишорат! агар банд баалога сабр қилса бебоклик қилмаса Аллоҳ таоло уни дўзах оташидан озод қилиб, махфират қилгай. Ваҳб ибн Мунаббих розиёллоҳу анҳу айтдиларки, тўрт сатр хатни топдим.

Унинг аввали ҳар ким Куръон ўқиб гумон қилсинки, махфур/марҳум/покиза шахс бўлган эди.

Иккинчи- мусибатдан ҳар кимга шикоят қилса, айтингки, Аллоҳ таолодан шикоят қилган бўлгай.

Учинчи-ҳар ким ғамгин бўлиб бирор нарсасини унинг қўлидан кетган бўлса, Аллоҳ таолони кўз олдига келтирсин.

Тўртинчи-ҳар ким сенинг душманинг билан ошно бўлса унинг дини ноқис бўлгай. |

Саъд Ваккос розиёллоҳу анҳудан ривоят қиладиларки, | Расул алайҳис салом буюрадиларки беморлик, хасталик Худойи таолонинг меҳмонидир, модомки, киши бемор бўлса Аллоҳ таоло ҳар кун у беморга

етмиш шахиднинг савобини ато қилади, беморликдан сихат бўлса гўё онадан тоза таваллуд топгандай бегуноҳ бўлгай. Агар унинг қазоси етган бўлса жаннатга дохил бўлгай.

ЎН САККИЗИНЧИ БОБ

Байтул муқаддас масчиди биносининг баёни.

/Дар баёни масчиди байтул муқаддас/

Ривоят қилдиларки Байтул муқаддас масчидини қурган ҳазрат Сулаймон алайҳис саломдир. Инс, жин, ифрид/дев, охриман/ ва шайтонларни тўплаб, жин қавмига буюрдиларки, маъданлардан олтин, қумуш ва жавохиротларни тўпласинлар, шайтон қавмига амр қилдиларки, денгиз тубида дур ва марворидларни тўпласинлар, ифрид қавмига фармон бердиларки тоғлардан оқ, сариғ, сабз катта тошларни ажратиб келтирсинлар. Ўша қавм жамоасига буюрдиларки, мушк, анбар ва зафарон келтирсинлар. Мазкур/юқорида айтилган/ нарсалар шунча тўпландики, уларнинг ҳисобини Аллоҳ таолодан бошқа бирор киши билмас эди. Шундан сўнг қурувчилар аҳлини вилоятлардан келтириб у тошларни йўниб, уларнинг ҳаммасини жавохиротлар билан безатилиб, масчидни оқ, қизил, сариғ ва сабз мрамор тошлардан кўтарди. Масчидда ўн минг стун ранго-ранг тошлар йўнилиб, стунларнинг остини нуқрадан ясадилар. Унинг бош стунларини жавохирот қўшиб ясадилар. Масчидни шифти/сақфи/ ни ва ҳамма деворларининг ҳаммасини қимматбаҳо жавохиротлардан ясадилар ва унинг эшикларини олтин ва қумушни жавохиротлар билан қўшиб қурдилар. Ҳар кун бу масчидда бир минг киши ишлар эди. Уч юз фаришта муакил/вакил/ эдилар. Ҳар қайсиларининг қўлларида олов қамчилари бўлиб, агар қайси ифрид/дев/ ва жин, шайтон ишга бўйин товласа фаришталар олов тозиёна/оловли қамчин/ билан уриб куйдирар эдилар. Масчид битгандан кейин масчиднинг шифтига олтин, забаржот ва нуқралардан қилинган қандиллардан бир лаку етти минг осиб қўйган эдилар. Ҳар куни бани Исроил қавмлардан кундузлари беш минг киши, кечалари ҳам беш минг киши Тавротни тиловат

қилар эдилар.

Аллоҳ таоло байтул муқаддас масчиди дарвозаси олдида икки дарахт халқ қилдики, ҳар куни бир дарахтнинг мевасидан икки юз ратл/оғирлик/ вазни бўлиб, бир ратл 144 дирхам ёки 449,29 граммга баробар/ олтин ва иккинчи дарахт мевасидан икки юз ратл кумуш ҳосил бўлар эдики, у тилло ва кумушлардан масчидни фарш қилдилар, бир ришт олтиндан яна бир ришт кумушдан қилиб, саҳра/харсанг тош билан/ масчид еридан ўн икки газ юқори кўтардилар. Байтул муқаддас масчидининг баландлиги ердан то қубанинг учигача ўн икки минг мил эди. Қубанинг тепасида бир олтин ҳавз ясаган эдиларки, унинг чашмаларида икки гавҳари шамчироқ ўтказган эдиларки, унинг шуласи икки марҳола/муайян масофа, йўл/ га етиб у ерларни равшан қилар эди. Бани исроилнинг аёллари унинг шуласида кечқурунлари чарх билан иш йигирар эдилар/чарх мересидан/.

Ал қисса бу масчидни ўн беш йилда таъмир қилиб тамом қилган эдиларки ўша даврдан то Мусо алайҳис саломнинг вафотигача беш юз қирқ йил ўтди.

Ривоят қиладиларки. Ҳазрат Сулаймон алайҳис салом Байтул муқаддас масчиди иморатини битириб, форив бўлганларидан кейин бани исроил аҳлини тўплаб, Байт ул муқаддас масчидини қуриб битирилиши муносабати билан ид кунини белгилаб, ид/байрам/ кунида бир минг туя ва 25 минг ҳўкуз/бақар/ ва тўрт юз минг қўй қурбонлик қилдилар. Ҳазрат Расул акрам саллаллоҳу алайҳи васаллам сўзларига қараганда у вақтларда Аллоҳга қилинган қурбонликни гўштини емас эканлар, агар худонинг даргоҳига қабул бўлса, осмондан оташ келиб у қурбонликни куйдирар эди.

Ривоят қиладиларки. Ҳазрат Сулаймон алайҳис салом у ҳамма ҳайвонотни қурбонлик/забех/ қилиб, муножот қилдиларки, мени нубуват/пайғамбарлик/ либосида сарафроз қилдинг ва бу ҳамма мулкни ато қилдинг, энди сендан умедворманки, шу муқаддас бинони менга ато айла. Иброҳим алайҳис саломга хонаи Каъба биносини ато қилдинг, Аллоҳ сендан сўрайманки ҳар ким холис ният билан масчидга кириб икки рақаат намоз ўқиса, унинг гуноҳларидан кечгин, гўёки у онадан янгидан

турилгандай гуноҳсиз бўлсин, агар бу масҷидга тавба қилиш учун кирса унинг тавбасини қабул қилгайсан ва агар Халил /дўст/ дохил бўлса уни хавфдан амин тут, агар бемор дохил бўлса унга шифо бағишла, Аллоҳ агар мени дуоларимни ижобатга олиб ва менинг ҳожатларимни ўз даргоҳингга қабул қилсанг, шунинг аломати сифатида қурбонликни ҳам қабул қилгайсан. Дарҳол Аллоҳ фармони билан осмондан оташи сафед/оқ олов/ келиб, у ҳамма қурбонликни куйдириб яна осмонга чиқиб кетди.

Равийлар айтадиларки Байт ул муқаддаснинг бу бинolari муддати тўрт юзи эллик йил ўтгандан кейин мажкур тарихдан сўнг Бахт ал наср бани Исроилни босиб олиш мақсадида Бобил вилоятдан юз минг лашкар билан келиб етмиш минг Бани исроилликларни қатл қилди, ва етмиш минг эркак ва аёлларни асир қилиб, Бани исроилдагидаги масҷиди Байт ул муқаддасни вайрон қилиб масҷидни шифт ва деворларни болталар билан уриб хароб қилдилар.

Масҷид тал тўда тушроққа айланди. Унинг олтин, кумуш, жавоҳиротларни бир юз етмиш минг туяга юклаб Бобил вилоятига олиб кетди. Байт ул муқаддас кўп вақт хароба бўлиб ётди.

Расул саллаллоҳи алайҳи васаллам ҳижратларидан 7 йил ўтгандан кейин, Абдумалик ибн Марвон буйруғи билан Мисрнинг етти йиллик хирожи ҳисобидан Байт ул муқаддаснинг ҳозирги биносини таъмир этдилар.

Ривоят қиладиларки. Аннас ибн Молик розиёллоху анху Расул акрам саллаллоху алайҳи васаллам буюрганларки ҳар ким Байт ул муқаддас масҷидини зиёрат қилса, Аллоҳ таоло унга минг шаҳиднинг савобини ато қилади, унинг жасадини дўзах азобидан халос қилади. Мақотил ибн Сулаймон Раҳматулло алайҳи нақл қиладиларки, ҳар кеча етмиш минг фаришта осмондан тушиб, Байт ул муқаддас масҷидига тонг отгунга қадар тасбеҳ¹, таҳлил², тамжид³ ва тақдис⁴ айтадилар. /

1. Тасбеҳ - худони ёдлаш, худонинг зикри "Сўхбҳоналло, Субҳоналло" деб айтмоқ.

2. Тамжид - "Ло илоҳа иллаллоҳ" айтмоқ, "Ягона худодан бошқа худо йўқ"

3. Тамжид - Оллоҳнинг бузург ҳисоблаш.

4. Тақдис - Муқаддас ҳисоблаш, поклик билан худони ёдлаш. (

ТАВБА ВА ИСТИҒФОР¹ БОБИ ҲАҚИДА

/Дар боби тўба ва истиғфор/

Келтирадиларки, Жаброил алайҳис салом Расул саллаллоҳу алайҳи васаллам олдиларига келиб айтдиларки, Худойи таоло сизга салом етказиб дедики, сизнинг умматларингиздан ҳар ким вафотидан бир йил олдин тавба қилса, унинг тавбасини қабул қилиб, ўзини Беҳишт аҳлига айлантираман. Расул алайҳис салом дедилар, эй² бародар Жаброил бу муддат умматимга кўп/қасрат/²лик қилади. Жаброил алайҳис салом осмонга парвоз қилиб, қайтиб келиб айтдилар, ё Расулуллоҳ Худойи таоло айтдики, Ҳабибимнинг умматларидан ҳар ким вафотидан бир ой бурун тавба қилса мен унинг тавбасини қабул қиламан. Ҳазрат Расул саллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар, ё Жаброил бир ой менинг умматларим учун кўпдир.

Жаброил алайҳис салом бориб, келиб айтдиларки, ё Расул, олам Худоси буюрадики сизнинг умматларингиз вафотидан бир кун олдин тавба қилса, унинг тавбасини қабул қилиб гуноҳларини кечираман.

Расул алайҳис салом айтдилар, бир кун ҳам умматларимга кўплик қилади. Жаброил алайҳис салом бориб келиб айтдилар, ё Расулуллоҳ Худованди олам айтадики ҳар ким сизнинг умматларингиздан ўлимдан бир соат олдин ўз гуноҳларидан тавба қилса, унинг гуноҳларини кечираман. Айтдиларки, бир соат кўпдир. Яна Жаброил алайҳис салом бориб келиб, айтдиларки, ё Расулуллоҳ Худойи таоло сизга салом айтиб, айтадики, “Ҳабибим умматларидан ҳар ким тамоми умрини гуноҳлар билан ўтказган бўлса вафотидан олдин бир йил, бир ой, бир кун, бир соат ҳам тавба қилмаган бўлса, руҳ халқумига келиб тили орқали дилдан тавба қилишга қудрати бўлмаса, мендан уялиб, қилган гуноҳлардан тавба қилиб,

1. Истиғфор - худодан қилинган гуноҳларини кечирिशни сураш, мағфират талаб қилиш, “астағфируллоҳ” калимасининг талға жорий қилиш, тавба қилиш.

2. Қасрат - бисёри, зиёда, анбуҳи, кўплик

пушаймон бўлса мен ки Худованди олам бўлсам уларнинг гуноҳларини авф қилиб мағфират этаман.

Келтирадиларки, ҳазрат Мусо алайҳис салом замонида бир шахс бор эдики, хамиша дину шарият амрига хилоф ҳаракатлар ва ишларни қилар эди ва ҳеч вақт тавбани хотирига келтирмас эди. Шу ҳолда йигирма йил ўтди. Мусо алайҳис саломга Аллоҳ таолодан ваҳи келдики, бу пур нуксон/кўп хатога йўл қўйган/ бандага айтгинки, унинг шаддотлиги менинг вазабимни келтирди, уни мағфират қилмайман.

Мусо алайҳис салом у шахсни топиб, Аллоҳ таоло рисолатин етказдилар. У шахс кўп ғамгин бўлиб, бутун баданлари оташда ёнаётгандек бўлиб, Сахро сари равона бўлди. Ва ўзининг бошини осмонга қаратиб, ё Раб бу қандай рисолатки, Мусо алайҳис салом менга етқурдилар. Илоҳи сенинг раҳмат хазинанг кам бўлган бўлса, ё мен мендан сенга зарар етказадиган бирор гуноҳ ўтган бўлса, ёки мени гуноҳим сени авфинга қараганда қолиб бўлган бўлса, қайси банданинг гуноҳи сенинг авфингдан каттадирки, сен Мусо алайҳис саломга айтибсанки мағфират қилмайман деб. Менинг гуноҳларим менинг ҳадисимнинг сифатидир. Менинг гуноҳим сифати сенинг карамингдан қолиб бўлган бўлса, сенинг караминг чексиздир. Шунинг учун бутун бандаларингни гуноҳларини авф этиб мени бўйнимга юклаб, мени дўзахга ташла. Ўзимни, жонимни ва жасадимни сенинг жамий бандаларингга фидо қиламан. Дарҳол Мусога ваҳи келдики, у бандамга айтгин бу муножоти ва талаби учун гуноҳи осмон ва замин баробарига бўлса ҳам уларнинг ҳаммасини авфу қилиб мағфират қилдим.

“Тафсири зоҳидий”/“Зоҳидлар тафсири”/ да келтирадиларки, ҳазрат Умар розиёллоҳу анҳу бир куни Расул саллаллоҳу алайҳи васаллам олдиларига йиғлаб кирдилар. Расул алайҳис салом йиғи сабабини сўрадилар. Умар розиёллоҳу анҳу айтдилар, ё Расулуллоҳ бир ёш йигит эшикка келиб зор-зор йиғлаяпти. Унинг йиғисидан менинг ҳам кўнглим вайрон бўлди.

Расул алайҳис салом буюрдилар, у йигитни киритиб сўрадиларки сенинг йиғлашингга боис нима? У йигит

айтди, ё Расулulloх гунохимнинг хаддан ташқари кўплиги учун йиғлаяпман. Расул алайҳис салом айтдилар, Аллоҳ таолога ширк келтирдингми? Йигит йўқ деб жавоб берди. Пайғамбар алайҳис салом айтдилар, ноҳақ кон тўқдингми/хуни ба ғайри карди/? Йигит айтди: - йўқ. Расул алайҳис салом айтдилар, сенинг гуноҳинг етти осмон ва замин билан баробар бўлса ҳам агар тавба қилсанг Аллоҳ таоло авфу қилади. Йигит айтди, менинг гуноҳим етти еру осмондан азимдир. Расул алайҳис салом буюрдиларки, ўз гуноҳингдан мени хабардор қил. Йигит айтди, айтишдан уяламанки ўз гуноҳимни айтай. Расул алайҳис салом айтдиларки, ўз гуноҳингни гашириб бер. Йигит айтди, касбим ўғрилиқдир, мурдани гўрга қўйиб кетсалар, кечаси келиб, гўрни очиб унинг кафанини олардим. Етти йилки кафандузлик қилар эдим. Ўтган кун бир киз вафот этган эди, кечаси келиб унинг қабрини очиб ва унинг кафанини олдим, унинг хусни жамолини кўриб шаҳватим галаба қилиб шайтон мени йўлдан оздирди. Қизни мужамоҳат қилдим. У киз тилга кириб, вой сен уялмадингмики, мазлума ҳақиға зулм қилдинг. Мени Аллоҳ таоло олдиға гуноҳкор қилдинг, деди.

Расул алайҳис салом ўз жойларидан туриб, йигитга орқаларини қилиб, айтдилар, эй фосиқ, сени дўзах оташидан халос қиладиган кимса йўқ. Тезгина менинг хузуримдан даф бўл! У йигит йиғлаб Расул алайҳис салом хузурларидан чиқиб сахроға кетди. Етти кеча ва кундуз на нарса еди ва на ичди, на ётди. Ҳамиша йиғлар эди. Етти кеча ва кундуздан сўнг қувватдан кетиб, ерга йиқилди. Юзини ерга қўйиб сажда қилиб айтди, Илоҳи , мен гуноҳкор бандаман. Шафоат учун Расул алайҳис салом даргоҳиға борган эдим. Менинг гуноҳимни эшитиб ўз уйидан мени қувиб чиқарди. Энди сенинг раҳмат бобингга келдим ва сени шафъе қиламан, сен Раҳмони Раҳимсан бандангга яъни менга ҳеч жойдан умидворлик йўқ. Агар сен мени мағфират қилмоқчи бўлсанг ўз Расулингга хабар қил, ёхуд осмон оташини нозил қил, охиратдан кўра шу дунёда мени куйдиргин.

Ривоят қиладиларки. Жаброил алайҳис салом Расул алайҳис салом хузурларига келиб, айтди, худойи таоло сизга салом айтди, ундан сўнг пайғом/хабар/

юбордики, менинг бандаларимни сен халқ қилдингми ё мен. Расул алайҳис салом айтдилар: Ҳамма бандалар ва мени Аллоҳ таоло халқ қилган. Яна Жаброил алайҳис салом айтдилар, Аллоҳ таоло айтди, менинг бандаларимни ризқини у бердим, ё мен? Расул алайҳис салом айтдилар: менинг ризқимни ва ҳамма бандаларни ризқини Аллоҳ таоло беради бандаларнинг тавбасини қабул қилиб, ва уларнинг гуноҳларини Аллоҳ таоло авфу қилади. Жаброил алайҳис салом айтдилар, Аллоҳ таоло айтдики, менинг бандаларимдан бир банда сенинг ҳузурингга келиб ўзининг гуноҳини изҳор қилди, бир гуноҳи учун юзингни ундан ўгирдинг ва эшигингдан ҳайдаб чиқардинг. Эрта қиёмат куни сенинг гуноҳкор умматларинг маҳшаргоҳга ҳозир бўлсалар уларнинг ҳар биридан юзингни қайтарсанг ва мендан уларни мағфират қилишимни талаб қилмасанг қандай бўлади. Уларнинг мағфират қилишим шафъе деб сени расул раҳматуллоҳи оламин қилдим, сен менинг бандаларимга раҳм қилмасанг, қайси одам уларга шафоат қилсун. Бугун у гуноҳкор банда сидқидилдан тавба қилди. Унинг гуноҳини мағфират қилдим. Унга хабар қил ва кўнглини шод эт.

Расул алайҳис салом Аллоҳ таолонинг ваҳийсини эшитиб, дарҳол икки нафар обрўли саҳобаларини юбордилар, улар у бечорани водидан тупроқлар орасидан топдилар. Мағфират хабарини унга етказиб, Расулуллоҳ ҳузурига олиб келдилар.

Расул алайҳис салом намоз ўқиятган эдилар. Йигит келиб, иқтидо¹ қилиб, Расулуллоҳ орқаларига намозни адо этди. Ҳазрат Расул алайҳис салом фотиҳадан сўнг Тақвир сураси² ни қироат қилар эдилар. “Интифор” сураси³ ни ўқиб, “Ва вақтеки қабрлар остин устун бўлиб, ичидагилар турса” оятига етганда, у йигит йиқилди. Салавотни тамомлаганларидан кейин кўрдиларки, у йигит вафот қилибди. Аллоҳнинг раҳматига дохил бўлган эди. Тақфин /кафан/ ни ўраб ва жанозасини ўқиб уни дафн қилдилар.

1. Иқтидо - намозда имомга пайравлик қилиш.

2. Тақвир сураси - сурани қарима ислом ақидаюсига улкан ҳақиқатлардан некиятсини муолажа қилди. Биринчиси қиёмат куни ва унда бўладиган улкан ҳодисалар, иккинчиси Ваҳий ҳақиқати, уш келтирувчи Жаброил васфи.

3. Интифор - сураси ҳам қиёмат ҳақида сўз юритади. Қиёмат куни ҳисоб-китоб бўлишини эъланлади. Юқоридаги тўртинчи оятнинг арабчаси: “Ва исол кўбурү буъирот”.

Рубоий:

Ғофил машавки, маркаби мирони мардро,
Дар санглоҳи¹ бодия² сарҳо буридаанд.
Ноумед ҳам мабошки, риндони бода нуш,
Зи як нигоҳи хуб ба манзил расидаанд.

Мазмуни:

Ғофил бўлмаки суворийлик мард мирларни,
Сангзор биёбонда бошларини кесганлар.
Ноумед бўлма ки майхўр мастлар,
Бир марта яхши қараш билан манзилга етганлар.

Келтирадиларки, Аллоҳ таолодан Мусо алайҳис саломга ваҳий келдики, ўз қавминга насиҳат қил. Яхши хислат қилсунлар, жаннатга дохил қиламан. Мусо алайҳис салом сўрадиларки яхши хислат нимадан иборат? Ваҳий келдики, ё Мусо ўз душманини рози қилишдир. Ҳазрат Мусо алайҳис салом сўрадилар, ё Аллоҳ агар душман вафот этган бўлса нима қилиш керакки, душман рози бўлсин. Аллоҳ таоло айтди, ё Мусо мен Ҳайи Лоямут/худонинг сифатларидан бири/ дирман. Абадо ўлим йўқ. Хабар қилгинки мени рози этсинлар, шунда алардан душманлари ҳам рози бўлгай. Мусо алайҳис салом сўрадилар. Сени қандай рози этиш керак. Аллоҳ таоло айтди, мен тўрт нарса билан рози бўламан:

Аввал ўз гуноҳларидан сидқи дилдан пушаймон бўлиш;

Иккинчи ўз тили билан тавба қилмоқ;

Учинчи менинг хавфимдан сахарларда кўз ёшини тўкиш;

Тўртинчи менга қилинадиган ибодатни бажо келтиришдан иборатдир.

1. Санглоҳ - сангзор, кўп тошли паст-баланд жойлар.

2. Бодия - биёбон, саҳро, сувсиз дашт.

Хазрат Али Кароми Аллоҳ ваҷҳаҳудан ривоят қиладиларки.

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам буюрдиларки, бундан тўрт минг йил олдин Одам алайҳис саломни хилқат/вужудга/ келтирган замонда Аллоҳ таоло Аршнинг атрофида бир хати борки, унда ўзининг қудрати ҳақида ёзилгандир. Ҳар ким ҳар кун юз мартаба истиғфор қилса Аллоҳ таоло унинг аввалги гуноҳларини ва охиратини мағфират қилади. Мен ҳар куни Аллоҳ таолога юз марта истиғфор қиламан, зероки Иблис кишиларни гуноҳкор қилиб ҳалок қилади. Истиғфор қилиш сабабидан Иблис ҳалок бўлади.

Хабар берилладики Умар розиёллоҳу анҳу расул саллаллоҳу алайҳи васалламдан сўрадиларки ё Расулуллоҳ тавба нима? Буюрадиларки Мағриб тарафида тавба дарвозаси борки у олтиндан ва ёқут дарёси бўйида бўлиб, бир табақасидан бошқа табақасигача сувора билан йўл юрса қирқ минг йиллик йўлдирки, у дарвоза ҳамиша очик бўлади. Қачонки офтоб Мағрибга ботса, ҳар ким ўша вақтгача тавба қилса, унинг гуноҳларини Аллоҳ таоло авф этади.

Хикоят: Абу Бакр Варақа раҳматуллоҳ алайҳи айтдиларки, бандага Аллоҳ таоло онадан ҳам меҳрибонроқдир. Она ўз фарзандига тоза либос кийгизиб айтадики, ўз либосингни тоза тут, ифлос қилма. Фарзанд эса ўз либосига бавл ва нажос қилади, ва унинг онаси кўриб, айтадики олдимга кел палид қилган либосингни покиза қилай, у фарзанд қулоқ солмасдан ўз онасидан кочади, бирор соатдан у фарзандни чивин ва пашша талаиди. Музтар бўлиб/танг аҳволга қолиб/ онасининг олдига келади. Онаси унинг либосларини ювиб покиза қилади. Худди шундай Аллоҳ таоло айтсаки имон либосини тоза сақла, нажосатга булғама, банда ўз гуноҳларини яна давом этдирса, Худойи таоло айтсунки, эй бандам ўз гуноҳларингдан тавба қил, гуноҳдан сени пок қилай банда ўз гуноҳларини асрор қилсун, ҳатто пиру заиф бўлса гуноҳ қилишдан ожиз бўлиб, тавбага рағбат қилса, фаришталар айтсинларки эй бандаи гуноҳкор: Энди гуноҳ қилишдан

ожиз бўлдинг, энди тавба ва инобатга келдингми? Аллох Таоло айтадики, эй фаришталар, ман ижобат² қилувчи тавбани қабул қилувчиман. Энди менинг бандам ожиза ва заиф бўлиб тавба қилди, унинг ҳамма гуноҳларини мағфират қилдим.

Келтирадиларки Абу Хурайра³ розиёллоху анхунинг номлари жоҳилиятда Абд аш Шамс эди. Хайбарни забт этилган йили Расул саллаллоху алайҳи васаллам унинг номини Абдурахмон деб атадилар. Ислом динига кириш вақтида унинг ҳамроҳлигида бир мушук бола бор эди, унинг лақабини Абу Хурайра қўйдилар. Унинг Ислом дининг қабул қилишига сабаб шундан иборат эдики, у бир шахснинг қўйларига чўпонлик қилар эди ва унинг санами/бути/ бор эдики, ҳар бир жойга борса шу тилло санамга ибодат қилар эди. Бир куни ўзининг санамини бир жойга қўйиб эдики, ит келиб санам устига бавл қилди. Абу Хурайра у итни ҳам қатл қилди. Яна бошқа куни бошқа ит келиб санамни ифлос қилди. Абу Хурайра дарғазаб бўлиб ҳамма ердаги итларни ўлдирди. Ўз санамини ювиб, ибодатини давом этар эди. Яна бошқа куни тулки келиб санамнинг устига бавл ва ғалат қилди. Абу Хурайра розиёллоху анху бу воқеани мушоҳада қилиб, ёмон имонидан /имони бадаш/ қайтди, у санамни тошга уриб синдириб, Расул алайҳис салом хизматларига келиб мусулмон бўлди. Ўттиз йил давомида Расул саллаллоху алайҳи васаллам билан ҳамкорилик/мулозимат/ қилди. Бошқа иш билан машғул бўлмай, кеча-кундуз Расул саллаллоҳи алайҳи васаллам хизматларига бўлиб, камсуқумликка қаноат қилар эди.

1. Инобат - тавба қилиш, пунаймон бўлиш.

2. Ижобат - қабул қилиш, жавоб бериш.

3. Абу Хурайра - тўлиқ исми Абдурахмон ибн Саҳр Яздий, Саҳоба, 677 йилда 78 ёшида вафот этган.

Айтадиларки Расул саллалоҳу алайҳи васалламдан беш минг уч юзу етмиш тўрт ҳадисни ёд билар эдики, ҳеч ким унинг каби ҳадисни ёд билмас эди. Абу Ҳурайра розиёллоҳу анҳу эллик бешинчи ҳижрат йилида етмиш саккиз ёшида вафот этди. Ал Халаф яқинида дафн қилинган.

ВУЗУ БОБИ ХАКИДА

Ислом аввалида Расул саллаллоҳу алайҳи васаллам ҳар бир намозда тоза таҳорат буюрар эдилар. Маккайи Мукаррамани фатҳ қилиш вақтида Расул алайҳис салом этикка масҳ тортиб бир таҳорат билан беш вақт намозни адо қилдилар. Ҳазрат Умар розиёллоҳу анҳу айтадиларки, ё Расулуллоҳ ҳар бир намозда таҳорат буюрар эдингиз, бугун беш вақт намозни бир таҳорат билан ўтказдингиз, этикка масҳ қилганингиз ўша этикка зам бўлди, халос. Расул алайҳис салом буюрадиларки, мени таҳоратим синмади. Расул алайҳис салом буюрадиларки, ҳар ким ибодатдан олдин таҳорат ибодатни ният қилиб таҳорат қилса сувни ўз оғзига солиб мазмаза/сув билан оғиз чайиш/ қилсин. Оғзидан қандай гуноҳ жорий бўлган бўлса у гуноҳ унинг оғзидан ташқари чиқади. Агар ўз бурнисига сув ғарғара қилса бурун ичидаги гуноҳлар бурундан ташқари чиқади, агар ўзининг юзини ювса унинг гуноҳлари мужгонларидан кетади ва агар ўзининг қўлини тирсакгача ювса унинг гуноҳлари қўллари учидан чиқиб кетади. Агар бошига масҳ тортса бошидаги гуноҳлари унинг қулоғидан чиқиб кетади. Агар ўз оёғини тўпигигача қўшиб ювса оёғидаги гуноҳлари тирноқларидан чиқиб кетади. Расул алайҳис салом буюрадиларки, ҳар ким вузудан сўнг бир марта Инно анзално сўрсини ўқиса Аллоҳ таоло у бандага Ҳазрат Иброҳим, Ҳазрат Мусо ва Ҳазрат Исога ато қилган савобларни беради.

| Ҳар ким вузудан сўнг уч маротиба инно анзалнони ўқиса Аллоҳ таоло жаннатнинг саккиз эшигини очади. Беҳиштнинг қайси эшигидан хоҳласа ўша эшигидан кира олади.

| **Расул алайҳис салом буюрадиларки** ҳар ким вузу қилгандан кейин икки ракаат шукри вузу намозини ўқиса,

Аллоҳ таоло олдинги ва то охирги кунгача қилган гуноҳларини мағфират қилади. Дунёга янгидан таваллуд топгандек бўлади.)

Билал ҳабаши розиёллоху анхудан сўрадиларким, Мерж кечаси сенинг кавшингни нағлини овозини эшитдим, қайси амалинг билан сен бу даражага эришдинг. Биллал розиёллоху анху айтдиларки, ё Расулulloҳ таҳорат қилиб, ундан кейин шукри вузу намозини ўқийман.

Ривоят қиладилар. Ҳазрат Умар розиёллоху анхудан Расул саллаллоху алайҳи васаллам буюрадиларки ҳар ким вузу фаровидан кейин юзини осмон тарафга қилиб, "ашҳаду анло илоҳа илаллоху ва ашҳаду анна Муҳаммадан Абдуху ва расулу. Оллоҳуммажъални минал таввобийна важъални минал мутатаҳаййирина важъални мин ибодикас солиҳийна"ни айтса жаннатнинг саккиз эшиги унинг учун очилгай! }

Ривоят: Ибн Шаҳоб раҳматулло алайҳидан: Расул саллаллоху алайҳи васаллам буюрадиларки ҳар жума куни тирноқни олинг, менинг жазомдан омон қоласиз. Пайғамбар саллаллоху алайҳи васаллам ҳар жума куни тирноқни олиб, киндик пастидаги қилларни пок қилар эдилар.

Ҳабар берилалаки. Расул саллаллоху алайҳи васаллам буюрадиларки, мисвок қилинг. Мисвокнинг ўн хислати бор.

Аввал - офизни пок қилади;

Иккинчиси - Аллоҳ таолонинг ўзингиздан рози қилади;

Учинчи - фаришталарни хушнуд этади;

Тўртинчи - кўзингизни равшан қилади;

Бешинчи - тишни покиза қилади;

Олтинчи - тишни гўштини/милкларини/ маҳкам этади;

Еттинчи - офиздаги хидлар даф бўлади,;

Саккизинчи - таомни ҳазм қилади;

Тўққизинчи - балғам йўқолади;

Ўнинчи - ибодатни зиёда қилади.

Мисвок билан бир ракаат намоз ўқиш етмиш ракаат бемисвок намоз ўқишдан афзалдир.

Ривоят: Абу Саъид ал Хидрий /Муҳаммад алайҳис саломнинг яқин саҳобаларидан бири/ розиёллоҳу анҳу ривоят қиладиларки, Расул саллаллоҳу алайҳи васалламдан буюрадиларки, мен умматларимни жаннатга дохил бўлишлари учун беш нарсага зомин бўламан.

Аввал - солиҳа хотинки ўз эрига фармонбардор бўлсин;

Иккинчи - фарзанд ўз ота - онасига фармондор бўлса;

Учинчи - шахски Байтулло тавофи учун чиқиб йўлда вафот этган бўлса;

Тўртинчи - ҳусни холиқ соҳиби бўлган киши;

Бешинчи - азоннинг овозини эшитган шахс.

Хабар қиладиларки /Саъди Ваққос розиёллоҳу анҳудан/ Расул саллаллоҳу алайҳи васаллам буюрадиларки, муаззинга худойи таоло жаннатнинг дарбонлигини ато қилади. Аллоҳ таоло унинг ҳар бир айтган азониغا Худонинг дўсти бўлган бир минг бани имомнинг савобини ато қилади, Аллоҳ таоло унинг ҳар бир азони учун бир минг сидқнинг/ростгўйлик/ савобини ато қилади. Расул алайҳис салом буюрадиларки, ҳар ким етти йил муаззинлик қилса, Аллоҳ таоло жаҳаннамнинг етти эшигини унинг учун беркитгай. Буюрадиларки, “Ё Қудратли раҳмон мўъминлари бош устига мадомики азон айтилди. Азон айтган жойдан шайтон қочади”.

НАМОЗ БАЁНИ ТЎҒРИСИДАГИ БОБ

Хабар қиладиларки, Абдулло ибн Маъсуд розиёллоҳу анҳу айтадиларки Расул саллаллоҳи алайҳи васалламга савол бердимки/ “Аллоҳ таоло олдига сенинг ҳабиблигинг/аҳиббо/ қайси аломатлари бор”? Буюрадиларки, беш вақтли намозни адо қилмоқ. Яна сўрадимки, ундан кейинчи? Буюрадиларки ота-онага неклик қилмоқ. Яна айтдим, ё Расулуллоҳ, ундан кейин нимадир? Буюрадиларки, Худо йўлига жиҳод қилмоқ. Расул алайҳис салом буюрадиларки мўминлар билан кофирлар орасидаги фарқ намоздир. Қиёмат куни аввал

хисоб намоздан бўлади, ҳар ким тарк қилмасдан тўрт кун жамоат билан бирга намоз ўқиса Аллоҳ таоло ундай бандага икки озоди/яхши хислатлар/ ато қилади, улардан бири нифоқдан фориғ бўлиш, иккинчиси дўзах оташидан халос бўлишдир.

Хабарда келтирадиларки, Расул саллаллоҳу алайҳи васалламдан қиёмат куни Қавме келадиларки ёруғлиги мисли саёрадек равшан бўлади, фаришталар айтадиларки, дунёда нима амал қилдингиз, улар дунёда азоннинг овозини эшитиб, таҳорат қилишга машғул бўлар эдик дейдилар. Фаришталар яна савол берсунларки, дунёда нима иш билан машғул эдинглар? У қавм айтсинларки таҳорат ва намозни ўз вақтида адо этар эдик.

Ундан сўнг яна бир гуруҳ қавм келадики, уларнинг юзи мисли офтобдек товланади. Фаришталар сўрасинларки, сиз бандалар нима амал билан машғул эдинглар? Улар айтадиларки, намоз вақтигача бизлар масжидга кириб, азонни эшитар эдик..

Абу Амома розиёллоҳу анҳудан ривоят қиладиларки, Расул алайҳи салом буюрдиларки, фарзандларингиз етти ёшга кирса, уни намоз ўқишга амр қилинг. Агар ўн ёшида намозни тарк қилса, уни зарб қилинг

Ривоят қиладиларки Расул саллаллоҳу алайҳи васаллам буюрадиларки, Аллоҳ таоло Жаброил алайҳис саломни халқ қилди. Суратдек ҳуснига олти юз чаноҳ/қанот/и бор эдики, мағрибдан машриғгача эди. Жаброил алайҳис салом ўз вужудига назар қилиб айтдики, Илоҳи, мендан беҳтар/яхшироқ, чиройлироқ/ сурат халқ қилдингми? Аллоҳ таоло айтди, сендай хушсурат ҳуснига эга бўлганни халқ қилмаганман. Жаброил алайҳис салом бунинг шукронасига икки ракаат намоз ўқиди ва йигирма минг йилда бу икки ракаат намозни тамом қилди. Намоздан фориғ бўлгандан сўнг Аллоҳ таоло айтди, ё Жаброил, менга ҳеч ким сен каби ибодат қилган эмас. Охир замонда пайғамбари Карим вужудга келтираман, у менинг ҳабибим бўлади, уни Мухаммад деб атайдилар. Саллаллоҳу алайҳи васалламни умматлари бўлса гуноҳкор, икки ракаат намозни хато ва нуқсонсиз/бесавҳи ва нуқсон/ ўқиёлмайдилар. Замон ўтиши билан менки худовандман,

эшоннинг/шахсининг/ у намози кўп нуқсон/пур нуқсонли/ бўлса ҳам дўстроқдир. Менинг наздимда бу намоз сенинг йигирма минг йиллик намозингдан яхшироқдир, чунки улар намозни жамоат бўлиб ўқийдилар. Сен эса менинг амримдан ташқари ўқидинг. Жаброил айтди, Аллох уларнинг намози эвазига нима ато қиласан? Аллох таоло айтди, жаннатул маъво/бихишт/ни ато қиламан. Жаброил алайҳис салом сўради, жаннатул маъво нима? Аллох таоло айтди, бориб жаннатул маъвони томоша қилки, ўз бандаларимга ато қилганман.

Жаброил алайҳис салом Аллох таоло амри билан Жаннатул маъвога учдилар. Уч минг йиллик йўлни чаноҳ/қанот/ чиқариб учиб бордилар. Аммо Жаннатул Маъвони бир қисмини кўришга муяссар бўлдилар.

Жаброил алайҳис салом ожиз қолиб бир дарахтнинг остига келиб бошларини саждага қўйиб айтдилар, менинг парвозим жаннатул Маъвони ярмигача етгани бўлса керак, деб сўрадилар. Аллох таолодан нидо келдики, ё Жаброил, агар сенга шунча қувват ато қилсам ва яна олти юзта қанот берсам ҳам уч юз йил парвоз қилсанг, бу ернинг тўққиздан бир хиссасини кўришга ожизлик қиласан. Буларнинг ҳаммаси Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васалламнинг умматларининг кўп саҳв ва пур нуқсонли икки рақат намозлари учундир.

ЖУМЪА КУНИ ФАЗИЛАТИ БАЁНИ ҲАҚИДА БОБ

Хабар берадиларки. Расул алайҳис салом ва хулофот Ҳазрат Абу Бакр ва Умар розиёллоҳу анҳумо вақтларида Мадинайи Мунавварада бир муазин бор эди. Ҳазрат Усмон розиёллоҳу анҳу замонларида Мадинайи Мунавварада намозхон аҳли кўпайгани сабабли муазинни ҳам кўпроқ қилдилар. Бани Ҳошим аждоди жумъа кунини Каъба жамоаси учун белгиланган эди. Аллох таоло жумъа кунини хуш бахтлиқ куни/сайдул аём/ деб атаб, расул алайҳис салом ва унинг умматлари учун байрамга /ид/га айлантиради. Яҳуд ва насоро ўз байрамларини Шанба/явмус сабт/ якшанба/явмул аҳат/ кунлари ўтказар эдилар. Бу кунни хурматини жойига келтириб, дунё

ишлари билан машғул бўлмас эдилар.

Хабар қиладиларки. Расул салаллоху алайҳи васаллам буюрадиларки, Аллоҳ таоло ҳар жумъа куни олти юз минг мужримни/гуноҳкорни/ дўзах оташидан озод қилади. Ҳар ким жумъа куни учун покиза таҳорат олиб, тоза либос кийиб олдинроқ масҷидга келса, туя қурбонлик қилганни савобига дохил бўлади.

Ривоят қиладилар. Абу Ҳурайра розиёллоху анху Расул саллаллоху алайҳи васалламдан ривоят қиладиларки, ҳар ким жумъа куни русл қилиб яхши либосни кийиб, ўзини мутайяб /ораста қилиб/, жумъа намозига келса, жумъадан жумъагача этган гуноҳларини Аллоҳ таоло мағфират қилади.

Хабарда борки. Аллоҳ таоло жаннатдаги Байтул Маъмурда минора халқ қилдики, у миноранинг баландлиги беш юз йиллик йўлдир. Жумъа куни Жаброил алайҳис салом ўша минорада азон айтадилар.

Исрофил алайҳис салом Байтул маъмур минбарига Хитобат¹ қиладилар. Мекоил алайҳис салом фаришталарга имоматлик қиладилар. Жумъа намозидан фориғ бўлгач Жаброил алайҳи салом айтадиларки, ўзимнинг азон айтган савобимни Муҳаммад саллаллоху алайҳи васалламнинг умматлари бўлган жамий мўъминларга бағишладим. Исрофил алайҳис салом айтадиларки, хитобатимни Муҳаммад саллаллоху алайҳи васаллам умматлари хитобларига бағишладим. Мекоил алайҳис салом айтадиларки, ўзимнинг имоматлик савобини Муҳаммад алайҳис саломни умматлари бўлган имомларга бағишладим. Етти осмон фаришталарининг ҳаммаси айтадиларки, ўзимизнинг жумъа намози савобини Муҳаммад алайҳис салом умматларига бағишладик. Аллоҳ таолодан нидо келадики, эй фаришталар бугун ўзларингизни саховатларингизни изҳор қилдингиз, бугун менинг амримга итоат қилиб Ҳабибимга ақида қилиб, жумъа намозини жамоат билан ўқиган бўлсаларингиз ҳаммангизни мағфират қилдим.

1. Хитобат - Масҷидда намозхонларга гуфторлик, суҳангуйлик қилмоқ.

Келтирадиларки. Мисри раҳматуллоҳи алайҳидан: Бир кун ғўристондан ўтардим, айтдим, ассалому алейкум, аҳли қубур. Қабрдан овоз келдики, эй аҳли дунё ҳар ойда тўрт мартаба ҳаж қиласизларми? Айтдим, қаерда борки, бизлар тўрт мартаба ҳаж ўтказайлик. Овоз келдики, у жумъа кунидир. Оё билмайсизларки у ҳажи муборак ва мақбулдир. Айтдим, нима сабабдан менинг саломимга жавоб бермадингиз. Овоз келдики салом зеболикдир, у зеболикни бизлардан кўтарганлар. Энди бизлар сизларнинг масҷидларингизни ташқаридан кўз ёшларимиз билан зиёрат қилиб, ўз синаларимизни масҷид деворларига суртиб, сизларнинг ибодатингизни кўраимиз ва сизларнинг зикрларингизни эшитамиз. Сизлардан розимисиз. Ё дунё аҳли сизлар ва сизларнинг қавмларингизга Аллоҳ таоло раҳмат қилсин.

Ривоят қиладиларки. Ҳазрат мусо алайҳис салом Тур тоғида бир қавмни кўрдиларки, ибодат билан машғул эдилар. Ҳазрат Мусо алайҳис салом сўрадилар, у қавм айтдики, Ё худонинг пайғамбари бизлар сизнинг умматларингизданмиз. Етмиш йил давомида шу тоғда Аллоҳ таолога жидду жаҳд билан ижтиҳод/қўшиш/ қилиб, жисмимизда сабр либосини кийиб, бўйнимизга тавазў/хоксорлик/ ридосини ва бошимизга амома шукрини, қўлимизга сенинг асонгни ушлаб ибодат қиламиз. Бизларнинг таомимиз ердан ўсиб чиққан гиёҳлар ва бизларнинг сувимиз ёмғир суви бизларнинг либосимиз дарахт пўстлоғидан, етмиш йилдирки, ҳаёдан бошимизни юқори кўтармадик. Ҳазрат Мусо алайҳис салом у қавмнинг ибодатидан кўп хурсанд бўлдилар. Ўша вақтда Мусо алайҳис саломга ваҳи келдики, Ё Мусо! Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васаллам умматларига шундай кун келадики, ўша кунда икки ракаат намоз ўқийдилар, икки ракаат уларнинг намози менинг наздимда у қавмнинг етмиш йиллик Ибодатидан беҳроқдир. Мусо алайҳис салом айтдилар, Илоҳи, у кун ва у намоз қайсидир. Ваҳи келдики, у кун жумъа кун бўладики, ўша кунда шу намозни жамоа бўлиб ўқийдилар. /

Хабар берадиларки. Анас ибн Молик розиёллоҳу анхудан, Расул саллаллоҳу алайҳи васаллам буюрадиларки, ҳар ким масҷидда шамни ёқиб равшан қилса, фаришталар

ва арш ўша бандага мағфират ўқийдилар.

Расул алайҳис салом буюрадиларки, қиёмат куни дунё масжидларини оқ тахтга ўтқаздилар. Тахтнинг оёқлари анбардан ва унинг бўйни зафарондан ва унинг боши мушқдан ва унинг фархори/устидаги зеби-зийнати/ забаржаддан, одамлар жамоат намозини ўташ учун масжидга борадилар, у тахтнинг устида Имом ва муазин, орқа олдидан у қавм ўтириб, мисли хотиб/ хутбахон ва воиз/ дек махшаргоҳ ичидан ўтгайлар. Аросат аҳли кўриб, айтсинларки, булар мукарраб фаришталарими ёки мурсал пайғамбарлар бўлсалар керак. Нидо келадики, эй махшар аҳли булар Мухаммад алайҳис салом умматларидирларки, беш вақт намозни жамоат билан масжидда ўқигандирлар.

Хикоят: Хамад Лафифи раҳматулло алайҳи осийе/тегирмон/га буғдой олиб борган эдики, уни ун қилсин. Унинг маркаби/эшаги/ қочиб қойиб бўлиб, буғдойи тегирмонда қолди. Ўша куни экинларни суғориш навбати ҳам етиб келган эди, яна ўша кун жумъа намози куни эди.

Агар намози жумъага борса, унинг эшаги йўқолиши мумкин эди. Уйда нон йўқ эди. Буғдой тегирмонда қолган эди. Экинларни суғориш навбати келиб, ўша куни экинларни суғормаса, қўшнилари уни навбат сувидан фойдаланиб, экинлари сувсизликдан қуриб қолиши мумкин. У, уларнинг ҳаммасидан воз кечиб жумъа намозига боришга қарор қилди. У масжидга бориб жамоат билан жума намозини ўқиб, уйига борса, унинг хотини тандирда нон ёпмоқда, эшаги эса охурда турибди. У хотинидан сўрадики маркаб ва ун қаердан пайдо бўлди. Хотини айтди: сен кетгандан кейин, биров чақиргандай бўлди, бориб кўрсамки, эшак устида халтада ун. Бир эркак айтдики, маркабни топиб унни унга юклаб сизнинг уйингизга олиб келдим. Қўшни сувни ўз ерларига қўйиб ухлаб қолибдилар, сув варқдан уриб бизнинг еримизгача кириб, экинларимиз сувдан сероб бўлибди.

Хамад Лафиф ўзининг бошини осмонга қаратиб айтдики, ёраб, мен сенинг бир амалингни бажардим, сен мени уч ишимни бажо келтирдинг.

Хабар қиладиларки, Расул саллаллоҳи алайҳи васаллам буюрдиларки, яҳуди ва насораларга салом беринг ва менинг умматларим бўлган яҳудоларга салом берманг.

Савол қилдиларки, ё Расулуллоҳ сизнинг ум-матларингиздан бўлган яҳудолар кимлар? Буюрадиларки, азон овозини эшитиб намозига бўлмаган кишилардир.

ЙИГИРМА БЕШИНЧИ БОБ

Азоб/укубат/ баёни хакида

Келтирадиларки, бир шахс Иблисни кўриб сўрадики, эй малъун сенингдек дунёда яна борми? Иблис айтди, мен етти юз минг йил осмон ва ерда худойи таолога ибодат қилдим, бир кун Аллоҳ таоло саждаи махлуққа амр қилди, унинг амрини тарк қилдим, абадул абад мардуд ва малъун бўлдим. Холанки бир шахс ҳар куни фарз ва суннат ҳисобланган беш вақт намозни ва олтмиш марта саждани тарк қилса, бу саждаларнинг тарки бир кунда тўғри келади шундай кишилар менинг қаторимга кириши мумкин эмасмикан?

Келтирадиларки, ҳар ким беш вақт намозни жамоа билан ўтаса Аллоҳ таоло ундай бандага беш нарсани ато қилади.

Аввал - намоз ўқиш давомида жазони ундан узоқлаштиради;

Иккинчи - қабр азобини ундан кўтаради;

Учинчи - унинг номаи аъмоли ўнг қўлига беради;

Тўртинчи - сиротдан мисли барк/яшин тезлигида/ ўтади;

Бешинчи - биҳиштга дохил бўлади.

Ҳар ким намозни тарк қилса, уни ўн икки укубат/азобга/ гирифтор қилсин.

Уларнинг учтаси бу дунёда, яъни:

Аввал - унинг касбикоридан барака йўқолмай;

Иккинчи - унинг юзидан симойи солах/поклик сиймоси/ кўтарилмай;

Учинчи - мўмин бандалар дилида унга нисбатан нафрат уйғонмай;

Вафотидан олдидан яна уч укубатга дучор бўлгай:

Аввал - вафоти вақтида уни жонини ташна қабз қилгайлар;/Жон чиқаётганда унинг халқига сув томизадиларки, ташна бўлиб азоб чекмасин деб, Н.Й./

Иккинчи - унинг жонини қаттиқлик билан қабз қилгай;

Учинчи - имонсиз кетгай;

Бошқа учтаси қабрда:

Аввал - Мункар ва Нанкирнинг саволлари унга қаттиқроқ бўлгай;

Иккинчи - унинг гўрини зулмат тўлдиргай;

Учинчи - унинг гўрини шунчалик тор қилсинларки қабиргалари бир-биридан ўтиб кетгай.

Яна бошқа-қиёматда:

Аввал - қиёматнинг шиддатига гирифтор бўлгай;

Иккинчи - Аллоҳ таоло унга ғазаб қилгай;

Учинчи - дўзах оташига гирифтор бўлгай.

Хабар берадиларки. Расул саллаллоху алайҳис саломдан ҳар ким пешин намозини тарк қилса Имон ундан безор бўлади. Ҳар ким субҳ намозини тарк қилса Куръон ундан безор бўлгай. Ҳар ким аср намозини тарк этса, пайғамбарлар ундан безор бўлгай. Ҳар ким шом намозини тарк этса, фаришталар ундан безор бўлгай. Ҳар ким хуфтан намозини тарк этса, худойи таоло ундан безор бўлгай. Шайтон унинг кавшига бавл қилгай. Мунофиқлар учун Хуфтан намози ва бомдод намози малол келадиган намозлардан бўлиб, унинг савобидан ғофилдирлар.

Хабар берадиларки. Расул саллаллоху алайҳи васаллам буюрдиларки, мерож кечаси эркак ва аёлларни кўрдим, фаришталар уларнинг бошларига чунонан урар эдиларки, уларнинг миялари димоғларидан Жайхундек жорий бўлар эди. Жаброил алайҳис саломдан сўрадим, жавоб бердики, булар намозни ўз вақтида адо этмаганлар. Расул алайҳис салом дедилар, ҳар ким намозни қасддан тарк қилса, кофир бўлсин, агар аёл намозни тарк этса, унинг эри талоқ қилиши вожибдир, унинг маҳри аёл бўйнидан бўлсин. Ҳар ким бомдод намозини жамоат билан

адо этса, пешин намозигача дунёни тарк қилса мағфур бўлсин. Ҳар ким пешин намозини жамоат билан ўтказса, аср намозигача вафот қилса, шаҳиднинг савобига дохил бўлсин. Ҳар ким аср намозини жамоат билан ўтказса, Шом намозига қадар дунёдан ўтса Аллоҳ таоло ундай бандадан рози бўлади.

Ҳар намозини жамоа билан ўқиб, хуфтан орасида дунёдан ўтса жаннат унинг дийдорига иштиёқманд бўлгай. Ҳар ким хуфтан намозини жамоат билан ўтаб, бомдод намозигача дунёдан кетса, жаннатга дохил бўлади.

ЙИГИРМА ОЛТИНЧИ БОБ

Рўза ҳақида

Шуни билгинки, Моҳи Шарифи Рамазон пур шарофат ойдир. Самовий китоблар шу муборак ойда нозил бўлган. Ҳазрати Мусо алайҳис салом Тавротлари Моҳи Шарифи Рамазоннинг йигирма иккинчисида нозил бўлган.

Ҳазрат Исонинг Инжили, ҳазрат Довуд алайҳис саломнинг забури ўн еттинчи рамазон ойида нозил бўлган. Ҳазрат Муҳаммад Мустафо саллаллоҳу алайҳи васалламнинг Фурқонлари Аллоҳ таоло осмондаги байтул маъмурда нозил қилиб, у ердан йигирма уч йил муддатида Ҳазрат Жаброил алайҳис салом Ҳазрат олам билан оят-оят Ҳазрат Расул алайҳис саломга нозил қилдилар.

Расул алайҳис салом буюрадиларки, ҳар вақт рамазони шариф оyi келса осмоннинг эшикларини ва жаннат эшикларини ва раҳмат эшикларини Аллоҳ таоло очиб, дўзах эшикларини маҳкам қилади ва шайтонни ғўл ва занжир билан банд қилади, рамазон ойининг ҳар кечаси Аллоҳ таоло уч марта нидо қиладики, мендан сўравчиларни ҳожатиши раво қилай, менга тавба қилувчиларни тавбасини қабул қилай.

Хабар берадиларки Ифтор вақти ҳар кеча Аллоҳ таоло азобга мустаҳиқ бўлган минг гуноҳкорни дўзахдан озод қилади ва рамазон ойининг аввалидан то рамазоннинг йигирма тўққизинчи кунигача дўзах азобига мустаҳиқ бўлганларни бутун гуноҳларидан озод қилади. Лайлатулқадр кечаси Аллоҳ таоло амр қиладики Жаброил алайҳис салом етмиш нафар фаришталар хамроҳлигида

Лавхи ҳамд/Маҳду сано лавҳи/ ни осмондан нозил қилиб, Лавхи ҳамдни Каъба томига насиб қилади ва тонг отгунча/то дамидани субҳ/. Расул алайҳис саломнинг умматларини махфират қилади. Аллоҳ таоло хости билан мўъминлар дуо қилиб омин деб тургайлар.

Ривоят қиладиларки, имом Розий раҳматуллоҳу алайҳи ўз тафсирларида ибн Аббос розиёллоҳу анҳудан келтирадиларки, танозил ал малоика ва вал Рух исмли фариштанинг боши Арш дарахтидек, унинг оёқлари ернинг еттинчи табақаси остидадир. Аллоҳ таоло аршда рух фариштасидан катта ҳеч бир махлукни яратмаган. Рух малоикасининг бир минг боши бўлиб, ҳар бир боши бу дунё билан баробардир ва унинг ҳар бошига бир минг юзи бўлиб, ҳар бир юзида мингта оғиз бордир. Унинг ва ҳар бир оғзида бир минг тили бор, агар хоҳласа осмону заминни бир лукма қилади. Унинг ҳар бир оғзида бир минг тили бўлиб, ҳар бир тили билан тасбех айтадики, унинг ҳеч қайси зикри бошқа фаришталарнинг зикрида йўқдир. Ҳар чок Рух исмли фаришта тасбех учун оғзини очса, оғзидан унинг нур чиқиб етти осмон фаришталари ёниш хавфидан бошларини саждага қўядилар. Рух фариштаси Лайлатурқадр кечаси то тонг отгунча Муҳаммад Мустафо саллаллоҳу алайҳи васалламнинг рўзадор умматлари учун Аллоҳ таолодан мағфират талаб қилади. Қуёш чиққандан кейин Жаброил алайҳис салом фаришталарга хитоб қиладиларки, ал раҳил. Ал Раҳил фаришталар айтсинларки, ё Аллоҳ Расул алайҳис салом умматлари бўлган рўзадорларга раҳмат назари билан қараб, уларнинг гуноҳларини авфу қилди. Тўрт гуруҳдан ташқари ҳаммани мағфират қилди. Фаришталар савол берадиларки у тўрт гуруҳ кимлардир? Жаброил алайҳис салом айтадиларки, аввал шаробхўрлар, иккинчи динга итбат қилмовчилар, учинчи /буридани алоқа аз ҳешу табор/ қариндошлар билан алоқани узганлар, тўртинчи рўзадор мўъминларни таъна қилувчилар.

Хабарда келтирадиларки, Абу Ҳурайра розиёллоҳу анҳу хабар қилрадиларки, Расул саллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига араблардан бир одам келиб айтди: ё Расулаллоҳ ҳалок бўлдим ва бир кишини ҳалок қилдим. Расул алайҳис салом айтдилар, нима иш қилдинг?

У шахс айтди. Ўз хотинимни рамазон куни мажомоат қилдим. Расул алайҳис салом буюрадиларки унинг кофорати учун бир бандани озод қил. У шахс, ҳеч нарсама йўқ, деб жавоб берди. Расул алайҳис салом буюрадиларки икки ой пайдар-пай рўза тут. Араб, икки ойлик рўза тутишга тоқатим ётишмайди. Расул алайҳис салом буюрадиларки, олтмиш мискинга таом бер. Араб айтди, таом бериш қувватим йўқ. Расул алайҳис салом ўн беш дона хурмони жамлаб у арабга бердилар ва айтдиларки буни элтиб мискин фуқарога садақа қил, у араб айтди, ваҳоланки, Мадина атрофида мендан фақир ва мискинрок киши йўқ. Расул алайҳис салом арабнинг бу гапига қаттиқ кулиб сен ожизи муборақки номдор бўлдинг, айтдиларки, бу хурмоларни ўз аёлинг ва фарзандларинг билан тановул қилгин.

ЙИГИРМА ЕТТИНЧИ БОБ

Хажнинг фазилати

Келтирадиларки. Аллоҳ таоло ерни халқ қилинганидан минг йил олдин Байтулло мавзеини халқ қилган. Ерни минг йил олдинроқ Аллоҳ таоло халқ қилиб, хонаи Каъба ери оқ кафк/оқ кўпик/ дек сув юзида эди. Ернинг халқ қилинганидан минг йил ўтгандан сўнг сув тагидан оқ кўпик қайнаб, атрофларга тарқалди.

Хабар берадиларки. Одам алайҳис саломни жаннатдан ерга нозил қилдилар, Одам алайҳис саломнинг боши осмонга тегар эдики, бўйини эгиб ер юзига сайр қилар эди. Ваҳший ҳайвонлар, девлар ва бошқа йирик махлуқлар Одам атонинг қоматларини кўриб кўрқиб ҳар тарафга қочар эдилар. Бир куни Одам алайҳис саломни фаришталарнинг тасбиқ ва тақдис/поклик билан худони ёдлаш/ ларини эшитиб, кўп маюс бўлдилар, шу сабабдан худойи таоло Одам алайҳис саломни қоматини тўқсан газга келтирди. Одам алайҳис салом ўз қоматини калта бўлишидан даҳшатга тушиб фаришталарнинг тасбиҳ овозларини эшитиб худойи таолога мурожаат қилдилар. Аллоҳ таоло Жаннатдан бир уй ёқутли хонани Каъба ерига юборди, у уйнинг икки эшиги бор эди. Улар зумради сабздан қилинган бўлиб, бу эшикларнинг бири шарқ ва

бошқаси ғарб томонга очилар эди. Вахи келдики, Одам у уйни тавоф қил, чунончи илгари аршни тавоф қилар эдинг. Хожарул байзани¹ юбордики, уни зиёрат қилиб ўзингни юзингни унга суртгин.

Айтадиларки. Хожарул асвад/хонайи каъбадаги қора тош/ аввал оқ эди. Бир қанча муддатдан кейин кофира ва ҳаиза/ҳайз кўрган/ аёл у тошга қўлини тегизиб юзига суртгани учун қора тошга айланди.

Ҳазрат одам Ҳиндистон ерига истиқомат қилар эди. У ердан пиёда маккаю мукаррамага келиб тавоф қилар эди.

Савол: айтадиларки Одам алайҳис салом нима учун суворида келмас эди?

Жавоб: ҳеч маркаб/от , эшак, туя ва ҳ.к/ Одам алайҳис саломни кўтаришга тоқат қила олмас эди. Уч кунлик йўлни у бир қадамда босар эди. Одам алайҳис салом Ҳиндистондан пиёда қирқ марта маккаи муаззаммани бориб ҳаж қилган эди. Нуҳ алайҳис салом яъни Тўфон вақтигача Каъбада уй бор эди. Тўфон вақтида Аллоҳ таоло амри билан ёқутли хонани олтинчи осмонга кўтардиларки, холо бу хона фаришталарнинг Тавофгоҳи бўлиб ҳисобланади. Бу хонани байтул маъмур деб атайдилар. Самовотнинг субҳида ҳар кун етмиш минг фаришта байтул маъмурни тавоф қиладилар. Байтул маъмур осмонга кўтарилгандан кейин Каъбанинг жойи Иброҳим алайҳис салом замонигача бўш қолди. Худойи таоло Иброҳим алайҳис саломга амр қилдики, Байтул Маъмур жойига Хонаи Каъбани бино қилсин. Иброҳим алайҳис салом сўрадиларки, хонанинг вусъати/кенглиги/ қанча бўлсин. Аллоҳ таоло шамол/бод/га амр қилдики Хонайи Каъбани пок қилиб, вишона қилсин.

Иброҳим алайҳис салом қадимги Байтул Маъмур асосида ўз ўғиллари Исмоил алайҳис салом билан биргаликда Каъбанинг биносини қуришга машғул бўлдилар.

1. Хожарул Байза - оқ тош (аввал хонайи Каъбадаги тош оқ бўлган)

Хабар берадиларки, Расул алайҳис салом буюрадиларки, Байтуллода ўқилган бир марта намоз бошқа жойда ўқилган намоздан минг марта афзалдир.

Ривоятки: Ибн Аббос розиёллоху анҳудан Расул саллаллоху алайҳи васаллам, буюрадиларки ҳар ким ҳаж ё Умра/асғор ҳажи, ҳажнинг бир қисми бўлиб, махсус маросими бор/ қилиш учун ўз уйидан чиқса, унинг ҳар бир босган қадамидан, унинг танидаги гуноҳлар тўкилади, чунончи дарахтдан барг тўкилгандек. Агар ҳажга сувора борса маркабнинг ҳар бир босган қадамига унинг эгасига етмиш савоб ёзгайлар, агар пиёда йўлга чиқса ҳар бир босган унинг қадамида етти юз хасаноти кўпайган. Ҳамма савоб ишларни ёзгайлар. Асхоб сўрасаларки, ё Расулуллох, Ҳасаноти марҳум нима? Расул алайҳис салом буюрадиларки унинг ҳар бир ҳиссаси бир минг хасанотдир, ҳар ким Маккайи мукаррамага бир шахс билан йўлдошлик қилса гўё фаришталар ҳамролик қилгандек ва ҳар ким тавоф вақтида бир соат макканинг ҳароратиға сабр қилса, дўзахнинг оташи ундай кишидан юз йил узоқлашади.

Хикоятда келтурадиларки, Иброҳим ибн Адҳам раҳматуллоху алайҳи Каъбани тавоф қилиш ниятида йўлга чиқиб, сўрадики қаерга бораяпсан. Шайх айтди, Каъбага. Араб айтди, магар девона бўлдингми бу узоқ йўлга саворасиз қандай етасан? Иброҳим айтди, менинг маркабларим кўпдир, бу рост, аммо сен кўрмайсан ҳар нима ёки йўлда ғаразлик содир бўлса, сабр маркабига минаман, агар Худо таоло неъмат етказса, шукур маркабига минаман. Агар қазом етса ризо маркабига минаман. Араб деди мен билмабманки сен ақли савора мард экансан ва мен сенинг олдинда ва ишларингда пиёда эканман, деб жавоб берди.

Хикоят: Саҳл ибн Абдулло тастари раҳматуллоҳи алайҳи ҳажга бораётган эди. Йўлда ажуза/ қари кампир аёл/ни кўрдик бошида рўймол, кўлида асо йўлга қадам ташлар эди. Шайх ўз кўнглида айтдики, ажуза бечора бу офир ва узоқ йўлга қаергача етиб боради. Бир динор киссасидан чиқариб у ожузага берди ва айтдики, бу динорни олгину, ўзинга сарфлагин. У ожуза бир қанча вақт тўхтаб, ҳайрон бўлиб, ердан бир мушт/сиқим/ тупроқни кўтариб ҳавога қараб сепиб юборди. Муштига

олган динорни Шайхни олдига қўйиб айтдики, бу динорни киссангга солгинки, мен райбдан олдим. Бу гапни айтиб назардан ройиб бўлди. Шайхнинг юраги ожузани хасратидан куйди. Маккага етди, кўрдик ожуза Байтулло тавофини қилмоқда ва айтди, ё шайх ҳар ким ватанидан юрак қилиб тавофга келса, Каъбани жамолини кўрса ва ҳар ким ўз ватанида юрак нафсини кўтарса ҳақ жамолини кўради. Ҳақ таолло инсоннинг шарафи суратда эмас, маънидадир, деб айтган.

Байт:

Ҳар ба сурат одами инсон буди,
Ахмаду бў Жаҳл ҳама яксон буди.

Мазмуни:

Агар суратига қарасанг яхши одам эди,
Аекин Ахмаду Абу Жаҳл ҳамма яксон эди.

ЙИГИРМА САККИЗИНЧИ БОБ **Закот ва Сидк баёни**

Хикоят киладиларким Қорун бин Соқарин Кохиш бинлоҳи ибн Якуб алайҳи Лаъна Мусо алайҳис саломга амакивача бўлар эди. Тавротни ўқир эди. Мусо алайҳи салом билан нифок эди. Ҳамиша Мусо алайҳис саломни изо беришга ҳаракат қилар эди. Ҳазрат Мусо алайҳис салом қариндошлик жиҳатидан мадорайи мурасо қилишга ҳаракат қилар эди. Худойи таоло бани Исроил қавмига минг динордан бир минг дирхам закот берсин деб амр қилган эди.

Келтирадиларки, Қорун хазинасининг калидларини хачир тортар эди. Унинг ҳар бир калити кўлнинг бир ангушти билан баробар эди.

Қорун закот амрини эшитиб бани Исроилга айтдики, Мусо закот баҳонаси билан менинг ва сизларнинг

1. Абу Жаҳл - асли номи Абу Ҳаким Амр ибн Ҳошим), Муҳаммад алайҳис саломнинг тарғиботларига қарши турган Макка зодагонларидан бири, 624 ҳижрий йилда Бадр жангида ҳалок бўлган.

молларингизни исроф қилишни хоҳлайди. Закоат деса зинҳор берманглар. Мусо итоатсиз/боғий/ зинокор /зоний/ дир. Уни ражм/сангсор/қиламиз деб бир зоних/зинокор/ аёлни топиб, унга 40 уқия зар/олтин/ бердики, Мусо алайҳис саломни бани Исроил орасида обрўсизлантирсин. У зинокор хотин қабул қилиб Қорундан зарни олди. Қорун бани Исроилни тўплаб ва Мусо алайҳис саломга айтдики, фалон аёлни билан зино қилгансан. Қорун ўша Зонияни /зинокор аёлни/ тўпланган халқ олдига ҳозир қилди. У аёл бани исроил орасига чиқиб айтди, эй қавм шуни билингларки Қорун мени авраб, Мусо алайҳис саломга бўҳтон қил деб, қирқ уқия зар берди. Қорун тўпланган халқ орасида расво бўлди. Мусо алайҳис салом саждага бориб, йиғлаб муножот қилдиларки, Иллоҳ мен сени мурсал пайгамбаринг бўлсам. Қорун менга тухмат қилди, сен яхшироқ биласан. Шу аснода ваҳи келдики: Ё Мусо ерни ҳукмини сенга бердим, ҳар нима хоҳласанг амр қил.

Ҳазрат Мусо алайҳис салом хурсанд бўлиб, дедилар: Эй ер Қорунни молу амволи, ҳазинайи дафиналари, уй хиргоҳини ол! Дарҳол ер Қорунни тиззасигача ютди. Мусо алайҳис салом дарғазаб бўлиб, дедилар: эй ер ол! Ер Қорунни белигача тортди. Қорун ялинишга тушди. Мусо алайҳис салом яна дарғазаб бўлиб, айтдилар: эй ер унинг молу-мулкини ютгин! Ер Қорунни бўйнигача тортиб, Қорун зорий таваллога тушди. Мусо алайҳис салом илтифот қилмасдан дедилар: эй ер торт! Ер Қорунни ва молу-ҳазинасини хонайи хиргоси билан ўзининг қомига тортди.

Хабар берадиларки. Қорун ва унинг молу-мулки ҳар куни одам бўйи миқдорида ер остига кириб кетар эди. Секинлик билан ер остини еттинчи қаватига етган вақтда Исрофил алайҳис салом сурнайларини чаладилар ва ўша вақтда Киёмат қоим бўлади.

Ривоят қиладиларки. Аллоҳ таолодан Мусо алайҳис саломга ваҳий келдики, сенинг қазабинг сунчалик кўтарилдики, Қоруннинг жуда кўп марта ёлинишларига илтифот қилмадинг. Агар менга бир марта илтижо қилганида уни авфу қилиб, Хасф/ер остида пинҳон қилиш/ қилмас эдим.

Рубоий:

Аз бедорами расид Айёс ба фалак,¹
Аз бедорами² бирафт Қорун ба дарак³.
Гар зи онки бо симу зар гусе⁴ буди,
Айёс бадарак рафту Қорун ба фалак.

Мазмуни:

Иўқсизлигидан Айёс фалакка етди,
Давлатмандлигидан Қорун ер ости жаҳаннамга кетди.
Агар ўша симу-зар яхшилик йўлига сарфлаганда,
Айёс ер остига, Қорун эса фалакка кетган бўлар эди.

Келтирадиларки Аллоҳ таоло намозини закотга пайваста қилган. Намоз Худойи таолонинг ҳаққидир, Закот Фурқон ҳаққидирки, уларнинг раияти вожибдир. Намоз бадан ибодати, закот мол ибодатидир.

Ривоят киладиларки ҳазрат Али Карамулло важаҳудан: ҳар ким суолга/гадойга/ садақа берса, садақа ҳали суол кўлига тегмасдан, у садақа беш сухан айтсин: Кичик эдим қатта қилдинг, кам эдим кўп қилдинг, сени душманинг эдим, мени ўзингга дўст қилдинг, фони эдим, мени боки қилдинг, менинг нигоҳбоним эдинг, ўзингга посбон қилдинг. Бас садақа бериш балони дафъ қилгай, умрини зиёда қилгай, киши бирор нарсани садақа қилмоқчи бўлса, шайтон ундан узоқлашгай.

-
1. Фалак - осмон, қазову қадар
 2. Бедорами - бой, бадавлат
 3. Дарак - дўзахнинг энг чуқур жойи.
 4. Гусе (Гусй) - видолашиш, бошқа жойга юбориш.

ЙИГИРМА ТҶҶКЗИНЧИ БОБ

Фақирлик фазилати хақида баён

Хабар берадиларки Кибриёи Курайш Расул алайҳис салом хузуруларига келдилар, ё Мухаммад бу фақирлар жамоасини ўзингни хузуригдан хайда, мен улар билан суҳбат қуришни ор деб биламан. Улардан қўйнинг хиди келиб туради. Расул алайҳис салом айтдилар, бу кавм Хорис/чўпон ва дехкон/ дирлар, деб у асҳоби фақирларни олдиларидан узоқлаштирмоқчи бўлдилар. Дар ҳол Жаброил алайҳис салом ваҳий келтирдиларки, бу асҳоб фақирларни ўз олдиндан қувлама, улар беш вақт намозни ўташ билан ўз парвардигорларга ибодат қиладилар. Расул алайҳис салом Курайш сардорларига айтдилар, Худойи таоло мени фақирларни олдимдан узоқлаштиришимни ман қилди. Курайш айтдилар, бир кун улар билан, бошқа куни эса бизлар билан суҳбат қил. Расул алайҳис салом айтдилар, сизларнинг хохишларингизни қабул қилолмайман.

Курайш раъс/сардор/лари айтдилар, бу фақирларни ўзингдан узоқлаштирмасанг, уларга орқангни ўгириб бизлар билан рўпарў ўтир. Расул алайҳис салом Курайш сўзларини қилмасдан, ўша фақир асҳоблар билан суҳбат қилар эдилар. Расул алайҳис салом буюрдиларки, ҳар ким бойларни товози/юкори даражада тутса/, камбағалларни писанд этмаса, ҳар ким ўзини бу дунё мол-давлати билан ораста қилса унинг ботиний /у дунёси/ хароб бўлади.

Хикоят Хасан Басри розиёллоху анхудан: Мен Расул саллаллоху алайҳи васалламни етмиш асҳобларини кўрдим, уларнинг ҳаммасининг кийиб юрган бир либосладан бошқа қиядиган либослари йўқ эди. Расул алайҳис саломнинг фарошлари тулки пўстидан кийим қилиб, унинг ичи/остари/ хурмо пўстлоғидан эди.

Келтирадиларки. Ҳазрат Али карамуллоху важҳаху ўзининг халифалик даврларида уч дирҳамга пахталик қўйлакни бозордан сотиб олиб кийган эдилар. Расул алайҳис салом буюрадиларки, фақирлар бу дунёда машаққат чексалар ва охиратда масаррат /шодлик,

хурсандлик/ топгайлар. Ағниёлар /давлатмандлар/ бу дунёда масаррат кўриб, охиратда машаққат топгайлар. Фақирлар ағниёлардан беш юз йил олдинроқ биҳиштга киргайлар.

Байт:

Ганж ду пора нону, далқа¹у хузур,
Боқи ҳама сарбасар хаёласт ва фурур.

Мазмуни:

Икки пора нон гавҳардир, кўҳна либос хузур,
Қолган ҳаммаси бошдан оёқ хаёлу, фурур.

Хабар берадиларки. Ойша Сиддик розиёллоху анҳодан: Расулulloх уйларида арпа уни тамоm бўлиб, икки кун пайдар-пай оч аёлларга арпа келтирган эдилар.

Ҳикоят: Шақиқи Балхи раҳматуллоху алайҳидан: Фақирлар уч ишни ихтиёр қилганлар: нафс роҳати, қалб фароғати ва қиёмат кунининг ҳисоби. Ағниё /давлатмандлар/ уч ишни ихтиёр қилганлар, нафс машаққати ва ҳасад машғули ва қиёмат ҳисобини эсдан чиқариш.

Хабар берадиларки. Расул алайҳис салом буюрадиларки, ҳар қайси умматларда фитна бўлса, менинг умматларимнинг фитнаси молу-амвол учундир.

Айтадиларки. дирҳам ва дунёни/бойликни/ аввал иблис зарб қилган ва Иблис ҳар ким кўзига суртиб, дирҳам ва дунёни/бойликни/ қўлга киритса, уни тўпласа менинг бандам бўлсин, деб айтган.

1. Далқа - кўҳна/эски/Либос. Жанда, дарвешларнинг жунилик Либоси

Ривоят қиладиларки. Анас ибн Молик розиёллоху анхудан, Расул саллаллоху алайҳи васаллам, бир куни Ҳазрат Биби Фотима розиёллоху анхо уйларига бориб унинг ахволини сўрадилар. Фотима розиёллоху анхо айтдилар. Ё падари бузурқвор уч кундирки очман, таом еганим йўқ, оламдан менинг сабрим қолган эмас, мушкилроғи шундаки Ҳасан ва Ҳусайн розиёллоху анхумоларнинг йиғлашларидан тоқатим қолмади.

Расул алайҳис салом айтдилар. бугун билан тўрт кундирки, отанг бирор нарса еган эмас, бу суханни айтиб Фотима розиёллоху анхонинг олдидан чиқиб, Мадинадан ташқари чиқиб кўрдиларки туяга минган/уштур савор/араб, бир қудуқ бошига етиб, ўзининг туясини суғурмоқчи. Расул алайҳис салом у арабнинг ёнига бориб айтдиларки: ё араб музд ато қил, ман туяларингни сероб қилай/суғорай/. Араб айтди ҳар бир дўло¹ сувга учта хурмо бераман. Расул алайҳис салом рози бўлиб, дўлони муборак қўлларига олиб бир дўло сув тортидилар. Араб учта хурмо берди. Расул алайҳис салом очлик шиддатидан у учта хурмони едилар. Ундан сўнг саккиз дўло сув тортиб туялар олдига тўқар эдилар. Тўққизинчида ип узилиб дўло қудуққа тушди. Араб дарғазаб бўлиб ўз жойидан туриб, тарсаки билан Расул алайҳис саломнинг муборак юзларига уриб, йигирма хурмони Расул алайҳис саломга бериб айтди, дўлони қудуқдан чиқариб бер. Ҳазрат саллаллоху алайҳи васаллам муборак қўлларини чўзиб, қудуқ тагидан дўлонинг ўзларининг муборак қўлларига олиб қудуқ лабига қўйиб, у ердан Фотима розиёллоху анхо уйларига келдилар. Расул алайҳис салом кетганларидан сўнг араб ўйладики бу одам қандай қилиб, чуқур қудуқ тагидан дўлони олди, деб хайратда қолиб, бир шахсдан сўрадики, шундай шаклдаги одам ким? У шахс айтди, у киши Расул алайҳис саломдирлар. Араб ўз қилган ишидан пушаймон бўлиб, ўнг қўлини бандидан пичоқ билан кесиб, кесилган қўлини чап қўлига олиб вовайло қилиб Расул алайҳис салом масжидларининг эшиги олдига келиб ҳушидан кетиб

1. Дўло - /дўлоб/ - сув қўзаси, қудуқдан сув тортадиган идиш.

йиқилди, бирор соат ўтгач ўзига келиб йиғлар эди, айтар эдики, во мусибато, ё Муҳаммад оқибато! Салмон розиёллоху анху арабни кўриб сўради. Араб ўтган воқеани баён қилди. Салмон розиёллоху анху уни Фотима розиёллоху анхонинг уйи эшигига келтирди. Расул алайҳис салом Имом Ҳасан розиёллоху анхунинг рост тиззаларига, Имом Ҳусайнни чап тиззаларига ўтқазиб, уларга хурмо берар эдилар. Арабнинг йиғисини эшитиб ташқарига чиқиб, унинг аҳволини кўрдилар. Араб айтди, ё Расулуллох мендан гуноҳи азим содир бўлди, менинг узримни қабул қилгайсиз. Расул алайҳис салом айтдилар, нима учун ўзингни кўлингни кесдинг? Араб айтди, сени шу қўл билан тарсақлаб урганим учун. Расул алайҳис салом айтдилар Имон келтир.

Араб айтди, сизни пайғамбар айтадилар, Агар кўлимни аслига қайтарсангиз мусулмон бўламан.

Расул алайҳис салом унинг қўлини жойига қўйиб бисмиллохир раҳмонир раҳим дедилар, арабнинг қўли аслидек бўлиб, араб дархол калимаи шарифни айтиб мусулмон бўлди.

Хикоят Шайх Жанид Бағдодий раҳматулло алайҳи муҳаммад Ҳаририй раҳматулло алайҳига ўз жойларига қолишни васият қилган эдилар. Муҳаммад Ҳаририй иршод санодига¹ ўтириб бузург мартабага эришдилар. Бир куни хонақоҳга ўз муридлари ҳамроҳлигида суҳбатлашиб ўтирган эдики бир фақир ёш йигит кийимлари тоза, сочлари узунроқ ва юзлари анор олад кириб, икки ракаат намоз ўқиб, хонақоҳнинг гўшасида бошини қуйи солиб то намози шом вақтигача ўтирди. Йигит намози шомни жамоат ҳамроҳлигида ўқиб яна бошини қуйи солиб, ҳеч ким билан гаплашмай ўтирар эди. Ўша кечаси Халифа Шайхни ва унинг муридларини зиёфатга хабар қилган эди. Шайх у йигит олдига келиб айтди, бу кеча бизлар билан Халифа зиёфатига юргин. У жувон бошини кўтариб, айтди, сени

1. Иршод - тўғри йўлни кўрсатувчи, раҳбар, ҳидоят қилиш

2. Санод - мадҳ, таҳсин, шукр.

Халифангни зиёфатига боришимга ҳожат йўк, битта иссиқ нон ато қилгин, ўзинг қаерга борсанг ихтиёринг. Ва фақир жувоннинг сухани шайхга қаттиқ ботиб, юрагида айтди, мени амримга кулоқ солмади-ю, мендан яна ҳожат хоҳлайди. Бу жувонга нон бермасдан, халифанинг зиёфатига бориб, кечаси қолиб суҳбат қуриб, эрталаб тонгда хонақоҳга келдики, у жувон бошини кўкрагига қуйи солиб ўтирибди, кўзлари юмук эди ухлаб қолибди. Шайхни ҳам уйқу галаба қилиб, Шайх ҳам ухлаб қолди ва тушида кўрдикки, Расул саллалоҳу алайҳис салом икки шайхи нуроний билан, уларнинг орқаларида жамоа ҳамро бўлиб, улар юзлари мисли ўн тўрт кунлик ойдин кечасидек дурахшон эдилар. Шайх кўрдикки Ҳазрат саллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўнг тарафларида Иброҳим халилиллоҳ алайҳис салом ва чап тарафларида Мусо Калимулло алайҳис салом ва у жамоаи нуроний ҳамма пайғамбарлари салавот Аллоҳ таоло алайҳим жам эдилар. Муҳаммад Ҳаририй раҳматуллоҳу алайҳи туриб салом берди. Расул саллаллоҳу алайҳи васаллам ўзларининг юзларини қайтардилар, бошқа тарафдан келиб салом берди, яна пайғамбар алайҳис салом ўзларининг юзларини қайтардилар. Шайх балан овоз билан айтди. Ё Расулуллоҳ ман Муҳаммад Ҳаририйдирман. Умнатларингизнинг имомларидан биридирман. Иршоа/тўғри, йўлни кўрсатувчи/дирман, сизнинг умнатларингизга раҳнамодирман, ҳидоят қилувчи раҳбардирман. Ҳазрат Расул саллаллоҳу алайҳи васаллам муборак юзларини қаратиб айтадиларки, сени биламанки менинг умнатларимни ўйламасдирсан. Жониди бағдоди жойига ўтирибсан, Худонинг дўстларидан бири сандан нон сўради. Бахиллик йўлидан бориб нонни унга бермадинг. Бу кеча оч қолди. Муҳаммад Ҳаририй раҳматулло алайҳи уйқусидан уйғониб, кўркиб туриб кўрдикки у жувон хонақоҳдан чиқиб бормоқда, Шайх ўзининг ўрнидан туриб, у жувоннинг орқасидан бориб айтди: эй жувон бир озгина сабр қилгин сенга мен нон олиб келай, у жувон табассум қилиб айтди, сендан нон сўраган киши нонни бир лак йигирма тўрт минг пайғамбарни ҳозир қилиб олади ва бу сўзни айтиб шайх назаридан ғойиб бўлди.

ЎТТИЗИНЧИ БОБ

/Боби си-дар мазаммати дунё ва таваққул/

Шайтон одамлар кўзига дунёни ва аёллар муҳаббатини зийнат беради. Айтадиларки хотинлар фитнасидек баттароқ ҳеч бир фитна йўқки, Ҳазрат Одам алайҳис саломни аёл фитнаси жаннатдан бу дунёга келтириб қўйди. Ҳазрат Довуд ва Ҳазрат Сулаймон алайҳи саломлар неча марта аёлнинг мулки ва салтанатидан озор чеккан эдилар. Энг ёмон фитна хотин фитнаси бўлиб ва бошқаси ўғиллар, қизлар фитнаси бўлиб улар сабабли кишилар ҳалол ва ҳаромдан мол тўшлаб ўзларини ўболга /уволга / соладилар.

Ҳаёт даврида фитналар қиладилар, ундан кейин ота ўлгандан сўнг молини исроф қиладилар, қатор қилиб жамланган мол-мулкларни меросга олиб сарф қиладилар. Бир қатор ўн икки минг уқия бўлиб, минг уқия қирк дирҳамга тенг. Баъзилар айтадиларки, қаторни тўлдириш дегани ҳўкуз пўстини тангадан тўлдириш демақдир.

Расул алайҳис салом буюрадиларки, дунё/мол-мулк/ харомдир, унинг толиби итлардир. Дунё мўъминларнинг зиндонидир. Қабр мустаҳкам қалъасидир. Жаннат мўъминлар маконидир ва кофирларнинг зиндони қабрдир, уларнинг макони дўзахдир.

Ривоят қиладиларки, Ибн Аббос¹ розиёллоху алайҳидан дунё² маккор кампирдек, ҳийлагар кўзи, узун тишлари бордир. Қиёмат куни уни ҳозир қилиб, фаришталар аросат аҳлига айтсинларким, уни танийсизларми? Маҳшар аҳли айтсунларки, наузубиллохи уни танимаймиз. Фаришталар айтсинлар. Бу дунёдирки, у билан фахрланар эдингиз, ҳамма гуноҳ ишларни унинг учун қилар эдингиз.

1. Ибн Аббос - тўлиқ исми Абдуллоҳ ибн Ал Аббос расулудлоҳнинг амакиларининг ўғли машҳур ҳадис ровийлардан. 668 йилда вафот этган.

2. Дунё - малу - давлат маъносиди, бойлик.

3. Наузу биллоҳи - Аллоҳ сақласин, Худо ўз паноҳида сақласин.

Ривоят қиладиларки, бир кун ибн Умар розиёллоху анху ўғиллари мактабдан йиғлаб кириб келадилар. Ҳазрат Умар розиёллоху анху сўрадиларки, эй ўғлим нима учун йиғлайсан? Ўғил айтди, мактаб болалари мени эски чопонимни кўриб айб қилдиларки, амирал мўъмининнинг ўғлини кўрингки, унинг чопони бир қанча ямоқлари бор. Ҳазрат Умар розиёллоху анхунинг чопонлари ўн тўрт ямоғи бор эди. Чопоннинг баъзи ямоқлари чармдан эди. Умар розиёллоху анху Байтул мол хазинасидан бир неча танга қарз берсин, ўзимни ўғлимга янги чопон сотиб олиб бериш учун, бир ойдан кейин менинг маошимдан сақласин. Хазиначи мактуб ёздики ё амирал мўъминин агар бир ой ўз ҳаётингга эътимединг бўлса, хат ёзиб юбор, сенга берай, агар бир ойда дунёда қолмасанг Байтул мол ҳақи гарданинга/бўйнингда/ боқи қолади. Умар розиёллоху анху хатни ўқиб кўп йиғлаб ўғилларига қараб боргин, ман ўз умримда бир соат ҳам эътимедим йўқ деб айтдилар.

Хикоят: Хорун ар Рашид Шайх Балхи раҳматуллоху алайҳини кўриб айтди, шақиқ зоҳидмисан? Шайх айтди мен Шақиқман, аммо сен зоҳидсан. Ҳарун ар Рашид айтди, мен Халифаман, бутун ер юзи мени амримда, Шайх айтди, Аллоҳ таоло буюрганки “Қулҳу мағъа ал дунё қалил” Машриқдан то мағрибгача қалил/кичик, кам, андак/ дир, сен шу қалил билан қаноат қилдинг, сен зоҳидсан. Зоҳид шундай кишики андакка қаноат қилсин. Аллоҳ таоло менга саккиз жаннат мулкани арзи/ҳадя/ қилди, ман унга қарамасдан Аллоҳ таолога ўзимни бағишладим, мен қандай қилиб зоҳид бўламан.

Хабар берадиларки ҳазрат Мусо алайҳис салом бир куни Тур тоғига кетар эди. Йўлда мажусий дуч келиб, айтди: ё Мусо Худойи таолога айтгинки агар худойи таолонг розиқ бўлса, менга ризқ бермасун. Ҳазрат Мусо Тур тоғига бориб муножот қилдилар.Ваҳи келдики, ё Мусо Мажуси бандамнинг суханини нега айтмадинг. Мусо алайҳис салом айтдилар, илоҳи, унинг сўзини айтишга уялдим. Ваҳи келдики, ё Мусо бандамга бориб айтки, агар у менга қиладиган ибодатидан ор қилса, ман унинг парвардигори бўлишимдан орим йўқ ва ман жамий махлуқотларнинг раззоқидирман/ризқ берувчидирман. Н.И/ Мусо алайҳис салом Аллоҳ таолонинг бу сўзларини

эшитиб, Мажусийга айтди. Мажусий/зардушти/ айтди сенинг парвардигоринг кўп карим экан. Ашҳадда ло илоха иллаллох, деб мусулмон бўлди.

Хабар берадиларки Бир куни Хотам раҳматуллоху алайҳи масжиддан кетаётганда бир эркакни кўрдикки у ерда юрибди ва сўрадикки нима талабинг бор? У шахс айтди, ризк талабида юрибман, Хотам айтди ризкингни қаердалигини биласанми? У эркак, йўқ деб жавоб берди. Хотам айтди: у ерда/масжидни кўрсатиб/ ризк сени ахтариб юрибди, сен уни кўрмайсан.

УТТИЗ БИРИНЧИ БОБ

/Ихлос ва Мунофиқлик/риё/ни тарки хакида/

Хабарда келтирадиларки Расул салаллоху алайҳи васаллам буюрадиларки киёмат куни уч гуруҳни келтирсалар ва Аллох таолодан нидо келсинки, сиз дунёда нима иш билан машғул эдингиз? Бир гуруҳ айтсинларки, дунёда Ёур:он Кориси эдикки, кеча кундуз Куръон ўқирдик. Нидо келсинки ёлғон айтасиз, бизларни яхши қори десинлар деб Куръонни риё билан хўжа кўрсинга, ўзингини кўрсатишга ҳаракат қилиб мунофиқона ўқиган сизлар ва бошқа гуруҳдан сўрасинки, сизлар дунёда нима иш билан шуғуллангансизлар. Улар айтсинларки бизлар давлатманд/ағниё/ молу-дунё соҳиби эдикки, сенинг йўлингга садақа ва хайрия қилар эдик. Нидо келсинки, ёлғон айтасизлар уларнинг ҳаммасини хўжа кўрсинга мунофиқона қилар эдингиз, яъни бизларни саховат пеша десунлар деб, уларнинг бирортаси ихлос билан қилинган ишлар эмас эди. Бошқа бир гуруҳдан сўрасинки сизлар дунёда нима ишлар билан шуғулландинглар? Улар айтсинларки, бизлар сенинг йўлингга жон фидо қилган эдик. Нидо келсинки сизлар ёлғон айтаяпсизлар, улар ҳаммаси риё эдикки, бизларни шужоъ/далер,баҳодур/ деб билсинлар, бизларга мартаба ва инъом берсинлар деб қилгансизлар шундай мунофиқона йўлга киргансизлар.

Расул алайҳис салом ўз кўлларини тизаларига уриб айтдиларки, у уч гуруҳни ҳавола қилинг.

Хикоят келтирадиларки. Ҳасан Басрий раҳматуллоҳи алайҳининг вафотидан сўнг бир шахс уни тушида кўриб сўрадики, Аллоҳ таоло сенга қандай муомала қилди? Шайх айтди, Аллоҳ таоло менга нидо қилдики, ё Ҳасан Басрий масжидда Куръон ўқиган кунларнинг мардумга ўз кўзинг билан ишорат қилдингки, ҳусни суратимга назар қилинг, агар сенинг ўқиган намозларинг менинг даргоҳимда қабул бўлмаганда, сенинг бу кирдикоринг учун ўз даргоҳимдан ҳайдар эдимки, риё қилган эдинг. Агар бир лаҳза риёга йўл қўйсанг, етмиш йиллик ибодатинг фосил/фасод/га айланади.

Хикоят Бир эркак ғазога дин йўлидаги жангга бораётганда йўлда керак бўлади, деб бир идиш олган эди. Бир шаҳарга борганда идишга бир нима баҳо қўйиб савдогарга/тожирга/ сотди. Тушида кўрдикки икки шахс осмондан нозил бўлиб бир бирларига айтдиларки, ғазо савобини тожир/савдогар/га ёзгин. У эркак айтди: У ғазога бормайди нега ғазонинг савобини унга ёзасизлар. У шахслар айтдиларки, сен зарфингни/сув ичидаги идишингни/ ғазо нияти учун олган эдинг, аммо сотдинг, сенинг ғазо қилганингни савоби тожир/савдогарга/ ёзиладиган бўлди. У эркак айтди, валоҳ мен ғазо учун чиққанман. У шахслар айтдиларки, ғазо учун чиқиб зарфингни йўлда соттинг, бу ҳукм Аллоҳ таолога ҳавола.

ЎТТИЗ ИККИНЧИ БОБ

/Хоксорлик ва Калонгирлик ва хайратлантирувчи фазилатлар ҳақида/

Расул саллаллоҳу алайҳи васалламдан, ҳар ким ўз кўнглида Ҳардал /сиёҳдона/ донасидек имони бўлса дўзах доҳили бўлмайди, ҳар кимнинг дилида Ҳардал донасидек кибрлик бўлса жаннат доҳили бўла олмайди.

Хабар берадиларки Расул саллаллоҳу алайҳи васаллам бужорадиларки қиёмат куни уч гуруҳга Аллоҳ таоло назар қилмағай, дардли азобга гирифтор қилғай.

Аввал- зинокор/зонй/ шайх;

Иккинчи - малики каззоб/ёлғончи, малик/;

Учинчи - мутакаббир олим/такаббур олим/.

Бу уч гурухга Аллоҳ таоло азоб қилгай ва бу уч гурухга
ғазабни зиёдарок қилсин:

Аввал - ғазаб қилсин фосиққа, ғазабни зиёдарок
қилсин пири фосиққа/фосиқлар пирига/;

Иккинчи - ғазаб қилсун бахилга, ғазабни зиёдарок
қилган, давлатманд бахилларга;

Учинчи - ғазаб қилсун калонгирларга ва ғазабни
зиёдарок қилсин мутакаббир /такаббур/ фуқароларга.
Аллоҳ таоло уч гуруҳни дўст деб ҳисобласин:

Аввал - дўст деб ҳисобласин такво-
дорлар/муттақин/ни дўстроқ тутсин ёш такводорларни;

Иккинчи - дўст тутсин сахийни, дўстроқ тутсин
фақир саховат пешани;

Учинчи - дўст тутсин мутавозеъ/тавозеъ қилувчи
хоксорни/, дўстроқ тутсин давлатманд саховат пешаларни.

Хабар берадиларки. Расул саллаллоҳу алайҳи
васаллам буюрадиларки мутакаббирлар қиёмат куни
чумолилардек кичик одам суратида бўлғайлар, уларни
жаҳаннам зиндонига ташлайдилар, уни булис деб
атайдиларки, унинг олови /оташи/ дўзах оташидан
баландроқдир, унинг таоми дўзах аҳлининг
асоратидандирки, фисқ-фасод қонидир.

Ривоят қиладилар Сўфиёни Саври раҳматулло
алайҳи дерлар гуноҳе борки асли у шахватдир, ундан
мағфират умедворлиги бор, лекин манман кибрли
кишиларни Аллоҳ кечирмайди, чунки иблис кибр туфайли
жаннатдан қувилди.

Хабар берадиларки Расул саллаллоҳу алайҳи
васалламдан ман тавозеъ рафъе Аллоҳ таоло ва ман
такбири вазъ Аллоҳ таоло/ман бузург Аллоҳ таолонинг
хоксориман ва мен унинг бузурглигини билишда энг
пастидирман.

Хикоят Мухаллаб ибн абу Сафрат Саҳоб ал
Жишхижож бин Юсуф ал Шақифий бир куни дебо/ипакдан
тўқилган қимматбаҳо мато, ҳарир/ либосини кийиб
Мутраф раҳматулло алайҳи олдидан ўтди. Мутраф айтди, ё

Абдулло бу дебо либосинг билан худо ва расулни ўзингга душман қилдинг. Муҳаллаб дар қаҳр бўлиб айтди, сен мени танимадингми? Шайх айтди, танийман, аввал нутфаи палиди буди/аввал мурдордан бўлган эдинг/, охирида жифаи палит/харом ўлган ҳайвонлардек/ бўлибсан, икки харомга хизмат қиладиган ҳаммолсан холос.

Келтирадиларки, нафснинг етти боши бор, у бошлар: ғазаб ва шаҳват, ҳасад ва бахил, ҳирс, риё ва кибрдан иборатдир. Ғазабни бошини ҳалим ва илму амал билан ҳал қилинади. ҳасаднинг бошини Аллоҳ таоло ато қилган эътиқод билан ҳал қилинг, шаҳват бошини риёзат ва имтиёз орқали ҳал қилинади. Бахиллик ва ҳирс бошини қаноат билан, риё бошини ихлос билан ҳал қилинади. Кибр бошини тавозуъ /хоксорлик/ билан ҳал қилинг.

Ривоят қиладиларки Ҳазрат Умар розиёллоху анху ўзининг халифалик даврида Шом вилоятига сафар қилдилар. Бир туялари бор эдики, ўз қулларини ҳамро олиб бораётган эдилар. ҳар бир манзилга боришда туяни навбат билан минар эдилар. Шом вилоятига кираётганда туяга миниш навбати қулга етган эди. Шунинг учун туяга қул миниб, амирул мўъминин пиёда туяни ипини тортиб олдинга борар эдилар. Йўлда сув ичидан ўтишга тўғри келди. Этик ва чопонлари ҳўл бўлди. Шу аҳволда туяни тортиб борар эдиларки, Абу Обида Жароҳ розиёллоху анху яъни Шомнинг ҳокими ҳазрат Умар розиёллоху анху келаётганини эшитиб, у кишининг истиқболига чиқиб, Амирул мўъмининг бу аҳволда кўриб айтди, ё амирал мўъминин Шомнинг амалдор ва саловият/акобирлари/ сизнинг истиқболингизга чиққанлар. Сиз туяга мининг қулингиз туя тортсин. Умар розиёллоху анху айтдилар, ё Абу Обида менинг иззатим Аллоҳ таоло ва унинг расули олдада, мардумларнинг гапларини ҳеч қандай аҳамияти йўқдир.

Келтирадиларки Салмон розиёллоху анху-Мадоин вилояти ҳокими эрдилар, бир куни ўша шаҳар кўчасидан ўтаётганида бойлардан бири қимматроқ бир юкни харид қилди. Салмон розиёллоху анхуни ҳаммол гумон қилиб, бу юкни кўтариб уйимга элтиб бер деб айтди. Салмон розиёллоху анху у юкни кўтариб, унинг ҳовлисига олиб бораётганда, бир шахс уни таниди. Юкнинг эгасига ҳабар

бердики, вой сен амирни танимадингми? У шахс келиб узр сўрамоқчи бўлди. Салмон розиёллоху анху қабул килмасдан ўша юкни унинг уйига элтиб бердилар.

Келтирадиларки Ҳазрат Али Карамуллоху важҳаху айтдилар:

Итдаги ўн хосият тақводор ҳар бир мўъминга вожибдир.

Аввал - Халойиқ ўртасида итнинг ҳеч кадри бўлмайди;

Иккинчи - ит фақирдир, унинг ҳеч қандай моли бўлмайди;

Учинчи - Ер унинг бисотидир, ҳар ерга ётади;

Тўртинчи - аксар у оч бўлади;

Бешинчи - эгаси уриб хайдаса ҳам ўз эгасини тарк килмайди;

Олтинчи - эгасини посбонлигини қилиб, унинг душманини уйга киритмайди;

Еттинчи - кечаси ётмайди;

Саккизинчи - аксар у сукут билан машғул бўлади;

Тўққизинчи - эгаси нима берса, ўшанга рози бўлади;

Ўнинчи - ўлса, ундан ҳеч нарса қолмайди. Булар ҳаммаси тақводор мўъминларнинг вожиботи бўлиб ҳисобланади.

Хабар берадиларки Тур тоғида Мусо алайҳис саломга Ваҳий келдики, ё Мусо бориб ўзингдан алисроқ¹, ҳақирроқ² ва фақирроқ³ шахсни топиб Тур тоғига олиб кел. ҳазрат Мусо алайҳис салом Тур тоғидан тушиб жамий шаҳар ва қишлоқларни кезиб, ўзидан бошқа Алим, ҳақир ва фақирроқ ҳеч кимни топа олмадилар. Бир харобага бордилар ва кўрдиларки бир заиф ит респон/ип/ билан бўйнидан боғланган, ҳамма жойи жароҳатли. У ит Аллох таоло каромати билан тилга кириб айтди: ё Мусо қаерга кетаяпсан? Мусо алайҳис салом айтдилар, Аллох таоло

1. Алим - дардлик, аламлик, кўп азобланувчи

2. Ҳақир - беқадр, хор, заиф бадан.

3. Фақир - камбағал, қашшоқ, муҳтож.

менга амр қилдики, ўзингдан алисроқ, фақирроқ ва ҳақирроқ шахсни топиб кел, мен кўп шаҳар ва қишлоқларни ахтардим ундай кишини топа олмадим. Ит айтди, ё Мусо агар олий фармоннинг урдасидан чиқсанг, бу ипни мени гарданимдан ечиб, ўз бўйнингга боғла ва бориб муножот қилки, Илоҳи шаҳар ва қишлоқларни қидирдим, ўзимдан ҳақирроқ ва фақирроқ шахсни топа олмадим.

Мусо алайҳис салом ипни итнинг бўйнидан ечиб, ўз бўйинларига боғлаб, Тур тоғига келиб, муножот қилдиларки, Аллоҳ ўзимдан бошқа алисроқ, ҳақирроқ ва фақирроқ топа олмадим, ўзимни ип билан боғлаб келтирдим. Ваҳий келдики, ё Мусо бу ипни кимдан ўргандинг? Мусо алайҳис салом айтдиларки, итдан ўргандим.

Ваҳий келдики, ё Мусо агар ўзингни нафсингни итдан яхшироқ билиб, итни олиб келганинга сени қаттиқ азобга/ба азоби алим/ гирифтор қилар эдим.

Хикоят икки киши бир-бири билан душман сифатида Расул алайҳис салом ҳузурларига келиб бириси айтарди мени отам фалони бинфалони бўлади сенинг отанг ким.

Расул алайҳис салом буюрдиларки, Мусо алайҳис салом ҳузурига бир шахс келиб, менинг отам фалони бин фалони, унинг ота боболари фалонилар ҳам улуғ кишилар ва катта бойликка эга бўлганлар деб оғиз кўпиртириб мақтанар эди. Мусо алайҳис саломга ваҳий келдики, унинг ўзининг жойи дўзах бўлади. Сизларнинг мақтанишларингиз ҳам худди ўша дўзахга ҳукм қилинган шахсга ўхшайди.

Бир куни Абу Зар¹ розиёллоҳу анҳудан: Расул алайҳис салом ҳузурларида бир шахс билан суҳбат қилиб айтди, ё ибн Сиёх/ё ибн қора/. Расул алайҳис салом айтди, ё Абу Зар ўз хаддингни билгинки, ҳақ йўлида оқ ўғил билан қора ўғилнинг фарқи йўқдир. Абу Зар розиёллоҳ у шахсга айтди, Худойи таоло ҳақи, ижозат бергинки, мен сени оёғингни ўпай, чунки улуғ қудратни менинг дилимдан дафъ қилдинг.

1. Абу Зар - Исломнинг ilk тарғиботчиларидан. 625 йили вафот этган.

Байт:

Паҳлавон он нест сафҳо бишиканад,
Паҳлавон он аст, ки худро бишиканад.

Мазмуни:

Сафларни мағлуб қилган паҳлавон эмас,
Ўзининг кибру ҳавосини енган киши
паҳлавондир.

Хабар берадиларки Бир шахс расул алайҳис салом хузурларига келиб айтди, ё расулуллоҳ менга насихат қилинг. Расул алайҳис салом буюрадиларки, ҳар ким сендан бирор саволни неча марта сўраса ҳам унга ғазаб қилма. Зероки ғазаб шайтондан, шайтон оташдандир, оловни сув билан енгадилар/мавҳ мекунанд/.

Ҳар вақт ғазабда бўлсанг туриб таҳорат қилки, ғазаб сендан узоқлашсин. ҳар ким ҳалим бўлса рўзадолрларнинг кечқурун ўқиган намозларидан олган савоблари билан тенгдир.

Хикоят Лукмони Ҳаким ўзининг ўғлига айтган эканки, ўғлим ҳалим кишини таниб бўлмайди, ғазаб вақтида шижоат пеша/жасур/ кишини ҳам таниб бўлмайди, шунингдек ёмон аҳволда қолганда ҳожат чиқарувчи дўстлар ҳам камаяди.

Хикоят Ҳазрат Усмон розиёллоху анҳу ўзларининг қулларини қуловидан тортдилар. Қул деди: ё мулло қиёматда маҳшар қасосини эсла. Усмон розиёллоху анҳу ўзларининг қилган ишларидан пушаймон қилиб, ўзларининг қулоқларини қулнинг қўлига тутқизиб дедилар, мени қулоғимдан тортки, мен маҳшар қасосига тоқатим йўқдир.

Қул Усмон розиёллоху анҳунинг қулоқларидан тортди. Айтдилар, қаттиқроқ тортгин. Қул деди: ё мулло сиз маҳшар қасосидан хавфингиз бўлса, мен ҳам маҳшар қасосидан қўрқаман.

Байт:

Аз баҳорон кай шуд сабззор санг
Хок шав то гул барояд ранго-ранг

Мазмуни:

Баҳор келганда тош қачон савззор бўлди,
Тупрок бўлки гуллар чиксун ранго-ранг.

**МАЛОМАТ ВА НОТАВОНБИНЛИК,КИНА
ҲАҚИДАГИ БОБ**

“Боб дар баёни зам, ал ҳасад ва ал хикд”/

Ибн Аббос розиёллоҳу анҳудан келтирадиларки,

Ҳазрат Ҳаво/Момо Ҳаво Н.И./ Розиёллоҳу анҳудан беш юз қорин фаразанд таваллуд бўлиб, ҳар бир қорин/батн/ дан бир ўғил ва бир қиз таваллуд топар экан. Аввал бир қориндан Қобил ва унинг синглиси Иқлима туғилган. Ундан кейин Ҳобил ва унинг бирла синглиси Обуда туғилган. Қобил деҳқончилик билан, Ҳобил қўй боқиш билан машғул бўлган экан. Аллоҳ таолодан фармон бўлдики, Соҳиб жамол бўлган Иқлимани Ҳобилга, никоҳлаб берсун. Хусн жамолга эга бўлмаган Обудани Қобилга никоҳлаб берсин. Одам алайҳис салом Аллоҳтаоло фармонига бўйсуниб, икки қизни икки ўғилга никоҳлаб бермоқчи бўлдилар. Қобил Аллоҳнинг фармонига қарши чиқиб, айтди, мен бу амрни қабул қилмайман. Одам алайҳис салом ҳар иккала биродарга қурбонлик буюрдилар. Қобил буғдой ғўшасини келтирди. Ҳобил бир қўй олиб келди. Осмондан олов келиб, Ҳобилни қурбонийсини куйдирди. Буғдой ғўшаси қолди.

Одам алайҳис салом Аллоҳ фармонига биноан Иқлимани Ҳобилга никоҳлаб бердилар. Аввал дунёда пайдо бўлган ҳасад Қобилнинг ҳасади эдики, ўша ҳасад натижасида ўз бародари Ҳобилни ўлдирди. Ўша вақтда Одам алайҳис салом ҳажни ўтқазиб учун борган эдилар. Дуниёни бирдан қоронғулик қоплади. Одам алайҳис салом Жаброил алайҳис саломдан сўрадиларки, бу қандай

зулмат? Жавоб бердиларки, бу Кобилнинг шумлигини сабабидирки, Хобилни ҳасад натижасида Кобил қатл қилди. Одам алайҳис салом кўп хафа бўлиб, юз йил Хобилнинг фироқида йиғладилар.

Келтирадиларки Муовия розиёллоху анху ўз ўғлига деди, бир кишига зинҳор ҳасад қилмаки, душмандан кўра олдинроқ сенга тегади. Хайрли ишлар ҳасаддан кўра яхшироқдир. Ҳасаднинг зарари хайрли ишларга тегади. Ҳасаднинг беш оқибати қуйидагичадир:

Аввал - ғамдир, унинг чегараси йўқ;
Иккинчиси- мусибатдир;
Учинчиси - мазаммат/Коҳиш, маломат/ бўлиб,
ундан яхшилиқ келиб чиқмайди;
Тўртинчиси - Худонинг ғазабидир;
Бешинчиси - Агар ҳасад қилсанг Аллоҳ таоло сенга
фисқни ҳамро қилади.

Байт:

Чун куни бар бе ҳасад макру ҳасад,
Зи он ҳасад дилро сиёҳойи расад.
Ҳар касе кўрро ҳасад бини кунад,
Хешро бе гўшу, бе бинни кунад.

Мазмуни:

Ҳасад қилмаганларга макру ҳасад қилсанг,
Бу қилган ҳасадинг сени дил сиёҳликка
/кўнгил қораликка/ етказсин.
Ҳар ким кўзи ожиз кишига ҳасад қилса,
Ўзи кулоқ ва бурундан маҳрум бўлсин.

Ривоят Абу Аайс раҳматулло алайҳи дедилар: уч тоифа борки, уларнинг дуолари мустаҷоб бўлмайди:

Аввал - ҳаромхўрлар;
Иккинчи - ғийбат қилувчилар;
Учинчи - мусулмонларга ҳасад қилувчилар.

ҒИЙБАТ ВА БОШҚА ОФАТЛАР БАЁНИ ҲАҚИДАГИ БОБ

Агар Худойи таолога имон келтирсангиз, мусулмон биродарларга ёмон гумонда бўлманг. Агар унинг айбини эшитсангиз, зинҳор айбини кавлаштирмангки, катта гуноҳ бўлади. Унинг айбини юзига зоҳир қилманг, бирор банд айбдан холи эмас.

Бир куни ойша Сиддиқ розиёллоҳу анҳо қомати калта аёлни қўриб қўли билан ишорат қилди. Расул алайҳис салом буюрадиларки, ё Ойша! Таъна ғийбат қилдинг. Ғийбат итларнинг хўроқидир.

Байт:

Чун Худо хоҳадки пардаи касе дарад,
Майлаш андар таъна¹ покон барад.
В-ар²Худо хоҳадки пўшад айби касе,
Кам занад дар айби маъюбон³ нафас

Мазмуни:

Агар худо бировнинг қилган айбини /гуноҳларини/ ошкор қилмоқни хоҳласа, Унда бегаразона у шахсга танбеҳлар бериш жоиздир. Агар худо бировнинг айбини ёпмоқликни хоҳласа, ул айбни ошкор қилмоқ гуноҳдир.

-
1. Таъна - тилнинг захми, маломат
 2. В-ар - агар
 3. Маъюбон - майиблар, айбли кишилар

Келтирадиларки Мусо алайҳис саломга Аллох таолодан ваҳий келдики, ҳар ким ғийбатдан тавба қилган бўлса, ўлгандан кейин ҳамма мусулмонлардан кейин жаннатга киради ва ҳар ким ғийбатдан тавба қилмаса ҳаммадан аввал дўзахга киради.

Ривоят қиладиларки Расул алайҳис салом буюрадиларки мерож кечаси бир қавм билан учрашдимки, уларнинг тирноқлари мисдан, ўзларининг юзлари ва кўкраklarини тирнаб мажруҳ қилар эдилар. Жаброил алайҳис саломдан сўрадим. У жавоб бердики улар ғийбат қилувчи халойиқдирлар.

Ривоят қиладиларки Анас ибн Молик розиёллоху анҳудан: Расул саллаллоху алайҳи васаллам буюрадиларки савоблари ботил бўлган рўзадорлардан тўрт гуруҳи борки, бу гуруҳнинг таҳоратлари ва хайру -эҳсонларининг савоби ботилдир:

Биринчи - гуруҳдагилар ғийбатчилардирлар;
Иккинчи - ёлгон гапирувчилар;
Учинчи - суханчи/гап терувчилар/;
Тўртинчи - бегона аёлларнинг хуснига назар қилувчилардирлар.

Хикоят: Абу Амома баҳли розиёллоху анҳудан: Аллох таоло бандаларнинг Номаи аъмол яъни дунёда қилган ҳамма савоб ва увол ишларнинг номасини уларнинг кўлларига берса, баъзи мардумлар Номаи аъмолини кўрдилар унда гуноҳлари кўч ёзилган.

Номаи аъмолни кўлига олган банда айтсинки: Ё раб бу номада устувор бўлган менинг савоб ишларим қаерда? Нидо келадики, у ҳасанотлар/савоб ишлар/ мардумларга қилган ғийбатингга сарф бўлган эди. Сенинг хабаринг йўқ эди.

Байт:

Аввал Эй жон дафъи шар¹ бар муш кун,
Ва он кохон дар жамъи гандум кўш²кун.
Гар на муш ва зар даранбори мост,
Гандуми анбори чил сола гучост.

1. Шар/р/ - ёмонлик, фасод, бадкорлик.

2. Кўш - савий, чаҳд, гайрат

Хикоят Хомид Робех раҳматуллоҳ алайҳу айтадиларки, бир кун ғийбатчи билан йўлдош эдим ва унинг ғийбатларига шерик бўлдим. Кечаси тушимда бир узун, қора эркак бир товоқ/лаган/ чўчка/тўнғиз/ гўштини менинг олдимга келтириб қўйди, айтди, егин! Мен дедим, чўчка гўштини емайман. У эркак, бундан ҳаромроқ нарсани единг, - деди-ю тўнғиз гўштини менинг оғзимга солди. Уйқудан уйғониб кетдим. Валлоҳки уч кунгача таом есам димоғимдан ва оғзимдан ўша тушимда кўрган чўчка гўштининг хиди келиб турар эди.

Хикоят Ҳотам Зоҳид раҳматулло алайҳидан: Уч нарсани зикр қилсалар у ердан раҳмат кетади:

Аввал - бойлик зикри;
Иккинчи - бирор киши устидан кулиш;
Учинчи - ғийбат.

Расул алайҳис салом буюрадиларки ҳар ким хомушликни ихтиёр қилса бўлади, ҳар ким сукутни ихтиёр қилса саломатлик унга бўлади.

Хикоят Исо алайҳис салом айтадиларки, ибодат ўн нарса бўлиб, шундан тўққизтаси хомушлиқдир ва биттаси мардумлар суҳбатидан қочишдир. Қаломнинг зеболиги моляънийни/бемаъни нарсаларни/ тарқ қилишдир.

Нақл қиладиларки /манқул астки/ Ҳамад ибн Салим раҳматуллоҳу алайҳидан бир шахс бир қулга харидор бўлди. Сотувчи айтди, бу қулнинг бир айби бор, шу айби билан сотаман. Муштари айтди, нима айби бор? Сотувчи айтди, бу қул намоми/ёлғон гапларни тарқатувчи/ яъни суҳанчидир. Муштари қулни шу айби билан сотиб олиб уйига олиб борди.

Бир неча кун ўтгандан кейин қул хўжайиннинг хотинига айтди, Хўжа сени яхши кўрмайди, хотин олиш тарадудига юрибди. Агар уйқусига унинг соқолини бир неча толасини узиб берсанг, мен унга афсун дамида қилиб/афсун ўқиб/ берсам эринг сени яхши кўриб, бошқа хотинни олишдан воз кечади. Ундан кейин қул хожаинг

1. Валлоҳ - ба худо, бахудоки, (2 Валлоҳи аълам - худо донороқдир, худо билади)

олдига бориб айтди, сенинг хотининг бошқа ошиқ пайдо қилган, сени ўлдириш ҳаракатида бўлиб юрибди, мени сўзимни бовар қилмасанг бу кеча ўзингни уйқуга солиб ёт, менинг сўзимга кейин ишонасан. Гофил шахс кечаси келиб, ўзини уйқуга солди. Хотини қўлига устора олиб, эрининг лихъя /соқоли/ни тагидан бир икки тора соч олишни хохлади, эр ўрнидан туриб хотинини ўлдирди. Қул бу воқеани хотиннинг қариндошларига хабар берди. Улар келиб у эркакни ўлдирдилар. Қул бу воқеани эркакнинг ақраболарига/қариндошларига/ хабар берди. Эркакнинг қабиласи тўплашиб аёлнинг қабиласига ҳужум қилдилар, икки тарафдан бир неча кишилар ўлиб, мажрух бўлдилар.

Ривоят қиладиларки бир шахс расул саллаллоху алайҳи васаллам хузурларига келиб айтди. Ё Расулуллох мен тўрт ишга мубталодирман сизнинг наздингизга уларга тўба/тавба/ қилай деб келдим. Расул алайҳис салом сўрадиларки, тўрт иш қайсидир? У шахс айтди:

Аввал - ёлғон айтишга одат қилганман;
Иккинчи - шароб ичман;
Учинчи - зинога майл қилганман;
Тўртинчи - ўғрилиққа мубтало бўлганман.

Расул алайҳис салом айтдилар, тўрт нарсани тарк қилиш шари хилофининг амридир. Одат бўйича сен буларни бирданига тарк этолмайсан. Ҳозир менинг олдимда фақат ёлғон гапиришдан тавба қил, қолганини ўзинг биласан. У эркак ёлғончиликдан тавба қилди.

Бир куни шароб мажлиси бўлди, у шахсга шароб бердилар, фикру андешага кетди/мутафаккир шуд/, айтди агар шароб ичсам расул алайҳис салом шароб ичдингми? - деб сўрасалар, агар мункир бўлсам ёлғон айтган бўламан, ёлғон айтишдан тавба қилганман, агар иқроор бўлсам шариат юзасидан мени Худо урган деб айтадилар. Шу билан шароб ичишни тарк қилди.

Бир куни зино ишига борди, яна фикр қилдики, Расул алайҳис салом зино қилдингми? - Деб сўрасалар мункир келсам ёлғон гапирган бўламан, иқроор бўлсам Худонинг ғазабига учрайман, деб у ердан кетиб тавба қилди. Бошқа куни қасд қилдики ўғрилиқ қилай деб, яна

тафаккур қилдики, агар инкор қилсам, ёлгон гапирган бўлман, шу ишни қилиб, иқрор бўлсам Худога хуш келмайди, деб бу ишини ҳам тарк қилиб, Расул алайҳис салом хузурларига келиб айтди, Ё расулуллоҳ ёлгон айтишдан мени ман қилдингиз, ёлгонни тарк қилиш шундай яхши эканки ростгўйлик мени уч қаззоб гуноҳдан сақлади. Ёлгончилик бутун қилинган гуноҳларнинг боши экан.

Ривоят қиладиларки Умми Кулсум¹ розиёллоҳу анҳодан эшитдимки, Расул алайҳис салом буюрадиларки ёлгон айтишга асло рухсат йўқ фақат уч вақтда:

Аввал - икки мусулмоннинг ишини сулҳ қилиш;

Иккинчи - уруш вақтида;

Учинчи - эр-хотин орасида ислоҳ қилишда йўл қўйилади.

Нуктаи дуруғи маслаҳат омиз беҳ аз рости фитна ангиз

Маслаҳат омиз латиф ёлгон сўз фитна ангиз рост сўздан яхшироқдир.

ОЧЛИК ФАЗИААТИ, ТЎҚЛИК ОФАТИ, БАЁНИ ҲАҚИДАГИ БОБ

Келтирадиларки таом ейиш фарздор, нафс ҳалокатини дафъ қилиш/йўқотиш/ учун намозни қойм/устувор/ қилиб, рўзани тутиш жоиздир, хаддан ортик тўйиб емоқ ҳаромдир. Тўйиб егандан сўнг яна овқатланмоқ макруъдир. Эртасига рўза тутиш учун овқатни исроф қилмаслик керак. Амри шариат хилофига /маъсиятга/ бир дирҳам сарф қилмоқ исрофдор. Агар Аллоҳ таоло тоати учун қанчалик сарф қилинса исроф бўлмайди.

Хикоят Бағдод Халифаси ар Рашиднинг насроний табиби бўлиб хозик/донишманд/ эди. Бу Али ал Ҳусайн ўша вақтга Бағдод уламози эди, мунозарада насроний табиб, айтди сизларнинг китобларингизда тиб ҳақида бўлса ҳам,

1. Умми Гулеум - Муҳаммад пайгамбарнинг учинчи қизлари

ал бадан илми, ал адиён илми, ал химия илми кабилардир. Али ибн ал Хусайн айтди, Аллоҳ таоло тибларининг жамийсини ўз каломига баён қилгандир. Насрони табиб айтди, пайғамбарларингиз тиб ҳақида айтган бўлса баён қилинг Али ибн ал Хусайн айтди, Расул саллаллоху алайҳи васаллам тибнинг жамийсини воҳид/якка ягона/калимаси билан баён этганлар.

Расул алайҳис салом буюрадиларки, инсоннинг афзаллиги кам емоқ, кам кулмоқ, аврат/хотин/ билан кам алоқа қилмоқдир.

Имом Шофъе раҳматуллоху алайҳи айтдиларки, кўп таом емоқ баданни овир/гирон/қилади ва юракни қаттиқ қилади. Хушёрликни маҳв қилади, уйқуни кўп қилади, турли тошлар/минераллар/ одам меъдасини заиф қилади.

Расул алайҳис салом буюрдиларки, кўп емоқ билан ўзингизни юрагингизни ўлик қилманг, кейин унинг азобини тортасиз. Сувни ҳаддан зиёд ичмоқликдан ўзингизни эҳтиёт қилинг, ҳақиқаттан юрак зироат кабидир, агар ҳосилга кўп сув берсалар у ҳосил заиф бўлади.

Хикоят Лукмони Ҳаким ўзининг ўғлига васият қилдики, меъдани таомдан тўлдирсанг сенинг фикринг уйқуга бўлади ва сенинг ҳикматинг сўнг ва лол бўлади ва сенинг жисминг ибодатдан суст бўлади, илми ҳикматни ўрганиш кам таом ейиш билан ҳосил бўлади, жаҳл ва маъсият/хилоф/ ишлар кўп таом ейишдан мавжуд бўлади.

Хикоят Хорун ар Рашид ўз халифалиги даврида тўрт табиби бор эли. Улар Ҳинд, Ироқ, рум ва Судандан эдилар. Хорун ар Рашид бир куни уларга айтдики, сизларнинг ҳар қайсингиз шундай шифони айтингки уларда захар бўлмасин, яъни зарари бўлмасин.

Ҳинд табиби айтдики, менинг илмим олдида зарари бўлмаган даво“Ҳалилай сиёҳ”/қора ҳалила/¹ дир, Рум ҳақими айтди, “Иршод ҳаби” дан/тўғри йўлни кўрсатиш таблеткасидан/, бошқа яхши даво йўқдир. Ироқ табиби айтди менингча иссиқ сувнинг зарари йўқдир. Судан

1. Ҳалила - шундай навъ доруки, меъда касалини даволаш учун ишлатилади.

ҳакими айтди, сизлар ҳикмат илми билан олимдирсизлар, Ҳалилаи сиёҳ меъда дардига даводир холос. Ҳабиб Иршод ҳам меъда касалига даводир. Иссиқ сув ҳам меъдани яхшилашга хизмат қилади. Менинг назаримда зарарсиз даъвоки, ҳеч бир зарари йўқ то вақтеки оч қолмаса, таом емасин. Ҳамма ҳақимлар суданликнинг жавобига тан бердилар.

Хабар қиладиларки Расул саллаллоҳу алайҳи васаллам оч қолганда таом енг, тўйган вақтингизда таомдан қўлингизни тортинг деб айтганлар.

Ҳикоят. Жолинус Ҳаким айтган эдики анорнинг катта манфаати бор, балиқ гўшти билан қўшиб емок зарарлидир. Балиқ гўшти анорни кўп емокдан яхшироқдир. Бир кеча кундузда бир марта таом еган киши ҳеч қачон ҳақимга муҳтож бўлмайди.

БИРОДАРЛИК, ҲАМДАМЛИК ВА ОТА- ОНАНИНГ ҲУҚУҚИ ФАЗИЛАТЛАРИ ҲАҚИДАГИ БОБ

/Боб дар баёни фазоили ихват¹ ва ал суҳбат² ва
ҳуқуқи ал валидайн³/

Хабар берадиларки Исом ибн Зиёд розиёллоҳу анҳудан: Расул саллаллоҳу алайҳи васалламдан сўрадиларки, ё Расулуллоҳ бандага қандай ато беҳроқдир? Расул алайҳис салом буюрадиларки, бандага ҳусни одоб ва ширин тил беҳроқ. Расул алайҳис салом буюрдиларки, бир шахс ўзининг дўстини кўриш учун уйдан чиқиб, бошқа бир қишлоққа/қариага/ борар эди. Аллоҳ таоло фариштани амр қилди, фаришта у шахс олдидан чиқиб сўрадики қаерга кетаяпсан? У шахс айтди, дўстимни кўриш учун бораяпман.

1. Ихват - /Ах/ биродар, ёронлар, мусоҳаба, ҳамнишин.

2. Суҳбат - ҳамдамлик.

3. Валидайн - ота-она

Фаришта сўрадики нима хожатинг борки унинг олдига кетаяпсан? У шахс жавоб бердики, ҳеч қандай хожатим йўк! Унда у одамнинг сенга қариндошлиги борми? У шахс айтди, менга ҳеч қандай қариндошлиги йўк. Фаришта яна сўради, у одамдан қарздормисан? У шахс, йўк деб жавоб берди. Аллоҳ таоло сени хайрли ишингдан хабар бериш учун мени сенга юборди. Сен биродаринг мухаббати учун, унинг аҳволидан хабар олиш учун бораяпсан. Шу хайрли ишинг учун сен жаннатий бўлдинг.

Хабар берадиларки Расул саллаллоху алайҳи васаллам буюрадиларки ҳар ким мусулмон биродаринг кўриш учун борса то ўзининг манзилига келганича ҳар бир қадамига Худойи таоло бир қулни озод қилиш савобини ато қилади. Расул алайҳис салом буюрдиларки, ҳар ким мўмин биродарини кўриш учун ўз хонасидан чикса Худойи таоло малакка амр қиладики, улар дуо қилсинларки, илоҳи бу бандани ўз бародарини дийдорини кўришга муяссар айла.

Хикоят: Маъмун ал Рашид айтди, уч табақа биродар борки уларнинг бир табақаси ғазодирки ундан истиғно/бениёзлик/ бўлади, бир табақа адлу-дод сохиби бўлиб, ҳамиша унга эҳтиёж лозимдир. Бир табақаси мисли дурдаст/узок/ бўлиб, унга ҳеч қандай эҳтиёж йўқдир, ҳеч гоҳ ундан нафъ/манфаат/ йўқдир.

Назм:

Эй тоза писар бишнава аз ин пири кўҳан,
Як нуқта бигўям аз мағзи суҳан.
Ёри ки дар ў маърифате нест нагир,
Кореки дар ў манфиате нест макун.

Мазмуни:

Эй гўзал ўғил эшитгин бу пири кўҳандан,
Суҳан мағзидан бир гап айтай.
Агар ёрда маърифат бўлмаса олма,
Бирор ишда манфаат бўлмаса уни қилма.

Хабар берадиларки, Расул алайҳис салом саҳобаларга айтдиларки хабар берсам сизларга мансабда фазли камол бўлса, ислоҳи зотулбайн бўлса у рўза ва намоз ва

садақадан бехтарроқдир. Саҳобалар айтдилар ё расулуллоҳ у нима? **Буюрадиларки**, ислоҳи зотул байн/икки киши ва икки қавм ўртасидаги муносабат ва робита/ яъни мусулмонлар орасидаги хайру-хуби ислохотини анжомга етказиш. Агар улар орасидан сўз ўтган бўлса, мусулмонлар уч кун орасида ўз биродар мўминларига кина ва адоватни бас қилсинлар.

Хабар берадиларки Абу Ҳурайра розиёллоҳу анҳу Расул алайҳис саломдан хабар берадиларки, душанба ва пайшанба кунлари беҳишт эшиклари очик бўлиб ва ўша куни ширқдан ташқари бандайи мўъминларнинг қилган гуноҳлари мағфират қилинади, кимки биродар мўминларга кина ва адоват сақлаган бўлса, ундай кишилар савобдан маҳрум бўлади.

Хабар берадиларки Ақлнинг боши имондан, кейин биродар мўминларга муҳаббат сақлашдир.

Хабар берадиларки Расул саллаллоҳу алайҳи васаллам буюрадиларки биродари мўмин ҳожатини чиқариш учун бир соат хоҳ кундузи, хоҳи кечаси қадам қўйиб, унинг ҳожатини раво қилса, ундай кишилар икки ой эътикоф нишин/доимий ибодат/ дан бехроқдир.

Бир шахс Расул алайҳис салом ҳузурларига келиб айтди, ё расулуллоҳ онам борки кечасию-кундузи унинг хизматини қиламан. Унинг таомини ўз қўлим билан едираман, хамиша уни кўтариб халожога олиб бораман. Унинг ҳаққини бажо келтиргайманми ё йўқ? Расул алайҳис салом буюрадиларки унинг юз ҳақидан биттасини ҳам тўла адо қилганинг йўқ. Жаннат онанинг оёғи остидадир.

Имом Ҳасан Басрий раҳматуллоҳу алайҳидан: байтулло тавофида бир эркакни кўрдим. Замбилни ўз бўйнига кўтариб Байтуллони тавоф қилар эди. Айтдим, эй киши замбилни бўйнингдан қўйиб тавоф қил. У одам жавоб берди, эй шайх бу замбилнинг ичида онам борки, етти марта Шом вилоятидан бўйнимга кўтариб Байтулло тавофига олиб келдим. Унинг ҳаққини адо қилган бўлсам керак. Шайх айтди, агар етмиш марта кифтингга онангни кўтариб келсанг ҳам, унинг бир марта берган сутини ҳаққини адо қила олмайсан.

Келтирадиларки Расул алайҳис салом замонида бир Алқама деган йигит бор эди. Садақа беришда

иштиёқманд эди/ижтиҳоде дошт/. Бир куни Алқама касал бўлди. Унинг аҳволи оғирлашди. Расул алайҳис салом эшитиб ҳазрат Али ва Билол ва Умар ва Ёсир ва Салмон Ризвон Аллоҳ таоло алайҳим жамеъинни буюрдиларки, бориб Алқаманинг аҳволидан хабар олингларки қандай аҳволда. Карам саҳобалар келдиларки, унинг аҳволи жуда оғир, Рамақи жон эди. Улар ҳар чанд калимаи шарифни талқин қилдилар. Алқаманинг тили калимаи Шариф айтишга ёри бермади. Саҳобалар Расул алайҳис салом ҳузурларига келдилар, воқеанинг суратини баён қилдилар. Расул алайҳис салом буюрадиларки, Алқаманинг ота-онаси борми? Айтдилар, отаси вафот этган, онаси ҳаётдир. Расул алайҳис салом буюрадиларки, ё Билол бориб, Алқаманинг онасини менинг ҳузуримга олиб кел.

Билол розиёллоху анху бориб, унинг онасини ҳозир қилдилар. Расул алайҳис салом айтдилар Алқама нима иш билан машғул эди? Онаси айтди, Алқама намоз ўқирди, рўза тутарди ва кўп садақа қилар эди. Расул алайҳис салом айтдилар, сен билан Алқама ўртасида қандай можаро бор эди. Онаси айтди, мен Алқамадан рози эмас эдим, чунки у ўзининг хотинини мендан афзал кўриб, унинг сўзларига амал қилиб, ҳар ишда итоат қилиб, менга дуруштлик қилар эди.

Расул алайҳис салом буюрадиларки онанинг рози бўлмаганидан унинг тилига калимаи шарифни "Ло илоҳа иллаллоҳу ва ашҳаду анна Мухаммадан абдуху ва расулуҳ"ни айтиш келмаган. Билолга амр қилдиларки мардумга хабар берки ўтин жамласинлар, Алқамани куйдирамиз. Онаси айтди, ё расулуллоҳ ўғлим Алқама юрагимнинг бир бўлаги, умримнинг ҳосили бўлади. Менда тоқат йўқ ки уни мени назаримда оловда куйдирсангиз. Расул алайҳис салом буюрдиларки, ё она Алқамага дўзах оташи, Худойи таолонинг қаттиқ азоби бор. Бу дунё оташига ўғлингни ёнишига тоқат қилолмайсану, дўзах оташида ўғлинг куйса қандай чидайсан. Онаси айтди, фарзандимни куйдирманглар, мен ундан рози бўлдим. Аллоҳ таоло уни мағфират қилсин. Расул алайҳис салом айтдилар, то сен фарзандингдан рози бўлмасанг унинг намози, рўзадорлиги, қилган садақаси худойи таолонинг қудрати олдида ҳеч бир манфаати йўқ.

Расул алайҳис салом ўз қўлларини юқорига кўтариб

айтдиларки ё Оллоҳ таоло шохид борки Алқамадан унинг онаси рози бўлди ва буюрдиларки, ё Билал бориб хабар олгинки Алқаманинг онаси сидқи дилдан рози бўлган бўлса Алқаманинг тилига “Ло илоҳа иллоллоҳ” айтиш жорий бўлади. Билал розиёллоҳу анху унинг уйига бордилар. Алқама баланд овоз билан.” Ло илоҳа иллаллоҳу Муҳаммадан Расулуллоҳ ва ашҳаду анло илоҳа иллаллоҳу ва ашҳаду анна муҳаммадан абдуҳу ва расулуҳ” (1-2) ни такрорлаб турибди. Билал розиёллоҳу анху ушбу хабарни келтирдилар. Расул алайҳис салом айтдилар ҳар ким, ўз хотини учун ўз онасини ранжитса Худойи таоло унинг намозини, рўзасини ва садақасини қабул қилмасдан худонинг лаънатига гирифтор бўлади.

Нақл қиладиларки **Фиқих** Абу Лайс Самарқандий раҳмаҳтуллоҳи алайҳи олдиға бир шахс келиб сўрадики, ота ва онам бор эди, вафот этдилар, билмайманки менам рози бўлганларми ё йўқ? **Фиқих** Абу Лайс раҳматуллоҳи алайҳи айтдилар, ота онангни вафотидан сўнг уларни уч нарса билан рози қилиб бўлади. Аввал фарзанди аҳли солих бўлиш керак, ҳеч нарса ота онадан дўстрок бўлмаслигини унутмаслиги керак, иккинчи ота-онанинг ақраболарига ва унинг дўстларига меҳру-муҳаббат кўрсатиш. Учинчи ота-онаға дуойи фотихани қанда қилмай, улар учун садақа беришдан иборатдир.

Хабар берадиларки бир шахс Расул алайҳис салом хизматларига келиб, ғазоға боришни талаб қилди. Расул алайҳис салом буюрдиларки ота-онанг борми? У шахс бор деб жавоб берди. Расул алайҳис салом айтдилар ота-онангни хизматиға машғул бўлсанг жиҳоддан яхшироқдир.

Расул алайҳис салом буюрадиларки ота-онанг олдиға фарзанднинг ҳаққи уч нарса билан ўлчанади. Аввал яхши ном қўйиш, иккинчи мактабға қўйиб Ислом аҳкомаларидан таълим бериш, учинчи хотин олиб бериш.

1. Қалиман тойинба - Ло илоҳа иллаллоҳу Муҳаммадан Расулуллоҳ”

2. Қалиман Шаҳодат - Ашҳаду анло илоҳа иллаллоҳу ва ашҳаду анна Муҳаммадан Абдуҳу ва Расулуҳ.

3. Ўзини кекса ота-онангни хизмат қилиш, уларни рози этиш, тирикчиликлардан ҳабирдор бўлиб туриш муқаддасдир! Шўнинг ўзи сен учун жиҳоддир./Муқаддас ёруш/.

Хабар келтирадиларки Расул алайҳис салом буюрадиларки Саодатмандлик тўрт нарса билан белгиланади. Аввал солих фарзанди бўлса, иккинчи солих биродарлари бўлса, учинчи фарзандлар нек ва ишбилармон бўлса, тўртинчи ўз вилоятида касб қорга эга бўлса, Солих фарзанд илм ва одобдан бохабар бўлса, Куръон ўқиса, унинг савоби ота-онасига бўлади. Савобдан ташқари унинг ўзига роҳатдир.

МУҲАББАТ ВА ЭҲСОН¹ БАЁНИ ҲАҚИДАГИ БОБ

Келтирадиларки имон келтирганлардан ўн бир қабила кейинроқ муртад² бўлиб, Ислом динидан қайтган эдилар. Улардан уч қабила Расул алайҳис салом даврларида содир бўлган эди. Аввал Бани мажолич/мудалиж/ қабиласи бўлиб, уларнинг сардори Завон Ҳаммар Қоҳин³ эди. У ёлгон қасамлар билан пайғамбарлик даъвосини қилиб босқинчилик йўлига ўтиб олган эди. Расул саллаллоҳу алайҳи васаллам амалларига қарши чиққан.

Расул алайҳис салом унга қарши лашкар юбордилар. Лашкарнинг сардори Лайло розиёллоҳу анҳу эди. Ислом лашкарлари бориб уни қўшинларини тор-мор қилиб, Завон Ҳаммарни қатл қилдирдилар. У Муртаднинг қатл қилинганлиги хабари Расул алайҳис саломга етиб, мусулмонлар бундан фараҳмон⁴ бўлган эдилар.

Иккинчи қабила бани Ҳанифа бўлиб, унинг сардори Милтилла ал Каззоб пайғамбарлик даъвосини қилди. Расул алайҳис саломга нома ёздики, мен ҳам сенинг пайғамбарлигингга шерикман. Ер юзини ярми сеники ва қолган ярмиси эса менга тегишлидир. Расул алайҳис салом унинг бу мактубига жавобан нома ёзиб айтдиларки, пайғамбарлик Аллоҳ таоло амри билан амалга

1. Эҳсон - лутфу марҳамат, қарам бахшиш, 2/нозу-неъмат/

2. Муртад - диндан қайтган.

3. Қоҳин - қадимги мисрликлар, падишалар ва ҳудудийларнинг рудийиши

4. Фараҳмон - хушҳол, хурсанд

оширилади. Худонинг расули Аллоҳ таолони амрини ўз умматларига жорий қилиши керак. Сен шундай ишларни уддасидан чиқа оласанми? деб савол берадилар. Расул алайҳис малом рихлатларидан сўнг Абу Бакр Сиддик розиёллоху анху Зиёд ибн Исоқ розиёллоху анху бошчилигида кўшин юбориб ва қаттиқ жанглардан кейин Абу Ҳанифа қабиласини кўшинларини тор-мор қилиб, муртадаларни қатл ва ворат қилдилар. Милтима ал Каззоб Ҳамза розиёллоху анху қатл қилиб, айтди, мен жоҳилият даврида кўп кишиларни қатл қилган эдим, Ислоом даврида мусулмонликдан қайтган кишиларни ундан кўпроқ ўлдиришга муяссар бўлдим. Учинчи бани Асад қабиласи бўлиб, у қавмнинг сардори Талха бин Хувайлид бўлиб, у ҳам пайгамбарлик давосини қилган эди. Расул саллаллоху алайҳи васаллам Холид розиёллоху анхуни лашкар билан юбордилар, қатл ва воратдан кейин Расул алайҳис салом хизматларига келиб, имон келтириб, мусулмон бўлади.

Бошқа етти қабила Абу Бакр Сиддик розиёллоху анху халифалиги даврида муртад бўладиларки, аввал Фарозе қабиласи, иккинчи, Айний ва изофон/гадфан/ қабиласи, учинчи, Киротин Салама, тўртинчи, Бону Салим қабиласи ва мажоат бин ёсил ва бани Ербуа қавми ва малик Нубирнат қавми, тамим қавмининг баъзиларидан, бешинчи Сажож бинти манзор қабиласики, бу қабила ўзларини насларини диндан қайтган ва ал Каззоб аёлларига бағишлаган эди. Олтинчи, Ашъашбин Киёс, еттинчи Бону Бакр бин Восил қабиласи, бу қабила баҳрайнда эди. Аллоҳ таоло ўша етти қабилаининг амрини, Абу бакр Сиддик розиёллоху анху кўлига кифоят/тобеъ/ қилган эди. Ҳазрат Умар розиёллоху анху халифалиги даврида Ҳасан ва жиблит қавмлари Каззо ва Нахси қабиласига қарашли эдилар. Улардан 8 минг нафар жангга тайёр эдилар. Ҳазрат Умар розиёллоху анху лашкар юбориб уларни мағлуб ва манкуб қилдилар.

Абдулло Ибн Ҳасан Раҳматулло алайҳидан ҳикоя қиладиларки, мени Румия деган қанизагим бор эдики, баъзан кечалар менинг ёнимда ётар эди. Уйқудан бедор бўлиб уни саждада кўрар эдимки, айтар эди, илоҳ сен мени дўст биласан менинг гуноҳларимни мағфират қилдинг. Мен у жорияга айтдим, бу тариқа айтма, айтгинки, илоҳи ман сени дўст тутаман, жория айтди, ё мулло Худойи

таоло мени дўст биладики, ширкдан чиқариб, Исломга дохил қилди. Аллоҳ таоло мени дўст тутадикки мардумларнинг ҳаммалари уйқуда бўлсалар мени бедор сақлайдики, унинг ибодатини қиламан.

Ҳазрат Али розиёллоҳу анҳу айтадиларки, солиҳларнинг бедорлик сабабидан сиймолари сарғайган, кўп йиғлаш сабабидан кўзлари хирадир, рўза тутишдан уларнинг баданлари ориқдир.

Хикоят бир шахс қулга харидор бўлди. У қул айтди: мени сотиб олсанг сенинг олдингда учта шартим бор. Аввал намоз ўқишимни манъ қилмайсан, иккинчи, қанча хизматинг бўлса кундуз куни буюрасан, жону дилим билан қиламан. Кечаси менга иш буюрмайсан. Учинчи, менинг масканимни муайян қиласанки, бу масканга ҳеч ким кирмасун. У шахс қулнинг бутун шартларига рози бўлиб, уни уйига олиб келди ва айтдики, қайси уйни хоҳласанг сенга бераман. У қул бир хароб хонани ихтиёр қилиб, кундуз куни Хожанинг ҳамма хизматларини беками қўст бажарар эди, беш вақт намозни вақтида адо этар эди. Кечалари қул ўз уйидаги эшикларни беркитиб, Аллоҳ таолонинг ибодатини қилар эди.

Бир кечаси Хожанинг уйига меҳмонлар келиб ярим кечагача ўтирдилар. Меҳмонларни жўнатиб, у шахс кўрдикки қулнинг хонаси мунаввар, келиб эшикнинг тирқишидан қарадики қул саждага кетган, бир қандил унинг боши устида нур сочиб турибди. Бошини устида осмондан келган махлуқ турибди. Қул муножотда айтар эдики, Илоҳи, ҳожанинг хизматини менга вожиб қилдингки, кундуз уни хизматини қиламан ва агар кундузи хизматим бўлмаганда, кеча ва кундуз сенинг хизматингга машғул бўлардим. Бу гапларни эшитган Хожа кўп йиғлади. Ниҳоят тонг отди. Хожа қулга айтди, сени озод қилдим, энди Худойи таолонинг ибодатини дилингни фароғати билан хоҳлаган вақтингда қилгин. Яна қулдан сўради, хабар бергинки, Аллоҳ таоло кароматларидан нима кўрдинг. Қул қўлини кўтариб айтди, Илоҳи мени сиримни зоҳир қилма, эндики, менинг озод қилдинг, менинг жонимни қабз этгин, деб йиқилиб ўлади. Аллоҳ таоло раҳматиға дохил бўлди.

Хабар берадиларки: Расул саллаллоҳу алайҳи

васаллам буюрадиларки, Аллох таоло бандани дўст қилсин. Жаброил алайҳис саломга хабар берадики, мен фалончини дўст биламан, бас менинг дўстимни сен ҳам дўст деб бил. Ундан сўнг сизлар ҳам Аллохнинг дўстини дўст деб билинг.

Хикоят: шайх Шибли раҳматуллоҳи алайҳи бир йигитни кўрдики Аллох, Аллох деб айтарди. Шайх айтди, бу тариқа Аллох-Аллох дейишингни нафи йўқ, бу жумлани яҳуди ва насори ҳам айтардилар, сен улар билан баробармисан. Йигит Аллох, Аллох деб ўн марта такрорлаб, йиқилиб Аллох таолонинг раҳматига дохил бўлди. Шайх Шибли келиб унинг кўкрагини очиб кўрдики унинг жигарида Аллох, Аллох деган ёзув бор эди. Нидо келдики, ё шайх Шибли бу йигит менинг меҳрибонларимдан бири эди.

Зуннул Мисри раҳматуллоҳи алайҳи ҳикоя қиладики, бир шахсни кўрдимки, осмонда чўккалаб ўтириб, Аллох деб айтар эди. Айтдим сен кимсан? Жавоб бердики, Худонинг бандаларининг бандасиман; айтдим бу кароматни қаердан топдинг? Жавоб бердики: кибру ҳавони тарк этдим ва Аллох таолога бўлган муҳаббатим, туфайли кўкда ўтирибман. Айтдим: менга васият қил. Айтди: назар қил. Назар қилдим, айтди, бошқа жойга назар қил, ман бошқа жойга назар қилдим. Ундан кейин унга назар қилдим, уни кўрмадим, билдимки ўзини мендан пинҳон қилди. Айтдим: Худо ҳақи учун менга васият қилгин, айтди: сенга қандай васият қилайки, сенинг шууринг йўқ. Мен айтдимки: нима васият қиласан? Деди: мени кўрдинг, бошқа жойга назар қилиб бошқа мени кўрмадинг, ўшандан ибрат ол. Аллох таолони топсанг, ундан назарингни бегона қилма, агар кўнглингни бошқа жойга қилсанг, Аллох таолони топа олмайсан.

Хикоят: Умайяту ибн Халафнинг ўн икки қули бор эди. Уларнинг ҳаммасидан Билол ҳабашни яхши кўрар эди. Уни Байтус санам/бутхона/га муақил/вақил/ қилиб юборган эди. Билол розиёллоху анху Байтул санамда Аллох таолога ибодат қилар эди. Бошқа қулар бу воқеани Умайятуга айтди, ё Билол санамга сажда қиласанми, ё Мухаммад алайҳис саломнинг парвардигоригами? Билол розиёллоху анху айтди: “Аллоху воҳид ал Қодир” га сажда қиламан. Умайяту ибн Халиф Билол розиёллоху анхуни

кун қаттиқ кизиган пайтда, иссиққа олиб чикиб чалқанча ётқизиб, баданига ёр суртиб, офтобнинг иссиқ ҳароратига иссиқ қумнинг устига яланғоч ётқизиб, уриб азоб берар эди. Билол розиёллоҳу анҳу калтақлар ва азоблар шиддатидан “Ё Худойи Аҳмад” дер эди.

Бир куни Абу Бакр Сиддиқ розиёллоҳу анҳу у ердан ўтаётганларида Билол розиёллоҳу анҳунинг шиддатли азобларга қолганликларини кўриб, айтдилар, эй Умайята ибн Халаф нима учун бу қулни бу қадар азоб берасан? Умайяту айтдики, қулни олтинга сотиб олганман, азоб беришга ихтиёрим бор. Абу бакр Сиддиқ розиёллоҳу анҳу дедилар, мен сенга бир оқ танли қулимни ва икки уқия қизил зар бераман. Умайяту қабул қилди. Абу Бакр Сиддиқ розиёллоҳу анҳу насрони қуллари билан яна икки уқия зар бериб, Билол розиёллоҳу анҳуни унинг қўлидан олдилар. Умайяту, деди: Билолни қиммат олдинг, агар фақат қулни ёки икки уқия зарни берганинда ҳам мен бу қулни сотишга рози эдим. Абу Бакр розиёллоҳу анҳу айтдиларки, эй Умайяту бу қорани арзонга сотдинг. Агар қабул қилмаганинда уни ўз мулкимадаги бор нарсаларимни бериб, сотиб олишга рози эдим. Ундан кейин Билол розиёллоҳу анҳуни тушроқ ва чанглардан тозалаб, Расул алайҳис салом хизматларига олиб келиб айтдиларки, ё қурайш маъшари/жамоаси/ гувоҳ бўлингки, худойи таолонинг йўлига Билоли ибн Робеҳни озод қилдим. Уша захоте Аллоҳ таоло фармони билан ҳазрати Жаброил алайҳис салом “Аайл” сурасини Абу Бакр Сиддиқ

1. Лайл сураси ҳаётининг қарама-қарши йўллари баён қилинган. Сура иккига бўлиниб, биринчи бўлагиди бир-биридан тубдан фарқ қилувчи ахлоқий сифатлар келади. Бир гуруҳ кишилар ўз бойликларини Аллоҳнинг розилиги учун сарфлайдилар, тақводор бўлиб қалбларини пок тутадилар, бахиллар эса худодан қўрқмайдиган, бандадан уялмайдиганлар бўлиб, ҳақиқатни ёлгон, раволатни фазилат деб ҳисоблайдилар. Бу сура 21-оятдан иборат бўлиб, 15-оятда “Йо илоҳа иллат ашқо”, - бу утга бадбахтдан бошқа ҳеч ким қирмайди, 16-оятда “Аллазин, киззиба ва тавалла”. Уша/бадбахт ҳақ дини/ ёлгонга чиқарган эди ва /имондан/ юз ўтирган эди. 17-оятда, Ва саю жашнабуҳал атқа” ва уша тақводор банди четда қолади. 18-оятда “Аллазин юъти малаҳуятазизка” - уша/тақводор банди/бойлигини/ҳақ йўлда/ сарфлайди ва ўзини/бахиллик ҳақида ўзга раволатдан шоклайди. Демак, бу оятларда Ашқо-бадбахт умайяту ибн Халаф ва “Атқа” - тақводор Ҳазрат Абу Бакр Сиддиқдир, яъни бу оятлар икки шахс ҳақида назил бўлган. Назил бўлиш сабабини юқоридаги ҳикояда келтирдик.

розиёллоху анху шаънига нозил қилдилар.

Хикоят: Жўнайд раҳматуллоҳи алайҳининг суҳбатига бир йигит бор эдики, зикр вақтида сайха/баланд товуш билан зикрни маълум жумласини қайтариш/ қилар эдики, у ердагиларни кулоқлари қариб битар эди. Шайх айтди, эй жавонмард Мени сайҳимдан кейин сен сайха қилсанг, сени суҳбатдан узоқлаштираман. Бу бечора йигит самоа/зикр/ вақтида танҳо такаллуфни сақлаб, жони жаҳди билан жим ўтиришга сабр қиларди. Бир куни самоа вақтида беиёр сайха қилиб, хушсиз бўлиб йиқилди, кўрдиларки жони чиқибди. Бу хабарни Сарий сақтарий раҳматуллоҳи алайҳи эшитиб, айтдиларки худо Жонидни олсинки, у жувоннинг қотили Жониддир. Чунки сайха юракни ҳароратини ташқарига чиқаради. Жавонни бу ишдан манъ қилган эди. Жавоннинг юрак ҳароратини қўйишга сабабчидир.

Хабар берадиларки: Абдулла ибн Маъсуд розиёллоху анхунинг бир кули бор эди. Уни гуноҳсиз уришар эдики, урма деган овоз келди. Кўрдикки Расул алайҳис салом айтдилар, ё ибн Маъсуд Аллоҳ таоло сенга қулни иктиҳод қилиш учун /пайравлик қилиш, тобеълик қилишни/ берган. Ибн Маъсуд айтди “Ё расулуллоҳ у қулни Худонинг йўлига озод қилдим. Расул алайҳис салом буюрадиларки, озод қилмаганинда дўзахда куяр эдинг.

АМРИ МАЪРУФ БАЁНИ ҲАКИДАГИ БОБ

Расул алайҳис саломдан сўрадиларки инсонлар орасида яхшироқ кишилар кимлар? Буюрадиларки, амри маъруфга/шариатга раво ишларни бажаришга/ амал қилган ва наҳи мункар/кабих ишлар/ дан ўзини сақлаб билган кишилардир.

Хабар берадиларки, бир йигит Расул алайҳис салом ҳузурларига келиб айтди, ё Расулуллоҳ мени зино қилишимга рухсат борми? Саҳобалар бирдан йигитга сайха урдилар/бақирдилар/. Расул алайҳис салом у йигитга айтдилар, ўз онанг билан зино қилишни хоҳлайсанми? Йўқ, деб жавоб берди. Буюрдиларки ўз қизинг билан зино қилмоқчимисан? Йўқ, деб жавоб берди. Расул алайҳис салом хола, аммаларигача ёд қилдилар. Йигит йўқ, деб

жавоб берди. Бошқа инсонлар ҳам буни хохламайдилар. Кейин муборак қўлларини йигитнинг сийнасига қўйиб, мас-маса қилдилар ва айтдилар, Илоҳим бу йигитнинг кўнглидан зино қилишдек ёмон ният йўқолсин. У йигитнинг кўнглидан зино қилиш чиқиб, минбад бу ишдан воз кечди.

Хабар бердиларки, /манқул астки/ Икрома розиёллоху анхудан: Бир шахси солах водийдан ўтаётган эди. Кўрдикки бир эркак бир дарахтга сажда қилар эди. Дарғазаб бўлиб у эркакни у ердан ҳайдаб ўзининг хонасига келиб, табар/болта/ни олиб у дарахтни йиқитай деб борди. Шайтон инсон суратида унинг олдидан чиқиб, сўрадики қаерга кетаяпсан? Фалон дарахтни йиқитиш учун кетаяпман, деб жавоб берди. Шайтон айтди, мен қўймайманки, сен у дарахтни йиқитсанг. Анча қилу-қолдан кейин у солах эркак талаш қилиб уч марта шайтонни ерга урди, шайтон айтди, дарахтни йиқитиш баҳридан ўтгин, ман ҳар куни сенга тўрт дирҳам сажда қиладиган жойнамозинг тагига қўяман. У солах эркак бу шартни қабул қилиб ўз ниятидан қайтди. Уч кунгача саждагоҳининг тагидан тўрт дирҳамдан олди. Тўртинчи куни дирҳам бўлмади. Яна солах эркак эшагига миниб, болтани қўлига олиб, дарахтни йиқитиш учун кетди. Шайтон одам суратига кириб унинг олдидан чиқиб, яна сўради: қаерга бораяпсан? У эркак айтди: дарахтни йиқитиш учун бораяпман. Шайтон айтди, дарахтни йиқитишингга йўл қўймайман. Яна ҳар иккаласи талашдилар, шайтон солих эркакни уч маротиба ерга урди. У эркак таажубда қолиб айтди, аввал мен сендан зўр эдим, нима учун бугун сен волиб чиқдинг? Шайтон айтди, сен аввал Худойи таоло розилиги учун дарахтни йиқитмоқчи бўлгандинг, у вақтда райратинг бисёр эди. Мени уч маротиба йиқитишга муяссар бўлган эдинг. Бугун бой бўлиш учун-тўрт дирҳам пул учун чиқдинг, мен сендан волиб чиқдим. Энди яхшиси йўлингдан қайтгин, бўлмаса ҳалокатга учрайсан, У эркак мулзам бўлиб ўз йўлидан қайтди.

Хикоят: Обо Итоб раҳматуллоҳи алайҳи гўристонда маскан қилган эди. Бир куни шаҳарга келиб, кўрдикки ўша шаҳарнинг султони Наср ибн Аҳмаднинг қули ман

қилинган айши ишрат асбобларини ўзи билан олиб бормоқда эди. Бу ахволни кўриб Обо Итоб Зоҳид ўз-ўзига айтди, Эй нафс агар уни бу ишлардан ман этмасанг, гўё унинг шеригига айланиб қоласан деб, ўзининг юзини осмонга қилиб, Аллоҳ таолодан истионат/нажот/ тилаб, ўз асоси билан маноҳи/айш-ишрат идиши/ни уриб синдирди ва қулни ҳақорат қилиб ҳайдади. Қул султон ҳузурига бориб воқеани баён қилади. Султон дарғазаб бўлиб, зоҳидни ҳозирлашга амр қилади. Ходимлар зоҳидни султон ҳузурига олиб келадилар. Султон айтди, у қул султон амри билан чиққанини билмасмидинг? Энди сени зиндонга ҳибс қилдираман. Обо Итоб Зоҳид айтди, сен билмайсанми, ҳар ким Аллоҳ таоло амрини тарк қилса мубад /зардуштийларнинг рухоний ва олимлари/ жойи бўлган оташ дўзахига ҳибс қиламан. Султон айтди, сенга бу ҳамма ҳасаб/шараф, фазилат, шуҳрат/ ни ким берди. Зоҳид айтди, сенга бу ҳамма аморат/имкон/ни ким берди? Султон айтди, мен халифадирман. Зоҳид айтди, мен Худойи таолони халифасидирман. Шунинг учун сендан лозимки менга такбир /бузург деб билиш/келтирсанг, чунки сен менинг бандамнинг бандасидирсан. Султон айтди, қайси далилга асосланиб, мени банданинг бандасидир деяпсан? Зоҳид айтди, сен ҳуво бандасидирсан. Аллоҳ таоло хувони менга банда қилган. Султон айтди, ўзингни ҳасбингни /шарафингни/ ҳаддан зиёд андозадан юқори қилиб подшога етказдинг. Зоҳид айтди, мен ўз нафсимни ҳасбдан азл/хориж/ қилганман. Султон айтди, сенинг ишингдан таажжубдаман, агар мен амр қилсам, сени ҳар қандай жазога мустаҳиқ қилдираман. Зоҳид айтди, сен ҳар кимни хоҳласанг. Амринг билан жазолай оласан ва агар хоҳласанг азл қиласан.

Мени Аллоҳ таоло ишдан азл/хориж/ қилмайди. Султон айтди, меңдан ҳожатингни талаб қил! Обо Итоб Зоҳид айтди, сендан сўрайманки мени ёшлигимни қайтарсанг. Султон айтди, мен бу ишга қодир эмасман, бошқа ҳожатингни айтгин. Зоҳид айтди, жаннат сардорига шундай хат ёзгинки мени жаннатга дохил қилсин. Султон айтди, мен бунга қодир эмасман, бошқа талабингни айтгин. Зоҳид айтди, дўзах моликига амр қилгинки, мени азобга гирифтор қилмасун. Султон айтди, мен сени бу айтган-

ларингни бажаришга ожиздирман. Обо Итоб Зоҳид айтди, менинг Худойим борки нимани талаб қилсам ўшани етказди ва менинг ҳолимга раҳм қилади. Зоҳид бу гапларни айтиб, султон олдидан чиқиб кетди.

Хикоят бир эркак киши Абу ал Қосим Ҳакимдан савол қилди, нима сабабдан бизнинг замонамизнинг уламолари мардумларга ваъз айтмайдилар ва кишиларни амри маъруф¹ ва Наҳй мункардан² хабардор қилмайдилар. Хўжа бу ал Қосим ҳаким раҳматуллоҳи алайҳи айтди, собиқ уламолар бедор эдилар, кишилар уйқуда эдилар. Ваъз айтиб кишиларни уйқудан уйғотар эдилар. Бу замонанинг уламолари ҳаммаси уйқудадирлар. Кишилар ўликдек, бас уйқудаги уламолар ўлган кишиларни қандай қилиб тирилтирадилар.

Келтирадиларки. Имом Абу Юсуф раҳматуллоҳи алайҳи Ҳорунар Рашид халифалиги вақтида Бағдод қозиси эдилар. Бир кун Халифанинг лашкарбошиси Халифанинг қариндошларидан бирини қандайдир иши учун қозихонага бориб, шохидлик берди. Имом Абу Юсуф раҳматуллоҳи алайҳи унинг шохидлигини қабул қилмади. Лашкар боши Халифа ҳузурига бориб имомдан шикоят қилди. Ҳорун ар Рашид Имом Абу Юсуфдан сўрадики нима сабабдан унинг шохидлигини қабул қилмадинг? Имом айтдилар, Бир куни сизнинг ҳузурингизда лашкарбоши айтдики, мен халифаман агар ўзининг суханида садоқат бўлса унинг шаҳодати шаръида жоиз эмас, агар ёлғон айтган бўлса, ёлғончининг шаҳодати шаръида дуруст эмас. Ҳорун ар Рашид айтди, агар менинг амрим бўлса шаҳодат қабул қиласизми ё йўқми? Имом айтдилар, сенинг берган шаҳодатингни қабул қилмайман. Сен Аллоҳ таолога такбир қилмайсан, жамоат намозларига ҳозир бўлмайсан, ҳамма мусулмонлар ҳамролигида намоз ўқимайсан. Ҳорун ар Рашид имом ҳузурига тавба қилдики, ман бундан кейин ўқийман, деб ваъда беради.

Келтирадиларки. Ҳорун ар Рашид Бағдод халифаси, ҳар йили бир марта байтул мол хазинасини очиб баҳоликудрат ҳар кишига пул улашар эди. Уламо, солах ва

1. Амри Маъруф - шариятда буюрилган шохиставу раво ишлар

2. Наҳй мункар - ёмон ишлардан сақланиш, ман қилиш, гуноҳлардан сақланиш.

зоҳидларга эътиқоди баланд бўлиб, аввал уларни тўплаб, ундан кейин бошқаларга Байтул молни тақсим қилар эди. Суфийён раҳматуллоҳи алайҳи ёшлигидан халифа билан дўст эдилар. Ҳорун ар Рашид Халифа бўлганидан кейин Сўфиён Саври халифадан юз ўтириб Куфага кетган эди. Ҳорун ар Рашид уни кўришга муштоқ бўлиб, мактуб ёздики Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим. Ман Абдулла Ҳорун ар Рашид амирал мўъмининман. Бародарим Сўфиён Саври Имоми Бардоди биласанки Аллоҳ таоло мўъминларни бир-бирига бародар деб айтган, шунинг учун биласанки ман сенга бародарман. Нима учун бародарликни бузиб менинг дилимни оғритдинг. Агар халифалик вазифаси бўлмаганда, мен сени бориб кўрар эдим ва бародарлигимиз учун мен бориб зиёрат қилар эдим. Ҳар йили Байтул молни очмоқдаман. Мени хатим сенга етиши билан зуд келгинки, мен сенга мунтазирдирман. Салом мактубини Ибод Талқонига берди ва менинг мактубимни Куфага элтиб Сўфиёни Саврининг ўз қўлига топширасан ва ҳар нима деб айтса бекаму-қўст менга келиб хабар бера-сан деди. Ибод Талқони амирул мўъминин мактубини олиб Куфага кетди ва масжиддан уни топди. Сўфиён Саври уни кўриб, ўз жойидан туриб, яна намозга машғул бўлди. Ибод Талқони бу воқеани шундай ҳикоя қилади: Кўп кишилар унинг атрофида ўтириб мени кўриб ҳамма мувоқабат¹ бўлдилар. Гўё уларнинг олдида ўғри келгандек эди. Уларга салом бердим, ҳеч ким менинг саломимга жавоб бермади. Уларнинг ҳайбатидан титроқ менинг жисмимга тушган эди. Кўзимни юмиб тўхтадим. Шайх салавотни тамомлагандан кейин менга айтди, мактуб келтирганингни ҳавола қил, ман халифа мактубини шайх олдига қўйдим, у мактубдан ҳазар/ижтиноб/²қилдики, гўё илон уни ичида бордек, шайх енги билан мактубни олиб шогирди олдига ташлаб айтди, шундай нарсани қўлимга олдимки, унда золимнинг қўли теккан эди. Ўқинг у золим нима ёзган экан. Ўқилгандан кейин Шайх табассум қилди, таажжуб, деб айтди. Хатнинг орқасига бу золим ва каззобга китобат қилингики, Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим. Худонинг

1. Мувоқабат - худонинг фикри билан дунё таалуқотидан узоқ бўлмақ.

2. Ижтиноб - бирор нарсадан ҳазар қилиш, узоқлашиш.

бандаси Сўфиён Савридан, мағрур Хорун ар Рашид салбина саловат ал имон. Сенга мактуб юбораяпманки, агар билсанг дўстлик ипини сендан қатъи узганман. Байтул мол сабабидан кўп кишиларни ўз томонингга ағдаргансан. Бундан ташқари яна бошқа кишиларга мол ва пул инъом қилаяпсан ва ўзингни атрофингга золимларни жамлаяпсан. Сен золимлар сардори, агар билсанг сен адл ва инсофни қўлдан берма. Бу ёзилган мактубни менинг олдимга ташлади. Мен мактубни олиб Кўфа бозорига келиб амирул муъминин ҳадя қилган либосларни одамларга эҳсон қилиб, ўзимга кўхна либосларни сотиб олиб, Бағдодга келдим. Шу ҳолда Халифа ҳузурига дохил бўлиб, мактубни бердим. Хорун ар Рашид Сўфиёни Саври мактубини ўқиб кўп йиғладики, унинг кўз ёшлари соқолидан оқар эди.

ЎТТИЗ ТЎҚҚИЗИНЧИ БОБ **Тақводорлик ва Пархездорлик вал** **хавф баёни**

Хикоят келтирадиларки. Робиа Адувиянинг эри вафотидан кейин Ҳасан Басрий раҳматуллоҳи алайҳи ўз асҳоби билан бирга Биби Робиа уйига бориб, уйга киришга рухсат сўрайди. Биби Робиа рухсат беради. Имом Ҳасан Басрий раҳматуллоҳи алайҳи айтди, Эй Робиа сенинг эринг вафот этган эди, мени шавҳарликка қабул қилсанг. Робиа айтди: Бу соҳада менга яхшигина икром қилдинг, аммо сен билдингми менда эрга тегиш ихтиёр борми ё йўқ. Имом айтдилар, агар ихтиёр қилсанг. Биби Робиа айтди, тўрт масалада менга жавоб қилсанг, мен сеники бўламан. Имом Ҳасан Басрий айтдилар, ўз масалангни баён қил. Биби Робиа айтди: агар мен бу дунёдан кетсам, ўзим билан бирга имонимни олиб бораманми ё йўқ? Ҳасан Басрий айтдилар, бу масалани Худойи таоло яхшироқ биледи, чунки бу ғайб илмидир. Яна сўрадики, агар мени қабрга қўйсалар Мунқар-нанкирнинг саволларига жавоб бера оламанми ё йўқ? Ҳасан Басрий айтдилар: бу ҳам Аллоҳ таоло хостиға вобастадир. Яна айтди, қиёмат куни машҳаргоҳда мени

номайи аъмолимни¹ ўнг қўлимга берадиларми ёки чап қўлимга берадиларми? Ҳасан Басри айтдилар, Ғайб илмини Худодан бошқа ҳеч ким билмайди. Биби Робиа яна сўрадики, қиёмат маънавий нидо қилувчилар, икки фирқага кирадилар. Фиал ҳаёт фирқаси ва ас Саир/дўзах/ Фирқаси. Мен мана шу фирқаларнинг қайси бирига муносибман? Имом Ҳасан Басри айтдилар, мен билмайман, бу илми ғайбдир.

Биби Робиа : мени мана шу тўрт масала ҳайрон қилаётган бир пайтда, қайси хотиржамлик билан эрга тегаман, деб жавоб бердилар.

Биби Робиа айди, ё Ҳасан Басри Аллоҳ таоло ақлни неча қисм қилиб яратган. Имом айтдилар, Аллоҳ таоло ақлни ўн қисм қилиб яратган, шунинг тўққиз қисмини эркакларга бир қисмини хотинларга ато қилган. Биби Робиа айтди, Аллоҳ таоло шаҳватни² неча хабров қилиб халқ қилган. Ҳасан Басрий айтдилар, Аллоҳ таоло шаҳватни ўн хабровга яратган. Тўққиз хабровни хотинларга ва бир хабравини эркакларга ато қилган.

Биби Робиа айтди: ё Ҳасан мен бир хабрав ақлни, тўққиз хабрав шаҳватни эҳтиёт қилганим холда, сен тўққиз хабрав ақлни ва бир хабрав шаҳватга қодир эмассанки, уни эҳтиёт қилиш учун кўшиш қилмайсан. Имом Ҳасан Басри раҳматуллоҳи алайҳи кўп ўсал бўлиб, чиқиб кетдилар. Ундан кейин шаҳватдан ва хавфдан воз кечдилар.³

Келтирадиларки Умар розиёллоҳу анҳу айтганларки, кўп кулги ҳайбатни кам қилади, мазахни кўп қилиш одамлар орасида шарманда бўлиб, ёмонликка далолат қилади. Ҳар ким кўп гапирса унинг хатоси кўп бўлади ва унинг ҳаёси кам бўлади, ҳар ишда ҳаё камроқ бўлса, унинг вараъси/тақводорлиги/ кам бўлади. Ҳар ишда вараъ бўлмаса унинг жисми мурда/ўлик/ бўлмай, яъни мурдайи дил шавад/қалби ўлик бўлсин/.

Абдулла ибн Муборак раҳматуллоҳи алайҳидан келтирадиларки, ҳар ким бир фўлус ҳаромни тарк этса, Худонинг йўлига минг филус сарфлаган савобини топгай.

1. Номани аъмоал - одамларнинг ўз умри давомида қилган яхши ва ёмон ишлари ҳақидаги рўйхат бўлиб, қиёмат кунги гуноҳ қилганларини унинг чап қўлида, кўп савоб ишларини қилганларга номани помани эътиборининг ўнг қўлига берадилар.

2. Хабрав - оғирлик ўлчови.

3. Робиа Адуния ҳаёти ва фаолияти ҳақида/қараи: Ш.Ибдуллоев "Ислам динида айрим ақлилар тарихи" Бухоро нашриёти. 1993,38-40 бетлар/

Хикоят Келтирадиларки. Довуд алайҳис салом ўзининг халифалик вақтида либосларини тағйир қилиб кўчаларда янги либослар билан сайр қилар, одамлар орасида ўзининг қимматбаҳо либосларини кўз-кўз этар эди. Жаброил алайҳис салом йигит суратида унинг олдидан чиқдилар. Довуд алайҳис салом айтдилар: - Довуд алайҳис салом мардумларга қандай муомала қилади? Йигит айтди: Довуд алайҳис салом одамларга отадек мушфик ва меҳрибондир, аммо ўзининг нафсида айби борки, ўзининг орзу-хавасларини Байтул мол муслиминдан/яъни давлат хазинасида/ сарфлайди. Ким агар касби коридан/хунаридан/ келган даромаддан ўзига ва рўзгорига сарфласа, ундай кишини Аллоҳ таоло дўст тутади. Довуд алайҳис салом меҳробга келиб йиғладилар ва муножот қилдиларки, Илоҳи менга шундай касбни ато қилгинки, мен ўз рўзгоримни байтул мол муслиминдан сарф қилмасдан, ўз касби коримдан келган даромаддан сарф қилай. Аллоҳ таоло Жаброил алайҳис саломни юбориб, темирчиликни ўрганиш учун темирни Довуд алайҳис салом қўлига берди. Довуд алайҳис салом уни хамирдай қилиб, ҳукумат ишидан фориг бўлган пайтларда ундан турли асбоблар ясар эдилар. Уни сотиб ундан келган маблағни ўз рўзгорларига сарф қилар эди.

Хабар берадиларки Умар розиёллоху анхудан, Расул алайҳис салом буюрадиларки, Аллоҳ таоло санъат аҳлини дўст тутадикки, кишилар ўзларининг аҳли аёлини рўзгорини ўтказиш учун касб ўрганиб унга амал қилсунлар. Аллоҳ таоло ишёқмасларни дўст тутмайди, хоҳ бу дунё ишига, хоҳ охираат ишига такасул/тамбаллик/ ва тасахул/бепарволик/ қилса, унинг ҳалол касби аҳли аёл нафақаси учун зарарлидир ва ўзини ва аҳли аёлини рўзгорини абадий овирликка солиб қўяди.

Келтирадиларки Молик ибн Динор раҳматуллоҳи алайҳи хикоя қиладики, бир куни йўлда бир кўдакни кўрдимки, тушроқ ўйнар эди, гоҳи йивлар эди. Хоҳладимки у кўдакка салом берай. Нафсим кабирлиги юзасидан бунга Йўл бермади. Айтдим, эй нафс, пайғамбар алайҳис салом сагирга ҳам, кабирга ҳам аввал салом берар эдилар. Нафсимни мағлуб қилиб, у кўдакка салом бердим. У кўдак айтди, ваалайкум ассалом раҳматуллоҳи алайҳи Молик бин

Динор. Айтдим: эй сабех¹ мени ҳеч кўрганинг йўқ менинг номимни қаердан биласан? У сабех айтди, сенинг руҳинг Малакут оламида мулоқат қилинган эди. Аллоҳ таоло мени сен билан таништирган эди. Айтдим: эй кўдак ақл ва нафс ўртасида фарқ нимада? У кўдак айтди: шундай фарқ борки, сенинг нафсинг салом беришдан сени ман қилди, сенинг ақлинг салом беришга ундади. Айтдим: нима учун тупрок билан ўйнайсан? Кўдак айтди: тупроқдан пайдо бўлганмиз, яна тупроққа кетамиз. Айтдим эй сабех сени кўрдимки гоҳ куласан ва гоҳи йиғлайсан. Кўдак айтди, оре ҳар вақтки Аллоҳнинг азоби хотиримга келса йиғлайман, ҳар вақтки, Аллоҳнинг раҳмати хотиримга келса шод бўлиб куламан. Айтдим: Эй ўғлим сени нима гуноҳинг борки йиғлайсан? Сабех айтди, ё Молик номақул гапни гапирма, ман онамни кўраманки, таом пишириш учун олов ёқса аввал катта ўтинлар тагида кичик Тарашаларни қалаб куйдиради.

Хикоят келтирадиларки, Умар бин Абдулазиз² шом халифаси зоҳидроқ мардумлардан эди. Канизаги бор эди, бир куни ўша канизак айтди, ё амирул мўъминин бу кеча ажойиб туш кўрдим. Умар ибн Абдулазиз айтди, нима туш кўрдинг? Канизак айтди, тушимда кўрдимки қиёмат қоим бўлибди ҳамма машхаргоҳда ҳозир бўлибдилар. Мезон тарозусини насаб қилганлар ва сиротни кўрдимки, унинг устига дўзах тортиб мардумлар у ерда мурво³ қиладилар. Кўрдимки, Абдумалик ибн Марвон ҳозир сирот аҳлидан хитоб бўлдики Абдул Малик ўтсин! Абдул Малик бир қадам, икки қадам қўйиб муаллаҳ уриб дўзах оташига йиқилдилар, ундан кейин Волид келди. Хитоб бўлдики ўтгин деб, Волид ибн Абдул Малик қадам қўйишлари ҳамон дўзах оташига йиқилдилар ва бир -бир халифалардан келар эдилар. Сиротга қадам қўйиб дўзах оташига сарнагун бўлар эдилар. Ундан кейин амирул мўъминин сен келдинг. Жория суханини ўша жойда тўхтатган эдики, Умар ибн Абдулазиз сайҳа уриб /кичқириб/ балиқдек изтиробга тушди. Фарёд уриб

1. Сабех - зебо бола, уғил бола.

2. Умар Ибн Абдулазиз ибн Марван - уммовийлар халифаси, тақводорлиги билан шуҳрат қозонган. 682-720 йилларда яшаган.

3. Мурво - дуойи хайр

бошини деворга ва ерга ва тошга урар эди. Жория ҳар чанд фарёд қилардики, вало сени кўрдимки сиротдан саломат ўтдинг. Умар бини Абдулазиз холини ёмонлигидан жорияни сўзини эшитмас эди. Бир қанча вақт ўтгач, сокин бўлди, кўрдиларки Аллохнинг раҳмати Жаворига¹ пайваст бўлди.

Хикоят: Бир кишининг кичик ўғли бор эди, аксари кечалари отаси ёнида ётар эди. Бир кечаси отаси кўрдики ўғли изтироб чекмоқда, уйқуси келмайди, отаси айтди: “Эй ўғлим нима учун кўп изтироб чекмоқдасан, нега ухламаяпсан, сенинг бирор жойинг оғрияптими? Ўғил айтди: Йўқ, ё отам эртага пайшанба куни бўлади. Бир ҳафталик ўқиган сабоқларимдан имтиҳон бўлади, агар сабоқларни билмасам муаллимим мени газаб қилиб уради, ҳамма мактабдошларим орасида шарманда бўламан, шунинг хавфидан изтироб чекмоқдаман, шунинг учун ухламаяпман. У шахс ўғлини гапига сайҳа уриб /нола қилиб/ тупроқни бошига сочиб, йиғлаб айтди, эй ўғлим сенинг изтиробинг менинг изтиробим олдида ҳеч нарса эмас, эрта қиёмат куни Аллоҳ таоло айтсаки дунёда нима касб қилдинг кўп гувоҳларим учун қандай жавоб бера оламан.

Келтирадиларки. ҳазрат Умар розиёллоху анху ўзининг халифалиги даврида кечалари чиқиб Мадинайи мунаввара ичини ва унинг ташқарисини сайр қилар эдилар.

Бир кечаси келиб, бир уйнинг эшиги олдида тўхтадилар. У ердан болаларнинг йиғи овози эшитилиб, уйнинг тирқишидан қулоқ солсалар бир заифа /аёл/ ўз фарзандларига айтар эдики, сизлар билан Умар розиёллоху анху орасида Аллоҳ таолони ҳаким қилдим. Умар розиёллоху анху бу суханни эшитиб кўп кўрқиб, унинг эшигини қоқдилар. Заифа айтди, ким бу ярим кечада етимларнинг эшигини қоқаётган. Жавоб бердиларки, Умар сенларга қандай зулм қилди. У аёл айтди, Умар розиёллоху анху менинг эрим фалонини газага юборган эдики ўша газада шаҳид бўлди. Сағир етимлар ўшанда

колганки, улар учун бирор нарсам йўқ. Умар розиёллоху анху ўша кечаси бориб Байтул молдан бир халта ун ва кўп гўшт олиб ўзининг орқасига кўтариб ўша заифанинг уйига келтириб, ўз кўли билан хамир кориб, тандирни қизитиб, ўз кўли билан нон пишириб ва ўша гўшдан таом таёрлаб у етимларни уйқудан уйғотиб ўз кўли билан ҳар бирига едириб, уларни тўйғизиб, айтдиларки, “Ё заифа Умар розиёллоху анхудан розимисан ё бошқа бирор тилагинг борми? Заифа айтди, адлни олдимга келтиринг, рози бўлдим.

Хикоят: бир кечаси Ҳорун ар рашид ўзининг вазирига айтди. Бу кеча хоҳлайманки сенинг ҳамролигингда бориб худойи таолонинг солих бандаларидан бир шахсни зиёрат қилсам.

Вазир халифага ҳамро бўлиб Фозил бин Аёз раҳматуллоҳи алайҳи эшигига бориб, у ердан ичкарига кирмоқчи бўлдилар. Фозил айтди ким савмаа эшигида турган. Вазир айтди, амирал мўъминин келган эдики сен билан суҳбат қурмоқчи. Шайх айтди, мени халифа билан улфатчилигим йўқ, унинг мени хузуримга келиши учун ҳожат йўқ. Вазир айтди, руҳсат берайлик деб айтиб, шайхнинг савмаасига кирдилар. Дарҳол шайх чирогни ўчирдики, уларнинг юзларини кўрмасин.

Ҳорун ар Рашид зиёрат қилиш учун Шайхни кўлини тутди, бу иссиқ кўлдан дўзахнинг оташи нажот топсин, ундан сўнг ўз жойидан туриб намозга машғул бўлди. Халифа шайхнинг сўзини эшитиб йиғлашга тушиб, айтди: Ё шайх менга насиҳат қил. Намоздан форуғ бўлгач Шайх айтди: сенинг жадинг Аббос розиёллоху анху Имоми ал Наби саллаллоху алдайҳи васаллам эди, пайғамбар алайҳис саломдан амморат¹ хоҳлади. Расул алайҳис салом буюрдиларки, аввал ўз нафсинга амир бўл, бир соат ўзингни нафсинга амир бўлиш, икки йиллик аморатдан беҳроқдир. Бу унги аморатни кўрасанки неъмат ва давлати бор, киёмат куни ҳасрат ва надомати бор. Ҳорун ар Рашид айтди: Ё Шайх кўпроқ насиҳат қил. Фозил Шайх айтди, Умар бин Йобод ал Ғориз ўзининг халифалиги вақтида Салом бин Абдулло ва Рожа ибн ҳаёт ва Муҳаммад бин

1. Аммора - (Аммор) - амр берувчи, амалдор, катта ҳукмрон, ҳукм қилувчи.

Каъб раҳматуллоҳу анҳумларни жам қилиб айтди, аморат балосига мубтало бўлдим, мардумлар гумон қиладиларки, кори аморат сарупо, неъмат ва давлатдан иборатдир деб, мени бирор нарсага далолат қилингларки, қиёмат куни ҳасрат ва надомат менга бино бўлмасин.

Бузурқвор айтдилар. агар қиёматни нажот талабини тиласанг катта ёшдаги мусулмонларни ота деб биласан ва мусулмон дўстларини ўзингга бародар деб биласан ва уларни сағирларини мисли фарзандларингдек биласан ва мусулмон аёлларини мисли ўзингни аҳли байтингдек мушфиқ биласан, қариларни зиёрат қил, ёшларни икром эт, мусулмон фарзандларига яхшилик қил. Ё Хорун тўғриси айтсам, сендан хавфда манки, сенинг латиф юзинг дўзах оташига гирифторм бўлади, шунинг учун ҳозир бўлгинки, саволга нима жавоб бера оласан. Аллоҳ таоло эрта сендан савол сўрайдики, сенинг раиятингни ҳар бири, ҳатто бир ожиза ва мазлумаки сенинг мамлакатинг атрофида бўлса, сени Байтул молингдан маҳрум бўлса, Аллоҳ таоло олдида сени этагингни тутиб, сени гуноҳкор қилса унда нима жавоб бера олардинг? Хорун ар рашид кўп йиғлабдики ақли зоил бўлди. Вазир айтди, ё Шайх бас қилинги, амирал мўъмининни ўлдирдинг. Шайх айтди, сенга ўхшаганлар сукут сақлагани учун халифани зулолатга /гуноҳга/ қолдириб ҳалок қиласанлар. Ундан сўнг Хорун ар Рашид айтди, ё шайх эшитдим, сенинг айтганларинг фарздор. Хоҳлайманки сени фарзларингни адо қилай. Шайх айтди, Оре фарзим бор, буни ўз пиримдан тоат ва ибодат орқали олганман. Хорун ар рашид айтди, мен сендан мардумларга қилинадиган фарзни сўрадим. Шайх айтди, Аллоҳ парвардигоримдан ҳар нарса талаб қилсам ато қилади. Хорун ар Рашид бир минг динорни Шайхни олдига қўйиб айтди, бу мол ҳалолдир, онаминг меросидан менга теккандир. Шайх айтди, мен гумон қилдимки, менинг насиҳатларимни қулоғингга олгансан деб, аммо маълум бўладики, мени насиҳатларим асло қулоғингга қирмаганга ўхшайди. Хоҳлайсанки мардумга зулм қилгандек, менга ҳам зулм қилмоқчисан. Сен ибн зулмдирсан, агар ўзингни гуноҳларингдан ҳалос бўлишингни хоҳласанг ўзингни амволингни худонинг ҳақ йўлига ато қил, хоҳлайсанки сен мени мубтало қилсанг, чунки ўзинг мубталодирсан. Агар бирор кишини ҳаққини

бошқага сарф қилсанг бу зулмдир. Ҳорун ар рашид айтди, бу зарни/тиллони/ Муттақийларга сарфла, деб унинг олдидан чиқиб кетди. Шайх ўз жойидан туриб, олтинни олиб ташқарига ташлаб эшикни маҳкам ёпди.

Ҳорун ар Рашид Сидқ ва таваккал ва дин саловати ва қалб эътимоди бўйича Шайхга Мутахайр/хайрон/ қолди.

ҚИРҚИНЧИ БОБ

Рибо/судхўрлик/ ва Хамр/майхўрлик/нинг хамролиги баёни

Хабар берадиларки. Расул саллаллоху алайҳи васаллам буюрдиларки Рибонинг етмиш гуноҳи бордир. Аллоҳ таоло хамр ва рибохўрларнинг садақасини, жиҳодини ва қилган ҳажини қабул қилмайди.

Хабар берадиларки. Расул алайҳис салом буюрадиларки, шароб /хамр/ хўрлик маъул/иллат , касаллик/ эмас.

Фақиҳ Абу Лайз Самарқандий раҳматуллохи алайҳи айтди, шароб, хамрхўр фосиқдир ва уни гайёраб сотувчи кофирдир. Расул алайҳис салом буюрдиларки, бу жамоа тўрт гуруҳ бўлиб, уларга ҳеч қачон жаннатнинг ҳиди тегмасин. Аввал, рибохўр, иккинчи суҳанчин, учинчи хамр ичувчи, тўртинчи оқ валад/оқ падар/.

Ривоят қиладиларки. Жобир розиёллоху анҳудан, Ямандан бир Шайх келиб Расул саллаллоху алайҳи васалламдан савол қилдики, ё Расулуллоҳ Яман вилоятида дондан ва узумдан шароб қилиб ичадилар, дурустми ёки дуруст эмасми? Расул алайҳис салом сўрадиларки, шароб маст қиладими ёки маст қилмайдими? У шайх айтди, маст қилади. Расул алайҳис салом буюрадиларки, маст қилса ҳаромдир. Аллоҳ таоло буюрганки, ҳар ким маст қилувчи нарсаларни еса ёки ичса, қиёмат куни “тийнатал жаҳл” дан ейди. У шахс сўради, ё Расулуллоҳ “ тийнатал жаҳл” нима? Расул алайҳис салом буюрдиларки, тийтанал жаҳл аҳли дўзахнинг ароғи ва у шундай нарсани у Рим /жароҳатчирки/ ва қон зардобидан ҳосил бўлғай. Ҳар ким шароб ичса, Аллоҳ таоло қирқ кун уни намозини қабул қилмайди, агар бир марта бир қултум ичган бўлса ҳам.

Кааб ал Ахбор розиёллоху анҳо айтганларки

шаробнинг бир қадаҳини ичган кишидан менинг наздимда дўзахнинг бир қадаҳ оловини ичган киши дўстроқдир.

Хабар берадиларки. Ойша Сиддиқ розиёллоху анҳодан, Расул саллаллоху алайҳи васаллам буюрадиларки, ҳар ким шаробхўрга бир дукма таом берса Аллоҳ таоло буюрадики, дўзахнинг илон ва чаёнлари унинг гўрини захарлагайлар. Қиёмат куни гўридан турсин. Ҳар ким етимларни молини еса, унинг қорни оташдан тўлгай, қиёмат куни унинг қулоғидан, кўзидан, бурнисидан тутун фавора уриб чиқгай. Шунинг учунки етим молини еганлигини маҳшар аҳли билсин.

Ривоят қиладиларки. Аёз ибн Юнус раҳматуллоҳи алайҳидан: Расул алайҳис салом буюрадиларки, ҳар ким етимни бошини силаса Худонинг раҳмати у бандага ёмғирдек ёғилгай. Ҳар мўъмин етимни ўз тарбиясига оладиган бўлса, унинг гуноҳлари мағфират бўлгай. Жойи жаннатда бўлгай.

Хабар берадиларки Абу Дорудий раҳматуллоҳи алайҳидан, Расул саллаллоху алайҳи васаллам ҳузурларига бир шахс келиб савол сўрадики, ё Расулуллоҳ кўнглим жуда ҳам қаттиқ, нима қилайки кўнглим юмшасин. Расул алайҳис салом буюрадиларки. Кўлинг билан етимларни бошини силаб, уларга таом бергин, шунда кўнглинг юмшайди.

Хабарда борки. бир эркак Расул алайҳис салом хизматларига келиб арз қилдики, ё Расулуллоҳ агар етимдан камчилик топсам қандай жазо берай? Буюрадиларки, ўз фарзандингиздек жазо бер.

Хабарда борки. Расул алайҳис салом буюрадиларки, ҳар ким етимни урса арш ларзага келади.

Келтирадиларки. Хафс розиёллоху анху Умар розиёллоху анху халифалик вақтларида бузурқвор оталари ҳузурига келиб дедилар, Ажам подшоларни молларини ва Қайсарнинг/рум подшоси/хазинасини келтириб уларнинг ҳаммасини одамларга тақсимлаб бердинг, аммо сенинг ўзинг ундан бирорта тоза либос киймадинг ва улардан бирор таом ҳам емадинг. Умар розиёллоху анху дедиларки, ё Хафс биласанки, сенинг бобонг ҳазрат Расул саллаллоху алайҳи васаллам ўзларини набуватлик/пайғамбарлик/аёмида ўзларини ва аҳли байтларини қоринларини

тўйгазиш учун ҳеч нарса тополмасдилар, агар кундузи бирор нарса мавжуд бўлса, кечқурун оч ётар эдилар. Хафс розиёллоху анху айтди, оре ундан кейинчи? Дедилар, ё Хафс биласанми, бир куни Расул алайҳис салом олдиларига қаердандир ўралган дастурхон келтирилган эди. Расул алайҳис саломнинг ранги-рўйлари ўзгариб, буюрдиларки, дастурхонни олдидан узоқлаштиринг ва ўзлари келтирган таомларини ўз дастурхонларига қўйиб еган эдилар. Ё Хафс аё кўрдинги, Расул алайҳис саломнинг бир чопонлари бор эдики, бир куни уни ювиб эдилар. Билол розиёллоху анху намоз ўқиш учун баланд овоз билан азон айтди. Аммо, Расул алайҳис салом масжидга чиқа олмадилар, чунки чопонлари қуримаган эди. Хафс розиёллоху анху дедилар, оре бошқа чопонлари йўк эди. Ундан сўнг унга дедилар, расул саллаллоху алайҳи ва саллам буюрдиларки, ё Умар агар саҳоб йўлига бормокчи бўланг чопонингни ямаб ол, кафшинга ямоқ солгин, /шора бидўз/ ва молингни камайтиргин, оч бўлгин, тўк бўлмагин деб насиҳат қилган эдилар.

Муҳаммад саллаллоху алайҳи васаллам Абу Бакр Сиддик розиёллоху анху шу тариқ ўтдилар, мен ҳам уларнинг тариқатларига амал қиламан. Умидворманки, эрта уларнинг йўлидан борсам дейман, аммо хавфим борки, агар тажовуз қилсам, уларга фосил/пайваст/ бўлмайман, деб қўрқаман. Хафс розиёллоху анху ҳўнграб йиғладилар. Унинг ақли зоир бўлди, илгариги фикрлари ақлидан соқит бўлди.

Хабарда келтирадиларки. Расул саллаллоху алайҳи васаллам буюрадиларки, одамлар била туриб беш гуноҳни ўзлари содир қиладилар, шунга ажабланаманки, дўзах оташи борлигини била туриб гуноҳ қиладилар. Иккинчи, айрим кишилар вафот этган кишилар устидан куладилар, учинчи, кишилар борки қазоу-қодирни билиб, уни ўйламайдилар. Тўртинчи, кишилар дунёнинг заволини била туриб, бу дунёга кўпроқ кўнгил боғлайдилар. Бешинчи, Ло илоҳа илаллоху Муҳаммадун Абдуху расулуллоҳни билсалар ҳам унга истиғол/амал/ қилмайдилар.

КИРК БИРИНЧИ БОБ

Пайгамбар саллаллоху алайхи васаллам хижратлари баёни

Маккайи мукаррамадан мадинайи мунавварага келганларига қадар ҳазрат Муҳаммад саллаллоху алайхи васаллам қирқ ёшларида пайгамбарлик номини олдилар. Ўн уч йил Маккайи мукаррамада халқни Аллоҳ таолога имон келтириш даъвати билан машғул бўлдилар.

Макканинг Курайш қавми ҳаммаси азон эшитар эдиларки, кундан-кунга ислом олами равнақ топиб, ҳар тарафдан одамлар келиб, Ислом йўлига дохил бўлиб имон келтирар эдилар. Воқеани мадина аҳли эшитиб, киборлардан кўпчилик Расул алайҳис салом хизматларига келиб имон келтирдилар. Абу Жаҳли лайин ва макка кофирлари ҳазрат Расул саллаллоху алайхи васалламга қарши бўлган жамоа аҳли билан машфират қилар, ислом динининг йўқотмоқ пайида бўлар эдилар. Иблис алайҳи лаъна эшон суратига кириб, ўша ерга ҳозир бўлди. Курайш айтдилар, эй беазон Шайх нега бизларнинг мажлисимизга келдинг? Иблис айтди: мен одамлардан сизларнинг чиройли юзларингизни ва яхши ишларингизни эшитиб, сизларнинг тадбирларингиздан воқиф бўлиш учун келдим. Курайш айтдилар: бу шахс нажот бўлса керак, шунинг учун сўзларингизни ва режаларингизни ундан пинҳон тутманг. Машваратда баъзилар айтдилар: Муҳаммад алайҳис саломни ўз хонасига хиёс қилиб, таом ва сув бермаймиз, эшикларини маҳкамлаб ташлаймиз. Иблис айтди: сизларнинг бу ишларингиз тадбирли эмас, чунки Муҳаммад алайҳис саломнинг ақрабо ва қавми борки, сизлар билан муқобил бўлиб, уни халос қиладилар. Курайш айтдилар, Шайх рост айтади. Яна курайшлардан баъзилари дедик, Муҳаммадни Маккадан чиқариб ҳайдаймиз, ғарибликда ҳеч иш қила олмайди. Иблис айтди, сизларнинг бу тадбирларингиз, кўп мақул бўлмаган тадбир бўлиб хисобланади, агар хориж қилсангиз Муҳаммад алайҳис салом ҳар қаерга борса, унинг суханларини халовати ва лиссон тиловати шахсларга таъсир қилиб ҳар бир киши унинг атрофига тўпланиб сизларга қарши ҳарб қилади.

Сизларни ўз ватанларингиздан ташқарига ҳайдади. Қурайш айтадилар, рост айтдинг, Эй шахс Абу Жаҳл Лайин айтди ҳар бир қабиладан йигитларни сўраб, уларнинг қўлларига шамшир берамиз ҳамма бирданига унга шамшир уриб қатл қиладилар. Агар Шомликлар жанг қилиш учун келса, ҳамма баробар жанг қилсин. Иблис айтди, бу тадбир яхши тадбирлардандир. Ҳамма қурайш шу тадбирни маъқуллаб бир қарорга келдилар.

Жаброил алайҳис салом Аллоҳ таоло амри билан келиб Қурайш машваратидан Муҳаммад алайҳис саломни хабардор қилдилар. Вахий келдики илоҳи фармони билан Маккадан ҳижрат қилиб, Мадинага боринг. Ҳазрат саллаллоҳу алайҳи васаллам Аллоҳ таоло амри билан ўша қоронғи кечаси ҳазрат Али Карамулло важҳахуни ўз фирошларида ётқизиб, Абу Бакр Сиддиқ розиёллоҳу анху уйларига келдилар. Сиддиқ розиёллоҳу анху айтдилар, ё Расулуллоҳ сизнинг келишингизга боис надурки кечаси келдингиз? Расул алайҳис салом буюрдиларки, Қурайш мени қатл этишга қасд қилган. Аллоҳ таолодан ҳижрат қилишимга фармон бўлди, келдимки сен менга ҳамроҳ бўлгин деб. Абу Бакр Сиддиқ розиёллоҳу анху айтдилар, самъ ва итоат²деб дарҳол Расул алайҳис саломга ҳамро бўлиб йўлга равона бўлдилар. Қурайш ўша кечаси Расул алайҳис салом хоналарига келиб фирошда муртазо Али розиёллоҳу анхуни кўрдиларки, қаттиқ уйқуда кетган эканлар. Уйғотиб сўрадиларки, сенинг соҳибинг қаерда? Жавоб бердиларки, билмайман. Қурайш ҳар чанд ахтардилар, топа олмадилар уларнинг тадбирлари ботил бўлди. Абу Жаҳл айтди: ҳар ким Муҳаммад алайҳис саломни бошини келтирса юз туя қизил мўй/қизил жун/ ва юз канизи румия ва юз яхши от бераман. Ҳамма қавм инъом учун тўрт томонга чошиб, тарадду қила бошладилар.

Ровийлар айтадиларки, Ўша кеча ҳазрат саллаллоҳу алайҳи васаллам пиёда кетар эдилар. Абу Бакр Сиддиқ розиёллоҳу анху гоҳ олдинда гоҳи орқага, гоҳи ўнг, гоҳи чап томонлардан хабар олиб кўп юрар эдилар.

1. Фирош - хобгоҳ, ётиш жойи

2. Самъ ва итоат - эшитувчи ва итоат қилувчи, фармонбардор.

Ҳазрат саллаллоҳу алайҳи васаллам бунинг боисини сўрадилар, жавоб бердиларки, ё Расулуллоҳ ҳар тарафдан келадиган овозларга қулоқ соламан, бинобарин тарадду қиламанки мабодо душманлар билиб қолса сиз жанобларга бирор зарар етказмасин деб ўйлайман. Расул алайҳис салом буюрдиларки, Аллоҳнинг ўзи бу офатлардан сақласин. Сарроф бин Молик отга миниб Расул алайҳис саломга етди. ҳатто унинг билан Расул алайҳис салом оралари икки найзадек йўл қолган эдики, Абу Бакр Сиддик розиёллоҳу анҳу йиғлашга тушдилар. Расул алайҳис салом буюрдиларки, маҳзун/ғамгин/ бўлма. Худойи таоло ёрдам кўрсатади, ундан сўнг дуо қилдилар. Сарроф бин Молик отини тўрт оёғи ерга кириб кетди. Сарроф фарёд қилдики, ё Муҳаммад алайҳис салом билдимки, сенинг дуонг билан шундай бўлди. Дуо қил бу балодан халос бўлай. Сенинг сиригини мағфий тутаман, ким сени таъкиб қилиб келаётган бўлса уни йўлдан қайтараман. Бу тири камонни сенга бераман. Мен ўзимнинг қўйларим ва туяларимдан хабар олиш учун чиққан эдим. Бу тиру камон сенга иш берсин. Расул алайҳис салом дуо қилдилар, унинг оти жон топиб, у нобакорнинг тири камонини ўзига ҳавола қилдилар. Сарроф ўз йўлидан қайтиб, ҳар ким Қурайшлардан унинг олдидан чиқса, чиқиб уларнинг ҳаммасини йўлдан қайтариб ман ҳўб яхши биламанки Муҳаммад бу йўлдан борган эмас деди.

Ровийлар айтадилар. Ҳазрат саллаллоҳу алайҳи васаллам Хира тоғининг ғорига етган эдилар. Абу Бакр Сиддик розиёллоҳу анҳу ғорга кириб чопонларини пораспора қилдилар. Мабодо илон, чаён чиқиб зарар теғдирмасин деб ғор ичидаги тешиқларга, чопонларини йиртигини тикдилар. Шундан кейин айтдилар, ё Расулуллоҳ ғорга дохил бўлинг. Пайғамбар алайҳис салом ғорга кирдилар. Илоҳи фармони билан дарҳол икки кабутар/кафтар/ келиб ғорнинг эшиги тепасида ин қўйди. Икки ўргимчак келиб, ғорнинг оғзига ўз торларини боғладилар. ҳазрат саллаллоҳу алайҳи васаллам уч кун ўша ғорда яшадилар, йўл толиблардан/яъни пайғамбарни қидирувчилардан/ холи бўлди.

Айтадиларки. Қурайшийлар изларни танийдиган бир шахсни топдилар. У шахс Қурайшни ғор йўлига олиб

бориб айтди, Муҳаммад алайҳис салом бу фордадир. Курайш ўша фор тепасига келдилар. Кабутарлар ўз маконларидан учдилар. Курайш қаронғу фор ичидаги кабутарларни кўрдилар. У шахс айтди? Форнинг ичкарасига кириб кўринглар. Умия ибн Халаф айтди? Форнинг ичида нима бор? Ўргимчак торини кўрмайсанми, у Муҳаммад алайҳис салом тувилмасдан бурун бу ерларга тор боғлаган, деб айтиб, у шахсни бўйнига шамшир уриб, Курайш ўз йўлига қайтиб кетди:

Ривоят этадиларки Мадина аҳли эшитдиларки пайғамбар салаллоҳу алайҳи васаллам хижратга маъмур бўлганлар. Мадина аҳли хурсанд бўлиб, Расул алайҳис салом йўлларига чиққан эдиларки, ҳеч хабар бўлмади. Қайтиб кетмокчи бўлганларида кўрдиларки, бир баландликда яҳудий турган эди. Улар Расул салаллоҳу алайҳи васалламни кўрдингми, деб пастдан кичқирдилар. У яҳудий кўрдим деб товуш берди. Мадинаи Мунаввара аҳли, хотин ва фарзандларигача хурсанд бўлиб, Пайғамбар истикболларига равона бўлдилар. Ҳамма кўрдиларки Расул алайҳис салом билан бир эркак келаётган эди. Ҳамма пайғамбарнинг дийдорларини кўришга мушарраф бўлдилар ўша вақтда пайғамбар салаллоҳу алайҳи васаллам элик уч ёшда эдилар. Дувоздахуми / ўн иккинчи / раби ул аввал душанбе куни / нисфи ал наҳор / чоштгоҳда Мадинаи Мунавварага дохил бўлдилар. Бир йилдан кейин Бадр¹ ғазоси воқъе бўлди. Ўша йили рўзаи моҳи рамазон/рамазон ойининг рўзаси/ фарз бўлиб, учинчи йилда Уҳуд² ғазоси бўлиб, ҳамр ҳароми мутлак бўлди, /ҳамр ичиш қатъий манъ қилинди/, тўртинчи йилда қаср намоз ва таяммун/сув бўлмаганда, тупроқ билан таҳорат қилиш/ фарз бўлди, бешинчи йилда хандак ғозаси бўлди ва ҳавф намозини ўқидилар, олтинчи йилда Жудди ғазоси ва Ифк ҳадиси воқъе бўлди, еттинчи йилда Хайбар³ ғазоси,

1. Бадр - Мадинанинг жанубий-ғарбида жойлашган шаҳарга бўлиб, Бадр ғазоси 624 йил март ойида Муҳаммад алайҳис салом бошчилигида Мадиналикларнинг Макка қўшинлари билан қилган жанги.

2. Уҳуд ғазоси - 625 йилда Уҳуд тоғи ётагида Маккаликлар ва мадиналиклар ўрта сида бўлган жанг.

3. Хайбар ғазоси - 628 йилда муҳулмонлар томонидан забт этилган қалъа.

Саккизинчи йилда Мўтод ғазоси ва Макка фатх қилинди. Ўша йилнинг рамазон ойида Утос ғазоси воқъе бўлди. Тўққизинчи йилда Табук ғазоси ва Абу Бакр Сиддик розиёллоху анхунинг ҳаж қилиши содир бўлди. Ўнинчи йилда пайғамбар салаллоху алайҳи васалламнинг ҳажлари воқъе бўлди. Ўша йили пайғамбар салаллоху алайҳи васалламнинг ўғиллари Иброҳим вафот қилди. Расул салаллоху алайҳи васаллам ўн иккинчи рабиул аввал ойида 63 ёшларида Боқи оламига хиромида қилдилар/ба олами боқи хиромиданд/ яъни вафот этдилар.

ҚИРҚ ИККИНЧИ БОБ

Ўлимнинг ваҳимаси ва шиддати баёни ҳақида

Ҳазрат Али карамаллоху ваҷҳахудан хабар берадиларки, бир эркакнинг жони чиқиш ҳолатида бўлиб, у ерда Расул алайҳис салом ҳозир эдилар. Малакул мавтни у ерда кўриб айтдилар: ё Азроил бу шахснинг жонини азоб бермасдан қабз қилки, менинг мўъминим ва махбуби/хамсуҳбатим/ бўлади. Азроил алайҳис салом айтдилар, ё Муҳаммад сизга башорат бўлсинки, мен мўъминларга муҳиб/дўст/ дирман. Валеки ё Муҳаммад алайҳис салом мен одамларнинг фарзандларини руҳини қабз қилсам, унинг аҳли-байти фарёд қиладилар. Валеки мен сизларга зулм қилганим йўқ ва ажалдан олдинроқ қабз қилмайман ва Қодири Кузотнинг амрини бажо этаман. Сизлар ҳам худонинг тақдирига рози бўлинг, фарёд этманг савобини топасиз. Ё Муҳаммад салаллоху алайҳи васаллам мен агар пашшани жонини қабз қиламан десам, худойи таолло унга амр қилмаса, ундай қудратга эга эмасман.

Келтирадиларки Ҳазрат Мўсо алайҳис саломнинг рихлатидан/вафотидан/ сўнгра Аллох таоло савол қилдики, ё Мўсо руҳнинг қабзини кайфини билдингми? Мўсо алайҳис салом айтдилар: Илоҳи! Тирик қўйни терисини

рассоб шилиб олгандай, экан.

Келтирадиларки Исо алайҳис саломнинг дуоסי билан Сом алайҳис салом тирилди, лекин унинг сочлари оқарган эди. ҳазрат Исо алайҳис салом сўрадиларки, сизларнинг вақтингизда мўйсафидлик йўқ эди. Нима учун сенинг сочинг оқарган. Сом айтди, хайрли видони эшитдим, гумон қилдимки, қиёмат қоим бўлган бўлса керак. Махшарнинг хавлидан/вахимасидан/ менинг сочларим оқариб кетди. Айтдиларки ўлганингга неча йил бўлди? Сом айтди, тўрт минг йилки дунёдан ташқари бўлганман. Жон бериш ҳалигача мазоқимдан/думоғимдан/ кетган эмас.

Келтирадиларки, ҳазрат Иброҳим Халиллоҳ Азроил алайҳис саломдан сўрадиларки, фожирларнинг /фосиқларнинг/ жонини қандай қабз қиласан, уни менга кўрсатсанг. Азроил алайҳис салом айтдилар, кўзингизни юмиб очинг. Иброҳим алайҳис салом кўзларини юмиб очиб кўрдиларки бир қора эркакнинг туклари хачирдек бўлиб, либос кийган баданидан ёмон хид, унинг оғзидан ва бурнидан олов ва тутун фавора уриб чиқмоқда. Ҳазрат Иброҳим алайҳис салом беҳуш бўлдилар. Ундан кейин Азроил алайҳис салом яхши суратга кириб, айтдилар, Салоҳ бандаларни шу суратда қабз қиламан. Ҳазрат Иброҳим алайҳис салом сўрадиларки, ё Азроил бир шахс машриққа бир неча киши мағрибда бўлса ва бир неча жойда бўлса уларнинг жонини қандай қилиб қабз қиласан? Азроил алайҳис салом айтди: Аллоҳ таоло фармони билан бутун махлуқотларнинг жони менинг икки бармоғим орасида бўлади ва ер эса менинг наздимда мисли тоғорадек/мисли ташт/ бўлиб, дунёнинг ҳар тарафида ажали етган бўлса ўша тоғорада турган одамнинг жонини қабз қиламан.

Келтирадиларки, ҳазрат Ёқуб алайҳис салом малакул мавт билан биродарлик аҳдини бовлаган эдилар. Бир куни айтдилар, ё биродар ҳар вақтки менинг ажалим яқинлашса икки марта менга олдиндан хабар қил кейин менинг руҳимни қабз қилган вақтда ҳозир бўл. Бир куни Азроил алайҳис салом келдилар. Ёқуб Алайҳис салом айтдиларки мени зиёрат қилиш учун келдингми ёки мени руҳимни қабз қилганими? Азроил алайҳис салом айтди, руҳингни қабзи учун келдим. Ёқуб алайҳис салом айтдилар, мен сенга васият қилган эдимки икки марта менга хабар

бериб, учинчи мартага руҳимни қабз қил. Азроил алайҳис салом айтди, менинг биринчи хабарим шу эдики сени қора сочинг оқарди, бошқа хабарим шу эдики сенинг қоматинг тўғри эди, ҳам/қоматни букилиши/ бўлди.

Ривоят қиладиларки, Расул салаллоҳу алайҳи васаллам буюрдиларки менинг ҳаётим сизларнинг хайрингиз ва менинг мамотим сизларнинг хайрларингиздир. Саҳобалар сўрадиларки сизнинг ҳаётингиз бизларнинг хайримиздир, сизнинг мамотингиз қандай қилиб бизнинг хайримиз бўла олади? Расул алайҳис салом буюрадиларки сизларнинг ҳаётларингизни Аллоҳ таолога даъват қилдим сизларнинг ҳикмат ва мавоат ва ҳасанотларингизни тарғибот қилдим, ундан кейин мени умматларимни мамоти эъмоли ҳар куни душанба ва пайшанба менга арз қиладилар. Умматларимни хайр ва эҳсон ва тоатларини кўрсам хурсанд бўламан, агар уларнинг гуноҳларини кўрсам Аллоҳ таолодан мағфират сўрайман.

Келтирадиларки, Ҳазрат Расул салаллоҳу алайҳи васаллам вафотлари вақтида ўн саккиз кун касал бўлдилар, душанба ўн иккинчи раби ул аввал дунёга келиб, яна душанба ўн иккинчи рибби ул аввал дунёдан кетдилар/аз дунё берун шуданд/. Эрталаб душанбе куни ўз нафасларини машғули бўлдиларки, Билол розиёллоҳу анҳо саодат хужраси эшигига келиб, овоз қилдики аз саловат ё раҳмеки Аллоҳ. Ҳазрат биби **Фотима** розиёллоҳу анҳу чиқиб айтдиларки, ё Билол Расул алайҳис салом ўз нафасларига машғул бўлаяптилар. Расул алайҳис салом Билолнинг овозини эшитиб айтдилар, ё Билол Абу Бакри Сиддиқга айтгинки умматлари билан машғул бўлсинлар. Билол розиёллоҳу анҳу чиқиб **фарёд** қилиб, во мусибато умматларнинг бели синди, **деди** ва масҷидга дохил бўлиб айтди, ё Абу бакр Сиддиқ **ҳазрат** расулуллоҳ ўз нафаслари билан машғул бўлганлар, **амр** қилдиларки сен намозга имоматлик қил. Абу Бакр розиёллоҳу анҳу меҳробни расул алайҳис саломдан **ҳол** кўриб фарёд қилдилар. Саҳобалар йиғлашда **тушиб** фарёду ноалар кўтардилар. Расул салаллоҳу алайҳи васаллам уларнинг фуғулласини эшитиб айтдилар, ё **Фотима**, Али ва Абдулло бини Аббос

1. Абдуллоҳ Ибн ал Аббос ибн Абдулмуталиб - Абулаббос деб ҳам юритилади. Муҳаммад пайғамбарнинг амакивачалари, 686 йилда вафот этган.

Розиёллоху анхумоларга хабар қил! Фотима розиёллоху анхо уларга хабар қилдилар. ҳазрат салаллоху алайҳи васаллам бир муборак қўлларини Муртазо Алининг кифтига ва бир қўлларини Абдулло ибн Аббос кифтига қўйиб масчидга чиқиб, фажр намозини ўқиб саҳобаларга юзларини ўгириб айтдилар, ё махшариал мўъминин сизларни дуо қиламан, сизларни Аллоҳ таоло канафига/паноҳига/ топшираман, менинг халифалигимдан сўнг сизларга Аллоҳ таолонинг тоат ва тақвоси борлиги учун ман сизларни мағфират қиламан. Бу кун охират кунининг аввали менинг учун дунёнинг охирги куни деб уйларига кетдилар. Аллоҳ таоло ваҳий қилди Азроил алайҳис саломгаки ҳабибим олдига бориб, ўз вазифанга дохил бўл.

Ҳусн сурат ва рафиқ ва мадоро менинг ҳабибимни жонини қабз қил ва агар ижозат бермаса зинҳор тегмай қайтиб кел. Азроил алайҳис салом Аллоҳ таоло амри бир араб суратига кириб, Саодат хужраси эшигига келиб, товуш қилдики ассалому алайкум ё расулуллоҳ, ё аҳли байти нубуват/пайғамбар/. Фотима розиёллоху анхо чиқиб айтдилар, эй худонинг бандаси, Расул алайҳис салом ўз нафаслари билан машғулдилар. Сенинг киришинга ҳожат йўқ. Расул алайҳис салом уларнинг гапларини эшитиб айтдиларким, ким билан гаплашяпсан, аё уни биласанми ким? Фотима розиёллоху анхо, йўқ деб айтдилар. Расул алайҳис салом буюрдиларки у олий зот фармони билан келган. Ал жамоатни хароб қилувчи, қабристонларни хоналарга айлантирувчи Малукул мавтдир/Азроилдир/. Ундан сўнг, ё Азроил дохил бўл! Деб айтдилар. Малакул мавт кириб айтди, ассалому алайкум ё расулуллоҳ. Пайғамбар алайҳис салом айтдилар, менинг руҳимни қабз қилгани келдингми? Азроил алайҳис салом айтдилар худойи таолонинг фармони борки, агар ижозат берсангиз қабз қиламан, вале ижозат бермасангиз қайтиб маконимга кетаман. Расул алайҳис салом буюрадиларки Жаброил қаерда? Ўша вақт Жаброил алайҳис салом ҳозир бўлиб Расул алайҳис салом ёнларига ўтирдилар ва айтдиларки худойи таоло сизга баловия² салом юборди,

1. Малакул мавт - ажал фариштаси, азроил

2. Балов/ия/ - кифоят, камол етказиш/бирор нарсани, даражасига етказиш/.

Малоикалар дуруди¹ бенихоят юбордилар. Жаннатнинг эшикларини сизнинг учун очиб хуру филмонларни зиннат бериб, жаннатни оро бердилар. Расул алайҳис салом айтдилар, ё биродар бошқа башоратни етказ. Менинг кўнглим ором олсин. Жаброил алайҳис салом айтдилар, қиёмат куни аввал шафоат қилувчи сиз бўласиз. Расул алайҳис салом буюрдиларки ўзимнинг умматларим гамида паришонманки, қиёмат куни уларнинг аҳволи нима бўлади. Жаброил алайҳис салом бориб яна келиб айтдилар, худойи таоло сизга салом йўлади, башорат бердиларки, ўзининг умматларидан паришон бўлмасин. ҳабибим дохил бўлмагунча жаннатни бошқа пайғамбарга ҳаром қилдим, то ҳабибимнинг умматлари жаннатга дохил бўлмагунча, бошқа умматларга жаннатни ҳаром қилдим. Расул алайҳис салом буюрдиларки энди менинг кўнглим ором топди ва менинг паришонлигим зоил бўлди. Ё малакул мавт тез келиб, ўз ишингга машғул бўл. Азроил алайҳис салом руҳнинг қабзи билан машғул бўлди.

Расул алайҳис салом айтдилар, ё Жаброил жон чиқишнинг ачиқлиги кўп ашор/ҳаддан зиёд бадкорлик/га айланди/зиёда ашор гардид/. Жаброил алайҳис салом ўзларини юзлари тескари қайтардилар. Расул алайҳис салом айтдилар, ё Жаброил нега юзингни мендан қайтарасан. Жаброил алайҳис салом айтдилар, ё расулуллоҳ сизнинг юзингизга қарашга кўнглим тоқат қила олмади. Азроил алайҳис салом олий Ислом набийсини сардорини руҳларини қабз қилди. Агар дунё кишига вафо қилар эди Расул алайҳис салом дунёга Мухаллад² бўлар эдилар. Расул саллаллоҳу алайҳи васалламнинг руҳларини қабзидан сўнг ҳазрат Али ва ибн Аббос розиёллоҳу анҳумо ювиб, кафан қилиб Ойша Сиддиқ .розиёллоҳу анҳо хужраларида сешанбадан чоршанба ўтар кечаси ўн биринчи ё ўн тўртинчи рабби ул аввал мадфун бўлдилар. Ҳазрат Али ва ибн Аббос розиёллоҳу анҳумо қабрга қўйиб йиғладилар.

1. Дуруд-дуо, салом, мадҳ

2. Мухаллад - абадий, доимий, боқӣ.

Келтирадиларки, Ҳазрат Маъоз ибн Жабал¹ розиёллоху анху Яманда ҳоким эдилар. Бир кечаси Расул алайҳис саломни тушларида кўрдилар. Буюрдиларки, ё Маъоз расулуллоҳ туроб тахтида, сен Яманда фараоватда ўтирибсан. Маъоз розиёллоху анху уйқудан уйғониб “во Муҳаммадо” “Абул ал Қосимо” деб Мадина тарафига равона бўлдилар. Аллоҳ фармони билан фажр² вақтида Мадинага етдиларки, Билал розиёллоху анху фажр азонини айтаётган эди ва Маъоз розиёллоху анху “во Муҳаммадо”, “Во мусибато” дея фарёд қилдилар. Сахро ва Хисорда яшаган саҳобалар жам бўлиб, ҳамма йиғлашга тушдилар. Маъоз розиёллоху анху билан мулоқот қилдилар. Али розиёллоху анху пайғамбар саллаллоху алайҳи васалламни Маъозга саломларини етказиб айтдиларки, ё Маъоз ҳазрат саллаллоху алайҳи васаллам Фотима розиёллоху анҳодан сенинг саломинг ва кўп дуоларингни эшитиб, буюрдиларки қиёмат куни Маъоз оламнинг имоми бўлсин деб дуо қилдилар.

ҚИРҚ УЧИНЧИ БОБ **Қабр азоби баёни ҳақида**

Ривоят қиладиларки Анас ибн Молик³ розиёллоху анҳудан Расул алайҳис салом буюрдиларки Мўъмин бандаларни қабрга қўйсалар унинг хешу ақраболари қабр бошидан кетганларидан сўнг икки фаришта Мункар ва Нанкир унинг қабрига кириб айтдиларки, нима дейсан: агар у маита мўъмин бўлса, айтгайги худо яккаю яғонадир. Муҳаммад расулуллоҳдир. Саллаллоху алайҳи васаллам. У фаришталар айтсинки, эй банда сени истиқомат қиладиган жойинг оташ эди, энди сенинг жойинг жаннат бўлдики, мисли арус/келиндек/ ётгин. Аммо мунофиқ, ё кофир бўлса фаришталар ҳар нарса сўраса, билмайман деб жавоб бергай.

1. Маъоз ибн Жабал - тўлиқ номи Абу Абдураҳмон ал ансорий ал Ҳазражий ал Жошмий, Саҳоба.

2. Фажр - бондод, субҳидам, тонг отиши

3. Анас ибн Молик - Муҳаммад пайғамбарнинг саҳобаларидан. Лақаби Абу Ҳамза тахминан 92/710 йил, 100 ёшида вафот этган.

У фаришталар темир билан унинг қулоғи орқасига урсинларки, фарёд-фигони кўтарилсин инсон ва жиндан ташқари ҳамма махлуқлар эшитгай.

Хикоят Фақих Абу Лайс Самарқандий раҳматуллоҳи алайҳи ҳикоят қиладиларки, ҳар ким қабр азобидан нажот топаман деса, тўрт ишни ихтиёр қилиб, тўрт бошқа ишни қилмасин.

Аввал беш вақт намозни адо қилсин.

Иккинчи, ростғўй бўлиш керак,

Учинчи, Қуръоннинг тиловатини адо этсин,

Тўртинчи, зикрни кўп айтиш ва тўрт ишни қилмаслик куйидагичадир:

Аввал ёлғон айтиш,

иккинчи хиёнат қилиш,

учинчи, суханчилик, гийбатчилик,

Тўртинчи бавддан эҳтиёт бўлмасликдир.

Ривоят қиладиларки. Каъб Ахбор¹ розиёллоҳу анҳудан, Аллоҳ таоло ўлимни чиройли кўчқор шаклида яратиб, уни фаришталар сафига бериб, ҳамма малоикалар ўлим суратини кўриб, ҳушсиз бўлиб йиқиладилар. Ифокига/хушларига/ келганларидан кейин муножот қилдиларки, илоҳи бу қайси махлуқдир? Нидо келдики, “Хуввал мавт”²дир. Фаришталар айтдилар хувал мавтни қандай фирқага халқ қилдинг? Фармон келдики, ҳамма махлуқлар учун. Фаришталар сўрадиларки, илоҳи, дунёни нима учун халқ қилдинг? Нидо келдики, одам наслини кўпайиши учун яратдим. Фаришталар айтдилар, илоҳи дунёда инсон авлодига ўлум ҳукм бўлсанг, улар қандай қилиб, бу дунёга кўнгли исиб, машғулот қиладилар: Нидо келдики, инсон авлоди аёллар бўлиб, яшаш учун меҳнат билан бўлиб ўлимни эсдан чиқарсунлар. ҳатто улар бир-бирларига аёллар учун, молу-давлат тўплаш учун тафаҳур³/кибр ҳаво мағрурлик/ қилсунлар.

1. Каъб ал Ахбор - Абу Исоҳ Қабб ибн Моте 652 йилда Ҳиммос шаҳрида вафот этган, асли яҳудий, кейин мусулмон бўлган, машҳур ровий/ривоят ёки нақл қилувчи/ бўлган.

2. Хувал Мавт - ўлим

3. Тафаҳур - кибр, мағрурлик, фяхрланш.

Хабар берадиларки. хар қачон бани одамдан унинг рухи жудо бўлса осмондан уч марта нидо келсунки, ё бани одам дунёни тарк этдинг, дунё сени тарк қилди, ё бани одам сен дунёни/бойликни/ жамладинг, дунё сени тарк қилди, бани одам сен дунёни қабул қилдинг, дунё сени қатл қилди. Фусл вақтида уч марта нидо келсинки, ё бани одам сенинг баданинг нима учун заиф бўлди, сенинг тилинг бурро эди, нима учун хомуш бўлди, сенинг дўстларинг кўп эди, нима учун улар сендан ажралиб қолдилар. Кафан қилишда уч бор нидо келсинки, эй бани одам узоқ сафарга кетаяпсан, вале ўз манзилингдан чиқдинг ватанингга қайтиб келмайсан, бошқа хонага кетаяпсан, аммо у ернинг ахволини билмайсан. Қабрга қўяётган вақтда уч нарса ҳақида нидо келсинки, ё бани одам ер юзида хандон эдинг, лекин ер остида ундан махрум бўлдинг, ер устида гапирар эдинг, ер остида хомуш бўлдинг, Ер устида нозу-неъматлар билан парванда эдинг ер остида оч ётасан.

Хикоят қиладуларки Фотима розиёллоху анҳо вафотидан кейин ул зотни ҳазрат Али, Имом Ҳасан ва имом Ҳусайн ва Абу Зар Ғаффор розиёллоху анҳумо кўтариб қабрга элтиб қўйдилар. Абу Зар Ғаффор розиёллоху анҳу кўп йиғлаб айтдилар, Эй қабр оё биласанки сенга Фотима розиёллоху анҳо бинти Муҳаммад Мустафо саллаллоху алайҳи васаллам дохил бўлди. Қабрдан овоз келдики, бу мавзуъ ҳасб/фазилат/ жойидир, насаб/насл, шуҳрат/нинг жойи эмас, бу мавзуъ амали солах/поқдомон поқдил, порсоликка/ амал қилувчилар жойидирки, бундайлар бу ердан нажот топади.

Хабар берадиларки хар кун қабр беш марта нидо қилгайки, мен танҳо хонаман, қуръонхонларни менга муънис/мунис, яқин дўст, ҳамдам/ қил, мен қоронғуқ уйдирман.намозхонларга, Айниқса кечқурунлари намоз ўқиганларга менинг хонамни равшан қил. Мен илон ва чаёнлар хонасидирман, сахаргача кўз ёшларини тўкиб ибодат қилувчи бандалар учун оромгоҳдирман. Ман Мункар ва Нанкир хонаси бўлсам, “Ақ илоқа иллаллоху Муҳаммадун расулуллох”- деб айтувчилар учун қарин/ҳамсуҳбат/дирман.

Ривоят қиладиларки Абу Ҳурайра розиёллоху анҳу

дедилар хар бир кимса вафот этса, унинг инсоний амали барака топсин, унинг уч амали боки қолгай. Аввал садақайи жория 'яъни масжид, авқоф/вақф/, кўпрук ва бошқа нарсаларни садақа қилиш каби, иккинчи илмдирки ундан бандайи мардум фойда топган бўлса, учинчи солих фарзандки ота-онасини дуойи хайр билан ёд қилса, ёки улар хотирасига мевадор дарахт ўтказсин, унинг мевасидан одамлар бахраманд бўлсинлар.

Хабар берадиларки Ибн Аббос розиёллох анхудан, агар бирор мусулмон инсон вафот этган бўлса, унинг жанозасига қирқ киши тўплансалар, ширк келтирмаган бўлса, Расул алайҳис саломнинг унинг ҳақидаги шафоатлари вожибдир.

ҚИРҚ ТҮРТИНЧИ БОБ

Амвотни/вафот этгани/тушда кўриш баёни

Айтадиларки хар ким дуогўй бўлса, унинг кўрган тушига бовар қилсунлар.

Келтирадиларки. Зубайда хотун, Хорун ар Рашиднинг завжаси тушида кўрдикки Қуръон ўқияпти. Уйқудан уйғониб айтдики, Аллохнинг камоли бўлган Қуръонни ёд қилиб бир йиллик форс вилоятининг хирожини жам қилиб, ўз бисотидаги жавохуротларни сарф қилиб бағдоддан Кўфа водийси орқали Маккайи муаззамага ариқ қоздириб сув олиб борди. Унинг вафотидан кейин Зубайда хотунни тушларида кўрдилар ва сўрадиларки Аллох таоло сенга нима ато қилди? Зубайда хотун жавоб бердики, Худойи таоло, мени мағфират қилди. Сўрадиларки, сувни Маккаю Мукаррамага олиб борганинг учун сени мағфират қилдимми? Зубайда хотун айтди, унинг савоби ҳамма савоблардан юқори бўлди. Аллох таоло шу сабабдан мағфират қилдики, мен ҳамма вақт калимайи шаҳодатни - Ло илоҳа иллаллохни такрорлар эдим.

1. Садақайи жория - йўқ бўлиб кеттувча халқлар фойдасига хизмат қилиб турадиган /кўприк, масжид, мадраса, йўл ва бошқа бинолар каби/ нарсалардан иборатдир.

Келтирадиларки Атиба ал Фулом раҳматуллоҳи алайҳи вафотидан сўнг тушларида кўриб сўрадиларки, Аллоҳ таоло сенга қандай муомил¹ қилди? Атиба раҳматуллоҳи алайҳи айтди, Аллоҳ таоло дуолар ўқиганим сабабли жаннат ато қилиб, мени мағфират қилди. У дуони сизларга ҳавола қилдимки, мудовамот² қилинглар деб. Эртаси кундузи бориб кўрдиларки, Атаба раҳматуллоҳи алайҳининг айтган дуоси унинг хати билан ёзилиб масҷид деворида тўхтабдир, олиб кўрдиларки Атиба айтган дуо шу экан.³

Келтирадиларки Башир Хофий Ризо раҳматуллоҳу алайҳи айтдиларки, бир кечаси Пайгамбар саллаллоҳу алайҳи васалламни тушимда кўрдим. Буюрдиларки, ё Башир Хофий оё биласанми Аллоҳ таоло оқорон⁴ орасида нима учун сени рафъе⁵ қилди? Дедим: ё Расулуллоҳ билмайман. Буюрдиларки, менинг суннатларимни мудовамот қилиб, суннатимга иттибоъ⁶ қилдинг ва менинг саҳобаларимга муҳаббатинг бор ва менинг аҳли байтимни дўст деб билдинг.

ҚИРҚ БЕШИНЧИ БОБ

Қиёматнинг баёни ҳақида :

Хабар берадиларки, Расул саллаллоҳу алайҳи васаллам буюрдиларки, қиёматни келиш нишонаси куйидагичадир: Илм орадан кўтарилгай, жоҳиллик зиёда бўлгай, зино кўпайгай, шароб ва хамр одамлар орасида кенг тарқалгай, эркаклар камроқ бўлгай, хотинлар кўпайгайлар, ҳар бир эркакка бир неча хотинлар тўғри келгай, Ислом динига путур етгай, Ислом шаъридан расмий Куръон ўқиб, унинг каломларига амал қилмагайлар, масҷидларни табарзинлар билан йиқитсинлар ва намозу-зикр хароб

-
1. Муомил - муомала қилувчи, бошқалар билан муносабат.
 2. Мудовамот - давом эттириш.
 3. Дуонинг арабча матнининг таржимаси бўлмагани учун, биз бу дуонинг арабча матнини келтирмадик.
 4. Оқорон - арбоблар, катталар, сардорлар.
 5. Рафъат/раъфат/ меҳрибонлик, гамхўрлик, раҳмдхалик.
 6. Иттибоъ - пайравлик, эргашиш.

бўлмай, ўша замонда шарият тарғиб қилувчи уламолар бўлсалар ҳам, улардан фитналар турсин ва умматларга хиёнат қилмайлар. Закоятдан кўз юмсинлар, мардумлар айри дин илмини ўргансинлар, эрақлар аёлларга итоат қилсинлар ва масжидларга мол-давлат тўплаш ҳақидаги гапларни баланд овоз билан айтмайлар, мардумлар кўпроқ бойлик орттириш учун банд бўлмайлар, одамлар орасида баъзу-ишрат авжига чиқмай.

Ҳозир розиёллоху анҳудан хабар бердиларки,

Расул саллаллоху алайҳи васаллам буюрдиларки, қиёматнинг қоим бўлишидан ўн та бошқа аломатлар бор. Дажжол офтоб ботишдан яъни мағрибдан ва Исо алайҳис салом ва Ёжж ва Можжлар машрик тарафдан ва хасф² мағриб томондан бошланиб, у ердан келаётган Дажжол сифатлари қуйидагича бўлади: унинг боши хўкиз бошидек, кўзи эшак кўзидек, қулоғи фил қулоғидек, синаси шер синасидек ва шохи гавазн³ шохидек, унинг ранги паланг/йўлбарс/ рангидек, унинг думи кўчқор ва оёғи туянинг оёғидек бўлади. У мурдалар орасидан чиқиб, Мусо алайҳис салом асолари ва Сулаймон алайҳи саломнинг муҳрлари қўлида бўлади. Аввалида саҳобталаблардек чиқмай, Машрикдан Мағрибгача ҳамма уни кўрмай, ҳеч ким ундан ўзини канорага торта олмасин. Мўъминларни Мусо алайҳис салом асолари билан нишона қилсинки, уларнинг юзлари оппоқ бўлсин, кофирларнинг юзи Сулаймон алайҳис салом муҳрлари билан нақш қилинсинки, уларнинг юзлари қора бўлсин.

Келтирадиларки Қиёматнинг яна бир нишонаси дажжолни лайин машрик тарафига хуруж қилиб, оқ маркабга/эшакка/ миниб чиқсин. Унинг ўнг кўзи кўр, кўзи косахонасидан чиққан, кўзи орасида коф харфли мактуб бўлиб, ҳамма уни ўқисин. Кофир бўлса у бадбахти Лайин бўлиб қолсин, Дажжолнинг ўнг тарафига жаннат ва чап тарафига дўзахни мардумлар назарига кўрсатсин,

1. Дажжол - охири замонда эшакка миниб пайдо бўлган фирибгар бўлиб, қўнчиллик одамлар унинг фирибига учиниб унинг орқасидан эргашиб, гумроҳ бўладилар.

2. Хасф - ерининг пастга қараб кетиши/фурурани ба зери замин/

3. Гавазн - тоғ хўкизи, унинг узун ва палжарадор шохлари бор.

ғавмларнинг кўпчилиги у бадбахтга ишониб зиллатга¹ гирифтор бўлсин, ҳар ким унга тобеъ бўлса уни ўзининг жаннати тарафига ҳавола қилсун, ҳақиқатда² унинг жаннати дўзахдан ҳам баттардир. ҳар ким унга инод² қилса, ўзининг дўзахига ҳавола қилсин, дар ҳақиқат у ер биҳиштга ўхшаган бўлади.

Расул саллаллоҳи алайҳи васалламдан сўрадиларки. ё расулуллоҳ дажжол қанча вақт туради? Расул алайҳис салом буюрадиларки, Дажжол қирқ кун ер юзини сайр қилсун. Унинг чиқишнинг бир куни бир ҳафтага тенг бўлиб, бошқа кунлари муқаррари кунлари билан тенг бўлсин. Яна сўрадиларки, ё Расулуллоҳ бу қиска муддатда Дажжол ер юзини қандай қилиб сайр қилади. Буюрадиларки, саҳоб/булут/ ва шамодек сайр қилиб, ҳаммани ўз динига даъват қилсун. Ўша вақтларда осмондан ёмғир ёғмасин, гиёҳлар ўсиб чикмасун. Дажжолнинг сайри вақтидаги ҳарба/махсус қурол, асбоб/ бўлсин, ерга амр қилсинки, ер ўзининг хазиналарини мисли аридек олтин, қумуш қайнаб чиксун. Ундан сўнг ҳазрат Исо алайҳис салом ер юзига нозил бўлсинлар ва Дажжолни урушга чақирсунлар. Уни қирқинчи кечада топиб қатл қилгайлар. Ундан кейин Ёжуж ва Мажуж машриқ томондан Искандар саъдидан чиқиб хуруж қилсинлар. Уч гуруҳ бўлсинларки, бир-бирларининг орқасидан чиксунлар. Ер юзидаги ҳар нима сув ва гиёҳдан топсалар есунлар, то Қуддусгача келсунлар. Мардум улардан қочиб Тур тоғида тўпласинлар, Ёжуж ва Мажужлар Аллоҳ таоло амри билан Қуддусий Шарифда ҳалокатга учрагайлар.

У вақтда етти йил осмондан бир қатра ҳам ёмғир ёғмагай ва ердан гиё ўсиб чикмагай. Бир бош бақар/хўкуз/ юз динор бўлгай, ундан кейин ҳазрат Исо алайҳис салом дуолари билан фароҳин/фаровон, тўкин сочинлик/ бўлгай. Ҳар жиҳатдан фаровон бўлгай. ҳазрат Исо алайҳис салом қирқ беш йил муддатда дунёда умр кечириб, тааллуқдор бўлиб, фарзандлари бўлгай, мазкур муддатда вафот этиб, Ҳазрат Расул саллаллоҳу алайҳи васалламнинг саодат

1. Зиллат - бандалик, тобеълик

2. Инод - итоатчилик қилини, сарқашлик.

хужраларида мадфун бўлгайлар. Ундан сўнг хазрат Исрофил алайҳис салом Аллоҳ таоло амри билан сурнайларини чолганда ҳамма ҳалокатга дучор бўлгайлар.

ҚИРҚ ОЛТИНЧИ БОБ

Дўзах оташи сифати хакида/Дар сифати оташи дўзах/

Хабар берадиларки Расул саллаллоху алайҳи васаллам буюрдиларки, қиёмат куни дўзахнинг етмиш минг занжири бўлсин, ҳар бир занжирда етмиш минг фаришта муақал /вакил/ бўлсинлар.

Хабар берадиларки Аллоҳ таоло амри билан дўзахда минг йил олов ёқилди- то кизаргунча, яна то оқаргунча яна минг йил олов ёқилди, яна минг йил олов ёқилиб дўзах қора бўлиб, қоронғу дабшатли жойга айланди.

Хабар берадиларки Расул алайҳис салом буюрдиларки, дўзах оташи етмиш хабрав/ўлчов бирлиги/ бўлса, дунёнинг бутун оташи бир хабровдир.

Хабар берадиларки Жаброил алайҳис салом бир куни Расул алайҳис салом ҳузурларига келдилар, Пайғамбар саллаллохи алайҳи васаллам сўрадиларки, ё биродар Жаброил Аллоҳ таоло амри билан менинг ҳузуримга келдингми? Жаброил алайҳис салом айтдилар, ё расулуллоҳ Аллоҳ таоло амри билан дўзахни кўришга борган эдим, кўрдим, дўзах етти табақа бўлиб, унинг ҳар бир табақаси етмиш минг оташ тоғидан иборат бўлиб, етмиш минг минг /хафтод ҳазор ҳазор/ оташ водийси бўлиб, ҳар бир унинг водийсида етмиш минг минг оташ хонасидан иборатдир, ҳар бир оташ хонасининг етмиш минг минг оташ сандуғи бўлиб, ҳар бир сандуқ минг, минг хил азобдан иборатдир. Қосими биззоти/худонинг номларидан бири, яъни ризқ тақсимловчи, бахшиш қилувчи/ пок сизни ростлик учун халқ томонига расул қилиб юборгандир, агар ёнаётган дўзахдан бир тешикча бу дунёга очилса бутун дунёдаги нарсалар куйиб кул бўлади. Агар дўзахнинг занжирларининг биртасини тоғлар устига қўйсангиз ернинг еттинчи табақасигача ҳамма нарса куйиб кетади. Дўзахда етти дарвоза бўлиб, уларнинг бириси билан иккинчиси орасидаги масофа етмиш йиллик йўлдир.

√ Дўзах етти табақадан иборат бўлиб, аввалги табақаси ҳувой деб атайдилар, бу жой мунофиқларникидир. Иккинчи табақаси жаҳаннам деб аталади у жой мушриқларнинг жойи. Учинчи табақа Сақар деб аталади, бу жой ситора:/юлдуз/ ва офтоб/қуёш / парастлар жойидир. Тўртинчи табақаси Лазаъ дейдилар, бу иблислар ва мажусийлар жойи. Бешинчи табақаси Хатма бўлиб яхудлар жойидир. Олтинчи табақаси Сожир деб айтадилар. Насорийлар макони, ундан сўнг Жаброил алайҳис салом сукут қилди. Пайғамбар саллаллоху алайҳи васаллам айтдилар, еттинчи табақасини нега хабар бермадинг? Жаброил алайҳис салом айтдилар, ё расулуллох ундан савол қиласизми? Расул алайҳис салом буюрдиларки албатта, мени хабардор қилишинг керак. Жаброил алайҳис салом айтдилар, ё расулуллох дўзахнинг еттинчи табақаси жаҳаннам деб атайдиларки, у ерда сизнинг гуноҳкор умматларингизки, дунёдан тавбасиз кетган умматларингиз жойидир. Расул алайҳис салом ўзларининг умматларини воқеасини эшитиб, беҳуш бўлиб йиқилдилар. Жаброил алайҳис салом Расул алайҳис саломнинг муборак бошларини кўтариб, ўз тиззаларига қўйиб, ўзларига келгандан кейин айтдилар, ё биродар Жаброил бу мусибатдан менга хабар бердинг ва ғамимни зиёда қилдинг, менинг умматларим дўзахнинг гирифтормлари бўлсалар мен қандай чидайман. Жаброил алайҳис салом айтдилар, оре сизнинг гуноҳкор умматларингиз дўзахни еттинчи қаватида дохил бўладилар. Расул алайҳис салом йиғлашга тушдилар. Жаброил алайҳис салом ҳам йиғлар эдилар. Расул алайҳис салом сўрадиларки, ё жаброил сен нега йиғлаяпсанки, сен парвардигорнинг руҳи Аллохиминидирсан. Жаброил алайҳис салом айтдилар, мен ҳам худойи таолонинг ғазабидан хавфим бор, мабодо гуноҳга мубтало бўлмагай, чунончи фаришталардан Ҳорут ва Морут мубтало бўлган эдилар ундан сўнг Расул алайҳис салом хужранинг эшигини маҳкам қилиб, йиғлашу зорга машғул бўлдилар. Намоз вақтида чиқиб намоз ўқиб бир кишига ҳам сухан айтмасдан то намозни тамом қилгунча саҳобалар ўртасида йиғлар эдилар, то уч кунгача йиғлар эдилар. Уч кундан сўнг ҳазрат Абу Бакр Сиддик розиёллоху анху Саодат хужраси эшигига

келиб айтдилар: Ассалому алайкум ё расулуллоҳ, ҳеч жавоб эшитмадилар. Ундан кейин Салмон Форсий розиёллоҳу анҳу Саодат хужралари эшигига келиб ҳар чанд фарёду-фигон қилдилар, жавоб эшитмасдан йиғлар эдилар. Шу вақтда ҳазрат Ади Карамулло ваҳҳаху газога кетган эдилар. Асхоби карам Фотима розиёллоҳу анҳонинг уйларига келиб айтдилар. Ё бинти Расулуллоҳ уч кундирки худонинг пайғамбари ўз манзилларини ичкаридан беркитиб фигон ва зори қилмоқдалар. Ҳеч кимга ўз аҳволларини гапирмадилар, ҳаммамиз бу ерга келдик. Бизларнинг фарёдимизга етказсанг. Фотима розиёллоҳу анҳо ўзларининг чодирларини бошларига олиб, Саодат хужраси эшигига келиб, фарёду вовайло кўтардилар. Айтди: ё расулуллоҳ бу даргоҳ канизидан сизга салом, эшикни очиб мени бу мусибатдан хабардор қилинг. Расул алайҳис саломнинг ранги руйлари сарғайган, пайғамбар йиғлай бошладилар. Сўрадиларки, ё Расулуллоҳ худойи таолодан нима позил бўлди. Расул алайҳис салом айтдилар, ё Фотима Жаброил алайҳис салом келиб, дўзахни васфини қилиб, айтди, еттинчи табақасини жаҳаннам дейдилар, сенинг умматларингни гуноҳкорлари кетадилар, шу жаҳаннамда борадиган гуноҳкор умматларим ҳолига йиғляпман. Фотима розиёллоҳу анҳо айтди, ё Расулуллоҳ умматлар орасида мўйсафид эркаклар, мўйсафед аёллар борки, ўз¹ сочларини қўлларига олиб иштибоҳ айтсинлар, ёшлар ҳам иштибоҳ айтсин ва хотинлар уммат ва вазифа айтсин ва ҳамма “во муҳаммадо” деб нидо қилсунлар. Абу Бакр Сиддиқ розиёллоҳу анҳу ўз умматингиз бўлган мўйсафедларга шафъе бўлсинлар, Имом Ҳасан ва Имом Ҳусайн кўдакларга шафъе ва мен сизнинг умматингиз бўлган аёлларга тоат ва ибодатимни фидо қилай, шу пайтда Жаброил алайҳис салом келиб айтди: Ё Расулуллоҳ худойи таоло салом етказиб, айтдики, ўзимнинг канизаким бўлган Фотима розиёллоҳу анҳо учун сизнинг бутун гуноҳкор умматларингизни кечирдим.

1. Иштибоҳ - икки ишни бир-бири билан мовандлиги, саҳв, хато, шак шубҳа.

2. Уммат ва вазифа - умматларнинг фарз ва суннат бобидagi вазифалари

Келтирадиларки, киёмат куни Расул алайҳис саломнинг умматларидан бўлган гуноҳкорларни жаҳаннамга дохил қилсинлар, дўзах малики улардан савол қилсинки, сизлар қайси қавмдан бўласиз? Улар айтсинларки бизлар Куръон нозил бўлганлар қавмиданмиз, Куръон ва моҳи шарифи рамазоннинг рўзадорларимиз. Дўзах малики айтсинки, Куръон Муҳаммад алайҳис саломга нозил бўлган эди, улар муҳаммад алайҳи салом номини эшитиб фарёд қилсинларки бизлар Муҳаммад Мустафо саллаллоҳу алайҳи васаллам умматлари бўламиз. Дўзах малики айтсинки сизлар дўзахнинг лабидадирсиз, оловга назар қилинг, улар дўзах лабида туриб назар қилдиларки, дўзах эшиги олдида малоикалар турибдилар, дўзах фаришталарининг у кифтидан бу кифтигача бир йиллик йўл бўлиб, уларнинг кўзлари барқи хатифдек,¹ ҳар бир тишлари ҳўкизнинг шохидек ва оғиз бурунларидан оташ фавора уради, ҳар бир фаришта қўлларининг бармоқлари найзадек, уларнинг қўллари ҳар бир ишни қилса, уларнинг оёқлари ҳам қўллари қилган ишларни қилар эди. ҳар бир қўлида ўн минг кофирни дўзахга хавола қилсин. ҳар бир фаришта қирқ минг кофирни қўл оёқлари билан азоб берсинлар. Уларнинг кўнглида ҳеч қандай раҳм бўлмасин. Кофирлар айтсинларки, у фаришталар бизларга фурсат берсинларки, бизлар йиғлайлик, моликлар айтсинлар, йиғланглар кофирлар, шунчалик йиғлангларки, кўзларингизни ёши тамом бўлгач қон оксин. Сизларнинг бу йиғлашларингизни ҳеч қандай нафи йўқ, агар у дунёда худодан кўрқиб йиғлагингизда бугун дўзах оташига гирифтор бўлмас эдингиз.

Хабарда келтирадиларки, Аллоҳ таолодан Жаброил алайҳис саломга фармон келдики, Муҳаммад алайҳис саломнинг гуноҳкор умматлари дўзахда нима иш билан машғулдилар. Жаброил алайҳис салом айтсинларки, ё Илоҳи сен донодирсан. Аллоҳ таоло айтсинки, бориб хабар ол! Жаброил алайҳис салом худойи таолоғи фармони билан дўзахга келиб назар қилсинлар ва дўзах моликига

1. Барқи хотиф - кўп баланд суръатлар билан чақнаган.

айтсинларки, Муҳаммад алайҳис саломнинг осий умматлари қандай аҳволда. Молик айтсинки, уларни аҳволи ёмон ва зик¹ маконида гирифтордирлар, оташда ёнаптилар, лекин намоз ва шарифи рамазоннинг рўзасини тутгайлари шарофати билан уларнинг юраклари оташдан саломатдирлар. Жаброил алайҳис салом айтсинларки, дўзах табақасини кўтар, уларга назар қилай. Малик дўзах табақасини кўтарсин. Жаброил уларга назар қилсинлар. Жаҳаннам гуноҳкорлари Моликдан сўрасинларки, бу ким? Молик айтсинки, Жаброил алайҳис саломдирки, Муҳаммад мустафо саллаллоҳу алайҳи васалламга ваҳий келтирар эди. Дўзах аҳли Муҳаммад алайҳис саломни номини эшитиб бирдан фарёд қилсинларки, ё Жаброил алайҳис салом бизларнинг саломимизни Муҳаммад алайҳис саломга етказ, бизлар осийлармиз, ўз пайгамбаримиздан жудо бўлиб, шу балога гирифтор бўлдик. Жаброил алайҳис салом ўз маконларига бориб арз қилдиларки, Илоҳи сенинг ҳабибингни гуноҳкор умматларини кўрдим, тор жойда, ёмон аҳволга гирифтордирлар. Худойи таоло айтгайки, уларнинг саломини менинг ҳабибимга топширгинки, улар буни сендан илтимос қилган эдилар.

Жаброил алайҳис салом Расул алайҳис салом наздларига келиб кўрдиларки, чаровон хаймада ўтирибдилар, у хайманинг тўрт минг эшиги бор эди. У эшикларнинг ҳар бир табақаси зари аҳмар/қизил олтин/дан эди. Айтди: ё Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васаллам дўзахга борган эдим, сизнинг умматларингизни кўрдим, азобга гирифтор бўлганлар, Сизга салом айтиб дедиларки, бизларнинг пайгамбаримизга саломимизни етказиб, айтгинки, бизлар ёмон аҳволга гирифтормиз. Пайгамбар саллаллоҳу алайҳи васаллам бу хабарни эшитиб, Аршнинг ёнига келиб сажда қилиб, ҳазрат Аллоҳ таолога айтгайларки, менга ҳазрат Жаброилдан ташқари ҳеч ким бундай гапни айтмаган эди. Аллоҳ таолодан ваҳий келдики, эй ҳабибим бошингни кўтар, нима талаб қилсанг ато қилай. Пайгамбар саллаллоҳу алайҳи васаллам айтсинларки, ё раб умматимнинг ашқиёнасини² сендан

1. Зик макони - танглик макони

2. Ашқиё - гуноҳкор, бадбахт, нобакор

Талаб қиламан. Ваҳий келгайки дўзахга бориб айт. Ло илоҳа иллаллоҳу Муҳаммадун расулуллоҳни дегувчиларни оташ дўзахидан холос қил. Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васаллам илоҳий фармони билан дўзахга бориб, ҳамма ўзларининг умматларини халос қилсинлар. Жаннат эшиги олдида наҳр/арик/ бор, уни ҳайвон деб атагайлар, уларни ўша наҳрга ғусл қилдирсинлар. Мархум умматлар ғуслдан сўнг жувонлар/ёш йигитва қизлар/га айлансинлар, икки кўзларига сурма кашида қилиб, ўн тўрт кунлик ойдек бўлиб, у сувдан чиқсунлар. Уларнинг пешонасида хат яъни дўзахдан озод қилингани ва жаннатга дохил бўлганликлари ёзилгай. Кофирлар уларни кўриб ҳасрат қилсинларки, агар бизлар ҳам мусулмон бўлганимизда, дўзахдан холос бўлиб, улар билан бирга жаннатга дохил бўлардик.

ҚИРҚ ЕТТИНЧИ БОБ

Раҳмат сифатининг баёни ҳақида

Хабарда келтирадиларки Расул салаллоҳу алайҳи васаллам буюрдиларки, Аллоҳ таоло раҳматни юз хабрав яратган. Шундан тўқсон тўққиз хабравни киёмат куни учун сақлаб, унинг бир хабровини бу дунёга ирсол¹ қилиб, бутун махлуқотлар ўша бир хабровга шоддирлар.

Хабарда келтирадиларки Расул алайҳис салом буюрдилар, кимки худойи таоло йўлида жиҳодда шаҳид бўлган бўлса, улар ҳақида Аллоҳ таоло нима деб айтган, саҳобалар айтдилар, улар ҳақида худо ва унинг расули донодир. Расул алайҳис салом буюрдиларки, Иншоолоҳ уларнинг жойи жаннатда бўлур.

Яна ундан сўнгра буюрдиларки, Аллоҳ таолога яхши ният қилган бўлса, агар вафот этган бўлса, улар ҳақида қандай фикрда сизлар? Асҳоблар айтдилар худо ва расул донодир. Расул алайҳис салом буюрдиларки, Иншоолоҳ у ҳам жаннатдир. Кейин яна буюрадиларки, киши Аллоҳ таолога яхши ният қилмаса, диндан қайтган бўлса, улар ҳақида нима дейсизлар? Саҳобалар туриб

1. Ирсол - юбориш

айтдиларки, ё расулуллоҳ биз билмаймиз. Расул алайҳис салом буюрдиларки бандаи Мўъмин гунохкордир, Аллоҳ таоло ваффура ва саттордир.

Хикоят Яхъё ибн Маъъоз Розий раҳматуллоҳи алайҳи дедиларки, Аллоҳ таоло дунёга бир раҳматни юборди. Мўъминларнинг ҳаммасига ўша бир раҳматни кароматларини ато қилди. Тўқсон тўққиз раҳматни қиёмат куни интишор¹ қилса, бас ким Аллоҳ таоло мағфиратидан ноумед бўла олади.

Хабар келтирадиларки, бир шахс бор эдики, унинг ҳеч бир амали хайри йўқ эди. Бир кун касал бўлди, ўзининг моли-аёлига васият қилдики, менинг вафотимдан кейин, жасадимни куйдиринглар, кулимни ярмисини дарёга ташланглар ва қолган ярмини эса биёбонга сочиб юборинглар. Унинг вафотидан кейин, васиятга амал қилиб, жасадини куйдириб, кулини ярмисини дарёга, қолган ярмисини эса биёбонга сочиб юбордилар. Аллоҳ таоло амр қилдики, эй баҳрубар/денгиз, қуруклик/ фаришталари унинг кулини тўшланглар. Аллоҳ таоло фармони билан Баҳрубар фаришталари дарё ва биёбонларга сочилган вафот этган ўша кишини кулини тўпладилар. Аллоҳ таоло айтди, бу кулни тўплашдан қандай гумон қилдинглар. Баҳрубар айтдилар. Аллоҳ таоло хавфимиз борки, уни ғазаб қиласан. Фармон келдики уни раҳмат қилиб жаннатга дохил қилдим.

Хабарда келтирадиларки Расул саллалоҳу алайҳи васаллам буюрдиларки бир шахс бор эди. Тўқсон саккиз кишини ўлдириб эди. Роҳиб олдига келиб воқеани изҳор қилди ва айтдики, тавба қилиш учун сенинг олдинга келдим. У роҳиб айтди, сенинг тавбанг қабул бўлмайди. У шахс роҳибни ўлдириб, бошқа бир роҳибни ҳузурига бориб айтди, тўқсон тўққиз кишини ўлдирганман, тавбам қабул бўладими ёки бўлмайдими? Роҳиб айтди, сен одамларни кўп ўлдиришга умрингни сарф қилгансан, мен билмайман аммо фалон жойда икки қаръия /қишлоқ/ бор, бир қаръияни насора ва бошқасини кофиро деб атайдилар. Насоро қаръиясининг аҳлининг ҳаммаси хайр ва ибодат

1. Интишор - ёйиш, сочвиш.

ишларига/иштиёқлари/ бор, у ерга бориб, уларнинг ишларига амал қил, шояд сенинг тавбанга бирор йўл топилса. У шахс роҳиб олдидан чиқиб, йўлга равона бўлди, йўлнинг ярмисига бориб вафот этди. Раҳмат ва азоб фаришталари келиб, унинг ўлиги устида муҳокама юритдилар. Азоб фариштаси бу шахснинг гуноҳи ҳаддан зиёд, у майита менга тегишли деб айтди. Раҳмат фариштаси айтди, бу шахс ўз юрагидан тавба қилди, шунинг учун бу майит менга таалуқдир. Аллоҳ таоло фармони билан бошқа бир фаришта инсон суратига кириб, у келиб айтди, муҳокамани тарк қилинг, роҳиб олдидан бу ергача қадам ўлчайлик бу ердан то насоро қаръиясигача қадам билан ўлчайлик, ўшанга қараб ҳукм чиқарайлик. Бу таклифни раҳмат ва ғазаб фаришталари қабул қилдилар. Йўлни қадамлаб ўлчадилар. Насоро қаръияси роҳиб ўтирган жойдан бир важаб зиёд чиқди. Раҳмат фариштаси у шахснинг соҳиби бўлиб, бу одамни Аллоҳ таоло мағфират қилди.

Хабар берадиларки, Жобир ибн Абдулла розиёллоху анху сўрадиларки, ё расулulloх агар катталар гуноҳ қилса қандай бўлади? Расул алайҳис салом буюрдиларки, агар кабирлар ахлдан гуноҳ ўтса менинг шафоатимга мухтож бўлмасинлар, лекин раб розилиги билан мағфират уларга бўлсин.

Хикоят: бир шахс ўз қулига ғазаб қилар эди. Бир киши келиб у қулга восита бўлди. Хожа у кишини воситаси билан у қулни гуноҳидан ўтди. Қул йиғлашга тушди. У киши айтди, Хожа сенинг гуноҳингни авфу қилди, йиғлашингни боиси нима? Қул айтди, сенинг воситачилигинг орқали Хожа мени авфу этди. Мен уни розилигини топа олмадим.

Хикоят қиладиларки, бир шахс тоғ устида Худойи таолога ибодат қилар эди. Унинг атрофи тоғ ва ҳамма сувлари шўр эди. Аллоҳ таоло у банда учун тоғнинг пастида ширин сувли бир чашма ва дарахтни халқ қилган эди. У шахс ҳар куни тоғнинг пастига тушиб, ширин сувдан ичиб, таҳорат қилиб, дуо қилар эдики, унинг жонини сажда вақтида қабз қилсун. Алқисса ибодатдан сўнг беш юз йилдан сўнг у ерда қабзи руҳга айланди, қиёмат куни Аллоҳ таоло амр қилгайки, менинг раҳматим

билан уни жаннатга дохил қилсин. У мард айтгайки илоҳи мени беш юз йиллик ибодатим эвазига жаннатни ато қилдинг, аммо сенинг раҳматингни кўрмадим. Аллоҳ таолодан нидо келадики, Эй фаришталар менинг неъматимни унинг қилган беш юз йиллик ибодати учун кўрсатинглар. Вазон фаришталари унинг беш юз йиллик ибодатини ва Аллоҳ неъматини ўлчадилар. Унинг бир кўз неъматига етмади. Фармон келгайки, эй фаришталар, уни дўзахга элтинглар. Дўзах фаришталари уни дўзахга солинглар, у шахс фарёд кўтарсинки, Иллоҳи менга ўз раҳматинг ила аямасдан жаннатга дохил қилган эдинг. Фармон келсинки, уни дўзахдан чиқаринглар. Нидо келсинки, Эй бандам сен чиққан тоғда сув шўр эди, сенинг учун ширин сувли чашма ва анор дарахти халқ қилдим ва сенинг жонингни саждада қабз қилдим. Уларнинг ҳаммаси менинг раҳматим эди. Холо ҳам сени ўз раҳматим билан жаннатга дохил қилдим.

Хабарда борки Расул салаллоҳу алайҳи васаллам бир кун Жаброил алайҳис саломга айтдиларки, Аллоҳ таолодан хоҳлайманки, менинг умматларимни ҳисобини менга ҳавола қилсин. Жаброил алайҳис салом бориб, Расул алайҳис саломни хоҳишини Аллоҳ таолога арз қилиб, яна қайтиб келиб айтди, ё Муҳаммад Аллоҳ таоло салом етказиб, хабибим ўз умматларига мenden кўра раҳм қилувчи эмас, деди.

Хикоят Мусо алайҳис салом замонида қарияда/қишлоқда/ бир эркак бўлганки, ўзининг умрини фисқу-фижур билан сарф қилди, бирор хайрли иш қилмаган эди. Ўша эркак вафот қилди. Қишлоқ халқи уни икки оёғидан судраб, мозорнинг устига дафн қилмасдан чиқариб, бир чуқурга кўмиб қўйдилар. Ваҳи келдики, ё Мусо фалон қишлоқда менинг дўстларимдан бири вафот этган эди, қаръия одамлари уни дафн қилмасдан, мозорнинг тепасидаги чуқурга ташлаганлар, бориб уни мозор тепасидан олиб кафан қилиб дафн қил. Ҳазрат Мусо алайҳис салом қарияга келиб, сўрадилар. Қария аҳли айтдилар, ё расули Аллоҳ, у шахс фосиқ эди, шароб ичишдан бошқа бирор хайрли иш қилган эмас эди. Мусо алайҳис салом муножот қилдиларки, ҳамма қария аҳли гувоҳлик берадики, у фосиқ бирор хайрли иш қилмаган экан. Ваҳи келдики ё Мусо одамлар рост айтганлар, аммо у

шахс биласанки мен Муртакиби осийн/жуда кўп гуноҳларни қилувчи банда/ эдим, менинг ҳамма қилган гуноҳларим нафсни волиблигида, шайтон васвасасидан, унинг фитнасидан маъсиятга/дину шарият амрига хилоф ҳаракат қилувчилар/тушдим/ мени аҳволимни билганинг учун мени мағфират қил. Иккинчи айтдики, Илоҳи , сен биласанки мен кўп гуноҳ қилганман, аммо менинг мақомим фосиқлар мақомига кирган/қатори фосиқон аст/. Лекин солиҳлар суҳбатини яхши кўрар эдим. Солиҳлар ҳурмати учун менга раҳм қил. Учинчи айтди, илоҳи агар менинг гуноҳимни афу қилсанг, сенинг авлиё ва анбиёларинг хушнуд бўладилар ва шайтон маҳзун/ғамгин/ бўлмай. Агар менинг қилган гуноҳларим учун азоб берсанг, шайтонни хурсанд қилган бўласан. Ё Мусо унинг мана шу уч дуоси учун мағфират қилдим. Ҳазрат Мусо уни мазор тепасидаги чуқурдан олиб, русл ва кафан қилиб, дафн қилдилар.

Хабар берадиларки бир араб Расул алайҳис салом ҳузурларига келиб сўрадики, ё Расулulloҳ қиёмат куни бандаларнинг ҳисобини ким қилади. Расул алайҳис салом буюрдиларки, Худойи таолло ўз бандаларини ҳисоб-китоб қилади, агар тақсир топса афу қилади, Араб айтди, садоқат ё Расулulloҳ, Худойи таоллонинг даргоҳи кенгдир.

✓Бошқа бир араб келиб сўрадики ё Расулulloҳ ҳар куни беш вақт намоз мағфрузи¹ ўқийман, бир ой рамазонда рўза тутаман, молим йўқки закот берсам, холим йўқки ҳажга борсам, қиёмат куни менинг уйим қай ерда бўлади? Расул алайҳис салом табассум қилиб айтдилар, ўз кўзингни муҳаррамотдан² юмсанг, холики Аллоҳ тарафига паст назар билан қарамасанг, ўзингни ҳасаддан сақлай билсанг, тилингни ёлғон ва ғийбатдан муҳофаза қилсанг менинг ҳамроҳимда доҳили жаннат бўлмайсан. ✓

1. Намози Мағфруза - фарз намози, худо унинг ижросини фарз ва вожибга айлантирган.

2. Муҳаррамот - манг қилинган нарсалар, ҳаром қилинган.

ҚИРҚ САККИЗИНЧИ БОБ

/Дар баёни сифати бихишт/

Хабар берадиларки, жаннат саккизтадир. Дорул жалол ва Дорул қарор, ва дорус ва жанна ҳаддан, булар шундай қасабадиларки, ҳамма жаннатлардан шарифроқдирлар. Дарвозасининг ҳар бир табақаси ёқутдан бўлиб, ҳар бир табақасидан бошқа табақасигача масофа машриқдан мағрибгачадир. Жаннатул маъво, Жаннатул Холид, Жаннатул Фирдавс ва Жаннатул Наим, буларнинг ҳаммаси саккиз жаннатдир.

Расул алайҳис салом буюрдиларки Дорул Жалол нурдан бўлиб, қасрнинг бутун хоналари маржондан ва жаннати ул маъво қизил зардан ва Жаннатул Холид ҳаммаси кумушдан ва Жаннати ул Фирдавсининг бутун қаср ва работлари зар/олтин/ дан, ҳамма қасрларнинг хоналарининг фиштлири забаржанд, ёқутдандир. Фиштлар орасида мушк гули ўрнида фар/нур ва равшанли берувчи чиройли/ дан қилинган ва унинг ери кумушдан ва ерига терилган тошлари маржондан, жаннатнинг тупроғи мушкдан ва унинг гиёҳлари заъфар ва анбардан бўлган ва жаннат дарахтлари ҳаммаси қизил зардан ва кумушдан. Унинг шоха ва барглари ҳаммаси забаржад ва Луъ-Луъ/гавҳар/дандир. ҳар бир мўъминнинг қасри етмиш хижоб/парда/ бўлғай, агар фаришта Аллоҳ таолодан мактуб келтирса хижобнинг орқасида туриб, мактубни кўргач хижоб очилиб, фаришта кириб салом бериб, мактубни бергай. У бандайи мўъмин мактубни очиб, хатни ўқиб, унинг иштиёқида Аллоҳ таолонинг дийдори зиёда бўлғай.

Хабар берадиларки Расул саллаллоҳу алайҳи васаллам буюрадиларки, жаннатда тўрт ариқ борки, уларнинг биридан сут, иккинчисидан асал, яна биридан хамр/шароб/ тўртинчисидан сув оқадики, сув наҳридан сув ичса, доим тирик бўлади, ҳаргиз ўлмайди ва сут наҳридан сут ичса шифо топади, ҳеч бир касал бўлмайди. Хамр ариғидан хамр ичса, ҳамма вақт хушнуд бўлади. Асал натридан асал ичса соҳиб эътибор ва фаровон бўлади, ғамгинликни кўрмайди. Тўрт анҳордан ташқари кўп

чашмалар жаннатда борки, Айн Кафр, Айн Чанжабил, Айн рахик деб атайдилар. Уларнинг суви Арш тахтидан жорий бўлади.

Ривоят қиладиларки Акрам розиёллоху анхудан: Расул саллаллоху алайҳи васаллам буюрдиларки, жаннатда эркак ўттиз уч ёш, хотинлар йигирма уч ёшдан ошмайдилар. Ҳар бир эркак ва хотиннинг баданида етмиш хулла/либос/ бўлсин, ҳар соатда либослар турли рангларда товлансин ва равшанлик/нур/ берсин, ҳеч эскирмасин, унинг баҳосин, жаннат аҳлининг ҳусни кундан кун зиёда бўлса, дўзах аҳли кундан-кунга орриқ ва заиф бўлади. Эркаклар ва аёллардан иборат бўлган жаннат аҳли бавл ва ғолат ва ҳасад, кибр ва ғийбат, тамъа ва аёлларга ҳайз, замим/бурун суви, сийдик/ кабилар бўлмагай.

Хабар берадиларки, Китоб аҳлидан бир шахс Расул саллаллоху алайҳи васаллам наздига келиб айтди, ё Расул Абул Қосим сизнинг умматларингиз жаннатда таом еб, унинг меваларидан тановул қиладиларми? Пайғамбар саллаллоху алайҳи васаллам буюрдиларки, Қасам базоти иллоҳки, менинг нафсим унинг кудратидир, Аллоҳ таоло жаннат аҳлининг ҳар бирига ейиш ва ичиш ва жимоъ қилиш учун юз эркакнинг қувватини ато қилгай. Китоб аҳлидан бўлган шахс айтди: улар есалар, ичсаларқаерга бавл вағолат қиладилар? Таом ва шароб ичсалар тер бўлиб чиқсинки, у терининг хиди мушк хидидан беҳроқ бўлсин.

Хабарда келтирадиларки Расул саллаллоху алайҳи васаллам буюрдиларки, жаннатда дарахт борки, уни Туби дарахти деб атайдилар, қаср ва хоналар йўқки у ердан Тубининг шоҳи/танаси/ ўтмаган бўлса. У бутун жаннатни офтобдек равшан қилади. Туби дарахтининг шоҳларида қушлар қўнарки, улар катта туялардек, у қушлар билан овоз билан қасрларнинг аҳлига айтсинларки, эи дўстлар Худо бизларнинг гўштимизни кўп лаззатли ва ўзимизни семиз қилиб яратган. Агар у банда дарҳол ўша товуклардан қовурилсин деб айтса, дарҳол ўша товуклар қовурилиб дастурхон устига ҳозир бўлгай. Кейин еб тўйгач, яна ўша товук учиб маконига бориб қарор топади.

Ҳадисда келтирадиларки, жаннат аҳли шанба куни наҳр сувидан ичсунлар. Аллоҳ таоло кудрати билан унинг атрофида турли мева ва таомлар муҳайё қилинган бўлиб,

ундаги таомлар еган билан ҳеч кам бўлмасин. Якшанба куни асал наҳридан есунлар. Душанба куни сут наҳридан ичсунлар. Сешанба куни хамр наҳридан ичсинлар. Хамрни ичганлардан сўнг хушнудлик ва хуррамлик билан минг йил парвозда бўлсинлар. Ундан сўнг юқоридан тезу-чабуклик билан пастга қараб тушсинлар. Тоннинг тепасида Сабил чашмаси бўлсин. Ҳар ким солих амалига эга бўлса чоршанба куни Сабил чашмаси сувидан ичсинлар. Яна парвоз қилсинлар. Шундан кейин минг йил ўтгандан кейин Иззат/бузург эҳтиром соҳиби/ қасрига нозил бўлсунлар. Ҳар қайси сарир тахт устида ўтириб, пайшанба куни занжабил¹ шаробидан ичсинлар. Уларнинг устига оқ ёмғир нозил бўлсин. Минг йил Иззат қасрида хурлар билан сухбат қилиб, у ердан парвоз қилиб, ундан сўнг жума куни Аллоҳ таоло қудрати билан раҳиқ² шаробидан ичсинлар. Ундан сўнг расул саллаллоҳу алайҳи васаллам ўз жойларидан туриб, айтсинларки, ўз парвардигорим томонига бормоқчиман. Ҳамма айтсинлар, ё Саидо бизларнинг амри солийларимиз шавки билан ҳам ўз парвардигоримиз томонига бирга олиб борсангиз. Ўша замон туялар Ҳабиб олдига ҳозир бўлсинларки, уларнинг бошлари мушқдан, уларнинг қулоқлари зумраддан, уларнинг орқа ўркачлари ёқутдан ва оёқлари қизил зар ва нуқрадан. Ўша туяларга ҳабиб минсинлар. У туяларнинг олти юз қаноти бўлсинки, ҳавога парвоз қилсинлар. Аллоҳ нидо қилсинки, Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурига ҳозир бўлингиз. Ҳамма Расул салаллоҳу алайҳи васаллам хаймаларига ҳозир бўладилар. У хайманинг тўрт юз эшиги бўлиб, ҳаммаси қизил зардан. Ҳамма анбиё ва авлиё ва сиддиқлар ва мўъминлар у хаймадан туяларга минсинлар деб фармон қилсин. Расул ақрам саллаллоҳу алайҳи васаллам у хаймадан чиқсинлар. Ўнг қўл тарафларида Ҳазрат Одам алайҳис салом, чап/сўл/ қўл томонда Иброҳим алайҳис салом ва бошқа пайғамбарлар ва ҳамма мўъминлар уларнинг орқаларидан туяларига ҳабиб билан бирга минсинлар. Мушқ ва Заъфарондан бўлган ерлар ва

1. Занжабил - бу гнёҳ асосан Ҳиндистонда ўсади. Мева ва гули йўқ, унинг илдизини занжабил деб атайдилар. Таъмин аччиқ, мулттар/хушбўй/ бўлиб, овқатларин соладилар. Шифобахш.

2. Раҳиқ - соғф шароб, шароби бе дуруд.

тоғларни сайр қилиб ҳазрат Алҳарос¹ нозил бўлсинлар. Ундан сўнг ризвон пайғамбарлар, мурсал пайғамбарлар нурга ва анбиёларни тахтта, сиддиқлар ва шахидларни курсига ва авлиёлар ва солиҳлар ва соир муъминларни мунарирокий /баланд чорпоя/га ўтказдилар. Ундан сўнг Ҳазрат Жалла Жалолдан нидо келсинки ё Жаброил Иззат пардасини менинг бандаларим назари олдидан кўтар. Ундан кейин Аллоҳ таоллодан нидо келсинки, ё Муҳаммад менинг бандаларимга дунёда берган саломинг амри наҳий² учун эди. Ё Жаброил Қадр кечаси менинг бандаларимга берган саломинг, вадаю воҳид учун эди. Ё Азроил назъа/охирги нафас, жон чиқишдан олдин/ вақтида, менинг бандаларимга берган саломинг фазаъ/қўрқиш, ваҳима, беқарорлик, бетокатлик/ аҳволи учун эди. Ё Ризвон менинг бандаларимга сенинг саломинг интизорлик ва иштиёқ юзидан эди. Менинг бандаларим ҳаммангизни саломингизни эшитиб сукут сақладилар, ҳамма менинг саломимга муштоқ эдилар. Бугун мен ва бандаларим орасида ҳеч қандай восита йўқ. Салом алайкум Аллоҳ таоло Салом бергандан сўнг нидо келсинки, Ё Ризвон бугун бандаларимга таом тайёрла! Аллоҳ таоло амри билан фаришталар ёкутдан ва жавохирларданинг аъло навидан Муъминлар олдига дастурхон ёздилар. Муъминлар олдига турли таомлар қўйдиларки, бу таомлар олов ва тутунсиз Аллоҳ таоло амри билан тайёр бўлган эди. У таомлардан қанча хохласалар есунлар, ундан сўнг нидо келгайки, ё Ризвон менинг бандаларимни сероб қил! Ризвон амри билан унинг хизматкорлари офтоб шуъласидек жилоланиб турган косаларда уларни сероб қилгайлар. Яна нидо келсинки, менинг бандаларимга либос кийгизгин! Ризвон ҳазрат ал Қудс дарахтига амр қиладики, бандаларнинг томонига мойил бўлиб паст бўлинглар. Унинг шохлари пастга эгилиб, у дарахтдан ҳар бир банда анор олиб, унинг ичидан нурдан қилинган етмиш хил ҳеч ким кўрмаган ва қулоқ эшитмаган гўзал ва чиройли либослар бўлгай. Бандалар етмиш хил либосни киядилар. Ундан сўнг нидо келгайки, ё Ризвон хушбўлик қил. Менинг бандаларимнинг либос ва баданларидан гулоб хиди асло кетмасин. Ундан кейин нидо

1. Ал Ҳарос - Таом берувчи, Аллоҳ таоло сифатларидан бири.

2. Амри Наҳий - яхши ишларни буюриш, ёмон ишлардан сақланиш.

келсинки, ё Ризвон¹ менинг бандаларимга хурлардан келтир. Ҳар бир мўъмин бандага етмиш хур тегсинки, уларнинг хусни жамоллари шунчалик равшан бўлсинки офтоб ва маҳтобдан ҳам гўзал бўлсин. Аллоҳ таолло айтсунки, ё Ризвон менинг бандаларимни ҳар қандай тилаги бўлса ато қиламан. Бу мақсад ва росткорлик даражасидирки, у дунёда ваъда қилган эдим. Мўъминлар айтардиларки, ё Ризвон вожиб таоллонинг тухфаси ва атосидан ҳеч ками қолмади, энди ўз парвардигоримиздан нимани талаб қилайлик? Шундан сўнг Аллоҳ таоло амр қилсинки, ё Ризвон иззатнинг²хижобини/пардасини/ кўтар, менинг бандаларим менга назар қилсинлар. Уша замон Ризвон тахт пардасини кўтаргай. Мўъминлар Худойи таолло дийдорини кўришлари билан саккиз юз йил беҳуш масти фироқ/аллоҳ фироқига маст бўлиш/ бўлгайлар. Ундан сўнг ўз жойларига келиб сажда қилсинлар. Алфирот рабдан³ нидо келсинки, бош кўтаринглар, бугун хушў⁴ ва руку⁴ ва сажда куни эмас, бугун Аллоҳ таоллонинг ато ва савоби хосидир.

1. Ризвон - бижигит, хушнудлик, хурсандлик.

2. Иззат - бузурглик, эҳтиром соҳиби бўлган киши.

3. Хушў - хоксорлик, тавозуъ қилиш.

4. Рукў - намозда худуга эҳтиром назҳори юзасидан таъзим қилиш.

Назм:

Шайдойи жамоли ў дар худ¹ на ёр омад,
Муштоқи² лиқои³ ў дар нор⁴ намеғунжад.
Жон бардари дил омад, дил гуфт бирав ондам,
Бо ёр дар ин хилват⁵ риё⁶ намеғунжад.

Мазмуни:

Унинг /Аллоҳнинг/жамолини шайдосиман,
аммо жаннатга ёр келмади,
Унинг сиймосининг муштоқиман, лекин у
оташ шуъласидан ҳам ўткирдир.
Жон дилнинг эшигига келди, дил айтди
кет бу дам,
Ёр билан бу хилватда бўлсанг мунофиқ-
лик сирмайди.

Ундан сўнг нидо келгайки, бандаларимни мен сизлардан розиман, бас сизлар ҳам мендан рози бўлинглар. Мўъминлар айтсунларки, Эй парвардигор сен бизлардан рози бўлсанг бизлар ҳам сендан розимиз. Унда Аллоҳ таоло айтсунки, мен сизлардан розилигим учун ўз уйимни/жаннатни/ сизлар учун махсус сақладим, ўз дийдоримни сизларга кўрсатдим.

✓ **Ривоят** Фақиҳ Абул Лайс Самарқандий раҳматуллоҳи алайҳидан, ҳар ким беш ишни қилиб умид қилса Аллоҳнинг ҳамма қароматларидан баҳраманда бўлади: Аввал ўз нафсини жамий маосий /гуноҳ/ ишлардан сақласин. Иккинчи дунё ишларидан рози бўлсин, учинчи ҳамма вақт тоатда бўлсин, тўртинчи, дуони кўп қилсун. Аллоҳ таолодан жаннатни талаб қилсин, бешинчи яхшилар/неку корларга, солиҳларга/ муҳаббат қилиб.

1. Хулд - бихишг, жаннат, фирдавс

2. Муштоқи - иштиёқмандлик, ораумандлик.

3. Лиқо - чеҳра, сиймо, юз.

4. Нор - оташ шуъласи, олов.

5. Хилват - танҳо ишчилик.

6. Риё - мунофиқлик

7. Маосий/маъсият/ - /Дин ва шарият амрига хилоф ҳаракат ва рафтор, гуноҳ

Уларга яхшилик қилиб, биродар мўъминларга мушфик бўлсинлар.

Хабарда келтирадиларки Расул саллаллоху алайҳи васаллам буюрдиларки жаннат ахлининг ҳар бирининг саксан минг ходими ва етмиш завжа/хотин/и бўлсин ва кубаси Луъ-Луъ ва забаржат ёқутдан бўлсин, унинг бошида тож бўлсинки, бу тож машриқдан мағрибгача равшан қилсин.

Хабар берадиларки Расул алайҳис салом буюрдиларки жаннат аҳли бир юз йигирма саф бўлсинки унинг бир сафи машриқдан мағрибгача етар, уларнинг саксон сафи Расул алайҳис саломнинг умматлари бўлгайлар, уларнинг тўрт сафи ўтган муттақаддим пайгамбарларнинг соир имомларидан бўлсинлар, ҳар бир сафнинг сони дунёда яшайдиган бутун инсонларнинг миқдори билан баробардир.

ҚИРҚ ТЎҚҚИЗИНЧИ БОБ

Хикоятлар баёни ҳақида

Тўрли хикоятлар келтирадиларки, амирул мўъминин Хорун ар Рашид бир куни шикорга чиқади. Бир мўйсафидни кўрдики, ёнғоқ дарахти ниҳоли ўтқазмоқда эди. Сўради, эй бобо ёнғоқ дарахти неча йилда ҳосилга қиради. Бобо айтди йигирма йилдан кейин. Халифа айтди, бу дарахт мева қилгунча тирик қоласизми? Бобо айтди, эқдилар едик, экамиз есинлар. Халифа бобонинг бу гапидан кўп хурсанд бўлиб, бир минг дирҳам инъом қилди. Бобо қаҳ-қаҳ уриб кулди. Халифа бу кулгининг сабабини сўради. Бобо айтди одамлар ёнғоқ дарахтини ўтқазиб йигирма йилдан кейин унинг мевасидан есалар, мен ҳозир экиб, унинг мевасини едим. Халифа хурсанд бўлиб яна минг дирҳам инъом қилиб, ўз отига қамчи уриб, чолнинг олдидан тезгина кетди. Халифанинг вазири сўради отни тез ҳайдаб кетишингизнинг боиси нимада! Халифа айтди, бирор соат мунозара қилсам бир неча минг тангадан айрилар эдим, шунинг учун уни олдидан тезгина кетдим.

Хикоят келтирадиларки Хорун ар Рашид бир жойга кетаётган эди. Бир мўйсафидни кўрдики бошидаги сочи қора, соқоли оппоқ. Хорун ар Рашид савол бердики, эй

одам, нега соқолинг оқаргану бошингдаги сочинг қора. У одам айтди, ё амирул мўъминин¹ бу таажуб қилинадиган нарса эмас, менинг бошимдаги соч қора бўлиб қолишига сабаб шуки мен ҳамма вақт дўппи кийиб юраман. Сочимни иссиқдан, совуқ, қор ва ёмғирлардан дўппи сақлайди. Бинобарин, ўз ҳолича қора бўлиб турибди. Соқолим эса офтобнинг иссиқлиги, қишнинг совуқлиги, қор ва ёмғирлар, шамоллар таъсирида оқаргандир. Халифа у шахснинг ҳозир жавоблиги учун муқофотлади. У ердан кетиб, яна бир шахсни кўрдики биринчи кўрган одамига хилоф равишда у шахснинг соқоли қора, сочи оппоқ эди. Ҳорун ар Рашид ундан сўрадики, нега бошингдаги соч оқаргану, соқолинг қоп-қора. У шахс айтди, ё амирул мўъминин бунинг таажубланадиган жойи йўқ, чунки туғилган вақтимда мени соқолим йўқ эди. У вақтда бошимда сочим бор эди. Йигирма йилдан кейин соқолим чиққан эди. Сизнинг маълумингиз бўлсинки, менинг бошимдаги сочим соқолимга қараганда йигирма йил каттадир. Шунинг учун менинг соқолим оқармаган. Халифа унинг гапидан ҳам хурсанд бўлиб унга инъом берди.

Келтирадиларки Зухур бў Зар Жамҳар Ҳаким олти минг бир юз ўттиз йил Одам ато вафотидан сўнг Нушширвони одил даврида айтган эдики, подшоларнинг салтанати ўн бир нарса билан ўлчанади: Аввал ғазабдан сақланмоқ, иккинчи, ростлик ва садоқат, учунчи, донишмандлар билан машварат, тўртинчи, улугларга таъзим, бешинчи, зиндонларга одамларнинг ҳолини тафтиш қилиш, олтинчи, йўлларни муҳофаза қилиш/ҳимоя/, еттинчи, сиёсат ва ночор бандаларни авфу қилиш, саккизинчи, сиполарга оройиш/яхши қараш/, тўққизинчи, ўзига нисбатан талабчан бўлиш, ўнинчи, мамлакат атрофида жосусларни тайинлаш, ўн биринчи, хизмат арбобларини ва комил/донишманд/ аҳлини нафақа билан таъминлаш.

Хикмат: Бахил одам ўз молининг қаравулидир. Умрингни хотиржамлик билан ўтказаман десанг, хайр-эхсон қил. Бир ҳаким айтганки, зиёфат мажлисида

1. Амирул Мўъминин - мўъминларнинг амири, бу унвонни ilk марта Халифа Умар ибн Хаттоб/634-644/ олган.

улуғлардан олдин кўлингни таомга чўзма, ва ҳаммадан кейин таом ейишга машғул бўлиб, бошқаларни интизор қилма. Мажлисда/зиёфатда/ тишингни кавлаб ўтирма. Меҳмондорлик қилсанг ўз нафсингни очиб, меҳмон хизматини бажо келтир. Меҳмоннинг олдига ўз хизматларнинг билан фахрланма, меҳмонларни танҳо ташлаб кетма, меҳмоннинг олдига сукут қилиб ўтирма, яхши гаплар билан уларни машғул қилиб, таом йе/хўр/ ва таом ейиш вақтида кўп муболиға қилмагин.

Хикмат: Ҳар ким сенга яхшилик қилса, унинг ҳақида ёмон гап айтишни раво кўрма. Агар бирон уйдан таом еган бўлсанг, унинг ҳақида шикоят қилма ва ёмон гапирма. Агар у билмаса холиқ билсин, сенинг ризкурўзингни кам қилмасин, Кимга эҳсон қилсанг унинг юзига миннат қилмаки, худонинг раҳматидан бенасіб бўласан.

✓ **Хикоят:** Бир ҳақим ўз ўғлига васият қилдики, беш гуруҳдан ўзингни эҳтиёт қилиб, улар билан суҳбат қилма, аввал ёлгончи, иккинчи, нодон, учинчи, таъмагир, тўртинчи, бахил бешинчи ўз хотинларини уйда қолдириб, номаҳрам хотинлар орқасидан борувчи эркаклар.

Хикоят: Абдулло ибн Маъсуд розиёллоҳу анҳу асҳоб катта фақяҳлардан бўлиб, Расул саллаллоҳу алайҳи васаллам ҳадисларидан саккиз юз қирқ саккизтасини ёд билар эди. Бир кун касал бўлди. Ҳазрат Усмон розиёллоҳу анҳу у кишини кўришга келдилар сўрадиларки, сизнинг қаерингиз офриятгани ҳақида шикоят қиласиз. Ибн маъсуд розиёллоҳу анҳу айтдилар, мен ўз гуноҳларимдан шикоят қиламан. Ҳазрат Усмон розиёллоҳу анҳу айтдилар, нимага иштаҳангиз бор? Жавоб бердиларки, Худойи таоло раҳматига иштиҳом бор. Ҳазрат Усмон розиёллоҳу анҳу айтдилар, табиб келтирай, даво қилсин? Жавоб бердиларки, ким бемор қилган бўлса, хоҳласа ўша даволасин. Яна сўрадиларки ўз фарзандларингизга нимани мерос қолдирдингиз? Жавоб бердики воқъе сурасини мерос қолдирдим. Расул алайҳис саломдан эшитгандимки, Ҳар ким Хуфтан намозидан кейин воқъе сурасини ўқиса ҳаргиз йўқликка муҳтож бўлмасин, саҳар пайтида бу сурани ўқиса унинг оқибати хайрли бўлгай. ✓

Хикоят Бир киши Аббос розиёллоҳу анҳу хузурига келиб, кўз офриғидан шикоят қилди ва даво талаб этди.

Буюрдиларки бир ҳафтадан кейин менинг олдимга кел, унғача тараддууд қилай дедилар. У шахс бир ҳафтадан кейин келдики, даволансин. Ибн аббос розиёллоху анху бир дуони ўқиб сен хурمودан парҳез қил, Аллох кўзингга шифо берсин. У шахс кетгандан кейин суҳбат аҳли савол бердиларки, “ё имом бу бечора киши кўз оғриғига гирифтор эди, сизнинг дуонгиз хурмо емаслик экан, нега ўша куни бу дуони айтмасдан, бир ҳафтага кечиктирдингиз? У бечора яна бир ҳафта кўз оғриғини тортди. Имом айтдиларки у вақтда ўзим хурмо еган эдим, агар унға хурмо ема деб айтганимда сўзим кўз оғриғига таъсир қилмас эди. Ўша кундан бошлаб мен хурمودан парҳез қилдим, шу боис бу кун унға айтганим манфаат қилса керак.

Хикоят: Ажам подшоси бир ҳакимни расул алайҳис салом ҳузурларига юборди. Буюрдиларки Мадина аҳли беморлари билан машғул бўлсин. У ҳаким бир йилгача Мадинада истиқомат қилди. Ҳеч ким бемор бўлиб даво истаб унинг ҳузурига келмади. ҳаким пайғамбар алайҳис салом олдиларига келиб, шикоят қилди. Расул алайҳис салом буюрдилар, бу диёрнинг аҳлининг одати то оч қолмаса таомга қўл тегизмайди, таомни еб тўйгандан кейин таомдан қўлларини тортадилар. Табиб айтди, агар бу диёрнинг одати шундай бўлса, ҳаргиз табибга муҳтож бўлмайдилар, деб ўз вилоятига равона бўлди.

Хикоят: Бир шахс ғоят фақир ва бенаво эди. Унинг дўстларидан бир киши айтди, фалон шаҳарда хайр-эҳсон бўйича шуҳрат тарқатган, бир шахс хожатмандларни хушнуд қилади. Нега сен унинг уйига бормайсан. У фақир шахс жавоб бердики, бировга бориб хожат сўрагандан кўра фақирлик беҳроқ/яхшироқ/дир.

Хикоят: Хуросон вилоятида икки дарвеш бўлибди. Уларнинг бири заиф беҳол эди, доим рўза тутишни одат қилиб, ҳар икки кунда бир марта таом ер эди ва бошқаси семиз бўлиб, ҳар куни уч маротаба таом танавул қиларди. Ҳар иккаласи чиқиб Бағдод шаҳрига етишдилар. Уларни жосус деб зиндонга маҳбус қилдилар. Икки ҳафта ўтгач уларнинг гуноҳсиз эканликлари маълум бўлади. Подшо уларни озод қилишга фармон берди. Кўрдиларки семиз киши ўлган, заиф саломат турибди. Подшо бунинг

сабабини ҳакимлардан сўради. Жавоб бердиларки, семиз шахс пурхўр эди, очликка тоқати йўқ эди. Шунинг учун жон таслим қилган. Заиф шахс кам ейишга одат қилган эди. Шунинг учун тирик қолган.

Хикоят: Икки биродар бор эди. Бир подшолик хизматини қилиб рўзгорни яхши ўтказарди. Иккинчиси кунни ўтказиш учун меҳнат қилар, машаққат тортар эди. Бир куни биродари айтди, нима учун подшонинг хизматига кирмайсан, рўзгоринг яхши ўтади, жавоб бердики, сен нима учун меҳнатдан ўз қўлингни тортдинг, агар меҳнат қилиб рўзгор ўтказганинда подшонинг қаҳр ва ғазабидан қутулган бўлар эдинг. Миннатли заррин камар боғлашдан озода бўлардинг.

Хикоят киладики, муҳаррир Ўроқ ёдимдаки турон мамлакатининг малики султони саид амир Музаффархон бин шаҳаншоҳи золиолло Саид амир Насрулло буйруғи билан бир минг уч юзинчи/1300/ ҳижрий йилида мени туркистон генерал губернатори хузурига сафорат қилиб, Тошкент шаҳрига келган эди. Кечаси губернатор мажлис/зиёфат/ ташкил қилиб, Россия генералларидан ва иш билармонлардан йигирмага яқин кишини чақирган эди. Бу аҳқор алҳабо султоннинг ғуломини мажлисга хабар қилган эдилар. Бориб кўрдимки губернатор ва генерал Зарғонов тўқсан икки ёшда, у штаб маҳкамасининг бошлиғи эди. Мажлиснинг тўрида ўтириб, бошқа ишбилармонлар унинг атрофида эди. Муҳаррирни муайян столдан жой бериб, зиёфат охирида, чойхўрлик асносида генерал Зарғонов бу ҳақирга хитоб қилиб айтдики, сендан бир нарсани сўрасам, тўғри жавоб берасанми? Жавоб бердимки, агар саволингдан бохабар бўлсам жавоб бераман. Генерал айтди, мен дунёнинг кўч жойларини сайр қилдим, кўч илмларни ўқидим рус, фаранг, турк, эрон вилоятларига бориб саноатга ҳунармандчилик ашёларидан кўп ажойиб нарсаларни кўриб, сўрар эдим, жавоб берардиларки булар Бухоройи Шариф буюмларидандир. Савол берардимки, Бухоронинг ашёси то сизларгача қандай етиб келган? Жавоб бердиларки, Бухоройи Шарифнинг аксар ашёлари келар эди, бизнинг ашёларимиз тижорат орқали Бухоройи Шарифга борар эди. Мен Бухоройи шарифни кўрмаганман. Самарқандга борган эдим,

Бухоройи Шариф аҳволини у ердан сўраган эдим, айтдиларки, Бухоронинг катталиги Самарқанд билан баробардир. Самарқанд вилоятининг худудини кўрдимки, андак жой экан. Бухоройи Шариф Самарқанд билан баробар бўлса, унинг саноати ашёларининг кўпчилик йирик вилоятларга тижорат йўли билан юборилган бўлса, кўпгина давлатлардан келтирган моллар Бухорога юборилиб, савдо қилинадиган бўлса бу нарса мени таажжубга солмоқда, сен Бухоро аҳволидан хабар берсанг хурсанд бўлар эдим.

Ҳақир банда/ яъни мирзо Салимбек/ унинг саволига қуйидагича жавоб бердим. Сен кўпгина мамлакатларни кўрдим ва кўпгина илмларни ўқидим деб айтасан. Улар хотирингда борми ё йўқми? У айтди: кўрган ва эшитганларимни ҳаммаси хотиримда бор. Айтдимки, сенинг ёдингдаги барча воқеалар жисмингдаги қайси аъзойинг билан мушоҳада қиласан. У айтди: дилимда маълум бўлади. Савол бердимки одам юрагининг катталиги қанча? Жавоб бердики, муштим билан баробардир. Айтдимки, сени 92 йиллик ёдлаган илминга сени етти азойинг қатнашган. Нима учун дунёни етти иқлим деб атайдилар. У айтди, инсоннинг дониши юракка боғлиқдир. Айтдимки инсоннинг бутун аъзоси етти қисмдан ташкил топиб, етти иқлимга қиёс қилиб, бош, қорин, орқа, юрак, қўл, оёқ ва кўз бўлиб дунё ҳам шу хилда тузилган. Бухоройи Шариф дунёнинг юрагидир. Ҳамма жойларнинг ашёлари Бухоройи шарифга келади, илм ва ҳикмат эса, Бухоройи Шариф вилоятидан бутун мамлакатларга тарқалди. Сўзимни тамом қилганимдан сўнг мазкур генерал ўрнидан туриб банданинг қўлини тутиб, айтди, рост гапирдинг яна сендан илтимос қиламанки, бу сўзни қайси бир китобдан ўқидинг ва кимдан эшитдинг? Унинг саволига жавоб бериб айтдимки, бу сўзни ҳеч қандай китобдан ўқимаганман, ҳеч кимдан эшитмаганман. Сен савол бердинг, хотиримга шу жавоб келди, изҳор қилдим. Мазкур генерал “Молодец” деб айтиб, мажлис аҳлига ҳақирнинг жавоби маъқул бўлиб, хурсандлик изҳор қилдилар. Губернатор ўзининг уйи тоқчасидан/равоқи хонаи худ/ бир қути, унинг ичидан тилло соатни олиб, менга бериб айтди, сенинг бу сўзинг учун шу тилло соатни тақдим қиламан, мендан ёдгорлик

бўлсин. Мазкур генерал айтди, бу ерга меҳмонликка келган эдик, хоҳлайманки эрта оқшом менинг уйимга ташриф буюрсанг. Жавоб бердимки, ман губернатор меҳмониман, ижозат берса бораман. Бу гапдан генерал-губернатор зиёдроқ хурсанд бўлиб айтди, ман ижозат бердимки, эрта кечаси генералнинг меҳмони бўлгайсан. Эртаси кечқурун генерал коляска аробасини юбориб, бу ҳақирни ўзининг уйига олиб бориб зиёфат қилиб, ўзининг уйи аҳлига ҳақирнинг тавсифини қилиб, кетаётганимда бир катта кутти, кумушдан қилинган бир неча асбоблар, яъни истикон/стакан/, чойнак, қандон, ширдон, қошиқ бўлиб кўп иззат қилиб, ўз коляскасида миндириб, элчихонага юборди. Самарқанддан Бухоройи Шарифгача симсиз телеграфни олиб бориш ҳақида келишдим. Ўша тарих йилида жаноби олий марҳамати билан бир лак тўқсан минг танга телеграф харажотини олиб борган эдим.

√**Хикмат:** Бир ҳақимдан сўрадиларки, нима иш қилсакки, дунёда осойишта бўлгай. Жавоб бергайки, аввал биринчи ёлғон гапиришга одатланма, иккинчи, подшо ва ҳокимларга итоат қилиб, фармонбардор бўл. Учинчи, қаноатли бўл, таомни меъёри билан сарф қил, тўртинчи, одамлар йиғилиб, норозилик қилсалар асло ўша жойга яқинлашма. Бешинчи, ўз фарзандларингга илм ва амал таълимини бер, агар беодоб авом бўлиб етишса, унинг гуноҳи сенинг бўйинингда. Олтинчи, ўз ҳешу таборларингга меҳрибон бўл, уларни ҳурмат қил, зарур бўлса ҳам ўз ақрабо ва дўстларингдан қарз олма хижолат ва дилбаста бўлмайсан. ↓

Хикмат: Бир ҳақим айтган эдики, уч нарса кўнгилини шод ва ақлни зиёда қилади. Аввал ақлли, солах хотин, иккинчи фаровон ризқ, учинчи меҳрибон ақраболар. Тўрт нарса борки, эркакни беҳурмат қилади. Аввал ёш хотин билан муноқаша/мунозара/ қилиш, иккинчи шаръига хилоф бўлган ишлар билан машғул бўлиш, учинчи ёлғон сўзларни ҳар жойга тарқатмоқ, тўртинчи, мускиро/маст қилувчи/ нарсаларни ейишга ва ичишга одат қилмоқ. ↓

Хикоят: Бир давлатманд шахс Ҳақим ҳамролигида йўлга борар эди. Бир кишини кўрдикки ўтин териб юрар эди. Бой/шахс/ ҳақимга айтди, бу эркакни кўр ўзини жабрга қўйиб ўтин териб юрибди. Ҳақим кулиб қўйиб, ҳеч

нарса айтмади. Йўлда бир катта данғилламама иморат олдидан ўтаётганда ҳақим айтди. Бу иморатнинг эгасини кўр, унинг хаёлидаки, дунёда минг йил яшаса ўз умрини бекорга сарфлаб бу тариқа иморатни катта ва кенг қилибди. Давлатманд айтди, ўз фарзандлари учун қилгандир. Ҳақим айтди, Худойи таоло фарзандларни халқ қилиб, умр берган бўлса, хона ва ризқни ҳам беради. Кўшгина бойлар борки, кеча кундуз ёлғону рост айтиб фарзандлар учун дунё тўплайдилар. Молнинг посбонлигини қилиб, хайр-эҳсон ва садақани фаромуш қиладилар. Бу ҳамма тўпланган моллар унинг фарзандларига вафо қилмайди. Чунончи ўтин терадиган одам давлатманднинг ўғли эди, отасидан кўп мерос қолди. Замон зайли билан моллардан ажралиб, мухтож бўлиб, ўтин териб юрмоқда.

Хикоят: Ёдимда борки, йигирма икки ёшимда эдим, Бухоройи шарифдан танҳо чиқиб Дабусия қалъасига борар эдим. Йўл устидаги Малик Карвон сароинга тушиб кечаси у ерда дам олмоқчи бўлдим. Йўлни билмаганим сабабли, бирор йўловчи билан ҳамро бўлиш учун интизор эдим. Баногоҳ бир мўйсафедни кўрдим, ўша йўлдан кетаётган эди. Мен ҳам ўша мўйсафедга етишиб салом бердим, сўрадики, қаерга бораяпсан? Жавоб бердимки, Дабусия ҳокимининг хоҳиши билан Бухородан чиқиб ўша ерга, унинг рикобида хизмат қилиш учун кетаяпман. Мен бу тарафларни билмаганим учун сизнинг ўтишингизни кўриб, сизга тез етиб келдим. У шахс айтди, мен сенинг йўлингни хизриман, сенга мақсад йўлини кўрсатаман, шу чиқишингда иншооло кўп манфаатлар кўрасан, ҳар бир ишда Худо ва Расулни ҳозир кўр, зинҳор шариат йўлига тажовуз қилма, кўнгил ва тилни барқарор қил, ҳар нима сўрасалар ёлғон айтма, ростлик /тўғрилиқ/ билан хизмат қилишга одатлан, давлатнинг ҳар бир соҳибини тузини оқлаб яхши хизмат қил. У шахси сен унга хизмат қилишга ихтиёр қилибсан, у ҳам аржманд¹ мансабларга сарафроз бўлади. Бу нав сўзлардан насиҳат қилди. Йўлнинг бир томонидан юк ташийдиган жойдор аробалар Миёнкол

1. Аржманд - соҳиб эҳтиром, қадр қимматли, бошқат

тарафига ун, гуруч юклар келтирар эдилар. Йўл хизири менга айтди, икки иш юзасидан шаҳр ва саҳроларда мардумлардан баракат кам бўлди. Илгари бу юкларни туялар тортар эди. Баракат туянинг оёғида эди. Ҳамма жойни ихата қилишга машғул бўлдилар. Баракат қайтди. Икром сарой мавзёгача етишдик. У ердан отларни суғориб, дашт томониغا чиқдик. У шахс айтди: эй йигит бу катта йўл Дабусия қалъаси тарафига кетади ва бу чап қўлдаги йўл Кармана вилоятига олиб боради. Мен Кармана тарафидаги йўлга қараган заҳот у шахс назаримдан ғойиб бўлган эди. Ҳарчанд йиғлаб кўрққанимдан кўп ҳаяжонландим/жизау-фазаъ/¹ лекин ҳеч суд бермади. У хизрваш йўловчини қўлдан бериб, кўз ёшларим ва юрагимни бирёни билан йўлни давом этиб асрга яқин Дабусия қалъасига етишдим.

Хикоят: Эслашимча Тошкент сафари вақтида ўз хизматкорим ҳамролигида чиқиб Жиззах вилоятига етиб у ердан Сирдарё лабигача ўн тўрт фарсах сувсиз биёбонидан ўтиш керак эди. Ўша манзилга етгунча йўловчилар учун Турон шаҳон шоҳи Абдуллахон учта сардоба бино қилган эдики, қор ва ёмғир сувлари шу сардобаларга тўпланиб, йил давомида савдо ккарвонлари ва йўловчилдар шу сардобадан молларини суғориб, ўзлари ҳам ичар эдилар. Бу сардобалар ҳалигача/ўша даврда Н.Й./ Ўз холича сақланган бўлиб, сувсизлик жиҳатидан икки сардоба яъни уч оғоч ва Мирзо мавзёларида махсус йўловчилар учун жой бино қилинган бўлиб, сардоба яқинида Россия почта хонаси бор эдики, унда беш ёки олти нафар козоқ ва қорақалпоқ, бир урусдан старший/бошлик/ ишлар эди. Урус почта аробасига минган йўловчилар ҳар бир почта хонага кетганда, араваларни отларини алмаштириб, бошқа почтахонага борар эдилар. Фақир Жиззахдан чиқиб уч фарсах юрганимиздан кейин Уч оғоч деган сардобага дам олиш учун отлардан тушдик. Шу вақтда бир киши чўл йўлидан маркабга миниб, шу манзилга тушди. У ерда озгина дам олиб яна йўлга унинг ҳамролигида асрда Мирзо сардобасига етишдик. Уч оғочдан бу ергача тўрт фарсах

1. Жазу Фазаяъ, ёки фазу - жазаяъ - беқарорлик, қўрқув хавфидан ҳаяжонга тушмоқ
Жазаяъ - фарёд, гулгула, фазаяъ - нола ва зори, тавалло.

чиқар эди. Сардоба деворига яқин бўлган жойда отларимизни боғладик. У маркоб минган кишига катта чойдушни бердикки, сардоба ичидан сув олиб келсин. Менинг хизматкорим ўтин териб келиш учун машғул эди, шу ўтин билан чой қайнатиб ичиб, кечқурув шу жойда дам олиб, эрталаб йўлга чиқмоқчи бўлдик.

Бир лаҳза ўтгач Марди Саҳройи чойдушни холи олиб келиб, айтдики: Мен билмасдан давлнинг ¹ипини халқадан очиб, сардобага кириб ўша жойдан тўлдирмоқчи бўлдим, арқон қўлимдан чиқиб, сардобанинг қудуғига тушиб кетди. Ахмоқ эркакнинг қилган ишидан тажанг аҳволга тушиб почтадагилар қудуққа кириб давл билан ипни олиб чиқишга ёрдам берар деб ўйлаб, уларга мурожаат қилдик. Худобеҳабар ямшиқлар бизларнинг ташвишимизга аҳамият бермадилар. Ниҳоят бизлар уч киши фўта ва саллаларимизни, отларни нўхта ва айилларини ҳам бир-бирига улаб, саҳройи эркак белига боғлаб қудуққа туширдик. Қудуқ шунчалик кенг эдики, у эркакнинг қулочи қудуқ деворларига тегмас эди. Қудуқнинг ярмига борганда унинг салласи фўтадан узилиб, у эркак муаллақ қудуққа йиқилди. Талотум овози чиқиши билан менинг жоним қўл-оёқларимдан чиққан эди, унинг тирик қолишидан умидимни узган эдим. Мен хизматкорга айтдимки, ташқаридан хабар олингчи у .нопоклардан бирортаси бизга ёрдамга келармикин. Хизматкор сардобадан ташқари чиқди, мен қудуқни олдига келиб ўша эркакни номини олиб, “сен тирикмисан ё ўликми” - деб айтдим. Хазин овоз билан у, - ўликдан баттар ҳолда иккинчи қудуқнинг лабида турибман, - деб жавоб берди. У ер тақрибон элик газ келар эди. Фавран/тез/ хизматкорни чақирдим. Келиб саллаву фўталарни йиртиб бир-бирига улаб чил бур/арқон/ни унга пайванд қилиб, қудуққа юбориб, овоз қилдимки, давл ипни белингга боғлаб, эҳтиёт бўлиб давлнинг ипини юборгин, ип билан пайваста қилиб, юқорига тортдик, ипнинг учини стунга боғлаб, ипни яна қудуққа юбордик. Овоз бердимки, ипни белингга маҳкам боғла. У эркак шундай қилди. Хизматкорим бақувват одам эди. Зўр бериб қудуқ ичидаги одамни

1. Давл - қудуқдан сув оладиган чарм/кўп/ идиш, сатил.

Фалакни ўн биринчи буржи/январь/ га ҳам давл деб аталади.

тортар эди. Чикқан ипларни мен фақир кудук лабидаги стунга бовлар эдим. Шу алфозда у : эркакни кудукдан тортиб олдик. Нимжон жасади чикқандан кейин янги рух пайдо бўлиб, Худога шукрона қилар эдик. Шу аснода минг қадам узоқликда бўлган почтахонада уч қозоқ сардобадан сув олиш учун келган эди. Уларни кўриб шукр саждасини қилиб, сардобадан сув келтириб чой қайнатдик, қандчой қилиб, ўзим ичмасдан, кудукдан чикқан эркакка бердим, чунки у кудукнинг совуқ сувидан ҳамма жойи шалоба бўлиб, тиши-тишига текмасдан қалтирар эди. Бироз ўзига келгач, кудук аҳволдан сўрадим. Айтди: ип узилган вақтда кудукқа тушиб, сувга чўкиб кетдим. Жудо чуқур экан, бошимни сувдан чиқариб қарасам иккинчи кудукни лабида тўхтабман, ўзимни сувдан юқорига яъни ўша кудукни куруқ жойига олдим. Ўз жонимдан умидимни узган эдим. Сенинг овозингни эшитиб қувват олдим. Бу кечани ўша ерга ўтказиб, эрталаб саҳарга йўлга чиқдик Муғул мавзеидаги почта хонага бироз дам олиб, у ердан чиқиб Сирдарё лабига етишдик, унда кема тайёр экан, дарҳол отларни кемага киритишга ҳаракат қилдик. У саҳройи эркакнинг маркоби тихирлик қилиб, дарёга тушди, у эркак маркобини тортаман деб ўзи ҳам дарёга кетди. Кемадагилар у эркак ва маркобни дарёдан тортиб олдилар. Унга айтдимки: Сени нима нағбат урдик, дахшатли воқеаларга дуч келаяпсан? У айтди мен Вардонзе туманидан бўламан, Тошкентга бориш ниятим бор. Самарқандга келиб бир уруснинг боғига кириб таҳорат қилиб, намозни бажо келтираман деб турганимда, урус миршаблар мени ушлаб бир ҳафта хибс этди. У ердан халос бўлиб, Жиззах вилоятига ҳам уч кун касал бўлдим, ундан сўнг Мирзочўлда сен кўрган воқеалар содир бўлди, билмайман менга яна қандай жазо бор экан.

Хикоят: Ёдимда борки Тошкентдан чиқиб, ўз хизматкорим билан Сирдарё соҳилига етишдик. Бизлар билан Бухоро ва Самарқанд тижоратчилари кемани кутмоқда эдилар. Ёср вақтида кемага кирдик, дарёнинг суви кўтарилиб, кемани бир даража қирғоққа олиб келиб сув тўлкинлари уни яна орқага олиб борар эди. Кемачи уни ипини охишта тортиб дарё лабига келтирди ва қозикқа бовлади. Кемани кутувчилар хотиржамлик билан кемага

чиқа бошладилар. Тўхтовсиз кимирашидан менинг отим дарё ичига тушиб кетди. Отнинг жилови хизматкор қўлига қолган эди. Отнинг устида тароки хуржун бўлиб, унинг ичида Султон амир Музаффархон фармони билан олинган Фаранг, Хитой либослари бор эди. Отнинг устида яна менинг пўстиним бўлиб, у ҳам қаттиқ боғланган эди. Ҳаммамиз кўрдикки, бечора от сувнинг оқимига қараб сузиб кетар эди. Фақат отнинг боши сувдан ташқари эди. Ҳаво анча совуқ эди. Рафқат/ҳамро/ ларга айтдимки, ҳар нима бўлса бўлди, афсус қилишни ҳожати йўқ, отни тайёр қилинглр, таомни еб, намозни ўқиб йўлга тушамиз. Энди йўл тараддудиди эдикки, дарёнинг у қирғоғидан икки тўппонча ўқи эшитилиб, шовқин баланд бўла бошлади. Кема у сохилдан биз турган сохилга келмоқда эди. Рафқатларга/ҳамроларга/ айтдимки, кема келгунча сабр қилайлик, ҳамролар тўхтадилар. Кема дарё лабига етишди. Кемада ўзимнинг отимни кўрдим. Отни кемадан тушириб менга топширдилар. Мен олиб Худойи таолога шукрона қилдим. Кемани мустажори/каттаси/ мулло Шокир деган нўғой бўлиб, менга ошно эди. Ҳар вақт дарёдан ўтаётганда таом тайёрлар эди. Отни олиб келган шахс айтди, гузаргоҳда тахминан ярим форсах йўлдан от қанча азоблар билан қирғоққа чиқиб, тўппа - тўғри гузаргоҳга қайтиб келади. Мулло Шокир отнинг дарёга кетганини дурбин билан кўриб кўп афсусланган экан. Отнинг кема олдига келганидан хурсанд бўлиб, сизга хабар бериш учун икки марта тўппончадан ўқ узди. Отни менга топшириб айтдики, бу от эгасига топшириб, мени саломимни етказгин. У шахсга йигирма сўм ҳадя қилдим, ўша кечаси рафқалар/ҳамролар/ билан йўлга тушдик. Офтоб чиқишидан сал олдинроқ Мирзо сардобасига етиб келдик. У ер дарё лабидан етти фарсах эди. У ерга тушиб, нонушта қилиб, икки соат дам олгандан сўнг, яна йўлга тушдик. Ҳамроҳлар хуржинни очиб, кўришга мени ундаган бўлсалар ҳам, хуржинни очмаган эдим, очиб қарашни фойдаси йўқ эди. Тўрт фарсах йўл босиб, Уч оғочга келиб, у ерда кечаси ётиб, эрталаб йўлга чиқдик. Уч фарсах йўл юргач Жиззахга етиб келдик. Менинг қалин ошнама Абул Қосим уйига меҳмон бўлдик. Хуржинни очиб, қарасам қимматбаҳо нарсаларни ўз либосимга ўраб қўйганим учун уларга ақалли нам ўтмаган экан. Худонинг қудратига

шукрона қилиб, буларни офтобга қурииб, ундан кейин Самарқандга етиб келдик, у ердан Китоб вилоятига бориб, хазрат олийни кўриб, у кишини зиёрат ва дуо қилдим.

МУТТАҚАДИМ ВА МУТТАХАРИН ТАРИХИНИНГ БАЁНИ ҲАҚИДА.

Имом Ёфи раҳматуллоҳи алайҳининг
"Наводирул маони" китобидан

Абу Абдулло ибн Жаббор розиёллоҳу анҳудан ахбор келтирадиларки Одам алайҳис салом бу дунёда бир минг йил яшаб, йигирма бир ўғил ва йигирма қиз Момо ҳаво розиёллоҳу анҳодан вужудга келдилар. Ҳар батн/қорин/дан бир ўғил ва бир қиз таваллуд топар эди. Фақат Шис алайҳис салом танҳо турилган эди. Аллоҳ таоло фармони билан Одам алайҳис салом уни ўзининг восъе ва валиаҳди қилиб тайинланган эди. Одам алайҳис саломнинг вафотига қадар, унинг авлоди қирқ мингтагача етган эди. Одам алайҳис саломга бир қавлга 40 саҳифа, бошқа қавлга йигирма саҳифа муқаддас китоб нозил қилинди, уни муқаддас билдилар. Баъзилар айтдиларки, шароб Жамшид вақтида пайдо бўлган эди. Одам алайҳис саломнинг вафотидан кейин бир ва айрим қавлга қараганда етти йил ўтгач Ҳаво розиёллоҳу анҳо вафот қилди. Одам алайҳис саломнинг суннат сўзларидан: Подшо бирор лаҳза ҳам раиятнинг нафсидан ғофил бўлмаслиги керак. Нафс инсон жисмининг яшаш манбаидир. Подшо агар раиятга ситам қилса ва инсонларнинг молига зулм қилса савоби маъруфдан маҳрум бўлмай, вилоят обод бўлмайди, подшо дониш аҳлига эҳсонни камайтирмасун. Подшолар зулм ва ситам билан мол тўплаб, савоб ишлардан қолиб, гуноҳга ботмасин. Подшо хуш ахлоқликка лойиқ бўлсин, ўзининг ўтирган амалига хиёнат қилмасун.

ШИС АЛАЙХИС САЛОМ ЗИКРИ

Муҳаммад Жарир Табарий айтадики, Шис алайҳис салом Одам алайҳис саломнинг энг яхши/бехтарин/ фарзандларидан эди. Худойи таоло унга эллик саҳифа арзоний/ато/ қилди, баъзилар йигирма тўққиз саҳифа дейдилар. Бани Баҳлум Ҳикмат ва Риёзи Валлаҳи Акбар ва бошқалар айтган эдиларки, у Шом ерида истиқомат қилиб, инс ва жинларга фармон раво/фармон берувчи/ эди. Тўққиз юз ўн икки йил умр кўриб, оламдан ўтди.

1 Ануш бин Шис алайҳис салом зикри

Бузурқвор отанинг валиаҳди эди. Ануш юз йил умр кўрди. Табарий тарихида айтадики, Ануш тўққиз юз йил умр кўрди.

Канъён² зикри

Канъён Бин Анушки, отасининг валиаҳди эди. Хофизи Абру тарихида саккиз юз йил яшаган деб ёзилган.

Маҳлойил бин Канъён

Отасининг башорати билан ҳукумат ишига машғул бўлади. Халойиқни илм билан мухташир қилиб, ўзи Бобил мамлакатига келиб, Сус шахрини бино қилдиради. Олдин инсонлар мағора/ғорлар/ ўрмонларда яшар эдилар. У инсонларга уй-жой қилиб яшашни ўргатди. Маҳлойил - тўққиз юз йил умр кўриб ўтди.

1. Ануш - қиссаси рабгузидда/1 китоб, Т.1990/ - Ануш деб ёзилган.2 бет.

2. Канъён турли китобларда турлича, Канъон, Канен, Қайнон кабилар ёзилган.

Барад ибн Махлойил Зикри

Унинг вақтида айрим кишилар ибодатга машғул бўлиб, бутпарастлик тараққий топган эди. Барад тўққиз юз икки йил умр кўрган эди.

Идрис зикри

Идрис алайҳис саломни ибронини тилида Ахнух деб атаганлар, араблар Ҳармус деб атаганлар. Худойи таоло унга пайғамбарлик бериб, халойиқни етмиш икки навъга даъват этди, икки юзта шаҳар бино қилди. Ҳар бир иқлимда инсонларнинг муносабат турларига қараб у ерларда расм-русмларни қилишга ижозат берди. Тўрт юз кишини инобат¹ ва иёлатга² муқарар қилиб, Аллоҳ таоло ўттиз саҳифа китоб ато қилди. Илми Нужум ва китобат ва ҳайати илмини³ жорий қилди. Мисрда истикомат қиларди. Идрис алайҳис салом икки юз йил умр кўриб, шуни бир юз эллик йили халқни даъват қилди, Азроил алайҳис салом кўлидан марғни/ўлимни/ шарбатини ичиб, унинг ҳамролигида самовотни сайр қилиб, дўзахни кўриб, жаннатга дохил бўлиб, Азроил алайҳис саломга хабар бериб жаннатдан чиқмади, ҳоло биҳиштда ибодат қилмоқда, аммо ҳукамо тарихида айтиладики, Идрис алайҳис салом саксан икки ёшида осмонга хуруж қилиб олий макон топди. Унинг сўзларини некликнинг энг яхшиси уч нарсадир. Фазаб вақтида ҳалим, тангдастлик/камбағаллик/ замонида бахшиш, оқиллар қудрати ҳар қандай ҳолатда афву қилишдир. Уч ишни истиғфор қилмасун. Аввал подшо ва иккинчи уламога, учинчи оқил дўстларга, қанчалик унинг мартабаси баланд бўлса-да, доимо хоксор бўлсин,/ҳарчанд мартабаи ўро рафиқ гардад, тавозеъро пештар кунад/, бир шахснинг айбига тана, маломат қилмасин/ ба айби шахсе сарзаниш накунад/ молнинг борлиги билан мағрур бўлмасин.

1. Инобат - тавба қилиш, гуноҳ ишлардан қўлни тортиш.

2. Иёлат - ҳукмрошлик, идора қилиш.

3. Ҳайати илми - осмон жисмлари тўғрисидаги илм, осмоншуноелик, юлдузшуноелик.

Равоийлар айтдиларки, Идрис алайҳис саломнинг осмонга чиқиши билан халойиқни ҳаммаси шайтоннинг ифвосига учиб бутпараст бўдилар.

НУХ ИБН МАЛИК МАНУСААХ ИБН ИДРИС АЛАЙХИС САЛОМ ЗИКРИ

Айтадиларки, Нух алайҳис салом икки юзу эллик ёшда эдики, Худойи таоло уни пайғамбар қилди. Унинг Аллоҳ таолонинг ягоналиги ҳақидаги тарғиботларига амал қилишмади ва тўққиз юз эллик йил халойиқни даъват қилди. Бу муддатда саксон нафар эркак ва аёл кишилардан унга имон келтирдилар. Бошқалар зиллат/забунлик, иззат қилмаслик/ ва макрхой/турли макрлар/ қилар эдилар. Нух алайҳис салом дуойи бад қилдилар. Ҳамма сувга гарк бўлиб, дўзах оташига дохил бўлди. Нух алайҳис салом олти ой муддатда киштида бўлиб, Тўфондан кейин, киштидаги саксон нафар ҳам касалликдан вафот этдилар. Дунё юзида Нух алайҳис салом ва уч ўғлики, улар Сом, Хом, Ёфас ва уларнинг хотунларидан бошқа ҳеч ким қолмаган эди.

Жаҳондаги ҳамма халойиқ Нух алайҳис саломнинг уч ўғлидан бир минг тўрт юз эллик ёшида интиқол/вафот / этиб, Байтул муқаддасда дафн қилинган. Тўфондан кейин дунё юзини уч ўғилларига тақсимлаб берди. Шом вилояти ва араб ороли ва форс ва Хуросонни Сомга бериб, демак тамоми араб ва Рум ва форс халқлари Сомнинг маъмуригида бўлди, Мағриб диёрини ва Занжи, Ҳабаш , Синд , Ҳинд, Судан вилоятларидан иккинчи ўғли Хомга берди. Чин иқлими ва Сақалия ва Туркистонни Ёфас яъни ўзининг учинчи ўғлига берди.

Сом зикри

Муқаддас тарих китобларида келтирадиларки, Сом ибн Нух алайҳис салом Набиларнинг кабирларидан бўлиб, у мурсал эди. /Яъне Аллоҳ таоло томонидан муқаддас китоб юборилганларга мурсал набиулло - пайғамбар деб аталади/. Нух алайҳис салом уни ўзига валиаҳд қилди, шунинг учун мурсал пайғамбарлик даражасини Аллоҳ таоло унга ато қилди. Кўпгина авлиё, анбиёлар, ҳуқамолар,

саидлар унинг авлодидан чиққанлар. Сом беш юз йил муддагида умр кўрди. Қодири олам унга тўққиз фарзанд каромат қилди. Аввал унинг авлоди: Абу ал Анбиёдир, иккинчи Каюмарски, уни Абу ал мулук ҳам дейдилар. Учинчи Асуд, тўртинчи Луқмон, бешинчи, Аурож, олтинчи Луд, еттинчи Дайлим, саккизинчи Аром, тўққизинчи Зорсом. Ҳар бир фарзандини ўзининг вилоятига ҳоким қилиб юбордики, уларнинг ҳар бирлари ўз тилларида гапирар эдилар. Кайюмарсни ўзининг бутун мамлакатига подшо тайин қилди.

Хом ибн Нух алайҳис саломнинг зикри

Хом ибн Нух алайҳис салом баъзи тарихда айтадиларки, Хом мурсал анбиёлардан эди. Ҳори таоло унга тўққиз ўғли ато қилди. Аввал Ҳинд, иккинчи Синд, учинчи Занжи, тўртинчи Нубия, бешинчи Канҳон, олтинчи Куш, еттинчи Кабт, саккизинчи Барбар, тўққизинчи Хабаш. Хабаш ва Занжибар ва Ҳиндистон вилоятларига айландилар. Улар пароканда бўлиб, ҳар қайсиси шаҳар бино қилдилар.

Ёфас ибн Нух алайҳис салом зикри

Таворих аҳли айтадиларки, турк қабиласидаги мурсалат пайғамбарлар унинг наслидан дир. Отасининг рухсати билан ўзининг аҳли аёлини шимол ва машрикқаки, шу жойларда номзот эди равона бўлди. Бузурқвор отадан илтимос қилдики, уни дуо қилсинки, унинг мамлакатга ёмғир келсин. Нух алайҳис салом ҳазрат Аллоҳ таолога мурожаат қилди. Ҳазрат Жаброил алайҳис салом оят келтирдикки, тошга нақш қилинган эди, турклар уни Айзоҳ тош, Ҳажарал муаттар деб айтадилар Ёфас ўз маконига етиб неча вақт саҳронишинон/саҳрода ўтирганлар/ тариқасида истиқомат қилди. Унинг насли кўпайгандан кейин Чин вилоятини бино қилди. Оллоҳ таоло унга ўн бир ўғил ато қилди. Аввал Чин, иккинчиси Сақлаб, учинчиси Камови, тўртинчиси Турк, бешинчиси Халаж, олтинчиси Хазар, етинчиси Рус, саккизинчиси Садсон, тўққизинчиси Гуз, ўнинчиси Барож, ўн биринчиси

Манших. Ўғилларни қатор вилоятларга юбориб, Турк фарзандини валиаҳд қилди. У ғоят далер, доно ва хунарманд эди. Унга Ёфас ўғлон деб лақаб қўйган эди. Чин Ёфаснинг катта ўғли бағоят ақлли ва батамиз эдики, Ёфас Чин шаҳрини унинг номи билан бино қилган эди. Сураткашлик, наққошлик, мулун чопонлар тўқиш, пилладан брешим/ипак/ қилишни у ихтиро қилган эди. Чин катта ўғлини номини Мочин деб қўйган эди. Унинг номига шаҳар бино қилди. Ёфас авлоди жуда ҳам кўпайиб кетдики, улар ўттиз олти лавзда/тилда/ гапирар эдилар. Иснаф, Атрек, Муғул, Кипчоқ ва бошқалар ҳам Ёфасга қарар эди.

ХУД АЛАЙХИС САЛОМ ЗИКРИ

Нух замонидан то Иброҳим алайҳис салом замонигача бир минг икки юз йил ўтиб, Худ ва Солеҳ алайҳис саломдан ташқари бошқа пайғамбар ўтган эмаски, уларнинг даъватидан қавм маъмур бўлган эди. Худ алайҳис салом ибн Абдулло ибн Рамож, ибн Ҳориз ибн Од, ибн Аваз, ибн Ирам, ибн Сом, ибн Нух алайҳис саломки, Од қавмини даъват қилишда Маъмур эди. Юз йил у қавмни даъват қилди. Ҳаётининг муддати тўрт юз олтимиш тўрт йил эди. Насроний уламоларнинг қавми бўйича уч юз қирқ уч йил, аммо муфассирлар¹ бир юзу эллик йил деб айтадилар.

ШАДИД ВА ШАДОД ЗИКРАРИ

Таворих аҳли Шадид ва шадод ҳақида ва уларнинг подшолиги ва идора қилишлари ҳақида ҳеч нарса ёзмаганлар. Худ алайҳис салом қиссасида келтирадиларки, Шадид ва Шадод икки оғайни бўлиб Од авлодидан бўлиб, Шом вилоятида яшар эдилар. Шадид мушрик² бўлса ҳам хўп одил шоҳ эди. Унинг хоҳиши билан мамлакатда қозилик мансаби жорий қилинди. Тайинланган қози маҳкамага ўтириб, бир ҳукм ундан содир бўлмади, чунки

1. Муфассир - тафсир қилувчилар./кўпроқ Қуръонни/ шарҳловчилар.

2. Мушрик - бутпараст.

бирор киши шикоят билан келган эмас эди. Қози подшонинг олдига келиб, айтдики, менинг учун хазинадан бекорга маош беришинг раво эмас, бу муддат ичида бирор киши шикоят билан менинг хузуримга келмади. Шадид айтди, қозилик вазифаси бу муҳим вазифадир. Бу вазифани бажариш сенинг устинга юклатилган. Бир неча кун ўтгандан кейин, икки киши қозихона маҳкамасига шикоят билан келди. Улар бири арз қилдики, бу шахсдан ер сотиб олган эдим. У ердан хазина топиб олдим. Кўзадаги олтинларни унга олиб бориб бермоқчи бўлдим, у қабул қилмади, мен сендан фақат ер сотиб олганман, у ердаги хазина эса сенинг ҳаққинг десам қабул қилмайди. Ерни сотган киши айтди, мен ерни муштарий/харидорга/ сотганман, шунинг учун у ердаги бутун бойликлар уники бўлиши керак. Қози тафтиш қилдики, бирининг вояга етган ўғли, бошқасини шундай қизи бор экан. Қози ҳукм қилдики қизингни нозу таблари билан унинг ўғлига берасан ва топган хазинангни уларнинг иккаласига берасан. Улар ҳар иккаласи рози бўлдилар. Шу ҳукм сабабли хусумат ўртадан кўтарилди.

Хикоят қиладиларки. Худ алайҳис салом Шадиднинг мажлисига кўп вақт қатнашиб, унга динга даъват этарди. Аммо, шадид имон келтирмади. Куфру салотин вафот этди. Биродари ўлиmidан сўнг Шадод салтанати қарор топди. Худ алайҳис салом Шадодни, имон ва тажвидга даъват қилди. Шадод рад этиб, айтди, агар сенинг парвардигорингга имон келтирсам сени Худойинг менга нима ато қилади? Худ алайҳис салом айтди, бихишт ато қилади ва жаннатнинг сифатини баён қилди. Шадод айтди, бу унчалик оғир иш эмас, мен шу жаҳонда бихишт ясайман. Янги бихиштни яшаш учун ўзининг жияни/хоҳарзода/ Заҳоки този олдига киши юборди. Чунки Заҳоқ Жамшед мамлакатини истеъло қилган эди. У мамлакат ўзининг олтин ва жавоҳирларга бой эди. Одам юбордики, у диёрда симу-зардан ҳар нима топсалар одамлардан мажбурий олсинлар деб, ва Шомга ҳам одам юборди, у ердаги хазиналарни олиб келиш учун. Шундай қилиб, бутун вилоятлардаги олтин, кумуш, гавҳар ва бошқа жавоҳирларни жамлаб келтирдилар. Яхши об ҳаволи бўлган Шом вилоятидаги бир боғни танлаб, у ерда янги жаннат тарҳини чизиб чиқди. Иморат ясай бошлади.

Бир бихишти олтин, иккинчиси кумуш ва санг резалар/майда тошлар/ жавохирдан, тупрови мушк ва анбардан эди. Беш юз йилдан кейин бу “бихишт” қурилиб тамомланди. Шадод ўзи қурдирган бихиштни кўриш учун кўп сипоҳиларни олиб борар эди. Биёбонда жуда кўп бенаволар/камбағаллар/ мўри малахдай бўлиб, унга хужумга ўтдилар. Шадод отини тез хайдаб сипоҳлардан анча узоқлашди, ўша биёбонда бир шахс билан рўпарў келди. У шахс айтди, сен бихиштни ясаб омон қолдинг. Шадод айтди, сен кимсан? Жавоб бердики, азроил бўламан, сенинг жонингни қабзи учун келганман. Шадод айтди: менга бироз муҳлат бер, ўзимни бихиштимни кириб кўрай. Жавоб бердики робиал Иззатнинг бунга фармони йўқ. У дарҳол унинг жонини қабз қилди. Отдан йиқилиб ўлди. Унинг қанча лашкари бор эди, ҳаммаси жаҳаннамга кетди.

ЗИКРИ СОЛИХ АЛАЙХИС САЛОМ

Солиҳ ибн Ибр ибн Сом ибн Нух алайҳис салом. Самуд қабиласига нубуватлик қилди. Қирқ ёшда қавм даъвати билан машғул бўлди. Икки юз олтмиш йил умр кўрди, Дарул нидода мадфун бўлди.

Зулқарнайн Акбар зикри

Нух алайҳис салом замонидан то Иброҳим алайҳис салом вақтигача Солиҳ ва Худ алайҳис саломдан бошқа пайғамбар ўтмаган ва юқорида айтганимиздек. Аммо “ китоби ахбор” соҳиби келтирадики, Солиҳ алайҳис саломдан сўнг Зулқарнайн Акбар Мурсал пайғамбар бўлган. Бошқа асарларда ёзилишича Зулқарнайн анбиёдир. Зулқарнайн Акбар Искандарий Румидан бошқадир. Зулқарнайн Ёфас авлодидан, Искандар руми Айёс бин Исҳоқ алайҳис салом Сом ибни Нуб алайҳис салом зурриётидандир. Зулқарнайн Солеҳ алайҳис саломдан сўнг

1. Қиссан Рабгузин, 1 китоб/Тошкент 1990/ китобда Солеҳ ибн Убай ибн Асаф ибн Фосиҳ ибн Хом. ибн Самуд, ибн Од, ибн Эрам, ибн Сом, ибн Нух алайҳис салом деб ёзилган. /Қаранг 51 бет/

ўтган нубуват бўлиб, жиход/уруш/ билан машғул эди. Аксари жаҳонни ўзига тобеъ этган эди. Саъд боғлаб, яъжуж ва маъжужни йўлини боғлаб қўйди. Яъжуж ва маъжуж маноших ибн Ефас ўфиллари эдиларки, уларнинг ҳақида “шарҳи Ватан” қиссаси дарж қилгандир. Зулқарнайнинг асли номи Ҳармис, унинг фаолияти тарих китобларида унчалик назарга тушмаган.

Иброҳим алайҳис салом зикри

Ҳазрат Иброҳим ибн Озарнинг зикри юқорида хикоя қилинди. Намруд ибн Канъон ибн Куш ибн И. 1 ибн Сом ибн Нух алайҳис саломки, Иброҳим алайҳис салом вақтида яшар эди ва у худолик даъвосини қилган эди. “Китоби ал ахбор ал замон” нинг соҳиби Иброҳим алайҳис аломнинг муборак ёшлари бир юзу тўксан беш йил деб ёзилади. Ё ҳазрат ўзининг саксан ёшларида ўзларини хатна қилдилар. Бошнинг сочини, мўйлабни тарошларини, мисвок/тиш ювиш/ қўлтиқ жунларини олишни, тирноқ олишни ва сувга истижо қилиш Иброҳим алайҳис саломнинг суннатларида бўлиб ҳисобланади. Исмоил алайҳис саломнинг умрини муддати бир юз ўттиз етти йилдир. У Иброҳим алайҳис саломнинг ўфилларидир.

Айёс ва Якуб алайҳис салом зикрлари

Хофизи Аbru тарихида келтириладики, Айёс ва Якуб ибн исҳоқ алайҳис саломлар ҳар иккиси бир қориндан турилган эдилар, яъни эгизак бўлганлар. Якуб алайҳис салом садоқат кўрсатиб падари бузурқворининг пайғамбарлик бобидан дуосини олган эди. Айтадилар, етмиш минг киши ҳазрати Якубни зиёрат қилиб, имон келтирган ва Айёс ҳақида дуо қилдиларки, номдор подшолар ва яхши одамлар унинг авлодидан чиқсин деб. Айюб алайҳис саломдан ташқари Айёс авлодидан бошқа пайғамбар чиқмади.

Хикоя қиладиларки, Якуб алайҳис салом отасининг вафотидан кейин ўз биродари Айёсдан қўрқиб, Канъонд вилоятидан билдирмасдан кечқурун Шомга қараб равона

бўлдилар. Кечқурунлари сайр қилиб, кундузлар ёширинар эдилар. Шунинг учун яна Исроилга қайтди. Алқисса Шомга бориб ўн саккиз йил муддатида чўпонлик қилдилар. Ўзининг хўжайинининг икки қизини ўз никоҳига олди. У қизларнинг икки қанизаклари бор эди, уларни ҳам ўз аҳдига киргизди. Ўз хўжайини қизларидан олти ўғил дунёга келди. Ўн олти йилдан кейин ўзининг тўрт завжаси ва ўн икки ўғли ва жуда молу-мавоши билан Канъонга келди. Худойи таоло унга пайғамбарлик ато қилди. Эллик йил халқни даъват қилди.

Азиз Мисри замонида унинг ўғли Юсуф алайҳис салом билан ўн етти йил, бошқа қавлга йигирма тўрт йил Мисрда истиқомат қилиб, бир юзу қирқ етти йил умр кўриб Юсуф алайҳис саломни ўз авлодига валиаҳд қилиб. Мисрда вафот этди. Унинг васиятига биноан муборак жасадини Байтул Муқаддасга элтиб, ўзининг падари бузурқвори ёнида дафн қилдилар. Айёски унинг бародари эди, ўша куни Румда вафот этди, бир кунда унинг жасадини ҳам Байтул муқаддасга келтирдилар. Айёснинг Рум деган ўғли бўлиб, Исмоил алайҳис саломнинг қизидан туғилган эди.

Юсуф алайҳис саломнинг зикри

Каломи мажидга баён қилинган бўлиб, тарих китобларнинг қарийб ҳаммасидан унинг қиссалари равшан қилиб ёзилгандир.

Юсуф алайҳис саломнинг Иртихол/вафоти/ зикри

Малик Райён ибн Волид Мисрнинг подшоси Ислом миллати ва динида бўлиб, Иброҳим алайҳи салом қавмидан эди. Унинг вафотидан кейин унинг ўрнига бани Амомиш қавмидан кофир фожир Кобус ибн Масҳаб подшо бўлди. Юсуф уни ислом динига қанчалик даъват қилса ҳам , фойда бермади ва Юсуф алайҳис салом бир юз йигирма ёшида жажонни падруд қилди/яъни вафот этди/ Унинг васиятига мувофиқ унинг жасадини Нил дарёсининг

остида дафн қилдилар. Мусо алайҳис салом Юсуф алайҳис саломни жасадини дарё остидан олиб, байтул Муқаддасга олиб бориб дафн қилди.

Халиб ал анбиё Шис алайҳис салом зикри

Иброҳим ё Солиҳ алайҳимо салом авлодидан. Онаси Лут алайҳис салом авлодидан эди. Мадина қавмига эллик саккиз йил даъват этди. Икки юз йил умр кўриб мадфун/вафот/ этди. Унинг муборак жасади кўмилган жойни баъзилар Шом вилотида деб атасалар, бошқаларнинг қавлига биноан унинг қабри Рокин марказидаги ҳарам шарифда муқимдир деб айтадилар. Валлоху аълам.

Мусо алайҳис салом зикри

Мусо алайҳис салом ибн Имрон Якуб алайҳис салом авлодидандир. Мусо алайҳис салом туғилганидан кейин унинг онаси Фиръвандан кўркиб, бир сандиққа солиб дарёга ташлайди. У сандиқ сув билан Фиръавн боғига бориб, Фиръавннинг хотини Ойша розиёллоху анҳонинг қўлига тушади. Йигирма беш йил муддатида фиръавн уйида тарбият топди, кейин Мадинага борди. Ўн йил Шуайб алайҳис саломнинг хизматини қилиб, унинг Сазура исмли қизини хотинликка олди, яна Мисрга равона бўлди. Йўлда ҳазрат Раб ал Иззат унга пайғамбарлик ато қилди. Унинг Асосини аждаҳо қилиб, фаровонликни маъмур қилиб, Тавротни ато қилди. Мусо алайҳис салом неча йил муддатида фиръавнни даъват қилдилар. Лаин қабул қилмасдан, ниҳоят Нил дарёси сувига фарқ бўлиб, дўзах йўлини тутди. Қисса ва саир китобларида ёзиладики Ҳазрат Мусо алайҳис салом бир юз йигирма ёшларида Юшаъ ибн нун алайҳис саломни ўзларининг валиаҳди қилиб, иртиҳол/риҳлат қилиш, вафот этиш/ қилдилар. Унинг қабрининг жойи маълум эмас. Худойи таоло яхшироқ билади.

1 Юшаъ ибн нун зикри

Айтадиларки Юшаъ алайҳис салом бир қанча уруш амри билан маъмур эди. Лашкар олиб Шом вилоятига бориб Шомни амолиқ² лардан тозалади. То Мағриб мамлакатларигача бориб ўттиз бир бутпараст подшоларни қатл қилди. Кўп вилоятларни маскан қилди. Бир юзу йигирма етти ёшида оламни падруд қилди.

Келлуб алайҳис саломнинг зикри

Келлуб алайҳис салом мурсал пайғамбар бўлиб, у ҳам Юшаъ каби кофирлар билан жуда кўп жиҳодлар билан машғул бўлган. Умрини охириги йилларида халифаликни ўз ўғли Юсакусга бериб, жаҳонни падруд қилди. Унинг фаолияти бўйича таворих китобларида зикр қилмаганлар. Юсакус даврида Хиркул алайҳис салом бани исроилнинг мурсал пайғамбари эди. Унинг муборак қабри Халаб ва Куфа мобайнидадир

Илёс алайҳис салом зикри

Бани исроилда нубуват/пайғамбар/ бўлди. Мурсал кабир пайғамбарлардан Хорун алайҳис саломнинг авлодидан эди. Ўша вақтларда Баълабакка вилоятида Ажаб деган киши подшолик қилар эди. Баъл номли бутни ясатиб, ўшанга сажда қилар эди. Унинг бутпарастлик даъватига кўпчилик маъмур бўлдилар. Подшонинг вазиридан ташқари ҳеч ким Илёс алайҳис саломга имон келтирмади. У подшонинг Арбил деган хотини бор эди. Арбил узок умр кўриб, етти марта эрга тегиб, етмиш ўғли

1. Юшаъ ибн Нун - Юсуф уругига мансуб, Мусо алайҳис саломнинг энг сеvimли шогирди, Мусо алайҳис салом даврида ҳам кўп урушларда қатнашиб, кофирлар устидан ғалаби қозонган киши.

2. Амолиқ - араблар гўруҳи бўлиб, қадим замондан улар фаластин сарҳида /территориясида/ истиқомат қилар эдилар. Кофир эдилар.

бор эди. У аёл баълабакка аҳлини бутпарастликка даъват этар эди. Илёс алайҳис салом даъватидан хабардор бўлган Арбил пайғамбари бузуркворни халок қилиш пайига тушди. Илёс алайҳис салом унинг хавфидан етти йил муддатда форнинг ичига кириб пинхон бўлдилар, у ерда ибодат қилар эдилар. Ундан кейин фордан чиқиб, дунёни кезиш билан машғул бўлдилар. Худойи таоллодан ваҳий келдики оламнинг баракати сенинг вужудингга боғлиқ. Илоҳи фармони билан Илёс ал Ясаъни ўзининг халифаси қилиб, бани Исроил ва Яхудга бориб, у ерда бир от пайдо бўлди. Унга миниб назардан ғойиб бўлди.

Айтсинларки, қиёмат замониғача Илёс ва Хизр алайҳимс салом тирик бўлсинлар. Ундан кейин ал Ясаъ алайҳис салом Бани исроил тобе ҳадларига даъват билан машғул бўлди.

Ишмуил алайҳис саломнинг зикри

Унинг вақтида Бани исроил заиф ва футун/хароба/ ҳолатда эди. Амолиқа вақт топиб, бани Исроилдаги тобути сокинни¹ ва тўрт юз нафар пайғамбарзодаларни Бани Исроилдан ўзининг диёрига олиб боради. Бани исроилга жизия солиғи солди. Бани Исроилда подшо йўқ эди. Салтанат соҳиби бўладиган шахс бани исроил халқи орасида йўқ эди. Ишмуил алайҳис саломдан талаб қилдиларки, амирлик салтанатига бирор кишини таклиф қилсин. Ҳукуматга ибн Яқуб алайҳи салом ёки Яхудо

1. Тобут сокина - Мусо алайҳис саломнинг қолган умри охир бўлди. Эрея муножот қилди, Изаё, Бани Исроилга бирор нарса каромат қилгин ва мендан сўнг уларга ҳужжат ва нусрат бўлени. Изаан аза ва жалла ёрлиқ қилди “Эй мусо айтгил бир тобут қилсинлар, у тобутга Тур тоғидан олиб келган тошининг, асоғини ва Ҳоруннинг аммо масини/салласини/ унинг ичига қўсинлар”. Бани Исроил олтин ва қумуш йиғиб бу тобутни ясадилар. Ичига Мусонинг асосини, тошни ва Ҳоруннинг аммомасини қўйдилар. Агар душман келса, у тобутни шаҳардан чиқариб қўяр эдилар, дуо қилсалар, ёғилар қайтиб кетар эдилар. Бу тобут ялавоч олимлари қўлида эди. Юқорида кўрганмишдек, Амолиққа кофир бу тобутни ялавоч олимлар билан бирга ўз шаҳрига олиб боради. Аллоҳ таоло уларни касалликка мубтало қилади. Тобутни яна Бани исроилга қайтариллади.

авлодларидан бирор кишини қўйишни таклиф қилдилар. Бани исроил аҳли буларни қабул қилмади. Ишмуил дуо қилди, Аллоҳ таоло уждах/жаннат/дан қамиш юборди. Ишмуил ўша қамиш узунлигида, уларнинг қўлига бир таёқ берди, кимни бўйи бу ёғочга баробар бўлса, олиб келинг. Толут сигир боқар эди. Ушанинг бўйига бу ёғоч узунлиги тўғри келди. Толут ибн Ямин авлодидан эди.

Самовий ҳукми билан уни Ишмуил салтанатга лойиқ деб билди. Бани исроил уни қабул қилмадилар, бизлар уни салтанатга сазовор киши деб билмаймиз. Ишмуил алайҳис салом айтди: Бори таолло одил ҳокимдир, кимни хоҳласа мамлакатни идора қилишни унга беради. Ўзининг асосини бердилар, асо Толутнинг қадига рост келди. Уни подшо қилиб кўтардилар. Толут Жалутга қарши етмиш икки минг лашкар билан жангга кетди. Йўлда сув бор эди, Толут айтдики, Аллоҳ таоллонинг фармони борки, ҳеч ким бу сувдан ичмаслиги керак, ичган киши ҳалок бўлади. У лашкар сув лабига боргач беихтиёр ўзларини сувга урдилар, Толут гапига қулоқ солмай сувдан ичдилар. Етмиш икки минг лашкардан уч юз ўн уч лашкар билан жангга саф тортди. Жолутнинг юз минг лашкари бор эди. Жолут ор қилиб ўз қўшинларини саф торттирмади. Толут айтдики, унга/Жолудга/ жавоб берса/яъни уни енгса/ ўшангга қизимни бериб, подшоликка шарик/шерик/ қиламан. Ҳеч ким журъат қила олмади, улар орасида Ишоъ отлик бир одам бор эди, яхуда авлодидан, унинг ўн уч ўғли бор эди, ҳаммадан кичиги Довуд деб атар эдилар.

Отасининг посбонлигини қилар эди. Унинг қўлида фарахмон бор эди. Ишмуил алайҳис салом башорати билан Аллоҳ амри билан Довудни Шабондан келтирдилар. У майдонга кирди. Жолутни йўлини тўсди. Фалахмонга тошни солиб бошидан айлантириб душманга қараб отди. У тош уч тақсим бўлиб, унинг бир қисми Жолут пешонасига тегиб, Жолут отдан йиқилиб тушди. Дўзах маконига жонини топширди. Икки бошқа тош Жолут аскарлари ўртасига тушди, отлик лашкарларни кўнчилишини ҳалок қилди. Жолуд лашкари енгилиб, тамоми амвол ва хазиналари Толут қўлига ўтди. Толут катта галаба ва тантана билан ўз юртига қайтиб, ўз қизини Довуд никоҳига киргизди.

Аммо Толутнинг фитна ангизи кўп ривож топди,

улар ҳақида ўроқни/яъни муаллифни/ гапиришига тоқати йўқдир.

ДОВУД АЛАЙХИС САЛОМНИНГ ХАЛИФАТ ВА САЛТАНАТИНИНГ ЗИКРИ

Юқорида айтиб ўтганимиздек юз йиллик умр кўриб жаҳонни тарк этди. Унинг тобутини қирк минг номдор курашчилар кўтарган . Унинг таъзиясига қатнашган кишилар сонини Худодан ташқари ҳеч ким билмас эди.

Сулаймон ибн Довуд алайхис саломнинг зикри

Байтул муқаддасни қандай қурганлиги ҳақида юқорида зикр этилди. Уни такрорлашни ҳожати йўқлигини қалам ҳам лозим билмади.

Луқмон Ҳаким зикри

Тарих аҳли айтадиларки, Луқмон Тўба вилоятидан, бошқалар айтадиларки Луқмон Жасдан бўлиб, уни қул қилиб сотган эдиларки, узоқ муддатда ўзининг хўжасининг бутун ишларини қилар эди. Бир куни хўжаси айтдики қўйни бўғизлаб, унинг яхши жойидан олиб кел! Луқмон юрак ва тилини олиб келди. Иккинчи куни хўжаси қўйни сўйиб, унинг энг ёмон жойидан олиб кел! деди. Луқмон яна юрак ва тилини олиб келди. Хўжаси ундан сўради. У жавоб бердики, ҳар вақт юрак ва тил амал ва қавлда пок бўлса хирадмандлар уни энг яхши аъзо ҳисоблайдилар. Валло амал ва қавлда нопоклик бўлса, уни баттарин/энг ёмон/ аъзо деб ҳисоблайдилар. Хўжаси уни дарҳол озод қилди.

Келтирадиларки Тоиф/тавоф қилиш/ куни фаришталар унинг /Луқмони ҳакимни/ уйига келиб айтдилар, бизларнинг сенинг парвардигорнинг томонидан юборилганмиз. Сени ерга халифа қилиб тайинлаб токи халқ орасида ҳукм қилсанг. Луқмон жавоб бердики агар

хазрат Ҳақ субҳона таоло амр қилган бўлса, итоатдан бошқа чорам йўқ, агар бу амрни ихтиёри қилса, мен қабул қилмас эдим. Фаришталар сўрадиларки нима учун ҳукумат мансабига хоҳишинг йўқ? Жавоб бердики, риёсат/раислик, ҳукмронлик/ мушқил/саъб/ ишдир, ҳоким маърузада қиссахон эмас. Агар ҳоким халқни талабини ҳақ қилмаса охиратда маҳзул /хор-зор/ бўлади, ва агар ростлик тўғрилиқни мароид/хусумат/ қилса, дунёда мағбун/фиреб/ ейди. Ҳар ким дунёда ҳақир/бе қадр/ ва орзусиз бўлса қиёматда муҳиби шариф/дўсти муқаддас яъни худо/дан кўрқсин, ҳар ким бу жаҳонни у жаҳонга ихтиёр қилса, охиратда шармсор бўлсин. Унинг сўзлари фаришталарга маъқул тушиб, самоватга ҳам мақбул тушди. Баъзи тарихда Лукмони мурсал анбиё деб ҳисоблайдилар. Унинг қабри рум ва байтул муқаддас орасидадир.

Юнус алайҳис салом зикри

У хазрат машҳур анбиёлардан эди. Арабистон жазирасидан Нинва шаҳрида пайғамбар бўлди. У қавмни қанчалик динга даъват этди, ҳеч фойда бермади, балки у пайғамбарни шаҳардан ҳайдаб чиқардилар. Юнус айтди, агар имон келтирмасангизлар уч кундан кейин сизларга азоб келади. Шундай деб Нинва шаҳридан чиқиб, тоғ томонига кетди. Уч кундан кейин қавмга касаллик тарқалди. Бу азобни мушоҳада қилиб Юнусни топиш тараддудига киришдиларки, у бу дардибедавога бирор даво топсин деб. Аммо уни тополмадилар. Ниҳоят ҳамма шаҳардан ташқари бир тепалик устига чиқдилар ва фарёди -фиғон қилиб бу азобни даф қилишни парвардигори оламдан сўрадилар ва саллаллоҳу алайҳис саломни топсалар унга имон келтиришни аҳд қилдилар. Уларнинг сухани сидқи бўлгани учун Аллоҳ таоло улардан ғазабни олиб ташлади.

Ровийлар хикоя қиладиларки. Юнус алайҳис салом ўзининг ўриллари билан дарё лабига келиб эдики, қатта ўғлини бўри тоққа олиб қочди. Киштига минаётган паитида, кичик ўғли дарёга ғарк бўлди, Юнус алайҳис салом ўғлини қутқариш учун кема устидан сувга ташлабди, уни наҳанг балиқ ютиб юборди. У тавба ва

ибодатга машғул бўлиб, қирк кеча кундуз Фанадан зулматиан “Ло илоҳа илла анта субҳонака инний кунту миназ золимин” деб Юнус бу калимани баланд овоз билан такрор қилар эди. Қирк кундан кейин аллоҳ таоло фармони билан у балиқ Юнус алайҳис саломни дарёнинг лабига келтириб қўйди. Худойи таоло қовоқ дарахтини бино қилди, бир неча кун унинг соясида Юнус алайҳис салом дам олиб ўзининг илгариги холига келди. У ердан Нинва шаҳрига келганда, ҳамма унинг истикболига чикдилар. Эъзоз ва ҳурмат билан шаҳарга олиб келдилар ва имон келтирдилар. Ўғилларики, уларни бирини бўри олиб кетган эди, иккинчиси дарёга фарқ бўлган эди, соғу саломат ўз оталари олдига келдилар. Мусо алайҳис саломнинг диний ва шарият масалаларини ўргандилар. Ундан кейин жаҳон сабрига чиқиб, Шаъбо алайҳис саломни халифа қилиб, вафот этди. Бани Исроилда “анбикийи мурсалда” дафн қилинди. Закаръё ва Яҳё алайҳис салом пайғамбар /нубуват/ бўлиб, Бани Исроилни даъват қилишда маъмур эдилар.

Исо алайҳис саломнинг зикри юқорида келтирилди.

ПЕШДОИЁН ТАБАКАСИНИНГ ЗИКРИ ХАКИДА ГУФТОР /КИССА/

Уларнинг аввали Абу ал Малук Каюмарс ибн Сом ибн Нуҳ алайҳис салом бўлиб, одил ва зол подшо эди. Каюмарс кўп йиллар давомида девларга қарши урушлар олиб борди. Балх ва Изтаҳри форси шаҳарларини бино қилди. Худованди олам унга ўғил ато қилди. Унга Сиёмак деб ном қўйди. Камолга етгандан кейин уни валиаҳд қилиб, тахтга ўтказди. Ўзи ибодатга машғул бўлди. Сиёмак Ифрит билан жанг олиб бориш иштиёқида эди. Бир кун ухлаб ётган эдики, дев келиб тош билан уриб уни бошини мажақлади. Каюмарс эшитиб ибодатгоҳдан чиқиб тахтга ўтириб, Лашка; жам қилиб девларга қарши мухораба қилиб ўрлининг қотилини қатл қилди. Айтдиларки, Сиёмақдан бир ўғил туғилиб, унинг номини Хушанг деб

1. Бу Калимани маъносини - Оллоҳ сендан ўзга тангри йўқ. Ёруглик сенга турур, мен узимга зулм қилдим.

атаган эдилар. Ажам тарихида ёзилган эдики,/мастур астки/ жундан ип қилиш ва тўқиш/кийим тўқиш/, сувори отларга эгар ва лажом қилиш Каюмарснинг кашфиётидир. Минг йил умр кўриб вафот этди.

Хушанг подшолигининг зикри

Каюмарс невараси бўлиб, кўп одил, инсофли ва яхши сифатларга эга эди. Темирни тошдан ажратиб, қурол-аслаҳа ясади. Тулки ва самур/тулкига ўхшаган ҳайвон/ териси /қизил ва қора тобланади/ дан чопон, чакмон тикди, итларни овга ўргатди. Қирқ йил подшолик қилди. Ўзининг ўғли Тахмурасга тожу тахтни топшириб, ибодатга машғул бўлди. Сажадада эдики девлар фурсат топиб уни катл қилдилар. Хушанг дажлани қазиб сувни жорий қилди. Сус, Бобил, Кўфа шаҳарларини у бино қилган. Маъданлардан олтин ва кумуш/симу-зар/ни у пайдо қилган. Унинг ҳикматли сўзлари: Подшолик даврида мағрур бўлма, фурбатга чалинасан, тавонгирлик/давлатмандлик/ қаноатдадир. Саломатлик камсукумликдадир, сидк/ростгўйлик ва росткорлик/ икки қўл тамъадан узок бўлиши керак. Дунёда тўрт нарсанинг ёмондир:

1. Бенаволик;
2. Қарздорлик эса фурбатни келтиради;
3. Беморлик;
4. Фосиклардан қутулишнинг бирдан бир йўли улардан узоклашишдир.

Тахмурас Девбана подшолиги

Тахмурас ибн одил ва додга етувчи эди. Қундуз, Табаристон, Амал, Исфихон, Марв ва Мадоин¹шаҳарларини бино қилди. Ўттиз йил подшолик қилиб охиратга сафар қилди.

1.Мадоин (Ктесифон) Сожонийлар давлатининг Дажла дарёси(Тигр) бўйидаги пойтахт эди. Кейинроқ харобалари ўрнида Богдод шаҳри қурилган.

Жамшид ибн Тахмурас подшолиги зикри

Жамшид салтанат тахтига ўтиргандан кейин одиллик йўлини тутди. Қўл остидаги раиятлар фароғатда яшадилар. Ўз вазирларига раиятга шафқат қилишни талаб қилди. Унинг ақли ва хусни сурати ҳаммадан юқори эди, форс аҳли айтсинлар бутун иқлимда ундай одил подшо бўлмаган. Инс ва Жин тоифа/тавоиф/ ларини ўзига тобеъ қилдирди. Худованди оламдан сўрадики ўлим/мавт/ мараз /касаллик/ ва харобалик/ҳадм/ ни халқ орасидан кўтарсин. Унинг дуоси мустажоб бўлди, уч юз йил муддатида ҳеч ким унинг мулкида, унинг қилган уч талабига мубтало бўлмади. Тамоми вилоятларни боғу-чорбоғларга айлантирди. Наботни зарар ва фойдасини имтиҳон қилди. Темирдан шамшир ва ханжар жорий қилди. Шойидан кийим тикишни жорий қилди. Анбар ва хушбўй навларни у топди. Катта шаҳарлар бино қилди. Сочистон унинг пойтахти эди, у ердан пойтахтни форсга кўчирди. Ҳафрак саҳросида Ҳоло Шероз вилояти деб атайдилар, шаҳар бино қилдики, у шаҳарнинг кенглиги ўн икки фарсанг эди. У ерда қирқ миноралик қаср курди. Ҳоло ўша иморатнинг асарлари/қолдиқлари/ қолган. У иморатнинг тасвири “ашъёри ажам” китобида ёзилиб, унинг сурати чизилгандир. Жамшид ўз аркони давлати билан келиб, ўша жойни ўзининг пойтахтига айлантирган эди. Ўша кунни “замони анвари”/мунаввар, равшан замон/ деб атади. Ҳозир ҳам Ажам ва Марв ва Сирдарё бўйларида яшовчи халқлар наврўз томошасини ташкил этиб, ўша кунни байрам қиладиларки, бошқалар даҳл /мадохил/ қилмасинлар уларнинг ишларига яъни ҳуқуқи мадохил/даҳлсизлик ҳуқуқини/ беради. Биринчи жамоа уламо ва қалам арбоби, иккинчи қисм сипоҳ, учинчи арбоби зироат, тўртинчи ўрмончилар ва урофотлар аҳли.

Айтдиларки. Жамшиднинг тўрт нигини/узуғи/ бор эди. Жанг вақтида бармоғига қиладиган нигин/узук/ да ёзилган эдики, жангда шошилмаслик ва мадора қилиш, агар душман мадорага кўнмаса шижоат билан улар йўқ қилинади”. Иккинчи узук/ангуштарин, нигин/да мамлакат ободончилиги, раиятга ён босиш. Учинчи ангуштаринда

подшо ростлик ва тўғрилиқка амал қилиши, ёлғондан қочиши, ёлғон гапга ишонмаслиги керак. Тўртинчи ангуштаринда дўстларга зулм қилмасун деб ёзилган эди.

Келтирадиларки. Жамшид етти юз йил умр кўриб, уч юз йил салтанат тахтига ўтириб, унинг подшолиги даврида ҳеч ким касалликка гирифтор бўлмаган эди ва ҳеч ким ўлмаган эди, марг/ўлим/ ҳамманинг хотиридан фаромуш бўлган эди. Унинг умрини охирида шайтон уни фиреб бериб унинг ўрнига гувоҳлик берди. Жамшид малъуннинг гапига кириб, тўғри йўлдан узоқлашди. Ўз аждодига ихтилоф қилиб гумроҳ бўлди. Парвардигори олам Заҳхоки Тозини уни ўрнига лозим кўрди. Жамшид ундан қочиб номи-нишонсиз йўқолди.

Заҳхоки Този подшолиги зикри

Хофизи Абрў тарихида келтирадики. Заҳхоки Този Жамшиднинг синглизининг ўғли/хоҳарзода/эди. Жамшид синглизини араб молукларидан бири Явил Мардос ўз аҳдига қиритган эди. Келтирадиларки, Заҳхоқнинг отаси Мардос исмли киши бўлиб, хамир арабларидан эди. У одам худопараст ва покиза кишилардан эди. Заҳхоқ ёшлигидан саҳрога иштиёқманд эди, отаси унинг ишини ман қилиб, фойдали ишларни қилишга ундар эди. Аммо ўз отасини насихатларига қулоқ солмасдан саҳрода лашкар тўплаб, мамлакатни Жамшид қўлидан олишга муваффақ бўлади.

Айтадиларки. Заҳхоқ золим. Бераҳм подшо эди. У саффоқ/хунрез, хунхўр/, дуруштгўй/бадмуомала/ киши бўлиб, ҳеч кимга раҳм қилмас эди. Иродасиз, бахил ва ҳирсга берилган эди. Унинг табиати наҳсиёт/наҳс ишлар/га мойил эди. Янги қонунлар чиқариб/ қонуни мўҳдас/шаръи ишлардан юз ўгирди. Миллат аҳкоми ва адли, инсон ҳуқуқларини поймол қилиб/дар пасу-пеш андохта/ тафтишу-тергов/мутолобат/ ни кучайтирди. Кишиларнинг мол-мулкани зўрлик билан мусодара қилиб, одамларни ноҳақ жазолаш, итоб қилиш/муоҳозат/ унинг асосий шиори бўлган эди. Етти юз йил муддатида кишиларни симузар/олтин-кумуш/ ва бошқа қимматбаҳо нарсаларни зўрлик билан ола бошлайди. Заҳхоқ худонинг ғазабига учраб, икки кифти яра бўлиб, яралар қилиб, икки кифти

орасидан икки илон ўсиб чиқади. Масут китобларда унинг қиссаси ҳақида баён қилинган. Табиб либосини/қисвоти аттиба/ кийган шайтон илонларга одамнинг миясини едиришни буюради. Ҳар куни икки одамни ўлдириб, уларни миялари билан илонларни боқар эдилар. Шу аҳволда уч юз йил ўтди. Ҳатто Кова Оҳангарнинг икки ўғлини ўлдириб, уларни мияларини илонларга едирди. Унинг бир ўғли қолган эди. Уни ҳам ўлдириб унинг миясини илонларга едирмокчи эди. Кова Оҳангар оҳангарлик чармин пешдомини/кундан тикилган пешбанди/ ни ёғоч бошига илиб одамларни Заҳокка қарши урушга даъват қилди. Бутун халқ оёққа туриб, Заҳокнинг ўрдасига бостириб кириб, уни ўғлини озод қилдилар. Фаридунни Дом тоғидан олиб келиб, Заҳокни тахтдан тушириб, уни подшо қилиб кўтардилар. Заҳокни подшолик муддати бир минг йил эди. “Тарихи марвоч ал Заҳоб” асарда ёзилишича қамчи билан жазолаш/тозиёна задан/ ўз бародари ва фарзандларини ўлдириш ва машъала қилиш Заҳокдан қолган энг қабих одатлар бўлиб ҳисобланади.

Фариддун подшолиги зикри

Фаридун Фарох Аткиён ибн Жамшиднинг ўғли ўзининг ақл ва фаросати жиҳатидан ўтган ҳукмдорлардан фарқ қилар эди /мумтоз буд/. Кова Оҳангарни сипоҳсолар қилиб, Румга юборади. Қаршсифки, Жамшид авлодидан, Зариманинг ўғли эди. Туркистонни номзоди/ҳокими/ қилиб тайинланди. Кова Оҳангар йигирма йил лашкар ҳамролигида жанглар олиб бориб юриш қилган, бутун жойларни истело қилади. Кова Оҳангар чармдан қилинган пешдоманини ёғоч учига илиб ўз лашкарининг байроғига айлантирган эдики, шу байроқ/туғ/ билан ҳамма вақт урушларда ғолиб чиқар эди. Ироқ, Ойлот, Исфиҳон ва Азорбойжон ҳукуматлари таслим бўлиб, унинг номи билан ўз мамлакатларини зийнат бердилар.

Айтадиларки. Фаридун Заҳокнинг қизини ўз никоҳига киргизиб, шу хотиндан Тур ва Салм номли икки ўғил таваллуд топган эди. Заҳокни ёмон одатлари , айниқса ҳасад уларнинг фаолиятига юққан эди.

Фаридуннинг учинчи ўғли Эраж ибн Фаридун Эронли духтар/қиз/ дан тавалуд бўлган эди. У қизга Фаридун уйланиб, унинг бу хотини фаросатли, ақлли эди. Ундан таваллуд бўлган Эраж ҳам шундай эди. Фаридун дунё юзини ўз ўғилларига тақсимлаб беради. Рум вилояти ва Мағриб, Фаранг мамлакатини Салмга беради. Чин-мочин ва Туркистонни ҳаммасини Турга беради. Эрон ерлари бўлган Фрот қирғонидан то Жайхун дарё сохиларигача бўлган жойларни-бу ерлар ўша асрнинг энг яхши мавзуи ҳисобланар эди. Бу вилоятлардан Эрожга берган эди. Каршасп Фаридун илтимоси билан Машрикдан Мағрибгача ҳамма вилоятларни забт қилиб келади. Бир неча вақт ўтгандан кейин Салм ва Тур ҳасад йўли билан Эражни отасига ёмонладилар ва уни ўлдиришга тайёргарлик кўра бошладилар. Ниҳоят уни ўлдириб, бошини отасига юбордилар. Фаридун кўп паришон бўлиб, Манучехрки, Эражнинг қизидан бўлган ўғил эди, уни валиаҳд қилиб, катта лашкарга икки номдор лашкар боши бўлган Қоран ибн Кова Оҳангарон ва Заримон ибн Гуршаспни Салм ва Турга қарши жангга юборди. Улар Салм ва Турнинг лашкарларини тор-мор қилиб, ҳар иккаласини яъни Эражнинг қотили бўлган Салм ва Турни қатл қилиб, уларнинг бошини Фаридунга юбордилар. Фаридун беш юз йил муддатида салтанат қилиб, тахту-тожни Манучехрга бериб, ўзи дунёдан ўтгунча ибодат гўшасини олди.

Манучехр подшолиги зикри

Баъзи тарихларда Манучехр Эражнинг ўғли деб , бошқалари эса Эражнинг қизининг ўғли/набирайидухтарзодаи Эраж/ деб атаганлар. Салм ва Тур воқеасидан кейин Яман ва Арабистонга лашкар юбориб, у ерларни ўз тасарруфига ўтказди. Бир юз йигирма йил подшолик қилиб, унинг замонида жабр-зулмдан нишона қолмади. Подшолигининг аввалида мажлис ташкил қилиб, ҳаммани йиғиб мамлакатнинг аҳволи, лашкар ва сипохийлар ҳақида халқнинг фикрини олар эди. Подшоларнинг энг яхшиси ўзининг раиятига хизмат қилиб, унинг раиясидан хабардор

бўлиши, уларнинг ҳуқуқларини поймол қилмаслик, уларнинг яхши яшашини ўзига фарз қилиб олиш керак, деб айтар эди. Сипоҳиларнинг ҳуқуқи шундаки, улар подшога итоаткор бўлиб, подшо душманларига қарши жанг қилсун. Сипоҳларнинг қандай маслаҳати бўлса подшо ёки кенгашга маъруза қилсин. Подшо ҳам сипоҳларга яхши қарашсин. Уларнинг майшатини яхшиласин. Подшо зироат ва аморатни ривожлантириш учун аҳамият бериши керак. Подшога раиятнинг ҳақи будирки, уларнинг арзудодига етсин. Вожиб бўлган хирожни раиятдан кўп олмасин. Подшо уч хислатга риоя қилсин: аввал, унинг ҳар бир сўзи рост бўлсин. Иккинчи, саховатпеша бўлиши керак, бахилликдан қочсин. Учинчи, подшонинг асосий шиори ҳалимлик бўлсин, хашмни ўздан узоқлаштирсин.

Саҳоба Марвож ал Заҳоб айтганки, Жайхун наҳри, холо Амударё деб атайдилар, Фаридун ўша ерда қаср бино қилган бўлса, Манучеҳр фрот Шаҳри яқинида ҳисор бино қилиб, Фрот дарёсининг сувини Ирокгача олиб борган эди. Манучеҳр ҳаёт даврида ўзининг ўғли Нузарни валиаҳд қилиб, кейин вафот этди. Манучеҳрнинг қабри Мадоин ва Миср орасида эди. Юшъа алайҳис салом ўзининг охирги салтанати даврида Манучеҳр жасадини Бани Исроил биносига олиб келиб, дафн қилганлар

Нузар бини Манучеҳр подшолиги зикри

Нузар ибн Манучеҳр ибн Эраж ибн Фаридун ўзининг подшолик замонида Эрон, Битик вилоятларини забт қилди. Афросиёб буни эшитиб, кўп лашкар олиб, Турондан Эронга бориб, Нузарни қатл қилиб, Эрон сардорларини ўлдириб, қолганларини зиндонга ташлаб, Эронни ўз биродари Афраросга топширади. Шундай қилиб Афросиёб Эронни босиб олади. Нузарнинг подшолик мuddати етти йил эди.

Афросиёб подшолигининг зикри

Афросиёб Турк ибн хушанг ибн Тур, ибн Фаридун, отаси вафотидан кейин Турон тахтига ўтирди. Эрон ҳам унга қарам эди. Эронийларга кинаси борлиги учун кундан-

кунга зулми кучайтирди ва эронийларга жабр бедодликни авж олдирди. Зол Зар ибн Сом Забистонда подшо эди. Қоран Кова ва Кашвод деган икки номдор паҳлавон Золнинг хизматида эдилар. Афросиёбнинг ҳамма бедодликларини эшитиб, Кашводни катта лашкар билан Эрон ва Туркистонга юбориб, Эрон сардорларини тутқинликдан халос қилади ва келтириб Зоб ибн Таҳмосб ибн Манучехрни Сайистон тахтига ўтқазиб кўп лашкар тўшлаб Эронга келтирди. Етти ой муддатида Афросиёб билан жанг қилиб, охир сулҳ қилишга қарор топдики, Афросиёб Туронга бориб, Эрони турк лашкаридан холи қилди. Афросиёб Эрон сардорларини озод қилишда ўз биродари Афреросдан гумон қилиб, бечорани зиндонга ташлаб, кейин қатл қилди. Зоб ибн Таҳмосб беш йил муддатда подшолик қилиб ўтди “Мубаҳим тарихи” китобида ёзилишича Зобнинг подшолигидан кейин Гаршосб яъни унинг бародари тўққиз йил муддатда подшолик қилиб оламдан ўтди. Аксар тарихларда ёзилганки, Пешдодиён сулоласи Гаршосб подшолиги билан охир бўлди. Пешдодиён табақаси ўн нафар эдилар, уларнинг салтанат муддати икки минг тўрт юз қирқ бир йил эди. Улардан кейин Кайхонийлар табақаси /сулоласи/ ки улар ўн тўққиз нафар эдилар, улардан биринчиси Кайқобот эди.

Кайқибот салтанатининг зикри

Кайқибот Нўзар ибн Манучехр авлодидандир. Зоб ва Гаршосбдан сўнг шоҳлик тахтига ўтирди. Адл ва саховат камолида маъмур эди. Рустиами Достонни сипоҳсолор қилиб тайинлайди. Афросиёбни макр ва киналарини йўқ қилиш мақсадида ката лашкар билан Афросиёб жангига бориб, уни енгиб турклар билан сулҳ тузди. Рекистонга борди. Кайқобот юз йил муддатида подшолик қилиб Ҳазрат Илёс, Яҳё ва Исмоил, Хирқил алайҳима салом унинг вақтида пайгамбар эдилар.

Кайковус ибн Кайқибот салтанатининг зикри

Кайковус Мозандарон тарафига лашкар тортиб, мағлубиятга учраб асирга тушади. Рустам бориб уни

банддан холос қилди. Бошқа вақтда Яман шохини қизи Судобани хусни жамолини эшитиб ғойибона унга ошиқ бўлади. У ерга лашкар тортиб, Яман подшосининг қўлига асирга тушади ва уни зиндон қиладилар. Рустам солор бориб уни озод қилиб, Судобани уни ақдига киргизиб Эронга олиб келади. Кайковуснинг ўғли бор эди, уни Сиёвуш деб атар эдилар. Судоба Сиёвушга ошиқ бўлади. Сиёвуш у хотиннинг гапларига кулоқ солмайди ва рози бўлмайди. Судоба Сиёвушга тухмат қилди. Кайковус ўз ўғлидан хафа бўлиб, ёниб турган катта гулханга киришни таклиф қилди. Сиёвуш оловга кириб, саломат унинг бошқа тарафдан чиқади. Ўша пайтда хабар келдики, Афросиёб ўз лашкари билан Туркистон томонидан Балхга келиб, Эронга ҳужум қилмоқчи. Кайковус кўп лашкар тайёрлаб, Сиёвуш ҳамролигида Афросиёб қарши урушга юборди. Ҳар икки лашкар бир-бирларига муқобил бўлдилар, кўп жанглардан сўнг, сулҳ қилишга қарор қилдилар. Сиёвуш Судобанинг тухматида ва отасининг кирдикоридан хафа эди, яъни озурда хотир эди. Афросиёб олдига борди. Турклар шоҳи уни эъзоз ва ҳурмат қилиб, ўз қизи Фарангисни унга бериб, Сиёвушни ўзига қуёв қилди. Гарсеваз деган Афросиёбнинг бародари Сиёвушга душманлиги бор эди. Сиёвуш бир куни шикорга борган эди, Гарсеваз фурсат топиб, у вақтда Бухоро азим кўл эди, ўша ерга борди. Сиёвуш кўл ўртасидаги тепаликка ов қилаётган пайтида уни шаҳид қилди, ҳозир ўша тепалик Бухоронинг Аркидир. Бир қанча муддат Фарангис яъни Сиёвушнинг хотини ҳомила эди, ўғил турди. Афросиёб хохладики у чақалоқни ҳалок қилсин. Пирлар ва Афросиёбнинг вазири ман қилиб, чақалоқни ўз уйига олиб бориб тарбиялади. Уни Кайхисрав деб атади. Афросиёбдан қўрққанидан уни бир чўпонга берди. Сиёвушнинг ҳалокатининг хабари Эронга маълум бўлди. Рустам эшитиб Забистондан келиб, Кайковусни хотини Судобани ўлдириб, кўп лашкар олиб, Туронга келди. Афросиёб лашкари мағлуб бўлди. Кайхисравни топиб, онаси Фарангис билан бирга Эронга олиб келди. Кайковус Сиёвуш таъзиясидан сўнг тожу-тахтни Кайхисравга бериб, ўзи гўшанишин бўлди. Кайковуснинг подшолигини муддати бир юзу эллик йил эди. Баъзи тарихларда икки юз йил деб ёзилган. Аллоҳу аълам /Худо яхшироқ билади/.

КАЙХИСРАВ ИБН СИЁВУШ ИБН КАЙКОВУС ПОДШОЛИГИ.

Мамлакатни идора қилиш унинг қўлига ўтгандан сўнг раияти фақири, сипоҳ ва сардорларни жам қилиб, отасини хунини талаб қилиш учун кенгаш қилди. Ҳамма халқ бизларда шу орзу бор эди, деб жавоб бердилар. Кайхисрав сардорлардан бу сўзни эшитиб, Фариз ибн Кайкос ва Тус ибн Навзарни ўттиз минг лашкар билан юборди ва Рустам ҳам уларнинг орқасидан жўнади. Чин ҳакони ўзининг мўру-малаҳдек кўп лашкарлари билан Афросиёб мададига келди. Ҳар иккала лашкар Азим жанглари олиб бордилар. Афросиёб лашкарларидан юз минг киши бу жангда ҳалок бўлди. Чин ҳакони Рустам жанги билан гирифторм бўлди. Афросиёб қочди, охир уни қўлга тушириб, бародари Гарсеваз ҳамролигида қатл қилинди. Туронни Афросиёбдан пок қилдилар. Кайхисрав етти йил мобайнида подшолик қилиб, тожу-тахтни Луҳросбга топшириб, ҳаммани дуо қилиб, ғорга кириб ғойиб бўлди. Бошқа киши уни кўрмади. Айтдиларки, Ҳазрат Сулаймон у вақтида нубувват эдилар!

Луҳросбнинг подшолиги зикри. Кайковус бародарининг набираси, Дурушт хўй, кина Жўй, Кайхисравнинг ҳамма яхши ишларини аксини қилди. Зол ва Рустам унга итоат қилмадилар, бинобарин кудурат² унинг авлодига боқи қолди. Луҳросб Балхни пойтахт қилди. Подшолигини аввалида тахтини жавоҳир ва олтин билан безади. Чин ва Ҳиндистон подшолари унга итоат қилдилар. Раҳом ибн Говдарзарни уни Бахталзар деб

1. Кайхисрав билан Афросиёб жанглари икки йил давомида Бухоронинг Ромтин (ҳозирги Қўрғон Рометан) деган жойда бўлган. Ромтин Афросиёбнинг пойтахтларидан бири бўлиб, Кайхисрав отаси Сиёвушни хунини талаб қилиб, кўп лашкар билан Ромтинни қамал қилган. Уруш ўзоқ давом этгани учун, Кайхисрав Ромтиндан ўзоқ бўлмаган жойда Ромеш қалъасини кўриб, икки йилдан кейин Афросиёбни енгиб уни қатл қилади. Ромеш қишлоғи ҳозир ҳам шу ном билан аталади. Афросиёбнинг жасоди Бухоро шаҳридаги “Ҳоҷатбарор” қабристонига дафн қилинган. Бухороликлар Афросиёбни, Сиёвуш билан бирга Бухоро Арзини бўлбдори, Турк элини ҳоқони сифатида яқин вақтларгача уларнинг қабрини зиёрат қилганлар ва уларни авлиб деб билганлар. Аммо советлар империяси даврида бу қабр тамоман йўқ қилиб ташланган (Бу ҳақда тулиқроқ маълумот олиш учун қаранг: Нарзулло Нўздошев “Ҳоҷатбарор Нюм Ҳафиз Ибн Бухори. Бухоро, 1994. 31 бет. Яна Н. Нўздошев “Бухородаги айрим авлиёлар тарихи”. Бухоро - 1993, 11-18 бетлар).

2. Кудурат - ғам, андуҳ, хираллик, ҳафаллик, паринпохотқиллик, душманлик, адолат.

айтар эдилар, Ироқ ва Ажам вилоятларига номзод қилиб, айтди, Мағриб ва Арабистондан ҳар бир олган вилоятинг сеникидир. Бахталзар Мағриб диёридан кўп вилоятлари олиб, Байтул муқаддасни хароб қилиб, жами дуру-жавоҳир ва олтин кумушларни ўз вилоятига олиб келади. Айтадиларки, Луҳрасбни икки ўғли бор эди. Уларни Гаштосб ва Зарир деб атар эдилар. Гаштосб отасининг ёмон одатларидан хафа бўлиб, Румга бориб, аждаҳо ва шерни ўлдириб, Китаюн деган Кайсарнинг қизини олди. Бир неча вақт ўтгандан кейин ўзининг ёронлари (дўстлари) билан отасининг хизматига келди. Луҳросб бир юзу йигирма йил подшолик қилиб, Гаштосбни валиаҳд қилди. Луҳросб Ҳазрат Сулаймон алайҳис саломдан кўркиб, форс мамлакатини тарк қилиб, Балхни абадий ўзининг пойтахтига айлантирган эди.

Гаштосбни подшолик зикри. Гаштосб ибн Луҳросб подшо бўлгандан кейин аждодини динини тарк этиб, зардуштлиқ динига кирди. Оташпараст бўлди. Исфандиёр номли ўғли бор эди ки унинг баданида ҳеч харобакорлик йўқ эди. Уни ўзининг бутун вилоятларига юбордики, бутун вилоятларда оташкада бино қилиб, ҳамма халойиқ оташпарастлик динига кирсинлар. Ҳар ким бутпарастлик дини урф-одатларни қилса, ундай кишилар қатл қилиндилар. Гаштосб ўзининг ўғли Инфандиёрга ваъда қилган эдики ҳамма вилоятларни оташпараст қилиб, оташкада бино қилсанг, сени валиаҳд қилиб, подшоликни бераман. Исфандиёр бу ишни урдасидан чиқди. Отаси ваъдага вафо қилмасдан ўғлини етти йил хибс қилди. Аржоосб ибн Афросиёб Туркистондан кўп лашкарлар билан келиб, Балхни ва бошқа вилоятларни олди. Гаштосб қочиб Истихори форсига борди. Исфандиёрни хибсдан бўшатиб, урхоҳлик айтиб, Аржоосбнинг жангига юборди. Исфандиёр лашкар билан бориб вилоятларни Туронликлардан озод қилиб, Аржоосбни мағлуб қилиб келди. Гаштосб айтди, энди Забистонга бориб, Рустамни қўл-оёғини боғлаб асир қилиб олиб келасан, подшоликни сенга бераман. Исфандиёр Забистонга бориб Рустам билан кўп мунозара қилиб, охири жанг ва талошга оид бўлиб, Рустам кўрдики, Исфандиёрни жанг ва талош билан енгиб

бўлмайди. У Симурудан ўрганган таълимга амал қилиб, заҳарланган икки шохли тир билан унинг кўзига уради. Исфандиёрни ҳалок қилади. Отаси Исфандиёрни ўлимини эшитиб, фарзандини Рустам олдига юборганидан пушаймон бўлади.

Гаштосб бир юзу йигирма йил подшолик қилиб, тахту-тожни ўз невараси Бахман ибн Исфандиёрга беради.

Бахман ибн Исфандиёрнинг подшолик зикри.

Асли номи Ардашер бўлиб, ҳеч бир подшо унга ўхшаган донолик фазилатига эга эмас эди. Ғоят шафоатли ва мурувватли, марҳаматли киши эди. Ҳофизи Абру ёзадики, ҳар қаерга нома ёзса, у номанинг остига Ардашер деб имзо чекар эди, яъни у ўзининг худонинг хос бандаси деб атаб ҳар йили раиятларни кенгашга чақириб, тахтдан тушиб, одамларга айтар эдики, бир йил бўлдики, ман сизларга ҳукумат ва салтанат қилдим. Агар мени фармоним ва амалим бирор ишга нуқсон ўтган бўлса, сизлар менинг бирор ишимдан рози бўлмасангизлар, мен подшоликни тарк этаман, сизлар эса ўзларингиз хоҳлаган кишингизни подшо қилинглар. Ҳамма тўпланган халойиқ баланд овоз билан “Сенинг подшолигингга адолат ва марҳаматлар тўладир, бизлар сендан розимиз ва Шокир (миннатдор)миз”, деб айтар эдилар. У ўзининг вазирларига агар бирор ишни Аллоҳ розилигига хилоф равишда қилсам, бу ишимни манъ қилинглар, мени писандида ишларга тарғиб қилинглар деб ҳар вақт айтар эди. Кўпгина вилоятларни олганда, Бани Исроилдан кўп асирлар тушган эди. Уларни озод қилиб Байтул Муқаддасга юборган эди. Луҳросб авлодидан бўлган Кураш деган кишини Бобилга воли қилиб тайинланган эди. Курашнинг онаси Бани Исроил қизларидан эди. Унга тайинланган эдики Бани Исроилликлар ҳар кимни хоҳласалар ўша кишини ҳоким ва бошлиқ (саромад) қилгин. Кураш Бобилга келиб, улар хоҳлаган кишини бани Исроил волиси қилиб, уни қатта эъзозлар билан Байтул Муқаддасга юборди. Бахман олдига Букротис Ҳаким ва Букрат Ҳаким хизмат қилар эдилар.

Айтадиларки. Бахман бир юзу ўн икки йил подшолик қилиб, ўзининг қизи Ҳумойинни валиаҳд қилиб,

Ўз ўғли Сосонни салтанатдан маҳрум қилди.

Хумоий бинти Бахман подшолиги зикри. “Тузида тарихи”да унинг ҳақида ёритилганки Хумоий саккиз ой подшолиги даврида никоҳсиз ўғил туғди. Батмандан (отасидан) кўрқиб унинг яқинлари, подшоликдаги қимматбаҳо зарларни, Хумоийдан олиб, чақалоқни ва кўп жавоҳирларни сандиққа солиб дарёга оқиздилар. Бу сандуқ йилқичини кўлига тушиб, сандиқдан у чақалоқ ўғилни, кўп жавоҳирларни олиб, чақалоқни тарбияти билан машғул бўлди. Унга Доро деб ном берди. Мардумдан бу сирни яшинтирар эди. Хумоий ўттиз икки йил муддатда подшолик қилди. Йиқичи Дорони Хумоий хизматига берди. У ўзининг ўғлини таниб, подшоликни тожу-тахтини унга топшириб, подшоликни тарк қилди.

Доро подшолигининг зикри. Лоро ибн Хумоий, бинти Бахман ибн Исфандиёр Румга лашкар тортиб мақотилдан кейин Рум қайсари Файлакус эди, мағлуб бўлди. Файлакуснинг қизини ўз ақдига киргизиб, ўн минг бақия тилло Файлакусга хирож солиб, ўз вилоятига келди. Рум маликаси оғзидан нохуш хид келар эди, қайтариб юборди. У малика Дородан ҳомиладор эди. Доро ўн тўрт йил подшоликдан кейин ўзининг бошқа ўғли Доробни валиаҳд қилиб тайинлади.

Дороб подшолигининг зикри. Дороб ибн Доро нохуш таъбга эга бўлиб Эроннинг аён ва ашрафлари ундан озурда хотир бўлдилар. То у вақтгача Румнинг қайсари Файлакуснинг қизи Дородан ҳомила эди, ундан ўғил туғилган эди. Уни Исқандар деб атаган эдилар. Файлакус уни тарбиялади. Кейин Исқандар вояга етгач, Файлакус шохлик тожини унинг бошига кийгизди. Ўзининг ўрнига шохликка кўтарди. Эрон, сардорлари Исқандарга номалар ёзиб, бу мактубларда Доробнинг ёмон ҳатти ҳаракатидан норози бўлганликларини, ўзлари Исқандар томонига ўтишларини хоҳлаганликлари ҳақида ёзилган эди. Дороб Исқандардан минг тилло хирож беришни талаб қилди. Исқандар айтди, тухум туғиб берадиган товуклар ўлди. Дороб Исқандарга бир жувол кунжут юборади ва айтадики

мени кўшинларим шу кунжутдек саноксиздир. Искандар уларни товуклар олдига сепиб едиради. Дороб Искандарга чавгон (ишти ўйинидаги хоккей дастасидек нарса) юборади. Яъни у ёш бола чавгон ўйнасин деб. Искандар Эрон элчисига айтадики, Дороб Эронни менга бермоқчи бўлибти, деб хурсанд бўлиб, чавгонни олади. Дороб Румга кўшин тўплаб келади. Икки кўшин рўпарў турган эдилар. Доробнинг икки сардори уни ханжар уриб ярадор қиладилар. Уни хабарини Искандарга етказадилар. Искандар унинг олдига боради. Дороб васият қилади, эй Искандар мени қотилларимдан қасос олгин ва қизим Равшанакни никоҳингга киргизгин, менинг жасадимни Эронга етказгин деб жон беради.

Искандар Руми подшолиги зикри. Искандар Руми ибн Доро унинг номини Ихшид деб ҳам атар эдилар. Тарих аҳли уни Зулқарнайн деб атайдилар. Уларнинг эътиқодича Зулқарнайн Саодат сохиби, Искандарни Румини асли юнонлик деб атайдилар. У шижоатли жаҳонга машҳур бўлган, саховат пеша бўлган. У замон саркардалари орасида машҳурдир. Кўп лашкар билан Румдан чиқиб, Эрон, Миср, Хиндистон, Турон ва Баҳру-барни забт қилди, ки унинг қилган ишларини ёзган билан адо бўлмайди. Искандар йигирма ёшида подшо бўлди. Ўн тўрт йил муддатида араб, Шарқ ва Шимол, Жанубни 320 (уч юз йигирма)минг лашкар билан сайр қилиб, кўп жойларни ўз тасарруфига киритди. Унинг вазири Орастатилис, шахсий ҳаками Афлотун эди. Ўттиз тўрт ёшида оламдан ўтди. Искандарияда кўмилган, қабри ҳам ўша ерда.

УЧИНЧИ ТАБАҚА АЖАМ МУЛКИДАНДИР КИ УЛАРНИ АШКОНИН ДЕБ АТАЙДИЛАР.

Шуни билиш керак ки Ашконийлар мулкдор кишилар бўлиб, айрим вилоятларда ҳокимлик қилар эдилар. Искандар Эронни босиб олгандан кейин, улардан неча нафарини вилоятларга ҳоким қилиб қўйган эди. Бир-бирларига бож ва хирож бермас эдилар. Искандар замонидан Ардашер подшолигига қадар беш юз йил ўтган эди. Уларнинг аввали Ашк бин Доро эди. Ўн икки йил салтанат қилиб ўтди. Унинг суханидир ки, душманларга мадуро ва муросо қилиш керак. Асҳоб ва амалдорлар орасида адоват неъматини сочишлари, оқибат яхшиликка олиб келмайди. Подшолик хизматини қилиб, унга зимдан душманлик қилса, бу азим хатолардан ҳисобланади.

Шопур подшолиги зикри. Шопур бини Ашк Мадоинни бино қилди, ҳикматли, мурувватли, оқил ва одил подшолардан бўлиб, ҳукуматдорлик муддати Ҳофизи Абрунинг айтишича қирқ йил, тарихи гузида сўзига қараганда олти йил, унинг айтган сўзларидан: нодонлик мусибатдир ки, унинг савоб томони бўлмайди. Айтадилар ки, Ҳазрат Исо алайҳис салом унинг замонида пайғамбар бўлганлар.

Баҳром ибн Шопур подшолигининг зикри. Баҳром одил ва комкор (саодатманд) эди. Анбар ва Румия шаҳрини бино қилди. У ерларда катта оташхоналар (оташпарастлар ибодатхоналарини) тарғир қилди. Подшолик муддати ўн беш йил бўлиб, дунёдан ўтган.

Палош ибн Баҳроми одил зикри. Саодатманд эди. Ўн беш йил подшолик қилиб ўтди.

Ҳармуз ибн Палош ибн Баҳром подшолиги зикри. Қудусия ва унинг наҳрини у бино қилди. Бир куни шикорга охуни кўриб, уни қувлади. У оху бир ғорга кирди. Ҳармуз отдан тушиб келиб у ғорга кирди. Тўрт хум олтин ва ёзилган хатни кўриб, уни ўқиди ки, бу Фаридун хазинаси деб ёзилган эди. У хазинани олиб, ўзининг

сипоҳларига тақсим қилиб берди. Ўн тўққиз йил подшолик қилди.

Нуш ибн Талош подшолигининг зикри. Уни Нароси деб ҳам атайдилар “Тузида тарихи”да Нароси ўн тўрт йил подшолик қилган, “Низоми таворихда” қирқ йил подшолик қилган деб ёзилган.

Фируз ибн Ҳармуз ибн Полош подшолиги зикри. Ўн саккиз йил подшолик қилиб, унинг зулми ҳаддан ошди. Халойиқ исён қилиб, уни тахтдан тушириб, унинг кўзига мил тортиди.

Хисрав ибн Нароси зикри. Сиржон вилоятини у бино қилди. Подшолик муддати қирқ йил.

Палош ибн Палош зикри. Йигирма тўрт йил ҳукумат бўлди. Шамун Ибон унинг замонида яшади.

Ардувон зикри - Ўн уч йил подшолик қилиб, жангда ўлдирилди.

Авлод ибн Ашкон Толуф зикри. - унинг замонида ҳамма бутпараст бўдилар. Ҳақ таолло Жиржис алайҳис саломни уларга пайғамбар қилиб юборди. Авлод ибн Ашконни подшолик муддати йигирма йил.

Палош бин Ашкон зикри. - Ўн икки йил подшолик қилиб ўтди.

Қудароз бин Палош - Ҳазрат Яхъё алайҳис салом даврида подшолик қилиб, унинг ҳукуматининг муддати ўттиз йил.

Ардувон ибн Насри зикри. Ашкониённинг охириги сулоласи бўлиб, ўттиз йил муддатида подшолик қилиб, подшолик Сосонийлар сулоласидан бўлган Ардашер кўлига ўтади.

ТЎРТИНЧИ ТАБАҚА МУЛУКИ АЖАМДАНДИРААРКИ УЛАРНИ СОСОНИЙЛАР ДЕБ АТАЙДИЛАР.

Ардашер подшолигининг зикри - Эроннинг шохоншоҳи бўлган эди. Тарих аҳли айтадиларки, Ардашер Бобик ибн Сосон Бахман ибн Исфандиёр наслидан эди. Бутун Эрон мамлакатини забт этиб, бошқа вилоятларни ҳам ўзига қаратишга интилган эди. Ҳар томонга лашкар юборди, кўп жойларни забт этди. Оламни ўз қўлига киритишни хоҳлади. Ҳар бир водида шаҳарлар қурди. Ҳар бир бир вилоятда буюк иморатлар солди. Ун тўрт йил подшолик қилди. Унинг сўзларидан: Лашкар устига лашкар тўплай олмаган подшо - нотавондир, нодонлик қаерда бўлса у ерда ободонлик бўлмайди ва адолат подшоларнинг мурувватига боғлиқдир. Золим подшо бир суратда минг кишини нобуд қилади. Золим подшо у дирки нақўгорлар (саодатман, ишбилармонлар) ундан харос (қўрқиш)да бўлғайлар, бадкорлар (ёмоқ кишилар) эмин бўлғайлар. Шариат подшоларнинг ёрдами билан қувват топади. Мамлакат миллат аҳкомлари чораси билан боқи қолади. Дунёга (бойликка) майл қилмангки ҳеч кимга молу-дунё вафо қилмағай. Подшо шундай мулозим бўлсинки, шайтони лайин кайфиятида бўлган кишиларни ёмон йўлдан қайтарсин. Ҳар бир подшо шу ишларнинг иштиёқманди бўлсин. Давлати барқарор қолади.

Шопур ибн Ардашер подшолигининг закри. Айш-ишратга берилиб, у андак соатда отасининг хазиначарини барбод этди. Унинг подшолик муддати ўттиз бир йил.

Хармуз ибн Шопур - далер подшолардан бўлиб, оқила аёлниинг фарзанди эди. Бир йилу икки ой подшолик қилиб ўтди.

Баҳром ибн Хармуз - Бағоят ҳалим ва мушфиқ эди. Раиятни тўплаб хитоб қилар эдики, ман раиятнинг ҳазинадоридирман, харожатларни улардан олиб сақлайман. Яна раият муҳтож бўлса бераман ва лашкарни уларни хоҳиши билан ҳар иқлимга юбораманки, уларни ҳар қандай хужумлардан муҳофаза қилсин. Уч йил уч ой подшолик қилди.

Баҳром ибн Баҳром подшолигининг зикри.

Подшолигини аввалида зулмга мойил эди. Ҳамма сипоҳилар ва фуқаро унинг зулмидан тангга келган эдилар. Хоҳладиларки, ундан халос бўлсинлар. Аммо вазир айтдики, ман бир тадбир қилай, эртага ҳеч ким унга саломга келмасун. Эртаси кун ҳеч ким унинг дарборига келмади. Подшо ваҳм қилиб, малул ва мутафакир бўлди. Бир неча соатдан кейин вазир келди. Подшо хурсанд бўлиб унга бир неча сўз айтди, вазир ҳеч жавоб бермади. Баҳром айтди, сенинг келишинг улфатлик боисими ёки муҳолифат боисими? Вазир айтди ман таажуб қиламан ки, сенга чиройли суратни худо берган, бу суратда мағрурлик иблис химояси остида сенинг танангда пайдо бўлди, шу сабабдан дилга яқин ва узоқ дўстларинг сендан узоқлашмоқда. Сенинг ёмон одобинг ва адоватпарастлигингдан улар яхши подшо тайинлашга бел боғлаганлар ва ўтган подшоларнинг аҳволидан уни хабардор қилиб, подшо яхши бўлса мамлакат обод, раият фаровон ҳаёт кечиради, деб кўп насихатлар қилди. Баҳром хобу гафлат (гафлат уйқуси)дан уйғониб, яхшилик билан ном чиқариб, ўн етти йил подшолик қилди.

Насри бинг Баҳроми Соний подшолиги зикри.

Баҳроми Сонийдан кейин салтанат тахтига Насри ўтирди. Олий лашкарни тўплаб айтди, мен умидворманки Худойи таолло мени адлим ва инсофимни бериб, мамлакатни маъмур қилсун. Подшо раиятга яхши ҳаёт кечириш учун жавобгардир. Раият бояд олам парвардигоридан кўрксинлар ва бир-бирларига хушмуомала ва бир-бирларига ёрдам ва эҳсонни аямасунлар. Нарси ғоят узоқни кўрувчи ва маслаҳаттўй эди. Аслзода мардумларни навозиш қилиб, уларни қатор вилоятларга воли қилиб юборади. 9 йил муддатида подшолик қилди.

Хармуз бин Насри подшолиги зикри.

Подшолигининг аввалида бадгўй, туршрўй (ёмон сўз, аччиқсўзлик, ғазабли) эди. Бир куни раиятни тўплаб, хитоб қилдики, Девондаги моллар (ҳазиналар) мен тўплаганим учун улар меники бўлади. Кўрдик, йиғилганлар катта шўрига тушдилар, айтди. Эй мардумлар! Дурушт хўйликка машхур эдим, энди у ёмон ахлоқимни йўқ қилдим, бундан кейин раиятга яхшилик қиламан, деб ваъда берди. Ундан

кейин хазинадаги жавоҳиротларни раиятнинг моддий аҳволини яхшилашга, хароб жойларни обод қилишга сарфлади. Унинг подшолик муддати етти йил беш ой эди.

Шопур подшолиги зикри. Отасининг вафоти вақтида таваллуд топиб, шоҳлик тожини унинг бешиги устига кўйдилар ва етти ёшида тахтга ўтказдилар. Ёшлигидан у ақллиги билан машҳур бўлиб шижоатда маъруф эди. Арабистон ва Румни ўз тасарруфига олиб, унинг шижоати бутун оламга машҳур бўлди. Подшолардан ҳадия ва пешкашлар келар эди. Улар Шопур билан дўстлик риштасини боғлаб, ихтилофларни бартараф қилишга уриндилар. (Хилофи бандагиро дар гўш кашиданд). Етмиш икки йил подшолик қилиб, кўп мамлакатларни ўзига тобеъ қилдириди. (Кишвар кашони кард).

Шопур ибн Шопур подшолигининг зикри. Мушфик, одил, накўкор (саодатманд) эди. Раиятга неклик қилар эди. Унинг подшолик муддати беш йил бўлиб, дунёдан ўтди.

Баҳром ибн Шопур, лақаби Кирмон шоҳдир. Бағоят саодатманд ва покиза киши эди. Ўн бир йил подшолик қилиб ўтди.

Яздугарднинг подшолиги зикри. Хунрезу ва фотих ангиз эди. Уламо, сипохи раият ундан кўп жабру-жафолар чекдилар. Ҳеч кимга шафоат қилмас эди. Йигирма икки йил подшолик қилди. Яздугарднинг ўғли бўлиб, Баҳроми гўр деб атар эдилар. Унинг туғилиши билан Яман вилояти волийси Баҳман ибн Шандарга топшириб эди, ки Баҳром Арабистонда парвариш топган эди. Мамлакат аҳли Яздугарддан зулм кўриб, озор тортган эдилар. Бинобарин, Баҳромни келтириш тарадудини қилмасдан Ардашер авлодидан бўлган Араб Хисрав Касри деган кишини Мадоинга келтириб тахтга ўтказдилар. Баҳроми Гўр Яманда отасиўлганини ва унинг ўрнига Касри деган кишини Эронда подшо қилганларини эшитиб, дарғазаб бўлиб, ўнг минг отлик билан Лағмон бин Манзарни юборди. Унинг орқасидан ўттиз минг отликни тайёрлади. Баҳром катта лашкар билан Ямандан чиқиб Эрон вилоятига дохил бўлди. Эронийлар араб лашкарини кўриб, кенгашга киришдилар. Шундай шарт қўйдиларки, шоҳлик тожини шерлар орасида қўямиз, икки подшодан қайси

бири олса, ўша подшо бўлади. Касри шерлар орасидан шохлик тожини олишга ибo (кўрқди) қилди ва Баҳром шерларни ўлдириб, тожни олди.

Баҳром Гўр Язгара салтанатининг зикри.

Гўр¹ нинг ови билан қизиқар эди. (Машфул буд). Шунинг учун уни Баҳроми Гўр деб атар эдилар. Раиятга шафқат билан қарар эди. Отаси даврида харобазорга айланган жойларни обод қилди. Бешумор (ҳисобсиз) неъматларни Яманга юборади. Манзарнинг ўғли Лағмонни ўз олдига саклайди. Зулм дарахтини томири билан юлиб ташлади. Чегараларни хушёр кишиларга топширди. Раият унинг даврида осойишта бўлдилар. Чин ҳоқони икки минг лашкар билан келиб Марвни қамал қилди. Баҳроми Гўр ҳеч парво қилмай, ўз бародари Нарсини ўз жойига ноиб қилиб, шикор баҳонаси билан сардорлар ҳамролигида уч юз номдор жангчиларни олиб кетди. Эрон ашрофлари Баҳромнинг бу ишидан таажжубга тушиб, айтдилар, унинг ақлу-идроки йўқ деб, кўп пешкашларни Хитой ҳоқонига юбордилар. Эронийларнинг бу чорасини билиб Баҳром хотиржамлик билан Азарбайжонга етиб, у ердан Руминияга бориб, минг нафар фил ва қўшинларни унга қўшдилар. Уларни олиб, Хайбарга кетди. У ердан қатта қўшин билан келиб, Хоқонга тўрт томондан от солди. Баҳром ҳоқонни чодирига кириб, уни бошини танасидан жудо қилди. Хоқон лашкари кўпчилиги ҳалок бўлди, қолганлари асирга тушдилар, қолганлар қочдилар. Баҳроми Гўр то Мавороуннаҳргача уларни тақиб қилиб, Мовароуннаҳрни олиб, ҳоким қўйиб, ўз диёрига қайтиб келди. Яна Нарсини ўз жойига қўйиб, шикор баҳонаси билан Ҳиндистон тарафига бориб, уруш қилмай Ҳиндистонни олиб, у мамлакатни ўз подшосига бериб, унинг қизини кўп моллар билан олиб келди. Узининг бародари Нарсини қирқ минг лашкар билан Румга юбориб у вилоятларни ўзининг тасарруфига киргизди. Бутун Арабистонни ҳам ўзига қаратган эди. Олтмиш уч йил подшолик қилиб, бир қудуққа тушиб ғойиб бўлди.

Язду Жар бин Баҳром полшолиги зикри. Нарси Исомхудни ўзига вазир қилиб, отасидек адолат ўрнатди. Фуқароларни додига етар эди. Ўн саккиз йил подшолик

1. Гўр - Ваҳший эшаклардан бир тури, қадим замонда уни овлаб, еяр эдилар.

қилиб ўтди. Ҳармуз бин Яду Жар одиллик билан бир йил подшолик қилиб ўтди.

Фируз бин Яду Жар - Муҳаммад ибн Жарир ўзининг тарих китобида келтирганки, унинг вақтида етти йил ёмғир келмади. Жайхун ва Дажлада сув қолмади. Чашма ва қоризлар қуриб қолди. Инсонлар фақирликка гирифтор бўлдилар. Ердан ҳеч бир гиёҳ униб чиқмади. Фируз амвол ва ҳазиналарни ҳаммасини фақирларга бериб, вилоятларга одамларни юбордики, бойлар ўзларининг ортиқча галла ва бошқа озиқ-овқатларини бир қисмини раиятга ўз ихтиёрлари билан берсинлар. Агар бир киши бирор вилоятда очлик билан ўлса, у шаҳар ҳокими жавобгарликка гирифтор бўлсинлар. Шу сиёсат натижасида бир киши очликдан ҳалок бўлмади. Фируз Байтулло подшосининг мадади билан Эрон тахтига ўтирган эди. Ўз аҳдига вафо қилмасдан Байтуллога лашкар тортиб у ерни олиб, бир неча сардорларни ўлдирди. Унинг подшолик муддати йигирма йил эди.

Палош ибн Фируз подшолиги зикри. Подшо бўлгандан сўнг унинг бародари Кубод ундан кўркиб Мавороуннаҳрга қочиб кетди. Бу ернинг ҳокими Кубодни яхши кутиб олиб, Азим бир хонадондан уни тааллуқдор қилди. Яхши хонадан чиққан қиз, Кубоддан Нушширвонга ҳомила бўлди. Кубод бир неча кундан кейин Туркистонга борди. Тўрт йил ҳоқон хизматини қилди. У ердан яна Нишопурга келди. У вақтда Нушширвон уч яшар бўлган эди. Унга Палошнинг вафоти хабарини етказдилар. Палошнинг подшолик муддати тўрт йил эди.

Кубод ибн Фируз подшолиги зикри. Кубод вақтида Маздак отлик пайғамбарлик даъвосини қилиб, оташкаъдалар бино қилди. Кубод унинг динига кириб, Маздакнинг иши ривож топди. Кубод қирқ йил подшолик қилди.

Нушширвоний¹ одил подшолиги зикри. Буюрдики Маздак ва унинг издошларини қатл қилинлар. Бир кунда юз минг маздакийлар ўлдирилди. Адолатни олдинга сурди. Бутун вилоятларни обод қилди. Шу аснода Ҳоқон Жаҳонгирлик фурури билан жуда кўп лашкар билан

1. Нушширвоний одил - Хисрав I Ануширвон (531-579) сосонийлар сулоласидан. Машҳур подшо-лардан. Алрим асарларда Нушширвон деб ҳам ёзилган.

Фарғона, Самарқанд, Бухоро ва Кеш каби шаҳарларни забт этди. Нуширвон кўп лашкар билан ўзининг ўғли Ҳармуз сардорлигида Ҳоконга қарши урушга юборди. Ҳокон забт этган вилоятларни қолдириб, урушда мағлуб бўлиб, ўз вилоятига кетди. Нуширвоний одил Арабистон, Рум, Ҳиндистон то Омон оролигача ва Мавороуннахрни ўз тасарруфига киритади. Яҳудий ва расароларга жизия солиғини жорий қилади. Ҳар бир вилоятда фуқаро аҳволига қараб солуғ солинади. Раиятнинг йигирма ёшидан эллик ёшгача бўлганлардан солуқ олинадиган бўлди. Йигирма ёшдан кам ва эллик ёшдан юқори бўлганларни ҳар қандай солуқ ва олуқлардан озод қилиш ҳақида махсус фармон чиқарди. Унинг вазири Бузуржмеҳр¹ ҳикматда ҳақимларнинг саромади эди. Нуширвоннинг одиллик билан қилган ишларини тарих китобларида кўп ёзганлар. Бу Ўроқда (муаллиф Мирзо Салимбек лақаби) булар ҳақида ёзишнинг имконияти йўқ. Нуширвон қирқ саккиз йил подшолик қилган.

Ҳармуз ибн Нуширвоний одил подшолигини зикри. Отасининг адолатли қонунларини бекор қилиб, зулмни авж олдирди. Отасига яқин бўлган давлат арбобларини қатл қилдирди ёки уларни сургун қилди. Уларни ёнини олган мардумларни ўлдирди. Ун икки йил подшолик қилиб, ўн уч минг эроннинг бузурғларини қатл қилдирди. Атрофдаги подшолар унинг вилоятига тўхтовсиз хужум қилиб турдилар. Давлат аркони унинг зулдмидан танг аҳволга тушиб, унинг кўзига мил тортдилар. У умрбод кўр бўлди.

Хисрав Парвиз ибн Ҳормуз зикри. Салтанатининг аввалида адлни шиор қилди. (Пешгирифт). Унинг шижоати, саховати ва адолати бутун мамлакатларга ёйилди. Кўпгина мамлакатларнинг подшолари ҳадия ва пешкашлар юборар эдилар. Ажам подшолигидан ҳеч бирига бунчалик пешкашлар қилинмаган эди. Салтанатининг охириги йилларида Ҳазрат Расул Салаллоҳи алайҳи салом жўнатган мактубларини йиртди. Қайсари Румнинг ҳар бир

1. Бузуржмеҳр-Нуширвоний одилнинг бош вазири. Унинг сўзларидирким, устодимдан сўрадимки, йигитликда не қилмоқ яхши, қарликда не қилмоқ? Дедимки - йигитликда илм касб қилмоқ ва қарликда ани амалга келтирмоқ эрур.

Шеър: Йигитликда йиғ илмнинг маҳзани,

Қарлик чоғи харж қилғил ани. (А.Навоий, XV том, 241 бет)

қавми унга маслаҳат бўлди. Катта ўғли Шеруя отасини ўлдиради. Хисрав Парвезнинг подшолик муддати ўттиз саккиз йил эди.

Шеруя бин Хисрав Парвез подшолиги зикри.

Хисрав Парвездан ўн беш ўғил қолган эди. Шеруя уларга раҳм қилмасдан ҳаммасини отасининг орқасидан у дунёга юборди. Хисрав Парвездан икки қиз - Пуран духт¹ ва Азроми духт қолган эдилар.

Шеруя Эрон халқига зулми кучайтиради. Шеруя олти ой ҳукмронлик қилиб, отасининг орқасидан у дунёга сафар қилди.

Байт. Падаркушро подшоҳиро нашояд,

Агар шояд шашмоҳ пеш напояд.

Ардашер ибн Шеруя подшолиги зикри.

Етти ёшарлигида тахтга ўтқаздилар. Ажам Кабирларидан Шаҳриёр деган киши бўлиб, чегара қўриқлар эди. Беш ойдан кейин Шаҳриёр Ардашер ибн Шеруяни қатл қилди. Хисрав Парвез наслидан ўғил қолмаган эди, ки тахтга ўтқазсалар. Шаҳриёрнинг ўзи подшо бўлди. Эрон аҳли Шаҳриёрнинг подшо бўлишидан норози бўлиб, қирқ кундан кейин уни қатл қилдилар. Абу Ханиқа Дакнури тарихида Шеруянинг салтанатининг муддати бир йил деб ёзилган.

Пурон Духт бинти Хисрав Парвез подшолиги.

Бу оқила қиз эди. Бир йилу тўрт ой ҳукмронлик қилиб ўтди. Ундан кейин Чошнанда деган кишини тахтга ўтқаздилар. Унинг боши катта бўлиб, айтдики, бу тож мени бошимга торлик қилди. Одамлар бу сўзни эшитиб, унинг ўрнига Азроми духтни подшо қилиб кўтардилар.

Азроми духт бинти Хисрав Парвез Ибн Хармуз

подшолиги зикри. Ўз замонасининг оқилаларидан бири эди. Соҳибжамол аёллардан эди. Ўзининг вазоратини ҳеч кимга бермади. Хисрав Парвез даврида Хуросон ҳокими бўлган Фарохзод Азроми духт подшо бўлганидан кейин Хуросон ҳокимлигини ўзининг ўғли Рустамга топшириб, ўзи Мадоинга келиб, Азроми духтга совчиликка (хостгорликка) бир кишини юборди. Азроми духт жавоб бердики, подшоларнинг эрга тегиши айб ишдир, кечаси

1. Духт (духтарнинг қисқа номи) - қиз, яъни Пурон духт - Пурон қиз, Азроми духт - Азроми қиз, демакдир.

танҳо келсин, коми дилим (жоним) билан уни қабул қиламан. Ваъдага биноан Фарахзод кечкурун унинг хузурига келади. Азроми духт Фарахзодни ўлдириб, унинг жасадини ташқарига ташлайди. Фарахзоднинг ўғли Рустам бу хабарни эшитиб, Хуросондан лашкар тортиб келади. Азроми духтни ўлдиради. Азроми духт икки йил подшолик қилган эди.

Касри бин Ардашер подшолиги зикри. Азроми духтдан кейин Эрон акобирлари эшитдиларки, Ахвазда Ардашер авлодларидан бири яшайди. Уни топиб келтириб тахтга ўтказдилар. Бечора ҳеч ишни билмас, бир ожиз киши эди. Сиёсат билан ҳеч бир ошна эмас эди. Сипоҳилар ундан норози бўлиб, уни ўлдирдилар. У кишини исми Касри эди.

Фарухзод ибн Хисрав подшолиги зикри. Касри ўлдирилгандан кейин Фарухзод деб аталган Хисрав Парвезни ўғлини, ки Шеруядан қўрқиб Насибин вилоятига кетган эди. Уни топиб Мадоинга олиб келдилар ва подшо қилиб кўтардилар. Бир ойдан кейин уни захарлаб ўлдирдилар.

Яздхирад бин Шаҳриёр подшолиги зикри. Айтдиларки, Хисрав Парвезнинг Шаҳриёр ўғлидан ўғил таваллуд топиб, унинг лақаби Барсгирфишор эди. У бошқа вилоятда яшар эди. Мамлакат аёнлари уни қидириб, ниҳоят Истахордан топадилар. Уни Мадоинга олиб келиб подшолик тожини кийгизадилар. Яздхирад салтанатга чиққач Ҳазрат Умар розиёллоҳ анҳу билан ихтилоф қилиб, Саъди Ваққос розиёллоҳу анҳу лашкар тортиб Эронга келиб, Ислом лашкарлари теғидан Эрон қўшинлари мағлуб бўлиб Яздхирад Хуросонга қочади. У ердан Марвга бориб, ҳалок бўлади. Кофирлар олами мағлуб бўлиб, Ислом қарор топади.

Ҳазрат Хотам ал Набий Саллаллоҳи алайҳи ва саллам ва Рошиддин халифалиги зикри.

Мўътабар қисса ва китобларда бу масалалар тўлиқ баён қилинган. Бу Ўроқни арз ва иродаси подшолар зикри эди, шунинг учун бу ерда Шаръи соҳиби саллоллоҳу алайҳи ва салам ва Рошиддини ризвон Аллоҳи таоло алайҳим ажмаинлар тарихини айтиш жоиз эмас деб билиб, ва уларнинг зикрини айтишни муносиб эмас деб ҳисобладик.

Уммавий халифалари зикри. Улар ўн тўрт нафар

эдилар. Улардан аввали Ҳазрат Муавия розиёллоху анху ва уларнинг охиргиси Марвон Ҳаммар эди, ки Уммавийлар силоласи тўқсан бир йилу тўрт ой халифалик қилган эдилар. Араб ва Ажамда мутавали бўлиб, Халифат ва аморат топиб, ҳукмронлик қилиб ўтдилар.

Ҳазрат Аббос розиёллоху таоло анху авлоллари халифалиги зикри. Аббосий халифалар ўттиз етти нафар бўлиб, уларнинг маркази шаҳри Боғдод эди. Уларнинг биринчи халифаликка ўтирган кунлари жума куни ўн учинчи рабиялаввал бир юзу ўттиз иккинчи ҳижрий йилидир. То олтинчи сафар ойи, олти юз эллик олтинчи ҳижрий яъни беш юз йигирма уч йил ва ўн ой ҳукмронлик қилган эдилар. Уларнинг биринчи халифалари Абу ал Аббос Сафох ибн Муҳаммад ибн Али ибн Абдулло ибн Аббос розиёллоху анху. Уларнинг охиргиси Маъсумдирки, Халокухон ибн Тулихон, ибн Чингизхон уни халок қилган эди.

Исмоилия халифалари зикри. Улар ўн тўрт нафар эдилар. Улар давлатининг ибтидоси икки юз тўқсон олтинчи ҳижрий йилдан бошланган. Мағриб диёри ва Миср вилоятида икки юз олтмиш саккиз йил муддатда хизмат қилдилар. Уларнинг аввали Маҳди ибн Исмоил ибн Имом Жаффар Содиқ розиёллоху анху, уларнинг охирги ҳукмдори Муҳтазид эди. Беш юз олтмиш тўртинчи ҳижрий йилида уларнинг давлати инқирозга учраб, бу сулоладан нишона қолмади.

Ҳасан Сабоҳ ҳукумати зикри. Уларнинг муайян мазҳаби йўқ эди. Ривоятларга қараганда улар Исмоилия, Бурхи, Банзария ва аксар Зиндиқия ва ал Ҳодия мазҳабларини тарафдорлари бўлиб чиқар эдилар. Улар етти нафар эдилар (ҳукмронлик қилганлар). Тўрт юзу саксан уч ҳижрий йилида уларнинг салтанати бошланиб, олти юзу эллик бешинчи ҳижрий йилигача давом этди. Ал Мавот қалъасини ўзларига пойтахт қилиб, уларнинг аввали Ҳасан Сабоҳ эди. Уларнинг охирги ҳукмрони Рокиналдиндирки, Холокухон Чингизхоннинг набераси уни халок қилди. Уларнинг мазҳабидан асар қолмади.

Сомония подшолиги зикри. Улардан тўққизтаси подшо бўлган эди. Мовароуннаҳр, Фарғона, Хоразм, Хуросон то Сайистонгача уларнинг салтанатига кирар эди. Уларнинг аввалгиси подшо Исмоил Самоний охири Зоҳид Сомони. Уларнинг ҳукмронлиги муддати бир юзу олти йил эди! Икки юз олтмишинчи йилнинг (ҳижрий) бошидан, уч юз олтинчи йилгачадир. (Аслида уч юзу олтмиш олтинчи йилгача Н.И.).

Ғазнавия салтанати зикри. Улар ўн бир киши эдилар. Уларнинг аввали Сабук Тегин Маҳмуд Ғазнавийнинг отаси. Сабук тегин Сомонийларнинг зархарид қули эди. Сомонийлар подшоси уни Ғазнага ҳоким қилиб тайинлаган эди. Сабук Тегин вафотидан кейин Султон Маҳмуд салтанат тахтига чиқади. Ғазнани ўзига пойтахт қилиб, бошқа жойларни истело қилишга (ба кишвар кашони) киришди. Эрон, Ҳиндустон, Хуросон, Мовароуннаҳр, Фарғона ва Хоразмни ўзига бўйсундирди. Бир қанча подшоларни тахтдан тушириб уларни ҳалок қилган эди. Олтмиш уч ёшида дунёдан ўтди. Салтанат муддати ўттиз йил деб тарихчилар ёзганлар. Доно, одил подшолардан эди. Ҳинд кофирлари билан кўп урушлар олиб бориб, кўпчилик кишиларни Ислому динига киргизди. Маҳмуд Ғазнавийнинг бир айби бор эди, ки кишиларнинг молу-мулкига кўз тикарди. Феруза қасрида Маҳмуд Ғазнавийнинг жасади кўмилган. Ғазнавия Давлатининг бошланиши (ибтидоси) уч юз олтмиш еттинчи ҳижрий йил бўлиб, беш юз саксан учинчи йилда ғазнавийлар салтанати инқирозга учради. Салтанатнинг муддати икки юз ўн олти йилдир.

Салжүкийлар салтанати зикри. Тарих аҳли айтадиларки, Амир Дақиқ туркмания қавмидан бўлиб, унинг Салжүк деган ўғли бор эди. Отаси ўлгандан кейин Буёғу деган тотор подшога хизмат камарини белига боғлайди. Вояга етгандан кейин амал соҳиби бўлиб, бир қанча вақтдан кейин Буёғудан юз ўгириб, юз сувора, бир минг беш юз туя ва эллик минг қўй ки, отасидан қолган эди, Мовароуннаҳр йўлини тутди, яъни Мовароуннаҳрга

1. Сомонийларнинг охириги ҳукмрони Абу Иброҳим Исмоил - Муғтасир бўлиб, узоқ йиллар (989 йилдан 1004 йилгача) қорахонийларга қарши сомонийлар сулоласини қайта тиклаш учун натижасиз кураш олиб борди

қараб кетди. Жанд вилоятига етиб, кейин бирга келган ўзининг қабиладошлари билан бирга мусулмон бўлди. Жанд волисига хизмат қилиб, унинг душманларига шикаст етказди. Майқовил деган ўғли бор эди, ки у жангда ўлдирилади. Майқовилдан икки ўғил қолган эди, ки бириси Турғулбек ва иккинчиси Чақарбек деб атар эдилар. Салжук набераларининг тарбияси билан машғул бўлди. Салжук вафотидан кейин Турғулбек вояга етган эди, ҳар тарафга қўл узатаберди. Уша замонда эллик хон деб аталган Мовароуннаҳрда подшо эди. Унга бир неча марта шикаст бериб, ундан сўнг сулх тузилди. Султон Махмуд ибн Султон Махмуд Хуросонни олиб Турғулбек Нишопур тахтига ўтиради. Чақарбек Марвга воли этиб тайинланади. Ҳар икки буродар бирлашиб бошқа жойларни истело қилиш билан шуғулланадилар. Эроннинг тамом вилоятларини босиб олдилар. Раҳим Дилми Бағдодни олиб, халифани ҳабс қилган эди. Ундан сўнг Турғулбек бориб Халифани ҳабсдан озод қилиб, уни фақат диний ишларни мутасадиси қилиб тайинлаб, дунёвий ҳокимият Турғулбекка топширилиб, унинг номини хутбага қўшиб ўқийдилар. Чақарбек Марвда вафот этди. Турғулбек йигирма саккиз йил ҳукмронлик қилиб, етмиш ёшида тирикликни тарк этиб кетди.

**Алп Арслон ибн Чақарбек бин Майқовил
бин Салжук салтанатининг зикри.**

Уни Абу Шижоалдин деб атаганлар. Унинг лақаби Султон Аздалдиндир. У меъмор ва иктидорли подшо эди. Унинг шижоати бутун жаҳонга машҳур бўлди. Хожа Низомиддин ал Мулк унинг вазири эди. Унинг мамлакати Шом, Миср, Румгача бўлган. Алп Арслон ўн икки йил подшолик қилиб, қирқ тўрт ёшида шахид бўлди.¹

**Султон Маликшоҳ ибн Султон
Алп Арслон подшолиги зикри.**

Одил ва ишбилармон подшолардан эди. Тўрт юз саксан тўртинчи ҳижрий йилида вафот этди. Тарихда унинг фаолияти ва салтанати ҳақида зикр қилинган.

1. Алп Арслон (1063-1072) Қорахонийлар билан урушда ҳалок бўлади.

Султон Санжар ибн Маликшоҳ зикри.

Унинг таъриф ва тавсифига тил ожиздир. Етти иқлим то Хитой ва Хўтангача ўзининг тасарруфига киритган эди. Қирк тўққиз йил Хуросонда ҳукмронлик қилди. Салжукий авлодларидан ҳеч қайсиси бу қадар ҳукумат ва салтанат қилмаган эди. Етмиш уч йил умр кўрди.

Султон Махмуд ибн Султон Муҳаммад ибн Маликшоҳ подшолиги зикри.

Ўн тўрт йил подшолик қилиб, йигирма етти йил яшаб вафот этди. Ундан кейин Султон Тўғрол ибн Муҳаммад ибн Маликшоҳ подшолик тахтига ўтиради. Уч йил салтанат қилиб йигирма беш ёшида жаҳонни падруд қилди.

Султон Маъсуд ибн Султон Маликшоҳ подшолиги зикри.

Салтанатини бошқаришда замоннинг саромадларидан (сардафтарларидан) бўлиб, саховат, қарам ва хотамликда энг яхши подшолардан эди. Ўн саккиз йил салтанат қилиб, қирқ беш йил умр кўриб Мадонин шаҳрида вафот этди.

Маликшоҳ бин Муҳаммад бин Махмуд ибн Султон Малик шоҳ.

Уч ой подшолик қилди. Ўттиз икки йил умр кўриб вафот этди.

Муҳаммад ибн Махмуд Султон Малик шоҳ зикри.

Етти йил шоҳлик қилди, ўттиз икки йил умр кўриб ўтди.

Султон Сулаймон ибн Султон Маликшоҳ зикри.

Саккиз йил салтанат қилиб, қирқ беш йил умр кўрди.

Алп Арслон ибн Тўғрал ибн Муҳаммад ибн Султон Малик шоҳ зикри.

Ҳалим, саховатли ва қарам эди. Шоҳлик муддати ўн беш йил, қирқ уч ёшида вафот этди.

Тўғрул Ибн Алп Арслон Салтанати зикри.

Отасидан кейин подшо бўлди. Дорул Хулофотдан Султон Рокиналди лақабини олиб, Салжуқ эди. Хуш феъл,

шоир эди. Жумладан қуйидаги рубойисини келтирамиз:

Рубойӣ:

Дируз чунон висоли жон Афрӯзи,
Имруз чунон фироқи олам сӯзи.
Афсус гар бар дафтари умрам оям,
Онро рӯзи нависад инро рӯзи.

Мазмуни:

Кеча жононнинг висоли жонни куйдирган эди.
Бугун унинг фироқида олам куйди.
Афсуски умрим дафтарига келсам
У кун ҳам, бу кун ҳам ёзилгандир.

Беш юз тўқсанинчи ҳижрийда Султон Туғрал хоразмдилар
қўлида ўлдирилди.

Салжукий табақасининг аввалгиси (биринчи табақаси)нинг салтанати.

Юқорида зикр қилингандек тўрт юз йигирманчи
йилдан то беш юз тўқсанинчи ҳижрий йилгачадир, яъни
улар бир юз етмиш йил ҳукмронлик қилган эдилар.

Салжукийларнинг иккинчи табақаси.

Тўққиз нафар эдилар. Бир юзу олтмиш йил
Кирмонда ҳукуматдорлик қилган эдилар. Уларнинг
баъзисини кирмон шоҳлари деб атаган эдилар.

Салжукийларнинг учинчи табақаси.

Румда салтанат қилдилар. Улар 9 нафар эдилар. Бир
юз эллик олти йил салтанат қилиб салжукийлар давлати
салтанати авлодлари инқирозга учраган эди.

Хоразмшоҳлар хақида баёнлар. (Гуфтор).

Уларнинг аввали Ануштекин Фарча, у
Жимкотекининг қули бўлиб, Султон Малиқшоҳ уни бир
вилоятга шаҳна (миршаб, шаҳар ёки вилоят посбони,
деруво) қилиб тайинланган эди. Унинг Қутбиддин
Муҳаммад отлиқ ўғли бор эди. Кўп ақлли, маъруф киши
эди. Марв вилоятига ҳоким бўлди. Кейинчалик Султон
Санжар замонида у Хоразмга ҳоким қилиб юборилди. Ўттиз
йил муддатида Хоразмда салжукийларнинг фармонбардори
бўлиб ҳукмронлик қилди. Унинг вафотидан кейин
Хоразмда Отсиз отасининг ўрнига ҳоким бўлиб, Султон

1. Жувойинийнинг айтишича турклардан бўлган Қул Аништегин Салжукийлар
сиройида таштдор мансабида яъни гуелхона мудири бўлиб хизмат қиларди.
Бинобарин Хоразмни идора қилиш иши унинг наздида бўлган.

Санжарга бўйсунмай қолди. Бирқанча вақтдан кейин Султон Санжардан тамоман юз ўғирди. Ўн олти йил салтанат қилди, шундан ўн уч йили мустақил сиёсат олиб борди. Отсиз Ануштегинни набераси Кутбиддин Муҳаммаднинг ўғли эди.

Эл Арслон ибн Отсиз салтанатининг зикри.

Отасининг ўрнида Хоразмда шоҳлик тахтини эгаллади. Олти йил подшолик қилиб ўтди. Ундан кейин Эл Арслоннинг кичик ўғли Султон шоҳ отасининг ўрнига шоҳ бўлди. Унинг катта акаси Текешхон Марвада ҳоким эди. Отаси вафотини эшитиб, Султоншоҳдан яъни кичик укасидан Хоразмни олди. Султоншоҳни шоҳлик ва саргардонлик мuddати ўттиз икки йил эди.

Султон Текешхон ибн Эл Арслонхон подшолиги зикри.

Ғаюр (ғайратли) эди. Хоразмдан лашкар тортиб Ироқ, Ажамнинг тамоми вилоятларини эгаллайди. Неча марта Бағдод лашкарига шикаст беради. Етти йил подшолик қилиб, беш юз тўқсон олтинчи ҳижрий йилида Хунақ (дифтерия) касали билан оламдан ўтди.

Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ подшолиги зикри.

Салтанатга ўтиргач Хуросон ва Эронни қайта тобъе қилди. Мовароуннаҳр, Туркистон, Қашқар ва Хўтонгача бўлган жойларни ишғол қилди. Қорахитой Чин подшоси Гурхон деб атар эдилар, етмиш марта урушди, гоҳида ғолиб чиқар эди. Бу урушнинг охирида Хитой лашкаридан мағлуб бўлиб, ундан кейин лашкарларини Ғазнага олиб бориб, у ердан Ҳиндистонга кириб уни фатҳ қилди. Искандари Сони лақабини шу ердан олади. У ердан Бағдодга бориб Амир ул Мўъминин халифа Носирни мағлуб қилди. Ўша юришда Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ рикобида уч юз минг лашкар бор эди. Бу воқеани Амир ул Мўъминин эшитиб Шайх Шаҳобиддинни раҳматулло алайҳи ки тариф ва таснифга жоиз киши эди, ўша буруқвор Шайхни элчи қилиб Муҳаммад Хоразмшоҳ олдига юборади. У киши келиб Хоразмшоҳ билан учрашадилар. Кўрдиларки Хоразмшоҳ қолинчани устига, бетакалуф либосда ўтирибди. Шайх Суннат саломини бердилар. Подшо зўрға истар истамас жавоб берди ва ўтиринг деб ҳам айтмади. Шайх оёққа турганича арабча хутбаи болиғ ва фосех ўкиб, ва бараҳна

ҳадис берди. Муҳаммад Хоразмшоҳ айтди, ман Бағдодда ҳозир сен номини тилга олган халифани бекор қилиб, унинг ўрнига бошқа шахсни чиқармоқчиман. Аббос фарзандларининг жамиси зиндондадирлар. Уларни зиндондан озод қилиш учун келганман. Шайх бошқа ҳеч нарса айтмади ва Шайх озурдахотир бўлиб, Дорил халифага мурожаат қилди. Шайхни озурдахотир қилгани учун, шу пайт қаттиқ ёмғир ёғиб Муҳаммад Хоразмшоҳнинг хаймаси сув остида қолди. Иссиқлик шиддатидан лашкарнинг кўпчилиги заиф бўлиб, касал бўлдилар. Отлар ва бошқа тўрт оёқлилар ҳам касалга учрадилар. Хоразмшоҳ у ердан юз машаққат билан Хоразмга қараб кетди. Шу даврдан бошлаб ундан бахт кетган эди. Унинг давлатига кўзни захми тегди. Бунга сабаб, Шайхни беҳурмат қилиши, Чингизхон билан муносабатларини бузилиши бўлди. Чингизхон томонидан юборилган савдо қарвонлари ва амалдорларини ўлдиришга фармон берди. Чингизхон элчилар юборди. Унинг юборган элчисини ҳам қатл қилди. Буни эшитиб Чингизхон бир юзу йигирма минг лашкар билан Туркистонга хужум қилди. Султон Хоразмшоҳ Марв ва Балхдан ҳам қўшин чақириб, унинг қўшинларини умумий сони тўрт юз йигирма минг эди. Чингизхон истиқболига Туркистонга келиб, манзилгоҳларда ғурурлик билан айш-ишрат билан машғул бўлиб, май ичиб, аёлларни атрофига йиғиб, ишратдан бошини кўтармай, бу рубойини айтар эди.

Рубойи: Фардо алами фироқ тай хоҳам кард,
Ба толъи саъд¹ қасд мехоҳам кард.
Машуқ мувофиқ аст аёми беком²,
Ақнун накунам нишот³ кай хоҳам кард.

Мазмуни: Эртага фироқ алами билан дунёга сайр қиламан,
Некбахтликка қасд қилмоқни хоҳлайман.
Мақсадсизлик айёмида машуқ мувофиқдир
Энди хурсандчилик қилмасам қачон қиламан.

Баҳор чоғи сабззорда ўтириб Чингизхон қуйидаги

1. Толъи Саъд - нек бахтлик.

2. Беком - бемақсад, ораусиз.

3. Нишот - хурсандлик, шодмонлик.

рубойни айтар эди:

Рубой: Эй дил чу замона мекунад ғамнокат.

Ноки¹ биравад зитани равону покат.

Бар сабза нишин, хуш бизе рўзе чанд,

Зи он бешки сабза баромад аз хокат.

Мазмуни:

Эй кўнгил замона қилади ғамгин,

Нопоклик ва сллидалик пок бадан тапида бўлади равон.

Сабззорда ўтириб неча кун кўнгил хушлик қилсанг

Ўша сабза сенинг туфроғингдан олдинроқ униб чиқади.

Муҳаммад Хоразмшоҳ қуйидаги рубойни айтган экан:

Рубой: Айёми гул аст бас намонад май хўр,

Гул худ чи кунад нафс намонад май хўр.

Аз даври фалак зарин работи вайрон,

На дур ва не дер касе намонад май хўр.

Мазмуни: Гул айёмидир ҳеч нарса қолмайди май ич.

Гулнинг ўзи нима қилсин, нафс қўймади май ич

Фалак даврида бу вайрона работда

На узоқ ва на яқиндан ҳеч ким қолмайди май ич.

Алқисса, хабар келтирадиларки, Чингизхоннинг ўғли Жўжихон ўз лашкари билан фалон жойга келган, аммо отасининг ижозатисиз жанг қилмоқчи эмас.

Султон айтди, агар улар жанг қилиши учун даъвогар бўлмаса, биз жанг қиламиз, деб ҳаракатга келиб жангни бошлаб юборди. Чингизхон ўз лашкари билан ёрдамга келиб, Хоразм лашкарлари тумтарақай қоча бошладилар. Муҳаммад Хоразмшоҳ ноилож қолиб, Самарқандга келди. Тўрт юз йигирма минг лашкардан бир юз эллик минг лашкари қолган эди. Бухорога келгунча улардан йигирма минги қочди. Хорамшоҳ ноилож бўлиб, Хуросонга баҳор вақтида келади. Чингизхоннинг тақибни хабари келар эди. Султон Ироққа, Фелон ва Мозандарон тарафларга кетади. Унинг лашкари ҳар тарафга қочиб пароканда бўлди ва унинг кўп амалдорлари, саркардалари Чингизхон қўлига асир бўлиб тушдилар. Муҳаммад Хоразмшоҳнинг хазина ва дафиналари Чингизхон қўлига

1. Ноки - нопок, алуда, бадахлоқлик.

тушди. Султон Муҳаммад бу хабарни эшитиб, бир оролга бориб, ўша ерда вафот этди. Кафан тополмай уни ўз чопони билан қўмдилар. Олти юз ўн еттинчи хижрий йилида оламни наруд қилди. Унинг подшолик муддати йигирма бир йил эди.

Чингизхон подшолиги зикри.

Унинг замонида Муғулистонда бир подшолик бўлмасдан, ҳар ким ўз қабиласига фармон раво эди. Чингизхонки, унинг асли исми Темучин эди, отасидан ўн уч ёшида қолиб, ўз қабиласининг сардори эди. Кундан кун кучайиб, ўз қабиласини бирлаштириб, охишта бошқа қабилаларни ҳам ўз тасарруфига киргизди. Мунтазам лашкар қилиб, кишваркашликка қадам қўйди. Аввал Муғулистонни бирлаштирди. Бўйин товловчиларни жазолади. Лашкарни мунтазам қилиб, бошқа мамлакатларни истело қилишга киришади. Аввал унинг урушлари Хитой билан бўлиб, уни ўз тасарруфига олиб, Султон Жалолиддин ибн Хоразмшоҳ билан кўп жанглари олиб борди, Туркистон, Мовароуннаҳр, Хуросон, Эрон, Ирок ва Ҳиндистон каби Султон Муҳаммад тасарруфида бўлган жойларни ишғол қилиб, Чингизхон ҳамма жойларда қатли омга ривож берди. Шунчалар қонлар тўкдики, тарихда ҳеч бўлмаган эди. Бало тўфони келганидек, Чингизхон ҳамма олган жойларни харобазорга айлантирди. Чингизхон олти юз ўн етти хижрий йилда Туркистонга қадам қўйган эди. Унинг ўғли Жўжихон катта лашкар тузиб, Туркистонни истело қила бошлади, бошқа ўғли Тулихонни эллик минг лашкар билан Хуросонга юборди. Чигатой деган ўғлини икки нуён ва саксан минг лашкар билан Мовароуннаҳр ва Хоразмга юборди. Ўзи эса Самарқанд, Қаршидан Балхга равона бўлди. У ердан ўзининг ўғли Ўқтой қоонга лашкар бериб Фазнадан Ҳиндистонгача бўлган ерларни истело қилди ва олмиш минг лашкарни Ўқтой қоон билан юбориб Ҳиндистонни фатҳ қилди. Хоҳладики у ердан ўтиб, бошқа жойларга бормоқчи бўлди, лекин Чингизхон нома юбордики мени бошқалар мамлакатига ишим йўқ. Султон Хоразмшоҳ Жалолиддин тасарруфига кирган жойларни батамом ишғол қилди. Ҳар бир вилоятда ҳоким тайинлади. Чингизхон қайтиб Хуросонга келиб, у ердан қайтиб Бухорога келди. Жўжихон Хоразмдан то Хазар денгизи (Каспий), кипчоқ даштини фатҳ қилиб, отасининг фармони

билан вилоятларга ҳоқим тайинлаб, отасининг олдига келди. Тулихон бутун Эронни ўз тасарруфига олиб, жуда кўп кишиларни қатл қилиб, олган жойларини ғорат қилди. Буларнинг ҳаммаси отасининг фармони билан бўлган эди. Бухоро ва Самарқанд каби аксар вилоятларда қатли ом авжида чиқди. Чингизхон ўзининг ўғли Жўжихонни дашти Кипчоққа воли қилиб тайинлади. Чигатойхонни Туркистон ва Мовароуннаҳрга подшо қилиб, олти юз йигирманчи хижрий йилида яъни тахтга чиққанидан етти йилдан кейин шу маълум бўлдики унинг ва ўғилларининг юришларида уруш майдонида уч юз минг киши ҳалок бўлган эди. (ҳар икки томондан). Унинг қатли омида ўлдирилган кишиларнинг сони шунчалик кўп эдики, уларнинг ҳисобини Оллоҳ таолодан бошқа ҳеч ким билмайди.

Айтадиларки, Чингизхоннинг подшолик муддати йигирма беш йил, ундан кейин ранжур (қасал) бўлган вақтида ўғилларини чақириб насиҳат қилди. Ўз ўғилларидан аҳднома олдики, бир-бирингиз билан низо қилманглар. Ўқтой қоонни ўз ўрнига подшо қилиб тайинлайди. Бошқа ўғилларини Ўқтой фармонига итоат қилишни васият қилди. Қорачор Нўённи Чигатойхонга ҳамро қилиб айтди, Қорачор Нўённи машфаратидан чиқмагин. Ундан кейин ҳар бир ўғлини кўлига биттадан камон ўқини бериб уларни синдиришни буюрди. Улар олиб синдиридилар. Ундан кейин камон ўқларини бир нечасини бирлаштириб боғлаб, уни синдиришни буюрди, лекин уларнинг бирортаси ҳам бу ўқларни синдира олмадилар. Айтди, менинг охирги васиятим шудирки, агар иттифоқлик қилсангиз давлат ва мамлакат сизларнинг ҳаммаларингизга етади ва қарор топади. Агар иттифоқларингиз бузилса синдирилган камон ўқидек пароканда бўласизлар. Олти юз йигирма тўртинчи хижрий йилида дунёдан кўз юмди.

Назм: Мегуфт оянду дида ба ҳсам бар ниҳод,
Ту гуфти ки Чингизхон худ назр од.

Мазмуни: Келиб кўрганлар айтдиларки кўра била
гуноҳларга ботди

Сен айтасанки Чингизхон ўзининг хоҳиш ва
ихтиёри билан худонинг ғазабига учради.

Етмиш уч йил яшаб, йигирма беш йил султанат қилди.

Жўжихон бини Чингизхон зикри.

Отаси унга Хоразм мазофати ва Дашти Кипчоқни бериб, оламни забт қилиш учун юборган эди. Бир неча вақт ўтгандан кейин Жужихон ўлиб ундан етти ўғил қолди. Уларнинг каттаси Ботухон эдики, отасининг ўрнига сардорлик (подшо, ҳоким) бўлиб, Дашти Кипчоқни қолган жойларини, Олон, урус ва Болғорни ўз тасарруфига киргизди. Пойтахти Имил (Итил) шаҳри эди. У Сарой шаҳрини бино қилиб, олти юз эллик учинчи ҳижрий йилда вафот этди. Бошқа у ерда бўлган подшолар Жужихон авлодларидан эдилар.

Чингизхоннинг иккинчи ўғли

Чигатой хоннинг зикри.

У ҳайбатлик, сиёсатлик, оқил ва зол подшо эди. Отаси унга амир Чўпон Нўённи ҳамро қилган эди. Чигатойхон Қашғарни пойтахт қилиб, Мовароуннаҳрни амир Чўпон Нўён авлоди Қочқули Баҳодир деб атар эдилар, унга берди. Гарчи Жўжихонни ёши катта бўлишига қарамай, отасининг васиятига амал қилиб, Ўқтой қоонни кўп иззат қилар эди, унинг фармонидан чиқмас эди. Гохи Ўқтой қоонни хизматига борар эди. Бир куни Ўқтой мажлисида (базмида) қатнашиб шароб кайфи билан айтдики, мен отда ҳаммадан олдин турли машқларни бажараман, мендан ўтадиган киши йўқдир. Ўқтой Қоон айтди, мен ҳам от чопишда ҳаммадан олдиндирман. Икки бародар гаров ўйнаб от чоптирдилар. Чигатойнинг оти ўтди. Кечаси ўзининг ётадиган уйига келиб, мастликдан хушёр бўлиб, от чоптиргани эсига тушди, ўзига андеша қилдики қандай бўлдики подшо билан гаров ўйнаб отим ўтиб кетган бўлса, бу жуда ҳам уятли бўлди. Шу андиша билан тонг отмасдан бурун туриб ўзининг отига миниб Қоон даргоҳига борди. Мулозимлар Қоонга арз қилдилар ки, Чигатойхон гаров учун тонг отмасдан келиб кутиб ўтирибди. Ўқтой Қоон Чигатойхонга эътиқоди зўр эди. Гаровга ютқизгани учун баъзи ўзига хос бўлган яхши Нарсаларни унинг олдига қўяман деб ўйлади. У киши юбордики унинг келишини боиси нима? Чигатой айтди, биз ҳамма буродарлар Чингизхон қурултойида хизмат қиламиз деб сўз берган эдик. Хилоф иш ва низо қилмаймиз деб

ваъда қилган эдик. Кеча у билан гаров ўйнаб от чоптирдик. Мардумларга шу жумладан менга ҳам подшо билан гаров ўйнашга қандай ҳади сифар экан. Шу жиҳатдан мен гуноҳқорман. Ўз гуноҳим учун жазо кутиб келганман. Ясоққа тортадим, чўп билан урдириб жазолайдими уни ҳукмидир. Ўқтой мастликка бўлган иш деб уни оқламоқчи бўлди. Лекин Чигатой қабул қилмади. Оқибат тўққиз отни пешкаш қилиб айтди, подшо бандани гуноҳини кечиргани учун шукур қиламан. Шундан кейин Чигатойхон Қоон ҳузурига кириб, таъзим бажо келтириб ундан яна бир марта кечиришни сўради. Олти юз қирқинчи хижрий йилида Чигатой вафот этди.

Ўқтой Қоон¹ салтанати зикри.

Неча марта Хитой подшосига қарши лашкар юбориб Чин ва Мочинни ўзининг тасарруфига киритди. Ундан кейин Урусия, Болғар ва Черкас устига лашкар юбориб етти йил муддатда у вилоятларни ҳаммасини олишга муваффақ бўлди. Хароб бўлган жануби мамлакатларни обод қилди. Хирот шаҳри Чингизхон ҳужуми натижасида ер билан яқсон бўлган эди. Олти юз ўттизинчи хижрий йилида обод қилди. Олти юз қирқинчи йилида оламни падруд қилди яъни вафод этди.

Гүюкхон ибн Ўқтой Қоон подшолиги зикри.

Отасидан кейин Қорақурум тахт салтанатига ўтириб, отасидек адолат ва додни илгари сурди. Бир йил подшолигидан кейин вафот этди. Катта фарзанди бўлмагани учун Чингизхоннинг тўртинчи ўғли Тулихоннинг катта ўғли Мангу Қоон салтанат тахтига қарор топди. Уламо, фузало, зоҳиду, мансаб арбоблари ва мутасадийларга “мулк соҳиблари” солиғини солди. (Ашғоли мулки андохт). Ўз бародари Ҳалоқухонни бир юзу йигирма лашкар билан Эрон ва Хуросонга юборди. Ўзи эса катта лашкар билан жануби-шарқни эгаллашга жўнади. Ўша вақтда унинг лашкарлари кўп талофотга учради. Олти юз эллигинчи йилида ҳалокатли дардга (марази маҳлак) гирифтор бўлиб вафот этди.

1. Айрим Асирларда Ўқтой - Ўғдой Қоон деб ёзилган..

Кубилай Қоон ибн Тулихон подшолиги зикри.

Одил ва доно подшолардан эди. Неча маротиба Хитой вилоятларига қўшин тортиб, Хитой подшосини мағлуб қилди. Ўзига пойтахт қилиш учун Хонбалиғ шахрини курдики, бу шаҳарнинг шухрати тавсифга лойик эди. Унинг даврида кўпгина футухот (фатх, жанг-жадаллар) лар бўлиб ўтди. Ҳалакухонга фармон юбордики, Ироқ ва Ажамдан ўтиб, Миср ва Шомни тасарруф қилсин. Кубилай Қооннинг салтанатини муддати ўттиз беш йил эди. Етмиш уч ёшга кириб вафот этди.

Темур Коон Кубилай Кооннинг набирасининг жулуси зикри.

Кубилай Кооннинг Чимкин деган ўғли вафот этиб, ўзининг набираси Темур Коонни валиаҳд қилган эди. Қадимги одат бўйича уни оқ кигизга ўтказиб, тўрт шахзода кигизнинг четларидан кўтариб хон тахтига ўтказиб, уни подшо деб эълон қилдилар. У арзи дод билан машғул бўлиб унга Ўлжаёттухон деб лақаб бердилар. Ўлжаёттухон олти йил салтанат қилиб саръ (асаб касали, куянчук) касалига гирифтор бўлиб, унинг хотини эри ўрнига мамлакатни идора қила бошлади. Ўлжаёттухон вафот қилади. Чингизхон авлодидан ўн беш нафар, бошқа қавмга қараганда ўн тўққиз нафар мамлакатни идора қилиб, уларнинг аввали Ўқтой Коон эди ва уларнинг охиригиси Темур Қутлук Ўғлонки амир Темур замонида қочиб келиб Ислом динига мушарраф бўлади. Амир Темурдан кейин Қалмоққа бориб подшо бўлди. Неча кундан кейин шаҳид бўлди.

Ровийлар айтадиларки, Ўлжаёттудан кейин марказий подшоликни аҳволи маълум эмас эди, шунинг учун қаламни бошқа тарафга буриб юбордик.

Дашти Қипчоқ хонлари зикри.

Ўттиз икки киши эдилар. Уларнинг аввали Жўжихон бини Чингизхон, ундан кейин Ботухонки, сижоатда машхур эди. Урус ва фарангларни ўз тасарруфига киргизди. Урусия ва Черкесда қилинган жангларда олган жойларни қатл ом қилиб, муғулларга қарши курашувчиларни ўнг қулоғини кесишга фармон берди. Икки юз етмиш минг кишини рост қулоғи кесилган эди. Ботухондан ўғил бўлиб, оти Беркехон, мусулмонликни қабул қилган эди. Уларнинг охири Жонибекхон эдики, ҳар бириси навбат билан Дашти Қипчоқ

салтанатига ўтирган эдилар.

Турон заминида Чингизхон авлодлари
тоифаси ахволининг зикри.

Турон заминида салтанат қилганлар. Ўттиз икки нафар эдилар. Уларнинг аввали Чигатойхон бини Чингизхон ва уларнинг охири Бароқхон эди. Баъзи тарихчилар аҳли Илёсхўжа ва Махмуд хўжани ҳам Чигатойхон авлодидан деб ҳисоблайдилар. Валлоху аълам. (Худо донорокдир, яъни худо билади).

Ҳолокунхон бин Тулихон бин Чингизхон зикри!

Олти юз эллик иккинчи ҳижрий йилида бародари Мангухоннинг фармони билан бир юз йигирма лашкарни олиб, Эронга бориб, кишваркашонлик (истеълочилик)қа қадам қўйди. Самарқандга келиб у ердан Кеш вилоятига бориб, бир неча ой у ерда туриб, ҳар тарафдан пешкашлар келиб турди. У ердан Термизга келиб, олти юз эллик учинчи ҳижрий йилида Жайхундан ўтиб Хуросонга келади. Ирок ва Ажам ва то Мозандоронгача бўлган вилоятлардан пешкашлар келиб турди. Ҳамма унга мутъе (тобъ) бўлдилар. Ўша вақтда Бағдодда Мўътасим Аббосий халифа эди. Ҳолокунхон олти юз эллингичи ҳижрий йилида Ҳамадонга келиб, халифага элчи юбордики, агар сулҳ қилсанг, мен сенга ишим йўқ. Халифа соддалик юзасидан ўзининг лашкари ва атрофидаги сардорларга эътимод қилиб (ишониб) Ҳолокунхоннинг элчисига ёмон гапларни айтиб жўнатди. Ҳолокунхон Исмоилияни олиб, Бағдодга қараб юриш қилди. Олти юз эллик олтинчи ҳижрий йилида Бағдодни босиб олиб, халифа Мўътасим ўз вазирини юборди ва унга - “подшо (яъни Ҳолокунхон) нима деса қабул қиламан” деб айтгин деди. Ҳолокунхон айтди, биз бу аҳдни Ҳамадон вилоятида айтган эдик қабул қилмади. Энди Бағдодга келдик, фитна ва ошуб эшиклари авжга келди. Илгариги аҳдимиз ўтиб кетди. Олти кун уруш олови авж олди. Ҳолокунхон фармон бердики уламо ва машоихлар агар жанг қилмасалар бизнинг жазомиздан имин (озод) бўладилар. Халифа ўзининг ўғли Абу ал Фозил Абдурахмонни совғалар ва кўп пешкашлар билан юборди, лекин Ҳолокунхонга мақбул тушмади. Халифа кўрдики иш

1. Айрим Тарихий асарларда “Ҳулағунхон” тарзида ҳам ёзилган. Унинг лақаби Элхондир.

қўлдан кетган эди, ноилож уч ўғли, саидлар ва давлатнинг катта амалдорлари ҳаммаси бир минг киши билан бирга Холокунхон ҳузурига боришга мажбур бўлди. Келган мингта саидлар ва давлат амалдорларининг ташқарига қолдириб, халифани ва унинг ўғлини Боргоҳга киргиздилар. Халокунхон халифага салом бериб, унга хурмат кўрсатгандек бўлиб, айтдики шаҳар аҳлига фармон бергинки, халқ ўз нарсаларини қолдириб шаҳар ташқарисига чиқсинлар. Уларни сонини билмоқчиман. Халифа фармон бердики, Бағдоддаги ҳар ким эҳтиёт матлубини бажараман деса яъни ўлишни хоҳламаса ўзининг мол-ашёларини қолдириб шаҳардан ташқарига чиқсин, халқ тўда-тўда бўлиб шаҳардан чиқиб Холокунхон жаллодлари тиги остида ҳалок бўлар эдилар. Халифани ўғиллари билан сақлаб, буйрук бердики Бағдодни қатлиом қилсунлар. Унинг деворлари ва имотарлари тупроқ билан яксон қилдилар. Муғул лашкарлари Бағдодни ғорат қилдилар. Хатто аҳолининг бутун ашёлари, моллари, қимматбаҳо нарсари шунчалик таландики, унинг ҳисобини Аллоҳ таолодан бошқа ҳеч кимга аён эмас. Холокунхон жума куни тўққинчи сафар ойи етти юз эллик олтинчи хижрий йилда отга миниб Дорул халифага (халифа саройига) бориб, халифа ҳузурига кириб унга фармон бериб айтдики, бу кун сен мезбон ва мен сенинг меҳмонингдирман. Мени истаганингча меҳмон қил. Мўғтасим халифа бу сўзни ҳақиқат деб билиб, ўз хазиначидан бир минг чопон, ўн минг динор олтин танга ҳозир қилди. Холокунхон уларга илтифот қилмай, унинг амри билан у ерда ҳозир бўлган ўз одамларига тақсимлаб бериб, халифага хитоб қилдики, сенинг хазиначиданги моллар энди сенга керак эмас, сенинг эҳтиёжингни қондирмайди. Энди ўзинг хазиначою-дафинанг жойларини айтгин деб дорул халифат томонига ишорат қилди. Элхон фармони билан ерни ковларлар, у ерда хавз чиқди ки у ерда тилло саночларидан тўла эди. Ки ҳар бир саноч юз мисқол эди. Бошқа яна иккинчи хавзни қаздилар, у ер нукура ва жавоҳирлардан тўла эди. Ҳаммасини олиб, буюрдики халифага таом бермасинлар. Мўғтасим очликдан фарёд қилди, Холокунхон буюрдики табақни тилло жавоҳирлардан тўлдириб унинг олдига қўйинглар. Элхон ҳукм қилдики бу жавоҳирларни егин деб. Элхон

бюрдики жонинг фойдаси учун бир қанча халқни талаб шунча молларни тўпладинг ми? Халифа жавоб бера билмади. Ундан кейин Элхон арбобларга бу саволни берди. Улар жавоб бердиларки, Ислом аҳли уни ҳақ ва имон халифаси деб биладилар. Агар бундан халос бўлса яна лашкар тўлаб, истеъдодини яна қўлга олиб кўп жойларни яна хароб қилади. Яхшироқки унинг жойи у дунёдир. Элхон халифани ўлдиришга ҳукм қилдики, ўткир қилич билан халифани жонини қизил рангга бўяш муносиб эмас. Шунинг учун халифани кигизга ўраб кигизни ичида димиклаб ўлсин. Халифа Аббосийларнинг охирги аъзоси шундай қилиб ўлдирилди ва унинг ўғилларини ҳам орадан кўтардилар яъни ўлдирдилар, вазир ҳам бу қатлдан омон қолмади. Ҳавонинг ғоят иссиқ ҳарорати туфайлидан Холокухон Бағдоддан чиқиб равона бўлди. Бағдод, Рум, Шом, Мисрдан келтирилган жамий хазина ва дафиналарни юборди. Ибн Имрон деган кишини Бағдодга ҳоким қилиб, Араб ва Ажамдан чиқиб Халаб тарафига равона бўлди. Диёр Бакир ва Насбин вилоятини олиб, қатлиом буюриб у ердан Халабга етиб келиб, Халаб аҳолиси шаҳар истехкомига мағрур бўлиб, уни мудофаа қилишга киришдилар. Улар мағлуб бўлиб, бир ҳафтагача қатлиом ва тарож қилди. Ҳатто сут эмувчи гўдакларгача қолмади. То Шом, Миср вилоятларигача ўз тасарруфига киргизиб, Озарбойжонда саккиз йил салтанат қилиб, олти юз олтмиш учинчи хижрий йилда вафот этди. Унинг салтанат муддати 48 (қирқ саккиз) йил эди. Элхондан кейин катта ўғли Аба Қоон (Абақохон) подшолик тахтига ўтирди. Вилоятларга кўп мухоробалар олиб бориб ўн етти йил муддатида салтанат қилиб, олти юз саксанинчи хижрий йилида вафот этди.

Никўдор бин Холокухон подшолиги зикри.

Мусулмон бўлган эди. Унинг номини Султон Аҳмад деб атадилар. Холокухон ва Абақохон бир Холокухон даврида уларнинг давлати чегараси Амуя қирғоғидан то Шом вилоятигача эди. Ҳамма жойлардаги бутхоналарни вайрон қилиб, унинг ўрнига масжидлар бино қилди. Ҳар йил Бағдоддан вақф ва солиқларни йиғим, юбориб туришни буюрган эди. Унинг бародари Қинқур ўғлонни

Авомга юбориб, шариат учун разо қиларди. Бошқа бародари Арғун Аҳмаднинг мусулмон бўлишидан хурсанд эмас эди. Охири Султон Аҳмадни ушлаб олиб, қатл қилди. Арғунхон унинг жойига подшо бўлди. Аҳмаднинг подшолик салтанати уч йилдир.

Арғунхон бин Аҳақохон бин Холоқуҳон
подшолигининг зикри.

Золим подшолардан эди. Мусулмонларни девон ишларига қабул қилмас эди. Бужурдики хонайи Каабани бутхона қилсунлар. Ҳамиша мусулмонлар билан муҳолифатда эди. Етти йил подшолик қилиб, олти юз тўқсанинчи ҳижрий йилида вафот этди.

Кайхтун бин Абақохон бини
Холоқунхон жулуси зикри.

Кеча кундуз шароб, хамр ва қуллар суҳбати билан машғул эди. Олти юз тўқсан тўртинчи ҳижрий йилида, Кайхтунни ўлдирадилар, унинг ўрнига бародари Бояду бин Абақоонни салтанат тахтига ўтказадилар. Олти ойдан кейин уни ҳам қатл қилдилар.

Ғозонхон бин Арғунхон бин Абақоон
бин Холоқуҳон зикри.

Ғозонхонни салтанат тахтига Ҳамадонда ўтказдилар. Ғозонхон мусулмон бўлган эди. Унинг номини Султон Махмуд қўйдилар. Шариат қоидаларини жорий қилдирди. Миср ва Шом вилоятидаги амаролар (муғул амалдорлари) Ғозонхонни мусулмон бўлганини эшитиб, ундан юз ўғирдилар. Ғозонхон буни эшитиб лашкар тортиб Мисрға борди. Уларни бўйсундириб, Шом вилоятига азм қилиб у вилоятни ҳам бедин бўйин товлочилардан тозалади. Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва саллам динини ривожлантириб, масжид ва мадрасаларни обод қилди. Етти юз учинчи ҳижрий йилида вафот этди.

Муҳаммад Худобандо бин Арғунхон бин
Абақохон бин Холоқуҳон подшолиги зикри.

Ўзининг отаси Ғозонхоннинг салтанат тахтига ўтирди. Шом вилоятидан то Амуя соҳилларигача Қирмондан то Қипчоқ ва Олон, Урус ва Болғор, Мовароуннаҳр, Хитой, Хоразм то Ботухон юртигача ва бошқа Чингизхон юртларигача унга қарар эди. Султония шахрини бино қилди. Айтадиларки, Султон Муҳаммад

Худовандики унинг асли номи Улжайтухон эди, ўн уч йил салтанат қилиб, етти юз ўн олтинчи хижрий йилида ўттиз олти ёшида вафот қилди. Султонияда мадфун қилинди. У подшодан ҳикмат қиладиларки, бир куни Имом фахр Розий раҳматулло алайҳидан сўрадики Шиа нима? Имом айтдилар, мазҳабдурки сиз ихтиёр қилгансиз. Султон Муҳаммад айтди, мўъмин Мувоҳҳид¹ қайсидир? Имом дедиларки, Суннат аҳли ва жамоат ки Ҳазрат Расул саллоллоҳу алайҳи ва саллам унинг пайрави, Аллоҳ таолонинг ҳамма дини ризвонларига бутун аҳли суннат имон келтиради. Султон дарҳол Шиа мазҳабидан қайтиб, суннат ва жамоат аҳлига кирди.

Абу Саид ибн Султон Муҳаммад

Худобандо подшолиги зикри.

Етти юз ўн олти хижрий йилида амир Чўпон ёрдами билан салтанат тахтига жулус қилди. У вақтда Абу Саид жуда ёш бола бўлгани учун мамлакатни идора қилиш амир Чўпон қўлига ўтди. Амир Чўпон бутун вилоятларга ўз авлодларини ҳоким қилиб қўйган эди. Абу Саид салтанатидаги бутун имон-ихтиёр амир Чўпон авлодлари қўлига ўтган эди. Абу Саид бир қанча вақт ўтгандан кейин Амир Чўпон авлодларини мамлакатни идора қилиш ишларидан четлаштира бошлайди. Етти юз ўттиз олтинчи хижрий йилда Абу Саид Баҳодурхон оғир касалликка (ба марази саъб) гирифтор бўлиб, вафот этди. Ўн уч ёшига салтанат тахтига чиқиб йигирма йил подшолик қилиб, ўттиз уч йил умр кўрди.

Арпахон бу Саид Султон подшолиги зикри.

Абу Саиддан авлод қолмагани учун Чингизхон авлодидан бўлган Арпахон бў Саидни подшо қилиб кўтардилар. Бир йилдан кейин уни ўлдириб, Тоғай Темурхонни подшо қилдилар. Бир қанча вақт ўтгандан кейин уни ҳам ўлдириб Сулаймон шоҳни (Холоқухон авлодидан)хон қилиб кўтардилар. Лекин у қобилиятсиз бўлгани учун салтанатни идора қилишни амир Чўпон авлодлари ўз қўлларига олдилар. Етти юз саксон тўртинчи хижрий йилида Эрон, Шом вилоятида, Мисрда танглик ва бебошлик (харажу-марож) вужудга келди, ки хунрезлик

¹.Мувоҳҳид - худони танҳо ва яққи деб билувчи киши, ягона худога эътиқодманд киши

авж олиб кетди. Ҳар бир вилоятдаги амирлар ўзаро жанжалларни келтириб чиқарар, марказий ҳукуматга итоат қилмасликка ҳаракат қилар эдилар.

СОҲИБ ҚИРОН АМИР ТЕМУР ТУРАҒАЙ ДОСТОНИ

Бин амир Тўкол нуён, бин амир Шангир нуён, бин амир Абужал нуён, бир амир Қоражор нуён, бин амир Сугончегин ибн Қочқули баҳодир бин Тумнаҳон бин Бойсунғор бин Кайжухон, бин Юкаон, юз Бағирхон, алло накўхон, Барлос қабиласидандир.

Амир Темур етти юз ўттиз иккинчи¹ хижрий йилда туғилади. Уша вақтда Султон Абу Саидхон вафот этган эди.

Амир Темур сешанба кечаси йигирма бешинчи шаъбонда Кабталхазрат мавзуининг Кеш вилоятида таваллуд топади. Мовароуннаҳрда Чигатой авлодлари Ғазонхон ҳукмронлик қилар эди. Амир Соҳибқирон ўн икки ёшидан давлат хизматларида бўлиб, кишвар-кашонликка қадам қўйиб, йигирма тўрт ёшигача кўп ранжу-машаққатлар чекди. Жангларда гоҳи ғолиб, гоҳида мағлуб бўлиб, ўттиз беш ёшида яъни етти юз етмиш биринчи хижрий йилида салтанатга жулус қилиб, ўттиз олти йил салтанат қилиб, аксар жойларни ўз тасарруфига киритиб етмиш икки йил бир ой ўн саккиз кун умр кўриб, саккиз юз еттинчи хижрий йилда Туркистоннинг Ўтрор мавзуида фони оламни тарк қилди. Унинг жасадини Самарқандга келтириб дафн қилдилар. Ўттиз олти фарзанд ва набера ва эвара (наберазода) ундан ёдгорлик қолган эди. Мирзо Пир Муҳаммад бин Мирзо Жаҳонгирни валиаҳд қилган эди. У ўша вақтда Ғазна тахтига ўтирган эди. Масофанинг узоқлиги (аз жиҳати бад масофат) давлат амалдорлари шахзода Мирзо Ҳалил Султон ибн Мирзо Мироншоҳ ибн Амир Темурни тахтга ўтказдилар.

Келтирадиларки, амир Темур Қўрагон подшолиги

1. Мирзо Салимбек амир Темурнинг туғилган йилини 732 хижрий йил деб нотўғри ёзган. Амир Темурнинг мучал йили сичқон бўлиб, Сичқон йили 735 йилга тўғри келади. (Темур чоршанба кечаси шаъбон ойининг 25 кун сичқон йилида 735 йилда туғилган). Мирзо Салимбек қўйироқда бир рубойида унинг 735 хижрий йилда туғилганлиги ҳақида ёзган.

замонида яшаган машоихлар, уламо ва фузалолардан Саид мир Барака, амир Саид Али Хамадоний ва уламолардан Саид ал дин Тафтазаний, мир Саид Шариф Журжоний, ва шоирлардан Хожа Исматулло Бухорий, Бавоти Самарқандий, мавлоно Лутфулло Нишопурий, уларнинг ҳар бири Соҳибқирон вафоти ҳақида тарих ёзганлар.

Салимий китобида бундай тарихлардан қуйидаги айрим намуналар келтирилган:

Сулгон Темур ки чарх¹ ро дил хун кард,
Ва эи хуни адў² рўйи замин гулгун кард.
Дар ҳафтаи шаъбон сўйи иллийн³ тохт,
Фи алҳол⁴ зи ризвон⁵ сару-по⁶ берун кард.

Мазмуни:

Султон Темур дунёни дилхун қилди,
Ва душманларнинг қони билан ер юзини
гулгун қилди.
Ўн еттинчи шаъбон ойида баланд даражали
баҳиштга равона бўлди.
Хурсандлигидан дарҳол ўзининг либосини
(хилъат) хирож қилди.

Бошқаси айтганки:

Шаҳаншоҳе, ки мавоиши баҳишт жавидон омад,
Видоъ⁷ шаҳриёни кард, тарихаш ҳамон омад.

Мазмуни:

Шаҳаншоҳнинг саҳомандлиги учун бихиштга
Сазовор бўлди,
Шаҳриёр дунёдан хайру-хуш қилган заҳоти дарров
унинг тарихи намоён бўлди.

1. Чар - фалак, осмон, дунё.

2. Адў (адув) - душман, бадхоҳ.

3. Иллийн - жаннатнинг энг юқори даражаси.

4. Филҳол (филҳол) - тез, фаврон, зидлик билан.

5. Ризвон - ҳушудлик, хурсандлик, қизомандлик. 2. Бихишт.

6. Сару-по - либос (хилъат) чопон, камарбанд ва дасторларни подшоҳлар бирор нишига ҳадя қилар эди.

7. Видоъ - жудалик, хайру-хуш.

“Тарихаш ҳамон омад” абжад ҳисобида, амир Темурнинг вафот этган йили тарихи чиқади. Н.Й.).

Бошқа тарихда куйидаги рубойни кўрамир.

Султон Темур, ки мисли ў шоҳ набуд,

Дар ҳафт саду си панҷ омад ба сужуд.

Дар ҳафт саду ҳафтоду як кард хуруҷ,

Дар ҳаштсаду ҳафт кард олам падруд.¹

Мазмуни:

Султон Темур унингдек шоҳ ўтмаган эди.

Етти юз ўттиз бешда дунёга келган эди.

Етти юз етмиш бирда қилди хуруж,

Саккиз юз еттида оламини қилди падруд.

Айтадилар ки, амир Темур вафотидан кейин ўттиз олти нафар ўғил, неvara ва ўн етти қиз ва қиз неvara ҳаёт эдилар. Айтадилар ки, амир Темур Соҳибқироннинг асли туғилган жойи Кеш вилояти эди. Етти юз саксон тўртинчи хижрий йилида Оқсарой қасрини қурдирган эди. Ҳозир у иморатдан намуналар сақланган, унинг кўк пештоқи ва гумбазлари баланд бўлиб, фалакиётга етар эди. Бир минг уч юз биринчи хижрий йилида бу ажойиб гўзал пештоқнинг тўртдан икки қисми ҳам қолмаган.²

Мирзо Мироншоҳ ибн Амир Темур отасининг вафотидан кейин етти йил ўтгач, Ажам ва Ироқ вилоятларида подшолик қилиб, ўттиз беш ёшида Қора Юсуф Туркман кўлида шаҳид бўлди.

Мирзо Халил ибн Мироншоҳ ўша вақтда Самарқанд тахтига ўтирган эди. Отасининг ўлиmidан бир йил ўтгач беандеша амалдорлар уни зиндонга қамаб кўядилар.

Шоҳруҳ Мирзо ибн амир Темур ки Ҳирот ва Хуросонда подшо эди, бу хабарни эшитиб, лашкар билан Самарқандга келиб, Мирзо Халилни зиндондан озод қилади. Ўзининг ўғли Мирзо Уллубекни Самарқанд тахтига ўтказиб, Мирзо Халилни Рай вилоятига ҳоким қилиб Тайинлайди.

1. Падруд (Пидруд, бадруд) - дунёни тарқ қилиш, жудалик.

Падруд қардан - оламини тарқ қилиш, вафот этиш.

2. 1868 Милод йилида Россия Бухоро амирлигини ўз тасарруфига олгандан кейин, кўпгина архитектура обидалари қаровсиз ҳолга, шу жумладан Оқсарой ҳам вайроналик ҳолига тушиб қолади. (1883-1884 исобий йилда).

Етти йил ҳукмронлик қилгандан сўнг Мирзо Халил йигирма саккиз ёшида оламини падруд қилади.

ШАХРУҲ МИРЗО ИБН АМИР ТЕМУР КЎРАГОН ПОДШОЛИГИ.

Етти юз етмиш тўққизинчи ҳижрий йилида туғилади. Йигирма бир ёшида амир Темур уни бутун Хуросонда подшо қилиб тайинлайди. Отаси вақтида етти йил Хуросонда подшолик қилди. Отасининг вафотидан кейин қирқ уч йил Эрон, Хуросон ва қисман Турон мулкида подшолик қилди. Етмиш бир йил умр кўриб Рай вилоятида вафот этиб, уни жасадини Самарқандга олиб келдилар ва отаси ёнида дафн қилинди.

Мирзо Улуғбек ибн Шохрух мирзо ибн амир Темур Кўрагон подшолиги зикри.

Унинг туғилиш тарихи етти юз тўқсан еттинчи ҳижрий эди. Афтогуннинг донишндлигини ўзида мужассамлаштириб, адолатда Нуширвондек эди. Шижоат ва сахийликда Хотами Тойни назарда тутиб саккиз юз ўн иккинчи ҳижрий йилида Самарқанд тахтини эгаллади. Саккиз юз йигирма саккизинчи ҳижрий йилгача Бухоро ва Самарқандда мадраса бино қилиб, уни номи билан аталди. Самарқандда расадхона биносини қурдирди ки, ҳеч ким ундан олдин ва ундан кейин ҳам бундай расадхонани бино қилмаган эди. “Зичи Кўрагони” деб аталган нужум илмига доир асар ёзди ки, бутун нужум аҳли шу асарга амал қилганлар.

У номдор подшоҳни ўзининг бадкирдор фанзанди Мирзо Абду Латиф фармони билан саккиз юз эллик учинчи ҳижрий йилида ёмон киши бўлган Аббос қўлида шаҳодат шарбатини ичди.

Унинг тарихи: Улуғбек,ки сочид¹ улум ва ҳукм
Ки дини набиро аз ў буд пушт²
Зи Аббос шаҳиди шаҳодат чашид
Аз он гашт тарих Аббос кушт.

Мазмуни: Улуғбек илму ҳукм Саждагоҳи эди,

Пайғамбарнинг динини у ҳомийси такягоҳи эди.

1. Соҷид - ҳукм, амр ва фармон.

2. Пушт - такягоҳ, паноҳ.

Аббос шаҳид қилиб, шаҳодат шарбатини ичирди.

“Аббос кушт” деган сўз тарих эди.

Келтирадиларки, Мирзо Абду Латиф отасининг ўрнига Самарқандда подшо бўлгандан кейин, олти ой ўтгандан кейин Мирзо Улуғбек мулозимларидан Бобо Хусейн уни ўлдирди. Шунинг учун Мирзо Абду Латифнинг ўлимининг тарихи “Бобо Хусейн кушт” бўлди.

Абу Саид Султон ибн Мирзо Мироншоҳ

подшолиги зикри.

Хўжа Абдулло раҳматуллоҳи алайҳи иноятти билан Абу Саид Самарқанд салтанат тахтига ўтирди. Бу воқеа саккиз юз эллик саккизинчи ҳижрий йилида содир бўлган эди. Ироқ ва Озарбойжонгача бўлган жойларни ўз тасарруфига киритди. Ун саккиз йил подшолик қилиб саккиз юз етмиш учинчи ҳижрийда Гавҳаршод бегим қасосини олиш мақсадида Мирзо Ёдгор Муҳаммад (Шоҳрух мирзонинг набираси) Абу Саид Мирзони ўлдириб, Хирот тахтига подшо бўлди. Ундан бир йил ўтгач Султон Хусайн Мирзо унга хуруж қилиб, Мирзо Ёдгорни қатл қилиб, салтанат тахтига соҳиб бўлди.

Султон Аҳмад Мирзо ибн Султон Абу

Саид Мирзо подшолиги зикри.

Самарқандда салтанат тахтини эгаллаб ўттиз олти йил подшолик қилди. Саккиз юз тўқсон тўртинчи ҳижрийда вафот этди.

Султон Хусайн Мирзо ибн Мирзо Мансур ибн Мирзо Иншолдин ибн Мирзо Бойқаро бин мирзо Умаршайх бин Амир Темур саккиз юз етмиш учинчи ҳижрий йилида Султон Абу Саид Мирзо вафотидан кейин Хирот тахтига Хусайн Бойқаро жулус қилиб, сикқа ва хутбани ўшанинг номига атадилар. Ўттиз саккиз йил салтанат қилиб, етмиш йил умр кўрди. Муҳаммад Шайбонихон лашкар тортиб Хуросонга келаётганда, унга қарши қўшин билан бораётганда Бобо илоҳи деган мавзуда аҳволи оғирлашиб, ўша жойда вафот этди. Хиротнинг Жомеъ мадрасасида дафн қилинди.

Султон Хусайн Мирзо даврида Хирот олимлар, фозиллар ва шуаролар жамоасини тўпланган жойи эди. Хар бир вилоятда ҳам бу уч гуруҳ жамоаси Султоннинг илтифотларини эшитиб ўн минг уламо ва шоирлар жам

бўлиб Хиротга келиб, Султон Хусайннинг эхсон ва мукофот ва илтифотларидан шодком бўлар эдилар. Аксар тафсир ва тарих ҳақидаги ажойиб китоблар ўша жойда яъни Хиротда вужудга келган эди. Кўпгина Султон саройида ишлайдиган номдор амалдорлар аҳли фозил ва камолот эгалари эдилар.

АЛИШЕР НАВОИЙ - Султон Хусайн саройида кўп йиллар назорат ишларини бошқаради. Ҳамиша шоирларнинг мажлиси ва суҳбатларида қатнашар эди. Хирот шаҳрида кўп китоблар тасниф қилди. Айниқса, Навоийнинг девонлари тўпламлари, “Ҳамса” туркча, “Мажолиус ал нафоис” турки, “Махбубул қулуб” турки ва бир неча араб ва форс тилларида асарлар ёзди. Олтмиш икки йил умр кўриб тўққиз юз олти ҳижрий йилда вафот этди. Ўзи бино қилган Хиротдаги Масҷиди жомеъ ёнида дафн қилинди.

ЎЗБЕК ПОДШОЛАРИ БАЕНИ

Уларнинг аввали Абулхайрхон ибни Давлат Шайх ўғлон бўлиб унинг авлодлари Чингизхонга бориб тегади. Мир Саид подшога Дашти Қипчоқ, Хоразм ва Туркистон чегараларигача бўлган жойлар қарар эди. У мусулмон бўлиб, ўнта ўғли бор эди. Уларнинг каттаси Шоҳ будоғ эди. Бир неча вақт отасининг ўрнида подшо бўлган эди. Тўққиз юз олтинчи (1500 исовий) йилда отасининг ўрнига Муҳаммад Шайбоний подшолик тахтини эгаллайди. Мамлакатларни истело қилиш фикрида ўзбекия ва қозоқ улусларидан жуда кўп лашкар тўплаб Самарқанд вилоятидаги Султон Абу Саид фарзандлари кўлидаги подшоликни олиб, бир неча вақтдан кейин Балхни Мирзо Бадиуззамон бин Султон Хусайн мирзо тасарруфидан олиб, ўзбекия сипоҳлари Балхни талон-тарож қилиб, бу шаҳарни хароб қилдилар. Хиротни олиб, бутун Хуросонни ўзининг тасарруфига киритди. Ўша вақтда шоҳ Исмоил Сафавий хуруж қилиб, Эрон вилоятини мусоҳара қилиб, Исфохонни ўзининг пойтахтига айлантирган эди. Муҳаммад Шайбонийхон Шоҳ Исмоилга элчи юборди, ки ободончилик йўлида ў аҳлини суннат мазҳабига киргизсин, Ши мазҳабидан қайтсин. Шоҳ Исмоил дарғазаб бўлиб кўп

лашкар олиб кишвар кушойилик оҳангини қилиб Марв вилоятига келди Шайбонийхон бешумор лашкар билан унинг истикболига, Марвга келиб, кўп урушлардан сўнг Шайбонийхон мағлуб бўлиб, тўққиз юз ўн олтинчи ҳижрий йилида қизил бошлар лашкарлари қўлида шахид бўлди. Темур Султон Шайбонийхоннинг ўғли бир неча кун отасининг ўрнига тахтга ўтирди, лекин жуда ёш эди, натижасида Убайдуллохон бин Маҳмуд Султон бин Шох Будор Султон ибни Абулхайрхон ки Муҳаммад Шайбонийнинг укаси Маҳмудхоннинг ўғли эди, тўққиз юз ўн олтинчи ҳижрий (1510-1511) йилида Самарқанд тахтига ўтирди. Тўққиз юз ўн саккизинчи ҳижрий йилида Бухорои Шарифни Мирзо Бобир қўлидан олиб, ўзининг пойтахтини ўша ерга кўчирди. Убайдуллохонни ўзбек қавми ва бутун авлодлари Тошқанд ва Туркистонда эдилар. Убайдуллохон томонидан Бухорои Шарифни истело қилинганини эшитиб Сирдарёдан ўтиб Убайдуллохон хизматига келадилар.

Хон Кармина ва Миёнкол вилоятларини ўзининг амакиси Жонибек Султонга, Самарқандни бошқа амакиси Кунчкунжи Султонга берди. Ҳар бир вилоятга ўзининг номдор авлодларидан ҳоким қилиб қўйди. Ҳаммани адолат билан додларига етиб мамлакатни идора қилди. Убайдулло Самарқандга бориб, у ерда мавлоно Хўжайи Косони маҳдуми Аъзам номи билан машхур қудси олло сиралазизга мурид бўлди. (Иродат овард), аъло мартабага эришди. Шу вақтда Шох Исмоил Сафовийнинг вазири Нажми Соғий кўп лашкар билан Амударёдан ўтиб, то Ҳайробод Жондорғача келди, уни Убайдуллохон эшитиб катта лашкар билан келиб, эронийларни мағлуб қилди.

Келтирадиларки, Абдулло Ямани лақаби Мири Араб Туркистон вилоятида эдилар. Убайдуллохоннинг илтимоси билан Бухорои Шариф вилоятига келдилар. Тўқиз юз қирқ учинчи (943) ҳижрий (1536-1537 исовий) йилида Бухорои Шарифнинг масжиди Калоннинг шарқий томонидан катта мадраса бино қилдилар. Унинг тариф таснифидан тил ожиздир (қосур аст).

Айтадиларки, Убайдуллохон ўттиз саккиз йил подшолик қилиб Мовароуннаҳрдан то Балху, Хуросонгача ерларни ишғол қилган эди. Подшолик даврида бир амакиси Жонибек Султон Кармана ва Миёнкол вилоятларида

хукмрон эди. Жонибек Султоннинг ўгли Кистон Қора Султонни Балх вилоятига воли қилиб тайинлади. Бошқа амакиси Кўчкунчи султонни Самарқанд вилоятига ҳоким қилган эди. Убайдуллохоннинг ҳаёти аёмида ҳеч бир амакилар ва унинг ўғиллари унинг олиб борган сиёсатига қарши турмадилар, улар орасида низолар бўлмади, аксинча уларнинг ҳаммалари Убайдуллохоннинг фармонбардори эдилар. Тўққиз юз қирқ тўртинчи (944) ҳижрий йилда Убайдуллохон вафот этди.

Абдулазизхон бин Убайдуллохоннинг

подшолиги зикри.

Номдор отасидан сўнгра Бухоро салтанати тахтига ўтиради. Хазиначарни очиб ҳаммага инъомлар берди. Тўққиз юз эллик биринчи ҳижрий (1544-1545 исовий) йилида Ҳазрат Баҳоуддин саҳнининг шимол тарафида икки ашёлик (қаватлик) хонақо қурдирди. Хўжа Ҳасан Нисори Хонақоҳнинг қурилишини битиши билан назм келтирди:

Хисрави олий гуҳар Абдулазиз,
Соҳт ин оли бинои райбу шак
Ҳаст нўҳ тоқи фалак дар жаннати ў,
Баст чун куйи замин зери фалак.
Лафзи маъни шуд тарихи ў
Соли ҳижрат нўсаду панчохи як.

Мазмуни: Олий гавҳаршоҳ Абдулазиз шак-шубҳасиз

Бу олий бинони қурди. Бу жаннат маконда фалакка кўтарилган тўққизта тоқ (гумбаз) бўлиб, бу бино осмони фалак остидаги ер юзини паноҳгоҳи бўлиб, унинг қурилиш тарихи “Лафзу маъни” яъни ҳижрий йилининг 951 йилидадир. Шайх Жалол дарвозаси ёнида подшо Абдулазизхон томонидан Ҳазрат Шайх Жалол шарафига ҳашаматли, кўп гумбазли жонақо бино қилади.

Мирзо Боқи валади Мир Али тарих китобида қуйидагича назм қилган эди:

Ҳоқони рўзгар дар ин манзили Шариф,
Аз рўйи сидк мўъмин хайре бино ниҳод.
Чашми зи пир ақлу зи этимоми бониш
Абдулазизхон замонаш жавоб дод.

Мазмуни: Дунё ҳоқони бу шариф манзилга

Садақаи Мўъмин юзасидан хайр йўлида

бино қурди.
Пирнинг кўзи ўлчови ва бинокорнинг ақл
эътимоми билан,
Абдулазизхон замони жавоб берди.

Олишаъон (олийшон) шавкатли, олиймақом хон Абдулазизхон Шайх Жалолиддинга мурид бўлиб, Ҳазрат Шайх шарафларига Шайх Жалол дарвозаси номи билан аталадиган шаҳар дарвозаси ёнида хонақоҳ бино қилди. Бу қасрнинг устида сабз (кўк) гунбад (гумбаз) қилиб, тамир қилишни буюрди ки, унинг тарифидан ақл ожиз эди. Бир минг уч юз ўн бешинчи ҳижрий йилда у гумбаз йиқилди, ўша вақтдаги усталар у гумбазни қайтадан таъмир қилишга ожиз бўлиб, у хонақоҳ кейинги йилларда қаровсизлик натижасида батомом йиқилиб кетди.¹

Келтирадилар ки, Абдулазиз вафотидан кейин Қора Султон тўққиз юз эллик бешинчи ҳижрий йилида Балх вилоятига бориб у ерда яшовчиларни навозиш қилиб, уларга эҳсонлар берди ва ўша йилда Шайх Жалолиддин раҳматуллои алайхи вафот этдилар. Шу йили Бухоройи Шариф шаҳри ичидаги моғоқи аттори масҷидига иморат буюрдикки, ҳозир бир мингу уч юз ўттиз биринчи ҳижрий (1913-1914) йилда ҳам у иморат турибди. (ҳозир ҳам сақланган).

Абдулазизхон ўн тўрт (14) йил подшолик қилди, қирқ (40) йил умр кўриб, тўққиз юз эллик саккизинчи (958) ҳижрий йилида вафот этди. Тошкентда ҳоким бўлган Абдулазизхоннинг биродари Муҳаммад Раҳим Султон ўзининг акасини ўлимини эшитиб, Бухорога қараб йўл олади. Йўлда вафот этади. Унинг ўғли Бурҳонхон эшитиб Тошкентдан Бухорога етиб келади. Абдулазизхон тахтига ўтиради. Бебоклик натижасида сипоҳилар ва фуқаро аҳволи ёмонлаша борди, унинг зулми ҳаддан ошаверди. Сипо ва раия огир аҳволда қолди. Убайдуллохон ўзининг амакиси Жонибек Султон бин Абдулхайрхонни Кармана ва Миёнкол вилоятларига ҳоким қилиб юборган эди. Тўққиз юз ўттиз бешинчи ҳижрий йилида вафот этди. Унинг

1. Рус зағъмурлари 1311 (1893-1894) йиллар шайх Жалол дарвозаси ёнида почта, телеграф, касалхона каби бинолар қуриб, бу ажойиб архитектура ёдгорлигини йиқитиб, унинг ғиштларидан айрим бинолар учун фойдаланган эдилар.
(Ҳозир вилоят касалхонаси)

ўрнига Искандархон бин Жонибек Султон Кармана вилоятига ҳукмрон бўлди. Искандархоннинг тўрт ўғли бор эди. Уларнинг каттаси Абдуллохон эди. Янги Кўрғон, Қарчиғай ва Ҳазора қасабаларида ҳоким эди. Қирқ нафар мулозими бўлиб ҳар куни уларни бир нафарини Ҳазора кўрғонида қолдириб, бошқалар Абдуллохон билан бирга шикорга кетар эдилар. Бир кун навбатчиликда унинг мулозимларидан Кўкалдош исмли киши қолади. Кўкалдош Абдуллохоннинг овга бориши билан ўзича ўйладики, Абдуллохоннинг хизматини қиламан, шу бугун имтиҳон қилайчи, Абдуллохоннинг қўлидан бир иш келадими ё йўқ. Шомга яқин Абдуллохоннинг ордан келишидан сал олдинроқ ўз либосларини ечиб, бир отни анжомсиз, эгарсиз миниб, шамширни қўлига олиб, Абдуллохон ва унинг мулозимларини йўлини тўсади. Абдуллохон ва унинг шериклари шикордан чарчаб, қоринлари оч қолиб келган эдилар. Қулбобо Кўкалдошнинг бу аҳволда кўриб ҳайрон бўлдилар. Узоқ туриб савол сўрадилар, Кўкалдош гапирмасдан уларга қараб шамширни ўқтаб, уларни қувлар эди. Абдуллохон ва шериклари ҳар тарафга қараб қоча бошлайдилар. Ҳар чанд балад овоз билан айтдиларки, бизлар чарчаганмиз, бунинг устига қоринларимиз оч, бундай ҳазилни қўй деб айтдилар. Лекин Қулбобо уларга қаттиқ гапириб, уларни орқасидан шамшир билан қувлар эди. Улар аҳволи танг бўлиб, айтдилар ки, Кўкалдош Қулбобони дев урган, шу боис жинни бўлган. Уни фақат ўлдириш керак, деган қарорга келдилар. Камон ўқи билан уни ўлдирмоқчи бўлдилар. Аммо Кўкалдош Қулбобо отнинг бошини Кўрғонга қараб бурди, Кўрғонга кириб, улар келганча кийимларини кийиб, Абдуллохон истиқболига чиқади. Абдуллохонга салом берди. Абдуллохон сўрадиларки нима учун бизларни мунча саргардон қилдинг? Айтди аввал таом ундан кейин калом. Таомни еб бўлганларидан кейин Кўкалдош Қулбобо айтди. Эй шахзода, сен салотин (султон) авлодидандирсан. Сенинг отанг Искандархон Кармина вилоятидаги раият аҳволидан ҳамма вақт хабардордирлар, сен эса кеча-кундуз шикорга бориш билан машғулдирсан. Бухорода Бурхонхон зулми кундан-кунга авж олмоқда. Шунинг учун фикр қилдим ки, бир девоналик қилиб, сени имтиҳон қилай деб, сени қирқ (40) нафар мулозиминг бор ки, уларнинг ҳар

бири Рустами Достондан кам эмас.Менинг Девоналигимдан ҳамма кўрқиб Кўрғонга кириб билмадилар. Агар бизлар ҳаммамиз кирқ нафар, шу тариқа девоналик қилсак Бухоройи Шарифнинг Бурҳон қўлидан халос қилиб, бечора бухоролик фуқароларни унинг зулмидан халос этамиз. Абдуллохон унинг тадбирига офарин деди ва айтди, Агар сенинг бу тадбиринг амалга ошмасачи? Ҳар бир диёр ва балда (вилоят) Бурҳонхон сиёсатидан норозидирлар. У ерда яъни Бухоройи Шарифда Комили Иршод, муноққахот Хўжа Муҳаммад Ислон Жўйборий борлар. У бузруквор бу ишда сенга ёрдамлари тегади.

Қулбобо Кўкалдош айтди, мен сени танҳо бузруквор хизматига етказаман. Ўша кеча хоннинг ҳамролигида савора бўлиб, намози бомдодга Қоракўл дарвозасидан кириб Жўйбори Хўжа хизматларига мушарраф бўлдилар. Бузруквор Хўжа, Абдуллохонга илтифот кўрсатиб, унинг белига унинг камарини боғлаб унга оқ фотиҳа бердилар. Ундан кейин Абдуллохон Ҳазорага бориб, қурол ва асбобларини тахлаб сурон солиб Бухоро дарвозасидан кирдилар. Бухоро халқи уни келиши Олийнинг (худонинг) карами деб билиб, бирдан Бухоро Аркига келиб Бурҳон золимни ушлаб олиб қатл қилдилар. Абдуллохонни юқорига чиқарадилар. Бухоро вилояти Абдуллохонни подшо кўтаришга қарор қилди. Абдуллохон ўзининг отаси Искандархонни Карманадан келтириб Бухоро тахтига ўтказди. Ўзи эса бошқа жойларни итоат қилдириш учун кишвар кушойи (бошқа мамлакатларни истело қилиш) билан шуғулланди. Мовароуннаҳр, Туркистон, Қашғар ва дашти Қипчоқни истело қилиб Эрон Шоҳи Шоҳ Аббос бин шо Тамоасб билан жанг қилиб, Хуросонни батамом то Оқсой кўпругигача бўлган жойларни ўзининг тасарруфига киритди.Тоғнинг Устида Соҳибқирон амир Темур тошдан мивора ясаган эдилар. Абдуллохон ҳам унинг ёнида минора ясаб ўз номини у ерда ёздириб қўйди. Истело қилган узок ва яқин вилоятларда савдо йўлини хавфсизлигини таъминлаш билан бир вақтда савдо йўллари устида сардобалар ва работлар бино қилди. Ўзининг йигирма олти йиллик подшолик даврида бир минг сардоба ва работлар барпо қилди. Искандархон касаллиги ва жуда қариб

1. Муноққах - Айбу нуқс ва номағруб суҳбатлардан пок қилинган.

қолганлиги сабабли ҳеч жойга бормасдан Бухоро шаҳридаги Аркка подшолик ишларини бажариб, ўзининг ўғли Абдуллохонни дуо қилиб ўтирар эди. Искандархон йигирма олти йил подшоликдан кейин вафот этди. Абдуллохон ўша вақтда Мозандаронга борган эди. Пирмуҳаммадхон Искандархоннинг буродари Балх волийси эди. Ўзининг биродарини вафотини эшитиб, Балх ва Бадахшон лашкарини жамлаб, Бухорога келмоқчи эди. Мовароуннаҳр бузурглари Пирмуҳаммадхонни келишини эшитиб, Сулх қилдилар ки, хон Балхда туриб хутба ва сикка унинг номида бўлсин, деб айтдилар. Абдуллохон Отасининг мусибати хабарини эшитиб, Мозандарондан келиб Бухоро салтанат тахтига ўтирди. Бинобарин амакиси Пирмуҳаммадхонни бундай хатти-ҳаракатидан газабланмади ва Балхга даҳл қилмади. Абдуллохон ўн тўрт йил Бухоронинг салтанат тахтига ўтириб подшолик қилди. Ҳамиша мадраса ва хонақоҳларни таъмири ва сардобалар қуриш билаш машғул бўлди, вилоятларни обод қилди. Абдуллохоннинг ҳукумат ва шоҳлик муддати қирқ йил эди. Ҳазрат Қосими шайх Қудси Сирот хонақосини Кармина вилоятида таъмир қилди. У олий шон-шавқатли хонлардан бўлиб, (966) тўққиз юз олтмиш олтинчи хижрий йилида яъни Ҳазрат бузруквор ҳаёти даврида мазкур бино (яъни хонақоҳ) бино бўлган эди. Пирмуҳаммадхон вафотидан кейин Балхга Пирмуҳаммадхоннинг ўғли Динмуҳаммадхонни волий қилиб тайинланди. Бу хабарни эшитиб, Абдуллохон Абдумўъминхонни яъни ўзининг ўғлини Балх волийси қилиб юборди. Динмуҳаммадхон беандешалик қилиб, Балх волийлигини бермасдан жангга машғул бўлди. Охири Абдумўъминхон қўлига тушиб, ўз бародарлари билан бирга Динмуҳаммадхонни қатл этди.

Келтирадилар ки, Абдуллохон Бухоро шаҳри чорсуйида уч иморати рофъе ва бир катта тим ва уч шаҳар дарвозаси тўққиз юз тўқсан хижрий (1582-1583 исовий) йилида бино қилди. Уларнинг номлари токи Сарофон, токи Китоб фурушон ва токи Заргарон бино қилиб, улар ҳақида Мушфиқи қуйидагича тарифлаган эди.

Хони гардуни сарир Абдулло
Золи Яздон халифати Ал раҳмон
Давлати ў ва ёди Фохираро
Соҳт хуштар зи равзай ризвон.

Чорсуйе бино намуд ки, шуд
Хаштум, хафт гунбази гардон
Мушфиқи Баҳри соли тарихаш
Зи дар қисми Чорсуи шоҳи жаҳон.

Мазмуни:

Фалак хонидек шоҳлик маснадига ўтирган Абдулло
Худонинг химоясидаги раҳм қилувчи халифа эди.
Унинг давлати Фоҳира деб аталган жойда
Жаннат боғи (равзайи ризвон) дан ҳам чиройли
иморатлар қурди, етти гумбазда.

Чорсу бино қилдики у бўлди саккизинчи айланма
Мушфиқи унинг тарих йилини чиқарди
Шу қисм бўлди Чорсуи шоҳи жаҳон.

Ундан кейин тўққиз юз тўқсанинчи (1582-1583
исовий) йилда Кармана вилоятида Кўҳак дарёсида кўприк
қурди. Шунингдек бошқа вилоятларда ҳам олий бино
қурди. Бир минг олтинчи (1006) ҳижрий (1598 исовий) йилда
фони оламни падруд қилди. Отасининг вафотини эшитиб
Абдулмўъминхон Балхдан Бухорога келиб, отасининг
тахтини эгаллади. Бухоро амалдорлари ва оқсоқоллари
Абдулмўъминхоннинг отасини яхши ишларини давом
этади деб умид қилган эдилар, уларнинг бу умидлари пучга
чиқди, натижада олти ой ўтгандан кейин Абдулмўъминни
Ўратепа йўлида қатл қилдилар.

Аштархонийлар подшолиги зикри.

Айтадилар ки, Абдулмўъмин вафотидан кейин
Шайбонийлар авлодидан бирор киши қолмаган эди ки,
подшо қилсинлар. Чингизхон авлодидан Пирмуҳаммадхон,
ўзи Аштархондан эди. У қавмидан қочиб ўғли Жонихон
ҳамролигида Бухорога келди. Искандархон уни яхши кутиб
олди ва ўзининг қизи Зухро хонимни Жонихонга никоҳлаб
берган эди. Жонихондан уч ўғил - Динмуҳаммадхон,
Боқимуҳаммадхон, Валимуҳаммадхон деганлар таваллуд
топдилар. Абдуллохон ўзининг хоҳарзода (синглисининг
болалари-жиянлари) ларини тарбият қилиб
Динмуҳаммадхонни Хуросондаги Нишопур вилоятига
ҳукумат қилиб юборди. Икки укаси ҳам Динмуҳаммадхон

билан бирга Нишопурга борган эдилар. Абдуллохон ва Абдулмўъминхон вафот этганларидан кейин Бухоро бузурглари Динмуҳаммадга киши юбордилар. Шу вақтда қизил бошлар икки подшонинг вафотини эшитиб, Хуросонга лашкар тортиб келиб жанг бошлаб юбордилар. Динмуҳаммадхон ноилож улар билан сулҳ тузиб, Бухорога равона бўлди. Аймақ жамоаси Динмуҳаммадхонни йўлда шаҳид қилдилар.

Икки шахзода - Боқимуҳаммад, Валимуҳаммад Бухорога етиб келдилар. Бухоро бузурглари уларни эҳтиром билан кутиб олиб, Боқимуҳаммадхонни тахтга ўтқаздилар. Валимуҳаммадхонни Балхга ҳукумат қилиб тайинланди. Ҳар икки бародар кишиларнинг арзу-додларига етиш билан машғул бўлиб, раият осойишталикка яшадилар. Бир минг ўн биринчи хижрий йилида Эрон волийси шоҳ Аббос ҳисобсиз лашкар билан келиб Марв, Андух, Шибирғон, Оқча каби вилоятларни фораг қилди. Валимуҳаммадхон бу хабарни ўз бародарига арз қилди.

Боқимуҳаммад бошқа жойлардаги лашкарларга хабар бермай, ўзининг қўл остидаги лашкар билан Амуя дарёсидан ўтиб бародарига ёрдамга келиб етишди.

Қизил бошлар Бобо Абдал мозори равзасига келиб мазор бошидаги дарахтни йиқитиб ёндирдилар. Ҳамма қорин оғриқ касалига мубтало бўлдилар. Жанг қилишга мажоллари қолмаган эди. Ислом розийлари қўлларига қиличларини олиб ҳаммани шамшер тивидан ўтқаздилар. Шоҳ Аббос қочиб Эронга борди. Боқимуҳаммадхон Бухорога қайтиб боради. Унинг замонида салтанат қуввати ривож топди. Боқимуҳаммадхон етти йил подшолик қилиб, эллик бир йил умр кўриб вафот этди.

Валимуҳаммадхон подшолиги зикри.

Акасининг вафотини эшитиб Балхдан Бухорога келади ва тахтга ўтиради. Ўзининг бародарзодалари (жиянлари) Имомқулихон бин Динмуҳаммадхонни Балхга ҳукумат қилиб юборади. Аммо Валимуҳаммадхон шароб ва аёлларга ружу қўйган эди. Бундан халқ дилгир бўлиб, Имомқулихонга ариза юбордилар. Имомқулихон Аллоҳнинг карамига такя қилиб, дарёдан ўтиб Бухорога

келиб, подшо бўлди. Валимуҳаммадхон умаронинг мухолифати деб билиб, ярим кечада чиқиб Эронга борди. Шох Аббос сони олдига бориб, шох уни эъзоз қилди ва саксан минг қизил бошларни унга ҳамро қилиб, Бухорога Имомқулихонга қарши жангга юборди. Бир минг ўн етти хижрий йилида қизил бошлар Ҳазрат Хожа Ҳошим алайҳи раҳматуллоҳи ало қутб яъни Талижа қасабасида¹ шикаст едилар, ҳаммаси шамширнинг домидан ўтказилди. Валимуҳаммадхон асир олиниб, қатл қилинди.

ИМОМ КУЛИХОН - Бир минг йигирма биринчи хижрий (1618-1619 ясовий) йилида қозоқ жанубидан ва Қарақалпоқдан кўп лашкар тўплаб Туркистон чегараларидан то Қоратонгача бўлган жойлардаги мухолифлар бўлган қозоқ ва қарақолпоқларни тобъе қилиб, қайтиб Фирузага келди, ўзининг ўғли Искандархонни Тошкентга ҳоким қилиб, қайтиб Бухорога йўлга чиқади. Шахзода уларга илтифот қилмади, Неъмат кофирлари шахзодани шаҳид қилдилар. Имом Кулихон бу хабарни эшитиб, Бухоро, Балх ва Бадахшон лашкарларини тўплаб бориб, пиру жувонларни аямасдан ҳаммага сазовор жазо берди. Имом Кулихон ўттиз олти йил подшолик қилди. Айтадилар ки, подшолардан икки киши ўз мамлакатининг осойишталиги учун жон фидо қилган. Уларнинг бири Султон Хусайн Мирзо замонида Хиротда ва яна бири Имом Кулихон замонида Бухорода. Ўттиз олти йил подшолик қилди. Икки марта қозоқ ва қалмоқларга лашкар тортиб, бошқа ҳамма вақт осойишталик ва фароғат билан умр кечирди. Ҳиндистон ва Истамбул ва узоқ-яқин мамлакатлардан элчилар пешкашлар билан келар эдилар. Имом Кулихон умрининг охириги йилларида кўз оғриғи касалига учради, табиблар шунчалик даволадилар, аммо иложи бўлмай, кўзи ожиз бўлиб қолди. Олийнишон хон ўзининг буродари Нодир Муҳаммадхонни Балхдан олиб келиб, уни ўзининг ўрнига подшо қилиб, ўзи эса Маккайи Мукаррамага хажга борди. Ҳаж адо бўлгандан кейин

1. Талижа тепалиғи ва қасабаси (қишлоғи) талипоч дарвозаси ташқарисиди, у ерда Ҳазрат Хожа Ҳошим қабри бўлиб, бу мазор зиёратгоҳлардан биридир. (қаранг. Н.Йўлдошев. Бухоро ва унинг атрофидаги авлиёлар тарихи. "Бухоро" нашриёти. 1993.)

Мадинайи Мунавварага бориб, олтмиш икки ёшида ўша жойда вафот этиб, Бокиъ¹ мазористонида мадфун бўлди.

Нодир Мухаммад Бин дин Мухаммадхон подшолиги зикри.

Манкуласт (ҳикоя қиладилар) ки, Шайбонийлар ва аштархоний подшолардан ҳеч ким давлатмангликка унингдек эмас эдилар. Мисол: олти юз қатор юк ташийдиган туялари яна етмиш минги чарахгоҳлар эди. Саксан минг қўй, улардан ташқари ҳар бир жинсдан жуда кўп ҳайвонлари бор эди. Яна унинг ашёлари ҳам ҳаддан ташқари кўп эди. Фақат норинжи ва фаранги баҳмалдан юз сандуқ эди. Бошқа нарсаларни шундан қиёс қилса бўлади. Балх вилоятида мадраса бино қилди. Бухорога подшо бўлгандан кейин Бухоро аҳлини назир ва инъомлар билан ўзига ром қилмоқчи бўлди, аммо кишиларнинг кўнгли унинг олиб борган сиёсатидан тўлмас эди. Икки ярим йиллик подшоликдан кейин унинг катта ўғли Абдуллазизхонни подшо қилиб кўтардилар. У вақтда Нодирмухаммадхон Қаршида эди. Бу хабарни эшитиб, дарҳол Балхга равона бўлди. Дарёдан ўтиб Балхга яқинлашди. Балхнинг аҳли эшитиб, унинг истиқболига чиқдилар. Нодирмухаммадхон ўзининг беш ўғлини Андхуд, Шибирғон, Қундуз, Қўлоб, Чорик вилоятларига ҳоким қилиб, осудалик билан Фароватда яшади.

Абдулазизхон ибн Нодирмухаммадхон подшолиги зикри.

Бир минг эллагинчи ҳижрий (1640-1641 исовий) йилида салтанат тахтига чиқади. Ўзининг отасининг истефо бериши ҳақида ва ўзининг тахтга чиқиши маросими

1. Бокиъ - Мадина аҳлининг мазори бўлиб, бу муқаддас жойни зиёрат қилиш мустаҳабдир. Ал Бақиъда улут саҳобаларининг ислом учун жон фидо қилган, Уҳуд тоғи шайхларининг, пайгамбаримиз алайҳис саломнинг ақрабаларининг қабрлари мавжуд. Ҳазрати Усмон бин Аффон, Алло рози бўлсин у зотдан, Ҳазрати Ҳамза, Ҳазрати Али ўғиллари Ҳасан ва бошқаларнинг муборақ қабрлари шу мазорда. Шунингдек Бухоро хонларидан Имом Қўлихон (1642), Нодир Мухаммадхон (1645) Абдулазизхон (1680) ва бошқалар шу мазорда дафн этилган. (Йўриқ Нацшбад давомчиси муҳаддис, Олим Хожа Мухаммад Порсо Бухорий ҳам ҳаж ҳангомида вафот этдилар ва Мадина шаҳрида июл 1419 йилда дафн қилинган).

учун ариза жўнатди. Субҳон Кулихон ва Осим Султон ибн Нодирмуҳаммадхон ўз оталаридан юз ўгириб, Абдулазизхон хизматига Бухорога келадилар. Нодир Муҳаммадхон фарзандларини муҳолифатини билгандан кейин Ҳиндистон подшоси Шохжаҳонга элчи юборади ва ундан мадад сўрайди. Турон соҳиби бўлган Амир Темур авлодидан бўлган Шохжаҳон эски киналардан фойдаланмоқчи ва бу ишни ғанимат деб билиб ўзининг ўғли Аврангзебни катта лашкар билан юборади. Нодир Муҳаммадхон ўзининг ўғли Хисрав Султонни унинг истиқболига юборади. Аврангзеб уни ушлаб олиб Ҳиндистонга юборади. Нодир Муҳаммадхон унинг мақсадини тушуниб Қосим Султон ҳамролигида чиқиб Ироққа бормоқни ихтиёр қилади. Эрон волиси Шох Аббос Нодир Муҳаммадни эъзозлаб, ҳисобсиз лашкар бериб, унинг душманлари устига юриш қилмоқчи бўлади. Нодир Муҳаммадхон қабул қилмади.

Айтадиларки. Аврангзеб Нодир Муҳаммадхоннинг қолдирган хазина ва дафиналарини қўлга киритиб Ҳиндистонга юборади. Икки йил Балхда истиқомат қилди. Абдулазизхон Турон лашкарини жамлаб, дарёдан ўтиб тўрт ой жанг қилиб, Ҳиндистон лашкарини танг аҳволда қолдирди. Қаҳатчилик ва қимматчилик бениҳоя даражада кўпайди. Шох жаҳон вилоятни (Балхни) Нодир Муҳаммадхонга топшириб қайтишни Аврангзебга буюрди. Аврангзеб Эронга киши юбориб, Нодир Муҳаммадхон келиб Балхга дохил бўлди. Ҳиндистон лашкари ўз вилоятига йўл олди. Ҳиндикуш тоғидан ўтаётганда аксар ҳинд лашкарлари озиқ-овқатнинг етишмаслиги ва ҳавонинг совуқлигидан ҳалок бўлдилар. Абдулазизхон Бухорога келиб ўзининг биродари Субҳонкулихонни Балхга ҳоким қилиб юборади. Нодир Муҳаммадхон бир минг олтмиш биринчи ҳижрий йилда, Маккайи Муаззимага бораётганда йўлда вафот этади. Унинг муборак жасадини Бокиъ, ғўристонида ўзининг отаси Имом Кулихон ёнида дафн қилдилар. Бир минг олтмиш олтинчи йилда Абулғозихон Урганжи катта лашкари билан келиб Бухоро атрофларига ҳужум қилди. Абдулазизхон ҳам кўп лашкар билан бориб уни тор-мор қилди, яъни ўша шайтон жамоа иккинчи марта лашкар билан келиб Бухоро атрофларига ҳужум қилди. Бу вақтда Абдулазизхон

Кармана вилоятида эди. Урганчилар бирдан келиб Бухорога дохил бўлдилар. Абдулазизхон қўрқмасдан (бе тарсу харос) келиб, кечаси шаҳарга дохил бўлди. Аркка Чиқиб ҳукм қилдики, Урганчи шайтонга ишонманг, ўша кечаси Урганчи лашкарлари ҳар бир ҳовлига кириб ётган эдилар. Тош отишга қуввати етган ҳар бир киши Урганчиларни эрталабгача ўлдира бошлайдилар.¹ Анушахон Ўтрор даҳасида эди. Бу хабарни эшитиб Урганжга қараб қочиб кетади. Абдулазизхон етмиш тўртга кириб, заифлик ва қарилликни мушоҳада қилиб ўзининг бародари Субҳонқулихонни Балхдан олиб келиб Бухоро тахтига ўтказди. Бир минг тўқсан биринчи ҳижрий (1680-1681 исовий) йилида Байтуллони тавоф қилиш аздамида бўлиб йўлда вафот этиб, бобоси ва отаси ёнида, Бокӣъ гўристониди дафн қилинди. Унинг подшолик муддати қирқ бир йил. Абдулазизхон Улуғбек мадрасаси рўпарасида ажойиб мадраса қурдирди, яна Бухоронинг Регистоннинг шимоли томонида бозори гўсфанд (қўйбозори) деб аталган бозор бор эди ки, унинг ўрнига катта мадраса бино қилдирдики ҳоло уни мадрасайи бозори гўсфанд деб атайдилар. (Бу мадраса ҳам 1930-40 йилларда вайрон қилган эди Н.Й) Шайх Жалол билан Қорақўл шаҳар дарвозалари орасида Жўйборда Жомъе масҷиди таъмир қилди. Олийнишон хоннинг гавдаси жуда йирик бўлиб унинг этигининг бир оёғига тўрт яшар бола бемалол сивар эди.

Субҳонқулихон ибн Нодир Мухаммадхон **подшолиги зикри.**

Субҳонқулихон бир минг тўқсан биринчи ҳижрий (1680-1681 исовий) йилда салтанат тахтига ўтиради. Унинг тўрт ўғли Балх аркида яшар эдилар. Унинг катта ўғли Искандар Султонни Балхни волиси қилиб тайинлайди. Унинг ҳукуматининг икки йилидан кейин шахзода Искандар Султон йигирма ёшда вафот этиб, ўрнига унинг укаси Абулмансурхон воли бўлди. Ибодуллосултон номли укаси уни ўлдириб воли бўлди. Икки йилдан сўнг Сиддиқмухаммадхон номли укаси Ибодуллосултонни қатл

1. Ўтрор қалъаси Бухоронинг шимолида ҳозир гишт заводи ёнидаги тепалик қадимда шаҳрстон бўлган.

қилиб, Балх тахтига ўтирди. Ўзининг отасига Субҳонқулихонга душманлик қила бошлади. Бир минг тўқсан еттинчи ҳижрий йилида Субҳонқулихон ўзининг ўғли Сиддикмуҳаммадхонга қарши Балхга қўшин тортди. Уни зиндонга қамаб, унинг яқинларини қатл қилди. Сиддикмуҳаммадхон йигирма бир ёшида жаҳонни тарк этди. Субҳонқулихон ўттиз бир йил подшолик қилиб етмиш етти йил умр кўриб бир минг бир юзи йигирма иккинчи ҳижрий (1710-1711 исовий) йилда вафот этди. Унинг васиятига амал қилиб Баҳоуддин Нақшбанд раҳматуллоҳи алайҳи мазористонининг жанубида дафн қилдилар. Бухорода дорул шифо мадрасасини таъмир қилди. Ҳақимларни келтириб, дорил шифога мударрис қилиб тайин қилган эди. Ўзининг ҳаётлиги даврида Урганчи фатҳ қилиб, Туркистон вилоятини тамоман ўз тасарруфига киритган эди.

Убайдуллохон ибн Субҳонқулихон **подшолиги зикри.**

Бухоро салтанат тахтини эгаллаб подшолигининг дастлабки йилларида ҳамма унга тобеъ эдилар. Муҳаммад Муқимхон Искандар султон бин Субҳонқулихон Балхда тахтга ўтириб хутба ва сиккани ўзининг номига қилди. Убайдуллохон беандешалик йўлидан бориб, бемавруд сафарлар қилар эдики аморат ва давлат аркони унинг бу ишларидан манъ қилардилар. Масалан: неча марта Балх ва Ҳисор томонларига лашкар тортиб, унинг бу юришлари мақсадсиз ва натижасиз тамом бўлган эди. Тўққиз йил подшолик қилди. Уни йигитлик даврида шаҳид қилдилар. Унинг ўрнига укаси Абулфайзхонни подшо қилиб кўтардилар.

Абулфайзхон ибн Субҳонқулихон **подшолиги зикри.**

Бир мингу бир юзи ўттиз биринчи (1131) ҳижрий (1718-1719 исовий) йилида подшо бўлди. Подшолигини дастлабки йилларида вилоятлар анча барқарор эди. Унинг подшолигини асосан Ҳақимбий оталиқ бошқарар эди.

Маворауннаҳр вилоятлари фуқароларни шамшир тигидан ўтказар эдилар. Туркистон вилоятлари фуқароларига жабр зулмни зиёда қилди. Ҳаддан ташқари солук ва олуқлар солди, адолатни ўзидан узоқлаштирди. Мазлум фуқаролар ситам кўрдилар.

Ўша вақтда туркманнинг афшон қабиласидан Нодир қули кўп жойларга хужум қилиб, Султон Ҳусеншоҳдан Эрон вилоятини олди. Унинг обрўси ошаберди. Ироқ, Ажам, Хуросон ва Ҳиндистон, Қобулни ўз тасарруфига киргизиб, сикка ва хутбани ўз номига қилдирди. Бир минг бир юзу эллик биринчи ҳижрий йилда ўзининг ўғли Ризоқули мирзо Таҳмасбга вакил қилиб Бобоҳонни қўшиб катта лашкар билан Мовароуннаҳрга юборди, у Термиз гузари (дарёдан ўтадиган жой)дан ўтиб, Қаршини қамал қилди. Ўша вақтда Қаршида ҳоким Дониёл эди. Бу хабарни Бухорога етказди. Абулфайзхон лашкар жамлаб Қаршига келиб, ўн беш кун қаттиқ жанглар олиб борди, лекин натижа чиқмади. Абулфайзхон Бухорога кетди. Амир Дониёл Ризоқули билан сулҳ шартномаси туздилар. Бу вақтда Нодиршоҳ Балхда эди. У Балхдан чиқиб Чоржўй томонига ўз лашкарлари билан борди.

Аморат паноҳ Муҳаммад Ҳакимбий оталиқ мамлакатни осойишталигини кўзлаб ўзининг ўғли Раҳимбек Мироҳўрни катта ҳадялар билан Нодиршоҳ хизматига юборади. Нодиршоҳнинг ғазаби анча пасайди. Муҳаммад Раҳимхонни катта навозишлар билан кутиб олиб уни ўзи билан бирга Жоржўйга олиб кетди. Ҳакимбий оталиқ катта пешкашу сулукат қилиб Чоржўйга, Нодиршоҳ ҳузурига борди. Нодиршоҳ уни келганидан маъмун бўлиб, деди, сенинг келишинг Бухоро аҳлини тинчлиги ва осойишталиги бўлди. Абулфайзхонга айтгинки менинг ҳузуримга келиб, ўзининг тобеълигини билдирсин. Мовароуннаҳрнинг бошқариш энди сени имон ихтиёринга ўтади. Хон ва амораларнинг берадиган жарималаридан воз кечдим. Тезроқ Бухорога бориб, Абулфайзхонни Жоржўйга олиб кел, уни кўриб Бухоро билан жанг қилиш фикримдан қайтай. Ҳакимбий оталиқ бу сўзни эшитиб, отига миниб дарҳол Бухоро йўлини тутди. Бухорога келиб Нодиршоҳнинг “Навозиш”ларини Абулфайзхонга етказди. Абулфайзхон аморат паноҳ сўзларига беандешалик қилиб, Нодиршоҳ олдига боришни қабул қилмади. Бир неча

кундан кейин бу хабар Нодиршоҳга етди. Бир минг бир юзу эллик иккинчи хижрий (1739-1740 исовий) йилида Чорбакрни шимолидаги кўрукка келиб тушди. Нодиршоҳни Чорбакрга келганини (Бухородан 4 км) эшитиб, воилож Нодиршоҳ хузурига боришга мажбур бўлади. Нодиршоҳ унинг келиши хабарини эшитиб, ўн икки минг кишини йўлнинг икки томонига саф тортиб, уни катта тантана билан қабул қилади. Нодиршоҳ фарзанддек ўзини Абулфайзхон оғушига ташлади. Кўп навозишлар қилди. Кабир амир Муҳаммад Ҳакимбий оталиқни эъзоз ва икром қилиб мамлакатдаги вилоятларнинг омонлиги ва бошқарипини унинг ихтиёрига берди. Кўпгина Бухоро вилоятлари ҳокимлари ҳам катта пешкаш ва инъомлар билан Нодиршоҳ хузурига Абулфайзхон билан бирга борган эди. Улар қуйидагилар: Муҳаммад Аминбек - Хисор ҳокими, Олимбий Кенагас - Шахрисабз ҳокими, Якуббий Дўрманий- Кабадиён ҳокими, Файбулло бий Баҳрин - Хатирчи ҳокими, Абдусаттор бий - Дабусия қалъаси ҳокими, Тағой Муродбий Барқут - Нурато ҳокими, уларнинг ҳар бирга пешкашларига қараб, катта навозиш қилиндилар ва имтиёзларга эга бўлдилар. Нодиршоҳ Ҳакимбий оталиққа буюрдики, лашкарнинг олуқ-солиғи учун икки минг хирвор ғалла вилоятлардан шохнинг сарқори билан етказсинлар.

Амири Кабир (Ҳакимбий оталиқ) Бухоро вилоятлари ва туманларига уларни тақсимлаб, уларни халқдан тортиб, саронжом қилиб топширди. Нодиршоҳ Ҳакимбийга айтди, Мовароуннаҳрдан ўн минг лашкар тўпла, уларга ўзининг ўғлини (яъни Муҳаммад Раҳимхонни) бошлаб қилиб менга берасан, деб буйруқ қилди. Амири Кабир дарҳол лашкар йиғиш ҳаракатида бўлди. Ҳар бир қалъадан ўн минг аскар тўшлаб уни сардори қилиб ўз ўғлини қўйган эди. Абулфайзхон икки Мастура қизларини Нодиршоҳга тортиқ қилиб, Нодиршоҳ биринчисини ўзининг никоҳига киргизиб, иккинчисини Али Қличхон деган укасининг ақдига киргизди. Йигирма беш кун Бухоронинг Чорбакрида истиқомат қилиб, унинг қилган дағдадағаларидан мамлакат азобу-уқубат топиб, ниҳоят, Хоразмни истело қилишга равона бўлди. Ҳакимбий оталиқ уни Амударёдан ўтказиб, уни дуо қилиб қайтиб Бухорога келди. Муҳаммад Раҳимхонга Муҳаммадбек лақабини

бериб, Чоржўйдан ўзининг ўғли Ризоқулихонга ҳамро килиб, Машҳадга юборди. Ўзи эса Хоразмга лашкар тортиб борди. Ўша вақтда Урганчда Элбарсхон подшо эди. Уруш натижасида Элбарсхон қўшинлари мағлуб бўлиб, Элбарсхоннинг ўзи шаҳид бўлди. Элбарсхон Урганжий қизини Ҳакимбийнинг Ёвқошти деган бошқа ўғлини Урганчгача олиб борган эди, унга никоҳлаб берди. Урганчни фатҳ қилинганлигини хабарини эшитган Ҳакимбий оталиқ кўп пешкашу инъомлар билан Нодиршоҳ ҳузурига Урганчга борди. Нодиршоҳ уни катта илтифот билан қабул қилди. Амири Кабирга Бухорога боришга рухсат бериб, ўзи Эронга кетди. Нодиршоҳнинг келишидан тўрт йил кейин бир минг бир юзу эллик олтинчи хижрий (1743 исовий) йилида Муҳаммад Ҳакимбий оталиқ артаҳол қилиб, унинг жасади Мозор дарвозасининг ташқарисида Имом Абу Бакри Тархон раҳматуллоҳи алайҳи мазорига дафн қилинди. Бу хабарни Эронга етказдилар, Нодиршоҳ кўп афсусу надоматлар қилиб, Муҳаммад Раҳимхонга дилдори берди. Бухорода хирож ва солуклар шунчалик кўпайиб кетдики фуқаро аҳволи танг бўлиб қолди. Абулфайзхон Бухоро мамлакатини саришта қила олмади. Масалан, Қабулбий Кенагас Шаҳрисабзда мухофилот кўтарди, Ибодуллобий хитойи Миёнколда исён қилди. Бир минг бир юзу эллик саккизинчи хижрий (1745 исовий) йилида гули сурх байрами вақтида Нақшбанд алайҳи ал раҳматуллоҳи мазоридида одамлар борганда, Бухорога бир гуруҳ йўл тўсарлар Ибодулло бошчилигида бостириб кириб, кишиларнинг кўп молу-ашёларини олиб, Баҳовуддин Нақшбанддаги гули сурх байрамида қатнашган кишиларни талаб уларни асир олиб, кўп ғаниматлар олиб кетадилар. Абулфайзхон уларга қарши кураш урдасидан чиқа олмай, Нодиршоҳга ёрдам сўраш учун бир неча кишини Хўжа саройи ҳамролигида юборди. Эрон шоҳи Муҳаммад Раҳимхон Бухорога келиб Абулфайзхонни кўриб унга Нодиршоҳнинг саломини етказди. Олийнишин хон (Абулфайзхон) оталиқ мансабини Муҳаммад Раҳимга катта тантана билан беради. Муҳаммад Раҳимхон отасидан мерос қолган Ғозиобод чорбоғига бориб жойлашади. Унинг биродарлари Барот Қушбеги ва Ёвқоштибийлар Насаф ва Шулуқ вилоятларидан келиб, ўз биродарлари дидоридан мушарраф бўлдилар. Дониёлбий (Қарши ҳокими) ва

умаролар ва Манғития элатларини мансабдорлари Бухорога келиб, Муҳаммад Раҳимхон хузурида бўлдилар. Ҳар тарафдан умаро ва фуқаролар келиб ундан нажод истай бошладилар. Абулфайзхон тарафдорлари Муҳаммад Раҳимхонни давлатга қарши фитна уюштираётганини унга бир неча бор айтиб, огоҳлантирдилар. Қўқон хони хабар юбордики мамлакатингиздаги исёнларни йўқ қилишга ёрдам бераман деб, Соддадил хон унинг сўзларига ишониб, унга розилик номасини юборди. Қўқон хони ўз лашкари билан Миёнколгача келиб бирор иш қила олмади. (Яъни Миёнколдаги исённи бостиришга ожизлик қилди). Ниҳоят ўз қўшинларини олиб Қўқонга кетди. Абулфайзхон жуда танг аҳволга қолган эди. Бу воқеаларни баён этиш учун амири комгор¹ бир неча вакиллар билан Нодиршоҳ олдига боради. Улар воқеани Нодиршоҳга баён қиладилар. Нодиршоҳ Лазги, афғон ва Усмонли жамоаларидан қўшин тўплаб Ҳусенхон бошчилигида Бухорога юбормоққа қарор қилади. Марвдан Шожаҳондан уч адад қалъаларни вайрон қиладиган тўпларни қўшиб юборган эди. Абулфайзхон амири Комгордан (Муҳаммад Раҳимхон) норози эканлигини элчилар орқали Нодиршоҳга билдиради. Нодиршоҳ Ҳусенхон орқасидан Қиличхон ва Бехбудхонларни кўп лашкар билан юборади. Улар Бухорога келиб, фуқарога эълон қилдиларки, бизлар Абулфайзхон салтанатини химоя қилиш учун келганмиз. Ўша пайтда Ибодуллобий Хитой, Қобилий Кенагас, бухоро салтанатига бўйсунмай ўзларича фармонбарлик қилиб юрган эдилар.

Амир Комгор (Муҳаммад Раҳимхон) Миёнколга бориб Ибодуллобий Хитой билан жанг қилди. Уни мағлуб қилиб, Жиззах вилоятига уни қувлаб, Ибодуллобий аҳли аёли билан Шаҳрисабзга бориб, кўп жанглардан сўнг Қобил Кенагас қўлга тушиб, уни қатл этдилар. Вилоятни тинчитиб, Бухорога қайтиб келади. Ўша вақтда Нодиршоҳдан мактуб келадики, Ҳасанхон ва Бехбудхон лашкари ҳамролигида Бухорога қолиб, Муҳаммад Раҳимхон Мовароуннаҳрнинг баъзи умаролари ва Шоҳ Қиличхон билан бирга шоҳнинг даргоҳига ҳозир бўлсинлар. Амири Комгор Муҳаммад Раҳимхон, Муҳаммад Аминбий юз, Тоғаймуродбий Барқут ва Хўжа Улфат саройи, Шоқули

1. Комгор - хушбахт саодатман.

Комрон - ўз мақсадига эришган.

Ҳаким Нодиршоҳ ҳузурига бориб уни зиёрат қилишга (ба даст бўса) муяссар бўлдилар. Нодиршоҳ амирни (Муҳаммад Раҳимхонни) кўп навозишлар қилиб, айтди, Абулфайзхон мамлакатни идора қилиш урдасидан чиқолмаётир. Хоҳлайманки, унинг мамлакатни бошқариш урдасидан чиқадиған фарзандларидан бирини подшо қилиб қўйишни сизларга топшираман. Шоҳлик Хутбаси ва фирузи шоҳлик унинг номига бўлсин. Мамлакатни идора қилиш Муҳаммад Раҳимхон ихтиёрида бўлсин. Мен сизларга шундай машварат бераман. Сухбатга қатнашганлар сукут сақладилар. Муҳаммад Раҳимхон айтди, Чингизхон давлати то Шайбонийларгача равнақ топиб, кейин таназулга юз тутиб, Мовароуннаҳр давлати алоҳида мустақил давлат бўлиб ажралиб чиққан эди. Чингизхон авлодлари бўлган ҳозирги подшолик ҳам таназулга учради. Шунинг учун бошқа бир ҳукумат ташкил қилсакмикин.

Улар Бухорога келгач Хўжа Жўйборилар билан машварат қилиб, Абулфайзхон давлатни идора қилишга ожиздир, деган хулосага келдилар. Ҳазрат вилоятларга бориб, у ерларда ҳам шу маънода улар билан маслаҳатлашдилар. Маслаҳат натижасида шундай қарорга келдиларки, Ҳазрат ҳокон (яъни Абулфайзхон) подшолик маснадини ўзининг фарзандларидан бирига топшириб, танҳоликка умр кечирсин. Абулфайзхон ўзининг аҳлу аёлини Жўборга юбориб, ўзи подшоликдан воз кечиб, Аркни тарк этсин, деган қарорга келинди.

Амир Комгор Ҳозиободдан Бухорога келиб, бир минг бир юз олтишинчи ҳижрий, (1747 исовий) йилда Абдул Муъминхон ибн Абулфайзхонни тахтга ўтказиб уни муборакбод қилдилар. Ҳасанхон ва Бехбудхонлар ўз лашкарлари билан Самарқандда эдилар. Улар бу хабарни эшитиб Бухорога келиб, бу ишлар ҳақоният ва Нодиршоҳнинг таклифи билан бўлганини эшитиб рози бўлдилар. Нодиршоҳнинг укаси Али Чулихон Бухоро ва Мовароуннаҳр салтанати толиби бўлгани учун, Абулфайзхонни тахтдан туширилишига норозилик билдириб Бухорога лашкар тортиб келишга тайёргарлик кўра бошлади. Нодиршоҳ талаби билан Ҳасанхон ва Бехбудхонни Эронга юбордилар. Шу аснода Нодиршоҳнинг шаҳид бўлган хабари етиб келди. Алиқулихон Бухородаги Эрон умароларига нома юборган эдики, Абулфайзхонни ўз

жойига подшо қилиб қўйсинлар. Мазкур аморалар амири Комгор билан урушни бошлаб юбордилар. Бухоро шахрида кўп жанглар бўлиб, Бухоро шахрини муҳосара қилдилар, лекин уруш давом этар эди. Шаҳар аҳолиси танг аҳволга қолган эди. Аморалардан Муҳаммад Аминбий юз хисори, Олимбий кенагасий, Тоғаймурод Баркути, Муҳаммад Хожа нақиб ва кенагас амалдорлари жамоаси эшитдилар ки Нодиршоҳ вафот этиб, хоннинг укасини Эронга юбориш ҳақида машварат қилиб, қизил бошлар ва Эрон амораларини ўз юртларига юборишга қарор бердилар. Бунинг учун Абулфайзхонни йўқ қилиш керак деган машваратга келдилар. Амири Комгор бунга розилик бериб бегуноҳ хонни Мири Араб мадрасасида ўлдирди. Шаҳид хон ўн икки ёшлигида салтанат тахтига чиқиб, ўттиз етти йил подшолик қилди. Қирқ тўққиз ёшида шаҳид бўлди. Амири Комрон (Муҳаммад Раҳимхон) Ҳасанхон ва Беҳбудхонга хабар юбордики, Нодиршоҳ ҳалок бўлган, тезрок ўзларингизни мамлакатингизга олингки, ўзбеклар қўлида поймол бўласизлар. Эрон аморалари сулҳ қилдиларки, бизлар Амудан ўтканимизга қадар ҳеч ким бизларга ҳужум қилмасин. Амир Муҳаммад Раҳимхон бу таклифни қабул қилиб, Муҳаммад Аминбий юзга буюрдики, Эрон лашкарини дарёдан ўтказинг ки, улар ўз вилоятларига соғ ва саломат борсинлар, улар ўз вилоятларига дохил бўлдилар.

МОВАРОУННАҲРДА САЛТАНАТ ҚИЛГАН МАНФИТИЯ ПОДШОЛАРИ

Бир минг бир юзу олтмишинчи ҳижрий йилида аввал Муҳаммад Раҳимхон ибн Муҳаммад Ҳакимбий оталиқ ибн Худоёрбий ибн Худойқулихон Келдиёр бин Жавушбий Манғит салтанати бошланади.

Келтирадиларки. Қизилбош аморалари Эрон йўлини тутган вақтларида Лазги, усмонли гуруҳи ва чилафгон Эрон амалдорларидан ажралиб, Амир Комгор (саодатмон) хизматига қолиб, жонбозлик кўрсатдилар. Эрон аскарлари беш юз киши ўз вилоятларига кетдилар. Ундан сўнг амир комрон (ўз мақсадига эришган, хушбахт) Мовароуннаҳр амораларини лойиқ вазифаларга сазовор

қилиб, ҳар бирини ўз вилоятига юборди. Сипохи ва фуқароларнинг осойишталиги учун ҳаракат қилди, вилоятларни ободонлигини таъминланди. Бир неча вақтдан кейин Тоғаймуродбий Барқут ва Ибодулло Баҳрайн муҳолифатни олдини тутдилар. Неча маротиба уларнинг устига лашкар тортиб, уларга бир неча зарбалар берди. Ундан сўнг Олимбий Кенагаси Шаҳрисабзи ва Муҳаммад Аминбий юз ҳисорий ва Шералибий Шеробод ҳокими марказий ҳукуматга бўйсунмасдан мустақил иш олиб бора бошладилар ва амирга қарши муҳолифатни кучайтирдилар. Ҳар тарафдан бош кўтариб, лашкар тортдилар. Амири комгор улар устига неча марта лашкар тортиб, ўн йил осойишталикни ўзига ҳаром қилиб, тамоми вилоятларни ўз тасарруфига киргизди. Уларнинг фитна ва исёнларидан вилоятларни тозаллади. Самарқанддан Ургутгача, Панжикентдан Жиззахгача, Ўратепадан Хўжандгача бўлган вилоятларни олиб, ҳамма бўйсунмаган ҳокимлардан тозаллади. Кейин Хоразмга лашкар тортиб, кўп урушлар натижасида Хоразм бир неча вақт унинг фармонида бўлди. Абулмўъминхон ибн Абулфайзхон оламдан ўтгандан кейин умаролар ва катта лавозимдаги кишиларнинг маслаҳати билан Муҳаммад Раҳимхон шоҳлик тожини ўз бошига кийиб, салтанат тахтини эгаллади. Ҳазиналарни очиб камбағал фуқаролар ва дин хизматкорларига кўп инъом ва эҳсонлар бериб, уларни ўзидан мамнун ва сарафроз қилди. Икки йил Мовароуннаҳр салтанатига подшолик қилди. Узоқ яқинлардан лойиқ тухфа ва пешкашлар келди. Муҳаммад Раҳимхоннинг ҳукумат ва салтанатдорлиги ўн икки йил эди. Қирқ беш ёшида фони жаҳонни падруд қилди. Муҳаммад Раҳимхонни ўғли йўқ эди. Қизидан Фозил Тўра деган невараси бўлиб, Норбўта бийнинг ўғлини унинг ўрнига подшоликка кўтардилар. Фозил Тўра жуда ёш бўлгани учун амир Дониёл (Муҳаммад Ҳакимбий оталиқнинг укаси, Муҳаммад Раҳимхоннинг амакисини унга оталиқ қилиб тайинладилар. Фозил Тўрани марғул қилиб (четлаштириб), Чингизийлар авлодидан Абул Ғозихон сонини келтириб хонлик унвонини унга бериб, хутба ва сиккани унинг номига қилдилар. Дониёлни ўзи мамлакатни бошқара бошлади.

Амир Дониёл подшолиги зикри.

Амир Дониёл бин Худоёрбий бин Худоёркулибий бин Келдиёр бин Човушбий мангит бир минг бир юз етмиш икки хижрий (1758 исовий) йилда Муҳаммад Раҳимхон вафотидан кейин Тоғаймуродбий Берқут Нур вилояти ҳокими, Жаҳонгир саройи, Фузор (Хузор) ҳокимликларини ўз вазифаларидан олиб, уларни секинлик билан қатлга буюрган эди. Етти уруф қавмини Миёнколдан Шаҳрисабзгача, Бойсун Ширободгача тарқатиб юборди. Фозил бий юз Хўжанддан Ўратепага келиб кўп лашкарлар билан Жиззахни олиб, Самарқанд устига юриш қилди. Уни босиб олиб, амир Дониёлнинг бародари Муҳаммад Барот Қушбеги, ўша даврда Самарқанд ҳокими эди, унинг аҳли - аёлини асир қилиб олиб, у ердан ўтиб, Миёнколга келди ки, бутун Хитой-қипчоқлар ва етти уруф унинг истиқболига чиқдилар. Паншанбе, Катта Қўрғон ва Хатирчи исёнчилар ҳокимликни Ҳазрат амир томонидан қўйилган ҳокимлар қўлидан олдилар. Бу вилоятлардаги бутун амалдорлар Фозил бийни Бухоро томонга юришини қўллаб-қувватладилар. Амир Дониёл лашкар билан Карманага келади. Исёнчилар Хатирчидан чиқиб, яқинроқ келдилар. Машварат қилиб, оқибат Фозил бий ва Миёнкол сардорлари амирга мактуб юбордиларки, Фозил Тўрани тахтга чиқариб, амир Дониёлни унга маслаҳатчи қилишини талаб қилдилар. Амири қомғор уларнинг хоҳишларини қабул қилиб, уларнинг ҳар бирига ўзига яраша инъомлар юборади. Шундай қилиб улар орасида сулҳ тузилади. Бундан фойдаланган Дониёл Абул Ҳозини жўжи номидаги хутба ва сиккани бекор қилиб, ўша мазкур тарихда амир Дониёл тахт эгаси деб ўзини эълон қилди. Фозил Тўрани ўз отаси билан бирга Қарши вилоятига юборди. Шу вақтда Тоғаймуроднинг бародари Ёдгорбек Нурда, Хўжамёрбий Баҳрайн Хатирчи вилоятида исён кўтардилар. Тўрт минг лашкар тўплаб келиб Кармана вилоятини муҳосара қилдилар. Амир Ҳашмат ўн минг лашкар ва лашкарга қарши отадиган бир неча тўпларни олиб Карманага борди. Бошқа томондан қирғиз ва уч уруф Ёдгорбек мададига етиб келди. Урушда ҳамма бош кўтарганлар мағлуб бўлиб, кўпчилиги ҳалок бўлади, қолганлари қўлга олинди. Фасод

ахлига жазо берилади. Ёдгорбек қочиб Нуратога кетди. Амир Ҳашмат қирғиз ва ёбу элатларини кўчириб Бухоро атрофларига жўнатди. Амир Дониёл бин Худойёр бий йигирма етти йил подшолик қилиб, етмиш беш йил умр кўриб Нақшбанд алайҳи раҳматулло мазорида дафн этилди. Ун икки баркамол ўғли бор эди. Ҳаммадан Амир Шомурод бий фаросатли, ақлли ва тақводор эди. Жаннатмакон деб атар эдилар.

Шомурод бин Амир Дониёл подшолиги зикри.

Бир минг бир юзу тўқсан тўққизинчи хижрий (1784-1785 исовий) йилида Бухоро тахтига ўтирди. Абулғозихонни подшоликдан четлаштириб, Аркдан тушириб, Бозор Хўжадаги ховлилардан бирига жой бериб, вазифа тайинлади. (Умрбод нафақа берилди). Подшолигини дастлаб йилида ҳамма буродарларига сулуқат қилиб, ҳар бирини бир вилоятга ҳоким қилиб тайинлади. Уларнинг ҳеч биридан ёмонликни раво кўрмади. Унинг салтанатининг охирларида ҳамма буродарлари ундан рози эдилар. Бир минг икки юз тўртинчи хижрий (1789-1790 исовий) йилида Марв вилоятига бориб, у ерда бош кўтарган унинг ҳокими Байрам Алихонга қарши жанг олиб бориб, уни мағлуб қилиб, байрам Алихонни қатл қилиб, Ҳожи Муҳаммад Хусайнхон - Байрам Алихоннинг ўғлини ўттиз минг Марв шиалари ҳамролигида кўчириб, Бухоро атрофларидаги қишлоқларга келтириб, Умар бий номли ўз биродарини Марв вилоятига ҳоким қилиб юборди. Марв шахрининг қуйисида яъни дарёнинг лабида бир қалъа бино қилиб, Исломобод деб ном қўйди. Кейин Азизхўжа ўзининг қуёвига у шахарни берди. Бир неча вақтдан кейин Умарбий Азизхўжага қарши қўшин билан келиб, Исломободни унинг қўлидан олиб, уни ўз буродари Рустам Мирзога берди. Абдулазизхўжа домодини асир қилиб Марвга олиб кетди. Амир Шохмурод бу воқеани эшитиб Марвга борди. Марв ва Исломободни фатҳ қилиб билмади. Марвга борадиган сув бандини бузиб Бухорога келади. Тўрт йил Марв сувсизликдан хароб бўлиб, эскидан икки минг хонавор Марвда яшар эдилар ки, бир кечаси исён қилиб, тўрт юз нафар Умарбек одамларини қўлга олиб бир

уйга қамаб оби таом бермадилар. Ҳамма очликдан ҳаёт дуосини қилдилар. Умарбий бародари ва аҳли аёлини Шаҳрисабз вилоятига қўчирди ва ўзи ҳам шу вилоятга қочди. Шохмурод жаннатмакон бу хабарни эшитиб, Асадулло Қалмоқни Марвга ҳоким қилиб юборди. Бир минг икки юз ўн биринчи ҳижрий (1796-1797 исовий) йилда бориб, банди султонни боғлаб сувни Марв вилоятига жорий қилди. Дин Носирбекни яъни ўзини ўғлини Марвга ҳоким қилиб тайинлади.

Темур шоҳ Афғоний Қобулдан кўп лашкар билан Балхга келиб уни қамал қилди. Амир Шохмурод йигирма минг лашкар билан унинг истиқболига чиқиб, Келиф вилоятидаги гузардан (дарёдан ўтиш жойидан) дарёни кечиб ўтиб Оқча вилоятида афғонлар йўлини тўсиб катта жанг қилди. Афғон лашкарларига шикаст бериб, Темур шоҳ сулҳ қилиб, Қобулга кетди. Бир минг икки юз олтинчи ҳижрий йилида Амир Маъсум ўзининг ўғли амир Ҳайдарни Қарши вилоятига ҳоким қилиб юборади ва Саидбий юз Ҳаким Денов вилоятини ҳокимини қизини тантанали тўй қилиб, амир Ҳайдарга олиб берди. Оллоҳберди бий Қатағон, Қунду ва Қўлоб ҳокими эди, келиб Деновни қамал қилди. Амир Ҳайдар эшитиб Қарши лашкарини олиб, Юрчидан ғофил Оллоҳберди бийга хужум қилиб, унга қаттиқ зарба беради. Уни асир олиб, ғурур билан тўла бўлган Оллоҳбердини жазолаш учун отасига амир Шохмуродга - Бухорога юборади. Унинг лашкарларини асир олиб, Ҳисорни фатҳ қилди. Ғалаба ва катта тантана билан Қаршига келади. Амир Маъсум (Шохмурод) ўзининг фарзандидан рози бўлиб, бир минг икки юз учинчи ҳижрий йилда Ахтаҳон Эроний Ироқ мулкини лашкарлари ҳамролигида юз минг кўшин билан Хуросонга келиб, Муқаддас Машҳадни муҳосара қилди. Машҳад ҳукмрони Нодир мирзо амир Маъсумдан ёрдам сўраб элчи юборди. Номдор амир Бухородан кўп лашкар тўплаб йўлга чиқади. Муҳаммад Раҳим юзни лашкарбоши қилиб тайинлайди, уни олдинроқ юборди. Муҳаммад Раҳимбек юз кўркмасдан (бетарсу-харос) Эрон лашкарини бир томонидан ўтиб, жангда шаҳид бўлди. Амир маъсум лашкар ҳамролигида Тажан дарёсидан ўтди. Ахтаҳон бу ҳамма мардоналикни кўриб Бухоро амирига Машҳадни

қолдириб, ўз вилоятига қараб кетди. Хуросон вилояти амир Маъсумга тобе бўлди. Самарқанддан Уратепагача ҳамма жойлар Бухоро амирлиги тобеси эдилар. Амир Маъсумнинг фармонбардори эдилар. Амир Маъсумнинг ўғли Хусайин Самарқандда ҳоким эди. Алқисса амир Шохмурод жаннат макони ўн олти йил подшолик қилиб, олтимиш бир йил умр кўриб, ҳақни раҳматига пайваста бўлиб, оламдан ўтди. Хожа Ҳабибулло ва Ҳазрат Имло раҳматуллоҳи алайҳи мазорида яъни Жўйборда дафн қилинди. Амир Маъсум шундай подшо эди ки, фақирона либос кияр эди, унинг амомаси (салласи) олти газ карбосдан, унинг либоси малагидан (сарик қалами матодан), кавш ва махсиси булғори чармдан ва пўстини кўй терисидан, эски, яъни подшолигини аввалидан то охириги умригача бир пўстин билан ўтказди. Унинг таомлари хазинадан бўлмасдан, яҳудийлардан олинадиган жизия ҳисобидан эди. Арпа унидан пиширилган нон, унинг таоми мошоба, ўмоч, арпа унидан атала, ҳар ҳафтада чорак гўшт унинг нафақаси эди. Аҳли, аёлларнинг ҳам кийим бошлари ва таомлари яҳудийлардан олинадиган жизия ҳисобидан эди. Шохлик тожини ва фармон беришга шариат қонунларига қатъий риоя қилиб, хиёнатни ўзингдан узоқлаштиргин деб айтар эди. Ҳаргиз Бузурғларнинг тўй ва маракасига бормас эди. Ҳеч кимнинг ҳадя ва пешкашларини қабул қилмас эди. Ҳоким амалдорлар ва сипоҳиларнинг ҳар қандай зулм ва ёмонликларига бефарқ қараб туролмас эди. Ҳикоя қиладилар - зўр уламолардан икки шахсни раис қилиб, уларга буюрдики, ҳар қаерга бидъат бўлса, барҳам беринглар. Бидъатни барҳам берувчи раисот унинг буйруғига амал қилиб, тамоми бидъатларни йўқотишга киришдилар. Кунлардан бир куни улардан сўрадики қилган ишларидан ҳисоб берсинлар. Улар айтдилар ки, тамоми бидъатларни барҳам бердик, аммо икки ишга журъат этолмадик. Амир Маъсум сўрадики улар қайсилардир? Айтдилар ки, бири мазорлардаги туғлар, бошқаси шайхлар қўлидаги тасбиҳлар. Амир деди, фақир амр қилган эдим ки, тамоми бидъатларки расул саллоллоҳи алайҳи ва саллам ва халифаи расулдин ва дини ризвони оллоҳ таолойи алайҳис ажмайин имомлари даврида йўқ эди, кейин пайдо бўлганларни барҳам беринг, чунки улар

риёдир. Улар жавоб бердилар ки, мардумнинг қахру-
ғазабидан қўрқдик, агар бузрукворлардаги туғларга сажда
қилмасликлари учун уларни йўқотинглар деб айтсак
мабодо бизларнинг умримиз охирига етса мардум айрим
мутаассий мулаларнинг макр хийласига ишониб
айтсунларки, фалони бузруквор зўрдирлар фалони
шайхни учирдилар. Агар шайхлар кўлида кўчаларда
кўтариб юрган тасбеҳларини йўқотсак, улар бизлар дуои
бад қилдик. Шунинг учун улар вафот этдилар деб
айтадилар. Шунинг уун уларни баҳридан кечдик. Амир
хам уларни бу сўзларири қабул қилдилар.

Амир Хайдар ибн амир

Шахмурод подшолиги зикри.

Бир минг икки юз ўн бешинчи ҳижрий (1800
исовий) йилда йигирма икки ёшида Қарши вилоятидан
келиб, Бухоронинг салтанат тахтига ўтирди. Онаси Саид
Аҳулфайзхоннинг қизи эди ки, Манғития авлодларидан
бўлган подшоларга Саид лақабини берилиши амир
Хайдар давридан бошланди. Саид Амир Хайдар илм ва
хунаркорликка истеъдоди баланд эди. Аксар диний
илмларда бошқа уламолардан ғолиб чиқар эди. Амир
Маъсумни вафотидан кейин Ўратепа ҳокими Бобобек
парвоначи Жиззахни муҳосара қилди. У ернинг ҳокими
Муҳаммад Юсуф Хожа Атойи бўлиб амир Хайдарнинг
синглиси унинг кўлида эди. Бу хабарни Муҳаммад Амин
хўжа Накиб - Катта Қўрғон ҳокими эшитиб, ўз
фарзандини мухлиси сифатида катта лашкар билан
Жиззахга бориб Бобобек парвоначинини мағлуб қилиб, беш
юз нафар унинг аскарларидан асир олиб Катта Қўрғонга
олиб келиб, баъзиларни ўлдириб, бошқаларни отаси
хамролигида ва кичик ўғли Қосимхўжа билан Бухорога
юрборди. Амир Хайдар асирларни озод қилиб, унинг отаси
ва ўғлига меҳрибонлик қилмай уларни узатди. Бу вайдан
Накиб озурдахотир бўлиб Шаҳрисабзга одам юборди.
Умарбий ва Фозилбийлардан амирга қарши урушида
мадад сўради. Улар Абдуллододхо Шаҳрисабзлик
хамролигида бир минг нафар лашкар юбордилар.
Умарбий ва Фозилбийни Паншанба ва Қосим Хўжа ўз
ўғлини Янгиқўрғон ва Хитой қипчоқга ҳоким қилиб, амир
Хайдарга боғи (душман) бўлди. Тарадду қилиб

Самарқанд устига лашкар тортиб бориб муҳораба қилди. Амир Ҳайдар эшитиб, Холмўъминбий парвоначи ва Муҳаммад Аминбий Қалмоқ ҳамролигида ўн минг нафар баҳодирларни ва укаси Муҳаммад Хусенбекни Самарқандга жўнатди. Саид амир Ҳайдар Насафга лашкар ҳамролигида келиб, Паншанбе вилоятини муҳосара қилиб, олиб Умарбий ва Фозилбий яъни ўзининг амакиларини, уларнинг икки ўғли ва кенагеслардан икки юз кишини асир қилиб қатл қилди. Нақиб бу воқеани эшитиб, Самарқандни қамалидан воз кечиб Шаҳрисабзга борди. Амир Каттакўрғон ва Янгикўрғонни фатҳ қилиб, Самарқандга бориб, кўп жанглари олиб борди. Хусенбек ўзини укасини Бухорога юборди ва Бухородан кетиб Кўрғонтепани фатҳ қилди, яна Самарқандга келиб, отасининг зархарид қулини яъни Давлат девонбегини Фузордан келтириб қушбеги қилди ва Самарқандга ҳоким қилиб тайинлади. Бобобек парвоначи Ўратепа ҳокими кўп тортиқлар билан яна ўзининг қизини Самарқандга юбориб тобеъ бўлди. Олимхон бин Норбутахон қўқандий келиб, Хўжандни олди. Бекмурод бий қочиб ўзининг амакисининг хузурига Ўратепага келди. Фурсат топиб, ўз амакисини ўлдириб Ўратепага сохиб бўлиб амири номдорга мурожаат қилдики, лашкар юбориб, Хўжандни Олимхон Хўқандий қўлидан озод қилайлик. Амир тайинлаб юбордики, ўзимиз бориб унинг вилоятини Олимхондан оламиз деб. Лашкар тортиб Ўратепага борди. Бекмуродбек бий унинг истиқболига чиқди. Амир Ҳайдар Бекмуродбийни қўлга олиб Парвоначининг фарзандларидан сўрадики ўз оталарингизни хуни учун уни қатл қилинглар, улар қатл қилдилар. Ўратепани фатҳ қилгандан сўнг Мулло Эрназар бийни Ўратепага, ўзининг қули Афлотун Тўқсабони Жиззахга ҳоким қилди. Амир Ҳайдар Ромтин ва Фалғарни фатҳ қилиб, Шаҳрисабздан ўтиб улуғ кўрғонларни олиб, ҳар бирига ҳоким қўйиб, Бухорога келди. Бир минг икки юз ўн тўққизинчи хижрий йилда Элтузархон Урганчи боғи бўлиб неча маротиба келиб Бухоро туманларини тарож қилди. Ниёзбек Парвоначи йигирма минг лашкар билан хоразмликлар билан жанг қила бошлади. Элтузархон кўп лашкар билан юриш қилиб дарёдан ўтиб жанг бошлади. Муҳорабадан сўнг Урганч лашкарлари шикаст едилар.

Ўзларини дарё сувиға урдилар. Уларнинг аксари ва Элтузархонни ўзи ҳам дарёға фарқ бўлдилар. Кўп асирлар орасида Элтузархонни уч бародари ҳам бор эди. Уларни Бухороға келтириб, унинг икки бародарини дорға осиб Кутлукмуродхонни, яъни унинг кичик укасини тўрт юз асир билан бирға озод қилиб, Урганжға юбордилар. Урганжликлар бошқа Бухороға боғи бўлмади, шу аснода Дин Носирбек ибн амир Маъсум Марвдан тўрт минг лашкар билан Чоржўй устиға келиб амир Хайдар ўн минг баҳодирға Ниёзбек парвоначини бошлиқ қилиб юборди. Бориб жанг қилиб, икки минг киши Дин Носирбек лашкаридан ҳалок бўлди, бошқалар таслим бўлдилар. Парвоначи Дин Носирнинг орқасидан таъқиб қилиб, Марвгача бориб, Марвдаги Султон бандини (тўғонни) бузиб, қайтди. Марвдаги экинлар сувсизликдан қуриб қолди. Бир минг икки юз йигирма биринчи йилда ҳижрийда Дин Носирбек билан аҳли аёли Маҳшадға бориб жойлашдилар. Марвда тўрт йил ҳоким йўқ эди. Амир Хайдар туркманлардан икки юз хонадонни Марвға кўчириб, уларнинг бошлиқлари Ерлақаб бийни Марвға ҳоким қилиб тайинлади. Ерлақаббий ўн йил Марвға ҳокимлик қилди. Аёзбий бориб, яна икки юз хонаворни Ерлақаббий билан бирға Бухороға кўчириб келтирди. (Марв қирқ беш йил муддатида хароб бўлиб Александр Николаевич - рус императори даврида Марвға секин-секин ҳар тарафдан одамлар тўплана бошладилар). Бир минг уч юз бешинчи ҳижрий (1887-1888 исовий) йилида Марвдан темир йўл (оташ ароба), Буроҳойи Шариф томонига келиб, кундан кунға Марв обод бўла бошлади. Бир минг икки юз йигирма саккизинчи ҳижрий (1813-1814 исовий) йилида Олимхон Хўқандий, Ўратепани босиб олади ва Жиззахгача бўлган ерларни ишғол қилди. Аммо Жиззахни ололмай, қайтиб Қўқонға кетади. Қўқанд аҳли уни ўлдириб, уни ўрниға унинг укаси Умархонни хон қилиб кўтардилар. Бир минг икки юз ўттиз тўртинчи ҳижрий йилида Муҳаммад Раҳимхон Урганжи бир неча маротиба лашкар билан келиб, Чоржўй вилоятини, икки йил Бухоро атрофини ва туманларини тараж қилиб кўп бедодликлар қилди. Шу вақтда Хитой-Қипчоқда исён кўтарилиб, Ойнақулбий ва Маъмур номли кишиларни ҳоким қилиб кўтариб Давлат

қушбегини (собик ҳоким) асир қилиб, Каттақўрғон, Паншанба, Янгикўрғон, Челекни олиб, Самарқандни қамал қилишга киришдилар. Амир Ҳайдар Урганж томондан қилинган урушларда банд эди. Унинг катта ўғли, Қарши ҳокими амир Насруллони унчалик катта бўлмаган лашкар билан Хитой-Қипчоқ устига юборади. Амир Ҳайдарни ўзи эса унинг орқасидан Карманага келади. Амир Насрулло Каттақўрғонни ишғол қилади. Абдуллобийни исёнчилар билан бирга жазога буюради. Самарқанд атрофида ҳаракат қилаётган Хитой-Қипчоқлар мағлуб бўлдилар. Амир Саид Каттақўрғонга келаб, Оталиқбийни Уратепа ҳокими, ўзи эса катта лашкар билан амир Саидга ёрдамга келади. Унинг маслаҳати билан кўч қилиб Самарқандга бориб, нозил қилди. У ердан Челекка бориб Хитой-Қипчоқлардан кўп асирлар олиб, қатл қилди. Жамоа сулҳ қилишга розилик билдирдилар. Амир Саид Урганждан паришонхотир эди. Сулҳ қилиб Самарқандга келиб амир Хусен деган ўғлини Самарқандга ҳоким қилиб, Бухорога келди. Муҳаммад Раҳимхон Урганжи катта лашкар билан Чоржўйга келиб, дарёдан ўтиб, Фаробни ишғол қилди. Амир Саид мир Умар (ўзининг ўғли) билан Ниёзбек парвоначи ҳамролигида олти минг лашкар юбориб, урганжлилар билан уруш қилди. Мағлуб бўлиб келдилар. Амир Саид катта лашкар билан, уларнинг аксари бозор талабгорлари ва сахройилар эдилар, Сандуқлига бориб, икки кеча ўша ерда ётиб, Битикка борди, Саидхўжа Саид Атойи у ернинг ҳокими эди. Беш юз лашкари бор эди. Қутлук Муродхон Муҳаммад Раҳимхоннинг укаси Фаробда эди. Амир Саидни келишини эшитиб дарёдан ўтди. Бухоро баҳодирлари уларни таъқиб қилиб, эллик тўрт нафар урганжини қўлга олиб, аксари дарёга фарқ бўлдилар. Муҳаммад Раҳимхон уч кун Чоржўйда тўхтаб, чиқиб Урганжга кетиб вафот этди. Бухоро аҳли Урганж лашкари хужумидан халос бўлдилар. Хитой-қипчоқ урганжлиларни енгилишини улар дарёнинг нариёғига мағлуб бўлганларини эшитиб, Исҳоқбек бин Маҳмудбий бин амир Даниёлни ўзларига амир қилиб кўтардилар. Карминага яқин келиб, у ерни тарож қилиб, даҳа ва қишлоқларни ёндириб бедодлик қилдилар. Амир Саид урганжлилар кетишидан сўнг бир ҳафта Бухорода туриб,

тайёргарлигини кўриб, лашкар ҳамролигида Хитой-Кипчоққа қараб йўл олди. Хитой-кипчоқлар олган жойларидан қоча бошладилар. Челекка бордилар. Амир Саид Паншанба қалъасидан Челек устига бориб, Челекни ишғол қилди. Саидбек оталиқ юз Ҳисор ҳокими, Оталиқбек бий Ғратепа ҳокими Ҳумоюн (амир Саид) ҳузурига келиб хизмат қилдилар. Ундан сўнг Самарқандга келиб, Ҳисор ва Ғратепа ҳокимларига рухсат берди. Ғзининг ўғли амир Ҳусайнни Самарқанд ҳокимлигидан четлаштирди. Унинг сабаби шунда эдики, Амир Ҳусайн ўзбошимчалик қилиб Ражаббек Парвоначини Ургутга юборган эди ки, у ерга бориб, унинг лашкарини аксари ўлдирилиб, қолганлари асир бўлдилар. Амир Саид Самарқанддан чиқиб, Ургутга келиб, Каттабекбийнинг қизини амир Насруллога олиб берди. Одинақул додхо, Масрур тўқсабо Челек, Янгиқўрғонни қолдириб, Ғратепага қараб қочадилар. Амир Саид Музаффар мансур (ғолиб) бўлиб Бухорога келди. Амир Ҳайдар бир минг икки юз қирқ иккинчи ҳижрий (1826-1827 исовий) йилида бу жаҳонни фонидан интиқол қилди. Ҳазрати Имлода кўмилган. Подшолик муддати йигирма етти йил. Қирқ саккиз йил умр кўрди. Раиятпарвар, сахий, олим эди. Талаба аҳлидан тўрт юзта шогирди бор эди. Махсус дарс хонада шогирдларга таълим берар эди. Таҳажжуд, ишроқ намозини тарқ этмас эди. Ҳар йили ўн минг ғурабо ва мискинларга вазифа берар эди. Шайхларга эҳтиром қилар эди. Етти ўғил ва саккиз қиз ундан қолган эди. Улардан икки катта ўғил амир Насрулло Қаршига, Мир Умар Карминага ҳоким эдилар. Амир Ҳайдар вафотидан кейин Мир Ҳусайн Тўра отасининг ўрнига подшо бўлиб ҳамма вилоятлардан пешкаш келди. Етмиш саккиз кун подшолик қилиб, вафот этди. Ўттиз йил умр кўрди. Амалдорлар иттифоқ қилиб Карманадан Саид мир Умарни келтириб подшо қилдилар. Халқ орасида унинг унчалик эътибори йўқ эди. Айш-ишратга берилган эди. Амалдорлар ундан кўнгиллари сусайиб, Мир

-
1. Таҳажжуд - кечаларни ётмасдан ибодат қилиш, бедорлик, ҳушёрлик.
 2. Намози ишроқ - беш вақт намоздан ташқари, офтоб чиқиши билан ўқийдиган намоз.
 3. Вазифа - ҳар куллик, ойлик, йиллик нафақа, ёки бир шахсга хазина ҳисобидан муайян тайинланган озиқ-овқатнинг тегинга бериш усули. Бундай кишиларни вазифахўр (нафақахур) деб аташлар.

Насруллога хат юбордилар. Амир Насрулло амалдорларнинг сўзларига эътибор қилиб, Қаршидан келди. Мир Умар тарафдорлари бўлган амалдорлар Бухоро дарвозаларини беркитиб амир Насруллони Бухорога киришга йўл бермадилар. Амир Насрулло Нақшбанд алайҳи раҳматуллони зиёрат қилиб, Қаршига қараб йўл олди, у ердан Самарқандга келди. Уни Самарқанддилар эътиром билан кутиб олдилар. У ердан Миёнколни олиб Бухорога келди. Бозорча деган жойга тушиб, эллик кун шаҳарни қамал қилди. Ҳаким қушбеги Ражаббек Парвоначи билан иттифоқ тузиб Аёзбийни ўз томонларига олиб, шаҳар дарвозасини очдилар. Саид амир Насруллони шаҳарга киргиздилар. Амир Умар қочиб масчиди баланд ёнида бўлган Саид Аҳмад Хўжа уйига қочиб яширишди. Саид Аҳмад Хўжанинг хотини Саид амир Хайдар қизларидан бири эди.

Амир Насрулло ибн Саид амир Хайдар подшолиги зикри.

Бир минг икки юз қирқ иккинчи хижрий (1826-1827 исовий) йилида Бухоро салтанат тахтини эгаллади. Ўзининг биродари амир Умарни Хиротга юборади. У ердан Қўқонга келди. Умархон Қўқанди ўзининг синглисини унга никоҳлаб беради. Амир Умар Қўқонда вафот этади. Амир Насрулло салтанатни эгаллагандан кейин, Бухоро дарвозаларини у келган вақтда бекитиб уруш қилган. Исматуллобий унинг ўғлини ва сипоҳиларнинг бошлиқларини қатлга букуради. Мир Забир ва Мир Ҳамза, Мир Сафар унинг укасини Нарозим вилоятига яроғу (сурғун) қилиб юборди. Муҳаммад Алихон бин Умархон Қўқондий отасидан кейин хон бўлиб, Ўратепани Оталиқбек бий юз қўлидан олиб, то Янгиқўрғонгача бўлган жойларни забт этди. Дониёл Яъми Шаҳрисабзни, Чироқчини олиб, Қарши атрофларига ҳужум қилди. Амир Насрулло Ҳаким қушбегини юқори ишга қўйиб, унинг ўғлини Қаршига ҳоким қилди. Ражаббек парвоначини Паншанбега ҳоким қилиб қўйиб, Эрдонбек Тўқсабони ўғлини Янги Қўрғонга, Олимбек Туёқли юзни Челекка, Элназар парвоначини Нурга, Пирназарбийни Карманага,

Кобилбий девонбегини Нарпайга, Мирзо Ибодуллобийни Корақўлга, Абдурасулбийни Чоржўйга ҳоким қилиб, бир минг икки юз қирқ учинчи хижрий йилда Бек ўғли девонбеги Баҳрайн вафот этди. Мазкур тарихда амир Насрулло Шаҳрисабзга бориб Чироқчи вилоятини олиб, унинг қалъасини вайрон қилиб Дониёл Яъми билан суҳ қилиб унга девонбеги унвонини бериб Бухорога қайтади. Бир минг икки юз қирқ саккизинчи хижрий йилида Кўконга лашкар тортиб Жиззах, Ғратепа Кўконни босиб олиб, Кўкон хони Муҳаммадалихонни қатл этиб, Иброҳимбийни Кўконга ҳоким қилиб, Бухорога келди. Қирқ кундан кейин Кўкон аҳли Иброҳим парвоначини Бухорога юбориб, Бек Бутахонни Кўқанд хони қилиб кўтардилар. Саид амир Насрулло подшо бўлгандан сўнг яқин ва узоқдаги подшоларга элчи юбориб, ўзининг тахтга чиққанлигини огоҳ қилди. Қобилбек қарлуқни Эрон подшоси Муҳаммадшоҳ Қочар (қожар)га элчи қилиб юборди. Ўн кун ўтгандан кейин Болтақулбек Чигатойбек қирқни Султон Абдул Ҳамид халифага элчи қилди. Қобилбек Эронга бориб шоҳ билан учрашади. Муҳаммадшоҳ қожор айтди, Бухоро одамлари Эрон фуқароларини ўғирлаб сотиб ўз овқатларини ўтказадилар, яна уялмасдан подшоларга элчи юборадилар. Қобилбек бий жавоб бериб билмасдан сукутга кетди. Бир ҳафтадан кейин Болтақулбек Чигатойбек Эрон устидан ўтиб Истамбулга кетаётганида Эрон шохини кўрмаса одобдан эмас деб билиб, Бухоронинг расми бўйича от ва буғча (унда турли газмол ва кийим бошлар) қилиб, шохни кўрди. Шох Қобилбекка айтган гапларини унга ҳам такрорлади. Чигатойбек жойидан туриб айтди, агар ижозат бўлса арз қилай. Шох жавоб берди. Чигатой бек айтди, шаҳаншоҳга маълум бўлсинки қадим замонлардан Бухоро подшолари аксар мамлакатлар билан яхши муносабатда бўлганларки бу масалада бирор кишида шак-шубҳа бўлиши мумкин эмас. Бухоро давлати ва Эрон мамлақати ўтрасида Туркман жамоаси бордир ки, улар на Бухорога ва на Эронга тобеъдирлар. Улар бебошлик қилиб, Эрон давлати фуқароларидан ўғирлаб Бухоро ва бошқа шаҳарларга элтадилар. Бухоро аҳли мурувват йўли юзасидан ва диндорлик шафқати юзасидан уларнинг ҳар бирини адл нарх билан сотиб олиб, ўзларини ичкари ва ташқари

ишларини уларга топширадилар. Бир неча фурсатдан кейин уларни озод қилиб, улар ҳам Бухоро фуқаролари билан тенг бўлиб, ўзларини ватанларидек у ерларда ҳалол хизмат қиладилар. Улар ҳам аҳли-аёл ва бойлик, молга эга бўлиб, ҳатто подшоларнинг хизматларига кириб катта мартабаларга эришадилар. Эрон шоҳи бу сўзни эшитиб қаҳ-қаҳ уриб қулиб қуйидаги рубойини айтди:

Фиристода боядки доно буд,
Бағуфтани дил тавоно буд.
Аз ў ҳар чи пурсанд гўяд жавоб,
Жавобаш набошад бағайраз савоб.

Мазмуни:

Юборган киши магарки доно эди.
Дилда айтилган саволларга билиб жавоб берар эди,
Ундан нима сўрасанг беради жавоб
Жавоби савобдан бошқа нарса эмас эди.

Берган жавобингдан мени хурсанд қилдинг ва хотиржам қилдинг деб айтди. Шоҳ ўзининг хос узугини ва яна "Оҳчакўк" номли ўзи миниб юрган отини меҳрибонлик қилди, неча кун ўзининг саройида сақлаб зиёфатлар бериб, одам ҳамро қилиб, то Истамбул чегарасигача катта иззат ва икромлар билан жўнатди. Халифа Бухородан элчилар келганини эшитиб, буйруқ бердиларки Бухоро элчисини шамол кемаси билан денгиз орқали олиб келинглар, деб. Иброҳим подшо одамлари келиб бу хабарни Бухоро элчисига айтдилар. Чигатойбек, мен ўз одамларимдан ажралмайман, қуруқлик йўлидан борамиз деб айтди. Шундай қилиб қуруқлик йўлидан Истамбулга етди. Қофлон боши номли Султон яқинларидан чиқиб, кутиб олиб, уларни элчихонага олиб келди ва келтирган номасини талаб қилди. Чигатой бек айтди, менинг подшоҳимни фармойишига биноан номани мен ўзим султонга топшираман, деб номани бермади. Бир неча кундан кейин Қофлонбек Бухоронинг элчисини Султон хузурига олиб бориш учун келди. Элчи Бухоро расмини қилиб, белига фута боғлади. Пичоқни футага ўтказиб осиб қўйди. Қофлонбек айтди, ким ўзининг белини фўта билан боғласа ва пичоқ тоқса, бизнинг султонимиз табиға ёқмайди. Элчи жавоб бердики мен ўзимизнинг мамлакатимиз расмини қиляяпман. Қофлошбоши ҳар

қанча манъ қилса ҳам у айтганига туриб олди, ниҳоят султон ҳузурига бордилар. Султон Абдулхамид фўта ва пичокни кўриб сўради, элчи ўз жойидан туриб айтдики, қадим замонда бирор хизматга бирор кишини юбормоқчи бўлсалар, унга ўз давлати нишонини тақиб қўяр эканлар. Шунинг учун Бухоронинг нишони фўта ва унга осилган филофдаги пичокдир. Султон бу гапдан завқ уриб кулиб, Қофлонбоши қулоғига бир нарсани пичирлаб кўйди. Қофлонбоши бориб олмос нишонни олиб келиб элчига берди, элчи олиб пичокни ва фўтанинг устидан тақиб кўйди. Султон айтди. Энди сиз икки подшонинг нишонларига эга бўлдингиз. Олти ой сақлаб кўп эъозлар қилиб, Бухорога узатди. Бухорога келиб, бир неча вақтдан кейин яна икки маротиба Россияга биринчи император Николай Павловичга элчи бўлиб борган эди. Бир минг икки юз эллигинчи хижрий йилда иккинчи марта Петербургга бораётганида йўлда вафот этди.

Амир Насрулло ҳар йил икки маротиба Шаҳрисабз устига лашкар тортиб, бир ой Ҳумоқулибий ва Искандарбий билан урушиб, сулҳ тузиб Бухорога қайтиб келар эди. Йигирма саккизинчи сафар ойдан кейин Шаҳрисабзни фатҳ қилиб, Искандарбийни Бухорога кўчириб олиб бориб, унинг синглисини олади. Бир минг икки юз етмиш етти хижрий (1860-1861 исовий) йилда амир Насрулло ўттиз беш йил ва бир ой салтанат қилиб, олтмиш уч йил умр кўриб вафот этди. У қулоқ оғриғи касали билан вафот этган, унинг қабри Эшони Имлодадир!

1. Ривоятларга қараганда, амир Насрулло Шаҳрисабзни охириги марта олган пайтида, кенагаслиларнинг қулчилигини ноҳақ қонини тўқади. Кенагасхонини (Шаҳрисабз ҳокимини қизини) акаси Искандар билан Бухорога олиб келиб Кенагасхонимга уйланади. Кенагасхоним ўз авлодларининг учини олиш учун Насруллохоннинг қулоғига симоб қўяди, Насрулло уйғониб ғазабланиб, Кенагасхонини 40 канназаги билан Арк ичидаги қудуққа ташлашга буйруқ беради. Шу жой чилдухтарион номини олган. Одамлар у ерни зиёратгоҳга айлантиришлар. (Бу ҳақда тўлиқроқ маълумот Нарзулло Йўлдошев, “Бухородаги айрим авлиқалар тарихи” Бухоро.1993. 30-31 бетлар)

Амир Музаффар ибн Саид амир Насрулло
подшолиги зикри.

Карманадан келиб тахтга ўтиради. Ҳамма вилоятлардан пешкаш, тортиқлар келади. Фақат Ҳисор ҳокими Абдул Карим девонбеги, Кўлоб ва Балжуон ҳокими Сарибек додхо, Қаратегин ва Дарвоз шоҳларидан пешкаш ва ҳадиялар келмади. Ҳатто табриклаш учун киши ҳам юбормадилар, улар мустақилликни қўлга оламиз деб ўйладилар. Маллахон бини Норбўтабек Қўқон хони келиб, Уратепани олиб, Жиззахни қамал қилди. Амир Музаффар қиш пайтида, совуқ шиддатли бўлган даврида катта лашкар билан Ҳисорга келади. Дехнав вилоятига етиб, кўп урушлар қилдики, ақл эшитишдан ожиздир. Чингизхон қандай қатли ом қилган бўлса, амир Музаффар ҳам бўйсунмаган вилоятларга ундан ортиқроқ қилди. Денав олингандан кейин Ҳисорли Шодмон билан қаттиқ жанглари олиб бориб, ўн беш кун қамалдан кейин Ҳисорни фатҳ қилди. У ернинг ҳокими Абдулкарим бий девонбегини ва унинг ўғилларини қатл қилди. У ердан Балжуон вилоятига бориб, кўп қирғин барот жанглари сўнг Кўлоб ва Балжуонни фатҳ қилиб у ердаги амалдорларни кўпчилигини қатл қилди. Сарибек додхо дарёдан ўтиб Афғонистонга қараб қочади. Дарвоз, Қаратегин шоҳлари бошқа вилоятлардаги қирғинларни эшитиб, кўп пешкашлар билан келиб, вилоятларини Бухорога тобеълигини билдирдилар. Қаратегин ҳокими Сирожалдин шоҳга меҳрибонлик қилди. Ҳар бир вилоятда муносиб ҳокимлар қўйиб Бухорога келди. Маллахон Қўқондини бадмижоз ва тундхўйлиги учун Қўқонда амалдорлари уни ўлдириб, ўрнига унинг бародари Худоёрхонни тахтга ўтказдилар. Саид амир Музаффар лашкар тортиб Уратепани Рустам бий юздан олиб, бир неча кун у ерда туриб, кейин Қўқондага бориб жанг қилиб, Қўқондини фатҳ қилиб, яна Қўқон салтанатини Худоёрхонга берди ва Бухорога келди. Икки йилдан сўнг Қўқондилар Султон Муродхонни келтириб, хон қилиб кўтардилар. Худоёрхон қочиб Самарқандга келиб, Самарқанд ҳокими Аллаёр парвоначи Худоёрхонни амир Музаффархон амри билан яхши эҳтиром қилди. Самарқандда вазифа (нафақа)

тайинлаб сақлади. Икки йилдан кейин яна Саид амир Музаффар Бухородан чиқиб, Самарқандга келиб, уруш тайёргарлигини кўра бошлади. Худоёрхонни ўзи билан бирга олиб бориб Қўқандни қамал қилди ва ниҳоят Қўқандни олиб, Худоёрхонни иккинчи марта хонлик салтанатига ўтказиб Бухорога келади.

Шу аснода кенагаслилар иттифоқ бўлиб Шахрисабзни Ашурбек бий қўлидан олиб, Ҳакимбекни ҳоким қилдилар. Китоб вилоятини Зокирбекбий қўлидан олиб, Жўрабек деб аталган кишини ҳоким қилиб, Шахрисабз ва Китобда истехкомлар қуриб амир Музаффарга душманчилик ҳаракатида бўлдилар. Амир Музаффар буни эшитиб, фатх қилишга муяссар бўлмади. Сулх тузиб Бухорога кетди. Ўша вақтда Россия лашкарлари Туркистон вилоятларини босиб ола бошлади. Генерал Черняев бошчилигидаги Россия қўшинлари Тошкент вилоятини олди. Саид Амир Музаффар Россия қўшинлари билан ғазо қилиш ниятида жуда кўп лашкар билан бир минг икки юз саксан икки хижрий йилда Самарқандга келиб Шералибий Иноқ номли ўзининг қулини Самарқандга ҳоким қилиб Оллобек девонбегини Жиззах вилоятига ҳоким қилиб ўзи лашкар билан бирга Сирдарё бўйидаги Сасиқ кўл мавзеида неча кун туриб эдики, рус қўшинлари Тошкентдан чиқиб Чинозга келиб Бухоро лашкарлари билан жанг қилдилар. Бухоро қўшинлари оралари бузилиб қоча бошладилар. Саид амир Музаффар Самарқандга келиб у ердан Бухорога келди. Рус қўшинлари Сирдарёсидан ўтиб Жиззахга келиб Оллобек девонбеги лашкарлари билан кўп жанглр қилиб, мусулмон лашкарлари мардонавор жанг қилиб, саноксиз кишилар, ҳамда Оллобек девонбеги ҳам бу жангда шахид бўлдилар. Рус қўшинлари Жиззахни олиб, бошқа йили Самарқандга келиб, уни мухосара қилиб, Шерали Иноқ жангда шахид бўлиб, у ердан рус қўшинлари Каттақўрғон, Паншанбани олиб, Зирабулоққа етиб келади. Бухоро лашкари Зирабулоққа русларга қарши қаттиқ жанглр олиб бордилар. Икки томондан ҳам кўп кишилар шахид бўлдилар. Руслар қайтиб Каттақўрғонга кетдилар. Саид амир Музаффархон кўрдики, жанг билан иш битмайдиган, хохладики, олий иродасига (худо иродасига) рози бўлиб,

сулҳ қилишга мажбур бўлди. Бу сулҳ битими ҳозирда ҳам яъни бир минг уч юз ўттиз биринчи ҳижрий йилига қадар яъни император Александр Николаевичдан то ҳозирги император Николай Александрович давригача Россия билан дўстлик ришталари кундан кунга ривожланмоқда. 1288 йил ҳижрий (1871 исовий) да Россия императори иттифоқ шартномаларига асосан ўз аскарларини Шаҳрисабзга юбориб, Шаҳрисабз ва Китоб вилоятларини олиб, амир Музаффарга берди, ки ҳозир у ерлар Бухоройи Шариф тобеъсидир. Рус давлати императори шарофати билан Бухоро вилоятлари тинч обод бўлдилар. Саид амир Музаффархон йигирма йил подшолик қилиб бир минг уч юз учинчи ҳижрий (1885 апрел исовий) йилида товук йили 6 сафар ойида вафот этди. Отасининг ёнида яъни Эшони Имло мазористонида дафн қилинган.

Саид амир Аҳадхон подшолиги зикри.

Отаси вафотидан кейин Кармана вилоятдан келиб, Бухоро тахтига эга бўлди. Бутун уламову умаро (амалдор) лар фуқароларни осуда ва хотиржам қилдилар. Амورات паноҳ Остонакул кушбеги, Ҳисор ҳокими Шодмон бийни бир неча кишилар билан Петербургга элчи қилиб юборди. Улар орасида китоб муаллифи Ўроқ ҳам бор эди. Ўша вақтда оташ ароба (поезд) йўқ эди. Рус почта аробаларига миниб то Оренбурггача бориб, у ердан оташаробага ўтириб Петербургга бордик. Император Александр Александрович буйруғи билан бизларни Маламорской Горан ателье номли меҳмонхонага келтириб кўп эъзозлар қилиб жойлаштирдилар. Муаззам императорни ҳузурига бўлиб, бизларнинг ҳар биримизга нишон, тилло соат, бриллиантли ангуштарин (узук)лар совға қилди. Бутун подшолик чорбоғлари ва қасрларни, Қранштан исмли денгиз ичидаги шаҳарни кўрсатдилар. Олтмиш икки кун бизларни сақлаб, кейин рухсат берди ва Бухорога келиб амирнинг зиёратига мушарраф бўлдик. Мухаррир Ўроқ (яъни Мирзо Салимбек) ўша вақтда Хитфар ва Сомжин туманида¹ амалдорлик мансабида эдим. Амир Абдул Аҳад салтанати аёмида ҳамма

1. Хитфар - Вобкент дарёнинг қадимги номи. Хитфар - ҳозир Вобкент тумани, Сомжин - Вобкент дарёнинг қуйи irmoғининг номи. Ҳозирги Ромитан тумани.

вилоятлар хотиржам ва осойишта эдилар. Хеч тарафдан лашкарларнинг този-бози йўқ эди. Бухоро атрофидаги вилоятлардан то Дарвоз, Қаратегин қибла чегаралари бўлган Кабоқлигича (яъни Урганч чегарасигача), Қаршидан Шаҳрисабз, Китобгача бўлган ҳамма Қарам, фармонбардор эдилар. (ҳамма мутех ва манқабад бўданд).

Ҳазрат Боғчасаройдан , рус тилида Милт деб атар эдилар, чорбоғ олиб ҳар йили ёз ойларига уч ой Бухоройи шарифдан ўша ерга бориб дам олар эдилар. Саид Абдул Аҳад даврида Бухоро вазоратлиги мансабида Мулло Муҳаммад бий Қушбеги, унинг вафотидан кейин Мулло Жонмирзо бий қушбеги унинг вафотидан кейин Мулло Муҳаммад бий қушбеги набераси Остонақул бий қушбеги бўлиб, улар амирнинг зархарид қуллааридан бўлиб асли Эроний эдилар. Амир Аҳадхоннинг салтанатининг охириги йилларида Эронийлар Бухоро талаба ва уламолари билан жанг қилиб, икки томондан ҳам кўп кишилар ўлдирилди. Остонақул қушбеги ишдан четлаштирилиб, унинг ўрнига Мирзо Насрулло бий қушбеги вазоратлик вазифасига тайинланди.

БУ ЎРОКНИНГ ФАОЛИЯТИ.

(ЎРОК¹ - Мирзо Салимбека берилган унвон).

Бир минг уч юз олтинчи хижрий (1888-1889 исовий) йилда Бухоройи Шарифда миршаблик вазифасида беш йил хизмат қилдим. Ундан кейин Яккабоғ вилоятига хизматга бордим. Беш йил муддатида у ерда ҳам хизмат қилиб, ундан сўнг аморат мансабига Нурато вилояти ҳукуматида тўрт йил хизмат қилиб, у ердан Бойсун вилоятига ҳукумат қилиб юбордилар. Икки йилдан сўнг Бухорога келиб, Ҳазрат Шаҳаншоҳни зиёратига мушарраф бўлиб Шеробод вилоятига юбориб додхолик мансабига эришдим. Тўрт йил у ерда туриб, салтанатнинг охириги йилида Шаҳрисабз вилоятини ҳукумати мансабига тайинландим. Бир минг уч юз йигирма саккизинчи хижрий (1910 исовий) йилида жаноб Саид амир Абдул Аҳад йигирма олти йил подшолик қилиб,

1. Ўроқ - муҳтасиб унвонига лқни бўлиб, шарият қонулари бажарилиши устидан амир хизматкорлари ва Саидлар устидан назорат қилувчи. Бундай унвон шарият қонуларини ағаллаган юқори даражадаги кишиларга амир томонидан берилган.

эллик икки ёшида фони оламни падруд қилиб, Кармана вилоятида оламдан ўтди. Ҳазрат Қосими Шайх мазориди (Карманда) дафн этилди. Жаноби Хумоюн мушфиқ, меҳрибон, раҳмдил эди. Унинг салтанати даврида ҳатто чумоли ҳам озор топмаган эди. Уламо, амалдор ва фуқароларга доимий марҳамад қилар эди. Хусусан ўз бародарларига мушфиқ ва меҳрибон эди. Унинг катта биродари Мир Икромхон Тўра ўзининг отаси Саид амир Музаффар уни Фузор вилоятига ҳукумат қилиб тайинлаган эди. Амир Абдул Аҳадхон умрининг охиригача унга шафқат ва меҳрибонликни аямади. Унинг катта ўғлини Саид Мир... (Автор ёзмаган)ни Чирокчи вилоятига ҳоким қилиб тайинлаган эди. Бошқа бародарлари Шаҳзод Саид Мир Сидиқ Тўра, Саид Мир Абдулсамад Тўра Бухоро шаҳрининг ичкарасида яхши уйлар бериб кўн вазибалар тайинлади ва бошқа шаҳзодалардан Саид Мир Носирхон Тўра, Саид Мир Абдулазиз ва Саид Мир Тўра (бу ерда ҳам исм ёзилмай қолган)ларни Аркнинг тепасида яхши ҳовлиларни ажратиб бериб, уларни ҳамиша ҳурмат ва саҳоват қилар эди. Бир қанча улкан бинолар қурдирди. Мадинайи Мунавварада ва Маккаю Муаззимага олий такиягоҳлар бино қилди. Бухорои Шарифда сарой тижорати иморат қилди. Хусусан, Петербургда Жомеъ масҷиди бино қилди. Бу масҷидда мамлакатни хирожини бир қисмини сарф қилди. Ўша асрда ҳеч бир подшо бу тариқа ҳар бир рус вилоятига масҷид мусулмонлар учун бино қилмаган эди. Петербургда намозхон мусулмонлар учун бирорта ҳам масҷид йўқ эди. Бухоро подшосининг диндорлик фаолияти орқали Бухороли усталар ажойиб масҷидни таъмир қилдилар.

Саид Мир Олим бин Саид Амир
Абдул Аҳад полшолиги зикри.

Амир Абдул Аҳад бир минг уч юз йигирма саккизинчи ҳижрий (1910 декабр исовий) йилида вафот этган. Бухоро салтанат тахтига Саид мир Олимхон ўттири. Уламо ва амалдорлар уни навозиш қилиб эҳтиром билан кутиб олдилар. Асқария маҳоналарини уч баробар оширди. Навкарларнинг маошларини икки баробарга оширди.

Раиятнинг ҳар йилги хирожини тартибга солиб ҳаммани хушнуд қилди ва бир минг уч юз йигирма тўққизинчи ҳижрий йилда аморат паноҳ Авлиёқулбек бий парвоначи манғитни Қаратегинга ҳокимлик мансабига, Жалил ал Кодир девонбегини Ҳисор вилояти ҳукуматига, мулло Неъмат Оллобек бий додхони Кўлоб вилоятига, Исоқбек бийни Сарисийёга, Мирзо Азим Хўжани Шеробод вилояти ҳокимлигига сарфароз қилди. Бир минг уч юз ўттизинчи ҳижрийда Муҳаммад Юсуф бий додхони Чоржўй вилоятига, Ибод ал Ҳофиз Иноқ Бухорийни Бойсун вилоятига ҳоким қилиб тайинлади. Бир минг уч юз ўттиз биринчи ҳижрий (1912-1913 исовий) йилда Шаҳрисабзга келиб, бир кеча Қаро кўзи чорбоғига ётиб, мен яъни Ўроқ Кеш шаҳрида ҳоким эдим, келиб амир билан учрашдим. Унинг хос суҳбатига муяссар бўлдим. Амир ўз жамоаси билан Шаҳрисабзга дохил бўлиб, амир Темур соҳибқироннинг биринчи пойтахтини зиёрат қилди. Олий ихтиром подшо Сирожи растасидан то Арки олий дарвозасига боргунча беш минг бухорий тангаси ва у ердан то пойтахти олийгача икки юз Бухорои шариф тиллосини устларидан ташлаб, муборакбод қилди ки, ҳамма фуқаролар ва мискинлар хурсанд бўлдилар. Зоти мубораки олийни дуо қилдилар. Қарши вилояти азмини қилди. Тўрахўжа судур у ернинг ҳокимини ишдан четлаштириб, у ерда Ишонбек бийни вилоят ҳокими қилиб тайинлади. Бир минг уч юз ўттиз бир ҳижрий йилда (милод йилида 1912-1913 йил) Кармана вилоятига бир неча тўйлар ўтказиб аморат паноҳ Мирзо Низомиддин Хўжа парвоначига девонбеги мансабини бериб, унинг ўғлини Нарпайга ҳоким қилиб тайинлади ва додхолик мансабини берди. Аҳрорқулбек бий удайчи Қалмоқни додхолик ва Имомқулбекни тўсаболик мансабини бериб хазиначи мансабига тайинлади.

РУССИЯ ДАВЛАТИ ПОДШОЛАРИ ВА ИМПЕРАТОРЛАРИ БАЁНИ ҲАҚИДА

882 исовий йилда славян рус қабиласидан Юрик исми киши бир қанча вилоятларда княз бўлди. Унинг вафотидан кейин Святослав княз бўлиб, Киев вилоятини олиб пойтахтга айлантирди. Унинг вафотидан кейин Игор княз бўлиб зулмни кучайтирди. Руслар уни ўлдириб уни ўғли Святиславни княз қилдилар. У ҳам отасидек халққа зулм қилди. Уни ҳам қатл қилиб унинг ўғли Владимирни 972 исовий йилда княз қилиб кўтардилар.

Владимир вақтида рус славянлари бутпараст эдилар. 988 исовий йилида Юнонга лашқар тортиб, голиб бўлиб, Юнон подшоси қизига уйланмоқчи бўлади. Улар дедилар, бизлар христианмиз, бизлар Исо алайҳис саломнинг динидамиз. Бутпарастларга ўз қизимизни бермаймиз. Владимир бутпарастликдан қайтиб, Насоро динини қабул қилди. Юнон қайсарининг (подшосининг) қизи Аннага уйланади. Бир гуруҳ христианларни бирга олиб келиб, катта тўй қилиб, ўз қабиласи гуруҳларини бутпарастликдан христиан динига киритди. **Владимирни** кўп ўғиллари бор эди. Уларни ҳар бир вилоятга княз қилиб уларни удел князлари деб атай бошладилар. Киев вилоятидаги князни улуф княз деб атадилар. Владимир вафотидан кейин унинг катта ўғли **Ярослав** улуф княз бўлди. Адлия маҳкамасини тартибга солди. Ҳокимларга “Қонуннома” бердики, унинг юзасидан қонун чиқарар эдилар. 1054 исовий йилда Святослав деган улуф княз вафот этиб, унинг ўрнига Святополк улуф улуф княз бўлди. 1113 исовий йилда Святополк вафот этиб, унинг ўрнига Владимир Соний (Владимир Мономах) улуф княз бўлди. Бу даврда илгариги хароб вилоятлар обод бўлдилар. 1225 исовий йилида Владимир Соний вафот этиб, князлар орасида ихтилофлар кучайиб, Киев хароб бўлиб, ҳар томонга паришон бўлдилар. Владимир Сонийдан сўнг унинг ўғли Юрий Долгорукий княз бўлиб, русни анча осойишталикка олиб келди. Ростов вилоятини ўзининг пойтахтига айлантирди. Унинг вафотидан кейин ўғли Андрей Боголюбский князлик мансабига мингач, ўзининг бобоси томонидан ташкил этилган Владимир шаҳрини

Ўзининг пойтахтига айлантирди. Андрей Боголюбский ғоят муруватсиз, раҳмсиз бўлиб, унинг ўрнига Всеволод Большой Гнездони қўйдилар. Всеволод Большой Гнездонинг (ўғиллари) насли кўп бўлиб, ҳар бир вилоятга улардан княз тайинлаб, бу даврда алоҳида князликлар кучайиб кетди. У вақтда Москва вилоятида бир бояр яшар эди. 1147 исовий йилда Москва вилояти шаҳарга айланиб кундан-кунга тараққий эта бошлади.

ТОТОР ХОНЛАРИНИНГ РУС КНЯЗЛАРИГА ХУЖУМИ ВА УЛАРНИ БОСИБ ОЛИНИШИ БАЊНИ.

1224 исовий йилда тотор қавми Осиё китъасидан келиб, Дон дарёси бўйларига келиб, Половецлар қабиласини у ердан ҳайдаб у ерларни ўз маконларига айлантирдилар. Рус қавми тотор келишини эшитиб, ваҳм ва ҳаросга тушдилар. Половецлар русдан ёрдам сўраб мурожаат қилдилар. Княз Святослав қўшин тўплаб тоторлар билан жанг қилди. Тоторлар элчилар юбориб, бизлар рус билан жанг қилмоқчи эмасмиз, уларга даҳл қилмаймиз. Княз Святослав тоторларнинг вакилларини ўлдирди. Тоторлар урушмасдан орқага чекиниб, бошқа йўл билан кетдилар. Руслар хурсанд бўлиб, тоторлар бизлардан қўрқиб қочди деб ўйлаб, уларнинг орқаларидан қувладилар. Тоторлар қўрдиларки руслар уларни тинч қўймайдилар, рус лашкарларига тўрт томондан хужум қилиб, уларни қатл қилавердилар. Рус аскарлари қочишга юз тутдилар. Айтадилар ки, тотор муғул қавмидан бўлиб, молдор кўчманчи эдилар. Сахро ва тоғларда юрар эдилар. Шунинг учун уларни руслар тоторлар деб атар эдилар. Тоторлар қавмидан кўп авлод ва қабилалар тарқалиб, уларнинг ҳар бирини нўғой, қалмоқ, қирғиз ва ҳоказо номлар билан атар эдилар. Баъзи тарихларда зикр қилинади ки, Колим дарёси ёки унинг номини Тот деб атар эдилар, мана шу Тот дарёси бўйларида тоторлар маскан қурган эдилар. Шунинг учун бу қавмнинг номини ҳам Тот дарёсининг номи билан тотор деб атар эдилар.

Гарчи тотор қавми Хитой вилоятидан чиққан бўлсалар ҳам 1220 исовий йилларда русга маълум бўлади. Ўша замонда муғул қавмидан Чингизхон хуруж қилиб,

бутун Осиёни ўзига тобе қилган эди. 1224 йилда (исовий) Европа иқлимида тоторлар ўз ерларини кенгайтириш учун кўпгина вилоятларни босиб олдилар. Тотор қавмидан Ботухон номли (Чингизхон невараси) Киевни истеъло қилиб, халқларга дахл қилмасдан уларнинг динини қабул қилди.

1240 исовий йилда тоторлар кўпгина рус вилоятларини олиб, қипчоқ даштида Хон Балиғ номли шаҳар бино қилдилар. Тотор давлатини ташкил қилиб, уларни идора қилиш ишларига дахл қилмади. Яна ҳар бир сур вилоятини собиқ князларга бериб, ҳар йили маълум миқдорда хирож олар эдилар. Князларни тайинлаш ва уларни вазифаларидан бекор қилиш тотор подшоши ихтиёрида эди.

Ботухон Александр Невскийни Москва вилоятига улуг княз қилиб тайинлайди. Бошқа уделний князларни унга тобеъ қилиб доимо уни ҳамият қилар эди. 1263 исовий йилида Александр Невский вафот этади унлан кейин 65 йил князлар ўртасида фитналар чиқиб, бир-бирларини ўлдириб ўзаро урушлар бўлиб турди. Ундан кейин Александр Невскийни набераси Иван исмли тотор хонига кўп пешкашлар юборди. Москвада улуг княз бўлди. Зохирина тотор хонига тобеъ эди. Тоторлардан мустақил бўлишга ҳаракат қила бошлади. 1340 исовий йилида Иван вафот этиб, унинг авлодларидан бир нечалар княз бўлдилар. Иван Калитанинг невараси Дмитрий исмли Москвада улуг княз бўлиб, йиллик хирожни тотор хони Мамайга беришдан бош тортди. Мамайхонни элчиларини ўлдирди. Кўп қўшин тўплаб 1380 исовий йилда Куликов мавзусида жанг қилиб, тотор лашкарини мағлуб этди. Дмитрий Иванович Донской лақабини олди. Тотор қавми Мамайхонни хонликдан четлаштириб, Тўхтамишхонни подшо қилиб кўтардилар. Тўхтамишхон ўзининг лашкарлари билан келиб Москвани муҳосара қилиб, Дмитрий Донскойни ўзига тобеъ қилди. Хирожни тўлашга мажбур этди. 1389 йилда Дмитрий вафот этди. Василий исмли унинг ўғли Москвада улуг княз бўлди. Тотор хони билан дўстлик алоқаларини мустаҳкамлаб, тоторлар ёрдами билан руснинг кўп вилоятларини Москвага тобеъ қилдилар. 1425 исовий йилида Василий вафот этиб, унинг ўрнига ўғли Василий Тёмний Москвада княз бўлиб, то бир

минг тўрт юз олтмиш икки исовий йилигача ҳукмронлик қилиб, бунинг замонда тоторлар орасида фитналар кўпайиб, тахт учун ўзаро курашларни бошладилар. Кундан кунга уларнинг русларга нуфузи (таъсири) камайиб борди. Шу вақтда Амир Темур соҳибқирон хуруж қилиб, Олтин Ўрда хонини тор-мор қилиб, тоторлар Амир Темурдан кўрқиб, ҳар томонга пароканда бўлдилар. Амир Темур кетгандан кейин яна тоторлар тўпланиб Аштархон, Қрим ва Қозонни бирлаштириб, ўз давлатларини ташкил қилдилар. То Иван Солис вақтигача тоторлар давлати секин-секин кучсизланди.

Иван Соний 1463 исовий йилида уделний князларни ўртадан кўтариб Москва атрофига рус ерларини бирлаштира бошлади, ўзини подшо деб эълон қилди. Адлия қонунларини тартибга солди. Урус ва провославларни бирлаштирди. Қирқ икки йил мустақил подшолик қилди. Унинг вафотидан кейин ўғли Василий Соний подшолик қилди. 27 йил подшолик қилиб, у ўлгандан кейин унинг ўғли Иван Грозний подшо бўлди. То 1584 исовий йилгача Қозон, Астрахон ва Сибирни Россия давлатига тобеъ қилди. У олган жойларига раҳмсизлик сиёсатини юргизди. Хусусан тоторларга нисбатан қаттиқ адоват сақлаган эди. У ўлгандан кейин унинг ўғли Фёдор подшо бўлди. Етти йилдан кейин Федор вафот этиб, ундан насл қолмаган эди. Юрик авлодларидан бўлган княз подшолар ўн беш нафар эдилар. Ундан кейин ҳар кимни тахтга ўтказдилар. Бир неча кундан кейин уни ўлдириб ёки тахтдан туширар эдилар. То 1613 исовий йилгача жуда кўп тўполонлар, урушлар бўлиб ўтган эди. Мазкур тарихда боярларнинг машварати билан Михаил Федорович Рамановни Москва подшоси қилиб кўтардилар ки, ҳозирги императорлар унинг авлодидандирлар. Михаил Федорович ўттиз икки йил подшолик қилиб, вафот этди. Унинг ўрнига ўғли Алексей подшо бўлди. 1676 исовий йилда Алексей ўлиб, унинг жойига ўғли Федорни тахтга ўтказиб олти йил подшолик қилди. У ўлгач уни ўғли 6 ёшар Пётрни подшо қилиб кўтардилар. Унинг ишларини Анна исмли онаси бажарар эди. Пётр вояга етгандан кейин жамий ишларни ўз қўлига олди. Кўрдикки Россия нодонлик, жаҳолат ёқасига тушиб тараққиётдан жуда орқага қолиб кетган бир мамлакатга айланган. Бир неча ёшларни (кўпчилиги

бойрлар авлодидан) олиб, фаранг вилоятларига юбориб, ҳар хил илми хоҳласалар ўшаларни эгаллашни буюрди. Фаранг мамлакатларидан олимларни олиб келиб мактаблар жорий қилди. Ўзи инглиз мамлакатига бориб, кemasозликни ўрганди. Қайтиб келгандан сўнг бутун кишиларнинг либосларини Европача кийишга мажбур этди. Соқолларини қирқиб, либосларни калта қилиб, хотинларни эркаклар билан тенглаштирди. Бир неча маҳкамалар бино қилиб, тижорат ишларини ривожлантирди. Петербург шаҳрини бино қилдирди. Денгизларга кемалар юришини йўлга қўйди. Польша ва Финляндия давлатларини Россияга тобеъ қилдирди. Ундан кейин ўзини император деб эълон қилди. 1725 йилда оламдан ўтди. Унинг қилган ишларидан камгина (андаке) баён қилинди. Россиянинг биринчи императоридир. Пётрдан кейин унинг хотини Екатерина император бўлди. Икки йилдан кейин вафот этиб, унинг ўрнига Пётр Сони (Пётр II) император бўлиб, уч йилдан кейин ўн беш ёшда вафот этиб, ундан фарзанд қолмаган эди. Иван Алексеевични қизи Анна Ивановнани император қилиб кўтардилар. Ўн йил подшолик қилиб, вафот этиб, унинг жойига Пётр Алексеевични қизи Елизавета Петровна тахтга чиқиб, йигирма йил иператорлик қилиб, 40 ёшида вафот этиб, унинг ўрнига Пётр III император бўлди. Бир йилдан кейин Екатерина II ўз шавҳарини маъзул қилиб (четлаштириб) императрица бўлди. Россия давлатини кенгайтирди. Россияни 52 губернаторликка тақсимлаб, ишларни раиятга осонлаштирди. Адлия маҳкамаси ва почта хоналарни ташкил қилиб, медицина мактаблари, эркак ва аёллар учун алоҳида мактаблар очди. Унинг императорлик даврида Туркиядан кўп вилоятларни фатҳ қилди. Екатерина 34 йил подшолик қилди. Унинг вафотидан кейин унинг ўғли Павел император бўлди. Беш йил подшолик қилиб, ундан кейин ўғли Александр бир минг саккиз юз биринчи исовий йилида император бўлди. Бир неча дорилфунун ва гимназиялар очди. Француз подшоси Наполеон лашкар тортиб, рус вилоятларини тасарруф қилди. Москвага келиб, уни забт этди. Қиш ва совуқ ҳаво уларга ёқмасдан, Наполеон лашкари ҳалокатга учради. Ундан сўнг Александр лашкар тортиб, французлардан вилоятларни қайтариб олиб, усмонли

турклар билан жанг қилиб неча вилоятларни олди. Эрон шохидан Гуржистон вилоятларини босиб олди. Александр йигирма беш йил подшолик қилиб ўтди, фарзанди бўлмагани учун унинг буродари Николай ибни Павел 1825 исовий йилда император бўлди. Туркия билан икки маротиба уруш олиб бориб, Севастополни олди. Унинг замонида Россияда кўп фитналар авж олган эди. Николай ўттиз йил подшолик қилиб, вафот этиб, унинг ўрнига ўғли Александр II император бўлди. Ҳаддан ташқари ақлли ва ғаюр эди. Бир минг саккиз юз эллик бешинчи исовий йилда тахтга ўтириб, христианлар боярларнинг бандаси (крепостной Н.И.) эдилар; у айтдики одам фарзанди нима учун ҳўкуз ва эшакдек айрим кишиларга тобеъдирлар. Ҳамма худойи таоллонинг бандасидир. Мен инсон фарзандини бировга банда бўлишини хохламайман. Раиятнинг арзи-доди учун мировой судьялар яъни мустақил қозилик фуқаролар учун ташкил қилинди. Аскарлик хизматини муддати 25 йил эди, уларни 6 йилга келтирди. Унинг вақтида Туркистон ва Кавказ вилоятлари батамом Русия давлатига тобеъ бўлиб ва Туркия билан уруш олиб бориб, Болғория, Сербия ва Черногория ки Туркия тобеъси эди, улар ҳар қайссини мустақил давлатга айлантирди. Александр II йигирма олти йил подшолик қилиб 1881 исовий йилда унинг душманлари йўли устига бомба ташлаб уни ҳалок қилдилар. Унинг ўрнига ўғли Александр Александрович император бўлиб ўн уч йил подшолик қилиб, вафот этди. Унинг ўрнига ўғли Николай Александрович 1894 исовий йилда салтанат тахтига император бўлиб, ҳоло 1913 исовий йилда ва сана бир минг уч юз ўттиз биринчи хижрий йилидирки бутун Россия вилоятларига ҳукмронлик қилмоқда. Романовларнинг хонадонининг салтанати шу муддатда уч юз йил бўлиб, 21 феврал ойида яъни 27 рабиул аввал бир минг уч юз ўттиз биринчи хижрий ва исовий йилининг 1913 Петербург вилоятига катта тўй берилди. Бу тўйда ўрок муҳаррир қатнашган эди.

Хикоят. Бир минг икки юз тўқсонинчи хижрий йилда Саид амир Музаффархон Шаҳрисабз вилоятига келиб Оксарой қасри олийга нозил ва дохил бўлдилар. Вилоятларнинг бутун аҳкомлари тўпланиб Хумоюн амир

олдига - Шахрисабзга келиб подшонинг навозишларига мушарраф бўлдилар. У вақтда вазорат паноҳ Остонакул бий парвоначи ибн Аббос бий Шахрисабз ҳокими эди. Ҳун уч ой Шахрисабзнинг бойлари ва Оксарой мискинлари билан мулоқатда бўлдилар. Ҳша вақтда подшонинг нури дидалари Саид амир Абдул Аҳадхон Тўрани аморат паноҳ Муҳаммад Дурбин бий инок, мулло Раҳматулло бий ва Ҳожи Абдулазиз Ҳўжа Ҳроқ, мулло Абдурахим Тўқсабо бин Ҳакимлар ҳамролигида Ҳзининг валиаҳдини Петербург императори Александр Александрович ҳузурига юборган эдилар.

Бир қанча мазкур муддатдан сўнг парвоначи Шахрисабз ҳокими ёзнинг иссиқ хавосида чоршанба куни моҳи Шарифи рамазон ойининг 6 чи кунида мазкур ҳокимга девонбегилик мансабини бериб, Шахрисабздан чиқиб Лаълистон чорбоғига келдилар. Бу чорбоғ Шахрисабздан чорак фарсах эди. У киши билан бирга Мирзо Абдурахмон қаравул беги, султоннинг сувори отларни саришта қилар эди. Ҳнинг додари (укаси) Аминжон жебачи шарбатдор эди. Мен заиф - Муҳаррир Ҳроқ подшонинг мирзолик хизматларига маъмур эдим. Ҳз хизматимда эдимки, Мулло Шароф шарбатдор ки, холо Муродбийлар мени амир ҳузурларига чакириб келдилар. Жаноби олий телеграммани мени қўлимга бериб, Ҳқиб айтдимки, Петербургдан муллозодага шу бугун императорнинг ижозати бўлган, тўрт кундан кейин яъни шанба куни Петербургдан чиқмоқчилар. Жаноби олий айтдилар. Афсуски энди телеграмма бериб бўлмади. Ҳз жойимдан туриб арз қилдимки телеграф қилинг. Жаноби олий бандага Ҳтириш ишоратини қилиб, бу ерда яъни Шахрисабзда телеграф борми? деб сўрадилар, мен йўқ деб жавоб бердим. Яна сўрадилар ки, телеграф қаерда бор? Жавоб бердимки Самарқандда. У ерга қандай қилиб телеграмма етади? Жавоб бердимки албатта бориб тегади. Жаноби ҳазрат амир шундай подшо эдилар ки, ҳеч ким бир гапни икки марта такрорлай олмас эди. Жаноби олий айтдиларки, сен айтасанки, телеграф Ҳз вақтида бориб тегади деб, қандай қилиб тегади? Арз қилдимки агар жаноби олий телеграф қилмоқчи бўлсалар, Шахрисабз ҳокими Ҳз одами билан телеграммани Самарқандга

юборсинлар. Эртага чошгоҳда Самарқандга бўлади. Эрта пайшанбага Самарқанддан мазкур телеграммани берсин. Эрталаб жума куни телеграмма Мавлонозодамга тегади. Бу сухан мақбул бўлиб, жаноби олий буюрдиларки, телеграммани ёзиб келтиринг. Ўз жойимдан туриб Олий фармонни мунтазири бўлдим. Буюрдилар, ёзингки бародарингиз хизматига Раҳматулло бийни қўйиб Абдул Васъе Тўқсабо тўқсабоши юборинг. Бу ердан Мирзо Салимбек мирохўр борадилар, кейин мулло Раҳматулло бий келади. Камтарин олий зот олдиларидан чиқиб катта мирзодан қалам ва қоғоз олиб, олий сўзларини таҳрир қилиб ёздим. Олий Хумоюн хузурларига кириб ўқиб бердим, жаноби олийга манзур бўлди ва буюрдиларки, Девонбеги! Шаҳрисабз ҳокимига хат ёзиб юборингки телеграммани зудлик билан Самарқандга юборсин. Олий фармойиш юзасидан хат ёзиб Шаҳрисабз ҳокимига телеграммани ҳам юбордим. Бир замондан сўнг менга мирхўрлик мансабини бериб, бир от абзоли билан, бир минг танга маблағ бериб, Бухорога келиб беш олти кун туриб, узоқ-яқинларни кўриб, яна Қаршига келишимни, ундан кейин Петербургга борасиз деб буюрдилар. Дуо қилиб Бухорога бордим. Саид мир Аҳадхон Тўра деган унинг ўғли гимназия мактабида ўқиш учун Петербургда эди. Абдул Восеъ Тўқсабо деган киши унинг хизматига қолган эди.

Алқисса, Бухорога бориб Аллоҳ таоло хости иродаси билан оёғим усти шишиб, касалланиб қолдим, ништар уриб 72 кун касалланиб ётдим. Шу муддатда эшитдим ки, Муллозода Саид амир Абдул Аҳадхон Тўра ҳамда унинг билан ҳамро борган мулло Раҳматулло бий Қарши вилоятига келиб, амирнинг зиёратига мушараф бўлганлар. Мирзо Насрулло мирохўр тўқсаболик амалига сарафроз бўлиб, менинг ўрнимга Петербургга борган экан. Мен мулло Раҳматулло бийнинг келишидан кўрқдим ва ваҳимага тушдимки албатта телеграф етмаган бўлса керак деб. Бунинг устига Бухоро қушбегиси Муҳаммад бийга Мирзо Муҳаммад Салимбекни Қаршига юборинг деб амир топшириқ берган. Бу хабарни эшитиб ваҳм ва кўрқувим янада ошди. Бир илож қилиб қушбеги одами ҳамролигида Қаршининг Косонига бориб амирнинг зиёратига мушарраф бўлдик ва мулло Раҳматулло бийдан сўрадим. У айтди ки

юборилган телеграфни олдик, Абдул Восеъ келишини ва мени у ерда қолишимни император қабул қилмади. Айтдики, Абдул Восеъ тўқсабо етти йил Саид мир Мансур хизматида қолган эди. Бир йилдан кейин шаҳзоданинг ўқиши тамом бўлади. Унинг ҳамролигида Абдул Восеъ тўқсабо борса яхшироқ бўлади. Бу менинг келишимга ва сизнинг бормаслигингизга сабабдир. Бу таклифни амир қабул қилмай, бир неча кун сени кутдилар. Сенинг касаллигингни эшитиб, Мирзо Насрулло мирохўрни тўқсабо қилиб юбордилар. Алқисса, Қаршининг Косонидан хумоюн олий рикоби билан Бухорога келиб, бир неча кундан кейин Нақшбанд алайҳис раҳматулло йўли устида Кари чорбоғига олий қасрлар бино қилиб, у ер аскар ва амири Хумоюннинг ўтирадиган жойи эди. У ерга бориб, амирнинг хос суҳбатига кирганимда у киши айтдилар ки, Шаҳрисабз ҳокими ҳавонинг иссиқ вақтида, рамазон ойида мени Шаҳрисабздан чиқариб юборди. Мен рикобимдаги ҳамма кишилар ўз рўзаларини ейишга мажбур бўлдилар. Унинг гуноҳи кимда? Жавоб бердим ки подшоларнинг вужуди раиятнинг ҳаётидир. Раият ва қуллаарнинг нима ҳади борки, ўзининг подшосини ўз ихтиёри билан чиқариб юборсин. Шунинг учун рўзадорларнинг ўз рўзаларини мажбуран ейишларини гуноҳи Шаҳрисабз ҳокимига тушади. Мен эшитар эдим ки, аксари вақтлар ёки кекса кишилар ўз ўғилларига насиҳат қилар эдилар ки, бизлар жаноби олийдан бошқа ҳеч кимимиз йўқ. Зинҳор жаноби олий ризолигига қўшиш қилинглр, унинг фармонларини тажоввуз қилманглр, деган нарсани ўқиган эдим. Жаноби олий буюрдиларки, дарҳол ўша хатни менга топиб келтир. Мен Саид Қули тўқсабонинг катта ўғлидан ўша мазкур хатни келтирдим ва ўқиб бердим. Айтдилар ки, ташқаридаги аризаларни тўплаб олиб кел! Бориб икки аризани олиб келдим. Бириси Тошкентдан Раҳматуллодан эди. Иккинчиси Шаҳрисабз ҳокимидан эди. Биринчи ўқиб кулиб айтдиларки, бориб сўрангчи қаерга келмоқчи? Мен бориб мазкур одамдан сўрадим, у одам айтдики Шабрисабз ҳокими сиздан узр сўраш учун келмоқчи. Иккинчи хатни ўқиб, айтдиларки сени Тошкентга юбормоқчи эдим. Генерал губернатор Самарқандга келмоқчи экан, энди Самарқандга борасан. Бир неча кундан кейин Самарқандга генерал губернатор келганлиги хабари етиб келди. Мен

Эрназарбек бий Удайчи, мулло Ратматулло бий, валиахд Саид амир Абдул Аҳадхон ҳамролигида Самарқандга келдик. Губернаторни кўриб, амири олийнинг саломини баён қилдим. Хурсанд бўлиб айтдики, мен ҳам Чариковни Бухорога юбормоқчи эдим. Бир неча кундан кейин генерал губернатор Тошкентга борди. Мазкур валиахд ўн тўққиз ойдан бери Карманага бормаган эди, чунки Абдул Аҳадхон Кармана ҳокими бўлиб, асосан қароргоҳи ўша жойда эди. Петербургдан келгандан бери Карманага бормаган эди. Мир Абдул Аҳадхон Самарқанддан келаётганда Карманада қолди. Валиахд билан Самарқандга бирга борганлар, Бухорога келдилар. Бир неча кундан кейин Чариков Бухорога келиб жаноби олий мени Хитфар, Сомжин туманига амлақдор қилиб тайинлади. Амир Музаффархон 1335 ҳижрий йилида йигирма олти йил подшолик қилиб вафот этди.

Саид амир Абдул Аҳадхон Кармана вилоятдан келиб, отасининг тахтини эгаллади.

МУАЛЛИФ ТАРИХИ ХУКАМО. ИМОМ ШАМСИДДИН МУҲАММАД ШАРҲЛАРИ

Раҳматулло алайҳи соҳиби “Китоби ал Кулуб”да келтиради ки, Аскинус Ҳаким Идрис алайҳис салом мулозимларидан эди ки, унинг сўзи : амал қилинмаган илм, бе машварат иш хира ва қорондир.

Фишоғурс Ҳаким зикри.

Икки юз саксон нусха мусиқа фанидан тасниф қилиб эрди. Унинг сўзларидан ки, жаҳд қилки, қилаолмаган ишни юрагингдан ўтказмагин. Нафсга итоб қилиш ёмғирдан ҳам фойдалидир.

Деди: - Ҳар ким сенга яхшилик қилса, сенинг матлабинга эриштирмоқ учун ҳаракат қилса, ундай кишиларни азиз тутгин. Ҳар ким Сени ёлғон сўзлар билан мақтаса, мағрур бўлма, ундан юз ўгир. Бир шахсни кўрдимки, янги ва нафис чопон кийган маҳмадоно сўзлар гапирди. Айтдим,- Эй мард! Гапни чопонга лойиқ гапир, ё чопонни ечгин, ё ўзингни сўзингни кийиб ол.

Сукрот Зоҳид зикри.

Ҳикмат бобида шу даражага етган эдики, ўша замондаги олимлар унга тан берган эди. Кейинчалик ҳеч қандай китоб тасниф қилмасдан, шогирдларни ҳикмат соҳасида олий даражага етишларига ҳаракат қилар эди. 109 йил умр кўриб, ўн минг шогирд тайёрлади. Унинг сўзларидан : - агар ҳар ким илмнинг ҳақиқатини тушиниб етмаса ва ҳар ишда иқтидори бўлмаса, сўз айтмагани маъқул (илм ҳақида. Н.И.). Сен дилингда бирор кишини душман деб билсанг, дарҳол ундан узоқлашгин. Душман ундан беҳавф, хотиржам бўлсин, дўстлар ундан хавф-хатарда бўлмасинлар. Комил кишилар шундай кишилар ки, душман ундан хотиржам бўлсин, дўстлар хавф-хатарда бўлмасинлар.

Афлотун унинг шогирдларидан эди. Унга айтдики, бир кишини танишдан бадгумон бўлсанг ва бирор кишига маърифатинг бўлмаса, ундай кишилардан сақлангин. Сенинг илмингга таъма кайфияти пайдо бўлса, унда илмдан воз кечгин. Йўлнинг яқинлигига ишонма, йўлнинг узунлигидан андеша қил. Бадахлоқ хотинлар суҳбатидан қочишга ҳаракат қил. Агар Сенинг ҳашм отининг юқори кўтарса, ҳалимни ўзингга шиор қил. Афлотун сўрадики, раҳматга қандай киши сазовор бўлади? Жавоб бердики, қуйидаги тоифалар раҳматга сазовор эмасдирлар:

Ишбилармон (накўкор) бўлсаю фожи (фосиқ) амир хизматини қилса, унинг мурабийси (устози) жоҳил бўлса ва илмли кишига муҳтож бўлса ор қилиб унга бормаса ва кишиларнинг ишларини осонлаштиришга ёрдам бермаса, тадбиркорларнинг машваратига кўлоқ солмаса, унинг сўзларини қабул қилмаса. Кимда ким фойданинг орқасидан юриб, уни истеъмолидан ожиз бўлса, бировнинг қўлида моли бўлса, уни сарфлашга бахиллик қилса, бирор кишига фойдаси тегмаса ундан кейин пушаймон бўлса. Агар бирор кишига бирор нарса бермасанг ҳам яхши гаплар билан уни узата билмаса, хатмда ким бирор гапни гапирса унга амал қилмаса". Булар улуғ ҳикматдир.

Афлотун Ҳаким зикри.

Унинг асарлари олтимиш беш нусха, саксан бир йил умр кўрди. Доим танҳо биёбонларда кезарди. Унинг сўзларидан: Комил мард ўшанда билинадики, у билан суҳбатда тадбир йўллари содир бўлса.

Олдин кўрар эдимки, тер инсонни ютади ва бу замонда кўрамизки, мардум ерши ютмоқда. Бир эркакни кўрдимки, кўп гапирар эди: Унга айтдим, эй инсон ҳақдингдан ошма. Худойи таоло одамга иккита қулоқ ва бир оғиз бергандир, яъни кўп эшити кам гапир. Агар олим ва ҳаким халқдан қочадиган бўлса, уни талаб қил, агар у сенга толиб бўлса ундан қоч. Бир шахс ундан сўради, илмни қандай қилиб қўлга киритдинг? Айтди, вақтеки сен ишларингни кундузи бажариб, кечаси ухлар эдинг, мен кечалари шам ёкиб ишлар эдим. Деди: подшо катта дарёдир, ки унинг суви кичик ариқларга оқади. Агар дарёнинг суви ширин бўлса, ариқларнинг суви ҳам ширин бўлади. Агар аччиқ бўлса ариқлардаги сувлар ҳам аччиқ бўлади. Ундан сўрадилар, ки ўз нафсига зулм қилувчи мардумлар кимлардир? Жавоб бердики, ўзининг қадрини билмаса, кишиларни тавозеъ қилмаса, уни икром қилмаса, бир киши мақтасаю унинг фазилатидан беҳабар бўлса. Деди: бирор шахсга бирор нарса бермоқчи бўлсанг уни қайтиб сўрама. Деди: агар бирор шахсни танисанг, баъзи ишларга унга машварат қил. Мардумларнинг сабри шундаки, ҳар қандай ҳодисаларга сабр қилсинлар. Мардумлар қатъийлиги шундаки, ҳар куннинг келишидан рози бўлсинлар ва шукр қилсинлар.

Аристотелис Ҳаким закри.

Афлотун шогирди эди, бир юз йигирмата китоб ёзгандир. У олтимиш саккиз йил умр кўрди. Унинг сўзларидан: Олим жоҳилни танийди, жаҳил бўлган вақтда, жоҳил олимни танимади, нима учунки, ҳеч вақт олим доруборд (дабдаба) қилмайди. Буюрдики, қаноатни олдин тут, тамагир бўлма, дунёда ҳарис (таъмакор, очкўз) бўлма. Буюрдики, кимни сендан эътирози бўлса унинг суҳбатига рағбат қилма.

Букрот табиб зикри.

Аввал тиб санъатини ёзган кишилардандир. Букрот ва унинг шогирди Букротис ҳаким Баҳмон ибн Исфандиёр замонида яшаган эди. Айтадиларки: Букрот Искандар Румидан юз йил олдинроқ яшаган. Хукамо тарихида келтирадиларки, Букрот Исколибиюс шогирдларидан биринчиси бўлган. Букрот ўз авлодига васият қилдики, тибни ҳеч кимга таълим қилманг, то шарафи тиб унинг хонадонида бўлмаса. Исколибиюс аввал тажрибани ишга солар эди. Бир минг тўрт юз ўн олтинчи йил давомида хукамо тажриба асосида ишлар эдилар. То Майнус табиб замониғача асосан тажриба¹ ишга солинар эди. Кейин фақат тажрибани хато деб санаб қиёсни² тажрибага қўшиб олиб бордилар. Етти юз ўн бир йил давомида хукамо тажриба ва қиёсни ишга солар эдилар. Майнус табиб вақтидан кейин тажрибани хато деб ҳатто фақат қиёсни амалга татбиқ қилиб, ундан сўнг унинг шогирдлари ихтилоф қилиб, айримлари тажрибани ва айримлари қиёсни ишга солар эдилар. Афлотун ва унинг шогирдлари эса тажриба қиёссиз хатарли ва қиёс тажрибасиз ҳалокат мужиби деб билиб, қиёсни тажриба билан қўшиб олиб бордилар. Илгариги нусхаларни ёндириб ташладилар. Фақат тажриба ёки қиёсга асосланган қадимги китоблар эътиборсиз деб ҳисобладилар. 1400 йилдан кейин яъни Афлотун вафотидан кейин олий ҳаким Исколибиюс иккинчи, Афлотунни асос деб билиб, унга амал қилди. Унинг вафотидан кейин шогирдлари унга қарама-қарши табобат қилар эдилар. Букрот 95 йил умр кўриб умрини 77 йилини таълим ва тасниф ишларига сарфланган эди. Унинг сўзлари:... Икки аҳмоқ ўртаси ҳаргиз дўстлик бўлмайди. Одам ўзини дунёда зиёфатга чақирилган меҳмондек ҳис қилсин, дунёда қанчалик мол ва авлодни кўпайтирса ҳам дунёни меҳмон саройи деб ҳисоблансин, қазони мезбон деб ҳисоблансин. Буюрдики уч нарса лоғарликни (ориқликни) сабабидир: шароб, сув, уйқуни меъридан кўп фойдаланмоқ. Тўрт нарса кишиларнинг ички организмларига зиёи етказади: - иссиқ таом емоқ, қайноқ сувни бошдан тўкмоқ,

1. Тажриба - имтиҳон қилиш, муаян қилиш, текшириш.

2. Қиёс - икки нарсадан андоза олиш, андоза, муқосса. 2. Фикру - андеша.

офтоб теғига қарамок ва душман юзини кўрмок.

Умирос шоир зикри.

Унинг суханлари қуйидагичадир: Ақл шундай нарса ки, ўз тилини мазомат (ёмон гаплар) дан сақласа. Буюрдики, машварат қилиш мухалифат эмас, ёмон нарса ҳам эмасдир. Унга айтадиларки, сени фалон қасидангда кўп ёлгон гапларни топдик. Жавоб бердики, шеър мавзун (ўлчаш, чиройли, вазнга мувофиқ) гапларни топишдан холи эмас. Кўп гапирмок сухангўйлик қадрини туширади.

Битлимус ҳаким зикри.

Искандария ва Мисрда истиқомат қилган эди. Илм бобида кўп китоблар тасниф қилган эди. Етмиш саккиз йўл умр кўрди. Унинг суханларида: Ҳар ким илмни аҳъё (тирилтирса) у одам ўлмайди, яъни унинг номи қиёматгача бокеъ қолади. Буюрдики, ҳар ким бошқаларнинг қилган ишлардан бошқалар андоза олсинлар. Некбахт улдир ким эл ҳолидан панд олсин, бадбахт ул дирким, унинг холидан эл панд олмай. Касал одамнинг кўп овқат ва шароб танаввул қилиши фойда бермайди. Кўнгилни дунё (бойлик) муҳаббатига чулғаб олган бўлса, насиҳатнинг фойдаси йўқдир. Буюрдики, мамлакат мазарати (инкирозга учраши) олти нарса билан ўлчанади: биринчи - рўзворнинг қаттиқлигига сабр қилмаслик, иккинчи - хазинани бўшаб қолиши, учинчи - ёмғирнинг келмаслиги, тўртинчи - машфаратсиз подшо, бешинчи - бўлган ишларни муболиға қилмок (кўп кўрсатиш), олтинчи - душманнинг кўплиги. Ақлли киши мол тўплашни ихтиёр қилмасин. Риё, зулм ва жабр қилувчилардан узоқроқ бўлиш керак, чунки уларнинг бақоси йўқдир.

Жолинус табиб зикри.

Бу саккизинчи табиб бўлиб, фанда жуда катта фаолият кўрсатган. Исо алайхис саломдан кейин яшаган. Илми тибда тўрт юз китоб ёзган. Ёшлигиданок катта

китоблар муаллифи эди. Туғилган жойи (мавлиди ў) Форъас эди. Унинг сўзларидан, мардумларнинг энг доноси у дирки, ўзининг яқинларидан бирор киши муакал (вакил) қилсин ки, ҳар кун ундан содир бўлган хато ва савобларини ёзиб борсин ва маълум қилсин.

Буюрдики (фармудки) ҳар ким яхшилиқни рағбат қилса, сано ҳуснига сазовор бўлсин. Буюрдики, ҳар қандай дўст ки, насихатга қулоқ солмаса, ундай киши ёрдамдан маҳрум бўлади, у ҳолда дўстни айби бўлса огоҳ қилмаслик керак. Ундай дўст гарчи ўзини ҳалим кўрсатса ҳам ғазаб шиддатини ўзига асос қилиб олган бўлади.

Зикри Сакротис ҳаким.

Аристотелес шогирди эди. Унинг сўзларидан: подшо одил бўлмаса, молдор яхши тадбирга эга бўлмаса, Бахшанда молларни кераксиз жойларга сарф қилса, илм соҳиби ки, суҳбат йўлини тутмаса, бундай кишиларчи гани (бениёз, давлатманд) бўлсалар ҳам, уларни маънавий муҳтож деб билинг.

Келтирадилар ки, Жолинуc ҳаким саҳродан қайтаётган вақтида кўрдики бир хўкўз бақар (подачи) ўзини тили билан хўкузни кўзини яламоқда эди. Ҳаким унинг сабабини сўради. Хўкуз бақар айтди: Ҳар ойда бир марта бу хўкузнинг кўзи шабкўр бўлади. Мен ўз тилим билан унинг кўзини ялайман, ўшанда яхши бўлади. Жолинуc ўша хўкуз бақарга бир неча танга пул бериб, айтдики, бу таълимни билмас эдим, буни сендан ўргандим.

Хикоят - Лукмони Ҳакимдан сўрадиларки нима қилайликки дунё осойишта бўлсин? Жавоб бердики, ёлгон айтишга одат қилмасинлар. Иккинчи - подшо ва ҳокимларга фармонбардор бўлинглар. Учинчи - қаноатни олдин қўйиб тамъа тухумини дилингиздан олиб ташланг. Тўртинчи - фарзандларингизга илм, амал ва одоб таълимини беринг, агар беодоб бўлсалар унинг жоҳиллигидан сиз хижолат бўласиз. Бешинчи - хешу-таборингизга раҳм-шафқатни дариф тутманг; олтинчи - ақрабо ва дўстларингиздан қарз олмангки, яқинлик барҳам

топади.

Хикмат - Уч нарса кўнгилни шод қилади ва ақлни зиёд қилади. Аввал солеҳ хотин, иккинчи тўла ва зиёда ризк (ризуку буту васъе), учинчи, мушфиқ (мехрибон) ақраболар. Тўрт нарса борки эркакни беҳурмат қилади: аввал ёш аёл билан муноқаша қилмоқ, иккинчи шариатга хилоф ишлар билан шуғулланмоқ, учинчи ёлгон сўзларни ҳар жойга тарқатиш, тўртинчи мускиротга (кайф қиладиган ~~жарсаларни~~ истеъмол қилишга) одатланиш ки, унинг шумлиги авлодга тегади.

УСМОНЛИ ТУРК ДАВЛАТИ ТАРИХИ БАЁНИ

Туркмания қабилаларидан бир гуруҳи Марвда яшаётган эдилар. Чингизхон хуружи даврида олти юз эллигинчи хижрий (1252 исовий) йилида Артуғрал номли туркман улусининг сардори ўз фарзандлари ва тўрт юзта ўзининг ақраболари билан, молу-мавошлари билан бирга Марвдан хижрат қилиб, Анатолия тарафидаги бир вилоятга етдилар. Ўша даврда салжукийлардан Султон Алоуддин деган киши ўша жойнинг фармонбардори эди. Унинг душмани эса бошқа вилоят хукмрони бўлиб, у вақт-вақти билан ўз лашқари билан келиб Алоуддин подшо бўлган мамлакатга ҳужум қилар, у ерларни бир қисмини талаб, ўлжа олиб яна ўз вилоятига кетар эди. Артуғрал ўз элати билан Алоуддин юртига келган вақтда, икки лашқар урушаётган эдилар. Алоуддин лашқарлари мағлуб ва душман аскарлари ғолиб бўлаётган эди. Артуғрал ўз элати билан машварат қилиб:- Бу ерга етиб келдик, улардан бирортасига ёрдам берайлик. Қавм айтдиларки, ғолиб томонга ёрдам қилсак яхшироқ бўлади. Артуғрал айти, муруват қилсак мағлуб томонга ёрдам берайлик. Аммо улар дўст, душман қайси эканини билмас эдилар. Машваратчилар шундай қарорга келдилар ки, ҳамма якдил бўлиб ғолибга қарши урушамиз дедилар ва ғолиб томонга қарши от сурдилар яъни урушга кирдилар. Бир оз фурсат ўтгандан сўнг Аллохнинг инояти билан ғолиб лашқарлари қоча бошладилар. Ғолиб томон лашқарлари ўзларининг моллари ва ашёлари, чодир ва хаймаларини ташлаб

қочдилар. Артуғрал ва унинг аскарлари у нарсаларга қарамасдан, ўзларининг ўрнашган жойларига келдилар. Иттифоқан маълум бўлдики, маълуб лашкар султон Алоуддин эди. У ёрдам берганлардан манзур ва мансур бўлиб, ўзининг лашкарларини бир жойга келтириб, ёрдам берганларга киши юборди. Уларнинг аҳволини билди. Артуғрал Султон хизматига келиб, унинг мулоқатига мушарраф бўлиб айтди: - Бизлар кўчманчи халқлармиз, Марв вилоятдан келаямиз, молу-мавошимиз бор. Чингизхон фитнасидан хижрат қилиб келдик. Агар бизларга шу вилоятни яйлов ва тоғ этакларидан бўй берсанг, миннатдор бўлиб, молу-мавошимиз билан ўрнашар эдик. Султон Алоуддин Артуғрални эъзоз ва зиёфат қилиб, жой бериб, айтди, биз хоҳлаймизки, сени ўғилларингдан бирини бизга хизматга берсанг. Артуғралнинг уч ўғли бор эди. Жавоб бердики, бориб машварат қилиб, ўз ўғилларимдан бирини сени хизматинга юбораман. У манзилга келиб, машварат қилиб, ўғиллари номига қуръа ташлади. Қуръа катта ўғли Усмонбек номига чиқди. Уни султон хизматига юборди.

Султон Алоуддин Усмонбекни давлат ишлари бўйича тарбия қила бошлади. Тотор ва Румия билан қилган жангларда юборар эди. Ҳар қаерга лашкар билан борса, у ердан ўлжа ва ғаниматларни кўпчилигини султонга юборар эди. Қолганларини ўзи бошчилик қилган лашкарларга тақсимлаб берар эди. Унинг бу иши Султон Алоуддинга ёқмасдан, унга хат ёздики, сен ўлжаларнинг маълум қисмини мени ижозатимдан ташқари кўшинларга тақсимлаб берар экансан. Бундан кейин бутун олган ўлжа ва ғаниматларни менинг хазинамга юборасан. Усмонбек жавоб мактубида ёздики, ман Худойи таоло ижозати билан сенинг хасмингни аввал ажратиб юбораман, қолганини лашкарларга уларнинг урушда кўрсатган жонбозликларига қараб тақсим қиламан. Бу мактуб Султон Алоуддинга етиб, уни ўқиб ларзага тушиб, назабланиб, ёздики зинҳор олий фармонга тажовуз қилма.

Равойи айтдилар ки, Усмонбек тотор ва фарангдан кўп шаҳар ва қалъаларни фатҳ қилди. Артуғрал яъни Усмонбекни отаси 90 ёшга кириб вафот этди. Бир неча вақтдан кейин Султон Алоуддин дунёдан ўтди. Тахт вориси йўқ эди. Ҳамма иттифоқ бўлиб Усмонбекни подшо қилиб

кўтардилар ва салтанат тахтига ўтказдилар.

УСМОНЛИ ТУРКЛАР ДАВААТИНИНГ ДАСТАБКИ ПОДШОЛАРИ.

Усмонбек Ғози - олти юз тўқсан тўққизинси хижрий (1299-1300 исовий) йилида ўттиз тўрт ёшида солтанат тахтига ўтиради. Йигирма етти йил подшолик қилиб, Қоража ҳисорини Руминиядан олди. Қуния ва Босфорни фатҳ қилди Ётмиш ёшида етти юз йигирма олтинчи йилда олам билан видолашди. Барас шаҳрида мадфун (дафн) қилинди.

Иккинчи подшо Урхон зикри.

Усмонбекни ўғли Урхон етти юз йигирма олтинчи хижрий (1325-1326 исовий) йилда салтанат тахтига 39 ёшида ўтирди. Катта бародари Алоуддин подшони вазир қилиб тайинлади. У оқил ва доно киши эди. Кажорий номи билан аскар тартиб бериб, Усмон Ғози номи билан танга ва тилло пул зарб қилди. Урхон Ғозий даврида Азнок ва Измир, Кию, Саманд ва Қоранол шаҳарларини фатҳ қилиб, то Истамбулгача бўлган жойларни истело қилди. У вилоятларга Алоуддиннинг катта ўғли Сулаймон пошони воли қилиб тайинлади. Алоуддин пошонинг вафотидан сўнг унинг ўғли Сулаймон пошони вазир қилди. Сулаймон пошо пиёда аскарларни тузди. Сулаймон пошо отдан йиқилиб вафот этди. Султон Урхон Ғозий одил, доно ва ғаюр, тадбиркор подшолардан эди. Ўттиз беш йил салтанат қилиб, етти юз олтмиш биринчи хижрий йилида, етмиш тўрт ёшида фони оламини падруд қилди. Отасининг ёнида дафн қилинди.

Учинчи подшо Султон Мурадхон Ғози подшолиги зикри.

Урхоннинг ўғли етти юз олтмиш биринчи хижрий (1359-1360 исовий) йилида салтанат тахтига жулус қилиб, ўша вақтда ўттиз беш ёшида эди. Халил пошо ва Хайралдин пошони ўзига вазир қилиб тайинлади. Анқора вилоятини

фатҳ қилиб неча маротиба Қайсар ҳамролигида Истамбулни қамал қилиб, адронани фатҳ қилиб, ҳар томонларга лашкар юбориб, Кимчили, Дарома, Шервоз, Ямутқа, Кабъани фатҳ қилди. Анатолий тобеълигида бўлган Байро шахрини фатҳ қилди. Ундан кейин Мажор, Сербия ва Афлонни ҳар учала ҳукмрон лашкар жамлаб муҳораба қилдилар. Султон Муродхон Ғозий ҳар учала ҳукмронни тор-мор қилиб, уларнинг лашкарларини кўпчилиги ҳалок бўлиб, қолганлари қочишга юз тутдилар. Ғозий подшо киштининг ичида юрар эди, мажруҳ бўлган душман аскарларидан бири киштани ичидан туриб у Ғозий подшони ханжар билан уриб шаҳид қилди. Чекар қария (қишлоқ)да дафн қилинди. У Ғозий подшо фуқароларга марҳаматли эди. (305-306 бетлари тушиб кетган).

Еттинчи подшо Мухаммад Фатех ибн Муродхон соний.

Саккиз юз эллик юешинчи ҳижрий (1451-1452 исовий) йилида йигирма икки ёшида отасининг ўрнига салтанат тахтига жулус қилди. Қирахон ҳукмронининг ўғли Ғолини тарбият қилиб, ўз вилоятини яна унга марҳамат қилди.

Истамбулни фатҳ қилиш учун лашкар тўплаб Румэли қалъасида Истехкам қуриб, Истамбулга лашкар тортиб, Истамбулни эллик кун қамал қилиб, саккиз юз эллик еттинчи ҳижрий йилида Истамбулни фатҳ қилиб, София (черков)ни масжидга айлантириб, жума намозини ўша ерда ўқиди. Истамбул аҳлига кўп инъом ва марҳаматлар қилиб, йигирма кун Истамбулда истиқомат қилиб, у ердан Ғалатай вилоятини фатҳ қилди. Истамбулга келиб Ҳазрат Оқ Шамсиддин авлиёсини, Аюб Ансорий розиёллоху анху муборак мозорларини зиёрат қилиб, Султон Мухаммад Фотех у ерга иморат буюрди. Бир жомеъ масжиди ва икки минора бино қилди. Ундан сўнг Сербия томонига ҳаракат қилиб, Сербиядан кўп вилоятларни олиб, у ердан Боснияни фатҳ қилди. Бошқа йили Сербияни тамоман ишғол қилиб, ўз мамкалатига қўшди. У ердан Анатолияга ўтиб, Сирасинуб ва Трабзунни фатҳ қилди.

Аҳмад пошшони кўп лашкарга бошлиқ қилиб,

Кримга юборди. Аҳмад пошшо кўп шиддатли жанглари олиб бориб, Кримни фатҳ қилди. Анатолийни тамоман фатҳ қилиб, Усманийлар давлат чегарасини кенгайтди. Усманийларнинг давлат чегаралари Фрот (Ефрат) дарёсигача етган эди. Италия соҳилида Аҳмад пошшо ўз номига бир шаҳар бино қилди.

Султон Муҳаммад олти, етти тилни яхши билар эди. Ҳандаса илмида моҳир эди. Ўттиз бир йил подшолик қилиб, эллик уч ёшида фони дунёни тарк қилиб, Истамбулнинг Шариф жамоасига дафн қилинди.

Саккизинчи пошшо Ғози Султон **Боязитхон соний зикри.**

Саккиз юз саксан олтинчи ҳижрий (1481-1482 исовий) йилида ўттиз беш ёшида отасининг тахтига ворис бўлиб, унинг вақтида мамлакат осойишталикка яшади. ҳеч қаерга лашкар тортмади. Бир маротиба Бағдоди шарифга сафар қилиб, Кирмон, Фелонни забт этди. Испаниядаги мусулмон ва яҳудийларни ҳаддан ташқари танг аҳволга тушганлари учун, султондан илтимос қилдиларки, Усмония давлати ерларига ҳижрат қилсинлар. Камол пошшога ва унинг аскарларига фармон бердики, мусулмон ва яҳудийларни испаниядан кўчириб, Истамбулга ва бошқа жойларга олиб келиб, уларни жойлаштирсин. Испаниядан келган мусулмон ва яҳудийлар турли вилоятларда жойлаштирилди. Ўттиз Икки йил салтанат қилиб, йўлда вафот қилди. Истамбулда отасининг ёнида дафн қилинди.

Тўққизинчи пошшо Султон **Салимхон Ғозий зикри.**

Тўққиз юз ўн саккизинчи бижрий (1512-1513 исовий) йилда қирқ олти ёшлигида салтанат тахтига жулус қилди. Ўша вақтда Исмоил Сафавий Ажамда шох эди. Султон Ажам устига лашкар тортиб Жолдорон саҳросида ҳар иккала лашкар муқобил бўлиб, Ҳадамсинон пошо ўша жангда жасурлик билан (жонсупори) урушлар олиб бориб, Ажам лашкарини мағлуб ва паришон қилди. Шох Исмоил

енгилди. Султон Салим қочган Эрон лашкарига қарши қўшин юбориб, Жолдорон саҳросида истиқомат қилиб, Табризни фатҳ қилиб, ўша жойда кишни ўтказиб, Ҳадамсинон пошо ва Алибек яхши хизмат қилганлари сабабли кўп вилоятлар фатҳ қилинди. Ундан кейин Миср волисига элчи юбориб эдики, элчи бирор мақсадга эриша олмай қайтиб келди. Султон Салим Миср устига лашкар тортиб борди. Мирождобик саҳросида ҳар иккала лашкар муқобил жанг қилдилар. Лашкарини парешон (пароканда) қилиб, Миср ҳукмдори енгилди, йўлда вафот этди. Султон Салим Ҳалаб шаҳрига дохил бўлиб жума куни хутбага унинг номига (Султон Салим) амирул муфминин ходими хиромин ашралфин деб ўқидилар. У ердан чиқиб Мисрга дохил бўлди, Мисрнинг тамоми вилоятлари усмонийларга тобеъ бўлди.

Жазоир подшоши Хайралдин подшо кўпгина пешкаш ва туҳфалар билан ўз элчисини Султон Салимхон хизматига юбориб итоат қилганини билдирди. Маккаи Мукаррама амири Абу ал Баракат ўзининг ўғлини ва имомларни Султон Салим хизматига юбориб, халифалик унвонини Султон Салимга берганлигини эълон қилди.

Султон Салим замонидан ҳозиргача мусулмон давлатлари Усмоний подшоларини Расулуллоҳнинг халифаси деб биладилар. Халифа жамий мусулмон давлатларининг маънавий подшоши саналади. Султон Салим Шижоатли, ғаюр ва шуур (ақлли, фаросатли) ва олий ҳиммат киши эди. Тўққиз юз йигирма саккизинчи хижрий йилида Истамбул ва Урния мобайнида элик тўрт ёшида вафот этди. Унинг салтанат муддати саккиз йил. Унинг жасади шариф шамоасидаги мозорда дафн қилинди.

Унинг подшо Султон Сулаймонхон Ғозий зикри.

Тўққиз юз йигирма олтинчи хижрий (1519-1520 исовий) йилида йигирма олти ёшида отасининг ўрнига салтанат тахтига ўтириб, Сербияга элчи юборди. Сербия амалдорлари у элчини йўлда ўлдирдилар. Султон Сулаймон бу хабарни эшитиб, лашкар жамлаб, Сербияга бориб, қаттиқ муҳораба қилиб, Сербияни пойтахти

Белградни фатҳ қилди. Сербия ҳукмронини қатл қилди. Родос оролини усмония давлатига қўшиб олди. Ундан сўнг Ажамдаги ихтилофни эшитиб, Ажам устига лашкар тортди. Гуржистонни фатҳ қилди. Султон Сулаймон ўн уч маротиба истелочилик юришларига бориб, Австрия вилоятлари ва Франция шаҳар ва кўп қария (жойларни)ларини ишғол қилади. Давлатни бошқариш соҳасида қонунлар ва низомномалар жорий қилади. Етмиш тўрт йил умр кўриб, қирқ саккиз йил салтанат қилиб вафот этди. Истамбулдаги Сулаймония мозори жомеъсида дафн қилинади.

Ўн биринчи подшо Султон Салимхон Ҳозий соний зикри.

Тўққиз юз етмиш тўрт хижрий (1566-1567 исовий) йилида қирқ беш ёшида отасининг ўрнига салтанат тахтига ўтиради. Яманнинг баъзи вилоятларини истело қилиб, ўз мамлакатига қўшиб олди. Султон Сулаймон соний Усмон пошшо Қўчасонинни лашкарларга бошлиқ қилиб, уни Яман вилоятларини фатҳ қилиш учун юборди. Яманнинг бутун вилоятларини истело қилди. Қрим хонлари Россияни танг аҳволга солиб қўйган эдилар. Рус подшоси ёрдам сўраб, Султон даргоҳига элчи юборди. Султон Салимхон соний лашкар юбориб, Қрим хонларига танбеъ берди (гушмол дод). Қозонни фатҳ қилди. Мустафо пошшо ва Али пошшони лашкарларга Сардор қилиб қўйди ва Ўрта ер денгизидаги ороллارни эгаллаш учун юборди. Уч ой давом этган уруш натижасида Қибрис оролини тамоман эгаллади. Испанияга лашкар тортиб Тунисни эгаллади. Султон Салимхон соний саккиз йил салтанат қилиб, элик уч ёшда ҳамом ичида йиқилиб вафот қилди.

Ўн иккинчи подшо Султон Мурадхон Солис (учинчи).

Тўққиз юз саксан иккинчи хижрий йилида, йигирма тўққиз ёшида отасининг ўрнига салтанат тахтини эгаллади. Муҳаммад пошшо Садри аъзам садоқат билан давлат ишларида жон фидо қилди. Буларнинг давлат ҳукмрони

саксан минг лашкар ва уч юз тўп билан Фос мамлакати устига келиб, мусулмонларга хужум қилди. Жазоирнинг беклар беги Рамазон пошо Буртенгиз лашкарига қарши жанг қилиб, Буртенгиз лашкарларини парешон қилди. Буртенгиз ҳукмрони ҳалок бўлди. Унинг лашкарлари мағлуб бўлиб, Фос мамлакати Султон жамоасига дохил бўлиб, ундан кейин Доло Мустафо пошо Тифлис устига лашкар тортиб, жанг қилди. Тиблис ва бир қанча бошқа вилоятларни ишғол қилди. Бир қанча вақтдан кейин Усмон пошшо лашкар тортиб Эрон вилоятига келиб, бир неча шаҳарларни олишга мувофақ бўлди. Шунингдек Ширвозни фатҳ қилди, Султон Муродхон солис йигирма бир йил ҳукмронлик қилиб, эллик ёшида вафот этди. Ўзининг авлодлари мазорида дафн қилинди.

Ўн учинчи подшо Султон Муҳаммадхон Солис (учинчи) зикри.

Бир мингинчи хижрий (1591-1592 исовий) йилида йигирма тўққиз ёшида отасининг ўрнида салтанат тахтига ўтирди. Афлокия ва Мажористонда фитна ва ғавво кўтарилди. Садр аъзам Синон подшонинг ўғли Махмад подшони лашкар сардори қилиб тайинлади ва Мажористонга юборади. Султон Муҳаммадхон Ғозийнинг ўзи эса Афлок тарафига катта лашкар билан боради, аммо иши юришмайди. Синон подшони Садр аъзамлик мансабидан олиб ташлаб, унинг ўрнига ўзининг куёви Иброҳим подшони Садр Аъзам қилиб тайинланди. Синон подшони ўғли Муҳаммад подшо лашкар билан Мажористонга борган эди. Муҳораба қилиб, мағлуб бўлди. Султон Муҳаммадхон унинг мағлуб бўлишини эшитиб, Садр Аъзам Иброҳим подшони унинг жойига Мажористондаги лашкарларга бошлиқ қилиб тайинлади ва уни Мажористонга юборди. Иброҳим подшо Мажористонга бориб, уч ойда бутун Мажористонни олиб, унинг пойтахтини фатҳ қилди. Шундан кейин Иброҳим подшони Афлокияга жўнатиб, Иброҳим подшо Афлокияни муҳораба қилди, у бир қанча шаҳарларни олишга мувафақ бўлди. Ҳасан подшони у ерга воли қилиб тайинлади. Ўша вақтда Анатолияда бир жамоа кўзғолон кўтариб, подшо

қўшинлари у вилоятнинг кўп жойларини ёндириб хароб қилдилар. Аббос шоҳ Сафвий катта лашкар билан келиб Табризни ишғол қилди. Анатолийдаги исённи бостириш учун лашкар юборишга фурсат бўлмай Султон Муҳаммадхон Ҳозий тўққиз йил салтанат қилиб ўттиз етти ёшида вафот этди. Софийа мазорида дафн қилинади.

Ўн тўртинчи подшо Султон Аҳмадхон зикри.

Ўн тўрт ёшида бир минг ўн икки хижрий йилда салтанат тахтига отасининг ўрнига ўтирди. Еваз Али подшони Афлокия тарафига, Синон пошони эса Эронга лашкарларга сардор қилиб юборди. Синон подшо бирор иш қилиб билмасдан, Эрон вилоятини анчагина жойларини душманга бериб қўйган эди. Еваз Али подшо Афлокияда уруш қилиб, уруш натижасиз бўлди, Садр Аъзам Мурад подшо машварати билан йигирма йиллик сулҳ тўзиб, қайтиб келиб, Анатолия устига юриш қилди. Анатолиядаги жалолойларни (исёнчи бошлиқларини) ўлдириб, голиб чиқди. Садр Аъзам Мурад подшо Эрон тарафига бориб Табризни эронийлардан олиб, Ажам устига юрган эди ки саксан беш ёшида Диёр Бакирда вафот этди. Унинг ўрнига Насух подшо Садр Аъзам бўлиб, Ажамдан ҳеч фойда ҳосил бўлмаслигини билиб, Эрон шоҳи билан бирга сулҳ қилдики, ҳар йили Ажам икки юз бор (ўлчов тенглиги) абрешим (ипак) беришни ўз устига олди. Табриздан қайтиб Султон Аҳмадхон ўн тўрт йил салтанат қилиб, 28 ёшида вафот этди. Султон Аҳмадхон кўп оқил ва сўфи бўлиб, хайр-аҳсонни кўп қилар эди. Бир гавҳари шамчароғ ва бир неча бўлак олмосларни Мадинайи Мунавварага юборди. Истамбул майдонида олти минорали бир жомеъ масжиди ва мадраса қурдирди.

Ўн бешинчи подшо Султон Мустафоҳон зикри.

Султон Аҳмадхоннинг укаси йигирма олти ёшида акасининг ўрнига тахтга ўтирди. Бир йил подшолик қилиб, истироҳатни абзал кўриб, тахтдан воз кечди.

Ўн олтинчи подшо Султон Усмонхон Соний
ибни Султон Ахмадхон мархум.

Ўн тўрт ёшида бир минг йигирма еттинчи хижрий йилда салтанат тахтига ўтиради. Лоҳистонга лашкар тортиб, Лоҳистонни олиб, у ердан кўп асирлар олиб, Хувотин шаҳрини фатҳ қилиб, Лоҳистонлилар билан сулҳ тузиб, Истамбулга келиб аскарий низомни қайтадан ислоҳ қилиб бир минг ўттизинчи хижрий йилда Бағдоди шарифни Ажам подшосидан урушиб олишга мувафақ бўлди. Совуқ шиддатли киш бўлгани учун Боғдод томонидан бошқа жойларга лашкар тортиб билмади. Тўрт йил подшолик қилиб, ўн саккиз ёшида фони оламни падруд қилди. Отасининг ёнида дафн қилинди.

Ўн еттинчи подшо Султон Муродхон
тўртинчи зикри.

Султон Ахмадхон мархумнинг ўғли, ўн икки ёшида бир минг ўттиз итккинчи хижрий йилида салтанат тахтига ўтирди. Мамлакатни бошқариш иши унинг онаси Моҳпайкар қўлида эди, ки давлатни бошқариш ишида кўп ғайрат кўрсатди. Оқил, ишбилармон кишиларни катта лавозимларга тайинлади. Саккиз йил муддатида ҳар томондан ихтилофлар пайдо бўлиб, мамлакатда тинчлик бўлмади. Султон Муродхон тўртинчи йигирма ёшга кирганда давлат ишларини ўз қўлига олиб, отлик аскарлари ва пиёда аскарларни тартибга келтириб, уларнинг низоми ва қуролланишини яхшилади. Ҳар кун Истамбул кўчаларига чиқиб, майхона ва қаҳвахоналарни текшириб бекитар эди. Озгина вақтда ҳаммани кўзини уйқудан уйғотиб, ўзининг ҳақиқий қаҳрамонлигини вилоятларга маълум қилди. Аввал Ажам устига юриш қилди. Табриз ва Шервозни фатҳ қилди. Астраободни олиб Истамбулга келди. Яна аскарий низомини тартибга солиб, келаси йили лашкар билан бориб, Боғдодни эронийлар қўлидан олиб, Боғдод фотиҳи деб, хутбаларда ёд қила бошладилар. Бағдод учун бўлган жангда жанг майдонига ўзи кириб, қаҳрамонлик кўрсатиб, аскарларни руҳини кўтариб, улар ҳам шижоат кўрсатдилар. Афсуски ғайур

подшо йигирма тўққиз ёшида оламни тарк қилиб, отасининг ёнида дафн қилдилар.

Ўн саккизинчи подшо Султон Иброҳимхон
Султон Аҳмадхон марҳум ўғли зикри.

Йигирма беш ёшарлигида акаси ўрнига ўтиради. Қора Мустафий подшо Садр Аъзам бўлиб, йигирма уч йил султон ишларини жойига келтириб бошқаради. Унинг вафотидан кейин бўлган Садр аъзамлар мамлакатнинг бошқаришда ғайрат кўрсатган эдилар. Султон Иброҳим эллик минг аскар ва уч юз эллик кемалар билан Юнон устига Юсуф подшо сардорлигида эллик кунлик жанглардан сўнг хонлик шаҳрини фатҳ қилиб, йигирма беш йил муддатда сулҳ тузиб Вандук оролини Усмон давлати таркибига қўшди. Султон Иброҳим тўққиз йил салтанат қилиб, ўттиз тўрт ёшида истироҳатни афзал кўриб истифо берди.

Ўн тўққизинчи подшо Султон Мухаммадхон
Робехъ тўртинчи Иброҳим Султон ўғли.

Етти ёшида, бир минг эллик саккизинчи ҳижрий йилида салтанат тахтига ўтирди. Аммо Унинг салтанат ишларини отасининг онаси Моҳпайкар султон ўз қўлига олди. Унинг номуносиб сиёсатидан аскарини сардорлари ўртасида ихтилоф кучая бошланди. Садр аъзамлар тез-тез алмашинадиган бўлди. Бириси истифо бериб, иккинчиси садо аъзамликка тайинланар эдилар. Моҳпайкар Султон уларни неча нафарига жазо берди. Шунинг учун низомия ишлари парешон эди. Юнон оролига лашкарларни юбормоқчи эди. Лашкар бошлиқларидан ҳеч бири у ерга боришга рағбат қилмадилар. Ҳатто душманлар то бўғозларгача ва Ханок қалъасигача келдилар. Моҳпайкар Султон Кўпорли Мухаммад подшони Садр аъзамлик мансабига тайинладик, у вақтда у етмиш ёшида бўлиб, ақл ва идрок жиҳатидан анча тажрибага эга эди. Давлатни ислоҳ қилишга ҳаракат қилиб, денгиз бўғозларига фуқаролардан қўйиб, душман кемаларини ёндириб ташлади. Уларни таъқиб қилиб, аскар олиб келди.

Буғозларни душманлардан қайтиб олди. Ундан кейин душман кемаларини денгиздан чиқариб ҳайдайди. Кўпорли Муҳаммад подшо Садр Аъзам кексалигига қарамай, кеча кундуз давлатни ислоҳ қилишга интилди. Бир минг етмиш иккинчи йилда вафот этди. Унинг ўрнига ўғли Фозил Аҳмад подшо Садр Аъзам бўлди. У ҳам отасига ўхшаган давлатни ислоҳ қилишга ҳаракат қилди. Ҳар тарафга жанг қилиш учун лашкар тайёрлаб Мажористорга лашкар юборди. Юнон тарафига аскар юборди, Франциядан Юнистонга ёрдам учун аскар келган эдики, Юнистоннинг айрим жойларини вайрон қилиб, ўз хоҳишларига қараб Мажористонлиларга муомала қила бошладилар. Шу муносабат билан Истамбулга шикоят қилдилар. Фозил Аҳмад подшо Садр Аъзам лашкар олиб, греклар билан қаттиқ жанг қилиб, Крит оролини забт қилди. Ўн беш йилдан кейин Садр Аъзам вафот қилиб, унинг ўрнига Мустафий пошо кожирли Садр Аъзам бўлиб, лашкар тортиб Австрия устига борди. Австрия пойтахтини ишғол қилди, унинг урушлари қариб эди ки, лашкарлари пароканда бўлсин, ушнинг учун Булгорияга кириб у ерда вафот этди. Ундан кейин урус Австрияга ёрдам бера бошлади. Австрия Усмония давлатига ҳар тарафдан ҳужум қила бошлади. Айрим вилоятларни олишга мувафақ бўлди. Шу аснода Муҳаммадхон Робех турк салтанат қилиб, қирқ бир йилдан кейин эллик уч ёшида вафот этди. Унинг салтанатининг муддати қирқ бир йил эди. У ҳалим шафқатли, пок, одил бўлиб, овни кўпроқ севар эди. Шунинг учун уни “Овчи Султон” деб атар эдилар.

Йигирманчи подшо Султон Сулаймонхон сони зикри.

Султон Муҳаммадхон Робех бародаридир. Султон Муҳаммад Робех подшоликдан воз кечиб, хилватда яшашни аҳд қилгач, унинг 47 ёшли бародари унинг ўрнига подшо бўлди. Бир минг тўқсан тўққизинчи йилда эди. Унгача Султон илм тахсили ва фан билан шуғулланиб китоб ёзиш билан машғул эди. Унинг вақтида текжири аскарлари билан ордуйи аскарлари ўртасида муҳолифат пайдо бўлиб Истамбулда улар ўртасида уруш воқеъ бўлди.

Атрофдаги душманлар бу фурсатдан фойдаланиб, ҳар тарафдан усмония вилоятларига дохил бўла бошладилар. Султон Сулаймон икки тоифа фитначиларни сардорларини жазога тортди. Кўпирлизода Мустафий подшони Садр Аъзам қилиб тайинлади. Мустафи подшо аскарларнинг икки тоифасини ислоҳга келтирди. Лашкар олиш душман устига юриш қилди. Россия, Австрия билан муҳораба қилди, дўстлик сулҳини тузди. Султон Сулаймон уч йил салтанат қилиб, эллик ёшида вафот этди. Сулаймония мазорида дафн қилинди.

Йигирма биринчи подшо Султон Аҳмадхон Сони.

Кирк тўққиз ёшида бир минг бир юз иккинчи ҳижрий (1593-1594 исовий) йилида бародари ўрнига тахтга чиқиб Садр Аъзам Мустафий пошо ҳамролигида кўпгина лашкар билан душман устига бориб, неча урушлар ва хужумлар қилиб, Садр Аъзам Мустафий шаҳид бўлди. Лашкар сафлари бузилиб, душманлар тарафдан хужум қилдилар. Ҳақ вақтда Султон Аҳмад сони тўрт йил подшолик қилиб, эллик ёшида вафот этди. Султон авлодлари турбатада дафн қилинди.

Йигирма иккинчи подшо Султон Мустафо сони зикри.

Ўттиз икки ёшида бир мингу бир юз олтинчи ҳижрий (1697-1698 исовий) йилда салтанат тахтига жулус қилиб, эллик минг лашкарни ўзи билан олиб душман устига юриш қилиб, Кўпирили Умучзодахусен подшо душман кемаларини денгизга оқишиб, уларни икки марта парешон қилди ва Сатфар оролини эгаллади. Аюғосда қаттиқ жанг бўлиб душман лашкарлари парешон бўлди. Бошқа йили Султон Мустафоҳон лашкар билан бирга бориб Австрия билан муҳораба қилиб, Австрия лашкарини тор-мор қилди. Бошқа йили эса Россияга юриш қилиб Азов (Азов) қалъасини Россия тобёлигидан ўзига қўшиб олди. Бошқа йили эллик минг лашкар билан Мажористонга бориб, қаттиқ урушлар олиб бориб мағлуб бўлди.

Мухороболардан дилгир бўлиб Рум томонига қайтиб келдилар. Хусен подшони Садр Аъзам қилиб тайинлайди. Султон Мустафохон тўққиз йил муддатида салтанат қилиб 41 ёшида вафот этади.

Йигирма учинчи подшо Султон Аҳмадхон Солис зикри.

Ўттиз бир ёшида бир минг бир юз ўн бешинчи хижрий (1703-1704 исовий) йилда салтанат тахтига ўтирди. Ўша вақтда Россия подшоси Петр Великий Азов хукмронидан мағлуб бўлиб, иккинчи марта Петр Великий ўз қўшинларини қайта тузиб, уруш олиб бориб Азов давлати хукмронини мағлуб қилиб Азов хукмрони қочиб, Султон паноҳига боради. Бандар қалъасига келиб, Султонни Россия жангига тарғиб қилди. Султон Аҳмадхон Солис Садр Аъзам Муҳаммад подшо бошчилигида бир минг бир юз йигирма тўртинчи хижрий (1712 исовий) йилда Петр Великий билан жанг қилиш учун лашкар юборди. Садр Аъзам Прут дарёсидан ўтиб Россия аскарларини мағлуб қилди. Петр Великийни қўлга туширмакчи эдики, Екатерина Петрининг хотини тадбир ишлатиб эрини халос қилиб, Азоқ, Босфор қалъаларига яқин бўлган Қора денгизда Россия денгиз кемаларини қўймаслик ва ҳеч гоҳ Усманий ерига дохил бўлмаслик ҳақида Аҳднома қилди. Муҳаммад подшо бу аҳдномани қабул қилиб имзо чекди. Петр Великийни асирликдан озод қилгани сабабли подшо Султон Аҳмадхон Солис Муҳаммад подшони Садр Аъзамлик лавозимидан четлаштиради. Унинг ўрнига Али пошони Садр Аъзам қилиб тайинланади. Султон Аҳмадхон ўзи билан бирга лашкар олиб бир қанча оролларни эгаллади. Бу жангда Али пошо Садр Аъзам ҳалок бўлади. Подшо ундан кейин Истамбулга келади. Бу вақтда Эрон шоҳи Нодиршоҳ Усмонли ерларига юриш қилиб, Табризни олади. Боғдод устига қўшин тортиб келади. Султон Аҳмадхон Иброҳим подшони қўшинлар сардори қилиб, Нодиршоҳга қарши жангга юборади. Иброҳим подшо Садр Аъзам бир йил муҳораба қилиб, мағлуб бўлди. Ўша йили Истамбулда матбаа очилди. Бир неча вақтдан кейин Султон Аҳмадхон йигирма саккиз йил салтанат қилиб, подшоликни

тарк қилди. Давлат ишларига аралашмай, гўша нишин бўлгандан олти йил ўтгандан кейин олтмиш беш ёшида вафот этади.

Йигирма тўртинчи полшо Султон
Махмудхон Ғозий зикри.

Ўттиз бир ёшида яъни бир минг бир юз қирк учинчи ҳижрий (1730-1731 исовий) йилда салтанатга ўтирди. У мамлакатни бошқариш ишларида бир қанча тадбирлар ишлаб чиқади. Россия ва Боғдод мамлакатлари билан муҳораба қилиб, Азоқ (Азов) қалъасини улар қўлидан олиб, Сербия билан уруш олиб борди. Сербияни тамоман фатҳ қилиб, ундан кейин Ажам билан уруш олиб бориб, Табризни олиб, Усмония вилоятлари чегараларини кенгайтирди. Эрон билан сулҳ шартномаси тузди. Ажам ҳар йили Туркияга икки юз туя юк беришга розилик берди. Истамбулга келиб тўртта кутубхона очди. Европа вилоятларига сафар қилди. Бир қанча вақтдан кейин жума куни масҷидда жамоа намозини ўқиб оламдан ўтди. Салтанат муддати йигирма беш йил. Олтмиш ёшида вафот этади.

Йигирма бешинчи полшо
Султон Усмонхон Солис зикри.

Эллик олти ёшида, бир минг бир юз олтмиш саккизинчи ҳижрий (1754-1755 исовий) йилида салтанат тахтига ўтирди. Унинг вақтида ҳеч бир уруш бўлмади. Бир минг бир юз етмиш биринчи ҳижрийда Истамбулда ёнғин бўлиб, йигирма тўрт минг ҳовли (уй) ёнди. Султон Усмон Солис уч йил салтанат қилиб, эллик тўққиз ёшида вафот этади.

Йигирма олтинчи подшо Султон Мустафохон Солис зикри.

Қирқ икки ёшида бир минг бир юз етмиш биринчи хижрий йилда салтанат жулус қилиб, унинг давридан олдинроқ Петр Великий император давлат ишларини кундан кун ислох қилиб, уларни янгилади. Император Петр Великий ўрнига унинг хотини Екатерина императрица бўлди. Русия вилоятларини кенгайтириш учун бошқа мамлакатларга кўз олайтира бошлайди. Султон қарамовида бўлган Лахистон вилоятига хужум қилиб, бир қанча қалъаларни олди. Садр Аъзам Халил бўлса бир қанча лашкар билан Афлоқ устига бориб, Қоратол саҳросида қаттиқ жанг қилиб, усмоний турклар мағлуб, қоча бошладилар. Садр Аъзам лашкарнинг мағлубиятидан шошилинч аскарларни қолган қисмини Боботоғи томонига кўчирди. Россиянинг Болтиқ денгизи орқали Ўрта ер денгизига уруш кемалари келиб Усмония кемаларига шикаст бериб, уларнинг анчасини ёндириб юбордилар. Болқон томонига ўтди. Шу вақтда Султон Мустафохон Солис 16 йил подшолик қилиб, эллик етти ёшида оламдан ўтди.

Йигирма еттинчи подшо Султон Абдул Ҳамид биринчи зикри.

Эллик ёшида яъни бир минг бир юз саксан еттинчи хижрий йилда салтанат тахтига ўтирди. Ўша замонда ҳар тарафдан фитналар авж олган эди. Россия билан муҳоробани сулҳ билан тугатишга ҳаракат қилар эдилар. Аммо иш тўғри келмас эди. Қозончида бўлган жангдан кейин сулҳ қилишга қарор бердилар. Собик Қрим хонлари ҳар қайси вилоятга соҳиб бўлган эдилар. Азоқ қалъасини, Янги қалъа, Оқ сув дарёси соҳилларини бир минг хисса (ўлчов бирлиги) зар баробарига Россияга бериб, сулҳ қилдилар. Уларнинг ҳаммасига армиянинг яхши тузилмаганлиги сабаб бўлган эди. Ундан сўнг лашкарни қайтадан тузишга ҳаракат бошланди. Унинг натижасида ҳам ишлар яхши бўлмади. Қабон вилоятдан Шайх Тоҳир Али Мисрда исён қилиб, кўп жойларни вайрон қилди. Ҳасан подшо лашкар олиб Шайх Тоҳир устига бориб уни мағлуб

қилиб, у қочиб Мисрга кетди. Ўша вақтда Россия императрицаси Қрим хонларига мустақиллик бермасдан уларнинг атрофларини забт эта бошлади. Шоҳингарайни Қримда хон қилиб кўтарди. Ундан сўнг олти ой давомида Россия бутун Қрим вилоятларини ўз тасарруфига олди. Қрим ҳукуматини тамом йўқ қилди. Шоҳингарой Россиядан қочиб Истамбулга келди. Бир минг икки юз биринчи хижрийда Қримни Россиядан халос қилдилар. Кўп жанглар бўлиб, Турк султони қўшинлари Россия томонига ҳаракат қила бошлади. Россия имератори Австрия билан иттифоқ бўлиб, Австрия ҳам Туркияга қарши ҳужумга ўтди. Султон икки душман орасида қолган эди. Садр Аъзам Юсуф подшони Австрияга қарши курашаётган қўшинларга бошлиқ қилиб тайинлади. Садр Аъзам Юсуф пошо Австрияга бориб Маҳовия бўғозини олиб, Австрия лашкарларини мағлуб қилди. Видин ва Белград шаҳарларидан ўтиб бир қанча жойларни фатҳ қилди. Австриядан 80 адад тўп ва кўп ашёлар олиб.... (320 бетдан кейинги бетлар йиртилган).

МУНДАРИЖА

Меросимиз дурдонаси.....	3
Мирзо Салимбекнинг “Кашкули Салимий ва тарихи муттақадимин ва муттаахирин” асари ҳақида айрим мулоҳазалар.....	5

Биринчи китоб: “Кашкули Салимий”.

1. Биринчи боб. Аъзубиллоҳи минашшайтонир рожимнинг фазилати ҳақида.....	16
2. Иккинчи боб. Бисмиллоҳир раҳмонир раҳимнинг фазилати ҳақида.....	20
3. Учинчи боб. Имон ва Ислом баёни ҳақида.....	26
4. Тўртинчи боб. Ло илоҳа иллоллоҳ қавли.....	28
5. Бешинчи боб. Тобех ва тамжид ва ал дуо баёни ҳақида.....	35
6. Тўққизинчи боб. Дуруди Шариф (муқаддас ибодат) баёни ҳақида.....	44
7. Ўнинчи боб. Куръон ўқишнинг фазилати.....	48
8. Ўн биринчи боб. Илм фазилати баёни.....	50
9. Ўн иккинчи боб. Фаришталарнинг сифатлари баёни.....	54
10. Ўн учинчи боб. Одам алайҳиссалом хилқати ҳақида.....	59
11. Ўн тўртинчи боб. Нуҳ алайҳис салом ҳақида.....	63
12. Ўн бешинчи боб. Ҳазрат Иброҳим алайҳис салом қиссаси ва Намруд алайҳи лаъна воқеаси ҳақида ҳикоят.....	69

13. Ўн олтинчи боб. Айюб алайҳис салом қиссаси.....	
14. Ўн саккизинчи боб. Байтул муқаддас масжиди : биносининг баёни.....	85
15. Тавба ва истиғфор боби ҳақида.....	88
16. Вузу боби ҳақида.....	95
17. Намоз баёни. тўғрисида боб.....	97
18. Жума куни фазилати ҳақида боб.....	99
19. Азоб (уқубат) баёни ҳақидаги боб.....	103
20. Рўза ҳақидаги боб.....	105
21. Ҳажнинг фазилати ҳақидаги боб.....	107
22. Йигирма саккизинчи боб. Закот ва сидқ баёни.....	110
23. Йигирма тўққизинчи боб. Фақирлик фазилати ҳақида баён.....	113
24. Ўттизинчи боб. Дунё маломатлари ва худога умед қилиш.....	118
25. Ўттиз биринчи боб. Ихлос ва мунофиқлик (риё)ни тарки ҳақида.....	120
26. Ўттиз иккинчи боб. Хоксорлик ва калонгирлик ва хайратлантирувчи фазилат ҳақида.....	121
27. Маломат, ҳасад ва нотавонлик, кина ҳақидаги боб.....	127
28. Ғийбат ва бошқа офатлар баёни ҳақидаги боб.....	129
29. Очлик фазилати, тўқлик офати баёни ҳақидаги боб.....	133

30. Бародарлик, ҳамдамлик ва ота- онанинг хукуки фазилатлари ҳақидаги боб.....	135
31. Муҳаббат ва эхсон баён ҳақидаги боб.....	140
32. Амри маъруф баёни ҳақидаги боб.....	145
33. Ўттиз тўққизинчи боб. Тақводорлик ва Парҳездорлик вал хавф баёни.....	150
34. Қирқинчи боб. Рибо (судхўрлик) ва Хамр (майхўрлик)нинг хамролиги баёни.....	157
35. Қирқ биринчи боб. Пайгамбар саллоллоҳу алайҳи васаллам ҳижратлари баёни.....	160
36. Қирқ иккинчи боб. Ўлимнинг ваҳимаси ва шиддати баёни ҳақида.....	164
37. Қирқ учинчи боб. Қабр азоби баёни ҳақида.....	169
38. Қирқ тўртинчи боб. Амвот (вафот этгани) тушга кўриш баёни.....	172
39. Қирқ бешинчи боб. Қиёматнинг баёни ҳақида.....	173
40. Қирқ олтинчи боб. Дўзах оташи сифати ҳақида.....	176
41. Қирқ еттинчи боб. Раҳмат сифатининг баёни ҳақида.....	181
42. Қирқ саккизинчи боб. Биҳишт сифати ҳақида.....	186
43. Қирқ тўққизинчи боб. Ҳикоятлар баёни ҳақида.....	192

Иккинчи китоб: “Муттақадимин ва муттаахирин тарихининг баёни ҳақида. Имом Ёфий раҳматуллоҳи алайҳининг “Наводир ул маоний” китобидан.

1. Пайғамбарлар тарихи (Одам алайҳис саломдан Исо алайҳис саломгача ўтган айрим пайғамбарларнинг фаолиятлари ҳақидаги баёнлар).....204
2. Пешдодиён табақасининг зикри ҳақида гуфтор (қисса).....220
3. Учинчи табақа Ажам мулкидиндир ки,уларни Ашкониён деб атайдилар.....234
4. Тўртинчи табақа мулуки Ажамдандирлар ки, уларни Сосонийлар деб атайдилар.....236
5. Ҳазрат Хотам ал Набий саллоллоҳу алайҳи вассалам ва Рошиддин халифалиги зикри.....243
6. Уммовийлар ва Аббосийлар халифаликлари баёни.....244
7. Сомония, Ғазнавия, Салжукийлар подшоликлари зикри.....245
8. Хоразм шоҳлар ҳақида гуфтор.....248
9. Чингизхон подшолиги зикри.....252
10. Соҳибқирон амир Темур Тўрағай Баҳодур достони ва унинг авлодлари.....262
11. Ўзбек подшолари баёни.....267
12. Аштархонийлар подшолиги.....274
13. Мовароуннаҳрда салтанат қилган Манғития подшолари.....286

МИРЗО САЛИМБЕК

**“КАШКУАИ САЛИМИЙ ТАВОРИХИ
МУТТАҚАДИМИН ВА МУТТААХИРИН”**

**(Фурс-тожик тилидан ўзбекчага доцент
Нарзулло Йўлдошев ўгирган)**

Масъул муҳаррир: Ҳожи Садриддин Салим Бухорий.
Тех. муҳаррир : Гулнора Самиева

Теришга берилди 11.08.2003 йил. Босишга рухсат
этилди 25.08.2003 йил. Бичими 60x84 1/16. Босма табоғи
21.8. Адади 1000. Буюртма N 864.

“Бухоро” нашриёти. Бухоро ш. И.Мўминов, 27.

“Ёқуб Довуд” босмахонасида чоп этилди.
Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 27-уй.

14. Бу Ўрок (Мирзо Салимбекка амир томонидан берилган унвон) фаолияти ва Саид Мир Олим бин Саид амир Абдул Аҳад подшолиги зикри.....304
15. Россия давлати подшолари ва императорлари баёни ҳақида.....304
16. Тотор хонларининг рус князларига хужуми ва уларнинг босиб олиниши баёни.....308
17. Муаллифи тарихи ҳукамо Имом Шамсиддин Мутаммад шаҳрлари.....316
18. Усмонли турк давлати тарихи баёни.....322